ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИ

I

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ ТАРИХИ

Мил. авв. II минг йиллик
иккинчи ярми – мил. III аср

I ЖИЛД

Тошкент
«Akademnashr»
2021

УДК: 94(575.1)
КБК: 63.3(5Ў)
Ў 16

Ў 16 Ўзбек давлатчилиги тарихи [Матн] Т. 1 / Масъул муҳаррирлар: Э.В.Ртвеладзе, Д.А.Алимова. – Тошкент: Akademnashr, 2021. – 552 б.

ISBN 978-9943-5931-4-5

УДК: 94(575.1)
КБК: 63.3(5Ў)

«Ўзбекистон давлатчилиги тарихи» китобининг биринчи жилди мил. авв. II минг йиллик иккинчи ярмидан мил. III асргача бўлган даврни ўз ичига олади. Унда Ўзбекистон ҳудудида қадимги давлатчиликнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланишининг кўплаб масалалари юртимиз ҳамда хориж илм-фанидаги янги ютуқларни ҳисобга олган ҳолда турли йўналишдаги манбалар асосида таҳлил қилинади.

Биринчи жилд икки қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмида давлатлар тарихи, иккинчи қисмида турли қадимги давлатчилик институтлари тавсифланади.

Ушбу китоб мутахассислар ҳамда кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррирлар:
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, тарих фанлари доктори **Э.В. Ртвеладзе**
Тарих фанлари доктори, профессор **Д.А. Алимова**

Тақризчилар:
Тарих фанлари доктори, профессор **С.Х. Сулаймонов**
Тарих фанлари доктори, профессор **А.Х. Саидов**
Санъатшунослик фанлари доктори **Т.К. Мкртычев**

1554/60
2

ISBN 978-9943-5931-4-5

© «Ўзбек давлатчилиги тарихи»
© «Akademnashr», 2021

МУНДАРИЖА

Кириш. *Муҳаррирлардан* 7
Ўрта Осиёда давлатчилик шаклланишини ўрганишнинг баъзи методологик жиҳатлари 21

I ҚИСМ
ДАВЛАТЛАР ТАРИХИ

1-БОБ. ИЛК ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ 48
Илк давлатларнинг ривожланиши ва типологиясини даврларга ажратиш 48
Илк бақтрия ва илк сўғд давлатчилигининг шаклланиши 64
Ўрта осиё икки дарё оралиғи аҳамонийлар давлати тизимида 93
Илк Хоразм давлатчилигининг келиб чиқиши ва шаклланиши 111

2-БОБ. ЭЛЛИН ДАВЛАТЧИЛИГИ ТИЗИМИДА БАҚТРИЯ ВА СЎҒД 138
Македониялик Александрнинг истилоси ва эллин-македон давлатчилигининг жорий этилиши 138
Салавкийлар подшолиги 149
Юнон-Бақтрия подшолиги 162
Эллин давлатчилигининг барҳам топиши. Қонфедератив давлатларнинг пайдо бўлиши 176

3-БОБ. ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИДАГИ АНТИК ДАВР 179
Қанг давлати 179
Довон – Фарғона давлати 193
Хоразм давлати 201

Юэчжи-Кушон давлати 219
Шимолий Бактрия-Кушон давлати таркибида 225

II ҚИСМ
ДАВЛАТЧИЛИК ИНСТИТУТЛАРИ

Ижтимоий-иқтисодий институтлар 254
Давлатчилик ва ҳуқуқ 329
Ҳукмдорларнинг мақомлари 345
Дин ва давлатчилик 362
Пул муносабатлари 408
Солиқ хизмати 431
Дипломатик муносабатлар 440
Санъат ва давлатчилик 463
Ёзув тизимлари 484

Хулоса 509
Илова 514
Фойдаланилган адабиётлар 546
Курсаткичлар 587

МУАЛЛИФЛАР ЖАМОАСИ

Кириш

Ртвеладзе Э.В., ЎзР ФА академиги, тарих фанлари доктори; Алимова Д.А., тарих фанлари доктори, профессор. Муҳаррирлардан.

Абдуллаев Е., фалсафа фанлари номзоди. Ўрта Осиёда давлатчилик шаклланишини ўрганишнинг баъзи методологик жиҳатлари.

I қисм

Болелов С.Б., тарих фанлари номзоди. Хоразм давлати.

Матбабаев Б., тарих фанлари доктори, профессор. Довон – Фарғона давлати.

Ртвеладзе Э.В. Илк давлатларнинг ривожланиши ва типологиясини даврларга ажратиш. Македониялик Александрнинг истилоси ва эллин-македон давлатчилигининг жорий этилиши, Юнон-Бақтрия подшолиги, Эллин давлатчилигининг барҳам топиши. Конфедератив давлатларнинг пайдо бўлиши, Юэчжи-Кушон давлати, Шимолий Бақтрия Кушон давлати таркибида.

Сагдуллаев А.С., ЎзР ФА академиги, тарих фанлари доктори. Илк Бақтрия ва илк Сўғд давлатчилигининг шаклланиши. Ўрта Осиё Икки дарё оралиғи аҳамонийлар давлати тизимида.

Филанович М.И., тарих фанлари номзоди. Қанг давлати.

Ягодин В.Н., тарих фанлари доктори. Илк Хоразм давлатчилигининг келиб чиқиши ва шаклланиши.

Ртвеладзе Э.В., Абдуллаев К., тарих фанлари номзоди. Салавкийлар подшолиги.

Саидов А.Х., ЎзР ФА академиги, юридик фанлари доктори.

Ртвеладзе Э.В. Дипломатик муносабатлар.

II қисм

Абдуллаев Е. Давлатчилик ва ҳуқуқ. Дин ва давлатчилик.

Ртвеладзе Э.В. Ҳукмдорларнинг мақомлари. Пул муносабатлари. Солиқ хизмати, Санъат ва давлатчилик, Ёзув тизимлари.

Филанович М.И. Ижтимоий-иқтисодий институтлар.

Ртвеладзе Э.В., Алимова Д.А. Хулоса.

Шамукарамова Ф.Ш., тарих фанлари номзоди. Фойдаланилган адабиётлар, Қисқартмалар рўйхати.

Шамукарамова Ф.Ш., Адилов Ж.Х., Ҳамраев С.А., Д.Н. Раджабова, Г.М. Таниева, А. Йўлдошев, Г. Абдулхай, С. Назарова. Кўрсаткичлар. Қитобни нашрга тайёрлаш.

КИРИШ

Муҳаррирлардан

Ўзбек давлатчилиги тарихи тарих фанининг асосий илмий масаласи сифатида тўлақонли равишда фақатгина XX асрнинг 90-йилларида, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг ўрганила бошлади. Лекин бу фақат илмий масала эмас, балки миллий мафкура тушунчасининг таркибий қисми ҳам ҳисобланади, чунки у бир неча минг йилликлар давомида миллий давлатчиликнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиши асосларига аниқлик киритади.

Келиб чиқишнинг маҳаллийлиги ва ривожланишнинг ўз-ўзидан (ички тарзда) юз бериши, мавжудликнинг анъанавийлиги, чет давлатларнинг ҳукмронлиги даврларини бошидан кечиришига қарамай, XX асрнинг 90-йиллари бошида охир-оқибат янги асосдаги мустақил ўзбек давлатчилигининг вужудга келишида асосий таянч омиллардан бири бўлиб қолди.

Бу масалани ва ундаги янгиликларни тизимли ўрганишнинг муҳимлигини таъкидлаш билан биз ўтган йиллар давомида юртимиздаги ва хорижлик олимларнинг тарих фани бўйича энг муҳим тадқиқотларини асло инкор этмоқчи эмасмиз.

Бироқ улар бошқа муҳитда, бошқа мафкура ва усулларни ҳисобга олган ҳолда ёзилганини назардан четда қолдириб бўлмайди.

Маълумки, тарихни барча даврларни қамраб олган, ҳар томонлама умумлаштирувчи, кенг ва батафсил ёритилган тарзда ёзиш ўша даврлар учун хос ёндашув, аниқроғи, давр талаби эди.

Бу каби манбаларда давлат тарихининг ўзи, албатта, муайян даражада акс эттирилган, лекин келиб чиқиш табиати ва миллий мансублиги аниқ фактларсиз, қандайдир ноаниқ шаклда берилган эди. Хусусан, «СССР тарихи» каби умумлаштирувчи дарсликлар ва асарларда

айнан шу ҳолатни кўрамиз. Бундай дарслик ва асарларда иттифоқдош республикалар давлатчилиги кўпинча юзаки баён этилган, яъни улар давлатчиликнинг келиб чиқиши ва ривожланиш босқичлари, давлат тузилмалари типологияси, давлат хизматлари ва институтлари ҳақидаги маълумотлар келтирилмасдан, у ёки бу давлатнинг мавжудлигини тасдиқлаш шаклидагина ёритилган, холос.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида собиқ СССР ҳудудида мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши билан тубдан ўзгарди. Айнан шу йиллардан бошлаб Ўзбекистонда ҳам собиқ Иттифоқ даврида хато баҳоланган кўплаб тарихий масалаларни қайта кўриб чиқиш ва қайтадан ўрганишга киришилди. Бироқ ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганиш ва ёритиш масаласи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 28 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институтининг фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарори қабул қилинганидан кейингина аниқ бир йўналишда ривожлана бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев 2018 йил 28 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган мурожатномасида: «миллий ўзлигимизни англаш, Ватанимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, бу борада илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, гуманитар соҳа олимлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим. Ўтмишга берилган баҳо албатта холисона, энг муҳими, турли мафкуравий қарашлардан холи бўлиши зарур»[1] деган фикрлари ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи тамойилларига ғоявий асос бўлиб хизмат қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 сентябрдаги «Археологик тадқиқотларни тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий актларнинг қабул қилиниши тарих фани ривожига туртки бўлди.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев 2018 йил 28 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2018, 29 декабрь.

Албатта, ушбу йўналишда қўйилган илк қадамларда кўп ҳолларда археология, тарих, нумизматика, эпиграфика ва бошқа тегишли илмий фанлар соҳасидаги барча ютуқларни ҳисобга олмасдан иш тутилганлиги боис мураккаб тарихий масалаларни тушуниш билан боғлиқ муайян қийинчиликларга дуч келинар эди. Чунки бу борада етарлича тўлиқ маълумотлар ҳам мавжуд эмас эди, бу эса мамлакатимизда ва хорижда нашр этилган илмий адабиётларнинг яхлит мажмуаси йўқлигидан далолат берарди. Бундан давлатчилик тарихи тарихчилар, манбашунослар, археологлар, санъатшунослар ва бошқа умумий ижтимоий фанлар вакилларининг фақатгина биргаликдаги ҳаракатлари билан ёзилиши мумкинлиги ойдинлашди.

Шуни инобатга олган ҳолда 2000 йилда юртимиз олимлари жамоаси Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти раҳбарлигида сўнгги бронза давридан ҳозирги кунгача бўлган даврни ўз ичига олган, яъни уч минг йилдан ортиқ улкан даврни қамраган «Ўзбек давлатчилиги тарихи» номли фундаментал илмий асарни ёзишга киришдилар.

Асар муаллифлари Ўзбек давлатчилиги тарихининг муайян босқичини ифодалашда бу борадаги асосий тамойиллар — давлатнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий асослари, бошқарув тизими, чегаралари ва маъмурий бўлиниши, қўшини, ички ва ташқи муносабатлари, товар-пул муносабатлари, солиқ тизими, халқаро мавқеи, мулкчилиги, маънавий ва мафкуравий асосларига оид саволларга жавоб беришга ҳаракат қилишди. Бунда давлатчиликнинг ривожланишидаги даврлар, улардаги юксалиш ва инқирозлар сабаблари ҳақида ноаниқ тушунчаларни қўлламаган ҳолда алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтилди.

Ўзаги қадимги мулкчилик цивилизациясига бориб тақаладиган Ўзбек давлатчилиги тарихи ўзининг бутун эволюцияси давомида буюк юксалиш ва ривожланиш босқичларини бошдан кечирган. Бу даврларга Қадимги Хоразм ва Кушон давлатлари, Қанғ, Турк хоқонлиги, Қорахонийлар ва Хоразмшоҳлар давлатлари даврлари, айниқса, бир неча асрлар давомида Ўрта Шарқ ва Ҳиндистонда ўз тараққиёт йўллари ва йўналишларини белгилаб келган буюк

давлатчилик ва унга асос солган соҳибқирон Амир Темур даврини киритиш мумкин. Юртимиз инқироз ва таназзул даврларини, чет давлатлар ҳукмронлиги пайтларини ҳам бошидан кечирди. Муҳими, тақдирнинг минг бир синовларида ҳам асосий негиз — ўзбек халқининг хотирасида авлодлар оша яшаган давлатчиликнинг туб моҳияти ўзгармасдан қолди.

Бинобарин тарихий воқеалар баёнида масалани айнан мана шу ёндашув асосида кўриб чиқиш керак. Тарихдан фақат давлатнинг гуллаб-яшнаган даврларни танлаб олиш нотўғри бўларди, албатта. Қандай бўлишидан қатъи назар, тарихий даврларнинг барчаси бир-бирига боғлиқдир. Ҳатто чет давлатлар ҳукмронлиги даврини ўрганиш ҳам минтақада бошқарувнинг қандай тамойиллари қабул қилинганлиги, қайсилари рад этилганлиги, миллий озодлик кураши даврида маҳаллий давлатчиликнинг ўзига хос қайси жиҳатлари ҳимоя қилинганлиги борасида жуда кўп нарсаларни англашга имкон беради.

«Ўзбек давлатчилиги тарихи» номли фундаментал асарни бир неча жилдда чоп этиш мўлжалланган.

Ушбу биринчи жилдда (қадимги даврлардан мил. III асргача) Ўзбекистон ҳудудида давлатларнинг вужудга келиши, ривожланиши ва барҳам топиши тарихи, жамиятларнинг сиёсий ва маъмурий тузилиши ҳақида сўз боради.

Тарихий, ҳуқуқий ва археологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, давлатчилик шаклларининг пайдо бўлиши бир қатор муҳим омилларга боғлиқ ҳолда изоҳланади. Булар суғорма деҳқончиликка асосланган қишлоқ хўжалигида, металлургияда, ҳунармандчиликда, аввалига айирбошлаш шаклидаги, кейин эса пул, металл қуймалар шаклида амалга оширилган савдода ўз аксини топган анча ривожланган иқтисодиётнинг вужудга келиши; тегишли ижтимоий гуруҳлар ва синфларнинг ажралиши билан мулкий табақаланишнинг пайдо бўлиши, монарх бошчилигидаги жамиятнинг мураккаб иерархияси, давлат бошқарув аппарати, ҳуқуқ институтлари, давлатни бошқариш учун турли хил ҳуқуқий ҳужжатлар тўпламини тузишга ёрдам берадиган ёзув тизимлари жорий этилганлигида акс этади.

Мил. авв. IV аср охири — III аср бошларидаги Қуйи Месопотамия, Миср ва Шарқий Ўрта ер денгизининг илк давлат тузилмаларини тавсифловчи белгилар ҳам мазкур тарихий омиллардан иборат. Худди шу белгилар мил. авв. II мингйилликнинг иккинчи ярмидан мил. III — IV асрларгача бўлган даврни қамраб олган Ўрта Осиёдаги давлатчилик эволюциясига ҳам тааллуқлидир. Давлатчиликнинг илк шакллари пайдо бўлиши сўнгги бронза даврида Ўзбекистоннинг жанубида кенг тарқалган қишлоқ хўжалиги маданиятида рўй беради. Қадимги давлатчилигимиз тарихи бир неча даврлардан иборат: Ўзбекистоннинг жанубида (масалан, Жарқўтонда) бошланғич шакллдаги энг қадимги давлат тузилмаларининг шаклланиши (мил. авв. II мингйилликнинг иккинчи ярми); Бақтрия, Сўғд, Хоразмда сиёсий ҳокимият иерархиясининг тармоқланган тизимига эга давлатчиликнинг дастлабки шакллари пайдо бўлиши (мил. авв. I мингйиллик бошлари — мил. авв. 539 йил); Ахамонийлар ва Македониялик Александрнинг Ўрта Осиёни босиб олиши оқибатида маҳаллий давлатчиликнинг ривожланишида кузатилган узилишлар (мил. авв. 539 йил — мил. авв. 330 йил); маҳаллий давлатчиликнинг қайта тикланиши, хусусан, Хоразмда подшоҳлик (мил. авв. IV асрнинг сўнгги чораги) ҳукмронлиги ўрнатилиши; Бухоро, Довон, Сўғдда алоҳида ҳокимликлар (мустақил ўлкалар)нинг шаклланиши ҳамда кейинчалик бутун Ўрта Осиё Икки дарё оралиғини ўз ичига олган Қанғ давлатининг вужудга келиши мил. авв. III аср ўрталарида Юнон-Бақтрия подшолигининг шаклланиши. Кейинги даврлар — конфедератив шаклидаги давлатларнинг шаклланиш босқичлари; сўнгра (мил. авв. II асрнинг иккинчи ярми — мил. I аср бошлари) Қанғ, Хоразм подшолиги, Бухоро, Сўғд, Довон ҳукмрон ўлкалари маҳаллий давлатчилигининг мустаҳкамланиши ва келгуси ривожланиши; Юэчжи давлатининг шаклланиши ва унинг ҳокимиятининг Гандхара чегарасигача ёйилиши.

Мил. I аср бошидан қадимги даврлардаги маҳаллий давлатчиликнинг гуллаб-яшнаш даври бошланади. У вақтда Ўзбекистоннинг жанубий қисми қудратли Кушон империясининг таркибига кирган эди. Хоразмда эса III — VIII асрларда шу ерда ҳукмронлик қилган афри-

ғийлар сулоласи ҳокимият тепасига келади. Бухоро, Фарғона – Довон ва Шош бу вақтда мустақил ҳокимликлар сифатида ҳукм суриб келаётган эди.

Бутун қадимги давр мобайнида Ўрта Осиё Икки дарё оралиғидаги ҳудудида турли хил давлат бирлашмалари мавжуд бўлган. Улар орасида келиб чиқиш хусусиятларига кўра маҳаллий муҳит асосида пайдо бўлган ва аста-секин ривожланиб борган автохтон давлатлар (Қанг, Хоразм), шунингдек, ҳарбий истило оқибатида таркибига Ўрта Осиё кирган хорижий давлатлар (Ахамонийлар империяси, Бақтриядаги Юнон давлати) ажралиб туради. Шунингдек, четдан келган босқинчилар билан маҳаллий аҳолининг бирга яшаши, яъни турли халқлар вакилларининг, маҳаллий ва босқинчи ҳокимиятларнинг аралашиши, бирлашиши натижасида пайдо бўлган давлат бирлашмаларини ҳам алоҳида қайд этиш керак. Содда қилиб айтганда, давлатчиликнинг қадимий тарихи тарихий воқеаларнинг кечишига кўп жиҳатдан таъсир кўрсатган турли хил бошқарув турлари ва шаклларини ўз ичига олади.

Шунингдек, давлатларнинг типологик тавсифлари, даврийлаштириш масалалари мазкур жилдда батафсил ёритилади.

Иккинчи жилд (мил. III – IV асрлар – XV аср бошлари) ҳам юқорида қайд этилганларга ўхшаш тамойил бўйича, аммо баъзи бир ўзгаришлар асносида тузилиши мўлжалланади.

Унинг биринчи қисмида Ўзбекистон ҳудудидаги ўрта аср давлатларининг ташкил топиши, шаклланиши, ривожланиши ва барҳам топиши тарихи билан боғлиқ турли хил жараёнлар таҳлил қилинади; иккинчи қисмда давлатчилик институтлари биринчи жилддаги каби умумий жиҳатдан эмас, балки алоҳида даврлар бўйича таҳлил қилинади, чунки ривожланган ўрта аср давлатчилик институтлари илк ўрта асрлардагидан тубдан фарқ қилади, ривожланган ўрта асрларнинг мафкуравий асоси (ислом дини) ҳам мутлақо бошқача эди.

Ушбу асар муаллифлари иш жараёнида Ўзбекистоннинг давлатчилик тарихидаги янги даврнинг бошланиш чегараси, юқорида айтил-

ганидек, мил. IV – V асрлар эмас, балки мил. III аср бўлган деган муҳим хулосага келишди. Шунингдек, китобда қадимги давлатчиликнинг парчаланиши ҳам чорвадор қабилаларнинг кўчиши натижасида эмас, балки ҳали тўлиқ аниқланмаган ички сабаблар натижасида рўй берганлиги ҳақида сўз юритилади.

Негаки, чорвадор қабилаларнинг кўчиши ва уларнинг, масалан, Кушон империясининг собиқ қисми бўлган Шимолий Бактрия ҳудудини эгаллаб олиши анча кейинроқ, мил. IV аср охирларида бошланган эди.

Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистон тарихидаги яна муҳим давр – юртимизда араб давлатчилигининг қарор топиши ва унинг бу ердаги ўрта асрлар давлатчилигининг ривожланишига таъсири, шунингдек, ислом динининг кейинги барча давлатчилик шаклларида ҳам ҳал қилувчи омил сифатида жорий этилиши ва ривожланиши билан боғлиқ маълумотларнинг таҳлили алоҳида ўрин тутиши лозим.

Бутун Ўрта Осиё ҳудуди бўйлаб келиб чиқиши бўйича ғазнавийлар, салжуқийлар, қорахонийлар сулолаларига оид туркийлар ҳукмронлиги ва туркий давлатчилик ўрнатилган X – XI асрлар оралиғидаги даврлар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Инсоният цивилизацияси тарихидаги энг қудратли ва йирик давлатлардан бирини яратган Амир Темур номи билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон давлатчилигининг энг ёрқин даврига асосий эътибор қаратилиши керак.

Ўзбекистон янги тарихининг кейинги даврларига келсак, уни ёритишда Ўрта Осиё хонликларининг ўз мустақиллигини йўқотиши ва минтақа Россия империяси томонидан босиб олингандан кейинги давлатчилик институтларининг йўқ қилиниши билан боғлиқ масалалар энг муҳим ўрин тутади.

Сўнгги хонликлар XIX асрдаги Марказий Осиё давлатчилигининг ҳам охирги шакллари – жадидлар кўринишидаги тобора авж олаётган замонавий ташкилотга қарши тинимсиз кураш олиб борган монархияларни ўзида акс эттирар эди. Жамият, жумладан, унинг Европа ҳукуматларининг давлатчилик тамойиллари билан аллақачон таниш

бўлган энг илғор қисми мавжуд ҳукуматнинг тараққиётга йўл очиб бера олмаслигини англаб, ривожланишдан ортда қолишни истамади.

Бу жараёнлар, айниқса, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигида яққолроқ кечган бўлиб, уларнинг етакчилари учта қарши кучга: Россия монархияси, Муваққат ҳукумат, большевиклар ва ўзларининг миллий қўзғолончилари – ёш бухороликлар ва ёш хиваликларга тўқнаш келишди.

Ўзбекистон давлатчилик тарихининг мазкур босқичини атрофлича ўрганган муаллифлар ўлкадаги давлатчилик институтларининг ўзгаришига сабаб бўлган турли жараёнларни инобатга олган ҳолда фикр юритади. Бу тарихий жараёнлар орасида халқаро миқёсда ўрганилиши лозим бўлган воқелик – XIX асрда Марказий Осиё геосиёсий ҳолатининг ўзгариши алоҳида ўрин тутади.

Марказий Осиёнинг улкан ҳудудларини босиб олиш рус ҳокимияти олдида янги ҳудудни маъмурий жиҳатдан ташкил этиш муаммосини келтириб чиқарди. Бу ерда жорий этиладиган давлатчилик тамойиллари эътиборга олинмаслиги имконсиз бўлган маҳаллий хусусиятлар билан бирлаштирилиши керак эди. Бу эса маҳаллий яккаҳокимликнинг энг қуйи даражалари, аҳоли билан алоқани таъминлайдиган энг содда шакллари сақланиб қолиши кераклигини англатарди. «Туркистон вилояти маъмурияти тўғрисида низом», кейин эса «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низом» (1886) бўлинмалар (минг-боши) ва қишлоқ йиғинлари (оқсоқоллар) қиёфасида маҳаллий бошқарувни сақлаб қолди.

Россия империяси давлатчилигининг мустамлакачилик институтлари Туркистон ўлкасида мутлақо янги, ўзига хос шаклга кирди ва фаолият юритди. Бу ердаги институционал ўзгаришлар минтақанинг этник-маданий хусусиятларига таянар эди. Д.В. Васильевнинг «бу билан Шимолий Кавказникига ўхшаш, лекин ундан нусха олмаган махсус ҳарбий-халқ бошқарувининг ўзига хос тизимини яратиш талаб қилинди» деган фикри ҳам буни яққол ифодалайди. Ўтмиш хатоларидан сабоқ чиқарган ҳолда бу ерда кўпроқ маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи ва анъаналари ҳисобга олинди. Бироқ истило тартиби

даврида киритилган анъанавий маъмурий институтларнинг кўпчилиги аста-секин тарзда умумий империя институтлари билан алмаштирилди. Бунда институционал ўзгаришлар даражаси, сифати ва кўлами Туркистонда ҳокимият кимнинг қўлида бўлиб келганлигига боғлиқлиги ҳам катта аҳамиятга эга омил эди.

Ушбу муаммони ўрганишда Россия империясининг Туркистонда олиб борган диний сиёсатига, хусусан, ислом ва давлат ўртасидаги муносабатлар масаласига ҳам эътибор қаратиш лозим. Шу билан бирга, Туркистон генерал-губернаторларининг фикрларига қараб ислом дини ва диндорликка нисбатан доимий равишда ўзгариб турган сиёсат миллий озодлик ҳаракатларининг авж олишига ва сўнишига жиддий таъсир кўрсатиб, минтақада ўзига хос ижтимоий муҳитни вужудга келтирди.

Советлар даврига келсак, Ўзбекистон ҳам бошқа иттифоқдош республикалар сингари ўша пайтда иттифоқ давлатига тобелиги, амалда ҳақиқий давлатчиликка эга бўлмаганлиги учун бу даврни эътибордан четда қолдириш нотўғри бўлар эди. Совет давлати принциплари ва унинг механизмларининг республиканинг маъмурий тузилишига, умуман, унинг ҳолатига таъсири ҳақидаги масалаларни назардан четда қолдириб бўлмайди. Бу даврда мустақилликнинг йўқлиги, халқаро ҳамжамият учун ёпиклик, иқтисодий ва сиёсий имкониятларнинг чекланганлиги билан боғлиқ ривожланишдаги барча камчиликлар совет давлати сиёсати билан белгилаб қўйилган эди. Миллий республикаларни ташкил этиш ва унинг бошқарувини йўлга қўйишда миллий хусусиятлар лозим даражада ҳисобга олинмади. Шу сабабли ушбу даврда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги жараёнларни ўрганишда совет давлатчилигининг тури ва унинг институтлари, бу институтларнинг турли йилларда намоён бўлиш шакллари, «давлат мафкураси» ва сиёсий стратегиянинг таъсири ҳақидаги масалаларни ўрганишдан узоқлашмаслик зарур. Қадимги давр ва ўрта асрлардаги тарихни ўрганишда каби бу ерда ҳам марказий ва маҳаллий давлат ҳокимиятлари ташкилотларининг келиб чиқиши, инфратузилмаси, таъсир механиз-

ми хусусиятларини, иттифоқ таркибидаги маржинал тузилмаларни мослаштириш, ўзгартириш, синтез қилиш шакллари ва усулларини, мамлакат бюрократик аппаратининг юқори ҳамда қуйи бўғинлари субординацияси, ўзаро алоқасини, давлатнинг минтақавий сиёсатини эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Умуман олганда, давлатчилик тарихининг барча босқичлари масалаларини ўрганиш амалий жиҳатдан ҳам, назарий жиҳатдан ҳам катта қийинчиликларни келтириб чиқаради. Бу, биринчи навбатда, давлатчилик ва бошқарув тизимларининг давлат-маъмурий ва тарихий-ҳуқуқий анъаналари ва шаклланиш йўллари кам ўрганилганлиги билан изоҳланади. Адабиётларда киёсий таҳлилнинг йўқлиги, қиёсий-тарихий характердаги махсус асарлар яратилмаганлиги муаллифларнинг Ўзбекистон давлатчилигининг турли босқичлари тарихини ёритишда ўз шахсий нуқтаи назарларини танлашларига сабаб бўлди. Улар мазкур тарихий масала борасида «энг олий ҳақиқат»ни айтганликка даъво қилмайдилар, албатта. Тадқиқотлар уларнинг ҳамкасблари, ёш издошлари томонидан ҳам давом этаверади.

Кенг доирадаги мутахассисларни жалб қилган ҳолда мустақил Ўзбекистон давлатчилиги тарихига алоҳида жилд бағишлаш долзарб вазифа ҳисобланади.

Биринчи жилдга қайтадиган бўлсак, шуни таъкидлаш ўринлики, бу ерда қўлланиладиган илмий усул маълум бир давлатчилик институти эволюциясини янада аниқроқ тушунишимизга имкон беради. Бироқ, тан олиш керакки, баъзи маълумотларнинг аниқ бўлмаганлиги мавжуд бўшлиқларни тўлдиришга имкон бермаяпти.

Ушбу китобни одатий «тарихий ҳикоялар»дан ажратиб турадиган муҳим жиҳат шундаки, унда давлатчилик институтлари шунчаки ўзўзини ривожлантирувчи бирлик сифатида эмас, балки давлатнинг сиёсий йўлида бу давлатчилик институтларига нисбатан давлатнинг муносабати, муайян турдаги бундай институтларнинг зарурати, уларнинг ривожланишига давлатнинг таъсири бўйича таҳлил қилинади. Айтиш мумкинки, ривожланишни кўп жиҳатдан давлатнинг унга бўл-

ган муносабати бўйича кечган йирик санъат йўналишларига бизда кўплаб мисоллар мавжуд.

Шу боис мазкур китобда тарихнинг у ёки бу ҳодисалари ҳақида бутун воқеликни ўз ичига олган тўлиқ тафсилотлар ва маълумотлар қайд этилмаган, чунки бунга зарурат йўқ. Шунга қарамай, биз имкон қадар Ўзбекистон ҳудудидаги давлатчиликнинг келиб чиқиши ва эволюцияси масалаларига оид турли хил манбаларда келтирилган деярли барча маълумотлардан фойдаланишга ҳаракат қилдик, қуйида мазкур манбаларни келтириб ўтамиз:

1. Маҳаллий ва хорижий олимларнинг тадқиқотлари давомида олинган археологик маълумотлар ва улардан фақат давлатчилик тарихига тааллуқли бўлган далилларни ажратиб олишга имкон берадиган шарҳлар. Бу маълумотларнинг тўғри илмий изоҳланиши ҳам давлатчилик шаклланиши ва ривожланишининг дастлабки босқичларини тавсифлашда мазкур маълумотларнинг ўзи муҳим аҳамиятга эга бўла олади.

2. Юнон, ҳинд, рим ва хитой ёзма манбаларида сақланиб қолган олинган маълумотлар. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ушбу манбаларнинг, эҳтимол хитой ва ҳинд муаллифлари ёзиб қолдирганидан ташқари деярли барчаси узоқ замонлардан илгари ҳам маълум эди.

3. Ҳужжатлар. Сўнгги вақтларда бу турдаги манбалар орқали бир қатор муҳим тарихий масалаларга оид янги ва муҳим маълумотларни, масалан, Рўб ҳукмдорларининг ҳужжатлар архивини, Халилий тўпламидаги оромий ҳужжатларини, Юнон-Бақтрия шоҳи Антимах ҳукмронлиги даврига оид пергаментдаги ҳужжатни ва бошқа бир қатор ҳужжатларни тақдим этиш имкони юзага келди.

4. Кўплаб, қисқача эпиграфик маълумотлар, асосан брахма, кҳароштхи, бақтрия, сўғд ва хоразм тилларидаги ёзувлар. Ушбу турдаги манбалар, масалан, иккинчи турдаги манбалардан фарқли ўлароқ, археологик кашфиётлар натижасида доимий равишда тўлдириб борилади ва Ўзбекистон ҳудудидаги давлатчилик тарихи билан боғлиқ муаммоларни тушуниш учун янги материалларни тақдим этади. Жумладан, Тупроққалъадаги ёғоч ва терига битилган ёзув-

1554/60
2

лар, айниқса, ўша даврларда яшаган оилалар таркиби ва ижтимоий ҳолати ҳақида маълумот берувчи «Хонадонлар рўйхати» деб номланган ҳужжат; қадимги Термизда «шоҳлик монастир» бўлганлигини ва шунга кўра, Кушон подшоҳларининг буддавийлик эътиқодини қўллаб-қувватлаш сиёсатини кўрсатиб берувчи Қоратепадан топилган осори атиқалардаги ёзувлар; мансабдорлар, яъни муҳим давлат ишлари ва бошқа кўплаб вазифалар ишониб топширилган шоҳнинг муайян соҳадаги «ижрочи хизматчилар» институти мавжуд бўлганидан далолат берадиган Айритомда ўрнатилган монументал ҳайкалнинг супаси устидаги бақтрия ёзуви ана шундай материаллар сирасига киради.

5. Ўзбекистон ҳудудидаги турли қадимий давлатлар ва подшоҳликларда зарб қилинган тангалардаги нумизматик материаллар, тангалар устидаги бақтрия, сўғд ва хоразм тилларидаги ёзувлар. Ушбу маълумотларнинг таҳлили бизга давлатларнинг сиёсий ва сулолавий тарихини тавсифлашга, сулолалар ўзгаришини ва ёзма манбаларда қайд этилмаган шоҳларнинг номларини аниқлашга, пул муносабатларининг ривожланиш даражасини ва пасайиш даврларини, ҳар доим муайян бир давлатнинг алоҳида ҳуқуқи ҳисобланган молиявий институтлар мавжуд бўлганлигини аниқлашга имкон беради. Ушбу турдаги манбалар ҳам худди эпиграфик маълумотлар каби доимий равишда тўлдириб борилади. Тангалар — бу Ўзбекистон давлатчилиги тарихи бўйича биринчи даражали манба ҳисобланади.XIV аср тарихчиси Нахшабий бироз мажозий маънода шундай деган эди: «Тангалар — бу шоҳлар тарихи китоби ва давлат йилномасидир».

Ушбу манбаларнинг барчаси биргаликда илк даврларда Ўзбекистонда давлатчиликнинг пайдо бўлиши, шаклланиши, ривожланиши ва таназзулини аниқ кетма-кетликда ўрганиш имконини беради. Шу билан бирга, давлатнинг қурилиши билан боғлиқ ҳатто энг майда тафсилотларни ҳам етарлича тўлиқ очиб бериш мумкин бўлган Юнонистон ва Римдан фарқли ўлароқ, тан олиш керакки, Ўзбекистонда, умуман, Ўрта Осиёда ҳам қадимий давлатчиликнинг пайдо бўлиши даври борасида биз ҳали кўп жиҳатдан уларнинг ривожланиши уму-

мий хусусиятларини таҳлил қилиш билан чекланишга, билвосита маълумотларга ҳам тўғридан-тўғри маълумотлар каби таянишга, тарих фанидаги кўплаб турли хил фаразларни синчковлик билан таҳлил қилишга мажбурмиз. Ҳақиқий манзарани ҳосил қилиш мақсадида тарихчи олимлар, жумладан, мазкур китоб муаллифлари қўшни давлатлар ва биздан анча олис мамлакатлар тарихидан олинган қиёсий маълумотлардан ҳам кўп фойдаланишади. Баъзи ҳолларда бу усул ўзини оқлаган, бошқа ҳолларда эса бироз бўрттириб юборилганга ўхшаб қолгани кузатилади, чунки Ўрта Осиёнинг ҳатто чегараларида ҳам қадимий давлатчилик тубдан фарқ қилади. Буни кўчманчилар давлатчилиги бир қатор объектив, субъектив ва жуғрофий-ҳудудий сабабларга кўра ўтроқ-зироаткор халқларнинг давлатчилигидан фарқ қилганлигида яққол кўриш мумкин.

Шунингдек, Ўрта Осиё ҳудудига қараганда нисбатан кичикроқ бўлган минтақа — Ўрта Осиё Икки дарё оралиғи ҳудудида бир вақтнинг ўзида бошқаруви ва давлат мақоми жиҳатидан бир-биридан фарқ қилувчи давлатчилик турлари мавжуд эди. Масалан, Хоразм подшолигидаги ҳукмдорларнинг унвонлари кушонларникидан фарқли бўлса, кушонларники эса бу жиҳатдан Қанғ давлатиникидан анча фарқ қилар эди.

Китобни тайёрлаш давомида Ўзбекистон давлатчилиги тарихининг муҳим аҳамиятга эга жараёнлари, хусусан, қуйидагилар кўриб чиқилган:

1. Ўзбекистон давлатчилигининг автохтон этник-маданий асосларига таянган қадимий цивилизацияси тараққиёти асосида мустақил вужудга келиши.

2. Ўзбекистон давлатчилигининг анъанавийлиги ва унинг ривожланишидаги бир босқичдан иккинчи босқичга ўтиш кетма-кетлиги.

3. Ўзбекистон давлатчилиги тарихий шаклларининг хилма-хиллиги.

4. Ўзбекистон давлатчилиги шаклларининг цивилизация ривожланиши билан бирга битта ягона жараён тарзида босқичма-босқич ривожланиши.

Китоб муаллифлари ва унинг илмий муҳаррирлари китоб тузили-

шининг баъзи бир камчиликларини ва унда барча масалалар тўлиқ ёритилмаганлигини тан олишади, чунки бу масалани ўрганиш бир жойда ҳали давом этяпти. Археология ва манбашунослик соҳасига доир янги топилмалар туфайли Ўзбекистон давлатчилиги тарихи билан боғлиқ маълумотлар доимий равишда янгиланиб туради. Ушбу ҳолатларнинг барчасида биз машҳур тамойилга амал қилдик: «Libris finis non finis quaerendi» («Китоб тугади, аммо тадқиқот давом этмоқда»).

Монография устида ишлашда Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти, Санъатшунослик институти, Миллий археология маркази, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети ва Ўзбекистон Республикаси ФАнинг Қорақалпоқ филиали, Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази, Москва шаҳридаги Шарқ музейи вакиллари бўлган юртимизнинг етакчи олимлари иштирок этдилар.

Уларнинг барчасига асарнинг биринчи жилди бўйича билдирилган фикр-мулоҳазалари, жумладан, бу фикр-мулоҳазаларнинг айни вақтда якунланиш босқичида бўлган иккинчи ва учинчи китоблар устида ишлашда катта ёрдам берадиган методологик жиҳатлари учун нашр таҳрир ҳайъати чуқур миннатдорлик билдиради.

Э.В.Ртвеладзе,
Д.А.Алимова.

ЎРТА ОСИЁДА ДАВЛАТЧИЛИК ШАКЛЛАНИШИНИ ЎРГАНИШНИНГ БАЪЗИ МЕТОДОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Ўзбекистонда, умуман, Ўрта Осиёда давлатчилик тарихини ўрганиш методологиясининг шаклланиши республикамиздаги замонавий гуманитар фанларнинг долзарб ва, афсуски, нисбатан камроқ тадқиқ қилинган масалаларидан бири хисобланади. Маҳаллий тадқиқотчилар (тарихчилар, диншунослар, тилшунослар) томонидан нашр этилган асарлар орасида кўплаб бутунлай янги ёки янгича ёритилган далилларни ўз ичига олган бой маълумотларга эга китоблар кўплигига қарамай, уларда методологик жиҳатдан ёритилган тадқиқотлар деярли мавжуд эмас.

Бир томондан, бу аввалги мафкуравий раҳнамоликдан ва «миллатчилик»да ёки «динни тарғиб қилиш»да айбланишдан қўрқувлардан халос бўлган тадқиқотчилар Ўрта Осиё тарихини ўрганишда далиллар бор-йўқлиги нуқтаи назаридан кўплаб бўшлиқларни тўлдиришга интилишлари, бунда ўша давр учун методологияни ишлаб чиқиш масаласини кейинга, яъни бу борадаги барча керакли далиллар тўпланадиган ва нашр қилинадиган вақтга қолдиришлари билан изоҳланади. Шуни таъкидлаш жоизки, бунга ўхшаш ҳолат, афтидан, ўзларини «методологлар» деб ҳисоблаб, марказий осиёлик тадқиқотчиларнинг ишларига кўпинча ўзларининг методологик хулосалари учун далилий «хомашё» сифатида қарайдиган минтақадаги бир қатор хорижий тадқиқотчиларга ҳам анча маъқул. Бироқ баъзи хорижий муаллифлар ушбу муаммога очиқчасига эътибор қаратганлиги ҳам кузатилади. Хусусан, Ю. Брегель бу борада кескин тарзда танқидий фикр билдирганидек: «Ўрта Осиё тарихчилари, деярли барчаси умумий услубий муаммоларга бирор-бир қизиқиш билдирмайдилар... Ўрта Осиё

тарихчилари, [ўрганилаётган] даврдан ёки мавзудан қатъи назар, олдинги марксизм даврида ҳисобга олинган тушунчалардан деярли ўзгаришсиз фойдаланишда давом этмоқдалар»[1].

Методологияга қизиқиш йўқлигининг яна бир сабаби шундаки, у кўпинча мафкура билан бир хил деб қаралади, аслида, мафкура қадриятларни аниқлаш тизими вазифасини, тадқиқотнинг ижтимоий ёки сиёсий заруратини аниқловчи кўрсаткич вазифасини бажариб, у илмий терминологияни танлаш билан ҳам, фаразларнинг қурилиши ва синовдан ўтказилиши билан ҳам, умумий тартибнинг ҳақиқий қонуниятларга асосланганлигини ўрганиш ва уларнинг камчиликлари даражасини аниқлаш билан ҳам боғлиқ эмас. Буларнинг барчаси методология соҳасига тааллуқли бўлиб, уларни бой далилий материаллар билан ҳам, исталганча ишлаб чиқилган мафкуравий қурилмалар билан ҳам алмаштириш мумкин эмас.

Ўрта Осиё ҳудудида давлатчиликнинг ривожланиши каби муаммоларни ўрганиш борасида айтилган фикрларга чуқурроқ ёндашиб шуни айтиш мумкинки, тадқиқотчиларнинг услубий лоқайдлиги анчагина жиддий қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Давлатни, унинг шаклланишини, ҳудудий ёйилишини ва институтларини ўрганиш узоқ вақтлардан буён тарих билан бир қаторда яна кўплаб гуманитар фанлар — фалсафа, сиёсатшунослик, ҳуқуқшунослик, социологиянинг ва шунга мувофиқ кўплаб рақобатдош таълимотларни татбиқ этиш соҳасининг ўрганиш объекти бўлиб келган. Шунинг учун кўпинча мазкур соҳада иш олиб борувчи ва ўзини далилларни йиғиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш билан шуғулланаётган деб ҳисоблайдиган тадқиқотчи, аслида, ўзи англамаган ҳолда бир ёки бир нечта ёндашувларнинг, боз устига, анчагина эскирган (худди Ю. Брегель таъкидлаган «марксизм тушунчалари» каби) ва учинчи шахслардан олинган ёндашувларнинг «тутқун»ига айланиб қолади.

Мазкур тадқиқот ушбу методологик бўшлиқни мавжуд ёндашувларни таҳлил этиш, қолаверса, қандайдир янгисини шакллантириш

[1] Bregel Yu. Notes on the study of Central Asia // Papers on Inner Asia, 28. Bloomington, Indiana: Indiana University Research Institute for Inner Asia Studies, 1996. P. 18.

йўли билан тўлдиришни даъво қилмайди. Унинг мақсади — қадимги Ўрта Осиёда давлатчиликнинг ривожланишини объектив таҳлил этиш учун тадқиқотчилар томонидан қабул қилинган схемалар ва услубий ёндашувларни, одатдагидек, танқидсиз кўриб чиқишдир. Бундан ташқари, бизнинг илмий ишимиз Ўрта Осиёда давлатчиликнинг келиб чиқиши ва ривожланишини ўрганишда фақат қуйидаги учта муаммо билангина чекланади:

1) давлатчилик тушунчаси ва унинг тарихий шакллари;

2) давлатчиликни «ғарбий» ва «шарқий» қисмларга бўлишнинг хатолиги;

3) Ўрта Осиё ҳудудидаги давлатчиликнинг ўтроқ ва кўчманчи шаклларга ажратишдаги нисбийлик.

Мазкур муаммоларнинг танланишини биз минтақадаги давлатларнинг шаклланиши ва ривожланиши бўйича олиб борилган тадқиқотларда энг кўп айнан мана шу масалалар ҳақида сўз юритилмаётгани билан, иккинчи томондан, ушбу масалаларга энг кўп тўхталган ҳолларда — биз ҳали қуйида буни кўриб чиқамиз — тадқиқотчиларнинг нотўғри ёндашувга асосланган тайёр қолиплар ёки ҳатто шунчаки мифологик тасаввурлар «таъсири» остига тушиб қолишгани эҳтимоли билан изоҳлашимиз мумкин.

«Давлатчилик» тушунчаси ва унинг турлари

Умуман олганда, *давлатчилик* «давлат» тушунчаси билан тенг, кўлами жиҳатидан бироз кенгроқ ҳам. Хусусан, турли хил бошқарув институтлари кўринишидаги давлатчилик давлат суверенитетисиз ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Дарҳақиқат, «давлат» тушунчаси, одатда, ўзининг 1933 йилдаги давлатларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро конвенцияда ўз аксини топган замонавий мазмунида тушунилади ва ўзида қуйидагиларнинг мавжудлиги билан тавсифланади:

1) муайян ҳудуд;

2) аҳоли;

3) бошқа давлатлар билан ташқи алоқалар;

4) ҳукумат[1].

Кўриниб турибдики, давлатчиликнинг барча тарихий ва ҳудудий турлари ҳам ушбу таърифга мос келавермайди. Масалан, кўпчилик мустамлака давлатлар, уларда қанчалик чуқур давлатчилик анъаналари мавжуд бўлмасин, мазкур таърифга мос келмайди.

Аммо қадимги цивилизацияларни таҳлил қилишда «давлат» ва «давлатчилик» тушунчаларини янада кўпроқ фарқлаш керак бўлади. Ҳудуд, аҳоли, ҳукумат, ташқи алоқалар — буларнинг барчаси аниқ бир белгиланган шаклга эга бўлмаган, улар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, табиий шароитлар ва шу кабиларга қараб ўз шаклини ўзгартириб турган. Давлат ташкил этмаган ҳолда давлатчиликнинг мавжуд бўлганлиги борасидаги энг яхши таниш намуна Қадимги Юнонистон ҳудуди бўлиб, у кўпинча шаҳар-давлат (city-state, Stadtstaat) сифатида ноаниқ белгиланган эди. Бироқ, биринчидан, бундай шаҳар бутун ҳудудни ва аҳолини ҳар доим ҳам қамраб олаверган эмас. Масалан, Аттикада иккита шаҳар маркази бўлган — Афина ва Пирей; Спартада умуман шаҳар маркази бўлмаган, у бешта қишлоқ бирлашмасидан иборат эди. Шу билан бирга, Г.А. Кошеленконинг таъкидлашича, юнонлар «аслида, бундай сиёсат ҳатто ўз ҳудудисиз ҳам мавжуд бўлиши мумкин»[2] деган фикрдан ҳам йироқ эмасди. Шунинг учун ҳатто юнонлар томонидан давлат ривожининг энг юқори шакли сифатида қабул қилинган сиёсий тузилиш ҳам ҳозирги тушунчадаги давлатдан фарқ қилиши мумкин.

Юқорида айтилган фикрларни давлатчилик — бу давлатнинг ўзига хос ривожланмаган шакли, давлатдан олдинги ҳолатдир деган маъно-

---

[1] Қаранг: *Evans G., Newnham J.* The Pinguin Dictionary of International Relations. London: Penguin Books, 1998. P. 512.

[2] Қаранг: *Кошеленко Г.А.*Введение. Древнегреческий полис // Античная Греция. Проблема развития. В 2-х тт. Т.1. Становление и развитие полиса. М., 1983. С. 10, 13.

да тушунмаслик керак. Бундай тушунчага фақатгина тарихга ўта содда тасаввурлар билан қараб, уни қуйи шакллардан юқорига йўналган чизиқли, қатъий белгиланган тартибда юксалиш тарзида қабул қилган ҳолатдагина келиш мумкин.Аслида, давлатнинг шаклланиш «йўли» анчагина мураккабдир. Масалан, антик сиёсатчилар, мутафаккир ва ёзувчилар томонидан империя билан таққослаганда ижтимоий ташкилотнинг энг юқори шакли деб ҳисобланган худди шундай антик сиёсат эллинлар даврида айнан империяга айлантирилди. Иккинчидан, давлатчилик тарихи нуқтаи назаридан, нодавлат хусусиятга эга, яъни давлатга хос кўпгина белгилари мавжуд бўлса ҳам, ҳеч қачон давлат сифатида шаклланмаган тузилмаларни ҳам кўриб чиқиш мумкин. Масалан, ўз ҳукмронлигини бутун Элладага ва колонияларга ёки ўрта асрларнинг рицарлар ташкилотларигача кенг ёйган Дельфа руҳонийлари бирлашмаси бунга бир мисол бўла олади. (Нодавлат ташкилотларнинг бундай турларига замонавий мисоллар сифатида трансмиллий корпорациялар ёки халқаро ноҳукумат ташкилотларни келтириб ўтиш мумкин, христианлик, ислом, буддавийлик каби дунё динларининг ҳар доим экстерриториалликка эга бўлганлиги ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади...).

Шундай қилиб, «давлатчилик» тушунчаси умумий жиҳатдан «давлат» тушунчаси билан мос келиб, у фақатгина айни давлат тузилмаларининг (айниқса, ижтимоий ташкилотларнинг дастлабки жамоатчилик шаклларидан ўтиш даврида) шаклланиши каби уларнинг ижтимоий тузилмаларнинг нодавлат ва давлатдан ташқари шакллари билан ўзаро алоқасини ҳам янада чуқурроқ ва кенгроқ ифодалашга имкон беради. Бундан кейин давлат ва давлатчилик тушунчалари синоним сифатида ишлатилади.

Турли хил ижтимоий-илмий фанлар, методологиялар, таълимотлар ва маданиятларда «давлат» ва «давлатчилик» тушунчаларининг турли хил талқинлари ва таҳлил қилиш усуллари мавжуд. Масалан, ҳуқуқшуносликда давлатга юридик шахс сифатида, сиёсатшуносликда сиёсий агент сифатида, социологияда жамоатчилик институти сифатида, этнологияда бир ёки бир неча этник гуруҳлар ҳаёт тарзининг

шаклланиш усули сифатида қаралади ва ҳоказо. Шунингдек, турли хил методологик ёндашувларда ҳам давлат турлича кўриб чиқилади: масалан, механик ёндашув (XVIII аср – XIX асрнинг биринчи ярмида устун бўлган) доирасида давлатга доимий назорат ва даврий «таъмир»ни талаб қиладиган механизм сифатида қаралади; биологик ёндашув давлатни туғилишдан ўлишгача бўлган ҳаётий цикл босқичларидан ўтадиган тирик организмга ўхшашлиги бўйича тавсифлайди (XIX аср – XX асрнинг биринчи ярми позитивистик таълимоти учун хос), шунингдек, кибернетик ёндашув давлатни ахборотларнинг ҳаракати «тескари» ва «тўғридан-тўғри» алоқалар, «киритиш» (маълумотларни) ва «чиқариш» (ҳукумат қарорларини) билан амалга ошадиган ўз-ўзини тартибга солувчи тизим сифатида кўриб чиқади.

Давлатнинг *генетик* таърифлари, яъни келиб чиқиши орқали давлатнинг моҳиятини белгилайдиган назариялар ҳам оз эмас. В.Е. Чиркин давлатнинг пайдо бўлиши ҳақида қуйидаги назарияларни санаб ўтади: «Абадият назарияси ва давлатнинг Худо томонидан ўрнатилганлиги; ички зўравонлик (бир гуруҳ бошқа гуруҳ устидан) ёки ташқи зўравонлик (баъзи қабилаларнинг бошқалар томонидан босиб олиниши ва босиб олинган халқларни бошқариш учун давлат яратиш) нуқтаи назаридан давлатнинг пайдо бўлишини кўриб чиқадиган зўравонлик ва истило назариялари; жамоавий шартнома назариялари (умумий фаровонлик учун давлат яратиш); синфий назариялар (хусусий мулкнинг вужудга келиши, жамиятнинг синфларга бўлиниши ва иқтисодий жиҳатдан ҳукмрон синф томонидан мазлум синфларнинг давлат шаклида қаршилик кўрсатишини бостириш учун махсус аппарат яратилиши)»[1].

Гарчи кейинги вақтларда ижтимоий фанларда давлатнинг пайдо бўлиши масаласига қизиқиш аста-секин йўқолиб бораётгани ва ушбу муаммонинг Мишель Фуконинг «сиёсий археология» руҳидаги давлат тушунчаси постструктуралистик танқиди билан сиқиб чиқарилаётгани сезилиб турган бўлса ҳам, бугунги кунда бу назарияларнинг

[1] *Чиркин В.Е.* Основы сравнительного государствоведения. М.: Артикул, 1997. С. 15.

барчаси си биргаликда мавжуд ва ўзаро бир-бири билан рақобатлашмоқда. Умуман олганда, ушбу халқаро назарияларнинг барчасини халқаро муносабатларнинг замонавий назарияси терминологиясидан фойдаланган ҳолда реалистик ва идеалистик назарияларга бўлиш мумкин.

Г. Моргентау таърифига кўра, реалистик назариялар учун «ҳокимият атамаларида белгиланадиган манфаат тушунчаси хосдир. Реалистнинг фикрича, ҳар томонлама мос келадиган ахлоқий тамойилларни давлатнинг мавҳум универсал шаклланишидаги фаолияти учун қўллаб бўлмайди, улар фақат замон ва маконнинг ўзига хос ҳолатларидангина «тозаланган» бўлиши мумкин...»[1]. Қадимги Юнонистонда Фукидид ва софистлар томонидан ёқланган бу ёндашув давлатни бўйсундириш ва ҳокимият ўрнатиш воситаси сифатида намоён этувчи барча назариялар (марксизм, позитивизм, ницшечилик ва бошқа обрўли назариялар)га хосдир.

Реализмга давлат пайдо бўлишининг ихтиёрий, ҳатто ахлоқий хусусиятини таъкидлайдиган *идеализм* қарама-қарши туради. Бундай ёндашувнинг классик намунаси сифатида Арастунинг қарашларини келтириш мумкин. Арасту ўзининг «Сиёсат» китобида таъкидлаганидек, «инсон ўз табиатига кўра сиёсий мавжудотдир»[2] (1253a3), фақатгина шу шахс умумий маънода давлат фуқароси ҳисобланади; давлат ҳам ўз-ўзича фуқаро қандайдир тарзда «иштирок этган» бўлмаслиги имконсиз бўлган қандайдир «муносабат»ни ифодалайди (1260b40). Давлат «фақатгина оилалар ва уруғлар ўртасида, фаровон ҳаёт учун, мукаммал ва ўз-ўзини таъминлай оладиган даражада бўлиш мақсадида алоқа ўрнатилгандагина пайдо бўлади» (1280b34-35). Давлат ҳудудида бўлганларнинг ва у учун зарур бўлганларнинг ҳаммаси ҳам фуқаро ҳисобланавермайди, балки «асосан... барча фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлган киши» фуқародир

[1] *Morgenthau H.J.* Politics Among Nations: The Struggle for Power and Peace. New York: Alfred A. Knopf, 1978. P. 8 – 11.

[2] Бу ерда ва ундан кейин шу бўйича иқтибослар: Аристотель. Сочинения в 4-х тт. Т. 4. М.: Мысль, 1984. С. 345 – 644.

(1278a36). Албатта, турли давлатларда, давлат тузумларининг ҳар хил шаклларида ҳуқуқлар турлича тақсимланган бўлади, шу боис баъзи ҳолларда «фуқаро» ва «яхши фуқаро» тушунчалари бир-бирига тўғри келади, бошқаларида эса улар фарқ қилади. Аммо давлат ўз табиатига қачонки «бахтли ва гўзал ҳаётдан иборат бўлган, мукаммал даражада ўзини ўзи таъминлай оладиган ҳаётга эришиш учун уруғлар ва қишлоқларнинг алоқасини ўзида ифодаласа» энг юқори даражада мос бўлади (1281a2). Ундаги алоқа «ўзаро дўстликка асосланган бўлади, чунки дўстлик биргаликда яшаш учун зарур шартдир»(1280b38). Шундай қилиб, давлат тузумининг ҳар қандай шаклини тавсифлашда Арасту битта намунани назарда тутади: кўпчилик қисми, умуман, бошқарувда қатнашишга даъво қила оладиган ва ҳаёт фаровонлиги учун тўлақонли муносабатни шакллантирадиган саховатли фуқароларнинг дўстлиги (таъкидлаш керакки, Ўрта Осиёнинг ўрта аср мутафаккирлари – Форобий, Ибн Сино ва ва бошқаларнинг асарларида ҳам давлат тушунчасининг идеал шарҳлари кўп учрайди)[1].

Давлатчиликни таҳлил қилиш учун қайси ёндашув кўпроқ мос келишига бу ерда алоҳида тўхталиб ўта олмаймиз, чунки бунинг ўзи алоҳида бир мавзу саналади. Фақат таъкидлаш мумкинки, гарчи бу икки ҳолат ўртасида ҳеч қачон қатъий бир чегара бўлмаган бўлса-да, сиёсатшунослик фани тарихида қадимги даврларданоқ давлатнинг мавжудлигини таҳлил этишда реализм, унинг қандай бўлиши кераклигини таърифлашда эса идеализм устунлик қилиб келди.

Давлат турларига келсак, аллақачон қадимги дунёдаёқ унинг турли хил таснифлари мавжуд бўлганлиги кузатилади. Улар орасида энг кенг танилгани Афлотуннинг таснифи бўлиб (бу тасниф Ўрта Осиёда Афлотундан кейинги мутафаккирлар, аввало, Форобийнинг давлат турлари тўғрисидаги таълимотлари асосида ҳам ётади), давлат тузумларининг турларини мукаммалликнинг пасайиб борувчи даражаси бўйича ажратиб чиқади:

---

[1] Қаранг: *Игнатенко А.А.* В поисках счастья (Общественно-политические воззрения арабо-исламских философов средневековья). М.: Прогресс, 1989.

1) аристократия — ҳурмат-эътиборлилар ҳокимияти (келиб чиқиши бўйича);
2) тимократия — шуҳратпарастларнинг ҳокимияти (шахсий обрўси асосида);
3) олигархия — бойларнинг ҳокимияти (мулкий чегара-фарқланиш бўйича);
4) демократия — кўпчиликнинг ҳокимияти (қуруа бўйича);
5) зулм — бир кишининг ҳокимияти (зўравонлик асосида)[1].

Сўнгги икки тур — демократия ва зулм бу контекстдаги энг кўп қизиқиш уйғотадиган давлат тузуми турлари саналади, чунки қадимги даврдан буён улар нафақат қизғин мунозараларнинг мавзуси бўлиб келган, балки шарқдаги давлат шаклини асосан мустабид деб (демократик per excellence ҳисобланган ғарб давлатчилигига қарши ўлароқ) тасаввур қилиш учун асос бўлиб хизмат қилди. Мазкур масала Ўрта Осиё ҳудудида, хусусан, Ўзбекистонда давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини таҳлил қилиш методологияси билан бевосита боғлиқ бўлганлиги сабабли уни ўрганиш ва таҳлил этишга кўпроқ эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Шарқ ва Ғарб ўртасида давлатчилик: «Шарқий мустабидлик» масаласи

Маълумки, кўплаб тадқиқотчилар — ўша антик даврдаги Афлотун ва Арастудан тортиб Монтескье ва Марксгача — бошқарувнинг мустабид шакли ва Шарқ давлатлари тушунчаларига бир хил маънода қарашган эди. Бу нуқтаи назар Карл Виттфогелнинг «Шарқий мустабидлик: оммавий ҳокимиятни қиёсий ўрганиш» асарида нисбатан кенгроқ ўз ифодасини топди. К. Виттфогел яккаҳокимликка асосланган ҳокимият институтини Шарқнинг «гидравлик» (hydraulic, яъни суғорма деҳқончиликка асосланган) аграр жамиятлари деб номлана-

[1] Қаранг: *Платон.* Законы // Сочинения в 3-х тт. Т.3. Ч. 1. М., 1972. С. 356 – 388.

диган жамиятларда сув ресурсларининг чекланганлигидан келиб чиққан деб кўрсатади[1]. Виттфогелнинг фикрига кўра, бундай жамиятлардаги дин ва қонун бутунлай автократ, яъни якка ҳукмдорнинг мутлақ ҳокимият тизими таркибига киради: «суғорма деҳқончиликка асосланган жамиятда қурилиш, ташкилий фаолият ва сотиб олиш фаолияти бутун ҳокимиятнинг етакчи марказда — марказий ҳукуматда ва охир-оқибат ҳукумат раҳбарининг қўлида, ҳукмдор қўлида жамланади. Айнан шу марказда суғорма деҳқончиликка асосланган жамият цивилизациясининг пайдо бўлиши билан, одатда, жамиятдаги барча муҳим аҳамиятга эга кучлар бирлашади... Суверен ... ўзининг мутлақ юксак мавқеини мустаҳкамлайди, ўз атрофини у ёки бу шаклда энг юқори диний ҳокимият рамзлари билан ўраб олади... Кўп ҳолларда гидравлик режимлар теократик ёки деярли теократик ҳисобланади»[2].

Бундай давлатларда бутун ҳокимият ҳукмдор қўлида бўлади; гидравлик давлат қонунлари «ҳатто ўз аҳолисининг бирини (commoner) бошқасидан ҳимоя қилса ҳам, улар оддий одамларни алоҳида шахслар ёки гуруҳлар сифатида яккаҳокимликка асосланган давлатдан ҳимоя қилмайди»[3].

Бу нуқтаи назар, бир томондан, катта ва мураккаб суғориш тизимларидан фойдаланишга асосланган жамиятлардаги (хусусан, айнан Ўрта Осиёнинг қадимги давлат тузилмалари мана шундай бўлган) давлатчилик шаклининг ўзига хос жиҳатларини етарлича ҳаққоний ифодалайди. Лекин Виттфогел тадқиқотларининг, гарчи тарихий мисолларга бой эканига қарамай, иккита заиф томони бор.

Биринчидан, илмий асослашга интилишига қарамай, Виттфогел Шарқнинг «гидравлик», яъни суғорма деҳқончиликка асосланган жамиятларидаги давлатчиликни қораланган, ёқимсиз қиёфасини яратади. Унинг қарашларидан келиб чиқилса, Шарқ жамиятларида минг йиллар давом этган бундай шароитларда иқтисодиёт, техноло-

[1] *Wittfogel K.A.* Oriental Despotism: A Comparative Study of Total Power. New Haven: Yale University Press, 1959.

[2] *Wittfogel K.A.* Oriental Despotism: A Comparative Study of Total Power. ... P. 90, 92.

[3] Ўша манба. 132-бет.

гия, таълим ва бошқалар қандай қилиб ривожланиши мумкинлиги мутлақо тушунарсиз бўлиб қолади. Аслида, синчковлик билан ўқиб чиқилганда муаллиф китобининг асосий мақсади (худди ўша вақтга яқин — 1930 — 1940 йилларда — яратилган К. Поппернинг «Очиқ жамият ва унинг душманлари» асари каби) зўравон давлатлардаги замонавий муаллифларнинг шу «зўравон ҳокимият»ига қарши қаратилганлиги ойдинлашади. Виттфогел таърифлаган «Шарқ» кўп жиҳатдан ана шу авторитар режимларнинг ўтмиш давлат тизимларидаги ифодаси-акси бўлиб қолган.Шу билан бирга, олим технология ва мафкуранинг ривожланиши туфайли халқ оммасини бостириш ва бирлаштириш учун XX асрнинг биринчи ярмида Европа ҳукмдорларида мавжуд бўлган шундай кучли воситаларга Шарқ давлатлари эга бўлмаганлигини ҳисобга олмаган эди. Европа учун бундай «Шарқ», Э. Саид таъкидлаганидек (гарчи Виттфогелнинг асарига тааллуқли бўлмаса-да), бу «унинг чуқур сингиб кетган ва доимий такрорланувчи бошқача бир қиёфасидир... унинг тескари қиёфаси, ғояси, шахсияти, тажрибасидир»[1], бу жиҳатдан, у фақатгина навбатдаги «Европанинг такрорий сохта тимсоли... ўзига бино қўйган ғарбона ғоялар» бўлиб, унинг ҳақиқий Шарқ билан умумий жиҳати йўқ ҳисоби[2]. Бошқача айтганда, Виттфогел шарқий давлат моделини эмас, аксинча, Ғарбга қарши қандайдир моделни тасвирлайди.

Иккинчидан, гидравлик жамиятнинг маълум бир умумий шаклини ифодалашга интилган Виттфогел нафақат Шарқнинг деярли барча жамиятларини унинг таркибига киритади, балки уларни умумийлаштиради ҳам. Уларда яккаҳокимликдаги анъанавий равишда мавжуд бўлган қарама-қаршиликларга; бу гидравлик жамиятларга улар билан доимий алоқада бўлган кўчманчи жамиятларнинг таъсири кабиларга эътибор қаратмайди.

Дарҳақиқат, қадимги шарқий «гидравлик жамият»нинг фуқароси, олим ёзганидек, «мутлақ ҳокимият»нинг зўравонликларидан қонунлар билан ҳимояланмаган эди. Шу билан бирга, у бундай жа-

[1] *Said E.W.* Orientalism. New York: Vintage Books, 1994. P. 1 — 3.
[2] Ўша манба. 62-бет.

миятларда фуқаролар бевосита давлат ва унинг жазо муассасалари билан жуда кам ҳолларда, ҳеч қурса, давлатчиликнинг демократик бошқарув шаклларидагиганисбатан анчагина кам дуч келишганини мутлақо эътиборсиз қолдиради. Шахс ва давлат ўртасида ҳар доим айни шу шахснинг ўзи тегишли бўлган қариндошлик гуруҳи ёки жамоавий гуруҳ турар эди. Ю.И. Семёнов таъкидлаганидек, давлатчилик ривожланишининг дастлабки босқичларида ўзаро қардош гуруҳлар (филиялар, бичизиқли тузилмалар ва бошқалар) «шахсни ва шахснинг мулки ҳимоясини таъминлаган асосий ташкилотлар бўлиб қолаверган. Илк давлатчиликда фуқарога дастлаб фақатгина ҳукуматга, хусусан, ҳукмдорга қарши суиқасд қилинган тақдирдагина иш қўзғатилар эди»[1]. Юқорида айтиб ўтилганлар Қадимги Шарқ, шу жумладан, Ўрта Осиё давлатчилигининг шаклланишида кузатилган дейиш мумкин. Бошқача айтганда, «оддий одамлар» иштирокига асосланмаган бошқарув шаклларида фуқароларнинг ҳокимият билан тўғридан-тўғри алоқаси жуда кам, асосан, жамоа, табақа, уруғ ва бошқа тузилмалар воситачилигида бўларди, шахсий ҳуқуқларни таъминлаш учун давлатга жиддий зарурат туғилмас эди. Буни В.С. Нерсесянц қадимги Ҳиндистон борасида жуда ҳаққоний таъкидлаган: «... шахсий ҳуқуқ тушунчаси қадимги Ҳиндистонда шаклланмаган дегани бу ерда ўзбошимчалик ҳукмронлик қилган ёки хавфсизлик ҳеч қачон таъминланмаган дегани эмас. Ҳар қандай жамиятда шундай чегаралар мавжуд бўладики, инсон унинг доирасида ўзини эркин ва дахлсиз ҳисоблайди. Ушбу чегаралар қанчалик ўзига хос одатлар билан таъминланган бўлса, улар шунчалик ишончли бўлади. Шахсий ҳуқуқлар ҳақидаги масала ўртага чиқишининг ўзиёқ ҳақиқий вазиятдан норозиликни, эркинлик чегаралари ва шахсий сиёсий онг даражасини ўзгартиришга, кенгайтиришга уринишни англатади...»[2].

---

[1] *Семенов Ю.Н.* Основные понятия обычного права: возникновение и развитие // Юридическая антропология: закон и жизнь. М.: Стратегия, 2000 (www.jurant.ru/publ/custlaw/2000/semionov.htm).

[2] *Нерсесянц В.С.* Политическая и правовая мысль древней Индии // История политических и правовых учений. Древний мир. М., 1985. С. 154.

Бошқа томондан, таъкидлаш керакки, қадимги дунёнинг «шарқий бўлмаган» жамиятларида, масалан, Қадимги Юнонистонда давлат бошқарувида иштирок этмаган ушбу аҳоли гуруҳларининг ҳуқуқлари ҳам давлатнинг зўравонликларидан ҳимояланмаган деб ҳисоблаш мумкин эди. М. Палумбо таъкидлаганидек: «... юнон демократияси ҳозирги замондаги бизнинг тушунчамиздаги инсон ҳуқуқларини билмаган. Қадимги Афинадаги аёллар жуда кам ҳуқуқларга эга эди. Ҳаммаёкда қуллик тизими ҳукм сурарди»[1].

Ўрта Осиё ва Эрондаги қадимги давлатларнинг яккаҳокимлигига келсак, унда ҳам барча нарса К. Виттфогелнинг асарида келтирилганидек эмас эди.

Ҳаммадан кўра Аҳамонийлар империясининг (Ўрта Осиё ҳудудини ҳам камраб олган) истибдодини танқид қилиш бўйича донг таратган қадимги муаллифларнинг фикрларида ушбу империя халқлари орасида баъзи демократик институтлар мавжудлигини кўрсатувчи далиллар жуда кўп учрайди.

Масалан, Аҳамонийлар империясида кўп вакт яшаган Ксенофонт «Киропедия», яъни «Кир таълими» асарида форслар томонидан қабул қилинган (мидияликлардан ташқари империянинг форсийзабон аҳолиси назарда тутилган) етарлича демократик ёки жилла қурса мустабид бўлмаган қонунларни тасвирлаб берганди. Биринчидан, Ксенофонт форс қонунларини нафақат жазоларнинг белгиланиши жиҳатидан, балки тарбиявий табиати туфайли ҳам юнонларникидан устун қўяди. «Кўпгина давлатлар, – деб ёзади Ксенофонт, – ота-оналарга фарзандларини тарбиялашда тўла эркинлик беради ва катта ёшдаги фуқароларга ҳам мутлақо мустақил турмуш тарзига амал қилиш имкониятини яратади. Шу билан бирга, уларга ўғирлаш ва талон-торож қилиш, бировнинг уйига зўрлик билан кириш, бегунох одамларни калтаклаш, оиласига хиёнат қилиш, ҳокимият буйруқларининг бажарилишига қаршилик кўрсатиш ва шунга ўхшаш бошқа жиноятларни амалга оширишни тақиқлайди. Агар фуқаролар ушбу қонунларни бузса, бунинг учун уларни

[1] *Palumbo M.* Human Rights: Meaning and History. Malabar, 1982. P. 15.

1554/60
2

жазолашади. Аксинча, форс қонунлари эҳтиёт шарт кўриладиган чораларни ўз ичига олади ва улар фуқароларни аввалбошданоқ ҳеч қачон аҳмоқона ёки уятга қолдирадиган хатти-ҳаракатлар содир этишни ўзига эп кўрмайдиган қилиб тарбиялайди» (II, 2 – 3)[1]. Бундан ташқари, форсларда «қонунлар ҳеч кимнинг... обрўли ва юқори лавозимларга эга бўлишига тўсқинлик қилмайди; аксинча, барча форсларга ўз фарзандларини давлат мактабларига юборишга рухсат берилган»(II, 15)[2].

«Қир таълими» бадиий наср намунаси бўлганлиги сабабли Ксенофонт Эрон халқларидаги дастлабки давлатчилик тизимини бироз идеаллаштирган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бироқ идеаллаштиришда ҳам у қандайдир муайян тарихий материалга таянган бўлиши керак. Афлотун ҳам форс давлатининг дастлабки босқичларида ҳокимиятнинг мустабид бўлмаган табиати ҳақида ёзганлиги бежиз эмас: «Қир ҳукмронлиги даврида форслар қуллик ва озодликнинг ўртасида эди, аввалига улар ўзларини озод қилишди, кейин эса бошқаларнинг устидан ҳукмронлик ўрнатишди. Аммо ҳукмдорга айлангач улар ўз бўйсунувчиларига муайян даражада эркинлик беришди ва уларга нисбатан тенг муносабатда бўлишди... Агар улардан бири ақлли бўлса ва маслаҳат бера олса, шоҳ унга ҳасад қилмади, балки унинг очиқ муносабатда бўлишига рухсат берди, маслаҳатчи бўла оладиган одамларни қадрлади; уларга ўзларининг ақл-заковатини намойиш этиш учун имконият берди, шу сабабли – эркинлик, дўстлик ва фикр алмашиш туфайли форслар ўша вақтларда муваффақиятга эриша олди» (Legg. 694a-b)[3].

Шу тариқа Афлотун ҳам, Ксенофонт ҳам Аҳамонийлар давлатининг дастлабки босқичларида аниқ демократик институтлар мавжудлиги – ҳокимият ва ҳукуматга яқинлаша олиш, ўз фикрини жамоатчилик олдида ифода этиш каби эркинликлар бўлганлиги ҳақида маълумот беришади.

---

[1] Ксенофонт. Киропедия / Изд. подготовили *В.Г. Борухович и Э.Д. Фролов*. М.: Наука, 1977. С. 7.

[2] Ксенофонт. Киропедия ... С. 10.

[3] *Платон*. Законы // Сочинения... С. 165.

Бундан ташқари, Геродотнинг «Тарих» асаридан олинган, зодагон форсларнинг Форс давлатининг келажакдаги тузилиши ҳақидаги суҳбатини (муваффақиятли давлат тўнтаришидан кейин) баён қилган «...ўз ўрнида тарихий жиҳатдан ишончли»[1] бўлган машҳур парча — III, 82-80 ни оладиган бўлсак, Аҳамонийлар империясининг энг юқори чўққисида демократик ҳукумат тарафдорлари турганлиги ойдинлашади.

Шу ўринда демократия ва *исономия* (тенгҳуқуқлилик) тарафдори бўлган зодагон форслардан бири — Отаннинг нутқидан қуйидаги парчани келтирамиз:

«80. Қўзғолон тугаганидан беш кун ўтгач фитначилар [келгуси] давлат тузилиши тўғрисида кенгаша бошлади... Шунда Отан ҳокимиятни бутун форс халқининг қўлига топшириш фикрини ёқлаб гапирди. У шундай деди: «Менимча, ҳокимиятни яна битта мустабид ҳукмдор қўлига топширмаслик керак. Бу ҳам нохуш, ҳам ёмон. Ахир, Камбизнинг ўзбошимчалиги нимага олиб келганини ва коҳинларнинг такаббурлигини ўз бошимиздан кечирганимизни биласиз-ку. Агар мустабид ҳукмдор кўнгли тусаган барча нарсани қилиши мумкин бўлса, унда давлат қандай қилиб обод бўлиши мумкин? Ҳақиқатан ҳам, ҳатто энг олижаноб одамга бундай ҳокимият берилса ҳам, у ўзининг аввалги эътиқодларига содиқ қолиши даргумон бўлар эди. Унинг атрофини қуршаб олган бойлик ва ҳашамат натижасида унда такаббурлик пайдо бўлади, ҳасад эса усиз ҳам инсон табиатига хосдир. Кимда бу икки нуқсон бўлса, улар унинг бутун вужудини қамраб олган бўлади. У кўплаб жиноий ишларни қилади: баъзилари ҳаддан ташқари ўзбошимча бўлиб кетганидан, бошқалари эса яна ўша ҳасад қилганидан. Албатта, бундай ҳукмдор ҳасаддан йироқ бўлиши керак эди, чунки у подшоҳ сифатида ҳамма нарсанинг эгаси ҳисобланади. Бироқ мустабид ўз табиатига кўра фуқаролари билан мутлақо қарама-қарши [нуқтаи назардан] [келиб чиқиб] муносабатда бўлади. Ахир у «энг яхши» одамларга улар фақатгина тўғри ва соғлом бўлганлари учун

[1] *Марегулес Б.Б.* Геродот, III, 80-82 и софистическая литература // ВДИ. 1960. №1(71). С..34. Бу мақолада ушбу парчанинг манбалари бўйича олимларнинг фикрлари ҳам келтирилган.

ҳасад қилади, энг аҳмоқ фуқароларини эса яхши кўради. Энг ёмони, у бўҳтонларга қулоқ солишга мойил бўлади. Бундай одам билан муроса қилиш дунёдаги энг қийин ишдир. Унинг ишларини маъқуллашдан тийилганда буни у етарли даражада ҳурмат қилмаслик деб ҳисоблаб ғазабдан тутақиб кетади, юқори даражада ҳурмат кўрсатганингизда эса хушомадгўй деб билиб сиздан норози бўлади. Мана, энди энг ёмон томонига ўтаман: у ота-боболаридан қолган урф-одатларни ва қонунларни бузади, аёлларни зўрлайди, одамларни судсиз қатл этади. Халқ бошқарувига келадиган бўлсак, у, аввалambор, ўзининг ажойиб номи — «исономия» туфайли қолган барчасидан (бошқаларидан) кўра кўпроқ афзалликка эга. Кейин эса халқ-ҳукмдор якка ҳукмдор ҳаққим бор деб қилган ишлардан ҳеч бирини қилмайди. Ахир давлатни халқ бошқаради, давлат лавозимлари қуръа ташлаш йўли билан тақсимланади ва бу лавозимларнинг барчаси ўз масъулиятига эга бўлади, барча қарорларни халқ мажлиси қабул қилади. Шундай қилиб, мен яккаҳокимликни йўқ қилишни ва халқ ҳукмронлигини ўрнатишни таклиф этаман, чунки барча эзгулик ва афзалликлар фақат халқ ҳукмронлигидагина бўлади».

Гарчи бошқа бир зодагон форс Мегабиз «форсларга ёмонликни истаган кишигина халқ бошқарувини қадрласин» (81) деб айтганлиги туфайли Отаннинг режаси анча қатъий тарзда рад этилган ва монархияга хос «Доро режаси» қабул қилинган бўлса-да, кўриниб турибдики, Доронинг яккаҳокимлиги зарурати бошқарувнинг эркинликка асосланган (замонавий тил билан айтсак, «либерал») бўлиши кераклигини асослаб берди: «... Биз, форслар, озодликни қаердан олдик? Буни бизга ким берди? Халқми, энг зўр одамларми ёки мустабид ҳукмдорми? Менимча, агар бизга эркинлик мустабид ҳукмдор томонидан ҳадя этилган бўлса, унда биз бу [бошқарув шаклини] маҳкам ушлаб қолишимиз ва ота-боболаримизнинг яхши урф-одатларини мутлақо бузмаслигимиз керак, чунки оз бўлса-да бунинг ҳам яхши томонлари бор» (Her. III, 82).

Бундан ташқари, биз Афлотуннинг Доро томонидан амалга оширилган ўзгаришларга: унинг давлатни сатрапликларга (Ўрта Осиё

халқлари ҳам унинг ичига кирган) бўлганлиги, «қандайдир умумий тенгликни жорий этган қонунлар ўрнатганлиги; солиқни қонун билан белгилаганлиги» (Legg. 695c) ва ҳоказоларга ижобий баҳо берганини кўришимиз мумкин[1].

Яна бир бор таъкидлаш керакки, мил. авв. VI – V асрлар юнон муаллифлари Ахамонийлар империясига нисбатан жуда адоват билан ёндашган, шунинг учун юқорида келтирилган далиллар шарқий давлатлардаги давлатчилик ва ҳуқуқнинг мутлақо зўравонликка хос бўлганлиги ҳақидаги афсонани йўққа чиқаришда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Шундай қилиб, аввалдан Шарқ мамлакатлари давлатчилигига хос нарса сифатида қаралган мустабидлик ҳақидаги тасаввурни тубдан ўзгартириш зарур. Ҳеч бўлмаганда, қишлоқ хўжалигига ва суғорма деҳқончиликка асосланган жамиятларда ҳокимиятнинг муайян даражада марказлашишга хослиги ҳар доим ҳам мустабидлик ва қонунсизликни англатмайди деган фикрга қўшилиш мумкин. Яна буни Ғарб ва Шарқдаги давлатчиликнинг анчайин сохта фарқлари нуқтаи назаридан камроқ изоҳлаш керак. Таниқли филолог ва маданиятшунос С.С. Аверинцев таъкидлаганидек: «...Эсхил ва Геродотнинг «филоварвар»и давридан буён «Европа» ва «Осиё» сўзлари юнон шоирлари ва тарихчилари томонидан «ойкумена»даги иккита томоннинг бир бутунлиги рамзи сифатида тушунилади. Бу мутлақо Киплинг насиҳатларидаги ўзаро тенг, тўлақонли ва бир-бири ҳақида билишни хоҳламайдиган «Ғарб» ва «Шарқ» эмас. Эсхилда Европа ва Осиё туғишган, лекин иноқ бўлмаган икки опа-сингилдек тасвирланади. Баъзида эллинизм ва шарқий «жоҳиллик» ўртасидаги қарама-қаршилик фазовий никоҳ киёфаларида тушунтирилади. Дунё яна юмалоқ ва яхлит бўлиши учун дунёнинг иккала ярми бирлашиши керак»[2].

Буларнинг бари Ўрта Осиё ҳудудида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши «Шарқ» ва «Ғарб», аниқроғи, «шарқий» ва

[1] *Платон.* Законы // Сочинения... С. 166.

[2] *Аверинцев С.С.* Символика раннего средневековья (к постановке вопроса). (www.geocities.com/ katz_uz_il/aver/avr- 1.html).

«европа» давлатчилигининг баъзи мавҳум турларини бир-бирига қарама-қарши қўйиш нуқтаи назаридан кўриб чиқилмаслиги зарурлигини англатади. Бироқ Марказий Осиё давлатчилигини таҳлил қилишда жуғрофий андазалар фақатгина «шарқий» ва «европа» давлатчилиги ўртасидаги қарама-қаршилик даражасига таъсир қилаётгани йўқ. Қуйида биз Ўрта Осиёнинг қадимги ва ўрта асрлар Шарқидаги бошқа тарихий-маданий минтақаларга нисбатан кенг ёйилиши билан боғлиқ яна бир нечта услубий андазаларни, аввало, «Эрон» ва «Турон» мифологиясининг тасвирланишини кўриб чиқамиз.

Ўрта осиёда давлатчиликнинг тарихий-географик минтақалашуви методологик масалалари. «Эрон» ва «Турон» мифологияси

В.М. Массон таъкидлаганидек, «Ўрта Осиёнинг қадимги тарихини ўрганиш иккита асосий тарихшунослик йўналиши – манбаларни аниқлаш ва тизимлаштириш ҳамда тарихий жараённи шарҳлаш билан бир қаторда тадқиқот мавзусининг ўзини аниқлаб олиш билан боғлиқ саналади. Узоқ вақтлар давомида Ўрта Осиё ҳудуди форсий-забон халқлар ҳудудининг бир қисми сифатида қараб келинган»[1]. Ўрта Осиёни «Эрон дунёси» таркибига киритадиган бу услубий анъана ҳақида батафсилроқ тўхталиб ўтиш зарур.

«Эрон дунёси», «Эрон» тушунчалари ҳам географик, ҳам тарихий нуқтаи назардан жуда ноаниқ. 1930 йилларнинг бошидаёқ О.Г. фон Везендонк мусулмонларгача бўлган давр учун ўзи тузган харитада шимолда скифлар, сарматлар ва саклар, ғарбда македонияликлар, ливияликлар ва мисрликлар, жанубда араблар ва гедросияликлар, шарқда сўғдлар, бақтрияликлар ва ҳиндистонликлар ўртасида жой-

[1] *Массон В.М.* Историография древней истории Средней Азии // Историография истории Древного Востока: Иран, Средняя Азия, Индия, Китай / Под ред. проф. В.И.Кузищина. СПб.: Алтея, 2002. С. 49.

лаштирган «Эрон маданий доираси» *(das Iranische Kulturgebiet)* ҳақида сўз юритган эди[1]. Кўриниб турибдики, Эрон «маданий доираси»нинг, масалан, оссурияликлар ва мисрликларнинг ҳатто умумий харитада мавжуд бўлиши ўзи даргумон, шунингдек, бу «доира» тушунчасининг бўлганлиги ҳам эҳтимолдан анча йироқдир.

Қарийб ўттиз йилдан сўнг, 1962 йили, Р.Н. Фрай янада табақалаштирилган ёндашувни таклиф этди. У учта тушунчани ажратиб олишни мақсадга мувофиқ деб билади: «Эрон», «Форс» ва «Катта Эрон»[2]. «Мен эрон тиллари ва эрон маданияти ҳукмронлик қилган кенг ҳудудни назарда тутиш учун «Эрон» атамасидан фойдаланаман, — деб изоҳлайди олим. —«Форс» давлати тушунчаси «Ғарбий Эрон» билан озми-кўпми тенг тушунчани англатадиган замонавий давлатга нисбатан қўлланилади. Мен «Катта Эрон» (greater Iran) атамасини Месопотамия ва, одатда, Арманистон ва Қавказорти давлатларини ўз ичига олган, эронликлар томонидан бошқарилган давлатлар чегараларигача бўлган ҳудуд учун қўллайман ва ўйлашимча, аксарият мумтоз ва қадимги тарихчилар, аслида ҳудудга нисбатан Форс атамасини қўллашган. Албатта, динлар тарихида сиёсий атамалардан фойдаланишда эҳтиёт бўлиш керак»[3].

Сўнгги шарт жуда муҳим ва у, «эронликлар»ни фарқлашдаги бир нечта сунъий жиҳатлардан фарқли ўлароқ, ўз аҳамиятини йўқотмади. 1980 йилларнинг охирида «Эрон» тушунчасининг тарихи ва келиб чиқишини ўрганган Г. Ноли ҳам шунга яқин хулосага келади[4]. Унинг таъкидлашича, **«Эрон сиёсий, диний ва этник тушунчасининг ўзи асосан милодий III асрнинг биринчи ярмида пайдо бўлган»[5] ва бу вақтгача «Эрон» ёки «Эрон дунёси» ҳақида фақат ўта катта шартлилик билан гапириш мумкин** (таъкид бизники — *Е.А.*).

---

[1] *Wesendonk O.G.* von. Das Weltbild der Iranier. Munchen: E. Reinhardt, 1933 (kart.).

[2] *Frye R.N.* Reitzenstein and Qumran Revisited by an Iranian // Harvard Theological Review. 1962. Vol. LV. No. 4.

[3] Ўша манба. 261-бет.

[4] *Gnoli G.* The Idea of Iran: An Essay on Its Origin (Serie Orientale Roma, LXII). – Rome: Instituto italiano per il Medio ed Estern+o Oriente, 1989. – P. 179.

[5] Ўша манба. 175-бет.

Дарҳақиқат, эронлик деб аталадиган халқларнинг кўпчилиги бир-бирига қардош тилларда гаплашганлиги, диннинг ўхшаш шаклларига эга бўлганлиги, ҳатто йирик империялар (Ахамонийлар, Парфия, Кушон ва Сосонийлар)да бирлашганига қарамай, ушбу белгилар ва ўхшашликларнинг ҳеч бири бугунги кунда баъзи тарихчилар ҳисоблаганидек ҳал қилувчи рол ўйнамаган. Бизнинг фикримизча, бошқа омиллар кўпроқ аҳамият касб этган:

– ўтроқ ва шаҳарлашган форсийзабон халқларнинг форсийзабон кўчманчилар (скифлар, юэчжилар ва бошқалар) билан тўқнашуви;

– қитъалараро савдода иштирок этиш ва унинг асосий қатнов йўллари устидан назорат қилиш учун кураш;

– империялардаги марказдан қочишга доимий интилишлар, хусусан, эрон халқининг ўзи томонидан ҳам (эронлик бўлмаганлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади) ва ҳ.к.

Агар биз бунга тиллардаги хилма-хиллик, айниқса, дин ва адабиётнинг ёзилмаган табиати ва, ниҳоят, Яқин Шарқнинг сиёсий, маданий цивилизацияси, ўзгарувчан эллин цивилизацияси ва бироз қадимги ҳиндлар цивилизациясининг узлуксиз ва муҳим таъсирини қўшадиган бўлсак, унда манзара янада мураккаброқ тус олади.

Ҳатто қадимги форс тилларидаги географик матнлар ҳам уларнинг муаллифлари Эрон ерларининг бирлиги ғоясидан қанчалик узоқ эканлигини, аниқроғи, бу бирлик турли даврларда турлича қабул қилинганлигини кўрсатмоқда. Масалан, Авестодаги Видевдат (фрагард I)нинг I – III асрларда ёзилган деб тахмин қилинган машҳур «жуғрофий достон»ида асосан Ўрта Осиё ва Шарқий Эрон ерлари санаб ўтилади. Бироқ уч асрдан кейин Паҳлавийнинг Видевдатга берган шарҳида Сўғдиёна (Сўғд Гаваси) ўрнига Сурия (Gayâî-Sûrî-mânish) тилга олинган, «чиройли ва ёркин» Форс (Эроннинг жануби-ғарбий қисми) ҳақида сўз боради, Рага (ҳозирги Рай) – Видевдат рўйхатидаги ягона Ғарбий Эрон шаҳри Зардуштнинг ватани деб эълон қилинган. Шундай қилиб, Видевдатнинг илк ўрта асрларга мансуб шарҳловчилари дастлабки рўйхатга Ғарбий Эрон ерларини киритишга ва уларнинг аҳамиятини кучайтиришга ҳаракат қи-

лишади. Бу эса яна бир бор «Эрон дунёси», «Эрон ва Ўрта Осиё» каби атамалар борасида тарихий, сиёсий ва иқтисодий омилларга қараб ўзгарадиган «нисбий» география тушунчасида фикрлаш кераклигини англатади[1].

Бироқ кўпинча тадқиқотчилар қадимий ва илк ўрта асрлардаги Ўрта Осиёнинг тарихий ва маданий минтақалашувида «Эрон марказчилиги» (ираноцентризм) дан мамнуният билан узоқлашган ҳолда шартли равишда «Турон марказчилиги» (тураноцентризм) деб номлаш мумкин бўлган ва тарафдорлари Ўрта Осиёни «туркий» ёки «туроний» минтақанинг азалий қисми сифатида талқин этишга интиладиган бошқа бир «марказлашув» (центризм)га бориб тўхташади.

Маълумки, «Турон» ёки «Туркистон» («Эрон»дан фарқли ўлароқ) деб, одатда, Ўрта Осиё — ўрта аср форс манбалари ва Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асаридаги зардуштийлик матнларидан бошлаб форсийзабонлар ёки асосан шу минтақада яшовчи турк кўчманчилари тушуниладиган «туронликлар» яшайдиган жой номланади. XIX аср охири — XX аср бошларида рус (шунингдек, немис) илмий адабиётида «Турон» тушунчаси «Туркистон»нинг синоними сифатида ишлатилади[2]. Шу билан бирга, масалан, евроосиёчилик асосчиси Н.С. Трубецкой бу атамани географик жиҳатдан кенгроқ тушуниб, унинг ичига нафақат ўрта осиёликлар, балки бошқа туркийзабон халқлар, шунингдек, угор-финлар, мўғуллар ва манжурлар яшаган ҳудудларни ҳам киритади. Н.С. Трубецкой шундай деган эди: «Туронлик аждодларимиздан биз славян аждодларимиздан фахрланганимиздан кўра кам фахрланмасликка ҳаққимиз бор ва уларнинг ҳар иккисидан ҳам

[1] Афсуски, Ўрта Осиёни «Эрон дунёси»га тегишли деб билиш анъанаси сўнгги вақтларда эгалари ҳозирги тожиклар бўлган қандайдир узлуксиз «орий» давлатчилиги ҳақидаги илмийга яқин бўлган бир нечта фаразларни келтириб чиқарди. Бу қарашларга ишонарли танқид Э.В. Ртвеладзенинг «О некоторых аспектах новейших исследований истории Центральной Азии» (*Ртвеладзе Э.В., Сагдуллаев А.С.* Современные мифы о далеком прошлом народов Центральной Азии. Ташкент, 2006. С. 8 — 15) мақоласида берилган.

[2] Россия катта энциклопедиясидаги «Турон» мақоласида (1901 й.) шундай қайд этилади: «Турон атамаси кўпинча рус Туркистонининг синоними сифатида қўлланилади, бу эса, табиийки, Эрон каби умумий географик терминга зид келади» (Большая энциклопедия. Т. 18. СПб., 1901. С. 640).

миннатдор бўлишимиз керак. Ўзининг нафақат орийларга, балки турон психологик турига мансублигини англаб етиш ўзини ва миллий ўзлигини англашга интилаётган ҳар бир рус учун зарурдир»[1].

Шуни таъкидлаб ўтамизки, бундай талқинда «Турон» атамаси «Эрон» каби мафкуравий хаёлот қурбонига айланиб, ўзининг илмий моҳиятини бутунлай йўқотмоқда. Бу ўринда изоҳ сифатида муаллифи «СССР ўрнига Туронми?» деб фикр билдирган мақолани кўриб чиқишнинг ўзи кифоя: «Октябр инқилоби ва унинг оқибатида содир бўлган воқеалар туронликлар учун узоқ кутилган кунларни берди... Ёмғирдан кейинги қўзиқорин каби чегаралари этник ва тарихий воқелик билан ҳеч қандай умумийликка эга бўлмаган туркий миллий давлат тузилмалари ривожланишни бошлади. Қавказда Озарбайжон турк республикаси ташкил қилинди, бинобарин, Озарбайжон Шимолий Эрон ҳудудининг географик номи эди. Урал, Сибир ва Ўрта Осиёнинг бирлашган жойида большевиклар улкан Қозоғистон Республикасини яратдилар... Биргина ютиб чиққан — ютганда ҳам жуда катта ютуққа эга бўлган Турон бўлди»[2]. Савол туғилади: ундай бўлса, муаллифнинг фикрича, «Турон»нинг ўзи нима? Давлатми? Ҳудудми? Эҳтимол, шунчаки афсонадир.

«Турон»нинг маълум даражада мифологик талқин қилинишига бошқа мисол сифатида Туркия тарихини барча туркийзабон халқлар тарихининг асосий йўналиши сифатида тасвирлашга уринган баъзи турк тарихчиларининг асарларини келтириш мумкин. Бундай ёндашувнинг сўнгги намуналаридан бири И. Тоганнинг «турклар тарихи»даги «бурилиш нуқталари» (the turning-points)ни таҳлил қилишга бағишланган «Турклар тарихида ҳокимиятнинг қонунийлаштирилиш шакллари»[3]мақоласидир; бу ерда биринчи уч «нуқта» (мил. авв. VI асрда «дастлабки туркларнинг юксалиши»дан бошлаб XV асрда Ус-

[1] *Трубецкой Н.С.* О туранском элементе в русской культуре// Евразийский вестник. — Берлин, 1925 (gumilevica.kulichki.net/TNS/ tns.htm).

[2] *Геворкян А.* Туран вместо СССР? // Наш современник. 1993. №4. С. 140 — 141.

[3] *Togan I.* Patterns of Legitimization of rule in the History of Turks // Rethinking Central Asia: Non-Eurocentric Studies in the History, Social Structure and Identity / Ed. K.A.Erturk. — Reading. UK: IthacaPress, 1999.

монли империясининг пайдо бўлишигача) «турклар дунёси»нинг қандайдир хаёлий бирлиги даврига тааллуқлидир[1].

Умуман олганда, Ю. Брегель таъкидлаганидек, «Марказий Осиёнинг Туркистон билан, унинг барча аҳолисини эса турклар билан (ҳозирда ҳам худди ўтмишдагидек тожикларни мутлақо эътиборсиз қолдирган ҳолда) тенглаштирилиши Ғарбдаги «туркистонлик» муҳожирлар давралари вакиллари томонидан фаол қўлланмоқда; шу тариқа Волгабўйи ва Кавказ турклари буюк «Туркистон»нинг бир қисми бўлиши мумкин[2].

Бизнинг фикримизча, қадимги ва илк ўрта асрлардаги Ўрта Осиёни маълум бир макро минтақага — хоҳ у «Эрон» бўлсин, хоҳ «Турон» — «киритиш»га уринишнинг ўзи, аввало, ясама тасаввур маҳсулидир. Тил ёки этник мезонлар ҳарбий иттифоқлар, иқтисодий алоқалар ва умумий диний қадриятлар фонида ҳар доим орқага чекиниб, минтақадаги форсийзабон халқларда ҳам, туркийзабон халқларда ҳам ҳеч қачон муҳим рол ўйнаган эмас. Буларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда Ўрта Осиёнинг қадимги ва илк ўрта асрлардаги Шарқнинг бошқа минтақалари билан кўп томонлама боғлиқлиги ҳақида сўз юритиш керак. Масалан, Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида буддавийликнинг кенг тарқалиши даврида (мил. I — VII асрлар) минтақа Ҳиндистон, Хитой ва Корея билан биргаликда маркази дастлаб Ҳиндистон, кейин эса Хитой бўлган «буддавийлик олами»нинг бир қисми бўлган эди. Айни ўша вақтда христианликнинг несториан оқими тарқалиши натижасида минтақа худди шу тарзда маркази Сурияда бўлган «Шарқ черковлари» оламига бирлаштирилганди.

Буларнинг ҳаммаси тарихий-географик районлаштиришга ўта эҳтиёткор, ҳар томонлама ўйлаб ёндашиш кераклигини, муҳим мифологик ёки рамзий маънога эга атамалардан ҳам (масалан, «Эрон дунёси», «Турон», «Туркистон»), кўпинча бошқа тарихий контекстда шаклланган нисбатан замонавийроқ атамалардан ҳам (бу тоифага «Ўрта Осиё» атамаси ҳам, минтақадаги барча замонавий давлатлар-

[1] *Togan I.* Patterns of Legitimization of rule in the History of Turks ... P. 45.
[2] *Bregel Yu.* Notes on the study of Central Asia ...

нинг номлари ҳам киради) фойдаланиш бўйича пухта маслаҳатлашиб олиш зарурлигини англатади.

Таъкидлаш жоизки, юқорида келтирилган маълумотлар нафақат Ўрта Осиё учун, балки тарихда азалдан «маълум»дек туюладиган бошқа минтақалар, масалан, Ҳиндистон учун ҳам тегишлидир. С.Д. Серебряний таъкидлаганидек, «европаликлар «Ҳиндистон» сўзи билан номлаган ҳудудларнинг чегаралари вақт ўтиши билан ўзгариб борди... Афтидан, фақат XIX асрда – Британиянинг Ҳинд империяси чегаралари белгиланган вақтдагина «Ҳиндистон» сўзи нисбатан аниқроқ чегараларга эга бўлди... XIX асргача атиги бир неча маротаба ва нисбатан қисқа вақт давомида якка давлатчилик ҳокимияти бутун субминтақани қамраб олишга эришди: буддавий император Ашока (мил. авв. III аср) даврида, Деҳли султони Муҳаммад Туғлуқ (XIV аср) даврида ва бобурий Аврангзеб (XVIII аср) даврида. XIX аср ўрталарига келиб инглизлар биринчи марта деярли бутун субминтақани ягона сиёсий тизимга – Ҳинд империясига бирлаштирди. Маълумки, 1947 йилда бу империя икки мустақил давлат – Ҳиндистон ва Покистонга айланди, 1971 йилда эса Покистондан унинг шарқий «қаноти» ажралиб чиқиб, Бангладеш давлатига айланди. Ушбу ўзгаришлар натижасида 1947 йилдан бери «Ҳиндистон» сўзи икки хил маънога эгадек бўлиб қолди. Қундалик ҳаётда (хатто энциклопедияларда ҳам!) бу сўз остида ҳозирда юқорида номи келтирилган давлатлардан фақат биттасини, расман «Ҳиндистон Республикаси» деб аталадиганини тушунишади. Аммо «Ҳиндистон» сўзининг аввалги «анъанавий», нисбатан кенгроқ маъноси ҳам ўз кучида қолди. Бу ном, ҳозирги геосиёсий номенклатурага кўра, «Жанубий Осиё» ёки «Жанубий Осиё субконтинсенти» деб номланадиган ўша бутун маданий минтақа билан ҳам боғланади. Тарихчилар, филологлар ва бошқа ижтимоий фанлар мутахассислари... «Ҳиндистон» сўзини иккинчи анъанавий маънода ишлатишда давом этишмоқда»[1].

Таъкидлаш мумкинки, ушбу минтақани қамраб олувчи «ягона давлат ҳокимияти»нинг йўқлиги (эпизодиклиги), минтақани англатувчи

[1] *Серебрянный С.Д.* К анализу понятия «индийская литература» // Литература и культура древней и средневековой Индии. М., 1987. С. 236.

«чегаралар»нинг тарихий ўзгарувчанлиги, шунингдек, аввалги «минтақа» ҳудудида қарийб бир аср давомида бутун минтақани бирлаштирган собиқ мустамлакачилик ҳокимияти қулаганидан кейин пайдо бўлган бир неча мустақил давлатларнинг мавжудлиги «Ўрта Осиё» тушунчаси ва у билан бир доирага оид тушунчаларнинг мазмуни учун ҳам хосдир. (Ўхшатишни давом эттириб шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистоннинг Ўрта Осиё минтақасидаги тарихий-маданий ўрни Ҳиндистоннинг Жанубий Осиё минтақасидаги мавқеига нимаси биландир ўхшаш: Ўзбекистоннинг чегаралари минтақадаги деярли барча давлат тузилмаларининг ҳудудларини — тўлиқ ёки қисман — ўз ичига олади; шундай қилиб, Ўзбекистон давлатчилигининг шаклланиши тарихи маълум даражада бутун минтақадаги ўхшаш жараёнларни акс эттиради.)

Яна шуни айтиш керакки, С.Д. Серебрянний томонидан эслатиб ўтилган «геосиёсий номенклатура» ҳам у ёки бу ҳудудни ажратиб олишга имкон берадиган қандайдир ўзгармас асос сифатида қабул қилинмаслиги лозим. Афсуски, замонавий (айниқса, Россияда) ижтимоий фанларнинг геосиёсатга қизиқиши Ўрта Осиёни географик жойлашуви, рельефи ва бошқа «геосиёсий марказлар» билан муносабатларига асосланиб маълум бир геосиёсий бирлик сифатида тавсифлашга уринишларни кучайтирмоқда. Мана, масалан, Ўрта Осиёнинг Россия мустамлакасига айлантирилиши Д.Н. Замятин томонидан шунга ўхшаш фан тилида шундай тасвирланади: «Икки хил геосиёсий майдоннинг устма-уст қўйилиши Ўрта Осиёнинг жадал шаклланиб бораётган геосиёсий рельефи ва унинг геологик-геомаданий ва геоцивилизацион тузилиши ўртасида кучли қарама-қаршиликка олиб келди; цивилизациялашган чуқур геология юзаки геосиёсий рельеф билан қандайдир кураш олиб боргандек эди»[1]. Муаллифга, «гео-» (ушбу қисқа гапда етти марта ишлатилган) олд қўшимчаси ёрдамида баландпарвоз иборани яратиб шунчалик сунъий тилга мурожаат қилиш нега керак бўлганини изоҳлаш қийин; олдинги матн парчасидаги

[1] *Замятин Д.Н.* Гуманитарная география: Пространство язык географических образов. СПб.: Алетейя, 2003. С. 264.

«цивилизациялашган чуқур геология» жумласи ва муаллиф фойдаланган бошқа тушунарсиз гап қурилмалари остида нимани тушуниш кераклиги эса янада ноаниқ ва мавҳум. Д.Н. Замятиннинг хулосасида ҳам мана шундай рух сақланиб қолган: «Геосиёсий ва географик чегаралар шакли доимо ўзгарувчан бўлади; аммо, энг муҳими, унинг геомаданий ва геоцивилизацион пойдевори аниқ»[1]. Бу ерда ҳам ушбу «пойдевор» шунчаки «маданий ва цивилизация» деб таърифланган бўлганида ҳам ҳеч нарсани йўқотмаслигини айтиб ўтишга ҳожат бўлмаса керак; асосийси, бу асоссиз ўйлаб топилган, умуман, мафкуравий жиҳатдан бўрттирилган, гўёки «аниқ» пойдевор ҳақидаги бундай сафсаталарга методологик жиҳатдан йўл қўйиб бўлмайди[2].

Шундай қилиб, биз, умуман, Ўрта Осиёнинг, хусусан, Ўзбекистоннинг давлатчилик тарихини таҳлил қилишга оид эскирган ёки бошидан хато бўлган андазаларга бир неча мисолларни кўриб чиқдик. Ушбу услубий андазалар ва қарашларга барҳам бериш битта «ягона тўғри» тадқиқот усулини ишлаб чиқишни тақозо этмайди. Қолаверса, бу борада ягона ёндашув мавжуд эмаслиги, аксинча, турли ёндашувларнинг кўплиги тадқиқотчига, тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, улардан ўзига мосини танлаш учун кенг имконият беради. Бу эса замонавий ижтимоий фанларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади. Шунга қарамай, мазкур танлов жараёни тадқиқотчида фан бўйича билим ва касбий сезиш қобилиятидан ташқари замонавий методологиялар «бозори», уларнинг кучли ва заиф томонлари ҳақида, шунингдек, ўзимизнинг мавзумизга қайтадиган бўлсак, уларни, хусусан, муайян минтақадаги давлат ва унинг институтлари ривожланишини таҳлил қилишда қўллаш ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишини тақозо этади. Кўпчилигини биз юқорида тилга олган бундай методологияларни таҳлил қилиш ва танқидий жиҳатдан кўриб чиқиш Ўрта Осиё тадқиқотчилари – ҳам тарихчилар, ҳам бошқа ижтимоий фанлар вакиллари учун катта ёрдам бўлар эди.

[1] *Замятин Д.Н.* Гуманитарная география: ... С. 268.
[2] Ўша манба. 240-бет.

I ҚИСМ

ДАВЛАТЛАР ТАРИХИ

1-БОБ. ИЛК ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

ИЛК ДАВЛАТЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ТИПОЛОГИЯСИНИ ДАВРЛАРГА АЖРАТИШ

Давлат бирлашмаларининг илк турлари эгаллаган ҳудуди бўйича анча кичик бўлган «давлатлар»нинг иқтисодий, сиёсий ва диний марказлари саналган энг қадимги шаҳарлар ҳисобланади. Мисол учун, Қуйи Месопотамияда атиги 1000 кв.км. майдонда бир нечта шаҳар-давлатлар ўрин олган: Урук, Ларса, Лагаш, Ур, шунингдек, Урук ва Лагаш бир-биридан атиги 24 км. узоқликда жойлашган эди. Кейинчалик босқинчилик урушлари натижасида ушбу шаҳар-давлатларнинг бир неча юз квадрат километр ҳудудни қамраб олган ягона, нисбатан йирик шоҳликларга уларда жорий қилинган мустабид ҳокимият тизими билан мажбуран бирлаштирилиши рўй беради. Сўнгра бу дастлабки шоҳликлар қўшни ҳудудларни куч билан босиб олиши натижасида баъзан кенг майдонларни эгаллаган монархияларга айланади.

Давлатларнинг ривожланиш қонунияти ва муайян шароитлар уларнинг баъзиларини бир нечта қитъалар ҳудудида кенг ёйилган улкан жаҳон империяларига айлантиради. Бунга Осиё, Европа ва Африка мамлакатларини ўз ичига олган Ахамонийлар подшолиги яққол мисол бўла олади. Яқин ва Ўрта Шарқдаги давлат бирлашмаларининг пайдо бўлган жойидаги асосий эволюция йўли қисқача мана шундай.

Ўрта Осиё Икки дарё оралиғидаги давлат тузилмаларининг келиб чиқиши ва эволюцияси жараёни ундан сезиларли даражада фарқ қилади, лекин маълум тарихий сабабларга кўра юқоридаги ҳудудлар айни бир давлатлар (Ахамонийлар подшолиги, Салавкийлар подшолиги) таркибига кирган.

Ўрта Осиё Икки дарё оралиғи алоҳида ўзига хос тарихий-географик ва тарихий-маданий ҳудуд бўлиб, минг йиллар давомида унинг

цивилизацияси иккита улкан дарё – Амударё (қадимги Окс) ва Сирдарё (қадимги Яксарт) туфайли мавжуд бўлиб келди. Бу ерда вужудга келган давлатлар кўпгина белгилари бўйича қадимги даврдаги каби ўрта асрларда ҳам умумий хусусиятлари билан Ўрта Осиёнинг қолган қисмларида жойлашган давлатлардан фарқ қилар эди. Шунингдек, Ўрта Осиё Икки дарё оралиғи ҳудудининг чегараларида – шимолий (Хоразм) ва жанубий (Бақтрия) минтақалар ҳам, айниқса, қадимги даврда этник жиҳатдан ҳамда моддий маданият, тил ва ёзув, давлат бошқаруви тизими нуқтаи назаридан бир-биридан кескин фарқ қиларди. Бунинг сабаби ҳар бир минтақа учун хос бўлган маданий-генетик турлар мавжудлиги, кўчманчи ва ўтроқ халқларнинг турли соҳаларда турли даражада рақобатлашишида эди.

Ўзбекистон ҳудудидаги қадимий давлатчиликнинг ривожланишини биз таклиф қилаётганимиздек даврларга ажратиш ҳар бир давр учун хос ва муҳим бўлган, ўтган даврга нисбатан янги давлатчилик белгиларини танлаб олиш усулига асосланган.

У Ўзбекистон тарихи ва археологиясининг маҳаллий ва хорижий тадқиқотлари асосий ютуқлари асосида ишлаб чиқилди. Давлатчиликка оид турли масалалар ва муаммоларга муайян даражада тўхталиб ўтган нашрлар жуда кўп эканини инобатга олган ҳолда ушбу бўлим муаллифи асосий матнни изоҳ ва ҳаволалар билан тўлдирмаслик учун улардан камроқ фойдаланиш мумкин деб ҳисобланди, чунки улар шундоқ ҳам мазкур китобнинг барча бўлимларида мавжуд.

Даврлаштириш

Ўрта Осиё Икки дарё оралиғидаги қадимги давлатчилик эволюциясида мил. авв. II мингинчи йилликнинг иккинчи ярмидан мил. III – IV асрларнинг иккинчи ярмигача, яъни қадимги давлатлардан ўрта аср давлатларига ўтиш давригача бўлган даврни қамраб олган олтита асосий даврни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Бу ҳудудда давлатчиликнинг дастлабки шакллари вужудга келиши сўнгги бронза даврида Ўзбекистоннинг жанубида кенг тарқалган ўтроқ деҳқончилик цивилизациясининг иқтисодий ва маданий ютуқлари асосида рўй беради. Унинг якун топиши мил. III асрнинг биринчи ярмида Кушон ва Парфия подшоликларининг қулашига тўғри келади. Тахминан айни шу вақтда Қанғ давлати ҳам барҳам топади.

Биринчи давр. Мил. авв. II мингйилликнинг иккинчи ярми.

Шимолий Бақтрияда сайланган ҳукмдор ва оқсоқоллар кенгаши бошчилигидаги бир неча маданий воҳаларнинг ихтиёрий бирлашиши шаклидаги, ўша даврда Бақтрия ҳудудида ривожланган йирик бирлашманинг таркибига кирган бўлиши ҳам эҳтимолдан йироқ бўлмаган давлатчиликнинг бошланғич шаклларининг юзага келиши[1].

Бундай турдаги бирлашмаларда маълум даражада ривожланган иқтисодиёт, жумладан, суғорма деҳқончилик, ҳунармандчиликнинг бир неча турлари (сопол, металл), ҳудуд ичкарисида ва бутун минтақа бўйлаб савдо ишлари олиб борилганлиги уларда давлатга оид хусусиятлар мавжуд бўлганлигига ишора қилади. Айниқса, бир нечта қабристонлар бўлганлигига қараганда, сайланган ҳукмдорнинг умумий ҳокимияти остида бирлаштирилган бир қатор «манзилгоҳлар»дан иборат Жарқўтон каби нуфузли (доминант) манзилгоҳларнинг пайдо бўлиши ҳам айни шундан далолат беради. Ушбу манзилгоҳда ибодатхона ва саройнинг мавжудлиги бошқарув аппаратининг етарлича ривожланган шаклларидан ва ибодатхона хизматчилари институтининг ажралиб чиққанлигидан дарак беради. Қўҳитанг тоғи этагида, полиметалл ва темир конларига бориш йўлида жойлашган, яқинда топилган Тиллабулоқ қишлоғи бу ерда ерости бойликларини қазиб олиш ҳокимиятнинг асосий мақсади бўлганлигини кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, илк давлатчилик (Шумер, Аккад, Миср, Хитой) шаклланишининг дастлабки босқичларида ёзма ёдгорликлар — дав-

[1] Ушбу муаммонинг илмий баёни учун китобнинг А.С.Сагдуллаев муаллифлигидаги «Илк Бақтрия ва Илк Сўғд давлатчилигининг шаклланиши» бўлимига қаранг.

латчиликнинг энг муҳим белгиси йўқлиги бундай давлатлар бронза давридаги Ўрта Осиёнинг қадимги қишлоқ хўжалиги жамиятларида шаклланган деб тахмин қилишимизга имкон бермайди.

Иккинчи давр. Мил. авв. I мингйилликнинг боши – мил. авв. 539 йил.

Сиёсий ҳокимият иерархиясининг кенг тизимига эга давлатларнинг дастлабки шаклларини кўриш мумкин бўлган тарихий-маданий минтақалар ҳисобланган Бақтрия, Сўғд, Хоразмнинг шаклланиши. Бу ҳақда, хусусан, жамиятнинг таркибий бирликлари: нмана (уй-оила), вис (уруғ, аҳолиси бир уруғга мансуб қишлоқ), занту (қабила), дахю (вилоят, мамлакат), шунингдек, дахю-пати (мамлакат, вилоят ҳукмдори), састар (ҳоким, ҳукмдор) каби турли хил юқори ҳокимият эгалари тилга олинган Авесто маълумотлари гувоҳлик беради[1].

Ўша вақтларда «подшоликлар» шаклидаги қадимги Бақтрия ва қадимги Сўғдиёна каби нисбатан йирикроқ бўлган ҳудудий мулклар, шунингдек, Ўрта Осиё Икки дарё оралигининг шимолида яшаган саклардаги (Зарина, Тўмарис) каби, одатда, малика бошчилигидаги кабилалар бирлашмаси вужудга келган бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас.

Учинчи давр. Мил. авв. 539 – 330 йиллар.

Ахамонийлар истилоси ва Ўрта Осиё минтақаларининг Ахамонийлар давлати таркибига кириши натижасида келиб чиққан маҳаллий давлатчилик ривожланишидаги танаффус.

Икки юз йил давомида Ўрта Осиё Икки дарё оралигининг деярли барча ҳудудлари шаҳаншоҳнинг мустабид ва чексиз қудрати билан мутлақ монархияни ўзида акс эттирган ахамонийлар (қадимги форслар) давлатчилик тизимига бўйсунган эди. Тарихий адабиётларда кўпинча империя деб аталадиган бу шоҳликнинг бутун ҳудуди сатрапликларга (маълум маъмурий бирликларга) бўлинган бўлиб, улар ахамоний шоҳларнинг хазинасига талантлар (кумушнинг маълум бир

[1] *Дьяконов И.М., Лившиц В.А.* Общество Авесты // ИТП. Т. I. М., 1963. С. 1465 – 1484.

оғирлик бирлиги)да ўлпон тўларди. Ўрта Осиё сатрапликларининг учтаси – Бақтрия, Сўғд, Хоразм тўлиқ ёки қисман ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жойлашган эди.

Шу билан бирга, ёзма манбалар маълумотига кўра, катта сатрапликларнинг бир қисми бўлган, ўз ҳокимиятини мерос қилиб қолдиришда маълум мустақилликдан фойдаланган бақтриялик ва сўғдлик зодагонлар раҳбарлигидаги кичик вилоятлар (Оксиарт, Хориен, Сисимитр, Қатан, Австан – Наутака, Ксениппа, Паретака) сақланиб қолган. Бу вилоят-ҳокимликлар яхши мустаҳкамланган марказларга ва *петрлар* (вақтинча бошпаналар)га эга эдилар. Ҳаётида саклар жуда катта рол ўйнаган Хоразмда аҳамонийлар билан узоқ давом этган кураш натижасида мил. авв. IV аср бошларидаёқ мустақил подшоҳлик шаклланади.

Аҳамонийлар салтанатининг парчаланиши мил. авв. 330 йилда аҳамонийларнинг асосий кучларини йўқ қилиб аҳамонийлар тахтига сўнгги даъвогар – Бақтрия сатрапи Бессни қидириб, Ўрта Осиё ҳудудига қадам босган Македониялик Александрнинг келиши билан бошланди. Бу ерда яшаётган халқлар, айниқса, Спитамен бошчилигидаги сўғдлар унинг қўшинларига қаттиқ қаршилик кўрсатган. Ўрта Осиёни забт этиш учун Македониялик Александр икки йил (мил. авв. 329 – 327 йиллар) сарфлади.

Тўртинчи давр. Мил. авв. IV аср охири – II аср иккинчи ярми бошлари.

Македониялик Александрнинг истилосидан бошлаб эллинлар сиёсий ҳукмронлигининг охиригача (Юнон-Бақтрия подшолигининг қулаши). Бошқарув хусусияти ва шакли жиҳатидан икки хил бўлган давлатчилик– Шимолий Бақтрияда ва қисман Сўғдда эллин давлатчилиги ҳамда Ўрта Осиё Икки дарё оралиғи ҳудудида Хоразм-Канг давлатчилигининг бир вақтда ҳукм суриши даври.

Бу ерда эллин давлатчилигининг пайдо бўлиши Македониялик Александрнинг мил. авв. 329 – 327 йилларда Ўрта Осиёга юриш қилиб, бутун Сўғд ва Шимолий Бақтрияни босиб олиши билан боғликдир. Аммо унинг шаклланиши ва кенгайиши мил. авв. 323

йилда Македониялик Александрнинг вафотидан кейин диадохлар уруши деб аталадиган даврда дастлаб бу жойларга тайинланган, келиб чиқиши эллинлардан бўлган сатраплар бошчилигида амалга ошади. Кейинчалик мил. авв. 306 йилдан бошлаб Бақтрия ва Сўғд Салавкийлар давлати таркибига киради. Аммо мил. авв. III аср ўрталарига келибоқ Бақтриядаги салавкийлар сатрапи Диодот мустамлакачиларга қарши қўзғолон кўтаради ва илм-фанда Юнон-Бақтрия подшолиги номини олган мустақил давлатни барпо этади, баъзан бу давлатни Бақтриянинг юнон ҳукмдорлари давлати деб ҳам аташади.

Афтидан, ушбу давлатлар таркибига кирган ҳудудларда эллинларга хос тушунчалар ва давлатчилик меъёрлари жорий килинган. Баъзи йирик шаҳарларда ҳудудий бошқарув бўлгани ҳам эҳтимолдан холи эмас. Эллинларнинг Ўзбекистоннинг жанубидаги сиёсий ҳукмронлиги тахминан 200 йил, Сўғдда эса бироз камроқ, мил. авв. II асрнинг биринчи ярми бошиларигача давом этади.

Шу билан бирга, Ўрта Осиё Икки дарё оралиғининг шимолий ва марказий минтақалари – Хоразм, Сўғд ва Фарғонада биз шартли равишда Хоразм-Қанғ деб номлайдиган автохтон давлатчиликнинг шаклланиш жараёни рўй беради.

Мил. авв. 306 йилда аҳамонийлар ҳукмронлигидан озод бўлган Хоразм биринчи бўлиб ўз давлатини шакллантириш йўлидан борди. Мил. авв. 328 йилда Мароқандда Македониялик Александр тинчлик ва иттифоқчилик муносабатини таклиф қилиб келган Хоразм шоҳи Фарасманни қабул қилади. Хоразм шоҳининг сўзларига кўра, унинг давлати ғарбда колхларга қадар, шимолда амазонкалар ерларига қадар чўзилган ҳудудни ўз ичига олади. Колхлар келиб чиқиши грузиялик халқ бўлган, улар ўша пайтда ҳозирги Грузиянинг ғарбида яшаган ва ўз давлатига эга эди.

Ушбу маълумотга бироз кенг маънода қарайдиган бўлсак, бу вақтда Хоразм подшолиги ҳудуди бўйича ғарбда колхлар билан туташган ерларгача, яъни Каспий денгизигача чўзилган анча катта давлат бўлган деб тахмин қилиш мумкин.

Тарихий Хоразмда кўҳна Қалъаликир II шаҳри бўйича яқинда олиб борилган тадқиқот Каспий денгизи бўйидаги ҳудудлар билан муайян савдо алоқалари мавжуд бўлганини кўрсатмоқда[1].

Мил. авв. III аср – II аср охирида Бухоро ва Сўғдда алоҳида ҳокимликлар шаклланди. Уларнинг ҳукмдорлари томонидан Антиох I ва Евтидемнинг тангаларига ўхшаган, устида ўзгартирилган юнон ёзуви, кейин эса сўғд ёзувлари туширилган тангаларни зарб қилишди. Ўша вақтларда Довон (Фарғона)да ҳам давлатнинг маълум бир шакли юзага келади.

Афтидан, Ўрта Осиё Икки дарё оралиғининг марказий ва шимолий қисмларини ўз ичига олган Қанг давлатининг конфедератив шакли вужудга келиши айни ўша вақтда юз беради.

Бешинчи давр. Мил. авв. II асрнинг иккинчи ярми – мил. авв. I аср бошлари.

Юнон-Бақтрия подшолиги Ўрта Осиё Икки дарё оралиғининг шимолий ва марказий ҳудудларидан кўчиб келган сак ва сармат қабилалари (асийлар, пасианлар, сакаравллар)нинг, кейин эса хунлар босими остида Марказий Осиёдан Сўғд ва Бақтрияга келган юэчжи-тохарларнинг босими остига тушиб қолади.

Ушбу давр Ўрта Осиё Икки дарё оралиғи ҳудудида, биз томонимиздан шартли равишда Қанг-Юэчжи деб аталадиган, бошқарувнинг кўчманчиларга хос тамойиллари минтақада аллақачон мавжуд бўлган давлатчилик анъаналари билан бирлашадиган давлатчиликнинг мавжудлиги билан ажралиб туради.

Шундан сўнг юэчжи-тохарлар Сўғдда, Шимолий Бақтрияда қўним топишган, кейин эса бу минтақаларни бутунлай эгаллаб, Бақтрияда (ҳозирги Афғонистон шимолидаги Балх) пойтахтга асос солишади. Улар бешта мустақил ўлкадан иборат бўлган конфедератив типдаги ўзига хос давлат барпо этишади. Бу ўлкалар ўз тангалари – асосан кумушдан ясалган тангаларни зарб қилиш ҳуқуқига эга эдилар.

[1] Қалалы-гыр 2 – Культовый центр в Древнем Хорезме IV – II вв. до н.э. М., 2004.

Бироз олдинроқ Ўрта Осиё Икки дарё оралиғининг марказий ва шимолий ҳудудларида шунга ўхшаш Қанг давлати шаклланган эди. Яксарт бўйидаги ҳудудлардан ташқари унга Хоразм, Бухоро, Сўғд ва Шошда жойлашган бешта ўлка ҳам кирган. Ушбу мулклар ҳам аввал ўз тангаларини Евкратид ва Евтидемнинг Юнон-Бақтрия тангаларига ўхшаган ҳолатда, сўнгра мустақил тарзда зарб қилиш ҳуқуқига эга эдилар.

Чамаси, ўзига хос давлат рамзлари бўлган тамғалар ёки сулола белгилари Ўрта Осиёда биринчи марта Қанғда ва унга тобе ўлкаларда қўлланилади. Ўшандан бошлаб бу ҳодиса Ўрта Осиё Икки дарё оралигида минтақа мил. VIII аср ўрталарида Аббосийлар халифалиги таркибига киргунича деярли ҳамма жойда намоён бўлади.

Бу ерда оромий ёзуви асосидаги сўғд ва хоразм ёзувларининг ҳам пайдо бўлиши ва кенг тарқалиши ушбу давлатчиликнинг барқарорлигини кўрсатувчи энг муҳим асос ҳисобланади.

Хан сулоласи даврида Хитой мил. авв. II асрнинг иккинчи ярмида биринчи марта Чжан Цзяннинг миссияси туфайли ўзи учун ғарбий ўлкага, яъни Ўрта Осиёга йўл очади, мил. авв. II аср охиридан бошлаб эса икки ўртада мунтазам дипломатик ва савдо алоқалари амалга оширилади[1]. Бу муносабатларнинг ёрқин натижаси Ғарб ва Шарқ мамлакатларини боғлайдиган цивилизация тарихидаги биринчи қитъалараро йўл — Буюк ипак йўлининг шаклланиши бўлди[2].

Олтинчи давр. Мил. I аср боши — III аср ўрталари.

Ўзбекистон ҳудудида қадимий давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва юксалиши, шу билан бирга, ривожланишининг якуний босқичи.

Ушбу даврнинг энг диққатга сазовор ҳодисаси мил. I аср бошларида юэчжиларнинг Кушон қавмидан бўлган раҳбарларидан бири Кудзула Кадфиз томонидан асос солинган қудратли Кушон подшолигининг пайдо бўлиши ҳисобланади. Унинг вориси Вима Так[то] даврида Ўзбекистоннинг жануби ушбу давлатнинг таркибига киради ва III аср

[1] *Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х.* Дипломатия стран Центральной Азии в древности // Московский журнал международного права. 1999. № 1. С. 118 — 137.

[2] *Ртвеладзе Э.В.* Великий Шёлковый путь. Ташкент. 1999.

ўрталарига қадар шу ҳолатда қолади. Бу ҳудуд Кушон давлати тарихида муҳим рол ўйнаган, у бақтриялик *каралраггол*ар (чегара ҳудудлар бошлиқлари) бошчилигидаги чегара ҳудуд бўлган ва бу ҳудуднинг Ҳисор тоғларидаги шимоли-ғарбий қисмида шимолдан келадиган кўчманчилардан ҳимояланиш учун кучли мудофаа девори барпо этилади. Бу давр Ўзбекистоннинг жанубидаги шаҳарларнинг гуллаб-яшнаши, аҳоли манзилгоҳлари сонининг кўпайиши ва иқтисодий ўсиши, товар-пул муносабатларининг ва ривожланган давлат таркибига кирадиган ҳудудларга хос бошқа барча институтларнинг тараққий этиши билан ажралиб туради[1].

Кушон давлатининг шимолида Қанғ конфедератив давлати жойлашган бўлиб, унинг таркибига кирган ўлкаларнинг ҳокимияти авлоддан-авлодга мерос бўлиб қоладиган шаклга ўтади ва янада кўпроқ мустақилликка эга бўлади. Шундай қилиб, бу даврда Хоразм алоҳида ажралиб чиқади ва африғийлар сулоласи ҳокимият тепасига келган жуда кучли мустақил давлатга айланади. Сулоланинг меросийлик анъанаси бу ерда, хусусан, хоразмшоҳлар тангаларининг тескари томонидаги, то араблар истилосига қадар 700 — 800 йил давомида ўзгармаган, отлиқ чавандоз ва Қанғ тамғаси тасвири туширилган давлат рамзида яққол кўринади[2].

Мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб борган анчагина кучли ҳокимиятга эга давлатлар бу даврда Бухорода, Сўғднинг жануби-ғарбий қисмида («Гиркод» сулоласи), Самарқанд Сўғдида («Кан» сулоласи), Жанубий Сўғд — Кешда («Артат» сулоласи), Фарғона ва Шошда ривожланган.

Шу билан бирга, ҳукмдорлари иккита ном — «Мрай-Млка» ва «шоҳ» номи билан аталган Хоразмдан, шунингдек, Кушон давлати таркибига кирган Шимолий Бақтриядан ташқари Ўрта Осиё Икки дарё оралиғидаги ўз ҳокимиятига эга бошқа давлатлар ҳукмдорларидан ҳеч бири подшолик мақомига тенг мақомга эга бўлган эмас.

[1] *Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В.* Северная Бактрия — Тохаристан. Очерки истории и культуры. Ташкент, 1990.

[2] *Вайнберг Б.И.* Монеты Древнего Хорезма. М., 1977.

Тангалардаги ёзувларга қараганда, кўп ҳолатларда уларни оромийча унвон билан MR'Y (ҳукмдор, жаноб) деб номлашган.

Зарб қилинган тангаларга қараганда, бу вақтда қадимги Ўзбекистон ҳудудида иккита марказлашган давлат – Кушон подшолиги ва Хоразм шоҳлиги мавжуд бўлган, Қанғ эса конфедератив бошқарув орқали давлатга бирлашган мустақил ўлкалар конгломерати эди.

Шундай қилиб, бу давр Ўзбекистон ҳудудидаги қадимги давлатчиликнинг шаклланиш тарихида кўп жиҳатлари:

– тангаларда давлат рамзлари – сулола белгиларининг мавжудлиги;

– ёзувнинг пайдо бўлиши ва кенг ёйилиши;

– мустақил равишда тангаларнинг зарб қилиниши, товар-пул муносабатларининг ривожланиши;

– давлатнинг барча функцияларига эга бўлган алоҳида ўлкаларнинг шаклланиши;

– ушбу ўлкалар билан дипломатик алоқаларнинг кенгайиши;

– товарларнинг кенг айирбошланиши, халқаро алоқалар, халқлар ва давлатларнинг маънавий бойишига ёрдам берган Буюк ипак йўлининг вужудга келиши ва ривожланиши билан энг муҳим даврлардан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, бу давр Ўзбекистоннинг қадимги давлатчилиги ривожланишидаги сўнгги босқич ҳисобланади.

Мил. авв. III асрнинг биринчи ярмида буюк подшоҳликлар – Кушон ва Парфия, шунингдек, Қанғ давлатининг таназзулга учраши, ундан кейин кўчманчи қабилалар босқини ва, эҳтимол, қадимги ижтимоий формациянинг ўзгариши бошланиши билан боғлиқ ҳолда жамият иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида келиб чиққан муайян даражадаги инқироз Ўрта Осиё Икки дарё оралиғи ҳудудида кўплаб алоҳида давлатларнинг шаклланишига, демакки, янги сиёсий муҳитнинг ва улардаги янги бошқарувнинг шаклланишига олиб келди.

Шундай қилиб, тангалардаги тасвирлар ва ёзувларнинг мазмунига кўра, эски сулолаларнинг алмашиши ва янги сулолаларнинг ҳокимият тепасига келиши Бухоро, Кеш ва Нахшаб, Тохаристон ва Шош-

да кузатилади. Бироқ, хитой ёзма манбаларида таъкидланишича, Ўрта Осиё Икки дарё оралиғи ўлкаларининг ҳокимияти мерос бўлиб қолиш асосида бир авлоддан бошқасига ўтиб келган. Шунга кўра, сулолавий ўзгаришлар ҳокимиятнинг «битта уй» доирасида қўлдан-қўлга ўтишига олиб келган, янги сулолалар ҳукмдорлари эса фақат-гина ўша қанғ ва юэчжилар орасидан келиб чиқар эди.

Қадимги даврдан ўрта асрларга мазкур ўтиш даври аввалги икки босқич – мил. авв. VII – VI асрлар ва мил. авв. II асрнинг иккинчи ярми – мил. I аср бошларини ўз ичига олган босқичлар каби қадимги Ўзбекистон, шунингдек, бутун Ўрта Осиё давлатчилиги тарихидаги энг муҳим даврлардан бири ҳисобланади.

Типология

Бутун қадимги давр давомида Ўрта Осиё Икки дарё оралиғида тур-ли хил давлат бирлашмалари мавжуд бўлиб келди.

Ўзининг келиб чиқиш хусусиятларига кўра улар орасидан автох-тон, яъни асл негизи маҳаллий бўлган ва аста-секин ривожланган давлат бирлашмалари (Қанг, Хоразм) ва тўғридан-тўғри ҳарбий ис-тило оқибатидаги бўйсуниш натижасида таркибига Ўрта Осиё Икки дарё оралиғи ҳудуди кирган давлатларни (Аҳамонийлар империяси, Юнон-Бақтрия давлати) ажратиб кўрсатиш мумкин.

Бу қаторда, шунингдек, келгинди босқинчиларнинг шу ерда яшаб қолиши, мустаҳкам ва узоқ муддатга ўрнашиши, муайян даражада маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетиши натижасида юзага келган давлат бирлашмаларини ҳам алоҳида кўрсатиш мумкин. Бундай тур-даги аралаш давлатларга, масалан, мил. авв. II аср охири – мил. I аср бошларида марказий осиёлик юэчжилар томонидан Сўғд ва Шимо-лий Бақтрияда барпо этилган давлат бирлашмалари киради. «Шимо-лий хонадонлар тарихи – Бейши (VII аср)» ва «Суй сулоласи тарихи (VII аср)»даги маълумотларга кўра, Ан (Бухоро) ва Самарқанддаги Сўғд (Кан) ўлкалари ҳукмдорларининг келиб чиқиши Чжаову (Жа-

мук) сулоласидан бўлган, яъни дастлаб Циланшан тизмасининг шимолий томонида, ҳозирги Хитойнинг Гансу провинцияси ҳудудида яшаган юэчжилардан бўлган. Аммо Сўғдга кўчиб келганидан сўнг бу ерда, жумладан, Самарқанд ва Бухорода мустаҳкам ўрнашган, келиб чиқиши юэчжи бўлган бутун сулола «Чжаову номини олган»[1]. Мазкур сулолалар бу ерда VII – VIII асрларгача ҳукмронлик қилишади. Шундай қилиб, Бухоро ҳукмдори Алингар 627 йили Тан императори Тхацзунга ёзган хатида ҳам унинг сулоласининг йигирма иккинчи авлоди изчил ҳукмронлик қилиб келаётганини қайд этади. Агар ҳар бир ҳукмронлик учун ўртача 20 – 30 йиллик муддат белгиласак, унда Алингарнинг юэчжи сулоласи тахминан 400 – 600 йил, яъни мил. I асрдан бошлаб ҳукмронлик қилган бўлиб чиқади[2].

Худди шу манбаларга кўра, келиб чиқиши яна Чжаову оиласига оид Хоразм ҳукмдорлари салтанати ҳам барқарор тусга эга бўлган.

Бу сулола, нумизматик маълумотларга кўра, Хоразмда I асрдан VIII асргача ҳукмронлик қилди. Бу ҳақда давлат рамзи – қадимги ва ўрта асрлар Хоразмининг барча тангаларида тасвирланган отлиқ ва тамға гувоҳлик беради[3]. Бу, ўз навбатида, нафақат Ўрта Осиёда, балки Шарқнинг бошқа давлатларида ҳам ҳукмронлик қилган барча сулолалар учун хос ҳодисадир.

Шундай қилиб, биз Ўрта Осиёда мусулмонларгача ҳукмронлик қилган сулолаларнинг келиб чиқиш табиатини фақат типологик аниқлаш билан чекландик. Энди тўғридан-тўғри давлат тузилмаларининг типологияси ва шакли ҳақида сўз юритамиз.

Давлатнинг биринчи тури – бу подшолик. Бошқарув шакли – мутлақ монархия. Ўзбекистон қадимги тарихда бундай бошқарув шакли ва турига эга давлатлар таркибига кирган даврлар бир нечта бўлганлиги тарихдан маълум.

---

[1] *Бичурин И.* Собрание сведений о народах, обитавших в Центральной Азии в древности. М.-Л., 1950. Т. II. С. 271; *Вайнберг Б.И.* Некоторые вопросы истории Тохаристана в IV–V вв. // Буддийский культовый центр Кара-тепе в Старом Термезе. Кара-тепе. М., 1972. С. 145–155.

[2] *Бичурин И.* Сведения о народах ... С. 282; *Ртвеладзе Э.В.* Бухара в древности и раннем средневековье // Бухара – жемчужина Востока. Ташкент, 1997. С. 34.

[3] *Вайнберг Б.И.* Монеты древнего ...

Мил. авв. 539 йилдан 330 йилгача Фарғона ва Шошдан ташқари Ўрта Осиё Икки дарё оралиғининг деярли барча ҳудудлари аҳамонийлар сулоласининг Форс шоҳлари ҳукмронлигига бўйсунган, шунингдек, Хоразм, Сўғд, Бақтрия ҳамда саклар тайинланган сатраплар (аҳамоний шоҳлар) бошчилигидаги сатрапликларни ташкил этишган ва улар давлат ғазнасига маълум миқдорда ўлпон тўлашарди.

Юнон-Бақтрия подшолиги ҳам маълум даражада мустақилликка эга ноиблик тизимига асосланган мутлақ монархия эди. У мил. авв. III аср ўрталарида вужудга келди ва мил. авв. II асрнинг иккинчи ярми бошларигача ҳукм сурди. Бу давр давомида Шимолий Бақтрия, маълум босқичларда эса Сўғд ҳам унинг таркибига кирганди. Бироқ бу давлатда шоҳларнинг ҳокимияти ҳар доим ҳам мерос бўлиб қолавермасди: унинг биринчи шоҳлари Диодот I ва Диодот II ҳокимиятни улар билан қариндошлик алоқалари бўлмаган Евтидем зўрлик билан тортиб олиши натижасида алмашди.

Шимолий Бақтрия ва Сўғд, шунингдек, мил. авв. IV асрнинг охиридан мил. авв. III аср ўрталаригача бошқа бир эллин подшолиги — Салавкийлар давлати таркибига ҳам кирган, бу сулоланинг иккинчи ҳукмдори Антиох I (мил. авв. 280 — 261) ярим сўғдлик бўлиб, у Салавканинг никоҳдаги рафиқаси — Сўғд етакчиси Спитаменнинг қизи Апамадан дунёга келган эди. Шунга кўра, мил. авв. I аср ўрталарига қадар ҳукм сурган бу сулоланинг барча вакилларида сўғдлар қони бўлган дейиш мумкин.

Мутлақ, боз устига, теократик монархиянинг ёрқин ифодасига айланган давлат I асрдан III аср ўрталарига қадар мавжуд бўлган Кушон подшолиги эди.

Бу давр мобайнида, биринчи шоҳ Кудзула Кадфиз ҳукмронлигидан ташқари, Ўрта Осиё Икки дарё оралиғининг жанубий ҳудудлари мазкур давлат таркибига кирган. Шунингдек, у бошлиқлари тўлиқ Кушон шоҳларига қарам бўлган маълум бир сатрапликларга бўлинган эди. Бундан ташқари, Кушон подшолигида бақтриячасига *каралраггo* деб номланадиган *канаранги* (саркардалар) бошчилигидаги

макграфлик шаклидаги махсус чегара ҳудудлари мавжуд эди. Бундай турдаги ҳудуд, эҳтимол, ҳозирги Сурхондарё вилояти каби бўлган.

Чамаси, ҳали Ахамонийлар давлати қуламасдан олдин, мил. авв. IV асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган Хоразм подшолиги ҳам худди шу турдаги давлатлар қаторига киради. Мил. I асрдан у ерда янги, ўзининг марказлаштирилган ҳолда зарб қилинадиган тангасига эга сулолавий ҳукмронлик пайдо бўлади.

III аср ўрталаридан IV аср охиригача Шимолий Бақтрия Сосонийлар салтанати тасарруфида бўлган, бироқ Бақтрия унинг таркибида маълум бир ҳуқуқларга ҳам эга эди. Уни бу сулоланинг турли авлодларидан келиб чиққан, «Кушоншоҳ» унвонига эга бўлган, олтин, кумуш ва мис тангаларни зарб қилиш ҳуқуқига эга сосоний шаҳзодалар бошқарарди. Уларнинг баъзилари кейинчалик бутун Сосонийлар давлатининг шоҳлари бўлишади[1].

Давлатнинг иккинчи тури — бу конфедератив подшоҳлик. Бошқарув шакли — чекланган монархия. Ушбу турга Қанғ ва Юэчжи давлатлари ёки Буюк Юэчжилар давлатининг кушонларгача бўлган биринчи давридаги шаклини киритиш мумкин.

Улар, одатда, ўзларининг тангаларини зарб қилган қабилалар сардорлари ёки уруғлар бошлиқлари томонидан бошқарилган бир нечта мустақил ўлкалардан иборат бўлади.

Масалан, Қанғ давлати ҳудудида камида бешта шундай ўлка мавжуд эди: Бухоро ва унинг атрофидаги ҳудудлар ҳукмдорлари устига ўзларининг исмлари ва унвонлари туширилган, Евтидем тангаларига ўхшаш тангаларни чиқарган; Бухоро Сўғдининг жануби-шарқи ва Самарқанд Сўғдининг шимоли-ғарбини «Гиркод» сулоласидан бўлган сардорлар бошқарган; Самарқанд Сўғди ўз тангаларини турли шоҳларнинг номлари билан чиқарган; Жанубий Сўғднинг ҳам мустақил тангалари бўлган[2]. Хоразм мутлақо мустақил шоҳлик

[1] *Луконин В.Г.* Культура Сасанидского Ирана. М., 1969. С. 124 – 152.

[2] Бу даврга оид Сўғд тангалари ҳақида қаранг: *Зеймаль Е.В.* Политическая история древней Трансоксианы по нумизматическим данным // Культура Востока. Древность, раннее средневековье. Л., 1978. С. 192 – 214.

бўлиб, унинг ҳукмдорлари нисбатан каттарок MR'Y MLK' (подшоҳ-шоҳ) унвонига эга эди. Ўша вақтларда бу ўлкалар учун умумий Қанг тангалари зарб этилмаган эди.

Юэчжилар томонидан яратилган Юэчжи давлати ҳам кушонларгача бўлган биринчи даврда худди шунга ўхшаш турдаги давлат бўлган.

Бу давлат ҳам Қанғ сингари турли хил юэчжи сулолалари вакиллари бошчилигидаги бешта ўлкадан иборат эди. Ушбу ўлкалар — Хюми, Шуанми, Гуйшуан, Думи, Хитун Бақтриянинг турли қисмларида жойлашган бўлиб, улар фақатгина Юэчжининг энг юқори даражадаги бошлиғига бўйсунишарди.

Ушбу даврда беш хил танга зарб этилганини ажратиб кўрсатиш мумкин: Сападбизнинг, Фсейгахарснинг, Кушон («Герай»)нинг тангалари ҳамда Гелиокл ва Евкратиднинг тангаларига ўхшатиб ишланган, уларни зарб қилган турли хил юэчжи авлодидан бўлган раҳнамоларнинг аслида мустақил бўлганликларидан далолат берадиган тангалар[1]. Улардан бири — Кушон («Герай»)нинг авлодлари бир қанча вақт ўтгач буюк Кушон подшолигига асос солади. Аслида, бу ҳам ҳукмронлигининг янги босқичида қадимги хитой ёзма манбалари аниқ ном берганидек, Катта ёки Буюк Юэчжилар давлати эди.

Давлатнинг учинчи тури — мулкий ўлка. Бошқарув шакли — қабилалар сардорларининг, уруғлар бошлиқларининг мерос қилиб қолдириладиган ҳокимияти.

Ўрта Осиё Икки дарё оралиғи учун энг қадимги давлат тури тарихий ва маданий ҳудудлар асосида шаклланган давлат тузилмасидир. Ушбу мулкий ҳудудлар аллақачонлар Авестода, қадимги юнон (Геродот, Арриан ва бошқалар) ва қадимги Хитой ёзма манбаларида тилга олинган эди.

Юнон-Бақтрия подшолиги қулаганидан кейин, мил. авв. 128 ёки 126 йилларда Бақтрияга ташриф буюрган Чжан Цзян Бақтриянинг «деярли ҳар бир шаҳри ўзининг ҳукмдорига эга» кўплаб майда мустақил ўлкалардан иборат бўлганлигини таъкидлайди.

[1] *Ртвеладзе Э.В.* Древние и раннесредневековые монеты историко-культурных областей Узбекистана. Ташкент, 2002.

Хитой манбалари Ғарбий ўлкалар (Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон) ҳудудида ўзининг маълум бир мустақиллигига эга, хусусан, Хитой[1] ва, эҳтимол, бошқа давлатлар билан ҳам дипломатик алоқаларни ўрнатишда ўз аксини топган ташқи сиёсат олиб борган 55 та ўлка мавжуд бўлганлигини кўрсатмоқда.

Давлат бирлашмасининг ушбу анъанавий тури, чамаси, мил. авв. II мингйилликнинг охири – I мингйилликнинг бошларида пайдо бўлган. Бу ерда у, сайланган сардорлар ва оқсоқоллар кенгаши томонидан бошқариладиган шунга ўхшаш турдаги ўлкалар пайдо бўлганида ҳам, ҳаттоки, ёзма манбаларда аниқ кўрсатилганидек, Ахамонийлар ҳукмронлиги даврида ҳам сақланиб қолади. Бундай ўлкалар қаторига, хусусан, Наутакадаги Сисимитр, Ксениппа (Нахшаб) ўлкалари, маълум бир мустақилликка эга бўлган Хориен ва Оксиарт ўлкаларини киритиш мумкин.

«Давлат»нинг бундай тури ўтиш даврида алоҳида аҳамият касб этади. Бундай турдаги давлатларга эллин давлатчилигининг қулашидан кейин мил. авв. II асрнинг иккинчи ярми – мил. I асрларда ёки Кушон ва Қанғ давлатлари парчаланганидан сўнг мил. III – IV асрларда тарихий-маданий ҳудудлар асосида пайдо бўлган мустақил ўлкалар – Кеш ва Шошни киритиш мумкин. Бу даврда, хусусан, хваблар институти –баъзан Шошда[2] бўлгани каби – нисбатан кичик давлат-ўлканинг мутлақо мустақил ҳукмдорлари пайдо бўлди.

Давлатчилик тузилмасининг бу тури илк ўрта асрларда ўзига хос тараққиётга эришади, бу давлат-ўлкаларнинг мустақил ташқи ва ички сиёсат олиб боришида, тангалар зарб қилишида, уларда ҳокимиятни мерос қилиб қолдирадиган сулолалар ҳукмронлик қилишида ўз аксини топади.

Ҳатто ўрта асрларда ҳам мулкка эгалик қилишнинг бундай тури сақланиб қолганди, масалан, ўша даврда Чағониёнда ҳукмдорлик қилган муҳтожийлар сомонийларга фақат рамзий маънода солиқ тўларди.

---

[1] *Бичурин И.* Собрание сведений о народах ... С. 216; *Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х.* Дипломатия стран Центральной Азии в древности ... С. 132.

[2] *Смирнова О.И.* Очерки по истории Согда. М., 1970. С. 22 – 69; *Ртвеладзе Э.В.* История и нумизматика Чача. Ташкент, 2006. С. 34 – 39.

ИЛК БАҚТРИЯ ВА ИЛК СЎҒД ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Хўжаликнинг ишлаб чиқариш шакллари тарқалиш кўламининг кенгайишига боғлиқ равишда Марказий Осиёда дастлабки шаҳарлар ва давлатларнинг шаклланиши турли даврларда содир бўлди. Ўтроқ-деҳқончилик ва кўчманчилик муҳитларида давлатчиликнинг шаклланиши турли йўллардан борганлиги кузатилади.

Совет тарихшунослигида устунлик қилган ва тарихий жараёнларни ўрганишда марксча ёндашув билан белгиланган, давлатнинг пайдо бўлиши ҳақидаги синфий назария давлатларнинг, жумладан, Ўзбекистон ҳудудидаги, умуман, Ўрта Осиё ҳудудидаги давлатларнинг пайдо бўлишига олиб келган барча омилларнинг таркибини очиб берган эмас.

Минтақа аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий муносабатларини ўрганишда асос бўлган бронза ва илк темир даврига оид кўплаб археологик маълумотлар давлатчиликнинг дастлабки ривожланиши бу ерда ижтимоий табақаланиш ва синфий қарама-қаршилик жамият ҳаётида ҳал қилувчи рол ўйнамаган шароитда кечган деб ҳисоблашга имкон беради.

Ўрта Осиёда давлатчилик ибтидоий жамиятда, ишлаб чиқариш кучларининг сезиларли ривожланиши, ишлаб чиқариш жараёнларини ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларни самарали бошқариш зарурати, шунингдек, қадимги қишлоқ хўжалигига асосланган воҳалар аҳолисининг ҳаётий муҳим манфаатларини қондириш, ижтимоий ва бошқа турдаги алоқаларини тартибга солиш, жамоалараро муносабатларни мувофиқлаштириш асосида вужудга келган эди.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Ўрта Осиёнинг дастлабки давлатларини ўрганиш учун Книдлик Ктесийнинг Қадимги Бақтрия подшолиги тўғрисидаги маълумотлари, Авестода келтирилган кам сонли маълумотлар (Михр Яштда айтилишича, Арйошаянада ҳудудларнинг бирлашиши), шунингдек, Геродот ва милетлик

Гекатейнинг («Катта Хоразм») асарлари асос бўлиб хизмат қилди. XX асрнинг 30-йиллари охиригача қадимги (аҳамонийларгача) Ўрта Осиё давлатчилик тузилмалари ҳақидаги асосий тушунчалар асосан Ғарб тадқиқотчи олимларининг асарларида келтирилган эди.

Совет тарихшунослигида ушбу масалага биринчилардан бўлиб С.П. Толстов ва М.М. Дьяконов эътибор қаратишди[1]. Ушбу масала борасидаги кейинги тарихий изланишлар, асосий тушунчаларнинг танқидий таҳлили ва янги фаразларнинг ўртага қўйилиши турли хил нашрларда тақдим этилди[2].

Шуни таъкидлаш керакки, ўтган асрнинг 80-йиллари охирига келиб энг қадимги давлат тузилмалари масаласини Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудлари, шунингдек, Хоразм ва сак-массагет ҳарбий-сиёсий бирлашмаси билан боғлашди. Сўғд ва Фарғонанинг минтақавий давлатчилик тарихидаги ўрни эса ноаниқлигича қолди.

Сўнгги 15 йил ичида Сурхон, Қашқадарё, Зарафшон, Фарғона водийсидаги бронза ва илк темир даври ёдгорликларини археологик тадқиқотлар асосида Ўзбекистон ҳудудидаги шаҳарлар ва давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихи билан боғлиқ турли масалалар кўриб чиқилган бир қатор асарлар нашр этилди[3]. Масалани умумлаштириш жараёнида тадқиқотчилар нафақат археологик материаллардан, балки ёзма манбалардан — юнон-рим муаллифларининг асарлари ва Авесто маълумотларидан ҳам фойдаланишди.

---

[1] *Толстов С.П.* Основные вопросы древней истории Средней Азии // ВДИ. 1938. № 1; Дьяконов М.М. Сложение классового общества в Северной Бактрии // СА. 1954. XIX.

[2] *Массон В.М.*Древнеземледельческая культура Маргианы // МИА. 1959. № 73; История таджикского народа // Под. ред. Б.Г. Гафурова и Б.А. Литвинского. М., 1963. Т. 1. С. 148; *Дьяконов И.М.* Восточный Иран до Кира (к возможной новой постановке вопроса) // История иранского государства и культуры. М., 1971. С. 122 — 154; *Дандамаев М.А.* Политическая история Ахеменидской державы. М., 1985. С. 27.

[3] *Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш.* Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. Самарканд, 1993; *Қудратов С.С.* Марказий Осиё ҳудудида илк давлатларнинг пайдо бўлиши. Гулистон, 1998; *Шайдуллаев Ш.* Илк давлатларнинг археологик белгилари // Ўзбекистон тарихи. 2002. № 3; *Исамиддинов М.Х.* Истоки городской культуры Самаркандского Согда. Ташкент, 2002; *Матбобоев Б.Х.* Қадимги Фарғонада илк давлатчилик илдизлари // Ўзбекистон тарихи. 2002. № 1; *Анарбоев А.* Ўзбекистонда илк давлатчилик ва унинг ўрганилиш тарихидаги баъзи бир муаммолар // Ўзбекистон тарихи. 2004. № 4; *Сагдуллаев А.* Қадимги Ўрта Осиё тарихи. Тошкент, 2004; *Ртвеладзе Э.* Цивилизации, государства...

Авесто, айниқса, унинг дастлабки қисмлари — Яштлар ва Гатлар — худди давлатчиликкача бўлган архаик уруғ-қабила хусусиятлари каби Ўрта Шарқнинг бир нечта ҳудудларида жойлашган ўтроқ чорвадор ва деҳқонларнинг ҳарбий-сиёсий бирлашмасига хос илк давлатчилик хусусиятларини ўзида акс эттирган кенг ҳудуддаги қадимги жамият ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Сабаби, Авесто кўп қисмли ёдгорликдир, унинг дастлабки қисмларида зардуштийликкача бўлган воқеалар, яъни Зардушт амалларидан олдинги тарихий давр акс эттирилади[1].

Авесто маълумотларидан бошқа ёзма манбалар қатори кўплаб авлод олимларининг тадқиқотларида Ўрта Осиёнинг дастлабки давлатчилиги ҳақидаги масалаларни ўрганиш учун кенг фойдаланилди[2].

Ушбу тадқиқотлар натижасида тарихда Арйошаяна, Арьянам Вайчах ёки Арянам Вайжо — «Орийлар макони», «Орийлар мамлакати» сифатида маълум бўлган давлат бирлашмаси ҳақидаги фараз пайдо бўлди ва ишлаб чиқилди ёки бу тушунчалар шартли равишда «Авесто халқи»[3] атамаси билан боғланди. Ушбу бирлашманинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнини тадқиқотчилар, одатда, мил. авв. VIII — VII ёки IX — VII асрларга оид деб ҳисоблашади. Масаланинг тарихий асослари турли нашрларда ўз аксини топган[4].

---

[1] *Бойс М.* Зороастрийцы. Верования и обычаи. М., 1987; *Фрай Р.* Наследие Ирана. М., 1972. С. 35.

[2] *Tomaschek W.* Zentralasiatische Studien. Wien, 1877; Geiger W. Ostrianische Kultur im Altertum. — Erlangen, 1882; *Marquart J.* Wehrot und Arang: Unter-suchungen zur mythischen und geschichtlichen landeskunde von Ostrian. Leiden, 1938; *Prasek J.* Geschichte der Meder und Perser bis zur makedonische Eroberung. Bd.1. Gotha, 1906; *Herzfeld E.* Zoroaster and his World? Princeton, 1947; *Henning W.B.* Zoroaster: Politician or Witch-Doctor. Vol. I-II. Oxford, 1951; *Gershevitch I.* The Avestan hymn to Mithra. Cambridge, 1959; *Толстов С.П.* Древный Хорезм. М., 1948; *Дьяконов М.М.* Восточный Иран... С. 14; *Массон В.М.* Древнеземледельческая культура Маргианы. М.-Л., 1959; *Пьянков И.В.* Река Ох и Арьянам Вайджа // Бактрия-Тохаристан на древнем и средневековом Востоке. М., 1983 ва бошқалар.

[3] *Дьяконов И.М.* Восточный Иран... С. 131 — 132.

[4] *Воробьева М.Г.* Проблема «Большого Хорезма» и археология // Этнография и археология Средней Азии. — М., 1979; *Массон В.М., Ромодин В.А.* История Афганистана. М., 1964; *Сагдуллаев А.С.* Усадбы древней Бактрии. Ташкент, 1987; *Пьянков И.В.* Древнейшие государственные образования // История таджикского народа. Т. 1. Древнейшая и древняя история. Душанбе, 1998. С. 238; *Ртвеладзе Э.В., Саидова А.Х., Абдуллаев Е.В.* Очерки по истории...; *Ширинов Т.* Древнебактрийское царство. «Большой Хорезм» (VII — VI вв. до н.э.) // Очерки по истории государственности Узбекистана. Ташкент, 2001; *Ртвеладзе Э.В.* Эволюция художественной ...

Кўпчилик тадқиқотчилар Авесто маълумотлари бўйича жамоат тузилмалари ва сиёсий институтлар муаммоси мунозарали бўлиб қолаётганини тан олишади. Бунга ойдинлик киритиш учун археологик маълумотларни ҳисобга олмаган ҳолда фақат Авестода келтирилган матнлардан фойдаланиш муаммони муваффақиятли ҳал қилишга ёрдам бериши даргумон. Айниқса, Авестода номлари келтирилган мамлакатлар ва уларнинг ҳукмдорлари – кавилар ҳақидаги энг дастлабки маълумотларни ўз ичига олган Михр Яштда акс эттирилган сиёсий воқеалар хронологияси етарлича аниқ белгиланмаган[1].

Айтиб ўтилганидек, бир қатор тадқиқотчилар бу даврни мил. авв. IX – VII асрлар билан белгилашади. Мазкур масалани ёритишга бағишланган сўнгги ишларнинг бирида Авестонинг дастлабки ҳукмдорлари фаолият кўрсатган вақтларни мил. авв. 900 – 775 йиллар билан, кавиларнинг сўнгги сулоласи подшолигини мил. авв. 660 – 540 йиллар[2] билан белгилаш ва уни Бақтрия подшолиги билан боғлаш таклиф қилинди. Бу фараз ҳам диққатга сазовор, албатта. Бироқ, Марғиёна, Бақтрия ва Сўғдда олиб борилган археологик тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, мил. авв. VII – VI асрларда Авестонинг архаик ижтимоий тузилмаси билан таққослаганда бу ерда жамият ривожланишининг янада мураккаб йўли кузатилади[3].

Маълумки, Авесто жамиятининг тузилиши тўрт босқичли ташкилий тизимга асосланган – оила, уруғ, қабила, қабилалар бирлашмаси. Авестонинг дастлабки қисмларида кичик ва катта оилаларни алоҳида белгилаш учун алоҳида атама мавжуд эмас, чунки унда *нмана* номи уйни, умуман олганда, оилани англатади.

Мил. авв. VII – VI асрларга оид археологик материаллар ўша даврда Ўрта Осиё жанубидаги ўтроқ деҳқончиликка асосланган ҳудудларда асосий ишлаб чиқариш кучи археологлар томонидан Сурхон водийсида қазиб олинган Қизилча типидаги қишлоқ уй-қўрғонларининг умумий

---

[1] Авеста / Пер. с. авестийского И.М. Стеблин-Каменского. Душанбе, 1990. С. 57.

[2] *Пьянков И.В.* Древнейшие государственные... С. 241, 246; примеч. 235, 317.

[3] *Сагдуллаев А.С.* Оседлые области юга Средней Азии в эпоху раннего железа (генезис культуры и социально-экономическая динамика). Автореф. дис...докт. ист. наук. М., 1989. С. 32.

томи остида яшаган бир нечта кичик оилалардан ташкил топган уй-жой жамоалари бўлганлигини тахмин қилишга имкон беради[1].

Шу билан бирга, жуда муҳим факт – йирик шаҳар маркази ёки ҳунармандчилик-савдо шаҳарчаси атрофида бир-биридан 30–50–100 м масофада жойлашган, учта-тўртта уйдан иборат алоҳида гуруҳларни ташкил қилган ва ҳимоя қалъаси билан ўралган қишлоқ қўрғонлари мажмуи аниқланди.

Қўрғонлар жойлашувининг ташқи белгилари шундан далолат беради, катта оилали уйлар бирлашмаси янада йирикроқ ҳудудий бирлашмалар таркибига кирган. Бу ҳудудий бирлашмалар вазифасини шаҳар марказининг атрофидаги қишлоқ хўжалиги бирлашмаларини ташкил этган қўшни жамоалар бажарарди.

Авестода «шаҳар» тушунчаси мавжуд эмас, шунга кўра, «шаҳар жамияти» тушунчаси ҳам, шунингдек, манбада ўтроқ деҳқонлар ва чорвадорлар бир бўлиб тўпланган жой сифатидаги деҳқончилик ҳудудлари ҳақида ҳам маълумотлар йўқ. Мил. авв. VII – VI асрларга оид археологик материаллар бундан кейин жамиятнинг бўлиниш тизими тўрт босқичли эмаслигини намойиш этади, улар бу вақтга келиб Авестонинг дастлабки қисмларига хос бўлган жамиятнинг уруғ-қабила тузилишидан фарқ қиладиган, янада мураккаб тузилмалар шаклланганлигини кўрсатади. Мил. авв. VII – VI асрлардаги йирик марказий манзилгоҳлар атрофидаги ҳудудларда умумий бўлиб бирлашган қўшничилик жамоасини Авестонинг *занту* (қабила) тушунчаси билан боғламаслик асло мумкин эмас. Юқорида кўрсатилган давр давомида ишлаб чиқариш воситалари, чорва моллари, қишлоқ хўжалиги захиралари ва ишлов бериладиган ер майдонларига эга алоҳида уй хўжаликларининг мавжудлиги қайд этилган, яъни натурал хўжаликка асосланган бундай катта оилалардан иборат жамиятлар иқтисодий жиҳатдан алоҳида бўлган жамоаларни ифодалайди.

Катта оилалардан иборат жамоа шакли жамоавий ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш учун энг мақбул тузилма бўлган, албатта.

[1] *Сагдуллаев А.С.* Усадьбы Древней Бактрии ... С. 3 – 91.

Маълумки, бу тузилма ўз аъзоларининг бойишига шароит яратиб, жамиятнинг иқтисодий мустаҳкамланишига олиб келган ва кичик оилаларнинг иқтисодий жиҳатдан ажралиб чиқиши, алоҳида бўлиб шаклланиши жараёнини маълум вақтга кечиктирган эди[1]. Шунга ўхшаш қадимги Шарқ манбаларидан маълумки, муайян ривожланиш босқичида уй-жой жамоалари (кичик оилалар) вакиллари сонининг ошиши унинг алоҳида гуруҳларга бўлинишига олиб келган, аммо уларнинг ҳар бири яна кўпайиб катта оилага айланарди[2].

Уй ёки *қўрғон* атамаси бир қатор манбаларда келтирилган. У кўпинча оила тушунчаси билан боғланади, биз, шунингдек, қишлоқ уй-қўрғонларининг ажралиб чиқиши айнан Шарқнинг бир қатор мамлакатларидаги илк давлатчилик тарихига хос эканлигини эслатиб ўтамиз. Шунингдек, Оссурия манбаларида қўрғонларни «донли манзилгоҳлар»[3] деб аталади, Аккад тилида эса «миноралар» деб таржима қилинадиган *dimtu* тушунчаси уй – мустаҳкам қўрғон деган маънони англатади[4]. Ҳар бир уй жамияти фақат унинг энг кекса аъзолари, уй бошлиқлари томонидан бошқарилган, ҳудудий жамият эса жамоавий бошқарув (халқ йиғини, оқсоқоллар кенгаши)га эга эди[5].

Шу жиҳатдан жамоат тузилмалари ва мавжуд бўлиши мумкин бўлган бошқарув тизимининг тузилишини (мил. авв. VII–VI асрлар) Авесто атамалари билан таққослаш мумкин (*нманопати* – уй бошлиғи, *виспати* –қишлоқ оқсоқоли, *ханжаман* – қўшничилик жамоасининг оқсоқоллар кенгаши, *вяха* – халқ йиғини, *даҳюпати* – вилоят ҳокими). Археологик материалларга кўра, Ўрта Осиёнинг ўтроқ деҳқончилик ҳудудлари жамиятининг аҳамонийларгача бўлган тузилиши Авестонинг дастлабки қисмлари маълумотлари билан

[1] *Юсифов Ю.Б.* Элам. Социально-экономическая история. М., 1968. С. 125.

[2] *Дьяконов И.М.* Община на древнем Востоке в работах советских исследователей // ВДИ. 1963. № 1. С. 25.

[3] *Янковская Н.Б.* Землевладение большесемейных домовых общин в клинописных источниках // ВДИ. 1953. № 1. С. 51.

[4] *Дьяконов И.М.* Проблемы экономики. О структуре общества Ближнего Востока до середины II тыс. до н.э. // ВДИ. 1968. № 3. С. 7.

[5] Ўша манба. 16 – 19-бетлар.

озроқ даражада мос келса-да, юқорида келтирилган таққослашлар бошқа қадимий ёзма манбалар йўқлиги сабабли минтақадаги илк давлатчиликнинг ривожланиш давридаги тарихий жараённинг ўзига хос хусусиятларини англаш учун жуда муҳимдир.

Мил. авв. IX – VIII асрларга оид археологик топилмалар ривожланишнинг мутлақо бошқа йўлини намоён этади. Хоразмда бу вақтда Амиробод маданияти ёдгорликларида ифодаланганидек, мустаҳкам манзилгоҳлар ва сомонли лойдан қурилган уйлар мавжуд бўлмаган ва бу ерда тураржой вазифасини ярим ертўла уйлар бажарар эди. Зарафшон водийси, Қашқадарё ҳавзаси ва Сурхон водийсида эса асосан пахса ва тошли ғиштлардан бўлган бир тартибдаги қурилишлардан иборат истеҳкомсиз, кичик манзилгоҳлар кенг тарқала бошлайди[1]. Бу вақтда янги ҳудудларнинг аҳоли яшаш жойлари сифатида жадал ўзлаштирилиши кузатилади. Деҳқонлар билан ёнма-ён чорвадорлар ҳам бир жойга (Вахш, Кофирниҳон ҳавзалари, Зарафшон ва Сирдарё этакларига) ўрнашиб яшай бошлайдилар.

Мил. авв. IX – VIII асрлардаги аҳоли манзилгоҳларини қазиш ишлари давомида яққол фожиали воқеаларнинг излари – ҳарбий тўқнашувларни акс эттириши мумкин бўлган ва доимий сиёсий қарама-қаршиликлардан далолат берадиган ёнғинлар, вайронгарчиликлар изи ҳозирча топилмади. Аҳоли яшаш жойларидаги деҳқончилик ва чорвачилик ҳудудларининг кенгайиш жараёни ташқи жиҳатдан анчагина тинч кечган эди. Географик муҳитига қараб ўрнашиб яшаб қолиш хўжаликнинг ўтроқ деҳқончилик, чорвадор-деҳқончилик ва ярим ўтроқ-чўпончилик шаклларининг ҳал қилувчи омилига айланади. Яйловлар кўп ва деҳқончилик мақсадларида фойдаланилмайдиган кенг майдонлар мавжуд бўлган шароитларда ҳайдаб боқиладиган чорвачиликда, шубҳасиз, рақобат бўлмаган ва улар деҳқончилик хўжалигини тўлдириб турарди. Бироқ иқтисодий ва ижтимоий жараён-

[1] *Сагдуллаев А.С.* Некоторые аспекты проблемы происхождения среднеазиатских комплексов типа Яз I // СА. 1989. №с2; *Исамиддинов М.Х.* Генезис городской культуры Самаркандского Согда. Автореф. дис. .. докт. ист. наук. Самарканд, 2000; *Шайдуллаев Ш.Б.* Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. Ташкент, 2000.

ларнинг беқарорлиги баъзан чўпонларни ўзаро душман ва бузғунчи кучга айлантирарди[1].

Авестонинг қадимги қисмлари чорвачиликни фаровонлик манбаи деб аташини ва чорвани яратган Аҳурамаздани улуғлашини инобатга олган ҳолда («Аҳурамазда яратган ҳамма нарсалар орасида қорамол биринчи ўринга қўйилган. Биз барчани чорвани тинч ўтлатишга ва боқишга чақирамиз. Аҳурамаздани улуғланг ва чорвага озуқа беринг – биз буни энг яхшиси деб ҳисоблаймиз»)[2], тахмин қилиш мумкинки, тарихий майдонда *кавилар* (Авесто ҳукмдорлари)нинг пайдо бўлиши Ўрта Осиё аҳолиси бир қисмининг чорвачилик хўжалигининг кўчманчи шаклларига ўтиши даврига тўғри келади.

Авестода кўчманчи қабилалар *турлар* деб номланган бўлиб, тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Авестода бу ном Ўрта Осиё сакларини англатувчи тушунча ҳисобланади[3], гарчи мазкур ҳолатда турлар қабиласини сакларнинг аждодлари деб ҳисоблаш адолатли бўлса-да, саклар бу ҳудудга Яштлар ва Гатларда ифодаланган воқеаларга қараганда анча кейинроқ келиб ўрнашишган. Турлар етакчиси Франхрасян ўша пайтларда ўтроқ ҳудудларга ҳужум қилган кўчманчиларга қарши курашиш учун Авестонинг чорвадор деҳқончилик қабилаларини бирлаштиришга эришган, Кави Хусрав билан курашган. Шундай қилиб, Авестода ҳарбий ва сиёсий манфаатлар биринчи ўринга чиққан пайтда ҳарбий етакчилар ҳокимиятининг кучайиши давридаги турли хил ҳарбий-сиёсий иттифоқларнинг кураши тавсифланади.

Манбада ҳар хил турдаги қуролларнинг тавсифи келтирилганига алоҳида эътибор қаратиш керак. Булар: «таранг тортилган камонлар», «бургут патли» ўқлар, «учли найзалар», болталар, палахмонлар, «сариқ металл»дан тайёрланган нуфузли қуроллар, «кумуш найза», «олтин зирҳлар», «икки учли пичоқлар», гурзилар, «шох тишли» ўқлар, «учи ўткир қалқон» ва «учли дубулға», жанг аравалари ва бошқалар[4].

---

[1] *Адамс Р.* Изучение бронзового века Месопотамии и соседних регионов // Древние цивилизации Востока. Ташкент, 1986. С. 19.

[2] Хрестоматия по истории Древнего Востока. Ч. 2/ Пер. из Гат В.И.Абаева. М., 1980. С. 1.

[3] *Дьяконов И.М.* Восточный Иран. ... С. 143.

[4] Авеста / Пер. с. авестийского И.М.Стеблин-Каменского. Гимн Митре. ... С. 54.

Янги отлиқ-камончилар жанг усулининг пайдо бўлиши ҳақидаги маълумотларга алоҳида диққат билан қараш зарур. Авестонинг мадҳияларида «қонга ташна» қўшинларга томон елдек учиб, душманларнинг жанговар сафини бузадиган «кенг туёқли шиддатли отлар» улуғланади[1].

Археологик маълумотларга кўра, мил. авв. II мингйилликнинг охири – сўнгги бронза даврида ва мил. авв. IX – VIII асрлар – темир асрига ўтиш даврида нафақат одатдагидек кўплаб чорвадор қабилалар яшаган тоғ ва дашт минтақаларида, балки деҳқончилик воҳаларида ҳам қуролларнинг ҳар хил турлари– бронза ханжарлар, найзалар, отиладиган учли найзалар ва ўқлар, тошдан ясалган гурзилар ва палахмондан отиш учун тўп-ўқлар кенг тарқалган эди[2].

Авестонинг дастлабки қисмларида келтирилган аҳамонийларгача бўлган давр хронологияси манбада пуллар, солиқ тизими, сатрапликлар ва бошқа давлат институтлари тўғрисида эслатмаларнинг йўқлиги билан изоҳланади[3]. Тадқиқотчилар Авестонинг қадимги қисмлари тасвирлаб берган жамият кўп жиҳатдан мил. авв. I мингйилликнинг бошларида Ўрта Осиёдаги ўтроқ чорвадорлар ва деҳқонларнинг ўрнашиб яшаган ҳудудида кечган ижтимоий жараёнларни нисбатан аслига яқинроқ акс эттиради деб ҳисоблашади[4].

Парфия, Марғиёна ва Бақтрия ҳудудларидаги давлатчиликкача бўлган тузилмаларнинг шаклланиши ёки илк давлатчиликка ўтиш жараёни, эҳтимол, қўшни минтақалар ҳудудларига қараганда анча олдинроқ – бронза даври (ўрталари – мил. авв. II мингйилликнинг иккинчи ярми)да кичик деҳқончилик ҳудуд-воҳаларида бошланган. Улар қишлоқ хўжалиги жамиятларининг ҳудудий бўлиниши, суғорма деҳқончиликнинг жамоавий ташкил этилиши, тураржойларнинг ҳар хил турларининг, махсус ҳунармандчилик ва қазилма кончиликнинг

[1] Авеста / Пер. с. авестийского И.М.Стеблин-Каменского. Гимн Митре. ... С. 54.

[2] *Бернштам А.Н.* Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня и Памиро-Алая // МИА. 1952. № 26; *Кузьмина Е.Е.* Металлические изделия энеолита и бронзового века Средней Азии // Свод археологических источников.Вып. 4 – 9. М., 1966.

[3] *Дьяконов И.М.* История Мидии от древнейших времен до конца IV в. до н.э. М.-Л., 1956. С. 47, 48.

[4] *Массон В.М.* Эпоха первых цивилизаций // Вопросы истории. 1986. № 3.

алоҳида ажралиб чиқиши, айирбошлаш ва савдо-сотиқнинг мавжудлиги билан характерланади.

Шунингдек, Афғонистон шимолидаги Дашли воҳасида ибодатхона ва сарой типидаги иншоотлар ажралиб туради; ҳунармандчилик устахоналари ва хўжалик омборларининг бир жойда тўпланиши кўриниб туради. Аммо Месопотамиянинг *номлар*идан (шаҳар-давлат) фарқли ўлароқ[1], бу объектлар шаҳарнинг девор билан ўралган ягона ҳудудида жойлашмаган, балки мустаҳкам деворлар билан бир-биридан ажратилган, мустақил архитектура жиҳатидан режалаштирилган алоҳида меъморий бирликлардир[2]. Бироқ бундай объектлар битта воҳа ҳудудида бирлаштирилган эди.

Сурхон водийсидаги Шеробод воҳасида эса, аксинча, Месопотамиядаги ибодатхона ва саройларнинг шаҳарда жойлашувига ўхшаб, Жарқўтон аҳоли манзилгоҳи ҳудудида ибодатхона ва сарой жойлашганлиги эътиборга моликдир.

Илк давлатчиликнинг шаклланиш жараёнини ўрганиш учун археологик ва ёзма манбалардан ташқари этнографик материаллардан ҳам кенг фойдаланилади. Этнография шуни кўрсатадики, ижтимоий кўтарилишлар ва жамоат лавозимларини эгаллаш жамоавий ишлаб чиқариш амалиётлари ва ижтимоий меҳнат тақсимотидан келиб чиқиб белгиланган бўлиб, бу, хусусан, ташкилий-бошқарув фаолиятининг ишлаб чиқаришдан ажралиб чиқишини юзага келтирди[3].

Инглиз-америка тарихий адабиётларида ривожланишнинг ушбу босқичи «етакчи-сардорлар жамияти» сифатида тавсифланади. Давлатчиликка ўтиш босқичларидан бири *чифд* деб таърифланади, бу эса ҳали давлатнинг сиёсий институти даражасига етмаган, аммо етакчи-сардорларнинг нуфузига асосланган институт ҳисобланадиган жамият ташкилоти шаклини ифодалайди[4]. Ушбу тамойил ҳам қадимги

[1] *Дьяконов И.М., Якобсон В.А.* «Номовые государства», территориальные царства, «полисы» и «империи». Проблемы типологии // ВДИ. 1982. № 2.

[2] *Сариниди В.И.* Древние земледельцы Афганистана. М., 1977.

[3] Первобытное общество. Основные проблемы развития. М., 1975. С. 111.

[4] *Renfrew C.* Approachesto social archaeology. Edinburg. 1984. P. 204; *Файсервис И.* К вопросу о происхождении Хараппской цивилизации // Древние цивилизации Востока. Ташкент, 1986. С. 195.

ижтимоий тузилмаларни қайта қуриш учун этнографик маълумотлардан фойдаланишга асосланган, у ёки бу таърифдан қатъи назар, турли манбаларни таққослашнинг анъанавий схемаси билан боғлиқ[1].

Жарқўтон воҳаси ва бошқа ҳудудларнинг археологик материаллари кўрсатиб турганидек, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида ҳам бронза даврида, жамиятда ишлаб чиқариш ва бошқа жараёнлар устидан бошқарув ва назорат вазифаларини бажарадиган етакчилар ажралиб чиққан вақтда худди шундай вазият юзага келган бўлиши керак.

Умуман олганда, ушбу даврда раҳбарлар ижтимоий фойдали ташкилий ва бошқарув вазифалари (назорат, кузатув, қарор қабул қилиш, диний маросимлар ўтказиш вазифалари)ни бажарган ва бунинг эвазига ижтимоий маҳсулотнинг бир қисмини олишлари мумкин бўлган бўлса ҳам, бу вақтда ҳали ҳокимиятни юридик расмийлаштириш амалга оширилмаган эди. Шундай қилиб, ўша пайтда ҳокимият етакчиларнинг нуфузига таянган ва у мажбурий итоат этишга асосланган ҳокимият эмас эди.

Авестонинг дастлабки қисмларида ўз аксини топган кейинги давр – мил. авв. IX – VIII асрлар – Арйошаяна каби ҳарбий-сиёсий бирлашманинг шаклланиши билан тавсифланади. Айтиб ўтилганидек, бу даврда ҳарбий вазифа ғоят муҳим аҳамият касб этди ва ҳарбий раҳбарлар жамиятнинг етакчиларига айланди. Деҳқонлар, ҳунармандлар, қурувчилар ўтроқ жамиятларда, одатда, юқори мавқени эгаллаган эди. Авесто, айниқса, чорвадор чўпоннинг меҳнатига алоҳида урғу беради ва жасур жангчиларни мақтайди. Ясна ва Яштда деҳқонлар тилга олинмайди, аммо уларда жангчиларни чорвадорлар, ҳунармандлар каби алоҳида тоифа сифатида таъкидлаб ўтилади[2].

Арйошаяна каби бирлашмаларнинг асосини майда «давлат» тузилмалари ташкил қилган бўлиши мумкин, бу Мурғоб, Сурхон, Қаш-

[1] Қаранг: *Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В.* Очерки по истории ...; *Сагдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов У., Норкулов Н.* Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. Тошкент, 2000; Очерки по истории государственности Узбекистана. Ташкент, 2001.

[2] Пер. *С.П. Виноградовой*. Хрестоматия по истории... С. 64, 67.

қадарё ва Зарафшон водийлари ёдгорликлари мисолида ўзининг археологик ифодасини топди. Ушбу бирлашмалар кўпинча ҳудудларни ўзлаштираётган ёки одатий яшаш жойларини ҳимоя қиладиган чорвадорлар ва деҳқонларнинг манфаатлари вақтинча бир-бирига мос келган вақтдагина бирлашадиган беқарор ҳарбий иттифоқлар характерига эга эди.

Авестода даврнинг ўзи фожиали тавсифланади — доимий босқинлар ва урушлар «уйга, қишлоққа, ҳудудга ва мамлакатга вайронагарчилик» келтирди. Авесто душманларга қарши қурол кучи билан курашишга чақиради, қабилаларни бирлашишга, кучли ҳукмдор бошчилигидаги марказлашган давлатни яратишга чақиради. Бу даврда тарихий саҳнада пайдо бўлган Зардушт шундай дейди: «Яхши ҳукмдор ўлим ва қирғинни душманларнинг қаргоҳига олиб боради ва шу тарзда бахтиёр қишлоқлар учун тинчлик ўрнатади. Бу ҳукмдор ким бўлади? Ким ўзининг исмини улуғлайди? Бу — Кави Виштасп»[1].

Яштнинг X бобидаги баланд тоғлар, кенг яйловлар, чуқур кўллар ва Ишката, Марғиёна, Ария, Гава, Сўғд ва Хоразм томонларга оқиб борувчи кема юра оладиган кенг дарёларнинг санаб ўтилишини ҳисобга олмаганда, Авестода Арйошайаннинг чегараларини белгилаш учун аниқ географик маълумотлар йўқ. Мазкур ҳолатда, афтидан, Арйошайан ҳақидаги, шунингдек, Арянам Вайчах ва Арянам Вайжо мил. авв. IX — VIII асрларда «даҳюпати ҳукмдорлар» бошчилигидаги алоҳида кичик давлатларни яратган «авесто халклари» яшаган ҳудуднинг умумий географик номи ҳисобланади деган тахминни қабул қилишимизга тўғри келади[2]. Шунга ўхшаш сиёсий вазият, қизиққи, Ўрта Осиё тарихида илк ўрта асрларда, орадан 1500 йил ўтгач, бу ерда ўз ҳукмдорларига эга бўлган, тарихдан ихшид, худат, ихрид ва афшин номлари билан барчага маълум кўплаб кичик ўлкаларнинг пайдо бўлишида такрорланган. Умуман олганда, Арйошайан (Арянам Вайчах, Арянам Вайджа) деганда, кўпчилик тадқиқотчиларнинг

[1] Пер. *С.П. Виноградовой.* Хрестоматия по истории ... С. 62.

[2] Қаранг: *Пьянков И.В.* Древнейшие государственные ... С. 247.

фикрига кўра, биз Ўрта Осиё, Афғонистон ва Шимоли-Шарқий Эрон ҳудудларини тушунишимиз керак[1].

Арйошайан Кави Виштасп[2] подшоҳлиги билан айнан бир деб қаралмоқда; бошқа бир фикрга кўра, бу маркази Марв ва Ҳирот[3] ёки бўлмаса Бақтрия[4] атрофида бўлган «Катта Хоразм» подшолигидир. Бироқ Бақтрия Михр Яшт мамлакатлари рўйхатига киритилмаган, аммо унда Хоразм ҳақида эслатиб ўтилган. Бу мамлакат билан, Видевдат маълумотларига кўра, кейинги мамлакатлар рўйхатидан маълум бўлган Арянам Вайджа ҳам тенглаштирилади.

Хоразмликлар дастлаб Ҳарируд-Тажан водийсида ва Туркман-Хуросон тоглари ҳудудида яшаган, аҳамонийлар даврига келиб астасекин Амударё[5] этакларига кўчиб ўтган деган хулоса анчагина мунозаралидир. Улар қандай мақсадда кўчиб ўтишган? Деҳқончиликни ривожлантириш учунми ёки Аҳамонийлар давлатининг шимолий чегараларини ҳимоя қилиш учунми? Бироқ Хоразмда деҳқончилик анча илгари ривожланган; чегараларни кўчманчилар босқинидан ҳимоя қилиш масаласига келсак, бу сабаб ҳам эҳтимолдан анча йироқ, чунки саклар Аҳамонийлар давлатининг таркибига кирган ва унинг шоҳларига ўлпон тўлашган. Бундан ташқари, аҳолининг оммавий кўчиши Ҳарируд-Тажан водийсининг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига таъсир қилмаслиги ва воҳанинг таназзулига, ташландиқ ҳолга тушиб қолишига олиб келмаслиги мумкин эмас эди, лекин бундай ҳолат аҳамонийлар даври археологик материалларида қайд этилмаган.

Эҳтимол, Марғиёнадаги аҳамонийларга қарши қўзголоннинг бостирилишидан сўнг маҳаллий исёнкор аҳолининг бир қисми Доро I томонидан Хоразмга кўчирилганлиги ҳақидаги тахмин, агар бундай йўл тутиш қадимги Форс подшоҳлари сиёсатига хос бўлганлигини

[1] *Ходжаева Н.* Локализаци авестийских гор Хара Беризаити, рек Вахви-Даития, Ранха и море Ворукаша. Душанбе, 2003.

[2] *Дьяконов И.М.* Восточный Иран ... С. 136.

[3] *Henning W.B.* Zoroaster Politician... P. 43; *Gershevitch J.* The Awestam hymn... P. 14.

[4] *Пьянков И.В.* Ктесий о Зороастре // Материальная культура Таджикистана. Вып. 1. Душанбе, 1968. С. 63.

[5] *Пьянков И.В.* Древнейшие государственные ... С. 241.

ҳисобга олсак, анчагина ҳақиқатга яқинроқдир. Мил. авв. V асрда Шимолий Африкадан Барки қишлоғи аҳолиси Бақтрияга кўчирилган (Геродот, IV, 24). Милетдан келган юнонлар ҳам шу ерга кўчиб келишган (Курций Руф, IX, 1, 2).

Зардушт Қави Виштасп шоҳлигида янги динни тарғиб қила бошлаган вақтларда Марғиёна ва Бақтрия қўшни ҳудудларга ҳам астасекин тарқалиб борган хўжалик, технологик ва маданий ютуқларнинг марказлари сифатида алоҳида рол ўйнади. Бу маданият эгалари мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярмида Қашқадарё водийсида, Зарафшоннинг қуйи этакларида ва Амударёнинг ўрта оқими атрофидаги ҳудудлар – Хоразмнинг чегараларида яшаган Марғиёна ва Бақтрия аҳолисининг муайян гуруҳлари эди. Бу жанубий қабилаларнинг Хоразм ҳудудига кириб бориши мумкинлигини истисно қилмайди. Бундай ёндашув Одойтепа ва Қўшқалъа манзилгоҳларини Амударёнинг ўрта қисмида жойлашган бўлганлигига ишора қилади, бу срда Бақтрия тарихий-маданий жамоалари мажмуаларига ўхшаш аҳамонийларгача бўлган қадимги археологик материаллар топилди[1]. Агар бу фараз тўғри бўлса, унда мустамлакачилар Ўрта Осиёнинг жанубидан ташқарига чиққач, кейинчалик қуйи Амударё этаклари аҳолиси билан бирлашиб, ўзларининг марказлари билан доимий алоқани йўқотган, кейинчалик *Хоразмия* номини олган янги этник гуруҳларни ташкил қилган бўлишлари керак. Унда Ўрта Осиёнинг жанубида аҳамонийлар истилосидан олдин хоразмликлар эмас, балки минтақадаги хоразм халқининг таркибига кирган, ўзининг номини ҳозир ҳам сақлаб қолган қабилалар гуруҳлари яшаган бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас[2]. Шу билан бирга, мазкур фактни ҳисобга олиш керакки, Хоразмдаги маҳаллий аҳолининг сўнгги бронза давридаги ва темир даврига ўтиш пайтидаги маданияти ривожланишининг узлуксиз йўналишда давом этганини ва жанубий аҳолининг алоҳида гуруҳлари

[1] *Пилипко В.Н.* Раскопки в Дейнауском районе Чарджоуской области // АО. 1974. М., 1975. С. 527-528.

[2] *Сагдуллаев А.С.* Маргиана и Бактрия. Исторические традиции и культурные связи в доантичную эпоху. Древний Мерв // Труды ЮТАКЭ. Т. XIX. Ашхабад: 1989. С. 17.

келишидан олдин воҳада деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланувчи қабилалар яшаганини кўрсатади. Аммо, умумий олиб қаралганда, жанубда қадимий илдизларига эга бўлган маданий анъаналар мана шу ерда ривож топган эди.

Бугунги кунда кўпчилик тадқиқотчилар Ўзбекистон ҳудудидаги, умуман, Ўрта Осиё ҳудудидаги давлатчилик илдизлари келиб чиқиши бронза даврига бориб тақаладиган жуда қадимги анъаналарга эга деган умумий хулосага келишди, шунга қарамай, айрим тадқиқотчилар ишларида бу хулоса ишонарсиз деб қаралган ва манбалар билан тасдиқланмаган, эҳтимолдан йироқ деб таъкидланади[1]. Шу билан бирга, «Хоразмда илк давлатчилик пайдо бўлишининг археологик тасдиқлари...», Хоразм «архаик» маданиятининг асоссиз равишда жуда қадимий саналар билан белгилашга асосланганлиги, шунингдек, хоразмликлар ҳақидаги маълумотлар «аҳамонийларгача бўлган қандайдир катта Хоразм давлатининг» мавжудлиги ҳақида тахминлар учун асос бўла олмаслиги ҳақидаги хулоса ҳам мавжуд[2].

Агар мил. авв. VII – VI асрларга оид Қўзалиқир типидаги мажмуалар қадимги Хоразм давлатининг мавжудлигини археологик жиҳатдан тасдиқлайди деб ҳисобласак, унда бу давлат аҳамонийлар истилосидан камида 70 йил олдин мавжуд бўлганлиги ҳақидаги хулоса муқаррар бўлиб қолади[3]. Бироқ, айтилганидек, Қўзалиқирнинг фортификацияси, қурилиш услублари, у ерда кўзасимон кулолчилик буюмлари ишлаб чиқарилгани жанубий маданиятлар таъсири натижаси ҳисобланса, унда қандай қилиб биринчи давлат тузилмалари Хоразмда анча олдин бошқа омиллар, аввало, Авестонинг илк қисмларида маълумотлари сақланиб қолган ҳарбий-сиёсий таъсирлар остида вужудга келиши мумкин эди? Бундай ҳолда Хоразмни Авестонинг энг қадимий ҳудудлари рўйхатига киритиш борасидаги факт ҳақиқатан ҳам муҳим ҳисобланади.

---

[1] *Дандамаев М.А.* Политическая история ... С. 30-32.

[2] *Пьянков И.В.* Древнейшие государственные ... С. 240 – 241.

[3] *Сагдуллаев А.С.* Маргиана и Бактрия ... С. 21, примеч. 34.

Ҳар бир жамиятнинг ривожланиши унинг ички қонунлари ва ташқи таъсирлари билан белгиланган. Илк давлатларнинг ўтроқ деҳкончилик ҳудудларида шаклланиш механизми ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий омилларнинг бир тартибли хусусияти билан белгиланади. Мил. авв. VII – VI асрларга оид Бақтрия, Марғиёна, Хоразм ва Сўғдда топилган археологик материаллар мана шу жиҳатдан эътиборлидир. Жамиятнинг мураккаб ижтимоий тузилмаси мавжудлиги ўша даврда архитектура ва режалаштириш меъёрлари билан ишланган ҳамда аниқ маъмурий-ҳарбий, ҳунармандчилик ёки қишлоқ хўжалиги ишларини яққол акс эттирувчи алоҳида турдаги манзилгоҳлар мавжуд бўлганини тахмин қилишга имкон беради.

Мил. авв. VII – VI асрлар тарихи учун қуйидагилар хос бўлган:

– жамиятнинг ҳудудий бўлинмаси. Уй жамоаларининг туман – воҳа жамоалари доирасида бирлашиши, ўтроқ аҳоли ҳудудларининг алоҳида дарёлар (Зарафшон, Қашқадарё, Сурхон, Мурғоб, Балхоб, Амударёнинг қуйи этаклари ва бошқалар) бўйидаги водий ҳудудлари доирасида бирлашиши;

– ҳар хил турдаги манзилгоҳлар. Монументал меъморчилик ва оддий тураржойлар. Архитектура режалаштириш стандартлари;

– кулолчилик, металлургия ва қурилиш ҳунармандчилиги, шунингдек, суғориш деҳқончилигининг юқори даражада ривожланиши. Ҳунармандчилик стандартлари.

Ижтимоий иерархияда деҳқончилик хўжалигида, уйдаги чорвачилик, уйдаги ҳунармандчиликда, махсус ҳунармандчилик, қурилиш ишларида банд бўлган турли хил ишлаб чиқарувчилар қатламлари ва бевосита ишлаб чиқаришда банд бўлмаган ва бошқарув, назорат, текширув (ташкилий-бошқарув ишлари) вазифаларини бажарувчи шахслар алоҳида ажратилган. Уй-қўрғонларнинг бошлиқлари, аҳоли яшаш жойлари ва ҳудудий жамоаларнинг оқсоқоллари, туман ҳокимлари ва ибодатхона хизматчилари, чамаси, шу шахслар қаторига кирар эди. Улар ўрни бўйича нафақат ижтимоий ишлаб чиқариш тизимида, балки умумий маҳсулотни тақсимлаш тизимида ҳам фарқланар эди.

Бу даврда ҳамма жойда ҳимояланган йирик марказлар – деҳқончилик манзилгоҳлари ва кенг қишлоқ хўжалиги ерлари билан ўралган, қўрғонларига эга шаҳарлар (Афросиёб, Ерқўрғон, Узинқир, Қизилтепа, Алтиндилер ва бошқалар) пайдо бўла бошлади[1]. Улар нафақат маъмурий ва ҳунармандчилик марказлари, балки қишлоқ хўжалиги округи аҳолиси учун бошпана вазифасини ҳам ўтарди[2]. Шунингдек, муҳим савдо йўлларида ҳарбий истеҳкомлар мавжуд бўлганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Амударё орқали ўтадиган кечувларда, дашт йўлларида ва тоғ дараларига кириш жойларида алоҳида қалъалар қурилган эди. Ерости бойликлари қазиб олинадиган тоғ ҳудудларида ҳимояланган савдо-ҳунармандчилик манзилгоҳлари жойлашган эди.

Ниҳоят, ҳарбий ишлар ва истеҳкомларни сезиларли даражада ривожлантиришга, турли хил мудофаа ва ҳужум қилувчи қуроллар – ханжарлар, жанговар болта, бронза учли ўқлар ва найзалар, тош сопқонлар, сопол ва лойдан ясалган ядролар, отиладиган тошлар ва бошқаларга эга бўлишга кўпроқ эътибор қаратила бошланди. Айни шу вақтда манзилгоҳларнинг режали тузилишида мудофаавий жиҳатлар (ўқ отиш йўлакларига, камондан ўқ отиш учун миноралларга, кенг ва чуқур хандақларга эга мудофаа деворлари, мудофаа истеҳкомларининг стандарт вариантлари) биринчи даражали аҳамиятга эга бўла бошлайди. Бу борада худди йирик марказлар каби алоҳида кичик қалъаларнинг ҳам истеҳкомлари бўлганлигини кўриш мумкин.

Турли ҳудудлар ва жойларда ҳимоянинг алоҳида кичик турларга бўлинган ривожланган, стандарт тизимларига амал қилинади:

– катта ҳудудни ҳимоя қилиш заруратини ҳисобга олиб қурилган, чуқур ва кенг хандақларга эга бўлган, ўқ отиш учун ички йўлакли деворлар ёки майдонлар, овал миноралар билан мустаҳкамланган ва ўқ отиш бўлмаларига эга истеҳком – Бақтра (Бола Ҳисор), Қизилтепа, Кўзаликир;

---

[1] *Ртвеладзе Э.В.* Легенды об основании среднеазиатских городов и археологическая действительность // Культура юга Узбекистана в древности и средневековье. Ташкент, 1987. С. 47 – 56.

[2] Бу шаҳарларда кенг, махсус қурилмаган ҳудуд-майдонлар бўлган бўлиб, ҳарбий хавфлар келиб чиққан вақтда улардан манзилгоҳ аҳолиси учун бошпана сифатида ва жамоа бойлигининг ўлчови бўлган чорвани қамаш учун жой сифатида фойдаланишган.

– бир неча қатор қалъа деворларини (ташқи, ички) ўз ичига олган, ён томондан ҳимоя учун мўлжалланган минораларга эга ёки узлуксиз монолитни ифодаловчи йирик марказлар истеҳкоми – Алтиндилер, Узунқир, Кўктепа[1], Ерқўрғон, Эркқалъа. Сангиртепанинг майдони 3 га ни ташкил этадиган нисбатан кичик ёдгорлиги ҳам худди шундай истеҳкомга эга;

– ичида бир-бирига узлуксиз боғланган бинолари бўлмаган алоҳида қалъаларнинг миноралари ва ўқ отиш майдонларига эга истеҳком – Талашкон, Бандихон 2;

– чети айланма девор билан ўралган баланд миноралардан фойдаланилган истеҳком – Кучуктепа, Қизилтепа ва Алтиндилертепа қалъалари;

– алоҳида биноларнинг баланд ташқи деворлари кўринишидаги соддалаштирилган вариантдаги мудофаси – Қизилча қўрғони.

Шунингдек, таъкидлаш керакки, Бақтрия, Марғиёна ва Сўғд ҳудудида кўплаб йирик аҳоли манзилгоҳлари мавжуд эди. Улар орасида энг йириклари қуйидагилар эди: Афросиёб – 220 га, Бола Ҳисор – 140 га, Кўктепа – 100 га, Олтинтилар – 80 га, Узунқир – 70 га, Ерқўрғон – 40 га, Қизилтепа – 22 га, Эркқалъа – 20 га, Ёзтепа – 16 га, Байтудашт – 16 га, Бандихон – 14 га, Наибобод – 13 га, Дарате-па – 10 га, Гозимулла – 10 га.

Ўрта Осиёда давлатчиликнинг пайдо бўлиши тарихини қадимги Шарқнинг қадимий деҳқончилик цивилизацияси ҳудудларидаги илк давлатларнинг ўзига хос жиҳатлари, хусусиятлари ва ривожланиш конуниятлари билан узвий боғлиқ ҳолда кўриб чиқиш керак. Айтилганидек, Шарқнинг турли минтақаларида давлатларнинг пайдо бўлиши (уларнинг пайдо бўлиш вақтидан қатъи назар) бир тартибли ижтимоий-иқтисодий сабабларга кўра аниқланди. Бу ерда давлатлар муайян иерархик тузилмалар таркибига кирувчи алоҳида ҳудудий жамоалар асосида вужудга келган эди: бир неча ҳудудий жамоалар

[1] *Исамиддинов М., Рапен К.* К стратиграфии городища Коктепа // ИМКУ. Вып. 30. Самарканд, 1999. С. 68 – 80.

жамоа-давлатни ташкил қилишган[1]. Шу тариқа воҳа ҳудуди каби бир қатор деҳқончилик ҳудудларини ҳам ўз ичига олувчи ўлкаларнинг ҳудудий бўлиниши маъмурий зарурат билан белгиланиши керак эди. Хусусан, Сурхон водийсида, масалан, Миршоди туман-воҳаси ҳудудидаги манзилгоҳлардан кўриш мумкинки, Қизилча туридаги уй-жой жамоалари марказий жамоа бўлган Қизилтепа атрофида бирлашган қишлоқ хўжалиги жамоасининг таркибида эди.

Суғоришга асосланган қишлоқ хўжалиги жамоалари ҳар доим жамоавий турдаги меҳнатни ташкил этишга ва ҳаётий муҳим манфаатларнинг амалга оширилиши учун зарур бўлган юқори даражадаги мустаҳкам бирликка эҳтиёж сезишарди. Қадимги деҳқончилик воҳалари ҳудуди мана шундай бирлашма бўлди.

Давлатнинг шаклланиши ва ривожланишига — алоҳида-алоҳида бўлиб ўзаро қўшни ҳудудларда жойлашган ўтроқ ўлкаларнинг сиёсий бирлашишига туртки бўлган яна бир омил доимий ташқи хатар, айниқса, Ўрта Осиё чўл ҳудудларининг кўчманчи қабилалари томонидан қилинадиган ҳужум хавфи эди. Мил. авв. IX — VIII асрларда, айниқса, мил. авв. VII — VI асрларда бу хавф кўп кузатилган, чунки бу даврда Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг кўплаб тоғ ва дашт ҳудудларида йилқичилик ва кўчма деҳқончилик кенг тарқалган, кўчманчиларнинг ўзлари эса қуролсозликни ривожлантиришда катта ютуқларга эришганлар ва улар улкан ҳарбий кучга айланишади. Мазкур ҳолатда жамиятни «ҳарбийлаштириш» фактига эътибор қаратиш лозим. Илк темирчилик асри тарихи ҳарбий хавфнинг мавжудлиги туфайли ушбу жараён юзага келишининг дастлабки босқичини намойиш этади, бу эса ўтроқ аҳоли яшайдиган жойларни кенг кўламли ва ишончли ҳимоя қилиш ва деҳқончилик воҳаларининг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш заруратини келтириб чиқаради.

Шу билан боғлиқ равишда ўтроқ туманларнинг истеҳком объектлари жойлаштирилишининг ўзига хос хусусиятларини таъкидлаб ўтмасдан бўлмайди. Сўғдда Кўктепа, Афросиёб, Узунқир, Амударёнинг

[1] *Дьяконов И.М.* Проблемы экономики ... С. 19.

ўрта оқими ҳудудларида эса Одойтепа айнан Ўрта Осиёнинг шимолий дашт ҳудудларидан ўтган йўлларни назорат қиларди. Тоғ довонлари орқали ўтадиган асосий йўлларнинг бошида жойлашган Қизилтепа, Бандихон ва Таллошқон қалъаларидараларнинг чиқиш йўлини ёпиб қўйган, Олтинтилар эса Амударёнинг кечувидан унчалик узоқ бўлмаган жойда жойлашган, яъни илк темир асрининг кучли ҳимояланган қалъалари стратегик аҳамиятга эга, душман ўтиб келиши мумкин бўлган жойларда (дашт ва тоғ йўлларида, Амударё орқали кечув жойларида) тўпланган эди. Ташқи белгиларга кўра бу нисбатан янги ходисалар доимий ҳарбий тўқнашувлар ва сиёсий қарама-қаршиликлардан далолат беради.

Ҳарбий таҳдид нафақат кўчиб юрувчи кўчманчи қабилалар томонидан, балки Шарқнинг Оссурия ва Мидия каби қадимги давлатларидан ҳам содир бўлиб турарди. Бу борада ёзма манбаларда Бақтрия Оссурия шоҳи Ниннинг, кейин эса Кир II нинг истило режаларига қарши турган мамлакат ҳисобланади. Геродотнинг «Кирнинг йўлида Бобил, бақтрия халқи, саклар ва мисрликлар турган» деган машҳур хулосасида, чамаси, мил. авв. 558 – 530 йиллар орасида Шарқдаги ҳарбий кучларнинг ўзаро нисбати ҳақиқатан ҳам ўз аксини топади. Кир II нинг Ўрта Осиёга қилган юришлари форсларнинг асосий рақибларини – Бақтрия ва сак-массагет қабилалари бирлашмасини намойиш этади. Мил. авв. 530 йилдаги сак-массагет қабилаларига қарши юриш Кир II томонидан фақатгина Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудлари забт этилганидан кейин амалга оширилган эди.

Мазкур бўлимнинг умумий хулосаларини келтираётиб шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ҳудудида ва Ўрта Осиёнинг ўзаро қўшни бўлган ўтроқ деҳқончилик ўлкаларида илк давлат муносабатлари шаклланишининг илдизлари кечки бронза даврига – мил. авв. II мингйилликнинг иккинчи ярмига, қишлоқ хўжалиги жамоаларининг ажралиб чиқиши ва уларнинг туман-воҳалар доирасида ҳудудий бирлашиши рўй берган даврга тўғри келади.

Ўзбекистон ва Ўрта Осиё ҳудудида илк давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихий адабиётда учта ёки бошқа вариантга

кўра иккита даврга ажратиб кўрсатилган. Биринчи ҳолатда – мил. авв. II мингйилликнинг ўрталари – иккинчи ярми, мил. авв. X–VIII асрлар ва мил. авв. VII– VI асрлар[1]. Иккинчи ҳолатда – мил. авв. II мингйилликнинг иккинчи ярми –I мингйилликнинг бошлари – мил. авв. VI аср[2]. Илк давлатчиликнинг даврийлаштирилиши ва хронологиясининг ушбу схемаси, янги маълумотларнинг келиб қўшилишини назарда тутсак, якуний бўлиб қолмайди ва унга келгусида ҳам тегишли тузатишлар киритилиши мумкин. Умуман олганда, аксарият тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг шаклланиши тарихи мил. авв. II мингйилликдан бошланади[3].

Биринчи давр учун кичик деҳқончилик воҳаларидаги давлат тузилмаларининг шаклланиши хос, у ерларда мустаҳкам деворли ибодатхона ва саройлар бўлган, жамоавий уйлар, ҳунармандчилик устахоналари ва хўжалик омборлари бир жойга жамланган эди.

Шу тариқа Ўрта Осиёда биринчи давлатлар алоҳида аҳоли яшаш жойларининг чекланган майдонларига эга, сугорма ерлар ва суғориш тизими билан ишлов берилган нисбатан кичик ҳудудда, кичик кўламда ўзлаштирилган ва хўжалик ва ишлаб чиқариш мақсадларида жадал фойдаланиладиган қадимий деҳқончилик воҳалари доирасида вужудга келди.

Кичик давлат бирлашмалари мил. авв. I мингйилликнинг бошларида ҳам ривожланган эди, аммо вазият аста-секин ўзгариб борди. Илк темир асридаги давлатлар қуйидаги ҳудудий схема бўйича шаклланган: деҳқончилик тумани – вилоят (Сурхон водийси, Балхаб ва бошқалар) – вилоятлар бирлашмаси. Вилоятлар бирлашмасида бир-бирига яқин манзилгоҳлар бўлган, уларумумий чегараларга эга эди (Бақтрия), яъни у аллақачон марказлашган ҳокимиятига ва пой-

[1] *Сагдуллаев А.С.* Оседлые области ... С. 40 – 41. Ўша муаллиф. Вопросы типологии и хронологии древнейших государств Средней Азии // Средняя Азия и мировая цивилизация. Ташкент, 1992.

[2] *Ртвеладзе Э.В.* и др. Очерки по истории ... С. 48.

[3] *Ширинов Т.* Древнебактрийское царство ... С. 13.

тахтига эга катта давлат бўлган (манбаларга кўра, ҳокимларнинг унвонлари: кави, басилевс – шоҳ Оксиарт, пойтахти – Бақтрия)[1].

Шунга ўхшаш схема бўйича мил. авв. I мингйилликнинг бошида тахминан Сўғд ҳудудида ҳам давлатчилик вужудга келади. Ушбу муаммони ўрганиш борасида ҳозирги вақтда тадқиқотчилар кўплаб янги археологик маълумотларга эга[2] эканини ҳам қайд этиш жоиз. Совет тарихшунослигида Сўғднинг дастлабки давлатчилиги ҳақидаги масала кўриб чиқилмаган, чунки у вақтда тадқиқотчилар Авестода Сўғд (Сўғд Гаваси) Авестонинг бошқа давлатлари қаторида алоҳида эслатиб ўтилган бўлишига қарамай, Сўғд ҳам Маргиёна сингари қадимги Бақтрия сиёсий бирлашмасининг таркибий қисмига кирганлигига ишонч ҳосил қилишади.

Адабиётларда аллақачон Сўғд ҳудудида илк темир даврининг энг йирик шаҳар марказлари топилганига эътибор қаратилади. Кўктепада ва Узунқир туманида (Сангиртепа) ибодатхоналар – ибодат мажмуалари топиб ўрганилди[3]. Буларнинг барчаси Сўғдинггарчи Бақтрия тарихий-маданий бирлашмаси таъсири остида бўлган бўлса ҳам, лекин қадимги Бақтрия сиёсий бирлашмасининг таркибига кирмаганлигини тахмин қилишгаимкон беради.Бошқа бир тахминга кўра унинг таркибига кирган бўлса ҳам, унда «Самарқанд унинг пойтахти бўлган»[4].

Афтидан, Афросиёб-Мароқандни қадимги Бақтрия подшолигининг пойтахти деб ҳисоблаш нўўриндир. Шаҳарнинг катта ҳудудга эга (220 га) экаплиги ва бу ерда ягона далил сифатида келтирилган мустаҳкам қалъанинг мавжудлиги юқорида келтирилган фаразни тасдиқлай олмайди. Бу ҳақда ёзма маълумотлар ҳам йўқ. Юнон-рум муаллифларининг асарларида Мароқанд Сўғдиёнанинг пойтахти сифатида келтирилади[5]. Бақтрия пойтахти номи ва унинг жойлашган

[1] *Ртвеладзе Э.* Цивилизации, государства ... С. 60.

[2] *Сулейманов Р.* Появление города на Еркургане в процессе урбанизации и сложение государственности на территории Узбекистана // Ўзбекистон тарихи. 1999. № 2; *Сулейманов Р.* Древний Нахшаб. Ташкент, 2000; *Исамиддинов М.Х.* Истоки городской ...; *Эшов Б.* Сўғдиёна тарихидан лавҳалар. Тошкент, 2002.

[3] *Исамиддинов М.Х.* Истоки городской ... С. 206.

[4] *Исамиддинов М.Х.* Ўша манба.

[5] *Пьянков И.В.* Мараканды // ВДИ. 1970. № 1. С. 32 – 48.

ўрни маълум. Бундан ташқари, Бақтрия қалъаси (Ктесий таърифида) ёки Бақтриянинг бошқа бир маркази Олтинтилар қалъаси (археологик материалларга кўра) ҳам катта ҳудудга ва кучли истеҳкомларга эга бўлганлиги маълум.

Умуман олганда, Сўғдда илк давлатчиликнинг шаклланиши, худди Бақтрияда бўлгани каби, ҳудудий тамойилга кўра юз берган: этник-маданий жиҳатлари, ишлаб чиқарувчи кучлар ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг умумий ривожланиш даражаси бир-бирига яқин бўлган аҳолининг яшаш жойлари умумий (жуғрофий жиҳатдан ўтиш қийин бўлган тўсиқларга бўлинмаган) ҳудуд ҳисобланарди. Археологик маълумотлар, аҳоли яшаш жойларини ҳудудларга ажратиш Сўғд ҳудудида ўтроқ аҳоли яшаган тўртта қадимги деҳқончилик ҳудудларини (кичик ҳудудини) — Қашқадарё водийсининг шарқий қисмини, Қарши ва Бухоро воҳаларини, Ўрта Зарафшонни ажратиб кўрсатишга имкон берди. Афтидан, Қашқадарё ва Зарафшон ҳавзаси атрофидаги тоғлар ва чўллар Сўғднинг табиий-географик чегаралари бўлиб хизмат қилган.

Юқорида келтирилган Сўғд ўлкалари ҳақидаги маълумот ёзма манбаларда маълум даражада ўз аксини топган. Булар — Наутака (Узунқир маркази), Нахшаб-Ксениппа (Еркўрғон), Баги ёки Бага (Бухоро воҳаси) ва Мароқанд ўлкалари[1].

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ҳудуди, шунингдек, қўшни минтақаларда илк давлат тузилмаларини ўрганиш бу ерда бронза даврига, шунингдек, мил. авв. VIII — VI асрларга оид маҳаллий ёзма ёдгорликларнинг топилмаганлиги (Авесто матнларининг оғзаки нусхалари кейинроқ ёзилган) туфайли сезиларли даражада қийинлашмоқда. Ёзув, товар-пул муносабатлари ва юридик институтларнинг мавжудлиги давлатчиликнинг маълум даражадаги ривожланиш кўрсаткичи эканлиги учун бунга аллақачон эътибор қаратилгани бежиз эмас[2].

[1] *Ртвеладзе Э.В.* Александр Македонский в Бактрии и Согдиане. Ташкент, 2002.
[2] *Ртвеладзе Э.В.* Цивилизации, государства ... С. 31.

Минтақанинг бошқа ўлкалари каби Хоразм, Сўғд, Бақтрия тарихининг ўзига хос жиҳатлари шундан иборатки, қадимги даврларда маҳаллий аҳолининг таркиби турли даврларда нафақат ички ўсиш, балки ташқи миграция ҳисобига ҳам тўлган эди. Айтиб ўтилганидек, ушбу ҳудуд ташқи босқинлар учун қалтис бўлган, шунинг учун илк темир даврида Бақтрия ва Сўғддаги деҳқончилик ҳудудларининг бирлашмаси ҳарбий-сиёсий омиллар билан белгиланар эди. Бронза даврида ҳарбий-сиёсий омиллар жамият ҳаётида унчалик муҳим рол ўйнамаган, ўша даврда минтақанинг турли соҳаларида ижтимоий-иқтисодий тусдаги муаммоларни ҳал қилиш нисбатан долзарб аҳамият касб этарди.

Археологик маълумотларга кўра, мил. авв. II мингйилликда Сурхон, Қашқадарё ва Зарафшон водийларининг кўплаб туманларида деҳқончилик ва чорвачилик жадал ривожланган эмас. Кам аҳолига эга ва ўзлаштирилмаган «ҳеч кимга тегишли бўлмаган» ҳудудлар кўп бўлган шароитларда унумдор ерлар ва энг яхши яйловлар учун қабилалар ўртасида урушлар камдан-кам ҳолларда рўй берарди.

Мил. авв. I мингйилликнинг биринчи ярмида вазият кескин ўзгаради: ташқи босқинлар, ҳудудий чегараларни бузиш, босқинчилик ва қорамолларни ўғирлаш натижасида йирик истеҳкомли бошпаналар қуришга эҳтиёж туғилади. Баланд иншоотли қалъалардан иборат ва қалъа ҳудудида деярли ҳеч нарса қурилмаган, шунингдек, қалъа ё шаҳар марказида ёки бирор бурчагида жойлашган (Узунқир, Одойтепа, Эркқалъа, Алтындильер) бундай объектларнинг мавжудлигига, улар билан бир қаторда нисбатан кичик қалъа-қўрғонлар (Таллошқон, Бандихон 2) бўлганлигига бир қатор мисоллар келтириш мумкин.

Буларнинг бари Бақтрия ва Сўғдда давлат бирлашмаларининг шаклланиши ва ривожланишига туртки бўлувчи ички ва ташқи омилларнинг ривожланишини алоҳида таъкидлаш учун яна бир бор тилга олинмоқда. Вақт ва тарихий воқеаларга қараб баъзи омиллар кўпроқ ёки камроқ рол ўйнаши мумкин эди, аммо уларнинг барчаси – иқтисодий, ижтимоий, мафкуравий, ҳарбий ва ҳудудий омиллар

давлатчилик тизимида ўзаро боғлиқ, яхлит жиҳатга ва муҳим аҳамиятга эга эди.

Шубҳасиз, Ўзбекистонда қадимий давлатчилик тарихидаги бир қатор долзарб муаммолар – давлат тузилмалари турлари, сиёсий муносабатлар, ҳуқуқ ва дипломатия[1] ҳанузгача тўлиқ ўрганилган эмас. Шу билан бирга, сўнгги йилларда мазкур мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар унинг кейинги ривожланишини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга имкон беради.

Шуни таъкидлаш керакки, мазкур масалани ўрганиш келгусида «Буюк Хоразм», қадимги Бақтрия подшолиги, «кавийшоҳлиги» билан чекланиб қолмаслиги керак. Ушбу масала бўйича асосий муносаралар, ўнлаб йиллар олдин бўлгани каби, мазкур давлатларнинг хронологияси ва тарихий географиясини, умуман, уларнинг ҳукм сурган даврини ва шу кабиларни ўрганиш билан боғлиқдир. Қуйидаги масалаларни ўрганиш ва умумлаштириш ҳақиқатан муҳим ҳисобланади:

– минтақада давлатчиликнинг шаклланиши асослари ва шартлари, археологик ва ижтимоий схемалар;

– давлатчиликка ўтиш даврида ташкилий ва бошқарув фаолиятининг мазмуни ва тамойиллари;

– эҳтимолий давлат лавозимлари тизими ва бошқарув тизимини ривожлантириш асослари, деҳқончилик жамоаларида раҳбарлик ва назоратнинг профессионал вазифаларига ўтиши;

– илк давлат тузилмаларининг турлари ва бошқарув шакллари, аҳолининг маъмурий-ҳудудий тузилмалари, археологик картография ва тарихий география;

– замонавий муаммолар, эски тушунчаларни қайта кўриб чиқиш ва Марказий Осиёда давлатчилик тарихини ўрганишга янгича ёндашувлар.

Ушбу масалаларнинг бир нечтаси, аввалambор, назарий фикрлашни талаб қилади ва ўз ечимини топмаган ҳисобланади. Минтақавий

[1] *Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х.* Дипломатия стран ...


тарихшуносликда биринчи давлат тузилмаларининг шаклланиши масаласи ҳанузгача «синфий назария» нуқтаи назаридан кўриб чиқилмоқда, бинобарин, давлатчиликнинг дастлабки ривожланиши бу ерда айнан ижтимоий табақаланиш ва жамиятнинг синфларга бўлиниши билан бошланганлиги тўғрисида ёзма далиллар мавжуд эмас. Археологик материалларга келсак, уларда тўлиқ ижтимоий маълумотлар мавжуд эмас.

Шуниси аниққи, Ўрта Осиёнинг биринчи давлатлари синфий, қулдорлик жамияти сифатида шаклланган деган назариядан воз кечиш зарур. Бронза ва илк темир даврида қишлоқ хўжалигида, ҳунармандчиликда ва қурилишда эркин жамоа аъзоларининг меҳнати асосий рол ўйнаган эди.

Минтақадаги айрим халқлар давлатчилигининг келиб чиқиши ҳақидаги ҳозирги кундаги хато илмий назарияларнинг таҳлили мазкур бўлим вазифасига кирмайди. Бу аллақачон адабиётда ўзининг алоҳида тавсифига эга бўлган мутлақо бошқа мавзудир[1]. Шу муносабат билан таъкидлаш керакки, Ўрта Осиёнинг дастлабки давлатлари яралишида ҳозирги замон халқларининг аждодлари бўлган ва уларнинг этногенезида катта рол ўйнаган турли хил қабилалар ва қадимги халқлар (деҳқонлар ва чорвадорлар) иштирок этган. Сиёсий бўлмаган, алоҳида олинган илмий ишларда масалага бундай ёндашув эътирозларни келтириб чиқармайди ва тарихшуносликда тан олинган ёндашув ҳисобланади.

[1] *Ртвеладзе Э.В., Сагдуллаев А.С.* Современное мифы о далеком прошлом народов Центральной Азии. Ташкент, 2006; Иккинчи тўлдирилган нашри. Ташкент: Чўлпон, 2007.

Бошқарув тизимининг ривожланиш асослари



Илк давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши даврида бошқарув ва назорат функциялари



Деҳқончилик жамиятларида давлатчиликнинг вужудга келиш асослари



ЎРТА ОСИЁ ИККИ ДАРЁ ОРАЛИҒИ АҲАМОНИЙЛАР ДАВЛАТИ ТИЗИМИДА

200 йилдан ортиқ вақт давомида Ўрта Осиё Аҳамонийлар давлати таркибига кирган ва шу вақт давомида уларнинг ҳукмронлиги остида бўлди. Минтақа ҳудудининг босиб олиниши мил. авв. 540 йилда Кир II (мил. авв. 558 – 530 йиллар) томонидан бошланиб, мил. авв. 519 йилда Доро I (мил. авв. 522 – 486 йиллар) томонидан якунланади.

Аҳамонийлар давлатининг сиёсий тарихи[1], шу жумладан, форс шоҳларининг Ўрта Осиёга юришлари ҳақидаги масалалар етарлича батафсил ўрганилган[2]. Хрестоматик бўлган ёзма манбаларни шарҳлаш ва тарихшуносликда акс эттирилган маълумотларни такрорлаш (Кир II нинг массагетларга қарши юриши, аҳамонийларга қарши қўзғолонлар, Доро I нинг сакларга қарши юриши ва бошқалар) мазкур бўлимнинг мазмунига янги ҳеч нарса қўшмайди. Бу масалалар ўзи етарлича кенг ёритилган.

Мил. авв. VI асрдаги аҳоли яшаш жойлари қатламларини қазиш пайтида олинган археологик материаллар Марказий Осиё жанубий ҳудудларининг Кир II томонидан босиб олинишининг оқибатлари ҳақидаги масалани кўриб чиқишга имкон беради.

Археологик мажмуа стратиграфияси ва хронологиясига кўра, мил. авв. VI асрда Шимолий Бақтрияда Бандихон 2 қалъаси истеҳкоми вайрон қилинган ва ёндирилган. Буни кучли куйган қатламлар, куйган дон ва дарахт қолдиқлари кўрсатади. Қалъанинг миноралари оғирлиги 10 – 20 кг ва ундан юқори бўлган катта тошлар билан тўла эди. Афти-

[1] *Olmstead A.T.* History of Persian Empire. Chicago, 1948; *Дьяконов М.М.* Очерки по истории древнего Ирана. – М., 1961; *Дандамаев М.А.* Иран при первых Ахеменидах. М., 1963; Ўша муаллиф. Политическая история ...; *Фрай Р.* Наследие Ирана / Пер. с англ. В.А. Лившица и Е.В. Зеймаль. М., 1972.

[2] *Струве В.В.* Поход Дария I на саков-массагетов // Известия АН СССР. М., 1946. № 3; Ўша муаллиф. Датировка Бехистунской надписи // ВДИ. 1952. №1; *Массон В.М.* Древнеземледельческая культура ...; *Пьянков И.В.* К вопросу о маршруте похода Кира II на массагетов // ВДИ. 1964. № 3; *Harmatta J.* Darius expedition against the Saka tigraxandb // Studies in the sources on the history of Pre-Islamic Central Asia. Budapest, 1979.

дан, Бандихон 2 истеҳкоми девор бузувчи қурол билан бузилган. Шу билан бирга, ёнғин Бандихон 2 дан 40 км шимоли-шарқда жойлашган деҳқонлар қўрғонлари ва Қизилтепа қалъасини ҳам вайрон қилади. Бундан кучли ёнғин излари, уйларнинг ёниб кетган ва қулаб тушган ёғоч томлари қолдиқлари, оловда пишган хом ғиштлар далолат беради (Қизилча 6 манзилгоҳидаги ёнган қатламнинг қалинлиги 25 – 30 см ни ташкил этади)[1]. Бу қолдиқлар у ернинг тинч жой бўлмаганини кўрсатади. Бундан ташқари, ёнғин излари аҳоли яшаш жойлари атрофида ҳам қайд этилди. Агар бу пайтда Бандихон 2 қалъаси ташлаб кетилган бўлса, унда Қизилтепа қалъаси миноралар ва ўқ отиш йўлаклари билан тўлдирилган, мил. авв. VI асрнинг иккинчи ярмига оид мудофаа девори эса 10 м қалинликда қурилган тўлиқ пахса монолитдан иборат эди. Бу вақтда Сурхон водийсида Таллошқонтепа миноралари хоналари, шунингдек, Қашқадарё водийсида Узунқир минораси ҳам қурилган, Даратепада вайроналар ва ёнғин қатламлари топилди. Буларнинг бари, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудида рўй берган баъзи бир фожиали ҳарбий воқеалардан далолат беради. Эҳтимол, бу Кир II нинг Бақтрия ва Сўғдга қилган юришлари исботи, яъни аҳамонийлар истилоси билан боғлиқ далилларнинг ўзидир.

Олдинроқ, гарчи тахмин қилинган бўлса-да, Марғиёнадаги Ёзтепа ҳудудидаги қалъанинг вайрон бўлишини ушбу ҳудуднинг Кир II га тегишли ҳудудга қўшилиши билан боғлаш мумкинлиги ҳақидаги фикр айтилган эди, археологик материалларда эса қалъанинг душман ҳужуми натижасида вайрон бўлганини кўрсатувчи бирор далил учрамайди[2].

Юқоридагилардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, Бақтрия, Сўғдиёна ва Хоразм[3] Аҳамонийлар давлатига ихтиёрий равишда қўшилган эмас. Буни Кир II бақтрияликлар билан узоқ вақт курашганлигини ёзган Ктесий ҳам тасдиқлаган эди. Мил. авв. 530 йилда Кир II Ўрта Осиёнинг жанубида жойлашган ўтроқ деҳқончилик ҳудудларини забт этганидан кейин сак-массагетларга карши юриш қилади. Кўч-

[1] *Сагдуллаев А., Ртвеладзе Э.* В стране золотого огня. Ташкент, 1983. С. 42 – 43; *Сагдуллаев А.С.* Усадьбы древней Бактрии ... С. 9.

[2] *Массон В.М.* Древнеземледельческая культура ... С. 139.

[3] *Толстов С.П.* По следам древнеземледельческой культуры ... С. 139.

манчилар билан шиддатли жангда форс қўшини мағлубиятга учрайди, Кирнинг ўзи эса ўлдирилади. Кир II нинг ўғли Камбис (мил. авв. 530 – 522 йиллар) ғарб томонга юришларга, хусусан, Мисрни босиб олишга эътибор қаратади. Ўрта Осиё халқларига қарши кейинги босқин Доро I даврида амалга оширилган эди.

Ҳудудий-маъмурий бўлиниш ва бошқарув тизими

Ушбу минтақанинг деҳқончилик билан шуғулланадиган халқлари ва кўчманчи қабилалари Аҳамонийлар давлати таркибига кирган эди. Аҳамонийлар ҳукмронлиги ўрнатилишидан анча олдин Ўрта Осиё деҳқонлари ва чорвадорлари давлатчилик ва ҳарбий-сиёсий бирлашма даражасига эришган эди. Шунинг учун Кир II ва Доро I даврида массагетлар уруғдошлик тузумига ажралиш босқичида бўлганлиги ҳақидаги хулосанинг ҳақиқатга мос келиши даргумон[1]. Уруғчилик алоқалари ва уруғ қабилаларига бўлиниш кўчманчиларда тарихнинг турли даврларида узоқ вақт давомида сақланиб қолган, лекин бу мутлақо уларнинг ўз ижтимоий ва давлатчилик институтларига эга бўлишмаганини англатмайди. Айнан сак-массагетларни назарда тутиб айтадиган бўлсак, буни уруғ ва қабила оқсуякларининг, шунингдек, ҳарбийларнинг бой мақбаралари ва алоҳида қўрғон-даҳмалари борлиги кўрсатиб турибди[2]. Авесто маълумотлари кўчманчиларнинг ҳарбий-сиёсий бирлашмалари ҳақида ҳам гувоҳлик беради.

Деҳқон ва чорвадор қабилаларнинг Ўрта Осиё Икки дарё оралиғида жойлашиши хусусиятлари, одатда, алоҳида жамоаларнинг хўжаликлари ва ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ эди. Аҳамонийлар вақтида аҳоли жойлашиб яшашининг ўтроқ шакли Сурхон, Қашқадарё, Зарафшон водийларида, Амударё этакларида, Тошкент

[1] *Дандамаев М.А., Луконин В.Г.* Культура и экономика древнего Ирана. М., 1980. С. 108.

[2] *Толстов С.П.* Приаральские скифы и Хорезм // СЭ.1961. № 4. С. 114 – 146; *Толстов С.П., Итина М.А.* Саки низовьев Сырдарьи (по материалам Тагискена) // СА. 1966. № 2. С. 151 – 175; *Зашневская О.А.* Культура сакских племен низовий Сырдарьи в VII – V вв. до н.э. М., 1973.

воҳаси ва Фарғона водийсида мавжуд эди. Дашт ва чўл ҳудудларидаги деҳқончилик воҳаларининг чегара жойларида чорвадор қабилалар истикомат қилишарди.

Ўтроқ аҳолининг ҳудудий ташкил этилиши маъмурий бирликлар: манзилгоҳ, туман, ҳудудларга бўлиниш тамойили бўйича амалга оширилади. Ўрта Осиёда хали ахамонийларгача этник ҳудудлар, яъни алоҳида халқлар: парфиянлар, бақтрияликлар, сўгдликлар, хоразмликлар, саклар ва бошқалар яшайдиган ҳудудлар ажралиб турарди.

Қадимги халқларнинг ҳудудларга ўзлари берган номлар, одатда, уларнинг жойлашган ўрни билан боғлиқ бўлган. Ҳали Геродотгача ва қадимги форс ёзувларигача Ўрта Осиё халқлари ўрнашган жойларнинг номлари маълум бўлган ва бу Авестода ўз аксини топган эди. Этнографияда, одатда, қадимги халқларнинг ўзларига берган номларнинг келиб чиқиши икки асосий эҳтимолий вариантга ажратилади:

– халқнинг ўзига ном бериши у яшаётган ҳудуд номи билан боғлиқ, яъни топоним ҳисобланади;

– халқнинг ўзига ном бериши унинг этник характерини ифодалайди ва этноним ҳисобланади[1].

Доро I даврида Ахамонийлар давлати сатраплиқларнинг ўлпон тўлайдиган, ҳарбий-маъмурий округларига бўлинган бўлиб, сатраплиқларнинг чегаралари кўпинча босиб олинган мамлакатларнинг этник чегаралари билан, яъни алоҳида халқларнинг жойлашган ҳудудлари билан мос келмас эди. Геродотнинг маълумотларига кўра, XII округни «эгллардан бақтрияликларгача бўлган халқлар» ташкил этарди. XV округ саклар ва каспияликлар, XVI округ эса Парфия, Ария, Сўғд ва Хоразмни бирлаштирган эди (Геродот, III, 92–93). Эгллар Помирда ёки ундан ҳам кенгроқ ҳудудда – Сирдарё соҳилларида яшаган саклар билан айни бир деб қаралади[2]. Тахмин қилиш мумкинки, эгллар-Бадахшондаги қабила бўлиб, у ерда лазурит, олтин, мис, қўрғошин ва темир конлари жойлашган, яъни у ерда хомашё тақчил савдода муҳим аҳамиятга эга эди.

[1] *Бромлей Ю.В.* Очерки теории этноса. М., 1983.

[2] *Массон В.М.* Древнеземледельческая культура ... С. 149.

Геродот Ўрта Осиё халқларини алоҳида ўлпон тўловчи округларга жойлашган ҳолда ифодалаб, уларнинг географик чегараларини ажратиб кўрсатмайди. Бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, қадимги форс ёзувларида Ўрта Осиё сатрапликларини санаб ўтиш фақатгина аҳамонийлар томонидан босиб олинган ҳудудлар рўйхатини кўрсатади. Лекин бу уларнинг чегаралари ҳақида ва тарихий географияси ҳақида ҳеч қандай маълумот бермайди.

Форслар томонидан бошқарув тизимининг яратилишида уларга ўз ихтиёрида бўлган ғарбий сатрапликларнинг жойлашиш чегаралари маълум бўлмаганлигини тахмин қилиш қийин, бундай маълумот Кир II ва Доро I юришларидан кейин мавжуд бўлган, лекин Кир II гача ҳам, шубҳасиз, Ўрта Осиё ҳудудлари — ҳудудлар географияси, дарёлар, тоғлар, даштлар, аҳоли жойлашган асосий масканлар, йўллар, ҳалъалар, йирик манзилгоҳлар ҳақидаги тегишли маълумотлар бўлган бўлиши керак. Бироқ қадимги форс ёзувларида бундай маълумотлар тилга олинмайди.

Шош ва Фарғона Аҳамонийлар давлати таркибига кирмайди, чунки Ўратепадан шимоли-ғарб тарафда жойлашган Сирдарё бўйи ҳудудлари Аҳамонийлар давлатининг шимоли-шарқий чегаралари эди. Бу ерда мил. авв. VI — IV асрлардаги йирик кўҳна шаҳар — Нуртепанинг вайроналари жойлашган эди[1]. Бу кўҳна шаҳарни Курушкат — Кирополь шаҳри билан бир деб ҳисоблаш мумкин[2]. Кирополнинг чегаралари ҳақидаги масала тадқиқотчилар ўртасида қизғин мунозараларни келтириб чиқармоқда. Кирополни Ўратепа билан ҳеч бир асосларсиз боғловчи мутахассислар Нуртепани катта бир далилий асос сифатида кўришмоқда. Нуртепанинг жойлашув схемасида йирик шаҳар манзилгоҳларининг кўплаб жиҳатлари (ҳимоя деворлари, зовур, кенг тураржой қисмлари, қўрғон) акс этади.

Ўрта Осиёда Аҳамонийлар давлати чегаралари кўп жиҳатдан Бақтрия тарихий-маданий бирлиги археологик мажмуаси, аввало, ишлаб

[1] *Беляева Т.В.* Исследования в Ленинабадской области // АО. 1979. М., 1980.

[2] *Сагдуллаев А.С.* О культурных связях Северной Бактрии с областью Чача до середины I тыс. до н.э. // Труды ТашГУ. Новая серия. №707. Материалы по археологии Средней Азии. Ташкент, 1983. С. 8.

чиқарилишининг дастлабки марказлари Бақтрия ва Марғиёнада бўлган машҳур цилиндр-конуссимон сополларнинг тарқалиш чегаралари билан мос келади.

Ўрта Осиёдаги аҳамонийлар сатрапликлари, хусусан, парфияликлар, орийлар, сўғдлар ва хоразмликларни бирлаштирган XVI округ мисолида дахюсастлар (ҳудудларнинг аҳамонийларгача маҳаллий-маъмурий бўлиниши-бирлашиши)ни буткул такрорлайди. Қадимги юнон муаллифлари шунга эътибор қаратишганки, форслар шоҳлари ўзлари босиб олган халқларга маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва автономияни тақдим этган, яъни улар маҳаллий қонунлар, одатлар ва анъаналарни ўзгартиришга уринишмайди. Бўйсундирилган ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий муносабатларда мустақил бўлиб қолишган[1]. Шунингдек, кўчманчи қабилалар янада каттароқ мустақилликка эга эди, улар форс сатраплари томонидан эмас, балки маҳаллий етакчилар томонидан бошқариларди.Бу етакчилардан ўлпон йиғиш ва уруш вақтида форс шоҳлари қўшини таркибини жангчилар билан таъминлаш, шунингдек, турли мамлакатларда жойлашган форс чегараларида хизмат қилиш учун аскарларни таъминлаб бериш талаб қилинарди.

Шу тариқа Бақтрияда, Сўғд ва Хоразмда аҳамонийлар даври бошқарувида оила бошлиқлари – уй эгалари, қишлоқ оқсоқоллари, оқсоқоллар кенгаши ва халқ йиғини муҳим рол ўйнаган анъанавий ижтимоий институтлар ва бошқарув тизимлари сақланиб қолган деб ҳисоблаш мумкин. Ўтроқ деҳқончилик ҳудудларида бошқарув органлари жойларда фуқаролик ва ҳарбий вазифаларни амалга ошириш билан катта хокимиятга эга бўлган сатрапликларга бўйсунган бўлиши керак.

Геродот, Бехистун ёзувлари, Арриан маълумотлари бўйича Бактриянинг аҳамоний сатраплари рўйхати тикланди[2]. Мил. авв. 530 – 522 йилларда Смердис (Бардия) – Кир II нинг ўғли ва форс шоҳи Камбиснинг укаси, мил. авв. 522 – 486 йилларда Дадаршиш, унинг келиб чиқиши номаълум, мил. авв. 486 – 480 ва мил. авв. 480 – 465

[1] *Дандамаев М.А., Луконин В.Г.* Культура и экономика ... С. 109.

[2] *Мончадская Е.А.* О правительях Бактрии и Согдианы VI – IV веков до н.э. // ТГЭ. Т. V. 1961.

йилларда Доро I нинг ўғиллари Ариамен ва Масист, мил. авв. 465 — 423 йилларда Артабан Гистапс бўлган, мил. авв. 335 йилгача маълумот йўқ, мил. авв. 335 — 329 йилларда сўнгги аҳамоний шоҳ Доро III нинг бошқаруви давридаги Бесс бўлган.

Бақтрия ноиблари сифатида ҳукмрон сулола вакилларининг белгиланиши (тўртта ҳолатда улар шоҳнинг ака-укаси бўлган) Бақтрия сатраплигининг муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлганидан далолат беради. Бунга сабаб унинг давлатнинг шарқий чегараларидаги савдо йўли кесишувида жойлашганлиги, шунингдек, бу ерда хомашё манбаи борлиги, қўшиннинг пиёда ва отлиқ таркиби таъминотчиси сифатида алоҳида аҳамият касб этганлигида эди. Бошқа томондан, шоҳ саройидан алоҳида бўлган Бақтрия, эҳтимол, шоҳ томонидан, аҳамонийлар тахтига даъвогар бўлиб чиққан ака-укаларини сургун қилиш учун ўзига хос жой ҳисобланган бўлиши мумкин[1]. Чунки Камбиснинг буйруғига кўра унинг укаси Бардия қатл этилади. Геродотнинг сўзларига кўра, Масист Ксеркс билан курашда «шоҳни тахтдан ағдариш учун Бақтрия ҳудудида қўзғолон кўтаришни хоҳлаган», лекин Масист ўғиллари ва тарафдорлари билан биргаликда қатл этилади (Геродот, IX, 113). Бироз кейинроқ Артабан ҳам шоҳ Артаксеркс билан курашда Бақтрияга суянган эди.

Доро I ўзгаришларигача сатраплар жойларда чексиз ҳокимиятга эга эди, улар ўз сатрапликларини маъмурий назорат қилишган ва суд ҳокимиятини амалга оширишган. Уларнинг ихтиёрида лашкари ҳам бор эди. Бақтрия сатрапи Дадаршиш аҳамонийларга қарши Марғиёнадаги қўзғолон вақтида қўшинни бошқаради.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Доро I сатраплар ҳокимиятини чеклайди. Шунга кўра, бошқарув тизимида улар фуқаролик вазифаларини, округнинг ижтимоий ҳаёти, маҳаллий мансабдорларнинг фаолияти, ўлпонларнинг ўз вақтида йиғилиши ва давлат мажбуриятларини бажариш устидан назоратни амалга оширар эди[2]. Бироқ сатраплар-нинг, айниқса, Аҳамонийлар давлати чегараларида жойлашган, дав-

[1] *Сагдуллаев А.С.* Бактрийская легенда. Ташкент, 1990. С. 56.

[2] *Дандамаев М.А., Луконин В.Г.* Культура и экономика ... С. 112.

лат чегараларининг хавфсизлигини таъминлаши керак бўлган сатрапликлардаги сатрапларнинг ҳарбий ва фукаролик вазифалари бўлиниши шартли эди.

Чунки бу вазифани қўшиннинг муайян таркибига эга бўлмасдан муваффақиятли ҳал этиш даргумон эди.

Мил. авв. 480 йилда Ксеркснинг бақтрияликлар ва саклар билан биргаликда юнонларга қарши юриши вақтида Кирнинг қизи Атосса ва Доро I нинг ўғли Гистапс, Геродотнинг сўзларига кўра, Бақтрия сатрапи Массист каби бошқа бир қатор ҳарбий бошликлар билан форсларнинг қуруқлик қўшини бошида турган эдилар. Парфияликлар ва хоразмликлар етакчиси Артабасс бўлган, сўғдларга эса Азан бошчилик қиларди (Геродот, VII, 64, 66, 82). Бундан хулоса қилиш мумкинки, Ксеркснинг қўшинидаги турли хил мамлакатлардан келган жангчилар сатрапларнинг ихтиёрида эмас эди. Улар сатраплардан, жумладан, Бақтрия, Парфия, Хоразм ва Сўғд сатрапларидан мустақил бўлган ҳарбий раҳбарларга бўйсунишарди. Бироқ сатрапларнинг ҳарбий ва фуқаролик вазифалари бўлиниши фақатгина Ахамонийлар давлати тарихининг айрим даврларида кузатилади, чунки Македониялик Александрнинг юришлари вақтида Доро III (мил. 336 – 330 йиллар) қўшинидаги Бақтрия сатрапи Бесс ҳиндлар, бақтрияликлар ва сўғдларни бошқарди (Арриан, III, 3). Айни ўша Бесс сўнгги форс шохи ўлдирилганидан кейин ўзини давлат бошлиғи деб эълон қилади.

Жойларда сатрапларнинг қароргоҳларидаги бошқаруви кўп жиҳатдан турли мансабдорлардан – ғазначи, бойликларни қўриқловчи, судьялар, мирзалар, ҳисоб юритувчилар ва шу кабилардан иборат марказий бошқарув аппаратининг худди ўзи эди[1].

Ҳали ахамонийларнинг истилосига қадар Бақтрия ва Сўғд шаҳар ва туманларга бўлинган эди. Ахамонийлар даврида улар маҳаллий зодагонлар вакиллари, ҳарбий раҳбарлар ва оқсоқоллар томонидан бошқарилган бўлиб, буни Македониялик Александрнинг юришларини ўрганган тарихчилар ўз асарларида тилга олиб ўтади. Улар сўғд-

[1] *Дандамаев М.А., Луконин В.Г.* Культура и экономика ... С. 109.

ликлар ва бақтрияликлар – Оксиарт, Аримаз, Хориен, Қатан, Австан ва бошқалардан иборат (Квинт Курций, VII, II, 29; VIII, 4, 23).

Ахамонийлар даврида туманлар ва ҳудудлар маҳаллий ҳукмдорларининг унвонлари ҳақидаги ёзма маълумотлар мавжуд эмас[1]. Шундай бўлса ҳам, Македониялик Александрнинг юришларини ўрганган тарихчилар бу ерда алоҳида қалъалар, шаҳарлар ва ўлкалар (ҳудудлар)ни ажратиб келтиришади: Бақтрия, Аорн, Драпсак[2], Мароқанд, Киропол (Кирэсхата), Баги, Наутака, Ксениппа (маҳаллий Нахшаб – Нихшапаядан)[3] ўлкалари, Габаза, Паретака. Тадқиқотчилар бундай ўлкаларга таниқли маҳаллий ҳокимлар бошчилик қилишган деб ҳисоблашади (Оксиарт, Хориен, Қатан ва бошқалар)[4]. Бундай унвондаги бошлиқлар бу ерда ахамонийлар давригача ҳам мавжуд эди.

Ахамонийлар давлатида сатрапликлар провинция-округларга бўлинарди. Уларнинг ноиблари форсча «фратарак» унвонига эга бўлишган[5]. Ўрта Осиёда кўпчилик ноибларнинг келиб чиқиши, чамаси, маҳаллий асосга эга эди. Улар деҳқончилик туманлари ва ҳудудларини бошқаришарди. Ноибларнинг асосий вазифаларидан бири ҳар йиллик ўлпонларни йиғишдан иборат эди. Ноиблар сатрапларга бўйсунишган, масалан, Хориен ва Қатан Бақтрия сатрапи Бессга бўйсунарди.

Ахамонийлар давридаги манзилгоҳларнинг археологик географиясига кўра юқорида кўрсатилган провинцияларнинг мавжудлигини Сурхон водийси (Паретака ҳудуди) мисолида кўриш мумкин. Бу ерда мил. авв. VI – IV асрларга оид 40 дан ортиқ манзилгоҳлар топилди,

[1] *Ртвеладзе Э.В.* Титулы правителей государств и владений Средней Азии начала I тыс. до н.э. – III – IV вв. н.э. // ОНУ. 2006. № 5-6. С. 46 – 57; *Ртвеладзе Э.В.* Цивилизации, государства ... С. 61 – 62.

[2] «Драпсак» атамаси, чамаси, қадимги эронча «drapsa» ва авесточа «draíso», яъни байроқ сўзидан келиб чиққан. *Оранский И.М.* Иранские языки в историческом освещении. М., 1979. С. 54. Шу билан бирга, таъкидлаш мумкинки, Авесто Бақтрияни «ажойиб, баланд кўтарилган байроқлари бор» деб номлайди. Жанубий Бақтрияда жойлашган Драпсак шаҳрининг номини «байроқ кўтарган» деб таржима қилиш мумкин.

[3] *Кошеленко Г.А.* Новые письменные документы по истории центральноазиатского региона в древности // Роль города Самарканда в истории мирового культурного развития. Ташкент-Самарканд, 2007. С. 53.

[4] *Ртвеладзе Э.В.* Цивилизации, государства ... С. 61.

[5] *Дандамаев М.А., Луконин В.Г.* Культура и экономика ... С. 115.

Қашқадарё водийсининг шарқий қисми (Наутака ўлкаси) ҳудудида аҳамонийлар даврига оид 25 та манзилгоҳ топилди. Ноибларнинг қароргоҳи жойлашган, мустаҳкам ҳимояланган шаҳар ҳар бир ўлканинг маркази ҳисобланарди.

Шарқий сатрапликлардаги маъмурият тузилмаси ва мансабдор шахсларни ўрганишда Жанубий Бақтриядан топилган ва мил. авв. 352 йилдан 324 йилгача бўлган даврни ўз ичига олган сиёҳ билан терига ва ёғочга ёзилган ҳужжатлар катта аҳамият касб этади[1]. Мазкур архив 48 та ҳужжатдан иборат. Уларнинг орасида Ахвамазда номли юқори унвонга эга давлат мансабдори томонидан нисбатан пастроқ унвонга эга мансабдор Багавантуга йўлланган хат ҳам бор. Ушбу хатда унга бино томини таъмирлаш, тегирмонга дон ва кунжут етказиб бериш, шунингдек, Нихшапая шаҳри атрофига деворлар ва зовурлар қуриш вазифаси топширилади[2].

Ҳужжатларни тадқиқ қилган олим Ш. Шэкеднинг фикрича, Ахвамазда Бақтрия сатрапи, Багаванд эса шаҳар (ўлка) ҳокими бўлган. Лекин адабиётларда тўғри кўрсатилганидек, ўша вақтларда Бақтрия сатрапи Бесс эди[3]. Бундан хулоса қилиш мумкинки, Ахвамазда, афтидан, ҳудуд ноиби бўлиб, унинг хати эса Ахвамазданинг қишлоқ хўжалик мулклари ва тегирмони жойлашган деҳқончилик ҳудуди ҳокимига йўлланган.

Сатраплар шоҳ мансабдорларининг назорати остида бўлган. Сатрапларнинг девонхоналари шоҳ девонхоналари билан бир хил эди. Сатрапликлар марказларида, жумладан, Бақтрия ва Мароқанд каби шаҳарларда, чамаси, маҳаллий хазинахоналар ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари омборлари жойлашган бўлиб, улардан мансабдорлар — солиқ йиғувчилар, ҳисобчилар, мирзалар, шунингдек, уларнинг хизматкорларига озиқ-овқат маҳсулотлари бериларди. Бу омборлар кейинчалик форс подшолари хазинахоналарига жўнатиш мақсадида вилоятдан йиғилган ўлпонларни сақлашга хизмат қилди.

[1] *Кошеленко Г.А.* Новые письменные ... С. 52.
[2] Ўша манба. 53-бет.
[3] Ўша манба.

Ахамонийлар давлатининг ғарбий ва шарқий сатрапликларидаги давлат девонхоналарида оромий ёзувидан фойдаланилган, буни Жанубий Бақтрия ҳужжатларидан кўриш мумкин. Сатрапликларда мирзалар маҳаллий мансабдорлар — бақтриялик, сўғдлик, хоразмлик мансабдорлар томонидан айтилган ҳужжатларни оромий ёзувида ёзиб боришарди, марказий девонхонадан олинган ҳужжатларни ўқишда эса, улар мирзалар томонидан оромий ёзувидан маҳаллий тилга таржима қилинарди[1]. Ахамонийлар вақтида Ўрта Осиёда оромий ёзувининг ўзлаштирилганлиги тасодифий эмас. Оромий ёзуви асосидаги Хоразм ёзувининг энг қадимги ёдгорликларидан бири Ойбуйиркалъадаги хумдаги ёзув ҳисобланади[2].

Ахамонийлар сатрапликларидаги бошқарув, назорат ва текширув тизимлари мавзусига қайтсак, шунга эътибор қаратиш керакки, Жанубий Бақтриядаги архив ҳужжатларига кўра, жойларда «сатраплар кўзи ва қулоқ» институтлари амал қиларди, яъни *гаушака* (шоҳнинг хуфиялари, қулоқлари)га ўхшаган айғоқчилар айрим провинциялардаги ҳолат ҳақида маълумот берар эдилар. Бақтрия ҳужжатларида хуфия Вайю-Арту номи тилга олинади[3]. Шу тариқа сатрапликларда ва марказда қандайдир махфий полицияга ўхшаш идора мавжуд бўлиб, у аҳоли, шунингдек, мансабдорларнинг ва сатраплар нинг фаолияти устидан назорат олиб борарди.

Форс шоҳлиги кўп миллатли давлат бўлган ва Шимолий Ҳиндистондан Ўрта ер денгизигача бўлган йирик ҳудудда турли халқлар ва қабилаларни бирлаштирган эди. Ахамонийлар давлати учун аҳолининг аралаш яшаши ўзига хос жиҳат саналади. Келиб чиқиши ўрта осиёлик бўлган саклар, хоразмликлар, сўғдлар ва бақтрияликлар Мисрда, Бобилда ва Эронда яшаган. Улар форс чегараларида хизмат қилувчи жангчилар, қулликка сотилган одамлар, давлат устахоналарида ишлайдиган ҳунармандлар эдилар[4]. Тадқиқотчиларнинг таъ-

[1] *Ртвеладзе Э.* Цивилизации, государства... С. 128.

[2] *Мамбетуллаев М.* Хум с городища Айбуйир-Кала с древнейшей надписью в Средней Азии Вестник Каракалпакского филиала АН Уз ССР. 1979. №1.

[3] Кошеленко Г.А. Новые письменные документы ... С. 53.

[4] *Дандамаев М.А., Луконин В.Г.* Культура и экономика ... С. 280.

кидлашича, боз устига оссурия шоҳлари мамлакатнинг турли ҳудудларига аҳолини кўчириб ўтказиш сиёсатини олиб борди[1]. Афтидан, бу анъана кейинчалик мидияликлар томонидан давом эттирилди. Шу билан бирга, тахмин қилиш мумкинки, жанглар ва босқинлар натижасида айрим жамоалар ўзлари тугилган жойларни ташлаб кетишга мажбур бўлишар ва Шарқнинг нисбатан тинчроқ ҳудудларига кўчиб ўтишганди. Бу борада шунга эътибор қаратиш керакки, Ўрта Осиёнинг баъзи бир топонимлари ва этнонимлар Бобил ва Мидия тушунчаларини такрорлайди. Булардан бири Бақтриядаги Паретака ҳудудидир. Геродотнинг сўзларига кўра, «Паретакалар» («паретакенлар») олти ҳинд қабиласидан бирининг ўзига қўйган номидир (I, 10). Паретаклар ҳақида Арриан ҳам ёзиб қолдирган: «Александр Сўгдиёнани эгаллагач ва Скалани босиб олгач паретакларга қараб юрди»[2] (IV, 21, 1). Кейингиси Парфиядаги Нисо провинцияси ва шаҳри бўлиб, у Мидия водийси Нисаяни такрорловчи топонимдир[3] (Геродот, VII, 40). Уструшонадаги Ғазо шаҳри ва Фаластиндаги Ғазо шаҳри ҳақида ҳам худди шуни айтиш мумкин (Арриан, IV, 2, 1), кейингиси биринчисидан кўра анча қадимийроқ. Ниҳоят, Жанубий Сўгддаги Киш (Кеш) топоними мил. авв. III – II мингйилликларда Месопотамияда машҳур бўлган Кеш шаҳрининг номига мос келади. Шунингдек, алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керакки, янги ёзма ҳужжатларда Бобил маъбуди Белуга атаб қурилган Бақтрия ибодатхонаси тилга олинади[4].

Буларнинг барчаси бронза давридаги Олд Осиё аҳолисининг алоҳида гуруҳлари, кейин эса оссурияликлар ва мидияликларнинг Ўрта Осиёга суқилиб кириши ва бу ерда доимий яшаб қолганликларидан гувоҳлик бермайдими? Адабиётларда Ўзбекистон топонимикасида мил. авв. II мингйиллик иккинчи ярмида мавжуд бўлган Олд Осиё давлати Митаннига айнан ўхшаш «митан» сўзининг учраши ҳам эътиборни тортади[5].

[1] *Дандамаев М.А., Луконин В.Г.* Культура и экономика ... С. 288.

[2] *Ртвеладзе Э.В.* Александр Македонский ... С. 120 – 137.

[3] Ўрта Осиёдаги ва Яқин Шарқдаги Нисая атамаси ҳақида батафсил қаранг: *Массон М.Е.* Городища Нисы в селении Багир и их изучение // Труды ЮТАКЭ. Т. 1. Ашхабад, 1949. С. 17 – 22.

[4] *Кошеленко Г.А.* Новые письменные документы ... С. 54.

[5] Бу ҳақда қаранг: *Толстова Л.С.* Исторические предания Южного Приаралья. М., 1984; *Ртвеладзе Э.В.* Цивилизации, государства ... С. 35 – 36.

Узунқир ҳимоя деворлари қадимги Сўғд қурилишида ва архитектурасида Бобил ва Мидия архитектурасига ўхшашликлар борлигининг археологик тасдиғи бўлиб хизмат қилади, у мил. авв. VII – VI асрларда тўртбурчак минора, минора ичи хоналари ва ўқчиларга мўлжалланган туйнукларга эга бўлган. Ташқи кўриниши бўйича миноралар ва деворлар ёлғондакам туйнуклар билан қурилган. Конструктив ўзига хосликлари бўйича Узунқир истеҳкоми маҳаллий Ўрта Осиё ҳимоя иншоотларидан кескин фарқ қилади. Лекин Узунқир деворлари худди Мидия қурилиш-архитектура режаси бўйича қурилган каби унинг Бобил ва Мидия қалъалари истеҳкомларига айнан ўхшаш жиҳатлари мавжуд эди[1].

Юқорида келтирилган маълумотлар махсус тадқиқот мавзуси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Масаланинг якуний ечимидан қатъи назар, хулоса аниқки, Ўрта Осиёда аҳамонийлардан анча олдин аҳолининг аралаш жойлашуви юзага келган ва бу ташқи миграция бўлганлигидан далолат беради[2].

Шаҳар аҳолиси, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. Ўрта Осиёнинг Аҳамонийлар давлати таркибига кириши турли қадимги Шарқ мамлакатлари билан маданий ва савдо-иқтисодий алоқаларининг кенгайишига ёрдам берди. Бу алоқалар олдин ҳам мавжуд эди. Олдинги бўлимда айтилганидек, мил. авв. III – II мингйилликдаёқ ўлканинг ҳудуди бўйлаб айирбошлаш, савдо ва транзит алоқаларининг муҳим йўллари ўтган эди.

Кенг кўламли археологик тадқиқотлар, хусусан, ўтган асрнинг 70 – 80-йилларидаги тадқиқотлар Хоразм, Бақтрия ва Сўғд цивилизацияси ҳақидаги маълумотларни сезиларли даражада тўлдирди. Шунга қарамасдан, «Ўрта Осиёдаги илк шаҳарлар фақатгина мил. авв. I мингйилликнинг ўрталарида, яъни аҳамонийлар даврида шакллана

[1] Мил. авв. VIII асрга онд, деворларининг қурилиши кўп жиҳатдан Узунқир истеҳкомини эслатувчи Шарқий Мидия қалъасининг оссурияча тасвири И.В. Пьянков томонидан эълон қилинган. Ушбу манбага қаранг: История таджикского народа. Т. 1. Древнейшая и древняя история. Душанбе, 1998. С. 240.

[2] Батафсилроқ маълумот олиш учун қаранг: *Ртвеладзе Э.В.* Цивилизации, государства ... С. 32 – 40.

бошлаган» дея қатъий тасдиқланиши мутлақо кутилмаган ҳолат бўлди[1]. Бундан анча илгари инглиз тарихчиси В. Тарн Бақтрия ва Сўғдиёнада Македониялик Александр дунёнинг шаҳарлари деярли номаълум бўлган қисмига етиб борганлиги ва гўё бу мамлакатлар «фақат манзилгоҳлар, қалъалар ва шоҳ қароргоҳларинигина» билишганлиги ҳақида ёзган эди[2]. Бундай ёндашув адолатли равишда танқидга учрайди[3]. Аҳамонийлар давригача ва аҳамонийлар даврида Ўрта Осиё шаҳарларининг шаклланиши ва ривожланиши масаласи бир қатор илмий адабиётларда ёритилган[4].

XX асрнинг 80-йиллари охирида фақатгина Бақтрия, Марғиёна ва Сўғд ҳудудларида археологлар томонидан мил. авв. I мингйилликнинг биринчи ярми ва ўрталарига оид 350 дан ортиқ манзилгоҳлар, қалъалар ва шаҳарлар топилган эди[5]. Бу ерда *полислар* (шаҳарлар) ва *басилейлар* (ҳукмдорлар қароргоҳлари)нинг мавжудлиги ҳақида қадимги юнон муаллифлари ёзиб қолдирган, улар бу ерда ҳимояланган кичик манзилгоҳларни ҳам ажратиб кўрсатишади (Арриан III, 23, 6). Шу тариқа аҳамонийлар даврида Ўрта Осиё деҳқончилик воҳалари зич жойлашган турли хил манзилгоҳлар ва шаҳарлар билан тўла эди. Ўзбекистон ҳудудида бу даврда 20 дан 100 – 120 гектаргача майдонларга эга йирик марказлар мавжуд бўлган дейиш мумкин (Қизилтепа, Ерқўрғон, Узунқир, Кўктепа, Афросиёб)[6]. Лекин асосий яшаш жойларини кичик деҳқончилик манзилгоҳлари ва уй-қўрғонлар ташкил қиларди. Иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалигига йўналтирилганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, уй-қўрғонларнинг қурилиши уларнинг қурилиш фаолиятига алоҳида эътибор қаратилганлигини ўзида акс

[1] *Дандамаев М.А.* Политическая история ... С. 32.

[2] *Tarn W.* The Greks in Bactria and India. – Cambridge, 1938. P. 4 – 33.

[3] *Массон В.М.* Древнеземледельческая культура ... С. 150, примеч. 91.

[4] *Литвинский Б.А.* Древний среднеазиатский город (местные традиции и иноземные модели) // Древний восток. Города и торговля (III – I тысячелетия до н.э.). Ереван, 1973; *Сайко Э.В.* Становление города как производственного центра. Душанбе, 1973; *Массон В.М.* Алтын-Депе // Труды ЮТАКЭ. Т. XVIII. 1981; *Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш.* Ранняя городская культура ...; Шахрисабз. Наследие тысячелетий. Ташкент, 2002.

[5] *Сагдуллаев А.С.* Оседлые области ... С. 3.

[6] Сўнгги йилларда уларнинг кўпчилиги кенг майдонларда қазиб олинган. Ушбу манбага қаранг: *Сулейманов Р.Х.* Древний Нахшеб ...; *Исамиддинов М.Х.* Истоки городской ... С. 102.

эттиради. Аниқроғи, бу ҳудуд ҳокимлари ва сатрапликлар ноиблари томонидан қўллаб-қувватланган ва назорат қилинган.

Хоразм ва Бақтрия шаҳарлари ҳақида археологик маълумотлар анча кенг қамровли бўлса ҳам, яқингача Аҳамонийлар давридаги Сўғд шаҳарларининг турлари, тузилиши ва архитектураси ҳақида нисбатан жуда кам маълумот бор эди. Асосан қадимги Сўғд шаҳарлари, биринчи навбатда, Сўғдиёна пойтахти — Мароқанд ҳам ёзма манбалар бўйича ўрганилган[1]. Сўғдда олиб борилган археологик қазишмалар маҳаллий шаҳар маданияти ҳақида янги маълумотларни киритиш имконини беради[2].

Хоразмда қадимий шаҳарсозлик анъаналарини Кўзалиқир ва Қалъалиқир каби марказлардан ташқари маҳаллий кўҳна шаҳарларнинг янги қазилмаларидан топилган материаллар ҳам кўрсатиб бермоқда[3]. Сал илгарироқ бу ерда мил. авв. I мингйиллик[4] ўрталарига оид квадрат асосдаги қалъалар, шунингдек, Дингилжа сингари катта уй-қўрғонлар топилган бўлиб, тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, улар аҳамонийлар бошқаруви билан боғлиқ ўлка ҳукмдорига тегишли бўлган бўлиши мумкин[5].

Олдинги давр билан таққослаганда аҳамонийлар даврида шаҳар манзилгоҳларининг мудофаа иншоотлари тузилишида ўзгаришлар рўй беради. Улар (Қизилтепа, Узунқир ва бошқалар) девор бузувчи қуролларга чидамли катта пахса деворлар билан ўраб олинади. Қадимги шаҳарларни режалаштиришда ҳукмдорларнинг қўрғон-қароргоҳлари (Кўктепа, Афросиёб) алоҳида ўрин тутарди.

Улар баланд иншоотлар билан қурилган ва мудофаа деворлари билан мустаҳкамланган. Бақтрия, Сўғд ва Хоразм шаҳарлари деҳ-

[1] *Пьянков И.В.* Древний Самарканд (Мараканда) в известиях античных авторов. Душанбе, 1972.

[2] *Сагдуллаев А.С., Лушпенко О.Н.* Новые данные к изучению древнесогдийских поселений // ОНУ. 1989. № 12. С. 40 – 42; *Исамиддинов М.Х.* Истоки городской ...; Сулейманов Р. Карши-Нахаф-Нахшаб в системе цивилизации Центральной Азии // Ўзбекистон тарихи. 2006. №2. С. 2 – 6.

[3] *Беттс А.В., Ягодин В.Н., Ходжониязов Г.Х.* Археологические изыскания в древнем Ташкырманском оазисе // Археологические исследования в Узбекистане. 2004 – 2005. Ташкент, 2006. С. 55 – 64.

[4] *Неразик Е.Е.* Сельское жилище в Хорезме I – XIV вв. // Труды ХАЭЭ. Т. IX. М., 1976. С. 9.

[5] *Воробьева М.Г.* Дингильдже // МХЭ. Вып. 9. М., 1973. С. 217.

қончилик ҳудудлари, вилоятлар ва сатрапликларнинг маъмурий марказлари саналарди. Улардан аксариятининг ҳудудлари аввалги пайтлардагидек кетма-кет иморатларга эга бўлмаган, яъни шаҳар марказлари қишлоқ хўжалиги туманлари аҳолиси учун бошпана вазифасини ўташда давом этади.

Ўтроқ халқлар манзилгоҳлари аҳолисининг асосий вазифаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш билан боғлиқ эди. Ўзбекистон ҳудудида топилган уй-қўрғонларда деҳқончилик билан боғлиқ меҳнат қуроллари жуда кўп учрайди. Булар ўриш қуроллари: тош, бронза ва темир ўроқлар, донли маҳсулотларни қайта ишлаш асбоблари: дон майдалагич, ҳовончалар, ўғирчалар ва дон янчгичлардир.

Деҳқонлар ғалла ва унни хумларда сақлашарди, улардан баъзиларининг баландлиги 1 — 1, 2 метрдан ортиқ эди. Бу мақсадларда камдан-кам ҳолларда хандақлардан фойдаланиларди.

Тери ва тери буюмларини қайта ишлаш, тўқиш қуроллари, шунингдек, тошдан ясалган буюмларга ишлов бериш қуроллари уйда ишлаб чиқарилган қуроллар қаторига кирарди. Ўтроқ чорвачилик эса ип йигириш, тўқиш ва терига ишлов беришни ривожлантириш имконини берарди. Ип ишлаб чиқариш учун асосий материал, чамаси, қўй жуни бўлган, бу мақсадда ўсимлик толалари ҳам ишлатиларди.

Уй ҳунармандчилигида озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш — унни майдалаш ва пиширишдан, шунингдек, меҳнат қуролларини ясаш ва бўяш ишлари бажарилган.

Уй ҳунармандчилиги ва ҳунармандчилик ишлари (кулолчилик касби, металлургия, темирчилик иши, қурол-яроғ, заргарлик буюмлари ва шу кабиларни ясаш) ишлаб чиқариш вазифасини бажарувчи уй-қўрғонларда ва махсус аҳоли манзилгоҳларида жамланган эди.

Мавжуд материаллар шуни кўрсатадики, аҳамонийлар давридаги Бақтрия, Сўғд ва Хоразм қишлоқ жамоаларида ишлаб чиқариш табиий равишда сақланиб қолган эди. Маҳсулотнинг бир қисми ички эҳтиёжларни таъминлаш учун ишлатилган. Анъанавий хўжалик циклини давом эттириш мақсадида деҳқонлар мулкларни, меҳнат қурол-

ларини ва шу кабиларни сотиб олиш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг бир қисмини айирбошлаш учун сарфлашарди, буни эса аграр иқтисодиётнинг ҳунармандчилик билан анъанавий боғлиқлиги келтириб чиқарганди. Шунингдек, табиий маҳсулотлар ва чорва моллари билан йиллик солиқлар тўланар эди.

Бақтрия архивига доир ҳужжатларда озиқ-овқат маҳсулотларини олувчилар рўйхати сақланиб қолган. Булар нафақат мансабдорлар ва уларнинг хизматкорлари, балки Аспараста манзилгоҳининг аҳолиси ҳам эди[1]. Тарқатиш рўйхатида тариқ, арпа, «оддий» ва «оқ» ун, шунингдек, шароб, қатиқ ва сирка тилга олинади. Хизматкорларга тариқ, юқори мартабали одамларга эса арпа берилган, Аспараста манзилгоҳи аҳолиси «оддий» ун олган, «оқ» навли ун эса диний қурбонликлар учун ишлатилган. Ҳужжатларда йирик ва майда шохли қорамол, паррандалар — товуқлар ва ғозлар ҳам қайд этилади.Шохли қорамоллар яйловда боқиладиган ва уйларда, оғилда боқиладиган ҳайвон турларига ажратиб келтирилади[2].

Ўзбекистон жанубидаги обидалар остеологик материалларини ўрганиш шуни кўрсатдики, аҳоли яшаш жойларида миниб юриш учун фойдаланиладиган уй ҳайвонларининг барча турлари — от, эшак, туя мавжуд бўлган. Қичик шохли қорамол (қўй, эчки) сони йирик шохлилардан кўпроқ эди. Аммо йирик шохли қорамоллар иқтисодиётда катта аҳамиятга эга бўлган, чунки йирик шохли қорамолнинг маҳсулдорлиги майда шохлига нисбатан бир неча баравар юқори эди[3].

Ахамонийлар даврида Ўрта Осиё туманлари ва ўлкалари савдо-сотиқ ва айирбошлаш муносабатларини табиий маҳсулотлар билан тўлаш орқали амалга оширишни давом эттирди. Шу билан бирга, кенг савдо ишлари ёки узоқ масофали савдо (ярим қимматбаҳо тошлар, нодир металларни сотиш) пайтида юқори сифатли ҳунармандчилик буюмлари, шунингдек, қимматбаҳо металлар қиймат ўлчови вазифа-

[1] *Кошеленко Г.А.* Новые письменные документы ... С. 54.

[2] Ўша манба.

[3] *Ермолова Н.М.* Костные остатки из памятников раннего железного века (Южного Узбекистана) // Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней ... С. 99 — 100.

сини бажарар эди. Савдо орқали моддий бойликларнинг тўпланишига Амударё хазинаси буюмлари мисол бўла олади[1], гарчи улар бақтриялик сатрап хазинасининг бир қисми бўлиши ҳам мумкин бўлса-да.

Биз сўз юритаётган мазкур даврда Ўрта Осиё минтақалари аҳолиси биринчи марта аҳамонийлар тангаларидан фойдаланган бўлиб, улар бир қатор туманларда топилган, жумладан, юнон тангалари[2] ҳам, Амударё хазинасидаги Афина тетрадрахмлари ҳам худди шундай хулоса чиқаришга имкон беради[3]. Шуниси аниқки, аҳамонийлар ва юнон тангалари ҳамма деҳқон ва ҳунармандларда ҳам бўлавермасди. Бу пул бирликлари кўпроқ мансабдор шахслар — сатраплар, ҳарбий раҳбарлар, амалдорлар, шунингдек, кенг савдо ишларини (давлат ёки халқаро миқёсда) амалга оширган савдогарларда тўпланган эди.

Маълумки, аҳамонийлар давлатида солиқ-ўлпонлар кумуш билан, шунингдек, табиий маҳсулотлар, чорва моллари ва ҳунармандчилик маҳсулотлари билан ҳисоб-китоб қилинар эди. Ўрта Осиё сатрапликларидан Форс шоҳларига кумуш ёмбилардан ташқари матолар, кийим-кечаклар, заргарлик буюмлари, қуроллар, идишлар, шунингдек, уй ҳайвонлари — туялар, отлар, қўйлар келтирилган. Агар илк аҳамонийлар (Кир II, Камбис) даврида ўлпонлар ҳадялар (шоҳга совғалар) шаклида топширилган бўлса, Доро I киритган ўзгаришлардан сўнг улар турли хил давлат меҳнат мажбуриятлари— форс шоҳлари саройларини қуришда ишчи кучидан фойдаланиш, хоналарни безаш учун ярим қимматбаҳо тошлар ва қимматбаҳо металлар, масалан, Бақтрия, Сўғд ва Хоразмдан олтин, сердолик, лазурит ва фируза тошларини мажбурий етказиб бериш тарзида қатъий белгиланади. Ктесий Бақтрияда кумуш ва олтин конлари мавжуд бўлганини айтади[4]. Сўғд ва Хоразм ҳам табиий хомашё манбаларига бой эди.

---

[1] *Зеймаль Е.В.* Амударьинский клад. Л., 1979.

[2] Ўрта Осиёда аҳамонийлар тангаларининг топилмалари ҳақида ушбу манбага қаранг: *Ртвеладзе Э.В.* Древние монеты Средней Азии. Ташкент, 1987.

[3] *Зеймаль Е.В.* Начальный этап денежного обращения древней Трансоксианы // Средняя Азия, Кавказ и зарубежный Восток в древности. М., 1983.

[4] *Пьянков И.В.* Средняя Азия в известиях античного историка Ктесия. Текст, перевод, примечания. Душанбе, 1975.

Мил. авв. IV асрда Хоразм мустақилликка эришади ва охирги форс шоҳларига ўлпон беришни тўхтатади, ўлканинг бошқа туманлари аҳамонийлар ҳукмронлигидан фақат Македониялик Александрнинг юришларидан кейин озод бўлди. Аммо улар эркинликка эриша олмади ва юнон-македон ҳукмдорлари асос солган янги кўп миллатли давлатлар таркибига киритилди. Хоразм, Шош, Сўғд ва Фарғонада маҳаллий давлатчилик анъаналари янгича асосда давом эттирилди.

ИЛК ХОРАЗМ ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ

Қадимги Хоразм (араб. Khwarazm, юнон. Chorasmie, қадимги форсча (H)uwaramis) Марказий Осиёнинг қадимги цивилизация марказларидан бири бўлиб, у тарихий жиҳатдан Амударёнинг қуйи этаклари билан боғланган. Ушбу макротопонимнинг этимологиясига оид бир қатор тахминлар мавжуд: «боқувчи ер»[1], «паст ер»[2], «чорвачилик учун яхши ҳимояланган мамлакат», «манзилгоҳлари яхши деворларга эга мамлакат», «яхши вар(ўтар)лари бор мамлакат»[3], «яхши вар(ўтар)лар мамлакати»[4], «хуритлар мамлакати»[5] ва ҳ.к.

Биринчи марта «Хоразм» номи Доро I нинг мил. авв. 521 йилга[6] тегишли Беҳистун ёзувида, шунингдек, Авестода (Михр Яшт. Yt.X 14) қайд этилади.

---

[1] *Burnouf E.* Commentaire surle Yasna. Paris, 1873. C. CVIII; *Sachau Ed* Zur Geschichte und Chronologie von Khwarizm // Sitzungsberichte der philosophishen Classe der kais. Akademie der Wissenschaften. Wien, 1873. – P. 473; *Geiger W.* Op. sit. S. 29; *Tomaschek W.* Chorasmia // Pauly's Real – Encyclopaedie derklassischen Altertumswisseschaft. Bd. 3. Stuttgart, 1894. P. 2406.

[2] *Lerch P.* Khiva oder Kharezm. Seine historischen und geographischer Verhdltnisse. St.-Pbg., 1873. P. 447; *Kiepert H.* Lerhbuch der alten Geographie. Berlin, 1878. S. 60; *MacKenzie D.M.* Chorasmian language and literature // The Cambridge History of Iran. Vol.3 (2). 1983. P. 1244.

[3] *Боголюбов М.Н.* Древнеперсидские этимологии // Древний мир (Сборник статей академику В. В. Струве). М., 1962. С. 370.

[4] *Рапопорт Ю.А.* Краткий очерк истории Хорезма в древности // Приаралье в древности и средневековье. М., 1998. С. 28.

[5] *Толстов С.П.* Древний Хорезм. М., 1948.

[6] *Дандамаев М.А.* Иран при первых Ахеменидах. М., 1963. С. 80.

Географик жиҳатдан қадимий Хоразм жанубда Дарғонотадан тортиб шимолда Орол денгизигача, шарқда қадимги Жанубий Оқчадарё делтаси орқали суғорилган ерлардан тортиб Жанубий Сариқамиш ботиғи ва ғарбда Узбойнинг юқори қисмигача бўлган жойларни ўз ичига олган Қуйи Амударё ҳудуди воҳасидир. Амударё бу ҳудудни иккига: Ўнгқирғоқ ва Чапқирғоқ Хоразмга бўлади. Улар бир-биридан табиати ва тарихий-маданий жиҳати билан фарқ қилади. Хоразм воҳасининг барча томонлари саҳро билан: жанубда Қорақум, ғарбда Қизилқум ва шарқда Орол-Каспий саҳролари билан ўралган. Фақат шимолда Орол денгизи билан чегараланади. Иқлими арид, кескин континентал, қуруқ, йиллик ёғинлари миқдори унча кўп бўлмай, умумий 80 миллиметрдан ошмайди, ер юзасидан юқори даражада парланиш хусусиятига эга, шунингдек, у ерда ҳавонинг сезиларли қуруқлиги ҳамда кучли шамоллар кузатилади. Табиат омиллари сунъий суғоришсиз деҳқончиликни амалга оширишга имкон бермайди[1].

Амударё ўзани бир неча бор қадимий дельта текисликлари бўйлаб ўз жойини ўзгартирган, бунинг натижасида юқори тўртламчи давр (хвалин даври)да Хоразм, Сариқамиш, Оқчадарё ва замонавий дельталарни ҳосил қилди[2].

Ўрта Осиёнинг бепоён саҳролари орасида жойлашиб, табиий шароитлар туфайли Қуйи Амударё воҳаларининг бошқа ўлкалардан бироз ажралиб қолиши унинг бошқа цивилизация ўчоқларидан фарқ қилишига ва ўзига хос ривожланиш йўлларини излашига сабаб бўлади. Қадимги Хоразм учун бу алоҳида бўлиб ажралиб қолиш шароитида ён атрофдаги кўчманчи чорвадорлар билан ўзаро алоқалар муҳим рол ўйнаган эди. Бу алоқалар нафақат иқтисодий, балки этномаданий жиҳатдан ҳам мавжуд эди. Бироқ бу ажралиб қолишлик мутлақ ҳам бўлмаган. Савдо карвонлари Амударё бўйлаб, саҳро ва йўллардан ўтарди. Дарё ҳам асосий транспорт йўли ҳисобланиб, бу,

[1] *Андрианов Б.В.* Древние оросительные системы Приаралья (в связи с историей возникновения и развития орошаемого земледелия). М., 1969. С. 95 – 96.

[2] Низовья Амударьи, Сарыкамиш, Узбой. История формирования и заселения // МХЭ. Вып. 3. М., 1960. С. 16 – 17.

юнон манбаларида (Strabon, XI, VII, 3) ёзилишича, мил. авв. II асрда Ҳиндистондан Қора денгизга олиб борувчи йўлнинг бир қисми бўлган сув йўли эди[1].

Умуман олганда, бутун Ўрта Осиё тарихининг илк босқичлари ёзма манбаларида Хоразм тарихи тўлиқ ёритилган эмас. Эпик анъаналар (мифологиялар)да қадимги Хоразм шоҳларнинг ҳукмронлик даври узоқ ўтмишга бориб тақалади. Келиб чиқиши хоразмлик бўлган ўрта асрнинг буюк олими Беруний ўзи билан замондош бўлган Хоразм аҳолиси орасида кенг тарқалган тарихий ривоятларга асосланиб давлатнинг пайдо бўлиши ва аҳолининг кўпайиши, хоразмшоҳлар сулоласининг ташкил топиши Македониялик Александрдан 980 йил олдин (тахминан мил. авв. 1292 йилда) юз берганлиги ҳақидаги маълумотларни келтиради. У бу ерга «Қайковуснинг ўғли Сиёвушнинг келгани ва у ерда Қайхусрав ва унинг авлоди ҳукм сургани» ҳақида ёзган эди[2].

В.В. Бартольд бу матнни таҳлил қилиб, ундаги маълумотлар мутлақо афсонавий характерга эга деб тахмин қилади[3]. Лекин кейинроқ С.П. Толстов ёзма манбалардан ташқари археологик тажрибаларга таяниб асосли тарзда тахмин қилдики, бронза даврида Амударёнинг қадимий дельтасида қадимги эрон қабилалари кўчиб келган жойлар ҳақиқатан ҳам бўлганлигини кўрсатувчи излар мавжуддир[4]. Хоразм аҳолисининг қўним топиши масалалари нуқтаи назаридан, қорақалпоқларнинг оғиздан-оғизга ўтиб келган тарихий ҳикоялари бўйича ниҳоятда қизиқарли маълумотларни Л.С. Толстова келтирган эди. Унинг тахминича, халқ ижодида аҳамонийлар давригача бўлган қадимги Бақтрия аҳолиси маълум қисмининг Хоразм воҳасига миграцияси ва биринчи Хоразм сулоласига асос солиниши ҳақидаги маълумотлар сақланиб қолган[5].

---

[1] *Ягодин В.Н.* Древние кочевники Арало-Каспия на Великом шелковом пути // Вестник Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан. 1994. № 2.

[2] *Бируни Абурейхан.* Избранные произведения Т. I. Ташкент, 1957.

[3] *Бартольд В.В.* Хорезм / Сочинения. Т. III. М., 1965. С. 545.

[4] *Толстов С.П.* Бируни и его «Памятники минувших поколений» // Абурейхан Бируни (973 – 1048). Избранные произведения. Т. I. Ташкент, 1957. С. XVIII – XIX.

[5] *Толстова Л.С.* Исторический фольклор каракалпаков как источник для изучения этногенеза и этнокультурных связей этого народа // Этническая история и фольклор. М., 1977. С. 144.

Қадимги Хоразм давлатчилиги борасидаги масала фанда узоқ вақт давомида «Катта Хоразм» – маркази ҳозирги Марв ва Ҳирот ҳудудига тўғри келадиган, Ахамонийлар давлатининг кейинги XVI сатраплиги даврида мавжуд бўлган, Геродотнинг маълумотларига кўра (III, 93), парфияликлар, сўғдлар, хоразмликлар ва орийларни бирлаштирилган, ахамонийларгача бўлган қудратли давлат бирлашмаси ҳақидаги фаразлар нуқтаи назаридан кўриб чиқилди. Янги илмий маълумотларнинг тўпланиши ҳозирда Хоразмнинг қадимги тарихи ва қадимий Хоразм давлатчилигининг шаклланиши масалалари ҳақидаги анъанавий қарашларни қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Бу тарихий жараён тадқиқотчилар аввал тахмин қилганидан кўра мураккаброқ ва узоқроқ давом этганлиги аён бўлмоқда.

«Катта Хоразм» ҳақидаги фараз XX аср бошларида Й. Маркварт[1] томонидан илгари сурилган бўлиб, кейинчалик С.П. Толстов[2], В.Б. Хеннинг[3], И. Гершевич[4] каби таниқли тадқиқотчилар томонидан қўллаб-қувватланган ва ривожлантирилган эди. Кейин у қабул қилинган ва Ўрта Осиёнинг илк давлатчилиги масалаларига бағишланган кўплаб умумлаштирувчи асарларга киритилди[5]. Бироқ кейинги тадқиқотлар, айниқса, сўнгги археологик кашфиётлар, Ю.А. Рапопорт[6] таъкидлаганидек, ушбу фараз билан боғлиқ мураккаб назариялардан воз кечишга имкон беради.

Бу фаразга асос бўлиб, биринчидан, Милетлик Гекатейнинг парфияликлардан «қуёш чиқар томонда» яшаган хоразмликлар ҳақидаги маълумоти (Athen, II, 70 A-B.)[7], иккинчидан, Геродотнинг Акес дарёси тўғрисида берган маълумотлари (III, 117) хизмат қилади.

---

[1] *Markquart J.* Wehrat und Arang: Untersuchungen zur mythischen und ... S. 9.

[2] *Толстов С.П.* Древней Хоразм ... С. 20, 341; Ўша муаллиф. По следам древнехорезмийской цивилизации ... С. 103.

[3] *Henning W.B.* Zoroaster: Politician ... P. 42.

[4] *Gershevitch J.* The Avestan hymn ... P. 14 – 21, 296 – 299.

[5] История таджикского народа. Т. 1. Душанбе, 1963. С. 451 – 454; История КҚАССР. Ташкент, 1974. С. 33.

[6] *Рапопорт Ю.А.* Краткий очерк истории Хорезма в древности ... С. 29.

[7] қаранг: *Пьянков И.В.* Хорасмии Гекатея Милетского // ВДИ. 1972. № 2. С. 3 – 21.

Милетлик Гекатейнинг маълумотларини таҳлил қилган олимлар Хоразм — Парфиянинг шимолидаги Амударёнинг қуйи қисмида жойлашган мамлакат деган хулосага келишган эди. Аммо сўнгги археологик тадқиқотлар мил. авв. VI асрдаги қадимий Хоразм ҳудуди чегаралари ҳақидаги тасаввурларимизни сезиларли даражада ўзгартирди. Ушбу ҳолатга аллақачон В.Н. Пилипконинг маълумотларига асосланган М.Г. Воробьева томонидан эътибор қаратилган бўлиб, у хоразмликлар қўним топган ҳудуднинг жанубий чегараларини Амударё этакларидан анча жанубга— Чоржўй ҳудудига силжитди[1]. VI асрнинг иккинчи ярмида хоразмликларнинг яшаш жойлари чегараларини шунга ўхшаш баҳолаш Милетлик Гекатейнинг маълумотларига мос келади. У, эҳтимол, М.Г. Воробьеванинг қайдлари бўйича, фақат Хоразмнинг жанубий чегаралари[2] ва парфияликлардан шарқда яшаган хоразмликлар ҳақида яхши маълумотга эга бўлган.

Геродотнинг маълумотларида Осиёда тоғли ҳудудда жойлашган Акес дарёси тасвирланади. Гирканлар, парфияликлар, сарангалар ва фомейлар билан чегарадош бўлган бу водий бир пайтлар хоразмликларга тегишли эди. Кейинчалик бу халқлар тоғ йўлларида, дарёнинг бешта йўлида тўғонлар қурган ва суғориш учун сув таъминотини назорат қилган форслар қўлига ўтган, улар бу халқларни бошқара бошлаган ва улардан солиқ йиққан (III, 117). Геродотнинг маълумотлари чегаралари Ахамонийлар давлатининг кейинги XVI сатраплигига тўғри келиши тахмин қилинган Катта Хоразм ҳақидаги фаразнинг пайдо бўлишига асос бўлди. «Катта Хоразм» маркази Марв ва Хирот туманларида жойлашган деб ҳисобланади. Тадқиқотчилар хоразмликлар кейинчалик ушбу ҳудудлардан Амударёнинг қуйи оқимига қараб сиқиб чиқарилган деб ҳисоблашади[3]. Ушбу кўчирилиш вақти ҳар хил баҳоланади, бу воқеа гоҳ Мидия даврига[4] тааллуқли деб ҳисоблана-

---

[1] *Воробьева М.Г.* Проблема «Большого Хорезма» и археология // Этнография и археология Средней Азии. М., 1979. С. 40.

[2] Ўша манба. 41-бет.

[3] *Пьянков И.В.* Хорасмии Гекатея ... С. 20.

[4] *Маршак Б.И.* Историко-культурное значение согдийского календаря // Традиции и современность. М., 1991. С. 191.

ди; гоҳ Аҳамонийлар[1] даврига; гоҳ ҳатто юнон-македон юришларидан олдинги даврга оид деб ҳам ҳисобланади[2].

Энг янги археологик топилмалар (биз уларни қуйида қисқача кўриб чиқамиз) бу муаммога бошқача ёндашишга ва Акес дарёси воҳасига (қаерда жойлашган деб ҳисобланишидан қатъи назар) ўзларини аллақачон хоразмликлар деб атаган Қуйи Амударё соҳилларидаги саклар эгалик қилган деб ҳисоблашга имкон беради. Улар мил. авв. VII аср – VI асрнинг биринчи ярмида қадимги бой жанубий давлатларга кириб келганлар ва шу ерда қисман яшаб қолганлар.

Амударёнинг қуйи этакларида қадимги давлатчиликнинг юзага келиши, ҳозирги илм-фанда мил. авв. VI асрнинг бошларидан кейинги даврлар[3] ёки мил. авв. VII– VI асрлар чегараси[4] билан, яъни Хоразмда «Кўзалиқир» ёки «архаик» маданият пайдо бўлган давр билан боғланади. Шуни таъкидлаш керакки, бу борада бошқа бир нуқтаи назар ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра, ушбу маданиятнинг вужудга келиши мил. авв. VI асрнинг иккинчи ярмига – Хоразм Аҳамонийлар салтанатига кирган вақтга тўғри келади деб ҳисоблаш мумкин[5]. Олимлар аҳамонийларгача бўлган даврга оид топилмаларни аниқлаган Кўзалиқир кўҳна шаҳри тадқиқотлари, шунингдек, Жанубий Хоразмдаги Хумбузтепа тадқиқотлари натижалари бизнинг биринчи хулосага қўшилишимизга сабаб бўлади. Архаик қадимий Хоразм цивилизациясининг шаклланиши Жанубий Орол денгизи атрофидаги ҳудудларда тарихий жараёнлар ривожланишининг табиий босқичи ҳисобланади ва бу табиий, этник, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий харак-

[1] *Пьянков И.В.* Хорасмии Гекатея ... С. 18 – 20; Ўша муаллиф. Хорезм в античной, письменной традиции // Хорезм и Мухаммад ал-Хорезми в мировой истории и культуре. Душанбе, 1983. С. 42 – 45, 48 – 49; Ўша муаллиф. Античные авторы о Средней Азии и Скифии (критический разбор работ Дж.Р. Гарднер-Гардена) // ВДИ. 1994. № 4. С. 197.

[2] *Рапопорт Ю.А.* Краткий очерк ... С. 166.

[3] *Итина М.А.* История степных племен Южного Приаралья // Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции.Т. X. М., 1977. С. 237.

[4] *Вишневская О.А., Рапопорт Ю.А.* Городище Кюзелигир. К вопросу о раннем этапе истории Хорезма // ВДИ. 1997. № 2. С.150; *Рапопорт Ю.А.* Краткий очерк... С. 30.

[5] *Вайнберг Б.И.*Изучение памятников Присарыкамышской дельты Амударьи в 70 – 80-х гг. // Скотоводы и земледельцы Левобережного Хорезма (древность и средневековье). Ч. I. М., 1991. Прим. 56.

терга эга бир қатор омиллар таъсири натижасида юзага келган деб қаралади. Ушбу шаклланишга бу ердаги мустаҳкам ўрнашган маҳаллий урф-одатлар ҳам, четдан келган маданиятни ўзлаштириш ҳам ўз ҳиссасини қўшган, шунингдек, четки маданиятни ўзлаштириш фақатгина уларни ўзлаштирилиши учун замин пайдо бўлганда ва уларни қабул қилиш учун шароитлар келиб чиққанда кузатилган.

Синфий жамият ва қадимги давлатчиликнинг шаклланиши омиллари. Бунда энг муҳим омиллардан бири қишлоқ хўжалиги маданиятининг пайдо бўлишидир. Йиллик ёгингарчилик етарли даражада бўлмаган мамлакатларда суғорма деҳқончилик ҳар доим қадимги цивилизацияларнинг асоси бўлиб келган[1]. Қуруқ иқлимга эга мамлакатда ривожланган қишлоқ ва шаҳар цивилизацияси маркази бўлган қадимий Хоразм учун сунъий суғориш (ирригация) деҳқончиликни ривожлантиришнинг асосий шарти ҳисобланарди. Сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликнинг пайдо бўлишига синфий жамиятнинг шаклланиши, йирик суғориш тизимларини қуриш ва ишлатиш учун зарур восита сифатида давлатнинг пайдо бўлиши, классик жамиятдан цивилизацияга ўтишда муҳим сабаб сифатида қаралади.

Амударё этакларининг Ўнгқирғоқ ва Чапқирғоқ қисмлари бир-биридан табиати ва тарихий-маданий муносабатлари жиҳатидан маълум даражада фарқ қилганлигини таъкидлаб ўтган эдик. Ўз навбатида, Чапқирғоқ қисмида ҳам сезиларли фарқлар мавжуд бўлганки, бу унинг шарқий ва ғарбий ўлкаларини алоҳида кўриб чиқишга зарурат туғдиради.

Ўнгқирғоқ қисми. Бу ерда ҳосилдор ерларнинг мавжудлиги, суви секин оқадиган кичик делта йўлларининг кўплиги ўлканинг ишлаб чиқариш хўжалигига ўтишига, мил. авв. II мингинчи йиллар ўртасида бронза даврида «Тозабоғёб маданияти» деб номланаган маданият доирасида пайдо бўлган деҳқончиликнинг ривожланишига имкон берди[2]. Ушбу маданият чўл ҳудудининг деҳқончилик-чорвачилик маданиятлари қаторига киради.

---

[1] *Андрианов Б.В.* Древние оросительные системы Приаралья ... С. 3.

[2] Ўша манба. 102 – 103-бет; *Итина М.А.* История степных ... С. 173 и сл.

Амударёнинг қуйи қисмида суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши у ерда халқнинг табиат қонуниятларини амалда ўрганишга интилганликларининг мураккаб жараёнини, қадимги суғорувчиларнинг тажриба излашлари ва тўпланшлари, орттирилган тажриба ва олинган билимлардан онгли равишда жамоат манфаати йўлида фойдаланиш жараёнларини ўзида акс эттиради.

Амударёнинг қуйи қисмида суғорма деҳқончилик ривожланишининг дастлабки босқичи «лиман» ва «қоҳира» деб номланган суғориш усуллари билан боғлиқ бўлган. Аллювиал делталар учун бу сунъий суғоришнинг энг қадимги тизими бўлиб, у сув сатҳининг кўтарилиши натижасида ерларнинг табиий намланишига асосланади[1]. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Амударёнинг қуйи оқимидаги бронза даври қабилаларида деҳқончиликнинг ривожланишига жануб билан маданий алоқалар ва, эҳтимол, жанубий халқларнинг қисман келиб қўшилиши сабаб бўлган. Худди шу алоқалар донли экин маҳсулотларининг ҳам кириб келишига асос бўлди[2].

Суғорма деҳқончилик ривожланишининг навбатдаги босқичида дарёнинг эски ўзани қирғоғида жойлашган кичик ер майдонларига ишлов бериш малакалари ўзлаштирилган ва у ерга оқиб келган тошқин сувлари сунъий равишда тартибга солина бошлайди. Кейинчалик сув суғорма майдонларга тўғридан-тўғри дарёнинг эски ўзанидан эмас, балки кичкина ариқлар ёрдамида етказиб берилади[3]. Делта сувининг беқарорлиги деҳқончилик манзилгоҳларининг қисқа муддат давомидагина бир жойда туришига сабаб бўлган, улар кўпинча қишлоқлар ва дала майдонларининг ўрнини ўзгартиришга мажбур бўлишарди, шу туфайли улар деҳқончилик-чорвачилик хўжалиги йўналишига эга ярим ўтроқ турдаги халқлар қаторига киради[4].

---

[1] *Гулямов Я.Г.* История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. Ташкент, 1957. С. 54; *Итина М.А.* Древнехорезмийские земледельцы // История археология и этнография Средней Азии. М., 1968. С. 83 – 84; *Андрианов Б.В.* Кўрсатилган асар. С. 102 – 103.

[2] *Итина М.А.* Древнехорезмийские земледельцы... С. 84.

[3] *Андрианов Б.В.* Древние оросительные системы Приаралья ... С. 104 – 106.

[4] *Итина М.А.* Древнехорезмийские земледельцы ... С. 78 – 79.

Сўнгги бронза даврида «Амиробод маданияти» деб номланган маданият доирасида суғориш тизимлари янада мураккаблашади. Олдинги даврнинг кичик, нисбатан қисқа суғориш ариқларидан фарқли ўлароқ, пастки қисмида кенг тармоқли анча узун (1 кмгача) суғориш ариқлари пайдо бўлди. Амиробод каналлари кўпинча қуриган сув йўлларининг давоми сифатида худди кетиб қолаётган сувни «тортиб олиш учун» қурилган эди[1]. Умуман олганда, кеч бронза даврида суғориш тизимларининг барча ўзига хос хусусиятлари шаклланган бўлиб, улар кейинги синфий давр, Хоразмнинг илк давлатчилиги даврининг суғориш тизимлари учун ҳар томонлама хос бўлди.

Суғориш тизимларининг жадал ривожланиши, суғориладиган майдонларнинг кенгайиши (масалан, суғориладиган ер майдони 200 гектарга етадиган Бозор-8 майдончасида), суғориш техникасининг ривожланиши ишлаб чиқариш кучларининг ривожланишида сезиларли тезлашишни кўрсатувчи омиллар ҳисобланади.

Суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши билан бирга мил. авв. II мингйилликнинг охири – I мингйилликнинг бошларида Жанубий Орол денгизининг ўнг қирғоғида ҳунармандчиликнинг алоҳида йўналиш сифатида ажралиб чиқишининг дастлабки белгилари кузатилади. Ортиқча маҳсулот ишлаб чиқариш учун имкониятлар кўпаяди, бу эса мулкий ва ижтимоий табақаланиш учун замин яратади. Шунга ўхшаш жараёнлар Ўрта Осиёнинг жанубидаги шаҳарларнинг дастлабки шаҳарга хос маданияти ҳам пайдо бўла бошлаганида кузатилади, аммо Жанубий Оролбўйи ҳудудларида бу жараёнлар жанубга нисбатан кечроқ содир бўлган ва секинроқ суръатлар билан ривожланган. Бу ерда манзилгоҳларни дастлабки шаҳарлашувга хос деб ҳисоблашга асос бўладиган маданият турлари мавжуд бўлмаган. Амиробод маданиятида пахсадан ва хом ғиштдан уй қуриш анъаналари шаклланмаган эди. Амиробод маданияти босқичида шаҳарлашув жараёнларининг пайдо бўлишидан далолат берувчи ҳеч қандай аломатлар қайд этилган эмас. Буларнинг бари сўнгги бронза давридаги

[1] *Андрианов Б.В.* Древние оросительные системы Приаралья ...

Амиробод маданиятининг жами белгилари бўйича синфий жамият шаклланган ва энг қадимий давлатчилик пайдо бўлган эрта архаик маданият билан тўғридан-тўғри тарихий изчилликда боғланмаслигини кўрсатаётгандек туюлади. Бироқ Амиробод маданиятида асос солинган суғориш иншооти ва суғорма деҳқончилик анъаналари, шубҳасиз, янги тарихий босқичда, қадимги архаик маданият доирасида ва фақат унинг Жанубий Хоразм вариантида тарихий кетма-кетликда бир-бирига боғланади.

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, мил. авв. VII асрга келиб Амиробод маданияти аста-секин сўнади. Ушбу даврда Жанубий Оқчадарё делтаси қуришининг кескин тус олиши ва Амиробод аҳолисининг қуриган ерларни суғора олмасликлари бунинг сабабларидан бири деб ҳисобланади. Буларнинг барчаси делталар атрофидаги аҳоли зичлигининг аста-секин камайишига олиб келади. Орол денгизининг жанубий минтақасидаги бронза даври маданиятларини ўрганувчи тадқиқотчилар мил. авв. VII асрда Оқчадарёнинг жанубий делтасида жойлашган аҳоли манзилгоҳлари сони мил. авв. IX – VIII асрлардаги аҳоли манзилгоҳлари сони билан таққослаганда кескин камайганлигини қайд этадилар. Шу билан бирга, шуни таъкидлаш керакки, бу даврда Амиробод маданиятининг сўнгги даврларига хос археологик ёдгорликлар Чапқиргоқда (Сариқамиш бўйи делтасида) ҳам пайдо бўлган[1], бу эса Амиробод аҳолисининг бир қисми қуриб бораётган Жанубий Оқчадарё делтасидан бу ерга кўчиб келганидан далолат бериши мумкин.

Фақатгина бу ерларнинг кейинчалик Ахамонийлар давлати таркибига кириши туфайли йирик суғориш тизимларини қуриш малакаларига эга бўлган аҳолининг кириб келиши билан Ўнгқиргоқдаги ерларни ўзлаштиришда янги босқич бошланади. Амиробод аҳолисининг қолган қисми аллақачон мавжуд бўлган деҳқончилик малакаларини ривожлантириш, хом гиштдан уй қуриш, кулолчилик соҳаси ва

[1] *Дурдыев Д.* Канга-2. Поселение эпохи поздней бронзы // Проблемы археологии Туркменистана. Ашхабад, 1984; *Юсупов Х.* Поселение конца эпохи бронзы на Кангагыре // Скотоводы и земледельцы Левобережного Хорезма (древность и средневековье). М., 1991.

бошқа ҳунармандчилик техникаларини ўзлаштириш жараёнига қатгиқ берилган бўлиб, бу улардаги моддий ва маънавий маданият соҳасидаги кескин ўзгаришларни келтириб чиқарган эди.

Чапқирғоқ қисми (шарқда). Бу ерда ҳам жиддий фарқлар кузатилади. Тадқиқотчиларнинг аниқлашича, бу ҳудудларга вақти-вақти билан Тозабоғёб маданиятига мансуб қабилалар келиб ўрнашган бўлиб, уларнинг асосий тарқалган жойи Ўнгқирғоқдаги Жанубий Оқчадарё делтаси атрофи бўлган. Бироқ бу ҳаракатларнинг кескин кенгайиши сўнгги бронза даврига тўғри келади ва Амиробод маданияти билан боғлиқ ҳисобланади. Ушбу маданиятлар дастлабки тарқалган ҳудудлари доирасида, биз юқорида айтиб ўтганимиздек, уй атрофидаги чорвачилик ва суғорма деҳқончиликка асосланарди. Чапқирғоқнинг жанубида бу қабилаларнинг пайдо бўлиши Тозабоғёб маданияти босқичида пайдо бўлган, айниқса, Амиробод маданияти босқичида оммавий тус олган яйловда ҳайдаб боқиладиган, ҳатто ярим кўчманчи чорвачилик билан боғлиқдир[1].

Бронза давридан илк темир даврига ўтиш вақтида баъзи аҳоли гуруҳларининг Шимолий Бақтрия ҳудудидан Амударёнинг ўрта оқими атрофидаги ўзлаштирилмаган ерларга кўчиб ўтиши[2] ва ундан кейин Амударёнинг қуйи қисмидаги ҳудудларга кўчиши[3] кузатилади. Сўнгги археологик тадқиқотлар ушбу воқеаларни мил. авв. VII аср охири — VI асрнинг биринчи ярми билан боғлашга имкон берди[4]. Ушбу қабилаларнинг келиши кулолчилик соҳасининг, пахса ва хом ғиштлардан уй қуриш анъанасининг пайдо бўлиши ва тарқалиши, бу ерда бронза даврида вужудга келган суғорма деҳқончиликнинг янада ривожланиши билан боғлиқдир. Шу билан бирга, бу вақтда савдо-сотиқ ҳам ривожланади. Баъзи олимларнинг фикрига кўра, мил. авв. I мингйилликнинг биринчи ярмида Амударёнинг чап соҳили бўйлаб

[1] *Виноградов А.В., Итина М.А., Мамедов Э.Д.* Неолит и бронзовый век Южного Хорезма // Древности Южного Хорезма // Труды ХАЭЭ. Т. XIV. М., 1991. С. 76.

[2] *Сагдуллаев А.С.* Основные черты и генезис культуры доантичной Бактрии // Античные и средневековые древности Южного Узбекистана. Ташкент, 1989. С. 37.

[3] *Сагдуллаев А.С.* Некоторые аспекты ... С. 60. Рис. 6.

[4] *Болелов С.Б.* Некоторые итоги археологических работ на Хумбузтепа // ОНУ. 1999. № 9-10. С. 90.

Ўрта Осиёнинг жанубий ўлкаларидан Хоразмга ўтадиган савдо йўли шаклланади[1].

Шимолий Бақтрия аҳолисининг миграцияси ҳақида Хумбузтепадаги археологик қазилмалар материаллари ҳам гувоҳлик беради. Хумбузтепанинг пастки қатлами (Болеловнинг фикрига кўра, ХТ-Ia) аҳамонийлар давригача бўлган давр, яъни мил. авв. VI асрнинг биринчи ярми ҳақида маълумот беради, топилмалар у ернинг ҳунарманд-кулоллар қишлоғи бўлганлигини кўрсатади. Бу ерда Ёз-II типидаги кулолчилик идишлар мажмуалари топилган. Маълумки, Бақтриянинг ўзидаги сўнгги Бақтрия кулолчилик буюмлари сўнгги мис даври кулолчилик буюмлари билан генетик боғланишга эга[2]. Шу билан бирга, Хоразмда бундай боғлиқлик мавжуд эмас[3]. Буларнинг бари ушбу буюмлар Хоразмга четдан кириб келган деб тахмин қилишга асос бўлади.

Қўриб чиқилаётган масалада Хоразмнинг Шарқий Чапқирғоқдаги Ҳазорасп шаҳарчаси муҳим қизиқиш уйғотади. Бу ерда 1958 – 1960 йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар мил. авв. V – IV асрлар чегараларидаги маданий қатламларни аниқлашга имкон беради[4]. Ундан ҳам қадимийроқ қатламларнинг борлиги масаласи очиқлигича қолди, чунки ўша вақтдаги ерости сувларининг сатҳи топилманинг пастки қатламини ўрганишга имкон бермади[5]. Қадимий Ҳазораспда олиб борилган энг сўнгги археологик қазилмалар жараёнида тадқиқотчилар ушбу ёдгорликнинг анча қадимий, қазилма муаллифининг сўзларига кўра, мил. авв. VII – VI асрларга оид маданий қатламларига кириб боришга муваффақ бўлишган[6].

---

[1] *Сагдуллаев А.С.* Бактрийская легенда. Ташкент, 1990. С. 8 – 9.

[2] *Аскаров А.А., Альбаум Л.И.* Поселение Кучуктепа. Ташкент, 1979. С. 79 – 80.

[3] *Вайнберг Б.И.* Изучение памятников Присарыкамышской дельты Амударьи в 70 – 80 гг. // Скотоводы и земледельцы Левобережного Хорезма (древность и средневековье). Вып. 1. М., 1991. С. 94.

[4] *Воробьева М.Г., Лапиров-Скобло М.С., Неразик Е.Е.* Археологические работы в Хазараспе в 1958 – 1960 гг. // Полевые исследования Хорезмской экспедиции в 1958 – 1961 гг. 1 // Материалы Хорезмской экспедиции. Вып. 6. М., 1963. С. 198.

[5] Ўша манба. 159-бет.

[6] *Сабиров К., Абдиримов Р.* Хазарасп и вопросы периодизации ранних этапов развития оседло-земледельческой культуры Хорезма // Международный симпозиум «Цивилизация древного Хорезма в контексте истории мировой культуры» и полевой семинар «Археология древнего Ташкырманского оазиса». Тезисы докладов и материалы к симпозиуму. Нукус-Бустон, 2000. С. 35.

Келтирилган фактлар Жанубий Хоразмга Бақтриядан қадимги деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳолининг бир қисми кириб келгани ва ўзлари билан кулолчилик, ҳунармандчилик, пахса қилиш, хом лойдан уй қуриш анъаналарини олиб келгани ва шаҳарлашиш жараёнини бошлаб берганини тахмин қилишга етарлича асос бўлади. Агар Ҳазораспнинг дастлабки даври ҳақидаги тахмин тўғри бўлса, айнан у Жанубий Хоразм ҳудудидаги энг қадимги давлат тузилмаси бўлган дейиш мумкин. Жанубий Хоразмга кўчиб кирган Бақтрия аҳолиси суғорма деҳқончилик анъаналарини ўзлари билан олиб келишди. Бу ерга келиб ўзига хос суғорма деҳқончилик анъаналарига эга бўлган Амиробод аҳолиси билан қўшилиб, янги деҳқончилик ва суғориш иншоотларини қуриш усулларининг бутун бир мажмуасини ярата олишди. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига имкон берди.

Чапқирғоқ қисми (ғарб). Бу ерда бироз бошқача тарихий жараён намоён бўлади. Амударёнинг қадимий делталаридан бири – Сариқамишбўйи ҳудудида мураккаб этномаданий ҳолат кузатилади. Мил. авв. VIII аср – VI асрнинг биринчи ярмида бу ҳудудда турлича этномаданий гуруҳларнинг жойлашганлиги қайд этилган.

Биринчидан, бу қабилалар бронза даврига мансубдир. Ушбу даврда Чапқирғоқда аҳоли яшамаган. Бунга атроф-муҳит омиллари сабаб бўлган. Бронза даврида (мил. авв. II минг йиллик – I мингйилликнинг бошлари) Сариқамишбўйи делтасида доимий дарё оқими бўлган эмас. Амударё сувлари Оқчадарё делтаси орқали Орол денгизига қуйиларди. Эски дарёлар бўйида Амударё сувларининг даврий равишда кўтарилиши туфайли Сариқамишбўйи делтаси жуда ботқоқли текислик бўлиб, аҳоли яшаши учун яроқсиз эди[1]. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, фақат мил. авв. VII аср бошидан Сариқамишбўйи делтаси доимий сув билан таъминлана бошланади[2]. Аммо бронза даврининг сўнггида (мил. авв. VIII – VII асрлар) бу ерга Ўнгқирғоқ ўлкаларидан

[1] *Итина М.А.* История степных ... С. 32.

[2] *Вайнберг Б.И.* Изучение памятников Присарыкамышской дельты Амударьи ... С. 23.

қабилалар ва сўнгги Амиробод қабилаларининг бир қисми кириб келиб жойлаша бошлайди[1].

Иккинчидан, булар дастлабки сак қабилалари бўлган. Тахмин қилинишича, саклар қабилалари Чапқирғоқда мил. авв. VIII аср охирида пайдо бўлишган, мил. авв. VII аср давомида шу ерда яшайдилар[2] ва узоқ вақт давомида ҳеч ким яшамаган ҳудудларда ўрнашадилар[3].

Қуйи Амударёнинг саклари Европа скифлари каби қадимги жануб цивилизация марказларига ҳужумлар уюштиришган деб тахмин қилишади[4]. Олимлар «бостириб кирилган ҳудудлар» чегарасини белгилаб кўрсатишади. Этнографиядан биламизки, талон-торож ҳужумлари кўчманчи жамиятнинг энг асосий ҳодисаларидан бири бўлган эди. Контрибуция, яъни енгилган давлатнинг галаба қозонган давлатга товон тўлаши ва унинг натижаси бўлган ўлпон тўловлари айни шу ҳодиса билан боғлиқ эди[5]. Талончилик ҳужумлари ҳарбий-демократик ривожланиш босқичининг қонуний натижаси сифатида уруғчилик тузуми парчаланишида юзага келиб, жамиятнинг ижтимоий табақаланишига, энг аввало, босқинчилик стакчиларининг ва қабилалар бошлиқларининг бойишига олиб келади[6]. Сак қабилалари доимо ўзларининг қўшнилари ва Жанубий Оролбўйига ҳужумлар уюштирганлигини инкор қилиш мумкин эмас. Саклар уларни бу ҳужумлардан халос бўлиш учун бадал тўлашга мажбур қилиш билан жамият муносабатларидаги янги ўлпон тўлаш тизимининг юзага келишига, кейинчалик бунинг натижасида ижтимоий қатламлар юзага келишига сабаб бўлади. Шуни қайд қилиш жуда муҳимки, этногрофларнинг кузатувларига кўра, бунга ўхшаш тизим бошқаларнинг меҳнатидан фойдаланишнинг вақтинчалик шакли бўлган, ўлпон тўлаш фақат

[1] *Итина М.А.* История степных ... С. 32; *Дурдыев Д.* Канга-2. Поселение эпохи бронзы ...; *Юсупов Х.* Поселение конца эпохи бронзы на Кангатыре ...

[2] *Яблонский Л.Т.* Саки Южного Приаралья (археология и антропология могильников). М., 1996. С. 52.

[3] Ўша манба. 79-бет.

[4] *Рапопорт Ю.А.* Краткий очерк ...

[5] *Першиц А.И.* Некоторые особенности классообразования и раннеклассовых отношений у кочевников-скотоводов // Становление классов и государства. М., 1976. С. 293.

[6] Ўша манба. 294-бет.

давлатнинг юзага келиш даврида ва бирламчи кенгайиши даврида мавжуд эди, кейинчалик улар оддий тўловларга айланди. Ташқи тушумлар қабила раҳбарларининг бойишига хизмат қилиб, қабиланинг оддий аъзолари меҳнатидан фойдаланишга, ижтимоий табақалар юзага келишига, қабила ичида синфлар пайдо бўлиш жараёнининг ривожланишига олиб келди[1].

Бироқ кучли қабилавий ҳарбий тузилма ва қабилаларнинг ўзлигини англаши юксак ривожланиши шароитида ташқи тушумларнинг маълум қисми оддий қабиладошлар орасида, яъни ҳарбийлар, қўшин аъзолари орасида тақсимланиши шарт эди. Бу кўчманчи қабилалардаги табақалашиш жараёнининг секинлашишига ва унинг намоён бўлиш шаклларининг ўзига хос тарзда юзага келишига замин яратди.

Ўлпон тўлаш жамият муносабатлари тизими сифатида ва ташқи меҳнатдан фойдаланиш фаолиятининг шакли сифатида қадимги Евроосиё даштларининг деярли барча кўчманчи халқларида – скифлар, сарматлар, европа хунлари усунлар ва бошқа халқларда ўзгаларнинг меҳнатидан фойдаланишнинг ўзига хос шакли бўлган эди[2]. Эҳтимол, ЎртаОсиё саклари ҳам бундан мустасно бўлмагандир.

Учинчидан, улар «Қуйисой маданияти» деб номланувчи қабилалардир. Сариқамишбўйи дельтаси ҳудудида мил. авв. VII аср ўрталарида (мил. авв. VII аср ўртаси – VI аср ўртаси) бу маданиятнинг илк даврига оид ёдгорликлар пайдо бўлади[3].

Аҳоли серсув ўзанларнинг қирғоқларидаги мустаҳкам бўлмаган ўтроқ манзилгоҳларда жойлашди. Мустаҳкам бўлмаган манзилгоҳлар каркас ёки устунли тузилишга эга деворли ер устидаги алоҳида уйлардан иборат эди. Уй майдони 100 метр квадрат атрофида бўлиб, уйларнинг ёнида хўжалик учун қурилишлар жойлашган эди. Ерусти

[1] *Першиц А.И.* Некоторые особенности классообразования и ... С. 297 – 302.

[2] *Хазанов А.М.* Социальная история скифов. Основные закономерности развития кочевников Евразии. М., 1974. С. 100.

[3] *Медведская И.Н.* Некоторые вопросы хронологии бронзовых наконечников стрел Средней Азии и Казахстана // СА. 1972. №3; *Вайнберг Б.И.* Памятники Куюсайской культуры // Кочевники на границах Хорезма // Труды ХАЭЭ. Т. XI. М., 1979. С. 42 – 44; Ўша муаллиф. Памятники скотоводческих племен в левобережном Хорезме // Степная полоса Азиатской части СССР в скифо-сарматское время. Археология СССР. М., 1992. С. 117.

қурилишлари билан бир қаторда ерости ертўлалари ҳам бўлганлиги қайд этилади.

Қуйисой жамияти хўжалик тизимида чорвачилик муҳим рол ўйнар эди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, подада шохли ҳайвонлар ва отлар катта қисмни ташкил қиларди. Этнографларнинг тахминича, подада шохли ҳайвон ва отлар кўпроқ бўлиши чорвачилик хўжалигининг ярим ўтроқ шакли белгиси саналади[1], ярим кўчманчи халқларда бу белгининг пайдо бўлишини эса улар экстенсив чорвачиликнинг ажралиши ҳамда ярим ўтроқ ва ўтроқ хўжалик шаклига ўтиш белгисидир[2].

Суғориш иншоотлари ва сугориладиган дехқончиликнинг мавжудлиги аниқланмаган. Шу билан бирга, тадқиқотчилар қайд этишганидек, қишлоқларнинг ўтроқ шакли ва кўп миқдорда дон сақланадиган катта идишлар каби топилмалар ва донни қайта ишлашга мўлжалланган дон майдаловчи тошларнинг кўп миқдорда топилганлиги ушбу аҳолининг деҳқончилик билан шуғулланганлигидан дарак беради. У лалми ва ёгингарчилик кўп бўлган ер деб фараз қилинади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қулай табиий шароитлар ёрдам берган[3].

Қуйисойликларда ҳунармандчилик (металлургия, кулолчилик, суяк, тош ва шу кабиларни қайта ишлаш) ривожланишининг аниқ белгилари қайд этилади.

Тадқиқотчилар Қуйисой аҳолисининг этник ва диний муносабатларда турлича бўлишганини қайд этишади[4]. Моддий маданиятда «хўжалик ва маданий муносабатлардаги иккита турли этник халқнинг ўзаро алоқаси» кузатилади[5]. Антропологик материаллар жиҳатидан ҳам бир вақтнинг ўзида ўзаро бир-биридан табиатан фарқ қилган ва турлича ирсий келиб чиқишга мансуб бўлган икки аҳоли гуруҳи ажратилади. Шу билан бирга, антропологларнинг қайд қилишича, иккала гуруҳ ҳам ўзаро аралашув жараёнининг илк босқичида бўлишган.

[1] *Жданко Т.А.* Проблема полуоседлого населения в истории Средней Азии и Казахстана // СЭ. 1961. № 2. С. 58.

[2] *Марков Г.Е.* Кочевники Азии. М., 1976. С. 212.

[3] *Вайнберг Б.И.* Памятники Куюсайской... С. 8, 22 – 23.

[4] *Вайнберг Б.И.* Памятники скотоводческих ... С. 117.

[5] *Итина М.А.* От редактора / Кочевники на границах Хорезма // Труды ХАЭЭ. Т. XI. М., 1979. С. 5 – 6.

Биологик нуқтаи назардан улар интеграциянинг бошланғич босқичида ўрин олган икки турли популяция ҳисобланади[1].

Аммо ўзига хос Қуйисой маданиятини ажратиб кўрсатиш масаласи ҳамон баҳслилигича қолмоқда. Кўриниб турибдики, баъзи тадқиқотчиларнинг фикрига қўшилишга ва бу маданиятни Чапқирғоқ Хоразмнинг ғарбий қисмидаги дастлабки саклар маданиятининг умумий доирасида кўриб чиқишга тўғри келади[2].

Амударёнинг Сариқамишбўйи дельтасининг Сакарчага тепалигидаги саклар қабристонида олиб борилган археологик тадқиқотлар тадқиқотчиларга Чапқирғоқдаги дастлабки саклар жамиятининг ижтимоий тузилмасини қайта кўриб чиқишни таклиф этишга имкон берди. Қуйидаги ижтимоий гуруҳлар ажратиб кўрсатилади: коҳинлар, ҳарбий-чавандозлар, уруғнинг оддий аъзолари, аҳолининг камбағал қатлами. Уларда аёлларнинг юқори ижтимоий роли ҳам қайд қилинган бўлиб, у ерда коҳин аёллар ва чавандоз аёлларнинг қабрлари ҳам топилди. Никоҳнинг патриархал бўлганлиги, айни дамда оиланинг турли шакллари (бўлинмаган оила, кичик оила) мавжуд эканлиги ҳақида хулоса қилинган. Умуман олганда, Сариқамишбўйи саклари қабилаларга бирлашган деб тахмин қилинади, бу қабилалар, ўз навбатида, алоҳида оилалардан тузилган алоҳида уруғлардан иборат эди[3]. Бундай тузилиш асосий жиҳатларига кўра Авестода ёзилган Шарқий Эронда ва унга қўшни бўлган, ахамонийлар давригача бўлган Ўрта Осиё ўлкаларининг ижтимоий тузилиши манзарасига мос келади. Авестонинг энг қадимги қисмлари Гат ва Яштда берилган маълумотларга кўра, ижтимоий тузилишнинг асосий бирлиги алоҳида қишлоқларда яшаган *вис* (уруғ, уруғчилик жамоаси) ҳисобланарди. Вис *нмана* (алоҳида ҳовлили оила)лардан иборат бўлган. Б.И. Вайнбергнинг фикрича, бу хилдаги уруғчилик қишлоқларидан бири мустаҳкам бўлмаган Қуйисой 2 қишлоғи ҳисобланиб, у 10 – 15

[1] *Яблонский Л.Т.* Саки Южного Приаралья (археология и антропология могильников). М., 1996. С. 67.

[2] Ўша манба. 82-бет.

[3] Ўша манба. 66 – 68-бетлар.

кишилик оила яшаган алоҳида уйдан иборат эди[1]. Вислар *занту* (қабила)ларга бирлашган. Уруг ёки уруглар бирлашмаси яшаган ҳудуд дахю деб аталган. Авесто маълумотларига кўра, аҳоли табақаларга, яъни пиштраларга бўлинарди: коҳинлар, аравалилар, деҳқонлар (деҳқонлар ва чорвадорлар)[2]. Ҳунармандлар жуда кам эсга олинади[3]. Шунингдек, қуллар (vaesa) ҳам қайд қилинган, лекин жуда камдан-кам ва фақат уруғ ичида бўлганлиги тилга олинади[4].

Шундай қилиб, ёзма манбалар ва археологик топилмалардан олинган маълумотлар мил. авв. VIII – VII асрларда Чапқиргоқ Хоразмнинг ғарбий қисмида шаҳар ва шаҳарга хос ҳаёт тарзи мавжуд бўлганлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқлигини айта олишимизга имкон беради. Манбалар шуни кўрсатадики, бу даврдаги жамоа уруғчилик тузилмасининг асосий институтларини сақлаб қолган, шу билан бирга, ижтимоий табақаланиш жараёнида анча олдинга силжиган эди.

Тўртинчидан, бу аҳоли Кўзалиқир маданиятига оид эди. Унинг ривожланишини тадқиқотчилар бир қанча босқичларга ажратишади, аммо бизни бу борада энг олдинги давр, яъни мил. авв. VII аср – VI аср ўрталари (ахамонийлардан олдинги ёки ахамонийларгача бўлган давр) қизиқтиради.

Бу даврга Сариқамишбўйи дельтасидаги қўҳна Кўзалиқир шаҳрининг энг дастлабки қатламлари тўғри келади[5]. Бу борада Б.В.Вайнбергнинг Кўзалиқир йилномасига оид ва Хоразм тарихининг ахамонийларгача бўлган даври йилномасига оид ҳақиқатга яқин нуқтаи назарига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Унинг фикрича, Кўзалиқир маданияти ахамонийлар давридаёқ юзага келган[6].

Кўзалиқир шаҳри тепаликда жойлашган бўлиб, унинг тахминий жойлашуви чизмалари бу ернинг рельефига мосланди. Ҳимоя девор-

[1] *Вайнберг Б.И.* Памятники Куюсайской ... С. 52.

[2] Ясна. 19. 17.

[3] Видэвдат. 9, 38; 13, 46.

[4] *Дьяконов М.М.* Очерки истории ... С. 60 – 61; *Лившиц В.А.* Общество Авесты... С. 139.

[5] *Толстов С.П.* Городища с жилыми стенами // Карткие сообщения ИИМК АН СССР. Вып. XVII. – М., 1947; Ўша муаллиф. Древний Хорезм ... С. 77-83; Ўша муаллиф. Бируни и его «Памятники» ... С. 143-144; *Вишневская О.А., Рапопорт Ю.А.* Городище Кюзелигыр. К вопросу о раннем этапе истории Хорезма // ВДИ. 1997. № 2. С. 153-154.

[6] Вайнберг Б.И. Изучение памятников ... Прим. 56.

лари билан ўралган умумий майдони 25 гектарга яқин. У ерда икки катор турли даврларга оид истеҳкомлар — юқори ва пастки қалъалар ажратиб кўрсатилади.

Юқори қалъа. Дастлаб қалъа деворлари билан тепаликнинг энг юқори жанубий-ғарбий қисмидаги 11 гектарга яқин майдон ўралган. Тадқиқотчилар баландлиги 4 метрга етадиган 3 та жуда кенг дарвозалар бўлганлигини қайд қилишади. Аммо баъзи белгилар дарвозалар кўпроқ бўлганлигидан далолат беради. Ҳар бири айланасига бурчаклар билан нақшланган, тўғри бурчакли иккита минора орасида кириш эшиги бўлган. Ички майдонда фақатгина саноқли қурилишлар бўлган, яшаш ва ишлаб чиқариш иншоотлари асосан қалъа деворларида жойлашган. Қалъа ичидаги катта майдон бўш ҳолатда бўлган.

Юқори қалъанинг тахминан марказида архитектура мажмуаси жойлашган бўлиб, тадқиқотчилар уни қабила бирлашмасининг хўжалик ва диний маркази вазифасини бажарувчи сарой деб ҳисоблашмоқда. Унда 20 га яқин турли мақсадларга мўлжалланган бинолар бўлган. Устунлар қўйилган катта заллар, кўп сонли хумлар ва дон учун ўралар мавжуд бўлган хўжалик бинолари аниқланганлиги қайд этилади. Шунингдек, у ерда майдони 800 квадрат метрдан ортиқ бўлган катта сарой ҳам ажралиб туради. Унинг ён деворлари бўйлаб жойлашган паст супалар аъёнлар учун мўлжалланган, кўндалангига баланд қилиб кўтарилган қисми, тадқиқотчиларнинг фикрича, тахт қўнашган жой бўлган. Бу баланд жойнинг қарама-қарши томонида қуёшпарастлик дини билан боғлиқ деб ҳисобланган катта ғиштли пойдевордан иборат иншоот мавжуд.

Тахмин қилиш мумкинки, бутун бу мажмуа фуқароларнинг маросимларини ўтказилиш учун хизмат қилган бўлиши мумкин. Баланд қилиб кўтарилган жойда ёки, айтиш мумкинки, тахтда шоҳ ўтирган, ён томондаги супаларда қабиланинг аъёнлари ва амалдорлар ўтирган. Ёнидаги хумлар бор бино шоҳнинг хазинахонаси вазифасини бажарган бўлиши мумкин. Шоҳ бу бинода қабул олиб борган ва, эҳтимол, қандайдир маросим тадбирларини ўтказгандир. Шоҳ баланд кўтарилган тахтда ўтириб охиридаги баланд майдонда муқаддас олов

ёниб турган кенг ҳовлини кўздан кечирган деса бўлади. Ҳимоя деворларидаги кўп сонли кенг дарвозалар, юқори ва пастки қалъалар ичидаги қурилишсиз очиқ майдонлар, тадқиқотчиларнинг фикрича, қисқа вақтда қалъа ичига кўп сонли аҳолини ва чорвани киритиш учун мўлжалланган. Яъни кўҳна шаҳар нафақат ярим ўтроқ чорвадор ўлканинг маркази вазифасини, балки ҳимоя қўрғони вазифасини ҳам бажарарди, бу ерда атрофдаги аҳоли ўз чорвалари билан яширинган, яъни ҳимояланган эди. Авестода таърифланган«квадрат вара», бу таъриф мазмунига кўра, Кўзалиқир кўҳна шаҳрининг чизмаси билан жуда ўхшаш эканлиги ҳақида аллақачон адабиётларда сўз юритилганини айтиш жоиз.

Кўзалиқир маданияти Чапқиргоқ Хоразмнинг ғарбий қисмидаги жанубий ўтроқ деҳқончилик ва шаҳарлашув цивилизациянинг кучли таъсири остида бўлган саклар маданиятига асосланади. Бу маданий таъсир айни саклар иштирокидаги жанубга қараб қилинган босқинчилик орқали, шунингдек, хоразмлик бўлмаган этник гуруҳларнинг Хоразмга миграцияси орқали ёки бу ерга ҳарбий асир бўлиб келиб қолганлар орқали тарқалган эди. Хом ғиштдан уйлар қуриш, шаҳарсозлик маданияти, ҳунармандчилик соҳаси ва шу кабиларнинг кенг тарқалиши ва илдиз отиши ҳам айнан шу гуруҳлар аҳолиси билан боғлиқдир.

Кўзалиқир маданиятининг аҳамонийларгача бўлган давридаги ривожланиши Хоразмда давлатчиликнинг пайдо бўлиши билан ҳам боғлиқ саналади. У ёки бу йўл билан орттирган бойлиги туфайли мансаби ошган уруғ бошлиғи ёки бирон-бир сак қабиласининг ҳарбий йўлбошчиси ўзини уларнинг бирлиги рамзи сифатида намоён этиб, жамоа бирлашмасининг бошлиғига айланади ва подшоҳ вазифасини бажаради. Чизма бўйича Кўзалиқир саройининг марказий биноларидан биридаги тахтнинг жойи аъёнлар ўриндиқларига қарама-қарши қилиб жойлаштирилганлиги жамоани шоҳ бошқарганига ишора қилади. Бу мажмуада диний олов билан боғлиқ иншоотнинг мавжудлиги шоҳ сиймосининг муқаддас деб ҳисобланиши ва, эҳтимол, ҳали диний ва дунёвий ҳокимият вазифаларининг бўлинмаганлигидан гувоҳлик беради.

Илк давлатда бутун Хоразм воҳаси ҳудуди бирлашмаган, бирлашиш кейинроқ кузатилади. Ҳозирги вақтда мавжуд бўлган маълумотлар аввалига фақат давлатчиликнинг кичик ўлкалар кўринишидаги алоҳида ўчоқлари пайдо бўлганлиги ҳақида гапиришга имкон беради, улар ягона шаҳар марказига эга бўлган.

У илк давлатчилик бўлиб, бундай давлатчилик бирлашган давлат юзага келиши олдидан аввалига ҳар бирининг бош шаҳри ва ўз ҳудолари бўлган *номлар* (алоҳида вилоятлар) бўлган қадимги Миср давлатчилигига ўхшаш эди[1]. Ўрта Осиёда тадқиқотчилар шунга ўхшаш қонуниятни қайд қилишади. М.М. Дьяконовнинг фикрича, Ўрта Осиёда аҳамонийларгача бўлган даврга оид йирик давлат тузилмаси мавжуд бўлганлиги ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Унинг ёзишича, «...бирламчи давлатлар чегаралари суғориш тизимлари ва улар орқали суғориладиган ерлар чегаралари билан мос эди»[2].

В.М. Массон Марғиёнадаги биринчи давлат тузилмалари ҳақидаги масалани ўрганиб чиқиб, улар ўзларининг қўрғонларига эга йирик аҳоли манзилгоҳларининг марказлари сифатидаги кичик ўлкалар бўлган деб қайд қилади[3].

Эҳтимол, Кўзалиқир ва унинг атрофидаги ҳудудлар янги турдаги худди шунга ўхшаш қадимий давлатчилик тузилмаси бўлган бўлиши мумкин. Фарқ қиладиган жиҳати шундаки, бу ерда қадимий давлатчилик ўтроқ чорвачилик хўжалиги асосида пайдо бўлган ва бу давлат чегаралари ўтлоқ майдонлар ҳудуди билан мос келарди. Кўзалиқир Хоразмдаги қадимги ягона давлатчилик тузилмаси маркази бўлганми ёки улар бир нечта бўлганми, буни ҳозир билмаймиз. Тадқиқотчилар «архаик» даврга оид кўп сонли топилмалар ҳақида ёзишади. Аммо, биринчидан, аҳамонийларгача бўлган даврга оид қатламларнинг энг ишончлилари ҳозирча фақат Кўзалиқирда топилган. Иккинчидан, бошқа топилмаларнинг бирортасини шаҳар сифатида таснифлаб

[1] Всемирная история. Т. 1. М., 1956. С. 147.

[2] *Дьяконов И.М., Дьяконов М.М., Лившиц В.А.* Парфянский архив из древней Нисы // ВДИ. 1953. № 4. С. 38.

[3] *Массон В.М.* Древнеземледельческая культура... С. 130.

бўлмайди, улар кичик аҳоли манзилгоҳларининг қолдиқларидир. Ҳар ҳолда, Милетлик Гекатей улар орасидан фақат биттасига нисбатан «Хорасмия шаҳри»[1] номини келтирган, унинг тахмин қилишича, «... фақат Кўзалиқир Chorasmie (тушунарсиз тилда) билан бир деб қаралишга талабгор бўла олади»[2]. Тахмин қилиш мумкинки, илк Хоразм давлатининг чегаралари Сариқамишбўйи дельтаси чегарасидан чиқмаган.

Хоразм Ахамонийлар подшолиги таркибида. Марказлашган қадимги Хоразм давлатининг ташкил топиши Ахамонийлар салтанати доирасида, маданиятнинг сайқалланиши, турли ўлкаларда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг тенглашиши, умумхоразм этноси шаклланиши рўй берган даврда юз беради. Буларнинг бари Хоразмнинг Ахамонийлар салтанати таркибидан чиққанидан кейин кучли марказлашган давлатга айланишига замин яратади. Афсуски, бизда Жанубий Хоразмда бу даврда мавжуд бўлган суғориш тизимлари ҳақида маълумот йўқ. Аммо ўтроқ деҳқончилик хўжаликлари мис давридаёқ пайдо бўлганлигини эътиборга олсак, тахмин қилиш мумкинки, айнан шу ерда давлатчилик ўчоғи алоҳида суғориш тизими асосида юзага келган бўлиши мумкин.

Тахмин қилинишича, Хоразм Ахамонийлар давлатининг таркибига Кирнинг истилоси[3] натижасида 545 ва 539 йиллар оралиғида киради[4].

Ахамонийлар даврида давлат бирлигини ифодаловчи тимсол ролини *сатраплар* (ахамонийларнинг олий бошқаруви вакиллари) бажаради.

Чегаралар. Ёзма манбалар Хоразмнинг Ахамонийлар салтанати таркибига кирган давридаги чегаралари ҳақида маълумотга эга эмас. Улар, эҳтимол, Кўзалиқир маданияти топилмалари тарқалган чегаралар билан белгиланар. Унинг жанубий чегараси анча аниқ белгиланади. Қўшқалъа шаҳарчасидаги пастки қатламлар Кўзалиқир мадания-

[1] *Пьянков И.В.* Хорасмии Гекатея... С. 4.
[2] *Вишневская О.А., Рапопорт Ю.А.* Городище Кюзелигыр... С. 171 – 172.
[3] *Дандамаев М.А.* Иран при первых... С. 106.
[4] *Дандамаев М.А., Луконин В.Г.* Культура и экономика... С. 104.

тининг илк босқичларига тегишли, ундан кейинги жануб томонда 90 километр масофада жойлашган Одойтепа топилмаларида эса бундай қатламлар йўқ, ундаги қатламлар Ёз-I, Ёз-II, Ёз-III маданиятига оиддир[1]. Ундан кейинроқ шимоли-ғарбдаги чегара тор йўлаклар бўйича Қорақум қумлари билан «ўралган» Амударё дарёси воҳаси томон борган. Бу М.Г. Воробеванинг асарида келтирилган бўлиб, унинг фикрича, қадимги хоразмликлар яшаб келган ҳудудлар дарёнинг қуйи қисми билан чегараланмаган, аксинча, «улар Ўрта Амударёда ҳам дарёнинг соҳили бўйлаб узунқатор бўлиб жойлашган эди»[2]. Амударёнинг чап қирғоғи бўйлаб карвон йўли ўтган бўлиб, чамаси, унинг бу ердан ўтганлиги хоразмликларнинг жойлашган ўрни юқори аҳамиятга эга бўлганлиги билан боғлиқ. Ўнг соҳилда, Қўшқалъадан Хоразм воҳасининг бошигача бўлган жойда, Кўзалиқир маданияти қатламлари мавжуд бўлган бирон-бир археологик ёдгорлик қайд этилмади.

Хоразм воҳасининг жанубида дарёнинг иккала томони бўйлаб ҳам чегаралар кенгаяди. Бу ерда Чапқирғоқдаги Хумбузтепа Кўзалиқир маданиятининг энг йирик ёдгорликларидан бири бўлиб, у ердан сополни пишириш учун мўлжалланган ўчоқлар қолдиқлари тўплами, афтидан, кулолчилик бўйича йирик ҳунармандчилик маркази топилган. Ўнгқирғоқда шимолдан Султон Увайс тоғ чўққилари, шарқдан Қизилқум қумлари ва жанубий-ғарбдан Амударё ўзанлари билан ўралган ҳудудда суғориладиган ерларнинг йирик майдонлари юзага келган эди. У ерда кўп сонли суғориш каналлари ва катта ер эгаларининг қўрғонлари (Дингилжи) мавжуд бўлган. Кенг майдонни эгаллаган суғориладиган ерлар архаик даврда пайдо бўлган ва фойдаланилган эди. Чапқирғоқда аҳоли ўша даврда серсув бўлган Довдон ўзани бўйлаб бир қатор жойлашади.

Хоразмликлар қўним топган энг чекка ғарбий ўлка архаик даврнинг энг катта топилмаси бўлган Кўзалиқир ҳудудида жойлашган.

---

[1] *Воробьева М.Г.* Проблема «Большого Хорезма»... С. 40 – 41; *Пилипко В.Н.* Из работ Амударьинского отряда // Археологические открытия 1968 года. М., 1969. С. 428; Ўша муаллиф. Раскопки в Денауском ... С. 528.

[2] *Воробьева М.Г.* Проблема «Большого Хорезма" ... С. 40.

Давлат тузилмаси. Ахамонийлар давлатининг таркибига, одатда, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан турли даражада бўлган кўп сонли мамлакатлар ва халқлар киради. Форслар давлат бошқарувини ташкил қилишда мазкур давлатда тарихий жараёнлар натижасида маҳаллий асосда шаклланган анъанавий бошқарув шаклидан кенг фойдаланишди. Кир ва Камбис Ахамонийлар давлати таркибига кирган давлатларнинг ички қурилмасини сақлаб қолган ва босиб олинган халқларга маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни тақдим этди. Ахамонийлар ўзлари томонидан босиб олинган давлатларда ҳунармандчилик, қишлоқ хўжалиги, савдо, умуман, иқтисодиётнинг ривожланиши учун яхши шароитлар яратиш сиёсатини олиб боришарди[1]. Маъмурий муносабатларда давлат сатрапликларга бўлиниб, уларнинг бошқарувини сатрап-ҳукмдорлар олиб боришди.

Бехистун ёзувларида Хоразм Ахамонийлар салтанатининг таркибидаги давлатлардан бири деб эсга олинади. Геродотнинг (III, 89 – 97) маълумотларида Доронинг бошқарувда киритган ўзгартиришларидан кейин пайдо бўлган сатрапликлар рўйхати келтирилади. У уларни satrapeie – «сатраплик», nomoi – «номлар», archai – «подшоҳлик» деб атайди[2]. Геродотнинг сатрапликлар рўйхатининг санаси ҳақида турли хил қарашлар бор. Лекин энг кенг тарқалган рўйхат мил. авв. V асрнинг ўрталари – Артаксеркс I ҳукмронлиги даври – Геродотнинг ўзи яшаган даврга оиддир.

Сузада марказлашган девонхонасига эга катта давлат бошқаруви мавжуд бўлган. Бу пойтахт Форс кўрфази, қуруқлик йўллари орқали Экбатан, Персепол ва Бобил билан боғланган эди[3]. Сузадан вилоятларга ва яна орқага расмий ёзишмалар бориб турарди. Сузага Ахамонийлар салтанати таркибига кирган мамлакатлардан юқори мансабга эга ва кичик амалдорлар келишган эди. Вилоятларни бошқариш учун Ахамонийлар давлатида доимий почта хизмати йўлга қўйилганди[4].

[1] *Дандамаев М.А., Луконин В.Г.* Культура и экономика ... С. 108.

[2] Ўша манба. – 109-бет.

[3] *Chirshman R.* Village Perse-Achdmenide // Mission archeologique en Iran. Memoires. Vol. 36. Paris, 1954. P. 7 – 9; *Дандамаев М.А., Луконин В.Г.* Культура и экономика... С. 118.

[4] *Дандамаев М.А.*, Луконин В.Г. Культура и экономика ... С. 118.

Эҳтимол, Хоразм ҳам империя таркибида бўлган даврида бу алоқалар тизимига киргандир. У Ўзбой канали бўйлаб сув йўли орқали Каспий билан боғланган, кейин Каспий орқали ва қуруқлик йўллари орқали Суза ва Ахамонийлар давлатининг бошқа марказлари билан боғланар эди[1].

Оромий ёзуви ва тили. Кир II давридаёқ Ахамонийлар салтанатининг ғарбий қисмидаги давлат девонхоналарида оромий тилидан фойдаланилган. Доро томонидан амалга оширилган ўзгаришлардан кейин оромий тили шарқий сатрапликларда ҳам расмий тилга айланди ва бутун давлат бўйлаб девонхоналар ўртасида ўзаро мулоқот учун фойдаланилди[2]. Махсус ёзув мактаблари мавжуд эди. Ахамонийлар салтанатида жуда кўп халқлар бўлган, шунинг учун подшо саройида, сатраплар маъмуриятларида, армияда таржимонлар жуда кўп эди. Форс пойтахти Персеполда элам тилидан фойдаланилган, бироқ мил. авв. V асрнинг иккинчи ярмида оромий тили уни сиқиб чиқаради.

Хоразмда оромий ёзувининг кенг тарқалиши унинг Ахамонийлар давлати таркибига кириш даври билан боғлиқ бўлиб, баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, бу ёзув ахамоний хаттотлари томонидан маҳаллий Хоразм аҳоли орасига кириб келади. Қадимги Хоразм маданияти ҳақидаги бизнинг ҳозирги замон билимларимизга асосланиб шуни айтиш мукинки, Хоразмда оромий ёзувининг тарқалиши ҳақидаги маълумотлар аҳамонийларнинг бу давлатдаги ҳукмронлигининг якуний даври, яъни мил. авв. V — IV асрларга тегишлидир[3].

Деҳқончилик, ирригация. Хоразмда бу даврда йирик суғориш тизимларининг қурилиши маҳаллий анъаналар (Тозабоғёб ва Амиробод суғорма деҳқончилиги) асосида юзага келган эди.

Йирик суғориш тизимларини қуриш ва ундан фойдаланиш фақатгина марказлашган давлатчилик бошқаруви бўлгандагина амалга оширилиши мумкин. С.П. Толстовнинг тахминича, биринчи улкан

---

[1] *Дандамаев М.А.*, Луконин В.Г. Культура и экономика ... С. 118.

[2] *Bowman R.A.* Arameans, Aramaic and the Bible // Journal of Near Eastern Studies. Vol. 7. Chicago. 1948. P. 76; *Дандамаев М.А., Луконин В.Г.* Культура и экономика ... 124 — 127-бетлар.

[3] *Лившиц В.А., Мамбетуллаев М.М.* Остракон из Хумбуз-тепе // Памятники истории и культуры Востока. М., 1986. С. 42.

магистрал каналлар мил. авв. VIII ва VI аср оралиғида қурилган[1]. Аммо илк давлатчилик масалаларини ўрганиб чиқишда бундай катта ораликдаги санани кўрсатиш етарли эмас. Хозир биз мил. авв. VIII асрни бутунлай олиб ташлашимиз мумкин. С.П. Толстов монографияси чоп этилган кундан кейин янги тадқиқотлар юзага келди, фанда Хоразмнинг бронза давридаги суғориш тизимлари – Тозабоғёб ва Амиробод суғориш тизимлари ҳақида маълумотлар пайдо бўлган, жумладан, улар мил. авв. VIII аср билан ҳам белгиланган. Аммо бу суғориш тизимларининг ўзига хос хусусиятлари сўнгги Амиробод жамиятидаги давлатчилик ҳақида гапиришга имкон бермайди. Биз катта суғориш тизимларининг мил. авв. VIII – VII аср охирида пайдо бўлган деб айтиш учун асосга эга эмасмиз.

Мил. авв. VI асрнинг биринчи ярмида ҳам суғориш тизимлари бўлганлиги эҳтимолдан йироқ. Энг янги археологик тадқиқотлар дастлабки Қўзалиқирнинг бундан буён ўтроқ-деҳқончилик эмас, ўтроқ-чорвачилик тартибида бўлганлигидан дарак беради. Фақатгина мил. авв. VI асрнинг иккинчи ярмидан биз магистрал каналларнинг қурилиши, улкан суғориш тизимларининг яратилиши ва кенг қамровли ерларнинг пайдо бўлиши бошланганлиги ҳақида гапириш учун асосга эгамиз. Ахамонийлар маъмурияти, чамаси, улкан суғориш тизимларини қуриш ва фойдаланишда зарур «бошқарувчи» вазифасини бажаради.

Хоразмнинг Ахамонийлар давлати таркибидан чиқиши. Мустақил давлатнинг шаклланиши. Охирги ахамонийлар даврида Хоразм, Сўғдиёна ва сак қабилалари қарамликдан чиқиб, форсларнинг иттифоқчиларига айланди[2]. И.В. Пьянковнинг ёзишича, Артаксеркс II даврида (мил. авв. 404–359 йй.) Хоразмда *сатрапликлар*[3] (мустақил маъмурий бирликлар) шаклланади. Тахмин қилишларича, Хоразмда форс сатрапининг қароргоҳи қурилиши ҳам шу ҳодиса билан

[1] *Толстов С.П.* По следам древнехорезмийской цивилизации ... С. 101.

[2] *Дандамаев М.А., Луконин В.Г.* Культура и экономика ... С. 107.

[3] *Пьянков И.В.* «История Персии» Ктесия и среднеазиатские сатрапии Ахеменидов в конце V в. до н.э. // ВДИ. 1965. № 2. С. 38.

боғлиқ. Бу қароргоҳнинг қолдиқлари Қалъаликир номи билан бизнинг давримизгача сақланиб қолган.

Мил. авв. IV аср ўрталарида Хоразм Ахамонийлар ҳукмронлигидан озод бўлади ва, чамаси, олдинги Хоразм сатрапликларининг ҳудудий чегараларида мустақил давлат бўлиб шаклланади. Манбаларда бу ҳақда аниқ маълумотлар келтирилган.

Хоразмликлар охирги марта, тахмин қилинишича, Артаксеркс II га тегишли бўлган қабр деворларидаги қадимги форсий ёзувларда тилга олинган[1]. Бу даврда хоразмликлар Ахамонийлар шоҳининг қарам аҳолиси қаторидан унинг иттифоқчилари қаторига ўтади[2]. Мил. авв. 331 йилдаги Гавгамел жангидаги Доро III қўшинидаги ҳарбий таркиб орасида хоразм таркиби тилга олинмайди[3].

Аррианнинг маълумот беришича, мил. авв. 329–328 йилларда Македониялик Александр қишлаган Мароқандга «Хоразмий шоҳи Фарасман 1500 отлиқ билан келади»[4]. В.В. Бартолд эса бошқа манбаларга[5] асосланиб Хоразм шоҳи Фратаферн[6] элчилари келган деб қайд қилади. Ю.А. Рапопортнинг тахмин қилишича, грек манбалари Македониялик Александрнинг обрўсини кўтариш учун Фарасманни шоҳ деб аташган. Аслида, Фратафер шоҳ бўлган Фарасман унинг ўғли бўлгани ҳақиқатга яқинроқдир[7]. Биз учун шуниси муҳимки, Хоразм бу вақтга келиб Македониялик Александр билан тенгма-тенг музокаралар олиб борган мустақил давлат сифатида майдонга чиқади.

---

[1] Kent. 1953. – С. 155 – 156.

[2] *Дандамаев М.Л.* Политическая история ... С. 248.

[3] *Массон В.М.* Древнеземледельческая культура ... С. 89.

[4] Ar. Anab. IV, 15, 4.

[5] *Квинт Курций Руф.* История Александра Македонского / Пер. под ред. Соколова В.С. М., 1963. VIII. 1, 8.

[6] *Бартольд В.В.* Хорезм / Сочинения. Т.III. Работы по исторической географии. М., 1965. С. 544.

[7] *Рапопорт Ю.Л.* Краткий очерк ... С. 34.

2-БОБ. ЭЛЛИН ДАВЛАТЧИЛИГИ ТИЗИМИДА БАҚТРИЯ ВА СЎҒД

МАКЕДОНИЯЛИК АЛЕКСАНДРНИНГ ИСТИЛОСИ ВА ЭЛЛИН-МАКЕДОН ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ[1]

Македониялик Александрнинг Шарққа, жумладан, Трансоксиана – Ўрта Осиё Икки дарё оралиғига қилган юриши тарихдаги энг буюк даврлардан бири, Шарқ ва Ғарб муносабатларидаги бурилиш нуқтасидир. Бу юришни Македониялик Александр форслардан юнон ибодатхоналарини вайрон қилганликлари учун қасос олиш ва ўзининг Кичик Осиёдаги ватандошларини уларнинг зулмидан озод қилиш мақсадида бошлаган эди, лекин ўзининг кўп йиллик ҳарбий сафари давомида бошқа бир сиёсатни – Шарқ билан яқинлашиш сиёсатини юритади. Бу ғоя унда аллақачон, эҳтимол, Миср юришидан бошлаб туғилган бўлиши мумкин.

Лекин у айнан Ўрта Осиёда, Бойсун тоғларида, машҳур Темир дарвозада Александрнинг бақтриялик зодагон Оксиарт Вахшуворнинг кизи Роксанага, саркардаларининг сўғдлик ва бақтриялик гўзалларга уйланишида ўзининг амалий ифодасини топди. Александр

[1] Македониялик Александрнинг юриши ҳақидаги юртимиз ва хорижий илмий адабиётлар анча кенг қамровли. Шу боис фақат асосийларини кўрсатиб ўтамиз: *Григорьев В.В.* Поход Александра Великого в Западный Туркестан // ЖМНП. № 4 CCLKVII. СПб., 1881; История таджикского... С. 236 – 275 (Бу бўлим муаллифи *Б.А. Литвинский*); *Schwarz F.* Alexandersde Grossen. Feldguge in Turkestan. Stutgart. 1906; *Frank L.* Holt. Alexander the Great in Bactria. Leiden-New-York-Kobenhaven-Koln, 1989. P. 104 – 110; *Bernard P.* Alexander et l'Asie Centrale. Peflexions a propos de l'ouvrage de Holt F L. Alexander the Great and the formation of Greece Frontier in Central Asia (Mnemosyne). 104. 1988 // Studia franica. London, 1990; Мавжуд барча маълумотларни инобатга олган ҳолда Македониялик Александрнинг Ўрта Осиёга юриши ҳақидаги энг янги тадқикот ҳақида қаранг: *Ртвеладзе Э.В.* Александр Македонский...; Ўша муаллиф. Археология похода Александра Македонского на Восток. Токио, 2006 (япон тилида); Ўша муаллиф. Alessandro in Bactriana e Sogdiana //Parphika. M 9. Pisa-Roma, 2007 (италян тилида). Шу жойда масалага доир барча илмий адабиётлар келтирилган.

ва Роксана никоҳидан туғилган ўғил Александр IV шу боис ярим бақтриялик эди. Яқин ва Ўрта Шарқда икки юз йилдан кўпроқ ҳукмронлик қилган барча салавкий ҳукмдорларнинг томирларида сўғдлар қони оққан. Салавкийлар давлатининг асосчиси Салавк I (мил. авв. 312/311 – 281)нинг сўғдлар қабиласи бошлиги Спитаменнинг қизи, Антиох I (мил. авв. 280 – 261)нинг онаси Апама билан никоҳи мил. авв. 324 йилда Александр тириклигида Сузада тузилган. Апама эри ва ўғлининг чукур ҳурматига сазовор бўлган. Унинг шарафига Сурия ва Эрон ҳудудида Апамеа номли шаҳарлар бунёд этилди.

Александр ва унинг қўшини Ўрта Осиёда мил. авв. 327 йил баҳоридан икки йилдан кўпроқ вақт мобайнида бўлиб, Бақтрия, Сўғдиёна ва Марғиёна бўйлаб минглаб километр йўлни босиб ўтади.

Александрнинг Ўрта Осиёдаги асосий мақсадларидан бири Доронинг ўлимидан сўнг Артаксерс номини олган, ўзини янги шоҳ деб эълон қилган, Александрнинг Ғарбдан Шарққача ягона давлат қуриш режасига тўғоноқ бўлиб, парчаланган Аҳамонийлар подшолигини қайта тиклаш илинжида юрган Бақтрия сатрапи Бессни таъқиб этиш ва уни тор-мор келтириш эди.

Ҳарбий юриш воқеалари

Македониялик Александрнинг Ўрта Осиёга юриши мил. авв. 329 йилнинг баҳорида, унинг Кавказ тизмаси (Ҳиндикуш)ни босиб ўтиб, Бақтрия ҳудудига бостириб кириши билан бошланди, шундан кейин у бирин-кетин Бақтриянинг йирик шаҳарлари – Драпсакуни (Афғонистоннинг Андароб шаҳрида), Аорнни (Афғонистон шимолидаги Алтиндилертепа шаҳри) ва Бақтрия пойтахти (ҳозирги Афғонистон шимолидаги Балх шаҳри)ни босиб олди.

Бу орада Бесс ўз тарафдорлари билан Окс (Амударё)ни кесиб ўтиб, сўғд вилояти бўлган Наутака (ҳозирги Қашқадарё вилоятининг шарқий қисми) томон йўл олганди. Унинг ортидан таъқиб қилиш учун

қўшинининг бир қисми билан бирга юборилган Птолемей Бессни Наутаканинг қишлоқларидан бирида (тахминан Узунқир шаҳрида жойлашган макон) асирга олади.

Александр бошчилигидаги қўшиннинг асосий қисми Птолемейнинг изидан борарди. Унинг йўлида Кичик Осиёдаги Милет шаҳри яқинида жойлашган Дидим шаҳридан келган Аполлон ибодатхонаси коҳинлари – бранхидлар шаҳри бор эди. Улар аҳамонийлар шоҳи Ксеркс (мил. авв. 481– 465) томонидан унга ибодатхона хазиналарини берганликлари учун эллинларнинг ўч олишларидан қўрқиб Ўрта Осиёга кўчирилган эди. Шунга асосан бранхидлар мил. авв. V асрда Ўрта Осиё Икки дарё оралиғи – Трансоксианага келиб қолган илк юнонлар бўлган. Бранхидлар шаҳри Қарши шаҳридан 10 км шимолда, Қашқадарё вилоятининг маркази бўлган Еркўрғонда жойлашган бўлиши мумкин.

Бранхидларнинг хоинлиги учун Александр шаҳарни бутунлай вайрон қилгач, Птолемей армияси билан бирлашиш мақсадида улар томон ҳаракатланади, Птолемей эса, ўз навбатида, асирга тушган Бессни унга топширади. Кейинчалик Бесс Экбатанага юборилиб, у ерда шафқатсизларча қатл қилинади.

Шундан сўнг Александр бутун армияси билан Наутакадан Мароқанд (Самарқанд)га – Ўрта Осиёдаги ўша даврнинг энг катта шаҳрига юрди.

Александр Мароқандни қўлга олгач, минглаб аскарларини мудофаа учун қолдириб, Яксарт дарёси (ҳозирги Сирдарё)га яқин бўлган, тахминан ҳозирги Нуртепа шаҳарчаси (Шимолий Тожикистон) ўрнида жойлашган, Аҳамонийлар давлатининг асосчиси Кир II номи билан аталган Киропол томон юрди.

Ҳозирда белгиланганидек, Александрнинг Мароқанддан Яксарт сари юриши Самарқанд ёки Катван даштлари, Молгузар тоғ тизмасининг ғарбий тизмалари ва Зомин чўллари орқали Тожикистоннинг ҳозирги Хўжанд вилояти ҳудуди орқали ўтади. Бу ерда Тожикистон ва Ўзбекистон чегарасида жойлашган Сават қишлоғида мил. авв. V – IV асрларга оид бир нечта аҳоли манзилгоҳлари топилган. Жумладан, уларнинг энг йириклари бўлган, ушбу ҳудуднинг еттита

шаҳри билан тақкосланадиган Хонтепа ва Нуртепа Македониялик Александрга қаттиқ қаршилик кўрсатади ва жангларнинг бирида у жиддий яраланади.

Александр Киропол, Ғазо ва Уструшонанинг бошқа шаҳарларини эгаллаб бўлганидан сўнг Яксарт – Танаис – Сирдарё бўйида Александрия Эсхата шаҳрига асос солади. Ушбу шаҳар яқинида Александр қўшинлари ва саклар ўртасида шиддатли жанг бўлиб, унда Александр ғолиб чиқади.

Бу пайтда Александр Мароқанднинг исёнкор сўғдлар томонидан қуршаб олинганлиги, у ерда қолдирилган Фарнух бошчилигидаги қўшинни Александрнинг энг қудратли душмани Спитамен бошчилигида бирлашган сўғдлар Самарқанд яқинидаги Миёнкол ўлкасида тор-мор келтиргани ҳақидаги хабарни олади. Александр барча кучини Сўғдиёнанинг марказий қисмига қаратади, у ерда, Диодорнинг сўзларига кўра, 12 минг нафар маҳаллий аҳоли йўқ қилинди, аммо Спитамен жангга кирмайди ва саҳрога чекинишга мажбур бўлади.

Сўғдиёнанинг мағлубиятидан сўнг у ерда катта ҳарбий қўшинни қолдириб, бу ҳудудни бошқариш учун сатрап тайинлаган Александр Бақтрияга қайтиб кетади. Бу Македониялик Александрнинг Ўрта Осиё Икки дарё оралиғи – Трансоксианага қарши биринчи юриши эди.

Мил. авв. 329 – 328 йил қишини Македониялик Александр Бақтрия ва Зариасп шаҳрида ўтказган. У ердан мил. авв. 328 йил баҳорида қўшин билан Сўғдиёнага янги юриш қилиш учун қўзғалади. У ўз қўшинини бешта қисмга ажратади ва бешинчи қисмини ўзи бошқаради. Кратер бошчилигидаги қўшиннинг катта қисмини Бақтрияда қолдиради. Бу вақтга келиб Сўғдиёнанинг катта қисми қўзғолонга киришади, бақтрияликлар ва саклар Сўғдларга қўшилади.

Бу бирлашган кучларни Спитамен бошқарди. Ушбу ҳаракатни тўхтатиш учун Александр иккинчи марта юриш қилади, бу юришни икки босқичга ажратиш мумкин.

Биринчи босқич Александр қўшинининг мил. авв. 328 йил баҳорида Бақтриядан чиқишидан мил. авв. 328 – 327 йилларда Нау-

такадаги қишки қароргоҳларига кетишигача давом этди. Биринчи босқичда Македониялик Александр Сўғдиёнани қайта забт этишга тўғри келди, маҳаллий аҳоли унга қаттиқ қаршилик кўрсатди ва Александр унга бўйсунмаган сўғдларга қарши ҳарбий ҳаракатлар олиб борди. Шунингдек, Александр Ксениппа (замонавий Қашқадарё вилоятининг жануби-ғарбий қисми)га келади, у ерда Бақтрия исёнкорлари бошпана топган эдилар. Спитамен Сўғд ва Бақтрия шаҳарларида қолган юнон-македон мудофаа қўшинларига доимий ҳужум қилиб, уларни тез-тез мағлубиятга учратиб Александрга муаммо туғдирар эди.

Улар ўртасидаги охирги жанг Сўғдиёна билан «массагетлар Скифияси» чегарасида, Бухоро вилоятида, Зарафшоннинг қуйи қисмида жойлашган Боғи Сўғд қалъаси яқинида ёки Қалъаи Дабус шаҳри жойлашган ерда бўлди. Жанг юнон-македон қўшинининг ғалабаси билан якунланади. Бироз вақт ўтгач Спитамен ҳам ҳалок бўлади. Бир талқинга кўра, кўчманчилар уни ўлдириб, бошини кесиб, Александрга юборишади. Бошқа талқинга кўра, хотини ухлаётган Спитаменнинг бошини кесиб олиб, Александрнинг қароргоҳига олиб борган.

Мил. авв. 328 – 327 йилнинг қишини Александр Наутакада ўтказади. Мил. авв. 327 йил баҳорида Александр юришининг якуний иккинчи босқичи бошланади. Бу сафар унинг мақсади ҳозирги Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти ва Тожикистоннинг жануби (Бобокент) да жойлашган Наутака, Габаза, Паретака, Бобокент ҳудудларини забт этиш эди. Ҳисор ва Кўҳитанг тоғ тизмаларида тоғ қалъалари – қоятошли қалъалар бўлган, улар ёзма манбаларда петрлар деб қайд этилади.

Булар Аримас, Сисимитра, Корен петрлари бўлиб, улар ушбу ҳудуд ҳукмдорлари ва шу қалъа эгалари шарафига номланган эди. Уларнинг баъзилари аллақачон маҳаллийлаштирилган бўлиб, масалан, Сисимитра тепалиги Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари чегарасига яқин жойда Дарбанд қишлоғида қад кўтарганди. Ушбу қоянинг тепасида Узундара тоғ қалъаси жойлашган бўлиб, айнан Сисимит-

ра қоясида Бақтрия зодагони Оксиарт ва унинг гўзал қизи Роксана оиласи билан қўним топганди, кейинчалик у Александрнинг хотинига айланди.

Ушбу қалъаларга ҳужум қилиш Александр ва унинг қўшинидан катта куч талаб қилди, чунки бу ерда маҳаллий аҳолининг қаттиқ қаршилигига дуч келди. Шунингдек, унинг қўмондонлари Полиперкон ҳамда Кратер Бобокент, хусусан, Паретака ҳудудларини забт этишда жуда қаттиқ қаршиликка дуч келишди. Бу ерда Бақтриялик сардорлар Катан ва Австан юнон-македон қўшинига қарши курашиш учун ҳудуднинг барча аҳолисини тўплади. Александрнинг ўзи қолган қўшин билан ҳозирги Ўзбекистон ва Туркманистон чегарасида жойлашган Кўҳитанг тоғ тизмасида жойлашган Габаза ҳудудини эгаллаш билан банд эди.

Ушбу ҳудудни забт этгач у Окс (Амударё)дан ўтадиган кечув жойига боради, у ерда бу кечув жойини қўриқлайдиган қалъа жойлашган эди. Александр кечувдан ўтиб, Бақтрияга қайтди. Аниқланишича, бу қалъа мил. авв. V – IV асрлардаги Шўртепа ва Кампиртепа манзилгоҳи жойлашган ерга мос келади. Улар Окснинг худди шу кечув жойида жойлашганди. Кампиртепада мил. авв. IV – III асрлар охирларида Окс Александрияси билан таққослаш мумкин бўлган йирик қалъа (юқори шаҳар ва Окс пасттекислигида жойлашган қуйи шаҳар) мавжуд эди.

Кейинчалик ушбу жойда «юнон кечув жойи» ва Пандахейон аҳоли манзилгоҳи жойлашган бўлиб, у ҳақда XV аср форс муаллифи Ҳофизи Абру томонидан маълумот берилган. Кампиртепа шаҳрида сополга битилган юнонча ёзувлар деб аталувчи мегар жомлари ва бошқа эллинистик нарсалар топилди.

Бақтрияда Македониялик Александрга Кратер ва бошқа саркардалар келиб қўшиладилар. Македониялик Александрнинг Ўрта Осиёга икки йиллик ҳарбий юриши Габаза, Паретака ва Бобокентда ўз ниҳоясига етди. Мил. авв. 327 йил баҳорининг охирида Александр Ҳиндикушдан ўтиб, Ҳиндистонни забт этиш учун йўлга чиқди.

Бошқарув тизими

Македониялик Александр томонидан Ўрта Осиё Икки дарё оралиғининг жанубий ва марказий минтақалари – Бақтрия ва Сўғдиёна забт этилиши билан у ерда ноиблик тизими ўрнатилади.

Сатрап (ноиб)лар сифатида подшоҳга яқин македонияликлар ёки Александрга содиқ форс зодагонлари тайинланади.

Шу боис форслик Артабаз Александр қарорига биноан Бақтрия ва қўшни сатрапликларни бошқарган (Арриан, 4, 14, 5). Маълум вақт ўтиши билан у Артабазни унинг илтимосига биноан ишдан бўшатди, *ўрнига македониялик Николайнинг ўғли Аминтани тайинлади* (Арриан, 4, 17, 3).

Македонияликлар босиб олган шаҳарларда чегара ҳудудлар ташкил этилиб, уларнинг бошлиқларига ҳатто ҳудуд сатраплари ҳам бўйсунишарди. Аррианнинг сўзларига кўра, Македониялик Александрнинг содиқ дўстларидан бири Кен қишлаш учун Сўғдиёнада қолдирилган ва унга нафақат шахсий бўлинма, балки юнон-македонларининг бошқа отрядлари, шунингдек, Аминта томонидан бошқарилган бақтриялик-лар ва сўғдликлар ҳам бўйсунишди (Арриан, 4, 17, 3).

Ёзма манбаларга кўра, Бақтрия ва Сўғдиёнада Александр қуйидаги бошқарув тизимини ўрнатган: катта ҳудудлар қўлида маъмурий ва фуқаролик, қисман маҳаллий аҳоли ташкил этган ҳарбий таркибдан иборат ҳарбий ҳокимиятга эга бўлган сатрапларга бўйсунарди. Шу билан бирга, катта хавф юзага келганда барча ҳарбий тузилмалар, худди Сўғдиёнани назорат қилиш ва қўриқлаш саркардалардан бири бўлган Кенга топширилгани каби, Александрнинг энг яқин сафдошлари бўлган ҳарбий қўмондонлар бошқарувига бериларди.

Шунингдек, янги ташкил этилган шаҳарларда *гипарх* (шаҳар раҳбарлари)лар лавозими мавжуд бўлиб, улар шахсан Александр томонидан тайинланарди. Улардан бирига келсак, Бақтрияда Кавказнинг[1] Александрия шаҳри гипархини, Аррианнинг айтишича, подшоҳ «уни

[1] Кавказ Александриясининг жойлашуви ҳақида қаранг: *Ртвеладзе Э.В.* Александр Македонский... С. 22 – 23.

лавозимидан четланган, чунки унинг фикрича, у шаҳарни яхши бошқара олмади» (Арриан, 4, 22, 4).

Шу билан бирга, Бақтрия ва Сўғдиёнада майдони бўйича кичик тарихий-маданий жойлар – ўлкалар сақланиб қолган бўлиб, уларни, чамаси, зодагон меросхўрлар, сулола ҳукмдорлари бошқарарди. Бундай ўлкалардан бири, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Александрнинг қайнотаси Бақтрия зодагони Оксиарт Вахшуворга тегишли бўлиб, у нафақат ўз ҳукмронлик ҳудудини сақлаб қолди, балки уни кенгайтирди ҳам. Шунингдек, Ўрта Осиё тарихидаги автохтон ҳукмдор сифатида у биринчи икки хил қийматга эга олтин тангаларни зарб қилган эди.

Оксиартдан ташқари яна бир қатор Сўғд ва Бақтрия зодагонлари тилга олиб ўтилади: Сисимитр – Наутака ҳукмдори, Хориен – паретаклар ҳукмдори, бақтрияликлар Қатан ва Австан, сўғдлар Аримасп ва Спитамен.

Забт этилган ҳудудлар бошқарувида подшоҳ[1] номи билан аталадиган ҳарбий шаҳарчалар ва шаҳарлар қурилиши муҳим ўрин тутарди. Бу шаҳарлардан бири Окс Александрияси бўлиб, В. Тарнинг фанда кенг тарқалган фикрига кўра, у Термиз[2] ўрнида жойлашган эли. Шунингдек, Окс Александриясининг Кампиртепа[3] аҳоли манзилгоҳи жойлашган ерда ҳамда Афгонистон шимолидаги[4] Ойхоним кўҳна шаҳри жойлашган ерда бўлган деган тахминлар ҳам мавжуд. Яқинда бошқа бир шаҳар – Марғиёна Александриясининг Бандихон[5] ҳудудида жойлашганлиги тўғрисидаги фараз илгари сурилди.

---

[1] *Литвинский Б.А.* Борьба... С. 272; *Кошеленко Г.А.* Греческий полис на эллинистическом Востоке. М., 1979. С. 142 – 158.

[2] *Tarn W.* Tarmita // JHS, 1941, V. IX. P. 91 – 93; *Пидаев Ш.Р.* К вопросу о локализации Александрии на Оксе // ИМКУ. Ташкент, 1992. №28. С. 46 – 59.

[3] *Ртвеладзе Э.В.* К истории Кампыртепа (Александрии Оксианской) // Центральная Азия от Ахеменидов до Темуридов. Археология, история, этнология, культура. СПб., 2005. С. 189 – 191.

[4] *Bernard P.* Ai-Khanum on the Oxus: a Hellentistic City in Central Asia // Proceedings of the British Academy. V. Lill. London, 1967. P. 91.

[5] *Сверчков Л.М.* Опыт исторической реконструкции // Труды Байсунской научной экспедиции. Ташкент, 2005. Вып. 2. С. 76 – 78; Қарши фикрлар ҳақида бу ерга қаранг: *Кошеленко Г.А., Литвинский Б.А.* В защиту Александрии Маргианской // Проблемы истории, философии, культуры. Вып. XVI/1. Москва-Магнитогорск, 2001. С. 18 – 23.

Александр асос солган шаҳарларга эллин ноиблар, ҳарбий хизматга ярамай қолган македониялик аскарлар, шунингдек, у ерда яшашни истаган маҳаллий халқ вакиллари кўчиб ўтишган, буни Танаис (Сирдарё) бўйидаги шаҳарлар ва Кавказ Александрияси мисолида кўриш мумкин (Арриан, IV, 4; IV, 22, 6).

Афтидан, Македониялик Александрнинг буйруғи билан бунёд этилган янги шаҳар ва манзилгоҳлар унинг Бақтрия ва Сўғдиёнадаги ҳокимияти таянчи бўлиши шарт эди. Ўзгача урф-одатлар чуқур илдиз отган бошқа манзилгоҳларда Александр фақат ҳарбий гарнизонларни жойлаштиради. Александрнинг режасига биноан ушбу янги шаҳар ва манзилгоҳларда, эллин-македонлар ва маҳаллий аҳоли[1] анъаналари аралашиб кетиши учун барча шароитлар яратилиши керак бўлган.

Македониялик Александрнинг ҳарбий юришлари оқибатларини баҳолашда, бизнингча, уни икки йўналишга — сиёсий ва маданий йўналишларга ажратиш керак.

Масалан, Македониялик Александрнинг ҳарбий юриши Ўрта Осиё халқларининг сиёсий муносабатларига қандай ижобий ёки салбий таъсир кўрсатган? Александрнинг Шарқ ва Ўрта Осиёга қилган юришлари натижасида Ахамонийлар давлати вайрон бўлди. Бу давлат бутун Ўрта Осиё ерларини қамраб олган ва ахамонийларга юзлаб тонна кумуш солиқ тўлаган бир неча сатрапликларга бўлинган эди. Македониялик Александрнинг юришидан кейин Ўрта Осиёнинг бутун шимоли ташқи кучлар таъсиридан халос бўлди, бу ерда маҳаллий давлатлар, хусусан, қадимги Хоразм подшолиги ва сак қабилаларининг бирлашмаси жадал шаклланди. Шу билан бирга, Ўрта Осиё жанубий — Бақтрия, Сўғд, Парфия эллин-македон давлатчилигига қарам бўлиб қолди. Александр вафотидан кейин бу ҳудудларни юнон-македониялик ноиблар бошқарганлар (фақатгина Шарқий Бақтрияни маҳаллий зодагон — Александрнинг қайнотаси бақтриялик Оксиарт

[1] Александр Македонскийнинг Шарқ ва Шимолий Осиёдаги шаҳарсозлик сиёсати ҳақида қаранг: *Кошеленко Г.А.* Греческий полис ... С. 80 — 181; *Бернар П.* Проблемы греческой колониальной истории и урбанизации эллинистического города Центральной Азии // Проблемы античной культуры. М., 1986. С. 256.

бошқаради), мил. авв. 306 йилдан бошлаб эса бутун минтақа Салавкийлар салтанати таркибига киради. Македониялик Александрнинг Ўрта Осиёга қилган ҳарбий юриши автохтон давлатчиликнинг тикланиши ва шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади, чунки у ушбу жараённинг тезлашишига катта ҳисса қўшди. Шунингдек, Македониялик Александрнинг ҳарбий юриши келтириб чиқарган яна бир муҳим жараёнлардан бири юнон-македонларнинг Ўрта Осиёга, сўғдликларнинг шарққа кўчиши билан боғлиқдир.

Македониялик Александрдан Салавкийларгача бўлган даврда давлатчилик

Мил. авв. 323 йилда Македониялик Александр Бобилда вафот этганидан сўнг Ўрта Осиё Икки дарё оралиғининг жанубий ҳудудлари – Бақтрия ва Сўғдиёнада юнон-македонларнинг ҳукмронлиги мустаҳкамланади. Ушбу ҳудудда Македониялик Александрнинг ахамонийлардан мерос бўлиб ўтган бошқарув услуби, яъни сатраплик сақланиб колган эди. Хусусан, Бақтрия ва Сўғдиёна битта сатрапликка бирлаштирилган, уни македониялик Филипп[1] бошқарди.

Мил. авв. 321 йили Пердикканинг ҳукмронлигида сатраплик ҳудудларини қайта тақсимлашда бу ўлкаларнинг сатрапи лавозимига Кипрнинг Сол шаҳридан бўлган Стасанор тайинланди, у эса Александр тириклигида унинг «дўстлари» қаторида бўлган (Diod, XVIII, 3, 8; Just, XIII, 4, 21 – 23). Айни шу вақтда бирлашган Бақтрия ва Сўғдиёна сатраплиги иккига бўлинади, шунингдек, Сўғдиёнани кипрлик юнон Стаганор бошқара бошлайди (Just, XIII, 4, 21 – 23).

Юнон ноиблари борлигида ҳам Бақтриянинг бир қисмини, чамаси, шарқий қисмини Македониялик Александрнинг қайнотаси, Роксананинг отаси Оксиарт бошқарган бўлиб, Аррианнинг маълумотларига

[1] *Литвинский Б.А.* Средняя Азия всоставе Селевкидского государства // ИТН. М., 1963. Т. 1. С. 275 – 276; *Кошеленко Г.Л.* Становление денежного обращения на эллинистическом Востоке // РА. 2006. № 3. С. 99.

кўра, у мил. авв. 327 йилда парпамисларнинг ерларини ўз мулкига қўшиб олган эди (Арриан, VI, 15).

Бизнинг тадқиқотларимизга кўра, Оксиарт шимолда Ҳисордан жанубда Ҳиндукушгача бўлган ҳудудга эгалик қилган эди[1]. Диадохлар (Македониялик Александрнинг қўмондонлари)нинг шафқатсиз уруши ғарбда – Месопотамия ва Кичик Осиёда бўлишига қарамай, Бақтрия ва Сўғдиёнанинг юнон-македон ноиблари Бобилда ҳукмронлик қилаётганларнинг қайси бири томонидан бўлса, ўшанга ёрдам учун ҳарбий қўшин жўнатиб, ўша урушда қатнашишга мажбур бўларди.

Александр давлатидан Ўрта Осиёнинг жанубида Салавкийлар давлати ҳокимиятининг ўрнатилишигача бўлган ўтиш даврида (мил. авв. 323 – 305 йиллар) Ўрта Осиё Икки дарё оралиғи ҳудудида ўзига хос ҳолат вужудга келди. Дарҳақиқат, Александрнинг[2] ҳарбий юришларигача фақатгина шимоли-ғарбда аҳамонийлар ҳукмронлигидан озод бўлган Хоразм давлати мавжуд эди. Сак кўчманчилари яшаган дашт ва чўл ҳудудларида эса ҳокимият қабила бошлиқлари қўлида эди.

Сўғдиёна ва Шимолий Бақтрия юнон-македон сатраплари томонидан, афтидан, мустақил бошқарилган. Ҳар ҳолда, улардан бири Стасанор, Г.А. Кошеленконинг тахминига кўра, афиналикларникига ўхшаган, укки тасвири ва юнонча ΣΤΑ – MNA[3] ёзуви туширилган ўз тангасини зарб этган эди. Бошқа бир, лекин маҳаллий бақтриялик сатрап Оксиарт Вахшувор айни шу даврда олтин тангаларни зарб қилади.

Бақтрия ва Сўғдиёнадаги ушбу ҳолат мил. авв. 306 ёки 305 – 303 йилларгача Салавк I ушбу ҳудудларни забт қилиб, ўзининг катта давлати таркибига қўшиб олгунга қадар давом этади. Бу давлат ҳудуди, ғарбий вилоятни истисно қилганда, Македониялик Александрнинг давлати ҳудуди билан деярли тенг бўлган эди.

Ушбу давр қисқа бўлишига қарамай, Ўзбекистон ҳудудида давлатчилик тарихида маълум бир аҳамиятга эга.

---

[1] *Ртвеладзе Э.В.* Александр Македонский ... С. 141 – 142.

[2] Ушбу китобда В.Н. Ягодин ёзган бўлимни қаранг.

[3] *Кошеленко Г.А.* Становление денежного обращения ... С. 97 – 99.

Бу, хусусан, автохтон давлатчиликнинг (Хоразм) мустаҳкамланиши ва ривожланиши, қадимги ва ўрта аср давлатларининг ёркин белгиларидан бири бўлган тангаларнинг пайдо бўлиши ва товар-пул муносабатларининг бошланишида, Ўрта Осиёнинг айнан шу даврдан бошлаб юнон-македон давлатчилигининг ажралмас қисмига айланган жанубий ўлкаларида юнон-македон ноиблари ҳокимияти мустаҳкамланишида ўз аксини топади.

САЛАВКИЙЛАР ПОДШОЛИГИ

Мил. авв. 323 йилда бошланган диадохлар уруши Македониялик Александр томонидан тузилган давлатнинг учга бўлинишига олиб келади: Мисрда Птолемейлар, Юнонистон ва Македонияда Антигонидлар ва ўз ҳаётининг илк босқичида Шарқий Ўрта ер денгизидан Шимоли-Ғарбий Ҳиндистонгача Александр давлатининг кўп қисмини қамраб олган Салавкийлар[1] ажралиб чиқади.

Александрнинг энг яқин ҳамроҳларидан бири, у билан бирга Бақтрия ва Сўғд юришида иштирок этган Салавк мил. авв. 312 ёки 311 йилда Бобилни қўлга олади. Бу йиллар Салавкийлар салтанатининг ташкил топган даври ҳисобланади, бу давлат илм-фанда шундай ном олган, ваҳоланки, қадимги даврларда бундай ном бўлмаган ва давлат номи ҳукмрон подшоҳ[2] номи — Салавк, Антиох (давлати) ва шу каби номлар билан аталган. Александрнинг яқин ҳамроҳлари Антигон ва

[1] Салавкийлар давлати тарихидаги асосий маълумотлар Аппиан (мил. авв. II аср), Страбон мил. I аср бошларида) ёзувларида, Помпей Трог (мил. авв. I аср) асаридан парчаларда, Юстинда мил. II аср) сақланиб қолган. Суриядаги урушлар Аппиан (мил. авв. II аср) асарларида тасвирланган. Узоқ-юлуқ маълумотларни Полибий (мил. авв. II аср) келтирган, шунингдек, Красс ва Антонийнинг таржимаи ҳолларида (Плутархнинг ҳаёт фаолияти мил. I аср) келтирилган. Юнон-Бақтрия подшоларидан бири Менандрга тегишли бўлган «Милинда панхья» номли санскрит тилида ёзилган битикларда ҳам қимматли маълумотлар бор.

Салавкийлар давлати тарихига оид илмий адабиётлар нисбатда кўп. Қаранг: *Бикерман Э.* Государство Селевкидов. М., 1985; Салавкийларнинг Ўрта Осиёнинг жанубида бўлганлиги янада яққолроқ акс этган асарлар: *Литвинский Б.А.* Средняя Азия ... С. 275 — 280; *Массон В.М., Романодин В.А.* История Афганистана ... С. 93 — 105; *Tarn W.W.* The Greeks in Bactria and India. Third edition. Updated with a preface and new bibliography by Frank Holt. Chicago, 1984. P. 1 — 70

[2] *Бикерман Э.* Государство Селевкидов ... С. 17.

Птоломейнинг сатрапликларни босиб олиши легитимлиги (қонунийлиги) Салавкнинг Ипс жангидан (мил. авв. 301) кейинги иборасида ўз ифодасини топган:«Жанг майдонида ғолиб бўлган мағлуб бўлган тараф мол-мулкини тасарруф этади» (Diod, XXI, 1, 5). Ушбу қонун кўпроқ салавкийлар томонидан янгидан босиб олинган ҳудудларга тегишли эди. Мил. авв. 315 йилда Бобилда сатрап сифатида тахтга ўтиргандан кейин Салавк Антигонга ҳисобот бериши керак эди, аммо у бу ўлка унга Антигон томонидан эмас, балки «Александр олдидаги хизматлари учун македонияликлар томонидан» берилганига ишора қилиб бундан бош тортади (Diod, XIX, 55, 4). Ҳукмронлигини шу тарзда асослаб Салавк ғолиблик қоидасига биноан ҳаракат қилиб ўз мулкига янги ҳудудларни қўшиб олади.

Афтидан, мил. авв. 311 – 302 йилларда шарқий сатрапликлар, жумладан, Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий қисми, шунингдек, Бақтрия ва Сўғдиёна[1] забт этилади. Аппианнинг сўзлари кўра, Салавк I (мил. авв. 312– 280) парфияликлар, бақтрияликлар, сўғдлар ва гургонлар устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатган (Аппиан, Сурия, 55). Бу воқеа мил. авв. 306 йилда[2] юз берган деб тахмин қилинади. Аммо бу бироз олдинроқ содир бўлган бўлиши мумкин, чунки, Помпей Трогнинг сўзларига кўра, Салавк I Бобил устидан галаба қозониб янада кучайган ва мил. авв. 305 йилда Бақтрияни[3] забт этади (Юстин, XV, 4, 11).

Ўша пайтда Бақтрия ва Сўғдиёнанинг сатрапи Қипрнинг Сол шаҳридан бўлган Стасанор эди, у Александрнинг қўмондон (Страбон XIV, VI, 3) унвонига лойиқ кўрилган дўстларидан бири бўлиб, афтидан, Салавк томонидан лавозимидан озод этилади.

Салавк I нинг сиёсатида шарқий сатраплик, шу жумладан, Ўрта Осиё сатрапликлари ҳал қилувчи роль ўйнаган, чунки улар унинг давлати мустаҳкамлигига хавф туғдирарди. Бунга сабаб, аввало, у ерда кўчманчиларнинг бирлашишидан тузилган кучли ҳарбий тузилмаларнинг, Бақтрия ва Сўғд амалдорларининг ажралиб чиқишга

[1] *Bevan E.R.* The house of Seleucus. Vol. 1. ... P. 57.
[2] *Литвинский Б.А.* Средняя Азия ... С. 277.
[3] *Массон В.М., Ромодин В.А.* История Афганистана ... С. 93.

мойиллиги борлигида эди, буни Александрнинг ҳарбий юришларида шахсан иштирок этган Салавк I яхши эслаб қолган бўлса керак. Шунинг учун Шарқда мил. авв. 293 ёки 294 йилларда Салавк I нинг онаси сўғдлик бўлган ўғли Антиох ҳукмрон бўлиши ҳам бежиз эмас. Мил. авв. 280 – 261 йилларда Антиох I бутун Салавкийлар давлатининг ҳукмдори бўлган.

Ушбу подшоҳлар ҳукмронлиги давридаёқ Ўрта Осиёнинг жанубий минтақаларида кўчманчи сак ва дах қабилаларининг йирик ҳаракати бошланди.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, афтидан, ушбу ҳодиса Демодамнинг машҳур экспедицияси билан боғлиқ саналади. Милет шаҳрининг аслзодаси Демодам Салавк I ва Антиох I бошқаруви даврида ҳарбий қўмондон бўлган. Плинийнинг маълумотларига кўра, Демодам Яксартдан кечиб ўтади ва у ерда Аполлонга ибодатхона қуради (Плиний, VI, 18, 47). Ушбу воқеа мил. авв. 293 – 289 йилларга[1] тўғри келади.

Страбоннинг Марғиёна Антиохияси шаҳрини бунёд этиш ёки қайта тиклаш пайтида Антиох Марғиёна воҳасини 250 км ли катта девор билан ўраш ҳақида буйруқ бериши, шунингдек, Тармита шаҳрига асос солиниши ҳақидаги маълумотлари (XI, 10, 2) ҳам худди шу воқеалар – кўчманчи халқларнинг ҳаракати билан боғлиқ.

Салавкийларнинг Сўғд ва Шимолий Бақтриядаги ҳукмронлиги ҳудудий доираси борасидаги масалада салавкийлар тангаларининг топилиши муҳим аҳамият касб этади. Гарчи Салавк I тангалари кам топилган бўлса ҳам, Антиох I (мил. авв. 280 – 261) тангалари жуда кўп топилган. Улар орасида нафақат кумуш, балки зарб қилинган давлати чегарасидан камдан-кам ҳолда ташқарига чиққан мис тангалар ҳам бор[2].

[1] *Литвинский Б.А.* Средняя Азия ... С. 280; *Tarn W.W.* Tarmita ... P. 89 – 94.

[2] Ўрта Осиёда топилган Салавк I ва Антиох I тангалари ҳақида қаранг: *Ртвеладзе Э.В.* Александр Македонский ... С. 163 – 165; Ўша муаллиф. Селевкидские монеты из Кампыртепа // ОНУ. 1989. №2. С. 48 – 57; *Абдуллаев К.А.* Находки эллинистических монет к северу от Амударьи – Окса ... С. 106 – 108; *Наймарк А.И.* Находки греческих монет в Согдиане // НЭ. XVII. М., 2005. С. 116 – 139; *Zeymal E.V.* Coins from the excavations of Takhti-Sangin (1976 – 1991) // Studies in Silk Road. Coins and Culture. Kamakura, 1997. P. 89 – 111.

Шимолий Бақтрия ва Сўғдда Салавк I ва Антиох I ҳукмронлик қилганлигига шак-шубҳа йўқ бўлса, унда Антиох II (мил. авв. 261 – 246) ҳукмронлиги борасида тўлиқ ишонч мавжуд эмас. Афтидан, сак ва дахларнинг саъй-ҳаракати оқибатида салавкийлар Сўғдиёнани қўлдан бой бериб, Шимолий Бақтрия – Бойсун тоғлари ва Амударё бўйлаб ҳимоя қўрғонлари (Қўрғонзол, Қопчиғайтепа, Дарбанд довонидаги алоҳида истеҳкомлар, Кампиртепа ва шу кабилар)ни барпо этган.

Айни шу вақтнинг ўзида Самарқанд Сўғдида Антиох I тангаларига тақлидан орқа тарафида шохли от боши тасвирланган тангаларни зарб этиш бошлангани эҳтимолдан йироқ эмас. Уларнинг чиқарилишини Е.В. Зеймаль мил. авв. II асрдан олдинга тегишли деб ҳисоблайди[1]. Асл танга билан тақлидий танга ўртасидаги хронологик бўшлиқ 60 йилни ташкил этади, бу эса, бизнингча, ишонарли эмас. Одатда, тақлидий тангалар ўлка янги ҳукмдор томонидан босиб олинганидан кейин бирмунча вақт ўтгач амалдаги тангаларни зарб этиш тўхтаганлиги сабабли муомалада бўлган маблағларнинг етишмаслигини қоплаш учун зарб этиларди. Бу шундан далолат берадики, салавкийлар Ўрта Осиёдаги ҳукмронлигининг охирида бу ҳудуд устидан назоратни йўқотганлар ва у ерда маҳаллий сулолалар ҳукмронлиги ўрнатилади.

Мил. авв. III аср ўрталарига келиб салавкийлар янги эллин давлати – Юнон-Бақтрия подшолиги таркибига кирган Бақтрия ва Сўғдиёнадаги ҳокимиятини тўлиқ йўқотади.

Шундай қилиб, мил. авв. IV аср охири – III асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё Икки дарё оралиги ҳудудида турли давлатлар ва ўлкаларнинг конгломерати мавжуд бўлган: жанубда ва унинг марказий қисмида келиб чиқиши македониялик бўлган подшоҳлар ҳукмронлик қилган, шу боис қадимги ёзма манбаларда Салавкийлар давлати Македония давлати деб номлангани тасодиф эмас (Just., XXXVI, 10).

[1] *Зеймаль Е.В.* Древние монеты Таджикистана. – Душанбе, 1983. – С.88; Эслатиб ўтамиз, В.М. Массон бу тангаларнинг зарб этилиш санасини мил. авв. III аср деб айтган. Бу ҳақда қаранг: *Массон В.М.* Денежное хозяйство древней Средней Азии со нумизматическим данным // ВДИ. 1955. № 2. С. 42 – 43.

Шимоли-ғарбда мил. авв. IV асрда ҳали аҳамонийлар давридаёқ шаклланган мустақил Хоразм давлати ўз ҳукмронлигини давом эттиради. Ўрта Осиё Икки дарё оралиғининг бошқа ҳудудлари сайланган етакчилар томонидан бошқарилган сак ва дах қабилаларининг турли ўлка ва конфедерацияларига бўйсунарди. Афтидан, айни шу вақтда бу қабилаларнинг бирлашиши ва кучли Қанғ конфедератив давлатининг яратилиши учун барча шарт-шароитлар юзага келади.

Давлат тузилиши ва бошқарув тизими

Салавкийлар томонидан босиб олинган Бақтрия ва Сўғдда қандай бошқарув тизими мавжудлиги ҳақида ёзма манбаларда тўғридан-тўғри маълумотлар йўқ. У Салавкийлар давлатининг бошқа қисмларидагига тахминан ўхшаш бўлган деб ҳисоблаш мумкин.

Давлат тепасида подшоҳ турган (ΒΑΣΙΛΕΩΣ) бўлиб, унинг ҳукмронлиги чексиз эди, юнон-македонларнинг тушунчасига кўра, подшоҳ энг юқори ўринда бўлиб, қонун ҳам ундан устун бўла олмаган, ватан, юнон-македон подшоҳларининг ўзи қонун тимсоли саналарди[1].

Гарчи Александрнинг вафотидан кейин унинг диадохлари томонидан ташкил этилган давлатлар кўпинча юнонларники деб номланган бўлса-да, улардаги ҳукмрон сулолалар ва подшоҳлар келиб чиқиши бўйича македониялик эди. Салавкнинг келиб чиқишини эса македониялик подшоҳлар, хатто Александр мансуб бўлган аргеадлар сулоласига мансуб деб билишарди[2].

Салавкийлар давлатида ҳокимият отадан ўғилга мерос бўлиб ўтарди.

Салавкийлар давлатидаги ҳукуматнинг ўзига хос хусусияти биргаликдаги бошқарув институтининг мавжудлигида эди. Ҳукмрон подшоҳ билан биргаликда тахт вориси ҳисобланган ворис ҳам давлатни бошқарарди.

---

[1] *Бикерман Э.* Государство Селевкидов ... С. 13. Ушбу асарда Салавкийлар давлатининг тузилиши ва бошқарув тизими батафсил баён қилинган.

[2] Ўша манба. 23 – 25-бетлар.

Салавкийлар салтанатида биринчи бундай ҳукмрон Салавкнинг ўғли Антиох бўлган, у отаси томонидан мил. авв. 293 йилда иккинчи ҳукмдор сифатида тайинланган ва Фурот дарёсидан шимолда жойлашган «юқори» ёки шарқий сатрапликларда ҳукмронлик қилган. Расмий равишда бундай ҳукмдор подшоҳ деб номланиши мумкин эди. Масалан, Салавк I Антиохни «юқори вилоятларнинг подшоҳи» деб атаган, шу билан бирга, у ҳеч қачон монарх-сюзерен ваколати билан тенглаштирилмасди. Унинг сурати тангаларда йўқ эди, агар бу тангалар монарх-сюзарен ва подшоҳ томонидан чиқарилган бўлса, ундаги ёзувларда биринчи ҳукмдор ҳар доим подшоҳ унвони ΒΑΣΙΛΕΩΣ билан, иккинчиси эса ҳеч қандай унвонсиз тилга олинган.

Э.Ньюэллнинг таъкидлашича, илк бор мил. авв. 290 – 289 йиллардан бошлаб Бақтрияда дастлаб фақат подшоҳ Салавк номи билан, кейинчалик (Э. Ньюэлл фикрича, мил. авв. 285 – 280 йилларда) Салавк I ва унинг ҳамҳукмдори Антиох номи билан салавкийлар тангалари – олтин статерлар, кумуш тетрадрахмлар, драхмлар, ярим драхмлар, оболлар зарб қилина бошлайди. Шунингдек, бунда Салавк номидан олдин ҳар доим «подшоҳ» унвони қўйилган, Антиох исми эса унвонсиз бўлган: ΒΑΣΙΛΕΩΣ ΣΕΛΕΥΚΟΥ ΚΑΙ ΑΝΤΙΟΧΟΥ – «подшоҳ Салавк ва Антиох». Бошқа салавкийлар тангаларидан фарқли ўлароқ, ушбу тангалар антик стандарт бўйича эмас, қадимги ҳинд стандарти бўйича зарб қилинарди[1].

Баъзи тарихчиларнинг фикрича, Шарқда, хусусан, Бақтрияда тахт вориси сифатида ҳукмрон оила аъзосининг тайинланиши Ахамонийлар давлатидан қолган анъана ҳисобланади[2].

Ҳамҳукмдорлар уларга топширилган ҳудудда мустақил маъмурий, ҳарбий ва бошқа сиёсатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга эдилар. Антиохнинг ҳамҳукмдорлигида унинг қўмондони Демодам Шимолий Яксартга (Сирдарё) чегарани кўчманчи қабилалардан

[1] *Newell E.T.* The coinage of the Eastern Seleucid Mints from Seleucus I to Antiochus III // Numismatic studies. 1938. №1; Яна қаранг: *Kritt B.* Seleucid coins of Bactria // Classical Numismatic studies dancaster. 1996. № 1.

[2] *Массон В.М., Ромодин В.Л.* История Афганистана ... С. 96.

муҳофаза қилиш мақсадида ҳарбий юриш уюштирган. Бақтрияда эса умумий танга зарб қилинган эди. Афтидан, у ўша даврдаёқ Ўрта Осиё жануби, жумладан, Бақтрия ва Сўғдиёнани мустамлака қилиш сиёсатини олиб боришга киришади, бу эса унинг *катойкия* (ҳарбий манзилгоҳ) ташкил этиш, қадимий шаҳарларни тиклаш ва, масалан, Марғиёнада олиб боргани каби катта ҳудудларни девор билан ўраш ишларида ўз ифодасини топди (Pliniy, N.H., VI, 16, 49). У мазкур сиёсатни ҳукмронлик йилларида ҳам давом эттирди, шу билан бирга, Антиох I Шимолий Бақтрия ва Сўғдиёна ҳудудида бирорта ҳам янги шаҳар барпо қилмади. Яксарторти Антиохиясини Қанка кўҳна шаҳри билан боғлашга уриниш у қадар ишонарли эмас, чунки бу шаҳарнинг пастки қатламлари жуда кам ўрганилган. В. Тарнинг Антиох I Эски Термиз ўрнидаги кейинчалик Тармиз Антиохияси[1] номи билан танилган манзилгоҳни қайта тиклаган деган фарази ҳақиқатга яқиндек кўринади, бинобарин, археологик маълумотларга кўра, бу ерда фақатгина қўрғон бўлган бўлиб, салавкийлар даврига оид маълумотлар фақатгина 4 кв м жойда, иккита қазилма жойида топилган, холос[2]. Ундан 30 км ғарбда жойлашган Кампиртепадан фарқли ўлароқ, бу ерда ҳеч қандай қалъа деворлари бўлган эмас.

Антиох I нинг Бақтрия ва Сўғддаги мустамлака сиёсатининг муҳофазачиси катойкиялар бўлган, улар стратегик жиҳатдан энг муҳим жойларда ташкил этилган, улар орқали қўшимча ҳудудларни назорат қилиш ва бошқариш ишлари амалга оширилар эди.

Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида бу турдаги бир нечта ҳарбий қўрғон жойлар мавжуд бўлганлиги хусусида етарлича ишонч билан гапириш мумкин. Улардан бири Бақтрияга бориш йўлида ўша вақтда Окс дарёсининг энг муҳим ўтиш жойида жойлашган Кампиртепа эди.

---

[1] *Tarn W.W.* Tarmita ... P. 89 – 94.

[2] *Пидаев Ш.* Керамика греко-бактрийского времени с городища Старого Термеза // СА. 1991. № 1; Ўша муаллиф. Стратиграфия городища Старого Термеза в свете новых раскопок // Городская культура Бактрии-Тохаристана и Согда. Ташкент, 1987. С. 88 – 89.

Салавкийлар даврида бу қишлоқ қалъаси кучли мудофаа девори билан ўралган эди[1].

Темир дарвозага[2] олиб борувчи муҳим йўлни назорат қилиш учун Бойсун тоғи этагида яна бошқа катойкиялар — Қопчиғайтепа ва Кўргонзол қурилган бўлиб, чамаси бу йўлда ўша пайтда ҳарбий пост — фрурион жойлашган эди.

Худди шу турдаги аҳоли пунктлари Сазағон вилояти ва Жом довонида (Хаприн қишлоғи) жойлашган бўлиб, у ерда Антиох I[3] тетра драхми хазинаси ва Салавк I тангалари топилган. Ушбу манзилгоҳлар Кеш — Наутакадан Марокандга борадиган йўлни назорат қиларди. Македониялик Александр Сўғдиёнага қилган ҳарбий юришида шу йўлдан юрган эди.

Ушбу ҳудуд жўғрофий жойлашувининг ўзига хослиги — бир тарафи Самарқанд воҳасининг тоғ этаклари, иккинчи томони Буюк «Скиф» даштининг бошланиши эканлиги ҳисобга олинса, бу ердан салавкий тангаларининг топилиши тасодифий ҳол эмас. Ушбу тоғолди ҳудудида илк антик ва антик даврларга[4] оид кўплаб кўчманчилар қўрғонлари топилди. Қадимда айнан шу ҳудуд Марокандд воҳасини ўраб турган

---

[1] *Ртвеладзе Э.В.* К истории Кампыртепа (Александрии Оксианской) // Центральная Азия от Ахеменидов до Темуридов. СПб., 2005. С. 189 – 191; Ўша муаллиф. Нижний культурный слой Кампыртепа последней четверти IV в. до н.э. // Центральная Азия. Источники. История, культура. М., 2001. С. 143 – 146; Ўша муаллиф. К итогам стратиграфических исследований на городище Кампыртепа в 2002 – 2005 // Материалы Тохаристанской экспедиции. Вып. 5. Ташкент, 2006. С. 3 – 8.

[2] Қўрғонзол ва унинг қурилиши санаси ва қандай вазифа учун мўлжалланганлиги ҳақида қаранг: *Сверчков Л.М.* Байсун. Опыт исторической реконструкции // История и традиционная культура Байсуна. Труды Байсунской научной экспедиции. Вып. 2. Ташкент, 2005. С. 74 – 79; Ўша муаллиф. Эллинистическая крепость Курганзол // Материалы по античной культуре Узбекистана. Ташкент, 2005. С. 84 – 102; Ўша муаллиф. Стратиграфия, периодизация и хронология нижних слоев Кампыртепа // Материалы Тохаристанской экспедиции. Вып. 5. Ташкент, 2006. С. 21 – 43; Ўша муаллиф. Опыт синхронизации керамических комплексов эпохи эллинизма (Кампыртепа, Термез, Джигатепа, Курганзол) // Материалы Тохаристанской экспедиции. Вып. 5. ... С. 105 – 125; *Мокробородов В.В.* Раскопки крепости Курганзол в 2003 году // Труды Байсунской научной экспедиции. Вып. 2. ... С. 52 – 74.

[3] *Ртвеладзе Э.В.* Александр Македонский ... С.78-79, 164; *Абдуллаев К.Л.* Тетрадрахма Антиоха I из кашлака Хаприн // НЦА. Вып. V. Ташкент, 2001. С. 11 – 13; *Abdullaev K., Francschini F., Raimkulov A.* The tetradrahm of Seleucos I from Sazagan, Usbekistan // Circle of Inner Asian Art. Issue 19, June, 2004. P. 10 – 13.

[4] *Обельченков В.* Сазаганские курганы // ИМКУ. Вып. 7. Ташкент, 1966. С. 66 – 81.

кўчманчиларнинг ҳаракатига қатъий эътибор қаратиш ва назорат қилишни талаб этарди.

Шундай қилиб, ҳали Македониялик Александр давридаёқ ташкил этилган ва Антиох I даврида ҳарбий ва чамаси, маъмурий вазифаларни ҳам бажарган катойкиялар Шимолий Бақтрия ва Сўғдиёнадаги салавкийлар ҳудудларини бошқариш ва назорат қилишда муҳим омил ҳисобланарди. Афтидан, салавкийлар тангаларининг аксарияти йирик манзилгоҳлар ва шаҳарлардан эмас, балки айнан катойкия деб таърифлаш мумкин бўлган жойларда топилгани ҳам бежиз эмас. Пул муносабатларининг ривожланиши бу ерда асосан юнон-македон халқларининг яшаганлиги ва камсонли маҳаллий аҳоли уларга хизмат кўрсатиш учун келганлиги билан боғлиқка ўхшайди.

Салавкийлар даврида йирик шаҳарлар ва деҳқончилик воҳалари билан бошқа томондан, кўчманчи чўл қабилалари билан ўзаро муносабатлар яхши йўлга қўйилмаган эди. Биринчи бўлиб бўлиниб чиққан, аниқроғи, салавкийлар ҳукмронлигини тан олмаганлар Бухоро ва Самарқанд Сўғди воҳаларини ўраб турган қабилалар бўлган. Антиох I тангаларига ўхшатиб зарб қилинган дастлабки сўғд тангалари бу қабилалар Салавкийлар подшоҳлигига номигагина итоат қилганлигини кўрсатмоқда. Ўрта Осиёга юнон-македонларнинг кириб келгунига қадар ўтроқ халқ билан кўчманчи қабилалар ўртасидаги муносабатлар барқарор бўлган деб бўлмайди. Чўл ва воҳа чегараларида ҳарбий назоратнинг ўрнатилиши кўчманчи қабилалар учун кутилмаган ҳол бўлган эди.

Юнон-македонлар томонидан ўрнатилган янги ҳукумат кўчманчилар манфаатларига бевосита таъсир қилди. Курций Руф (VII, 7, 1) бу борада Александрнинг Танаис дарёси бўйига қурган шаҳрини (Александрия Эсхата) скифлар подшоҳи «бўйинга солинган сиртмоқ» деб ҳисоблаганини таъсирли баён этади. Ушбу кўчманчи халқлар биринчи бўлиб *ажнабийлар зулмидан ажралиб чиққан, бинобарин, ажнабий*лар уларга камроқ хавф туғдирган эди. Турмуш тарзи асосан чорвачилик ва деҳқончилик билан боғлиқ бўлган кўчманчи халқлар йирик шаҳар маркази, ҳунармандчилик ва ишлаб чиқариш маданиятига

кескин қарши бўлганлар. Ушбу қабилаларнинг Салавкийлар давлатининг сиёсий ва маданий таъсир доирасига кириши, уларнинг қабила бошлиқлари ва кичик сулолалар бошчилигидаги иерархик тизимга қўшилиши маълум даражада ижтимоий табақаланишни кучайтирди.

Афсуски, ёзма манбаларда Шимолий Бақтрия ва Сўгдиёнани бошқаришда Салавкийлар салтанати ўрнатган тизим ҳақида маълумотлар йўқ.

Салавк I даврида маъмурий ислоҳотлар ўтказилган, бунинг натижасида катта сатрапликлар кичик маъмурий бўлинмаларга бўлинади[1]. Аппианнинг таъкидлашича, Салавк I 72 та сатрапликни бошқарган, уларнинг аксарияти Фурот дарёсининг шарқида жойлашган эди(App. Syr. 62). В. Тарннинг фикрича, улар сатраплик эмас, балки *гипархия* (кичик маъмурий бирлик)лар бўлган.

Ўша пайтда Сўгдиёна ва Шимолий Бақтриянинг таркибий тузилиши қандай бўлган — сатраплик бўлганми ёки бу иккала ҳудуд гипархияларга бўлинганми — номаълумлигича қолмоқда. Эҳтимол, улар Антиохнинг шарқдаги ҳамҳукмдори томонидан бошқарилган бирор-бир доменнинг бир бўлаги бўлгандир, ҳар хил туманларда катойкияларнинг мавжудлиги эса улар кичик маъмурий ҳудудларнинг бошқарув марказлари бўлганлигидан далолат беради.

Афтидан, ушбу ҳудудларни бошқариш тўғридан-тўғри Бақтрия томонидан амалга оширилган, чунки ёзма манбаларда Мароқанднинг роли ва аҳамияти қайд этилмайди. Бу борада эслаб ўтиш керакки, салавкийлар ҳукмронлигидан олдин Бақтрия ва Сўғд битта сатрапликка бирлашган эди. Сўнгги аҳамонийлар даврида, Александрнинг ҳарбий юриши арафасида Хулм (Жанубий Бақтрия) сатрапи Багаванд қалъа деворларини қуриш, Кеш ва Нахшаб шаҳарлари атрофида хандақ қазиш ҳақида буйруқ беради. Яъни сўғд шаҳарларини тасарруф этиш ҳам унинг ваколатига кирарди. Худди шундай ҳолат бу ерда ҳам салавкийлар ҳукмронлиги даврида бўлган бўлиши мумкин.

[1] *Литвинский Б.А.* Средняя Азия ... С. 278; *Tarn W.W.* The Greeks in Bactria ... P. 1 – 4; Ўша муаллиф. Seleukid-Parthian studies // Proceeding of the British Academy. London, 1930. P. 126 – 135; *Бикерман. Э.* Государство Селевкидов ... С. 119 – 157.

Эллин мустамлакачилигининг ўзига хос хусусиятлари

Ўрта Осиё ҳудудини мустамлакага айлантириш жараёнини шартли равишда уч босқичга ажратиш мумкин. Биринчи босқич Александрнинг ҳарбий юриши билан боғлиқ бўлиб, вақт бўйича қисқа, шу билан бирга, маданиятнинг кириб келиши жиҳатидан энг жадал босқич саналади. Бу босқичда Александр шахси ўзининг қадимги шарқ маданиятини юнон цивилизацияси ютуқлари билан бирлаштиришга қаратилган ёркин ностандарт қарорлари, саъй-ҳаракатлари билан муҳим аҳамият касб этади. Бунга юнон ҳарбий қўшинларининг юқори лавозимдаги кишилари маҳаллий зодагонларнинг қизлари билан бир вақтнинг ўзида оммавий никоҳланиши, маҳаллий ёшларга юнон алифбосининг ўргатилиши ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин. Яна бу босқичда бир нечта Александрия шаҳарларига асос солинганини таъкидлаш мумкин. Александриялар стратегик жиҳатдан муҳим ерларда қурилган бўлиб, улар босиб олинган ҳудудни ҳимоя қилишга хизмат қилиши керак эди. Бунга Александрия Эсхата – олисдаги Александрияни мисол қилиб келтириш мумкин. Бу шаҳар Танаис (Сирдарё) дарёси қирғоғида қад кўтарган бўлиб, у юнонларнинг харитадаги энг чекка ҳудуди бўлиши билан бир қаторда саклар-нинг ҳужумидан ҳимоя вазифасини ҳам ўтар эди.

Юнон-македонларнинг Сузадаги маҳаллий қизларга оммавий никоҳи (мил. авв. 324 й.) Александр ва унинг қўмондони Салавкнинг ҳаётидаги каби сиёсий ҳаётда ҳам жиддий оқибатларга олиб келди. Зеро, фақатгина уларнинг никоҳлари мустаҳкам бўлди ва бузилмади. Александрнинг ўлимидан кейин унинг хомиладор хотини Роксана сарой фитналари қурбонига айланди. Салавкнинг аёли, Спитаменнинг[1] қизи Апама эса салавкийлар ҳукмронлиги даврида саройда катта ҳурмат-эътиборга эга бўлди, шу билан бирга, у эрининг муҳаббатини ҳам

[1] У айнан Александрнинг ашаддий душмани ва қобилиятли саркарда Спитаменнинг қизи эканлигини кўрсатувчи аниқ маълумотлар йўқ. Бу шундай исмли бошқа бир маҳаллий зодагон бўлиши ҳам мумкин.

қозонган эди. Бу ҳақда Салавкийлар давлатининг турли бурчакларида жойлашган ва унинг шарафига (кейинчалик Антиох I даврида онасининг шарафига) барпо этилган *Апамея* номли шаҳарлар гувоҳлик беради. Апаманинг ўғли Антиох I мил. авв. 280 йилда отаси вафот этгандан сўнг тахтни эгаллади.

Отаси вафот этмасдан олдин Антиох I юқори сатрапликларда ҳамхукмдор эди. Катта Плинийнинг IV китобида (18, 49) тилга олинган Демодамнинг Яксарт ортига қилган экспедицияси ўша даврга тааллуқли бўлган. Демодам Милетлик (Қичик Осиё) бўлган, у Салавк саройида юқори лавозимни эгаллаган. Эҳтимол, унга экспедициянинг ҳарбий қўмондонлиги ва таъминоти топширилган бўлса керак, унинг муваффаққияти билвосита Дельфада Дидимлик Аполлон шарафига ибодатхона қуриш тўғрисидаги фармон билан тасдиқланиши мумкин. Бу ибодатхона Апама ёрдамида қад ростлаган бўлиши мумкин, чунки ушбу экспедицияни унинг ўғли Антиох бошлаб борган эди. Мазкур экспедиция кўпроқ ҳарбий аҳамиятга эга бўлиб, нафақат ҳудуднинг ўзига хос географик жиҳатларини аниқлаш мақсадлари, балки ушбу ҳудудда яшайдиган қабилалар тўғрисида маълумотлар йиғиш ҳам назарда тутилган эди. Шунингдек, Александр томонидан забт этилган шаҳар ва қалъаларни кўчманчи қабилаларнинг кутилмаган ҳужумидан ҳимоя қилиш ҳам экспедиция мақсадларидан бири эди. Айни шу вақтда юқори сатрапликларда иккита шаҳар барпо этилади.

Биринчи шаҳар – Маргиёна Антиохияси, юқорида айтиб ўтилганидек, Маргиёна Александрияси харобаларида қайта барпо этилган. Катта эҳтимол билан шаҳар кўчманчилар томонидан вайрон қилинган ва жуда қисқа вақт – чорак аср мавжуд бўлган. Антиох нима бўлганда ҳам шаҳарни вайрон ҳолатда топган эди.

Катта Плиний китобида қайд этилган иккинчи шаҳар номи Скиф Антиохиясидир. Унинг пойдеворини мустамлаканинг Салавкий даврига тўғри келадиган иккинчи босқич билан боғлаш мумкин. Ушбу шаҳарнинг аниқ жойи ҳали-ҳануз аниқланган эмас. Номидан келиб чиққан ҳолда унинг асосий вазифаси қўриқлаш бўлган дейиш мумкин. Ҳозирда маълум бўлган археологик обидалар орасидан унга миқёси ва географик жойлашуви бўйича Қанка кўҳна шаҳри тўғри келади.

Эрондаги собиқ шарқий сатрапликлар мустамлакачилиги даврининг иккинчи босқичига ҳозирда Афғонистоннинг Ойхоним, Тожикистондаги Тахти Сангин, Ўзбекистондаги Қампиртепа ва бошқа археологик обидалар сифатида маълум бўлган, стратиграфияда илк эллин даврига тегишли деб ҳисобланадиган шаҳарлар (Шимолий Бақтрияда Ҳайитобод, Термиз, Жондавлаттепа, Паёнқўрғон ва бошқалар, Сўғдда Ерқўрғон, Афросиёб ва бошқалар) фаолияти тааллуқлидир.

Мустамлакачиликнинг учинчи босқичи эса Юнон-Бақтрия даврига тўғри келади. Бу босқичда юнонлар Диодот бошчилигида Салавкийлар империясидан мустақил бўлиб ажралиб чиқади.

Эллинлашув жараёни фаол мустамлакачилик сиёсати орқали салавкийлар даврида кучайиб боради, terra incognita ўзлаштирилиб, нафақат географик танишув, балки маданий муҳитнинг ҳам ўзлаштирилиши кузатилади. Эллинлашув жараёни бир томонлама бўлганми ёки буларнинг барига ўзаро таъсир қилувчи омил сифатида қараш керакми? Ушбу жараён ўзаро таъсир қилишда тенг бўлган деб ишониш қийин. Албатта, объектив сабабларга кўра икки этномаданий жамиятнинг бир томонлама маданий алмашинуви ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Қадимги ёзма манбалар ва ёдгорликларни кузатиш натижасида юнон маданиятидан бегоналашувни[1] эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Шундай мисоллардан бири сифатида юнонларнинг Ойхоним шаҳридаги ономастик маълумотлар хизмат қилиши мумкин. Бу шаҳарнинг бизгача етиб келган номларидан фақат иккитасининг номи келиб чиқиши форсийдир. Улар подшоҳ хазинасининг амалдорлари исмидир (Оксубаз, Оксебоак)[2].

---

[1] Г.А. Кошеленконинг таъкидлашича: «...Салавкийлар ҳукмронлигининг илк даврида Александрнинг шаҳарсозлик сиёсати анъаналари билан кескин фарқ пайдо бўлган эди». Ушбу фарқнинг моҳияти янги шаҳарларнинг барпо этилишида бўлиб, аллақачон полис шаклида бўлган ёки олдин барпо этилган шаҳарлар полис макомини олган. Ушбу бегоналашувнинг иккинчи томони фақат македонияликлар ва юнонлар томонидан шакллантирилган шаҳар билан боғлиқ. Муаллифнинг фикрича, «Шарқдаги салавкийлар сиёсати классик сиёсатдан кескин фарқ қилади, аммо Юнонистон аҳолисини ижтимоий ташкил этиш шакли сифатида сақлаб қолиш ушбу тарихий вазиятда муқаррар бўлган». *Кошеленко Г.А.* Восстание греков в Бактрии и Согдиане // ВДИ. 1972. № 1. С. 73, 78.

[2] *Бернар П.* Проблемы греческой колониальной истории и урбанизм эллинистического города Центральной Азии // Проблемы античной культуры. М., 1986. С. 256.

Ўрта Осиё ҳудудида юнонлар манзилгоҳларининг пайдо бўлишинисбатан қадимги даврларга бориб тақалиши мумкин[1]. Шу ўринда Юнонистон аҳолисининг Аҳамонийлар давлатидаги турли ҳудудларга кўчириб ўтказилиши ҳақида эслаб ўтиш жоиз: эритреяликлар мил. авв. 490 йилда (Геродот, VI, 119); беотияликлар 480 йилда кўчириб ўтказилган (Diod, XVII, 110, 4). Беотияликларни Александр учратганида улар аллақачон юнонча гапирардилар. Катта эҳтимол билан бранхидлар шаҳри Окс (Амударё) дарёсидан шимолда жойлашган бўлиши мумкин, чунки македон подшоҳи уларни дарёни кесиб ўтиш жойидан уч кунлик йўл узоқликдаги ҳудудда учратади.

ЮНОН-БАҚТРИЯ ПОДШОЛИГИ

Мил. авв. 250 йилларда Салавкийлар давлатидан асосий шарқий сатрапликлар – Бақтрия ва Парфия ажралиб чиқан. Ушбу ҳолатга мамлакат гарбидаги сиёсий тартибсизликлар ва эҳтимол, шарқий қисмдаги юнон сатрапларининг ўз сатрапликларининг иқтисодий, ҳарбий кучларига ишонган маҳаллий бақтрия ва сўғд зодагонлари билан ўзаро иттифоқликда мустақил бўлиш истаги сабаб бўлгандир. Этник омил – эллинларнинг македонияликлар ҳукмронлигидан озод бўлиш истаги ҳам бундан истисно эмас эди. Зеро, Салавкийларнинг ҳам, бошқа эллин давлатлари асосчилари Птолемейлар ва Антигонидларнинг ҳам келиб чиқиши македон эди.

Ёзма манбаларда мавжуд кам сонли маълумотларга кўра, Юнон-Бақтрия подшолиги ҳукмдорлари македониялик эмас, балки юнон[2] эдилар. Салавкийлардан биринчи бўлиб ажралиб чиққан Бақтрия ва Парфия юнон сатраплари – Диодот ва Андрагор эллин бўлган.

Помпей Трог ва Страбон келтирган қисқа маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, Бақтриянинг Салавкийлар давлати мустамлака-

[1] Эрон шимолида мавжуд бўлган юнон аҳоли манзилгоҳлари муаммолари ҳақида қаранг: *Narain A.K.* The Indo-Greeks. Oxford, 1957. P. 1.

[2] Масалан, Юнон-Бақтриянинг иккинчи шоҳи Евтидем юнон бўлган, у Кичик Осиёнинг Магнезия шаҳридан бўлган.

сидан озод бўлиш жараёнини юнон оқсуякларининг марказий ҳукуматга қарши қўзғолони сифатида баҳолаш мумкин, бу эса қадимий Шарқда[1] одатий ҳол саналарди. Помпей Трогнинг сўзларига кўра, Диодот салавкийлар мустамлакасидан озод бўлиб, ўзини подшоҳ деб эълон қилган, «ундан ибрат олган барча шарқ халқлари македонлар мустамлакасидан озод бўлишди» (Юстин XLI, 4, 5, 6).

Страбоннинг таъкидлашича, ушбу воқеаларда бошқа ноиблар ҳам иштирок этишади, шу жумладан, Евтидем (Диодотдан кейинги Юнон-Бактрия подшоҳи), у Бақтриянинг ўзида эмас, балки атрофдаги ҳудудларда ҳаракат килган эди (Страбон, XI, 9, 2). Шунга ва нумизматик маълумотларга асосланиб айрим тадқиқотчилар Евтидемни Сўғдиёна ноиби деб билишади, ҳатто Евтидем зарб қилган сўғд тангаларини ажратиб кўрсатишади[2].

Бошқа нуқтаи назарга кўра, Бақтриянинг Салавкийлар давлатидан ажралиб чиқиши урушсиз, тинч кечган. Ушбу фикрни илгари сурган олимлар буни тангаларининг бир томонида Диодотнинг, иккинчи томонида эса салавкий подшоҳ Антиох II нинг сўзлари мавжудлиги билан асослашади. Тадқиқотчилар ёзма манбалардан олинган қисқа маълумотлар таҳлили асосида Юнон-Бақтрия подшолиги мил. авв. 256, 250, 248 ва 245 йилларда юзага келган деб ҳисоблайдилар[3]. Шунингдек, ушбу давлатнинг қулаш санаси тахминан мил. авв. 141 – 128 йилларга тўғри келади[4].

Илм-фанга ушбу давлат Юнон-Бақтрия подшолиги деб номланганлиги, Юнон-Бақтрия атамасини биринчи бўлиб 1738 йилда[5] рус академиги Баер киритган. Баъзида уни юнон подшоҳларнинг Бақтрия давлати деб ҳам аташади.

---

[1] *Литвинский Б.А.* Греко-Бактрия, Парфия (III – II вв. до н.э.) // ИТН. М., 1963. Т. 1. С. 290 – 291.

[2] *Массон В.М., Ромодин В.А.* История Афганистана ... С. 104, прим. 7; *Массон В.М.* Денежное хозяйство древней Средней Азии по нумизматическим данным // ВДИ. 1955. № 2. С. 41 – 43; *Lerner J.A.* Graeco-Sogdian Mint of Euthydemus // Revue numismatique. 1996. P. 77 – 94.

[3] Ушбу муаммонинг илмий манбаларига қаранг: *Литвинский Б.А.* Греко-Бактрия, Парфия. ... С. 291; *Массон В.М., Ромодин В.А.* История Афганистана ... С. 103; *Tarn W.* The Greeks in Bactria... P. 72 – 74.

[4] *Ставиский Б.Я.* Кушанская Бактрия ... С. 96 – 97; *Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В.* Северная Бактрия-Тохаристан ... С. 46.

[5] *Bayer Th.* Historia regni graecorum bactriani. Petropoli. 1738.

Янги ташкил этилган давлат асоси Бақтрия эди, унинг пойтахти Бақтра бўлиб, у ҳозирги Шимолий Афғонистоннинг Балх шаҳри ўрнида жойлашган эди.

Ғарбда ва шимоли-ғарбда Юнон-Бақтрия подшолиги таркибига фақат Диодот ва Евтидем ҳукмронлиги давридагина Арея ва Марғиёна кирган эди. Улар бу ерда Парфия подшоҳларининг[1] ўсиб борган кучларига дуч келишади. Мил. авв. II аср биринчи ярмида парфияликлар нафақат ушбу ерларни Юнон-Бақтриядан тортиб олган, балки шарқда Окс дарёси водийларигача кириб борган бўлиши мумкин[2].

Шарқда Юнон-Бақтрия подшоҳларининг ҳукмронлиги Помиргача чўзилган эди. Мил. авв. II аср бошларида (мил. авв. 200 – 185 йй.) Деметрий Шимоли-Ғарбий Ҳиндистон (Гандхар)ни[3] забт этади. Ҳукмдорларининг зарб қилган тангалари ҳинд шакли ва стандартида бўлганлиги, уларда брахма ва кҳароштҳи ёзувлари бўлганлигига кўра, кейинги шоҳлар даврида ҳам (Евкратид, Панталеон, Аполлодот, Гелиокл) у ер Юнон-Бақтрия давлати таркибига кирган[4].

Жанубий Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги дастлабки алоқалар Қампиртепадаги ибодатхона дарвозалари аркаларидаги кҳароштҳи ёзувининг топилиши билан исботланган, Ж. Фюссман унда Дама (damasiya) исми ёзилган деб таъкидламоқда. Статиграфия ва топилмаларга кўра, ушбу дарвозалар мил. авв. II асрнинг[5] иккинчи ярмида барпо этилган эди.

Юнон-Бақтрия подшолиги даврида унинг шимолий чегаралари қандай ўзгарганлиги номаълум.

---

[1] *Массон М.Е.* К вопросу о Маргиане в составе Греко-Бактрийского царства // Известия АН Турк. ССР. Серия общественных наук. Ашхабад, 1970. № 5.

[2] Парфия ва Юнон-Бақтрия подшоликларининг ўзаро муносабатлари ҳақида қаранг: *Rtveladze E.V.* Parthia and Bactria // The Land of the Grophons. Florence, 1995. P. 181-190; а также *Абдуллаев К.* Касби (Кесба) - Казбион - Аспиона (к вопросу о локализации греческих сатрапий). VI чтения проф. В.Д. Блаватского. М., 1997. С. 6-7.

[3] *Массон В.М.* Деметрий Бактрийский и завоевание Индии // ВДИ. 1961. № 2. С. 39 – 45.

[4] *Bopearachchi O.* Monnaies Gréco-Bactriennes en Indo-Grecques. Catalogue Raisonnuй. Paris, 1991; *Whitehead B.* Indo-Greeks Numismatics. Chicago, 1969; *Narain A.K.* The Indo-Greeks. Oxford, 1957.

[5] Э.В. Ртвеладзе топган казилмалар.

В. Тарннинг В.В. Бартольд[1] томонидан инкор қилинган тахмини бўйича, унинг таркибида Фарғонанинг бўлганлиги умуман асоссиздир, Хоразмнинг унинг таркибига кирганлиги эса илмий жиҳатдан, айниқса, нумизматик маълумотлар билан тасдиқланмади. Хоразмда фақатгина бир нечта Юнон-Бақтрия тангалари топилган, Фарғонада улар умуман учрамайди[2].

Юнон-Бақтрия подшолигининг шимоллаги чегараси сиёсий вазиятга қараб ўзгарган эди. Агар Диодот (мил. авв. 250 – 230 йй.) ва Евтидем (мил. авв. 230 – 200 йй.) ҳукмронлиги даврида Сўғдиёна ва унинг маълум бир қисми Юнон-Бақтрия подшолигига тегишли бўлган бўлса, улардан кейинги подшоҳлар даврида унинг таркибига кирганлиги эҳтимолдан йироқдир. Мил. авв. III – II асрлар охирларида бутун Сўғдиёна ҳудудида автохтон ўлкалар[3] шаклланади, уларнинг ҳар бири ўз тангасини зарб қиларди: Бухорода Евтидем тетрадрахмларига ўхшатиб ишланган, устида исм ва унвонни кўрсатувчи оромийча MR'Y[4] ёзуви ёзиларди; Самарқанд Сўғдида эса Антиох I[5] драхмларига ўхшатиб зарб қилинарди; Кешда Македониялик Александр тетрадрахмларига ўхшатиб зарб қилинарди[6].

---

[1] *Бартольд В.В.* Греко-бактрийское государство и его распространение на северо-восток / Сочинения. Т. II. Ч. 2. М., 1964. С. 455 – 461; шунингдек, қаранг: *Литвийский В.А.* Греко-Бактрия, Парфия ... С. 302.

[2] Оксдан шимол томонда топилган Юнон-Бақтрия топилмалари маълумотларига қаранг: *Rtveladze E.V.* La Circulation inonitaire an nord tie l'Oxus a l'epoque Gréco-Bactrienne // Revue Nummismatic. 6-e serie. Tome XXVI. P. 61 – 76; Ўша муаллиф. О периодизации истории денежных отношений в Среднеазиатском Двуречье в древности // ЗВОРАО. Новая серия. Т. 1. (XXVI). С. 343 – 361; *Абдуллаев Е.К.* Находки эллинистических ... С. 106 – 116; *Наймарк А.И.* Греки в Согде // НЭ. XVIII. М., 2005.

[3] *Зеймаль Е.В.* Политическая история Древней Трансоксианы по нумизматическим данным // Культура Востока. Древность и раннее средневековье. Л., 1978. С. 192 – 214.

[4] *Лившиц В.А., Луконин В.Г.* Среднеперсидские и согдийские надписи на серебряных сосудах // ВДИ. 1964. № 3. С. 169; *Henning W.B.* Mitteliranishen Manichaika, II. Berlin, 1932.

[5] *Зеймаль Е.В.* Древние монеты. .. С. 81 – 83.

[6] *Зеймаль Е.В.* Древние монеты. .. С. 77 – 81; *Ртвеладзе Э.В.* Монеты Кеша (Киша) III – II в. до н.э. – VIII в. н.э. // ОНУ. 2002. № 6. С. 44; *Омельченко А.В.* Подражание драхме с типом Александра Македонского из Южного Согда // НЦА. Вып. V. Тошкент, 2001; *Мусакаева А.* Подражание драхме Александра Македонского из Китаба // Transoxiana. История и культура. М., 2004. С. 212 – 215. Аввалларн Жанубий Сўғдда ҳамда Кеш вилоятида Александр Македонский тетрадрахмлари намунасидаги тангаларнинг зарб этилганлиги маълум эмас эди, эндиликда бу тангаларнинг Бугажил қишлоғи ва Китобда топилиши бу масалани буткул ҳал қилди. Бу топилган тангалар Шаҳрисабз шаҳри музейида сақланмоқда. Яна қаранг: *Rtveladze E.V.* Coins from Kish 3rd – 2nd Century BC – 8th Century AD // Eran ud Aneran. Studies Presented to Boris Ilic Marsak on the Occasion of his 70th Birthday. Venezia, 2006. P. 525 – 527.

Сўғдиёнанинг Юнон-Бақтрия подшолигидан ажралиб чиқишига кўчманчи қабила (сак)лар ҳаракати ва маҳаллий зодагонларнинг ажралиб чиқишга интилиши сабаб бўлди. Евтидем (мил. авв. 230 – 200 йй.) ҳукмронлиги даврида сак қабилалари Юнон-Бақтрия подшолиги чегара ҳудудига яқинлашибгина қолмасдан, уни кесиб ҳам ўтади.

Мил. авв. III аср охиридаги сиёсий-ҳарбий ҳолатни Полибий қуйидагича таърифлайди: «Салавкийлар томонидан подшоҳликнинг пойтахти бўлган Бақтрада қамал қилинган Евтедем шоҳ Антиох III га (мил. авв. 223 – 187 йй.) иккаловининг ҳам тақдири хавф остида эканлигини, чунки чегарада катта кўчманчи қўшинлар турганини, агар улар чегарани кесиб ўтишса, бутун мамлакатни забт этишлари мумкинлигини хабар беришларини сўраган» (Полибий, 243, XI, 34).

Археологик топилмаларга қараганда, ўша даврда қалъалар ҳимоясини ва мудофаа чизиқларини мустаҳкамлаш бўйича катта ишлар қилинган дейиш мумкин. Шундай қилиб, Кампиртепа қалъаси деворлари ва дарвоза иншоотлари сезиларли даражада мустаҳкамланган, ушбу бинонинг деворидан сакларникига ўхшаш ўқларнинг уч қиррали учлари топилди[7]. Худди шу жойда, қалъанинг шарқий ёнбағрида, сакларга тегишли[8] олти буюмдан иборат диний буюмлар тўплами топилган (хум, қошиқ ва ҳуни (воронка)). Юқоридаги фактларнинг барчаси сак қўшинларининг Окс дарёси бўйидаги Юнон-Бақтрия подшолигининг сўнгги таянчи бўлган Кампиртепа қалъаси атрофида бўлганликлари ва забт этишда иштирок этганлигидан далолат бермайдими? Қалъани забт этилиши пойтахт – Бақтрага тўғри йўл очиши мумкин жойда бўлган.

Айни шу вақтда Ҳисор тоғ тизмаси бўйлаб ўтадиган шимолий мудофаа чизиғи сезиларли даражада мустаҳкамланган эди. Жанубий томондан Дарбанд довони томонидаги эски қалъалар мустаҳкамланиб, янги Кўргонзол, Узундара, Қопчиғай ва Мачай қалъалари барпо

[7] *Ртвеладзе Э.В.* К итогам стратиграфических исследований на городище Кампыртепа // Археологические исследования Кампыртепа и Шортепа. Вып. V. Ташкент, 2006. С. 6 – 7. Новые материалы из раскопок этой экспедиции.

[8] *Сверчков Л.М., Восковский А.А.* Стратиграфия, периодизация и хронология нижних слоев Кампыртепа // Археологические исследования Кампыртепа и Шортепа. Вып. V. ... С. 24 – 25.

этилади. Дарбанд довонининг ўзида эса кучли мудофаа иншоотлари[1] мажмуи яратилади. Айни шу даврда Пашхурд водийсидаги Дабилкўрғон[2] кўҳна шаҳри ҳам ҳимоя иншоотлари билан мустаҳкамланади. Археолог-олимларга кўп ҳам маълум бўлмаган бу йўлдан юриб Кўҳитангнинг жанубий чегарасидаги[3] Қампирдоғон дараси орқали катта қўшин ўша даврда Келиф қалъаси жойлашган Келиф манзилгоҳига, у ердан Бақтрага ўтиши мумкин бўлган. Қампирдоғон дараси Темир дарвозага ўхшаш эди.

Шу билан бирга, мил. авв. III — II асрларда Кўҳитангнинг ғарбий томонида Кўҳитангдарё водийсида ҳам аҳоли манзилгоҳлари пайдо бўлади. Кўҳитангдарё водийсига Оқроботдан яна ўша Темир дарвозани айланиб ўтиб, Модунтепа[4] қалъаси жойлашган Модун қишлоғи ва Ҳазратбашир довони орқали кириб бориш мумкин эди. Кўҳитангдарё водийси орқали Келиф қалъасига кириб бориш мумкин эди. Келиф қалъаси эса Окс дарёсидан ўтадиган энг асосий кечув жойини ва Бақтрага олиб борувчи йўлни ҳимоя қиларди.

Шундай қилиб, Юнон-Бақтрия даврида олдинги йиллардаги, чамаси, шимолдан сакларнинг ҳужуми хавфини эътиборга олган Евтидем ҳукмронлиги давридаги анъаналарга амал қилган ҳолда Шимоли-Ғарбий Бақтрияда Бақтра шаҳри ва бутун мамлакатни ҳимоя қилиш учун иккита қисмдан иборат кучли ҳимоя чизиғи барпо этилди. Биринчи қисм Ғарбий Ҳисор тоғ йўллари ва дарёларини қамраб олди; иккинчи бўғин Окс дарёси бўйлаб муҳим ўтиш жойларида жой-

[1] *Абдуллаев К.А.* О северных рубежах государственной границы Бактрии в эллинистическую эпоху // РА. 1997. №1. С. 54–60; *Рахманов Ш., Рапэн К.* Железные ворота // Труды Бойсунской научной экспедиции. Вып. 1. Ташкент, 2003. С. 26–31; *Рахманов Ш.А.* Новые данные о стене на Железных воротах // ОНУ. 1994. № 1-2.

[2] Бу йўл археологик ёдгорликлар тадқиқоти учун 1969 ва 1989 йилларда Э.В. Ртвеладзе томонидан Майдонқўрғон ва Пашхурддан то Қампирдогондан Келифгача босиб ўтилган.

[3] Ушбу йўл 1969 ва 1989 йилларда Э.В. Ртвеладзе томонидан археологик ёдгорликларни тадқиқ қилиш мақсадида Майдонқўрғон ва Пашхурдадан бошлаб Қампирдоғон орқали Келифгача босиб ўтилган.

[4] *Модунтепа илк бор 1964 йилда ушбу бўлим муаллифи ҳам қатнашган ҚАТЭ отряди маршрути томонидан тадқиқ қилинган. Қаранг. Массон М.Е.* Работы Кешской археолого-топографической экспедиции ТашГУ (КАТЭ) по изучению Восточной половины Кашкадарьинской области УзССР. 1966 г. // Труды ТашГУ. Вып. 533. Археология Средней Азии. Ташкент, 1977. Кейинги йилларда Э.В. Ртвеладзе томониданантик давр қатлами аниқланган.

лашган бўлиб, Эски Термиз (Тармит)да, Кампиртепа (Пандахейон) да, Келифда ва эҳтимол, Керкида кучли ҳимояланган қалъалар қурилганди.

Полибий келтирган маълумотларга қайтсак, унга кўра, Евтидем Антиохни огоҳлантириб, чегарада кўп сонли кўчманчи қабилалар турганлигини, «агар улар чегарани кесиб ўтишса, унда мамлакат (Бақтрия) улар томонидан забт этилишини таъкидлайди» (Полибий, 243, XI, 34). Е.В. Зеймалнинг фикрича, Полибий назарда тутган чегара Окс[1] дарёси эди, Э.В. Ртвеладзе эса Зарафшон тоғ тизмаси ёки Ғарбий Ҳисор[2] дея таъкидлайди. Кампиртепада топилган янги топилмалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Полибий томонидан тасвирланган «варварлар» Ғарбий Ҳисор бўйлаб биринчи мудофаа чизиғини ёриб ўтиб, Окс бўйидаги иккинчи ҳимоя чизиғини ишғол қилолмади, сабаби, Буюк Антиох III (мил. авв. 223 – 287 йй.) Бақтрия қамалини олиб ташлайди, бу эса Евтидем қўшинларига Оксдаги қалъаларни ҳимоя қилишга ва «варварларни» ҳайдаб чиқаришга имкон беради. Жанубий Сўғднинг саклар томонидан эгалланиши, уларнинг Юнон-Бақтрия подшолиги чегарасига яқинлашишидан мил. авв. II асрда қурилган мустаҳкам Қалъаи Заҳҳоки Морон (замонавий Қарши шаҳрининг марказида жойлашган) қалъаси оролбўйи[3] сакларининг шаҳарсозлик анъаналари усулида барпо этилганлиги ҳам гувоҳлик беради.

Оксдан шимолдаги вилоятларнинг мил. авв. II аср биринчи ярмига оид сиёсий тарихи деярли номаълум ва у фақатгина нумизматик маълумотларга, хусусан, Юнон-Бақтрия тангаларининг қанчалик кўп топилишига ва топографиясига таянади.

Ёзма манбаларга кўра, Евтидемнинг ўрнига унинг ўғли Деметрий (мил. авв. 200 – 185 йй.) ворис бўлиб келган бўлиб, у ўзининг ҳукмронлиги даврида Шимоли-Ғарбий Ҳиндистон ва бутун Ҳинд

[1] *Зеймаль Е.В.* Политическая история ... С. 98 – 99.

[2] *Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В.* Северная Бактрия ... С. 44 – 45; яна қаранг: *Абдуллаев К.А.* О северных рубежах ... С. 54–60.

[3] Карши – 2700. Ташкент, 2006. С. 33 – 34.

водийсини унинг қуйи қисмигача босиб олди. Шимолий Бақтрияда Деметрийнинг бронза ва кумуш тангалари учрайди. Фақатгина Қампиртепа шаҳрининг ўзида ушбу турдаги тангаларнинг бир нечта[1] нусхаси топилди. Бу эса ушбу ҳудуднинг Деметрий ҳукмронлиги даврида Юнон-Бақтрия қўл остида бўлганлигидан далолат беради. Деметрий ёки Деметрий II ҳукмронлигида (мил. авв. 180 – 165 йй.) Бақтриядаги ҳокимиятни Деметрийнинг Ҳиндистонга сафари туфайли кўп вақт йўқлигидан фойдаланиб Бақтрия ҳарбий қўмондони ёки сатрапи Евкратид номли шахс ўз қўлига олади.

Юстиннинг сўзларига кўра, «Митридат Парфияда, Евкратид Бақтрияда деярли бир вақтнинг ўзида подшоҳ бўлган – иккаласи ҳам буюк арбоб. Лекин парфияликларга толе кулиб боқди, ушбу подшоҳ ҳукмронлиги остида буюклик чўққисига чиқди. Бақтрияликлар эса тинимсиз жангу жадаллар туфайли нафақат подшоҳлиги, балки озодлигидан ҳам маҳрум бўлди, уруш туфайли кўп талафот кўрганлиги сабабли ўзларидан кучсиз бўлган парфияликларга таслим бўлишди» (Just., XLI, 1 – 5).

Мил. авв. 171 йилда Парфия давлатида подшоҳ Митридат ҳукумат тепасига келди, айни шу пайтда Евкратиднинг ҳам ҳукмронлик даври бошланади[2]. Ҳокимият тепасига келгандан кейин Евкратид «Буюк шоҳ Евкратид», сўнгра «Буюк шоҳ Евкратид» ёзувлари туширилган тангаларини зарб қилади. Собиқ Бақтрия ноибининг «Буюк шоҳ»га айланиши унинг бошқа юнон ҳукмдорлари: Антимах Теос (мил. авв. 190 – 181 йй.), Агафокл (мил. авв. 180 – 165 йй.), Менандр, Пантелеон (мил. авв. 185 – 175 йй.) кабилар билан урушлари натижасида келиб чиқади. Бу подшоҳларнинг бошқарув даври саналари шартли[3] белгиланган. Ушбу подшоҳлар орасида фақатгина Антимах Теос-

[1] *Rtveladze E.V.* La Circulation monetaire ... P. 71 – 76; *Аюпова Ф.Р.* Находки греко-бактрийских монет из Кампыртепа // НЦА. Вып. IV. Ташкент, 1999. С. 79; Деметрий тангаларининг янги топилмалари ҳақида яна қаранг: *Абдуллаев К.* Находки эллинистических ... С. 108 – 109.

[2] *Массон В.М., Ромодин В.А.* История Афганистана ... С. 112.

[3] Ушбу ишда биз А.К. Нарайннинг Юнон-Бақтрия ҳукмдорлари хронологиясидан фойдаланк. Қаранг: *Narain A.K.* The Indo-Greeks. Oxford, 1957; яна қаранг: *Бикерман Э.* Хронология древнего мира. М., 1975. С. 202. Шунингдек, бошқа хронологиялар, масалан, W. Tarnнинг хронологияси ҳам мавжуд.

нинггина Бақтрия билан алоқалари бўлган, чунки унинг тангалари Бақтрия ва Сўғдаги археологик топилмаларда тез-тез учрайди, ушбу тангаларнинг орқа томонида денгиз худоси Посейдон тасвирланган, К. Тревернинг фикрича, у барча сувлар[1] худоси бўлган. Мазкур ҳолатда Посейдон Окс-Амударё худосини гавдалантирганлиги ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бу худди бақтрияликларнинг тангаларидаги қўлида катта балиқ тутган Посейдонга ўхшатиб тасвирланган ОАХРО ёзувига ўхшаш эди. Антимах Теос Шимолий ва Жанубий Бақтрияда Амударёбўйи ҳудудларининг ҳукмдори бўлган бўлиши мумкин, чунки унинг тангалари[2] кўпроқ шу ҳудудда ҳам учрайди. Аммо у Евкратидгача ҳукмрон бўлганми ёки у билан ҳокимият учун курашда рақиби бўлганми, номаълумлигича қолмоқда.

Евкратид (мил. авв.171 – 155 йй.) ташқи душманлар ва ички рақиблар билан доимий урушлар олиб борганлиги, бир нечта сатрапликларини қўлдан бой берганлигига қарамай, охир-оқибат анча кучли давлатни яратишга ва унинг олдинги чегарларини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Страбон уни «минглаб шаҳарлар ҳукмдори» деб аташи бежиз эмас, Бақтрия шаҳарлари орасида унинг номи билан аталган Евкратидея шаҳри ҳам бор эди (Страбон, XI, 11, 1).

Юстин айтган маълумотларга таянилса, Евкратид сўғдлар билан уруш олиб боради. Бир қатор тадқиқотчилар Сўғднинг бир қисми Евкратид даврида бой берилган деб ҳисоблайди. Улар, хусусан, Бухоро воҳаси Евкратид[3] тетрадрахмларига тақлид қилиб ўз тангаларини зарб этишини шу билан боғлайди. Шу билан бирга, Жанубий Сўғд Юнон-Бақтрия мулкларининг бир қисми бўлиб қолди.

Бироқ Сўғд бироз олдинроқ, эҳтимол, Евтидем ҳукмронлиги охирида ёки ундан кейин бой берилади. Эҳтимол, Евкратид сўғдлар билан уруш натижасида Сўғднинг жанубий қисмини қайтаришга

[1] *Тревер К.В.* Памятники греко-бактрийского искусства. М.-Л., 1940. С. 127 – 128.

[2] Антимах тангаларининг Сўғдда учраши тўғрисида ҳар хил фикрлар ва бошқа шартли маълумотлар бўлишига қарамай, К.В. Тревернинг фикрича, Антимах сўғдлик бўлган ҳамда Бактрияни забт қилган ва у ерда шоҳ бўлган. Бу ерда топилмалар унчалик кўп эмас – Панжикентдаги битта ностандарт тетрадрахм ва Шахризабзда учта танга топилган. Қаранг: *Ртвеладзе Э.В.* Древние и раннесредневековые ... С. 99.

[3] *Литвинский Б.А.* Греко-Бактрия, Парфия ... С. 306.

муваффақ бўлгандир. Бунда сўғдлар қўшини ичида нафақат сўғдларнинг ўзлари, балки Сўғдни эгаллаб олган кўчманчи халқлар ҳам бўлган бўлиши керак. Дарҳақиқат, агар биз бу ҳолатда нумизматик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, унда Евкратид тангалари Шимолий Бақтрия ва Сўғдда[1] бошқа Юнон-Бақтрия подшоҳларининг тангаларига қараганда кўпроқ тарқалган эди. Хусусан, Китоб шаҳрида тахминан 100 та Евкратид[2] тангаларидан иборат хазина топилди.

Евкратид ўз ўғли ва ҳамҳукмдори Гелиокл томонидан Ҳиндистон юришидан қайтишда ўлдирилади. Юстиннинг сўзларига кўра: «Бу ўғил отасини ўлдирганлигини яшириб ҳам ўтирмади, худди душманини ўлдиргани каби отасининг қони устидан от аравада ўтиб, унинг жасадини дафн қилмасдан ташлаб юборишга амр этди» (Just., XLI, 6, 5).

Гелиокл ҳукмронлиги (мил. авв. 155 – 140 йй.) даври фанга маълум эмас, чунки ёзма манбаларда у ҳақда ҳеч қандай маълумот йўқ. У «адолатли подшоҳ» – ΒΑΣΙΛΕΩΣ ΔΙΚΑΟΥ унвонига эга бўлган. Гелиокл тангаларининг кўп зарб этилганлигига қараганда, у Бақтрия ва Шимоли-Ғарбий Ҳиндистонни ўз ҳукмронлиги остида ушлаб турган. Унинг тангаларида юнон ёзувлари билан бир қаторда кҳароштҳи[3] ёзувлари ҳам зарб этиларди. Танга топилмаларининг кўплигига кўра, унга тобе ҳудуд таркибига Шимолий Бақтрия ҳам кирган эди. Унинг бронза ёки арзон металдан бўлган тетрадрахмлари ва драхмлари кўпинча тақлид усулида қилинарди. Аммо тақлид деб аталувчи ушбу қадимги тангалар подшоҳнинг асл тангалари бўлиши ҳам мумкин, чунки улар ўртасида деярли фарқ мавжуд эмас. Тангалар ўртасидаги фарқ уларнинг ҳар хил зарбхоналарда зарб қилинганлиги натижаси бўлиши мумкин, холос. Сўғдда топилган Гелиокл тангалари жуда ноёб[4]

[1] *Ртвеладзе Э.В.* Древние и раннесредневековые ... С. 100 – 101; *Абдуллаев К.А.* Находки эллинистических ... С. 109.

[2] *Массон М.Е.* Монетные находки, зарегистрированные в Средней Азии в 1917 – 1927 гг. // Изв. Средазкомстариса. Вып. III. Ташкент, 1928. С. 280 – 293.

[3] *Bouperachi O.* Monnaies Grĕco-Bactriennes en Indo-Grecques. ...

[4] Ушбу тангаларни шарҳлаш учун қаранг: *Массон В.М.* Древнебактрийские монеты, чеканенные по типу тетрадрахм Гелиокла // ЭВ. 1956. Вып. XI. С. 13 – 76; *Зеймаль Е.В.* Древние монеты ... С. 110 – 129; *Ртвелазде Э.В.* Древние и раннесредневековые ... С. 117 – 132.

бўлиб, улар бу ҳудудга савдогарлар сабабли келиб қолган бўлиши мумкин. К. Абдуллаевнинг фикрича, ҳокимият тепасига Гелиоклнинг келган вақтга келиб Шимолий Бақтрия Юнон-Бақтрия давлати[1] таркибига кирмас эди. Юнон-Бақтрия давлатининг қулаши Гелиоклнинг ўлимидан кейин дарҳол бошланади.

Мил. авв. II аср иккинчи ярмида Бақтрия яхлит давлат эмас эди, балки у кўплаб кичик ўлкалардан иборат бўлиб, «деярли ҳар бир шаҳарнинг ўз ҳукмдори бор эди. Уларнинг қўшинлари жангларда кучсиз ва қўрқоқ»[2]. Ушбу ўлкаларнинг баъзилари ўз тангаларини зарб этиши мумкин бўлган. Эҳтимол, дастлабки даврда Евкратид, Деметрий, Гелиокл тангаларининг асл нусхаларига тақлид айнан мана шу кичик Юнон-Бақтрия ўлкалари ҳукмронлиги вақтида бошланган бўлса керак, ундан кейинги юэчжилар ҳукмдорлари ҳам бунга ўхшаган, фақат нисбатан паст сифатли тангаларни зарб этиб чиқаришда давом этишди.

Пандахейон (Кампиртепа кўҳна шаҳри)даги шаҳар худди шундай кичик ўлкалардан бири бўлиши мумкин, у ерда олд тарафида ҳукмдор, орқа тарафда эса бургут тасвири ва «Шоҳ Гелиокл» ёзуви мавжуд бронза тангалар топилди. Гелиокл зарб қилдирган тангалар орасида бундай танганинг бўлмаганини ҳисобга олсак, улар Гелиокл II даврида зарб қилинганлиги ойдинлашади. У Юнон-Бақтрия давлати[3] парчаланаётган ёки парчаланиб бўлган даврда серҳашам унвонни сақлаб қолганлигига қарамай, кичкина ўлка эди.

Шундай қилиб, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жойлашган тарихий ва маданий ҳудудлардан фақат Шимолий Бақтрия (Сурхондарё вилояти ҳудудида) Юнон-Бақтрия подшолиги таркибига кирган, Сўғдиёна эса қисман ва вақтинча унга бўйсунган эди.

[1] *Абдуллаев К.* Еще раз о подражаниях монетам Гелиокла // Проблемы истории, филологии и культуры. Вып. VIII. Москава-Магнитогорск, 1999. С. 368 – 377.

[2] *Бичурин И.* Собрание сведений ... С. 152.

[3] *Ртвеладзе Э.В.* Древние монеты ... С. 111 – 113.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув тизимининг тавсифи

Юнон-Бақтрия подшолиги марказлашган монархия бўлиб, унда ΒΑΣΙΛΕΩΣ ва ΒΑΣΙΛΕΩΣ ΒΑΣΙΛΕΩΝ мақомига эга подшоҳлар ҳукмрон эди. Подшоҳ исмига унинг буюклигини ёки монархнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттириш учун васф қўшилган: ANIKTOY – енгилмас, MEGALOU –буюк, ΔΙΚΑΟΥ – адолатли, ҳатто уларни худо даражасига кўтариб – ΤΕΟΥ деб ҳам васф ёзиларди. Расмий унвон ва унинг васфи ҳар доим тангаларга подшоҳ номи билан битилган ва ягона ном сифатида қабул қилинган. Масалан: ΒΑΣΙΛΕΩΣ ΑΝΤΙΜΑΧΟΥ ΤΕΟΥ – Шоҳ Антимах худоси.

Эллин давлатларида ҳукмрон сулолалар бир-бири билан қариндошлик алоқаларини ўрнатган, ворислик тартиби эса тўғридан-тўғри отадан ўғилга ўтарди, Юнон-Бақтрия подшолигида бу тартиб бошқачароқ эди. Ёзма манбаларда мавжуд жуда қисқа маълумотларга кўра, ҳеч ерни камида учта, балки ундан ҳам кўпроқ сулола бошқарган, биз томонимиздан таъкидланган Диодот сулоласи иккита шоҳдан иборат – Диодот I ва Диодот II; Евтидем сулоласи ҳам иккита шоҳдан иборат – Евтидем ва унинг ўғли Деметрий ҳамда Евкратид сулоласи – Евкратид ва унинг ўғли Гелиокл, шунингдек, Афлотун бўлиши мумкин. Баъзи олимлар фақат тангаларда тасвирланган подшоҳнинг ўхшашлик даражасига ёки ёшига боғлиқ ўзгаришларга асосланиб бошқа подшоҳларни ҳам таъкидлашган, Евтидем II, Деметрий II, Евкратид II ва бошқаларни[1] ҳам ажратиб кўрсатишган, аммо бу фаразларни ўзсиз қабул қилиб бўлмайди.

Шунингдек, топилган тангалар бўйича фикр-мулоҳаза юритилган бўлсак, Юнон-Бақтрия давлатининг Антимах, Панталеон, Агафокл каби шоҳлари бутун мамлакатни эмас, балки унинг айрим ҳудудларини бошқарган бўлиши мумкин. Ҳукмрон сулолалар билан қариндошлик алоқалари мавжуд бўлмаганлиги сабабли улар

[1] *Массон В.М., Ромодин В.А.* История Афганистана ... С. 308 – 318; *Литвинский Б.А.* Греко-Бактрия, Парфия ... С. 303 – 304; *Tarn W.W.* The Greeks in Bactria ... P. 76–78, 88 – 89, 94 – 95.

ўзларидан олдин оламдан ўтган подшоҳлар номига тангаларни зарб этишга ва шу йўл билан сулолавий алоқаларни кўрсатишга ҳаракат қилишарди.

Аслида, Юнон-Бақтрия подшолигидаги барча сулолаларнинг аждодлари ўзидан аввалги сулолани зўрлик билан ағдариш ва ҳарбий тўнтариш натижасида ҳокимият тепасига келган эди. Фақат Буюк шоҳлар Диадот, Евтидем, Евкратид даврида Юнон-Бақтрия подшолиги марказлашган монархия бўлган эди. Эҳтимол, бошқа даврларда, айниқса, Евтидем вафотидан кейин подшоҳликнинг турли қисмларида бир вақтнинг ўзида бир нечта шоҳлар ҳукмронлик қилгандир.

Ушбу давлатнинг бошқарув тизими ва маъмурий бўлиниши деярли номаълум. У салавкийлар даврига қараганда кичикроқ сатрапликларга бўлинган деб ҳисобланади. Ушбу маълумотлар Страбоннинг Юнон-Бақтрия подшоҳлигининг ғарбий қисмида парфияликлар томонидан бақтрияликлардан тортиб олинган иккита сатраплик – Асипион ва Турива мавжудлиги ҳақидаги маълумотларидан келиб чиққан. В.М. Массоннинг таъкидлашича, Юнон-Бақтрия подшоҳлиги таркибига кирувчи учинчи сатраплик Трансоксания бўлган. Унинг номи парфияликлар тангаларида келтирилган, жойлашган ўрни Арея ва Марғиёна ҳудудига тўғри келади[1]. Лекин Э.В. Ртveладзенинг фикрига кўра, бу сатраплик Окс (Амударё) дарёсининг ўрта оқимида жойлашган эди[2].

Юнон-Бақтрия подшолигининг маъмурий бўлинишида *маркалар* (чегара ҳудуди) муҳим аҳамиятга эга бўлган, унинг тепасида Кушон давлатидаги[3] *каралрагго* (чегара ҳудуд бошлиғи)га ўхшаган махсус шахслар турган.

Бундай турдаги маркалар (чегара ҳудуди), шубҳасиз, Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятида бўлган, чунки у Бақтриянинг бир қис-

[1] *Массон В.М., Ромодин В.А.* История Афганистана ... С. 119.

[2] *Rtveladze E.V.* Parthia and Baktria ... P. 185 – 187. У ерда Трансоксания, яъни Ўрта Осиё Икки дарё оралиғи вилоятларининг жойлашуви ҳақида турли нуқтаи назарлар баён этилган.

[3] *Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В.* Северная Бактрия ... С. 56 – 58.

мидир. Эҳтимол, бу ерда ушбу минтақадаги энг кучли истеҳкомлар тизими шимол томондан келиши мумкин бўлган ҳарбий таҳдиддан ҳимояланиш учун тўпланган бўлса керак. П. Лериш ҳам худди шундай хулосага келади, у Сурхондарё вилояти ҳудудидаги Шимоли-Ғарбий Бақтрияни «сатрапия кейинчалик Юнон-Бақтрия подшолигини чеккасидаги маргинал вилоят» деб таърифлайди[1]. К. Рапеннинг таъкидлашича, ушбу ҳудуддаги Темир дарвоза «Эллинизм ва ундан кейинги даврларда Марказий Осиёдаги асосий геосиёсий воқеаларни реконструкция қилиш учун ўта муҳим».

Ёдгорликларнинг жойлашув топографияси, уларнинг Шимолий Бақтриядаги ўзига хос режалаштирилиши шундан далолат беради, уларнинг баъзилари Юнон-Бақтрия маъмурияти томонидан шимол ва шимоли-ғарбдан Окс дарёси орқали ўтадиган кечувларга борадиган йўлларга, кечувларнинг ўзига ва тоғлардаги ўтиш жойларига уларни қўриқлаш ва ҳимоя қилиш учун қурилганди. Бошқалари – Жондавлаттепа, Далварзинтепа, Қорабоғтепа, Ҳайитодобтепа кичик ҳудудларнинг асосий марказлари эди. Шимолий Бақтриянинг маъмурий аппаратлари орқали ушбу ҳудуд бошқариларди.

Биз мазкур маъмурий ҳудудлар ва уларнинг қандай номланганлигини билмаймиз. Сатрапликни «стратег» унвонли шахслар бошқарганлиги тўғрисида маълумотлар бор, катта сатрапликлар, ўз навбатида, гипархияларга[2] (кичик) бўлинганлиги ҳақида далиллар мавжуд.

Археологик маълумотлар ва ёзма манбалардан олинган кам сонли маълумотлар Юнон-Бақтрия даврида Жанубий Ўзбекистонда жуда кучли ва ривожланган маъмурий бошқарув тизими бўлганлигини кўрсатади.

---

[1] *Pierre Leriche*. Bactria, Land of a Thousand Cities // After Alexander. Central Asiabefore Islam. Proceedings of the British Academia. London-New-York, 2007. P. 133.

[2] *Литвинский Б.А.* Греко-Бактрия ... С. 304.

ЭЛЛИН ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ БАРҲАМ ТОПИШИ. КОНФЕДЕРАТИВ ДАВЛАТЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Ўрта Осиёнинг жанубий қисмида юнонлар сиёсий ҳукмронлигининг тугатилиши дарров юз бермаган. Мил. авв. III аср бошларида юнон давлатчилиги ўрнида кўчманчи халқларнинг Ўрта Осиёни қайта тиклаш йирик ҳаракати бошланади. Мил. авв. III аср ўрталарида парн кўчманчи қавмлари Жанубий Туркманистон ҳудудидан Салавкийлар подшолигини суриб чиқарди ва Парфияликлар подшоҳлигига асос солди. Ўрта Осиёда эллин давлатчилигининг сўнгги таянчи бўлган Юнон-Бақтрия давлати бошқа юнон давлатларига нисбатан узоқроқ вақт ҳукм сурди, шунга қарамай, мил. авв. III аср охирида кўчманчи халқлар, аниқроғи, саклар ёки дахлар Юнон-Бақтрия подшолиги шимолий чегараларига ҳужум уюштира бошлади. Ушбу ҳужум натижасида мазкур подшоҳликнинг эллин ҳукмдорлари бутун Сўғдиёнани қўлдан бой берди, бу ҳудудда шундан кейин, эҳтимол, Қанғ бирлашмаси (конфедерацияси) таркибига кирувчи мустақил ўлкалар шаклланади.

Бу кўчманчи қабилаларнинг Ўрта Осиёдаги эллин давлатчилиги пойдеворига қилган биринчи ҳужумидир.

Иккинчи ҳужум мил. авв. II аср иккинчи ярмида бошланди. Ушбу ҳужум иккита қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда сак ва сармат қабилалари (сакаравллар, асийлар, пасианлар), ундан кейин эса тохар ва юэчжилар босқин қилишди. Биринчиси, афтидан, келиб чиқиши Ўрта Осиёнинг марказий ва шимолий ҳудудларидан, иккинчиси Марказий Осиёдан, тохар-юэчжиларнинг асл ватани бўлган ҳозирги Хитойнинг Ганьсу ҳудудидан бўлган.

Ушбу ҳужумлар натижасида Юнон-Бақтрия подшолиги қулайди, бинобарин, унинг барбод бўлишига бу ҳужумлардан ҳам олдинроқ бошланган ички қарама-қаршиликлар сабаб бўлган бўлиши ҳам мумкин.

Сак-сармат қавмлари жануби-шарққа юриш қилиб, у ерда Ҳинд-Сак номли давлатга асос солишади. Балки уларнинг баъзилари

Бақтрияда қолгандир. Тохар-юэчжилар эса бутун Бақтрия бўйлаб тарқалдилар.

Шундай қилиб, мил. авв. II аср ўртаси ва иккинчи ярми бошларида Ўрта Осиё жанубидаги деярли икки юз йиллик (мил. авв. 330 – 150/140 йй.) эллин давлатчилиги тарихи ўз ниҳоясига етади.

Шунга қарамай, эллин давлатчилигининг алоҳида институтлари жуда узоқ вақт давомида мавжуд бўлган. Масалан, юнон унвонлари Бақтрияда Кушон подшоҳи Канишканинг ҳукмронлик давригача сақланиб қолган, фақатгина унинг ҳукмронлик даврига келиб юнонча шоҳ унвонлари бақтрияликларникига алмаштирилди.

Шунингдек, эллин даври моддий ва маънавий маданияти янада кучлироқ таъсир кўрсатган, уларнинг анъаналари дин ва ёзуви қадимги даврларда мустаҳкам ўрин эгаллаган эди.

Шундай қилиб, юнон-македонларнинг ҳукмронлиги Ўзбекистон жанубида мил. авв. II асрнинг иккинчи ярми бошида тугаган бўлсада, ушбу давлатчиликнинг ўзига хос жиҳатлари у ерда узоқ вақт давомида сақланиб қолди, шунингдек, унинг ривожланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатди.

Мил. авв. III – II асрлар охиридан бошлаб Ўрта Осиё Икки дарё оралиғида эллин давлатчилиги ўрнига кўчманчи қабилалар томонидан яратилган мутлақо бошқа турдаги давлатчилик шаклланади.

Юқорида қайд этганимиздек, дастлаб Сўғдиёна ҳудудида мустақил ўлкалар пайдо бўлди, эҳтимол, уларнинг келиб чиқиши сак бўлиши мумкин, улар Антиох тангаларига тақлид қилиб ўз тангаларини зарб этишди. Кейин эса Бухоро ва Хоразмда, шунингдек, Ўрта Сирдарёда ташкил топган ўлкалар Евтидем ва Евкратид тангаларига тақлид қилиб ўз тангаларини чиқаришди, уларнинг пайдо бўлиши мил. авв. II асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади.

Ушбу тангаларнинг ўзига хос хусусияти уларда келиб чиқиши ягоналик эканлигини билдирувчи тамғаларнинг мавжудлигидир[1]. Бу- Ўрта Осиё Икки дарё оралиғида биринчи давлат рамзлари бў-

[1] *Массон В.М.* Хорезм и кушаны // ЭВ. XVII. М.-Л., 1966. С. 79 – 85.

либ, бу тамғаларни чиқарган ҳукмдорларнинг умумий этник келиб чиқишини, қариндошлик ришталари билан боғлиқ бўлган оилавий шажарага тегишли эканлигини, шу билан бирга, ушбу ўлкаларнинг давлатга хос хусусиятини кўрсатарди.

Ёзма манбалардаги маълумотлар, биринчидан, ўша пайтда Ўрта Осиё Икки дарё оралиғининг аксарият қисми Қанғ давлати таркибига кирганлигини, ушбу ҳудуддаги бешта ўлка унинг тасарруфида бўлганлигини кўрсатади; иккинчидан, бу маълумотни нумизматик маълумотлар билан таққослаб ушбу давлатнинг конфедератив характерга эгалигига ишонч ҳосил қилиш мумкин, чунки ҳар бир ўлка ўз мустақил тамғасига эга эди, бу эса давлат мустақиллигининг рамзларидан биридир.

Афтидан, бу ўлкалар Қанғ бирлашмасининг таркибига маълум бир шартлар, масалан, ҳарбий юришлардан ушбу ҳудудларни ҳимоя қилиш ва ҳ.к эвазига кирган. Бундай шартларнинг мавжудлигини, хусусан, сўғд ўлкаси ҳисобланган Жанубий Қозоғистон ҳудудида дарвоза аркасига ёзилган милодий биринчи асрга тегишли янги топилган сўғд ёзуви кўрсатади. Унда Сўғдиёна қўшинлари Қанғ бирлашмасининг[1] шимолий чегараларини ҳимоя қилишга аскар ажратганлиги битилган.

Айнан шу вақтдан, яъни мил. авв. II асрдан биз Ўрта Осиё Икки дарё оралиғида, аҳамоний ва эллин монархияларидан фарқли ўлароқ, конфедератив турдаги давлатчиликнинг пайдо бўлиши ҳақида гапиришимиз мумкин. Шунингдек, илк Кушон давлатчилиги даврида бешта мустақил ўлкадан ташкил топган Буюк юэчжилар давлатини ҳам шу турдаги давлат қаторига киритиш мумкин.

[1] *Sims-Williams N., Grenet F.* The Sogdian inscriptions of Kultobe // Shygys. Алматы, 2006. №1. P. 95 – 111.

3-БОБ. ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИДАГИ АНТИК ДАВР

ҚАНҒ ДАВЛАТИ

Қанғ (бу хитойча атаманинг бошқа талаффузи Қанзюй) худди бошқа кўчманчи сулолалар томонидан бошқарилган давлатлар (Парфия ва Юэчжи-Кушон) каби Ўрта Осиё харитасида қабилаларнинг кўчиши ва номадлар (кўчманчилар)нинг Ўрта Осиё ўтроқ деҳқончилик ҳудудларига мил. авв. III асрдан бошлаб сезиларли тус олган босқини натижасида пайдо бўлади. Мил. II – III асрларда қудратининг чўққисига чиққан бу давлат ўз ҳокимиятини ҳам кўчманчи аҳоли, ҳам ўтроқ ва ярим ўтроқ халқ ҳудудларигача кенг ёйган эди[1]. Ўша вақтда ғ шарқда ва жануби-шарқда Фарғона ва Еттисувдан тортиб ғарбда Орол ва Уралбўйи ҳудудларигача, Шимолда Сирдарёорти даштларидан тортиб бошқа йирик қадимий давлат – Кушон подшолиги билан чегараларига эга бўлган Сўғднинг жанубий чегараларигача бўлган ҳудудни эгаллаган эди.

Ўзбекистоннинг асосий ҳудудлари бу вақтда ғарбий цивилизация билан буюк дашт ва Хитой ўртасидаги оралиқ жойни эгаллаб, Қанғ давлатининг марказини ташкил этган. Худди жанубда Кушон подшолиги каби Қанғ ҳам муайян тарзда бу қутб дунёларининг ўзаро алоқасига таъсир кўрсатди.

Қанғ ҳақидаги биринчи маълумотлар Қатта Ханларнинг сарой тарихчиси Сима Цяннинг (мил. авв. 145 – 90) «Ши цзи» тарихий йилномасидаги мил. авв. II асрнинг 2-ярмига оид Хитой йилномаларида

[1] Қанғ ва унинг ўрни ҳақида асосий адабиётлар: *Marquart J.* Wehrot und Arang. Leiden, 1938; *Толстов С.П.* Древний Хорезм ...; *Бернштам А.Н.* Историко-археологические ...; *Tarn W.W.* The Greeks in Bactria ...; *Массон М.Е.* Ахангеран. Ташкент, 1953; *Кляшторный С.Г.* Древнетюркские руницческие памятники как источник по истории Средней Азии. М., 1964; *Литвинский Б.А.* Кангюйско-сарматский фарн. Душанбе, 1968; *Филанович М.И.* Ташкент: зарождение и развитие города и городской культуры. Ташкент, 1983; *Гафуров Б.Г.* Таджики. Кн. 2. Душанбе, 1989; *Вайнберг Б.И.* Этногеография Турана в древности. М., 1999; *Габуев Т.А.* Ранняя история алан. Владикавказ, 1999; *Шониёзов К.* Қанғ давлати ва кангликлар. Тошкент, 1990.

келтирилган бўлиб, унинг асосида Буюк Юэчжига юборилган Хитой элчиси Чжан Цзяннинг хабари ётади. Ўзининг саёҳати вақтида мил. авв. 138 – 128 йилларда у Қанғга ташриф буюради ва унинг таърифини қолдиради. «Ши цзи» маълумотларига кўра, Қанг жанубий-шарқда ёки жанубда Довон (Фарғона), шимоли-шарқда усунлар (Еттисув қабилалари), ғарбда катта юэчжилар ва жанубий-ғарбда Дахя (Бақтрия) ўртасида жойлашган. Қанғ ҳақидаги асосий маълумотлар нисбатан кейинги йилномаларда – Хан-шу, Хоу Хан-шу, Вей шу, Бейшу, Таншу ва бошқаларида такрорланган бўлиб, уларга қараб унинг ўсиб борган қудратини, кейин эса қулашини, тарих сахнасидан чиқиб кетишини кўриш мумкин[1]. Қанғни ўрганувчи тадқиқотчилар Хитой манбаларида келтирилган бу давлат Авестода турлар етакчиларининг жойлашган ери сифатида тилга олинган, Сирдарёнинг шимоли-шарқий соҳилида жойлашган Қанғха (Фирдавсий маълумотларига кўра) билан айни бир хил деган фикрга келишмоқда[2].

Манбалар Қанғ чегараларига, ҳудудининг кенгайишига, қўшни халқлар билан алоқаларига оид анча батафсил маълумотларни беради. Улар бу давлатнинг таркиби ҳақида муайян ахборотларга эга, бу эса унинг конфедератив характерга эга бўлганлиги ҳақида хулоса қилишга имкон беради, лекин улар давлатчилик институтлари ҳақида жуда кам маълумотларни тақдим этади. Айтиш мумкинки, мил. авв. III асрнинг охирларидан бошлаб илк Қанғ бирлашмасининг шаклланиши Евроосиё даштлари учун хос бўлган бир хил жараён изидан борган. Бу жараённи ҳудуднинг шарқий чегарасида мил. авв. 2006 йилдан бошлаб сюн (хунлар) бошчилигидаги қабиланинг бирлашишида ҳам, Қанғ билан умумий чегарага эга бўлган ғарбдаги усунларнинг бирлашишида ҳам кўриш мумкин. Қанғнинг ўзи ҳам, мазкур ёзма манбаларга ва археологик материалларга кўра, аввалига Сирдарё (Яксарт)нинг Оролбўйигача бўлган соҳиллари ҳудудини эгаллади. Кейинча-

[1] *Бичурин Н.Я.* Собрание сведений ... С. 147 – 168; *Кюнер Н.Р.* Китайские известия о народах Южной Сибири, Центральной Азии и Дальнего Востока. М., 1961. С. 103; *Hirth F.* The story of Chang Kien, China's pioneerin Western Asia // JAOS. V. 37. pt. 2, 1917. P. 94 – 116; *Groot I.* Mde. Chinesische Urkundenzur Geschichte Asiens. II. B. – Lpz., 1920.

[2] *Кляшторный С.Г.* Древнетюркские рунические ... С. 171.

лик, мил. авв. IV асрдан бошлаб, минтақанинг Сирдарёорти ғарбий қанотида даҳлар етакчилари бошчилигида жанубда Яксарт этакларидан шимолда Оролбўйигача бўлган қабилаларнинг кенг бирлашмаси шаклланади. Гарчи Яксартортидаги этносиёсий ҳолат бу бирлашманинг шаклланиши давридаги кўпмиллатлилик билан фарқ қилса-да, антик давр муаллифлари барча қабилаларни скифлар деб, форс манбалари эса саклар деб номлайди. Бу ерда мил. авв. VI – V асрларда мазкур ҳудудга кўчиб келган «Сўгд атрофидаги» саклар ёки «Яксарт ортидаги» саклар жойлашган деб ҳисобланади.

Яксартортида кўчманчи қабилалар яшаган бўлиб, улар орасидан энг машҳурлари, Страбон маълумотларига кўра, асилар, пасианлар, сакаравлар(сакарауки) ва тохарлар эди, улар сакларга яқин ҳудудлардан кўчиб келишади ва ғарбга қараб ҳаракатланиши давомида мил. авв. II асрда Юнон-Бақтрия подшологининг тўнтарилишида иштирок этади (Страбон, XII, 8, 2). Уларнинг баъзи қисмлари Яксартбўйи ерларида қолишган. Археологик маълумотларга кўра, бу дарёнинг ўнг қирғоғига мил. авв. III асрда келиб чиқиши Шарқий Оролбўйи ҳудудларидан бўлган қабила, чамаси, Даҳлар бирлашмасининг бир қисми кўчиб келган ва қисман яшаб қолган эди. Арриан маълумотларига кўра, даҳлар «Танаис ортида ва Танаис бўйлаб» яшашган (бу ерда: Танаис – Яксарт – Сирдарё) (Арриан, V 12, 2). Страбоннинг маълумотларига кўра, улар Меотиднинг, Орол денгизининг юқори қисмида ҳам яшашган (Страбон, IX 9, 2). Археологик жиҳатдан тасдиқланишича, мил. авв. III асрнинг 2-ярмида Сирдарё ўрталарида бу вақтга келиб Яксартнинг жадал қуриб бораётган жанубий дельта ирмоқлари ҳудудларида яшаган қабилаларнинг таркиби сезиларли даражада аралашиб кетади. Аввалига улар бу ерда қабристонларни қолдирган ва кейинчалик жанубга қараб ҳаракатланган, чамаси, Юнон-Бақтрияга хавф солган қабилаларнинг биринчи тўлқинига қўшилган кўчманчилар эди[1]. Кейин янги келгинди қабилалар пайдо бўлади. Агар Сирдарё делталари деҳқонлари ва

[1] *Алимова Д.А., Филанович М.И.* История Ташкента (с древнейших времен до наших дней). Ташкент, 2007. С. 92 – 94.

чорвачилари маданиятини, ўша машҳур Чирикработ археологик маданияти билан ва жанубдаги Парфия давлатининг асосчилари бўлган Аршак авлоди келиб чиққан даҳлар қабиласининг баъзи қисмлари яшаган жойлар билан айни бир деб қараш қабул қилинса, айтиш керакки, бу қабилаларнинг катта қисми шарққа қараб юради[1]. Улар шаҳарсозлик кўникмаларига эга бўлишган ва Яксарт бўйлаб юқорига қараб боришда йўл бўйи ўзларининг Х шаклига эга, айлана деворлар билан ўралган манзилгоҳларини қолдиришган, бунинг Ғарбий Фаргонагача давом этганини кўриш мумкин. Улар нафақат архитектура ва мудофаа иншоотларини қуриш борасидаги билимларга, балки ривожланган цивилизация (мазкур ҳолатда Хоразм) таъсири остида ўзларига мослаштирилган собиқ кўчманчиларга хос давлатчиликнинг муайян анъаналарига ҳам эга бўлишган, бу билим ва анъаналарини ўзлари билан Яксартбўйи кўчманчилари дунёсига олиб киришади. Археологик маълумотларга кўра, бу янги аҳолининг анча катта оқими бўлган, улар дарёбўйи ҳудудларига мустаҳкам ўрнашишган ва бу ерда давлатнинг шаклланишида иштирок этган бўлишса керак. Яксарторти ерларига Оролбўйидан келган кўчманчилар ўзининг бу ерда илдиз отиши бўйича Бақтрия чегараларига кетган қабилалар олдида яққол устунликка эга бўлган. Б.А. Литвинский таъкидлаганидек, манбаларнинг камлиги қанғликларнинг этник мансублигига доир кўплаб фаразларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди[2]. Уларнинг асосийларидан бири сифатида А. Гутшмидтнинг Қанг бу — сакараукийлар эканлиги ҳақидаги фарази тан олинган. Янги маълумотлар дунёсида Қанғ бирлашмаси асосчиларининг этник мансублиги масаласига бошқача қараш мумкин. Сакараукийлар, эҳтимол, унинг таркибига киргандир, лекин уларнинг асосий қисми жанубга кетган, натижада улар этник гуруҳларнинг етакчилиги учун курашда йўқ бўлиб кетган эди. Улар Қанғнинг асосий ўзагини ташкил этишлари мумкин эмас. Унинг асосини Яксартнинг ўрта оқими ҳудудларидаги қабилалар ва чўлнинг шимолидан кириб келган қабилалар ташкил этган бў-

[1] *Вайнберг Б.И.* Этногеография Турана ... С. 263 – 264.
[2] *Литвинский Б.А.* Кангюйско-сарматский фарн. Душанбе, 1968. С. 18.

лиши керак. Янги маълумотларнинг топилиши билан И. Марквартнинг мил. авв. II асрдаги Қанғ «Шош саклари»давлатининг хитойча номи деган фарази ҳақиқатга анча яқинроқ бўлиб қолди, эндиликда айтиш мумкинки, бу давлатнинг асосини Яксарт этакларидан келиб чиққан маҳаллий аҳоли, шунингдек, кейинчалик шарқдан келган ва бирлашма таркибига қўшилган кўчманчи қабилалар ташкил этарди. Бизда бирлашманинг асосини ташкил қилган қабилаларнинг этник номланиши ҳақида маълумотлар йўқ. Эҳтимол, янги ҳудудларга олиб келинган этноним улар томонидан бу ерда яратилган давлатларга ном бергандир. Эсга оладиган бўлсак, Сирдарёнинг қуйи оқимларини Й. Марквart Қанғ гидроними билан айни бир деб қараган ва бу бир нечта тадқиқотчилар томонидан қўллаб-қувватланди. Хусусан, Б.И. Вайнберг Қанғ деб Сирдарё дельталари ҳудуди ёки дарёнинг ўзи номланган деб тахмин қилади[1]. «Қанғ дарёси» номи Сирдарёга нисбатан мил. VIII асрдангина қўлланила бошланади[2]. У баъзи араб манбаларида ҳам сақланиб қолган бўлиб, бу М.Е. Массон томонидан эътиборга олинган эди[3]. Шуни эслаб ўтиш жоизки, «қанқа»«-Маҳабҳорат»да (мил. V аср) саклар ва тоҳарлар, яъни Яксартортидан келган қабилалар билан бир қатордаги халқ номи сифатида эсга олинади. Улар отни қурбонликка келтиришадиган йирик Веда маросими – мил. авв. II асрдан Ҳиндистонда амалга оширила бошланган Ашва-медхи маросими вақтида ҳадялар олиб келишади. Қанглар пешонасини шохлар билан безаган[4], серсоч одамлар сифатида тасвирланган бўлиб, буни Қанғда буқага (шу билан бирга, от ва қўй – фарнга) сиғинишнинг ҳақиқатда мавжудлигига ишора сифатида қабул қилиш мумкин, археология маълумотларига кўра, бу Шош чегараларида янада кўпроқ тарқалган эди. Птолемей томонидан келтирилган ва у томонидан Яксартбўйида яшовчи қабилаларнинг номи сифатида кўрилган этноним, шунингдек, «kanha одамлари»нинг мос

[1] *Вайнберг Б.И.* Этногеография Турана ... С. 284.
[2] *Кляшторный С.Г.* Древнетюркские рунические ... С. 179.
[3] *Массон М.Е.* Ахангеран ... С. 108.
[4] *Григорьев В.В.* О скифском народе саках // ТВО. Ч. XVI. СПб., 1872. С. 135 – 137.

ҳам ҳисобланади ва бу юнон-рим манбаларида келтирилган сак қабилалари рўйхатида Й. Маркварт томонидан аниқланади[1].

Ёзма маълумотлар ва Сирдарёнинг ўрта оқими ўнг соҳилидаги археологик тадқиқотлар натижасини жамлаганда аниқ бўладики, бу ҳудуд Қанғ бирлашмасининг шаклланишида ўзак бўлганлигини тан олиш мумкин. Маҳаллий қабиланинг бирлашувида қадимги шарқ типидаги давлат институтлари билан таниш бўлган, Шарқий Оролбўйидан келиб қўшилган, хомғиштдан қурилиш қилиш билимларини ўзи билан олиб келган «қанқалар» етакчилик қилган. Чирикобод маданияти тадқиқотчилари Аҳамонийлар давлатининг сатраплигини кўхна Бабиш-мулла шаҳридаги сатраплар қароргоҳлари билан бирга айнан Сирдарёнинг этакларига жойлаштириб тушунтиради[2]. Бу маданият эгаларига кўчманчи (чорвадор) қабилалар хусусиятлари ва ўтроқ қабилалар хусусиятларининг уйғунлиги хос бўлган, бу уларда доимий манзилгоҳларнинг ва мураккаб архитектурага эга монументал қурилишларнинг борлигида ўз ифодасини топади. Бутун хўжалик ва маъмурий фаолият уларда қабила бирлашмаси чегаралари доирасида, таркибига яйловлар, чорванинг ўтлаш жойлари, шунингдек, шудгор ерлар ва ҳимояланган аҳоли манзилгоҳлари кирган ҳудудларда жамланган эди. Бу тузилманинг элементлари илк бор мил. авв. III аср охири – II аср бошларида Сирдарёнинг ўрта оқими ҳудудларида пайдо бўлади. Шуни айтиш керакки, қанғликларга кўчманчи халқ сифатида қарайдиган Хитой манбаларида уларда шаҳарлар мавжудлиги таъкидланади. Кичик хонлар даври йилномалари шуни кўрсатадики, қанғликлар одатлар борасида юэчжи қабиласи билан ҳам, Янцай – Қанғдан шимоли-ғарб тарафда жойлашган «аҳолиси пахса деворлар ичида яшайдиган» ўлка аҳолиси билан ҳам ўхшаш эди[3]. Бу деталь Янцай мамлакатида ва Қанғда доимий яшаш ва, эҳтимол, ҳимояланган манзилгоҳларнинг борлигига ишора қилади. Шунга кўра, Қанғнинг

[1] Geography of Claudius Ptolemy. Transl. into English and ed. by E.L. Stevenson. New York. 1932. P. 144.

[2] *Вайнберг Б.И., Левина Л.М.* Чирикрабатская культура. М., 1993. С. 98.

[3] *Кюнер Н.В.* Китайские известия ... С. 174; *Литвинский Б.А.* Кангюйско-сарматский ... С. 18. Унда К. Ширатори (K. Shiratori)га ҳавола кўрсатилган.

асосий ўзаги таркибига кўчманчилар каби ўтроқ аҳоли ҳам кирган, унинг иқтисодиёти эса кўп қирралилиги билан ажралиб туради.

Сирдарёнинг ўнг соҳилидаги археологик тадқиқотлар бундай тахминни тўлиқ тасдиқламоқда. Чунки бу ерда кўчманчи халқ қабристонлари билан бирга шаҳар типидаги манзилгоҳлар ҳам, ҳатто кўҳна Қанғҳа шаҳри (мил. авв. II – III асрлар) каби бир неча қатор ҳимоя деворлари билан ўралган йирик шаҳар агломерациялари ҳам топилди. Қанғ ҳақидаги бундай тахминни Қанғ ҳукмдорининг Битян шаҳрида яшаганлиги ҳақида «Хан шу»да келтирилган маълумотлар ҳам тасдиқлайди[1].

Қанғ давлат тузилмасининг ўзига хослиги, унинг шарқий мустабид тузум жиҳатларини ўзида акс эттирган Парфия ва Кушон подшолигидан фарқи шунда бўлганки, у уруғ қабила муносабатларини ўзида сақлаган ва, эҳтимол, мил. авв. III асрдаёқ шаклланган қанқалар етакчилари раҳбарлиги остида бирлашган кўчманчи ва ярим ўтроқ қабилаларнинг бирлашмаси бўлган. Хитой манбалари Қанғни унинг ҳукмдорларини назарда тутиб кўчманчи ўлка деб номлашади. Аввалига унинг қудрати заиф бўлган, жанубда юэчжиларнинг ҳокимиятини тан олган, шарқда эса хунларга боғлиқ бўлган эди. Лекин мил. авв. I асрдан бошлаб мил. II асргача у барқарор ҳокимиятга эга, бир қанча юз йиллик давомида ҳукмронлик қилган сулолалар бошчилигидаги кудратли давлатга айланади. Шу жиҳати билан у кўчманчиларнинг ноаниқ чегарага эга бўлган ва доимий ҳаракатдаги тартибга эга вақтинчалик бирлашмасидан фарқ қилади.

Қабилаларнинг бирор-бир уруғ оқсуякларининг нисбатан фаолроқ, ўзини кўрсата олган вакиллари атрофида охир-оқибат бирлашма яратиб жамланиши «ҳарбий демократия» деб номланадиган бирлашмадан бутунлай фарқ қиларди. Кўчманчиларнинг бундай тамойиллар асосида яратилган бирлашмалари, одатда, бутун халқ томонидан сайланган ҳарбий етакчилар томонидан бошқариларди. Бундай етакчилар авлоддан-авлодга ўтадиган ҳокимиятга эга бўлишмаган ва улар-

[1] *Бичурин Н.Я.* Собрание сведений ... С. 184, 186.

нинг атрофида бошқарув аппарати яратилмаган эди. Қанг етакчи раҳбарлар томонидан эмас, балки қатъий ягона «тамға» (сулолавий белгилар)дан келиб чиқиб сулолага асос солган қабиланинг бошлиги томонидан бошқарилган бирлашманинг илк намуналаридан бири эди.

Манбаларда бизгача унинг бошлиқлари номлари етиб келмаган, фақатгина улар ҳар доим ўз номлари билан бир қаторда Қанг уйи бошлиғининг авлоддан-авлодга ўтиб келадиган номини олиб юришгани маълум. Бундай анъана жанубий давлатларнинг кўчманчи қабилаларини бошқарадиган сулолалар учун хос эди. Парфия шоҳлари тангаларда ҳар доим ўз исмлари ёнига авлоддан-авлодга ўтиб келадиган сулоланинг ҳукмронлик номини — «Аршак»ни қўшиб келган, буюк юэъжилар подшолари эса «Кушон» номини қўйишарди.

Қанг бирлашмаси кўлами ҳақида манбалардан олинган қўшин миқдорининг сони гувоҳлик беради. Оила бошлиғи бўлган ҳар бир эркак киши ҳамиша сафда туришга тайёр аскар ҳам ҳисобланганлиги кўчманчилар учун «халқ қўшини» тушунчасининг ўзига хос хусусияти эди. Шунинг учун ҳам манбаларда Қанғ қўшинининг сони ҳар доим оилалар сонига тенг бўлган. Илк Қанғда 90 минг аскар ва 90 минг оила бор эди. Қанғда 120 минг қўшин ва шунча оила бўлган, лекин унда 600 минг аҳоли мавжудлиги кўрсатилган, яъни бутун уруғнинг барча аъзоларини ўз ичига олган аҳоли сонини кўрсатувчи рақам берилган[1].

Қанғ билан бир даврда яшаган, шунингдек, тарихий манбалар томонидан нисбатан кенгроқ ёритилган ўхшаш кўчманчи сулолалардан кўриш мумкинки, у ерда танланган ҳукмдорнинг ҳокимияти, масалан, Парфия подшолигидаги каби оқсоқоллар кенгашига таянган, шунингдек, у билан чегараланиб қолган. Ҳокимнинг унвони маълум бўлмаган, бироқ зодагонлар вакиллари қандай номланганлиги ҳақидаги баъзи бир фикрлар мавжуд. Усунлар, юэчжилар ва қанғликлар (канкалар) зодагонларини англатувчи унвон сифатида манбаларда хонлик вақтидаги илк Кушон тангаларида қўйилган *yavuga* (ябғу) унвони билан бир хил атама учраб туради[2].

[1] *Бичурин Н.Я.* Собрание сведений ... С. 186.
[2] *Литвинский Б.А.* Кангюйско-сарматский ... С. 21.

Қанғ уйи ҳукмдорларининг бошқаруви наслий бўлган. Кўчманчиларнинг анъаналарига кўра, навбатдаги ҳукмдор сулоладан келиб чиққан бўлиши керак эди, лекин олдинги ҳукмдорнинг ўғли бўлиши шарт эмас эди.

Ҳукмдорларнинг асосий вазифаси ҳарбий етакчилик бўлиб қолган. У, шунингдек, қўшни давлатлар билан музокаралар олиб бориш ваколатига эга эди ҳамда савдо муносабатларини йўлга қўймоқчи бўлган давлатларга ўз элчиларини жўнатарди. У диний маросимларни ўтказишда асосий роль ўйнарди, бу анъана сал кейинроқ пайдо бўлган Ши давлатига Қанғдан мерос қолди. Ҳукмдор аждодлари шарафига қурбонлик келтириши ва худолар орасида асосийси ҳисобланган, Яксартorти даштлари халқи томонидан анъанавий равишда қадрланган қуёш худоси Митрага расмий ибодатни амалга ошириши шарт эди.

Қанғнинг пойтахти Тянчи кўли яқинидаги Лоюени ўлкасида жойлашган Битян шаҳри ҳисобланарди[1]. Бироқ ҳукмдор у ерда доимий яшамаган, чунки пойтахтдан етти кунлик йўл масофада унинг қишки қароргоҳи мавжуд эди. Шундай қилиб, Қанғ ҳукмдорларининг қароргоҳи асосий халқнинг чорва билан мавсумий кўчишига боғлиқ эди.

Битянни Тошкент воҳасидаги кўҳна Қанка шаҳри билан айни бир деб ҳисоблашга[2] бир неча уринишлар мавжудлигига қарамай, бу манбалардаги географик масканлар билан унчалик мос келмайди. Яна бир фикрга кўра, Қанғнинг пойтахти нисбатан анча қадимги даврда Қанғҳа шаҳри жойлашган, Сирдарёнинг дельталари атрофидаги ҳудудлар бўлган дейилади. Ёзги қароргоҳни лингвистик таҳлил асосида жойлаштиришга уриниш ҳам кузатилади. Э. Пуллейблэнк шундай хулосага келганки, у ўрганаётган атама Яксартнинг номини беради, қароргоҳ эса Бинкат билан (X асрда Шошнинг пойтахти) мос келади, бинобарин, бу ҳам манбадаги маълумотлар билан асосланмаган фикрдир. Фақатгина шуни таъкидлаш мумкинки, пойтахтнинг мавсумий кўчиши давлат ҳаётида ўз аксини топган, яъни бу ҳокимият (Парфия подшолиги, Кушон давлати) кўчманчи асосга эга бўлган эди.

[1] *Кюнер Н.Р.* Китайские известия ... С. 174.

[2] *Шониязов К.Ш.* Об исторической топонимике Ташкента // ОНУ. 1982. № 7. С. 36 – 37.

Мазкур давлатнинг маъмурий бошқаруви ҳақида манбаларда ноаниқ маълумотлар келтирилади. Эҳтимол, бирлашма ҳаётининг кейинги босқичларида давлат ишларида Қанғга тобе ўлкалар (Хоразм, Сўғд)да мил. авв. I мингйилликнинг иккинчи ярмидан маълум бўлган ёзувдан фойдаланила бошлангандир. Култоб (Жанубий Қозоғистон) да яқинда топилган, мил. II – III асрлар охирига тегишли деб ҳисобланган сўғд ёзувидаги архаик ёзувлар бу ёзувдан дастлаб Қанғ таркибига кирган Чжеше – Ши ўлкасидаги ёзув ишларида фойдаланилганлигини кўрсатади. Кейинги манбалар (Вейшу) Чжешени Қанғнинг дастлабки ҳудудларидаги давомчиси бўлган дейди, бу қуйидаги жумладан келиб чиқади: «Чжеше қадимги Қанг ўлкасидир»[1]. Бу эндиликда Култобдаги ёзувлар бўйича ва Ванван (Э.В. Ртвеладзе маълумотларига кўра)[2] ёки Ванун (В.А. Лившиц маълумотларига кўра)нинг[3] илк сулолалари томонидан чиқарилган тангалар бўйича маълум бўлган Чачаннап (Шош) давлатидир.

Қанғ бирлашмаси унга янги қабилаларнинг қўшилиши ҳисобига мустаҳкамланган, натижада унинг чегаралари кенгаяди. Бу қабилаларнинг кўпчилигини шарқда усунлардан тортиб ғарбда Волгабўйи ва Уралбўйидаги сарматларгача бўлган Евроосиё қабилалари ташкил этарди, улар нафақат ягона хўжалик юритиш асосига, яъни кўчманчи чорвачиликка асосланган ҳаёт тарзига эга бўлишган, балки, мазкур манбаларга кўра, уларнинг «одатларида ва кийинишларида бир-бирига ўхшашлик, бир-бирини гапларини тушуниш» мавжуд эди. Уларни худди юэчжи ва усунлар каби форсийзабонлар деб ҳисоблаш қабул қилинган. Қанғ аҳолисининг кўпайиши қўшинининг қудрати ошишига олиб келди, бу мил. авв. I асрдан бошлаб мил. II асргача давом этади. Бунинг натижасида, аввало, тахмин қилиш мумкинки, юэчжиларнинг қандайдир қисми тарқалиб кетиши рўй беради, бу, манбаларда келтирилганидек, аҳолининг анъанавий

[1] *Бичурин Н.Я.* Собрание сведений ... С. 171.

[2] *Sims-Williams N., Grenet F.* The Sogdian inscriptions ... P. 102; *Ртвеладзе Э.В.* История и нумизматика ... С. 12 – 13.

[3] *Лившиц В.А.* Предводитель Чачского ... С. 124 – 132.

ғшаш жойларидан чиқиб кетиши ва у ерда қўшиннинг 200 мингдан 300 минггача қисқаришига олиб келади[1].

Хан-шу йилномаси Қанғга милоднинг дастлабки йилларида усун шоҳи Бихуанжининг 80 минг содиқ одами билан кўчиб келиши ҳақида хабар беради[2].

Мил. авв. 36 йилда Қанғ ерларига келиб чиқиши хунлардан бўлган шанюй Чжичжи кичик қўшини билан биргаликда келади[3]. Қанғга хунларнинг оммавий кўчиб келиши мил. I асрнинг охирларида Шимолий Шанюй хитойликлари босқинидан кейин кузатилади[4]. Бу қабилаларнинг етакчилари Қанғ уйининг вассаллари бўлишган. Шу тариқа Қанғ бирлашмасига бир қатор янги кўчманчи қабилалар кириб келади.

Манбаларга кўра, ўз тарихининг илк даврларидаёқ, мил. авв. II асрдан бошлаб «Қанғ ўз бошқаруви остидаги 5 та кичик ўлкага эга эди». Ўзининг барча жиҳатлари билан улар бирлашманинг тобе аъзолари бўлишган ва унинг ўтроқ қисми ҳисобланган эди. Бу — Сусе, Фумуи, Юни, Ги ва Юэгияндир. Бу ўлкаларнинг ҳар бирида худди шундай номли шаҳар бор эди. Бу ўлкаларнинг жойлашишига оид бир неча фикрлар мавжуд. Бу борада С.П. Толстов Сусени Қашқадарёдаги Кешда, Фумуни эса Зарафшонда Кушаниянинг ўрнида, Юнини Шош (Тошкент воҳаси)да, Гини Бухорода, Юэгиянни Хоразм (Урганч)да жойлашганини қайд этади[5]. А.Н. Бернштам эса археологик тадқиқотлар натижалари бўйича Юнини Тошкент воҳасида, Сусени Сирдарё ва Ҳиснинг ўрта оқимлари атрофида, Фумуни Янқўрғондан Қазалинскгача бўлган ҳудудда, Гини Сирдарёнинг қуйи этакларида, Юэгиянни эса Хоразмда жойлашганини таъкидлайди[6]. Бу ўлкаларнинг умумий жойлашувида фақатгина Юнини Тошкент воҳаси билан ва Юэгиянни Хоразм билан бир деб ҳисоблаш шубҳа туғдирмайди. Шунингдек, Фу-

[1] *Габуев Т.А.* Происхождение алан ... С. 54 – 55.
[2] *Бичурин И.Я.* Собрание сведений ... С. 184 – 185, 198.
[3] Ўша манба. 93-бет.
[4] *Вайнберг Б.И.* Этногеография Турана ... С. 279.
[5] *Толстов С.П.* По следам древнехорезмийской цивилизации ... С. 144.
[6] *Бернштам А.Н.* Историко-археологические очерки ... С. 216.

муни Самарқанд Сўғдининг шимолий қисмида, Кушания шаҳри жойлашган Миankалда жойлаштириб ифодалаш ишонарлидир. Бу X асрда тугаган Тан сулоласи тарихи билан тасдиқланади, унинг тарихида эса қадимги маълумотлардан фойдаланилган эди. У ерда, жумладан, Хе, яъни бошқача номи Кюшуанига ёки Гуйшуана бўлган ўлка кичик Канг шоҳига тегишли қадимги Фуму шаҳридир дейилган[1]. Бундай қараш қадимги манбаларда ҳам ўз тасдиғини топган бўлиб, уларда Кушон давлати Иштихондан кейин иккинчи ўриндаги ривожланган шаҳар деб номланади. Иштихон шаҳри ҳозирда ҳам Самарқанд шаҳридан шимол тарафда мавжуд. Кўпчилик ҳозирги замон тадқиқотчилари С.П.Толстовнинг эндиликда нумизматик маълумотлар билан ҳам тасдиқланган жойлаштирувини қўллаб-қувватламоқда.

Мазкур ўлкаларда сунъий суғориш асосида ўз далаларига азалдан ишлов берган ва яйловдаги чорвадорлик билан шуғулланган ўтроқ деҳқонлар истиқомат қилишарди. Бу ерда илк шаҳарлар мавжуд бўлиб, шаҳар ҳунармандчилиги, ёзув ривожланди, ҳукмдорлар эса маҳаллий тангаларни зарб этишарди. Хоразм, Бухоро Сўғди, Шош каби ўлкаларда ҳокимият тепасида келиб чиқиши кўчманчи (сармат) бўлган сулолалар ҳам туришган. *Тамғалар* (уларнинг сулолавий белгилари) бир-бирига ўхшаш бўлган, белгиларнинг бир-бирига яқинлиги ягона гуруҳга оидлигини кўрсатади. Бу белгилар тамғаларнинг Канг ҳукмдорлари билан боғлиқлигини кўрсатади[2].

Шундай қилиб, бу уч ўлка ҳукмдорлари, кўриниб турибдики, Кангнинг ҳукмрон сулоласига алоқадор бўлган. Самарқанд Сўғдининг Сусе ва Фуму ўлкалари ҳукмронлари, аксинча, Жаову юэчжи сулоласидан келиб чиққан эди. Бу ўлкалар бирлашма таркибига вассал ҳуқуқлари бўйича ёки Канг ҳукмдорининг ҳарбий ҳаракатларида қўшин билан иштирок этиш мажбурияти ёхуд унга ўлпон тўлаш бўйича кирганми — буниси аниқ эмас. Канг фаол босқинчилик сиёсатини олиб борган, табиийки, давлат катта даромадга эга эди. Шунга ўхшаш бошқа ҳар қандай давлат каби ҳукмрон табақа даромади ҳарбий

[1] *Бичурин Н.Я.* Собрание сведений ... С. 315.

[2] *Ртвеладзе Э.В.* История и нумизматика ... С. 25; *Вайнберг Б.И.* Монеты древнего ... С. 15.

ўлжа ва ўлпонлардан таркиб топарди. Қадимдан Евроосиё кўчманчи қулолаларининг кучи ҳукмдор ўз байроғи остида муайян ҳарбий ҳаракатни амалга ошириш учун тўплашга қодир бўлган, жангга лаёқатли ҳарбий куч сони билан белгиланарди. Ўз қудратининг чўққисига чиққанда Қанғ кучли қўшинга эга бўлган (манбалар 120 мингта деб кўрсатмоқда) ва Хитойга нисбатан анча мустақил сиёсат олиб борган эди. Хитой элчиларининг саройга хабар қилишича, «Қанғ... мағрур ва қатъийр» бўлган[1]. Археологик топилмаларга кўра биз Қанғнинг қўшин сафи қандай кўринганлигини тасаввур қилишимиз, жангчиларнинг таъминоти ва қуроллари ҳақида фикр юритишимиз мумкин. Худди массагетлар ва даҳлар каби уларда ҳам энг яхши жангчилар бўлимини *катафрактариялар* (совут кийган отлиқлар) ташкил этади. Бу ҳақда Самарқанддан шимолдаги Орлат манзилгоҳидаги тепаликлар остидан археологлар топган суяк тахталарда тасвирланган жанг саҳналари далолат беради. Битта лавҳада эса давлат ичида уруғ-эймоқлар (кланлар)нинг ўзаро низоли курашлари тасвирланганга ўхшайди. Лавҳаларда отлиқ ва пиёда жангчилар тўлиқ қуролланган килиб акс эттирилади, отлиқ суворийлар юбка шаклидаги пластинасимон зирҳларни кийишган, кўкракларини ҳимоя қиладиган қалон тақишган, баланд ёқалари уларнинг энса қисмини ҳимоя қилган, ошиларига эса дубулға кийгизилган тарзда тасвирланади. Қуроллар орасида узун қиличлар ва найзалар, илгакли қуроллар, жанговар болталар, камонлар ва ўқлар кенг тарқалганлигини англаш мумкин. Жангчилардан бирида аждар шаклидаги штандарт тасвирланади[2].

Маълумки, милодий биринчи асрда Лю, Янцай ва Ян ўлкалари осиб олинади[3]. Манбаларда улардан ўлпон олинганини аниқ кўрсатувчи далиллар бўлиб, Ян (Уралбўйи сарматлари ҳисобланади), ма-

[1] *Бичурин Н.Я.* Собрание сведений ... С. 184 – 185.

[2] *Пугаченкова Г.А.* Новое о художественной культуре античного Согда // Памятники культуры. новые открытия. Ежегодник. 1983. М., 1985. С. 525 – 529; *Ilyasov J.Ya., Rusanov D.V.* A Study of the Bone Plates from Orlat // Silk Road. Art and Archaeology. Vol. 5. 1997 – 1998. P. 107 – 159.

[3] *Зуев Ю.* Сармато-аланы Приуралья (Яньцай, Абзойя) // Культура кочевников на рубеже веков (XIX – XX, XX – XXI вв.). Материалы международной конференции. Алматы, 1995. С. 39 – 40.

салан, ўлпонни мўйна билан тўлар эди[1]. Кейинчалик номини Аланяга ўзгартирган Янцайга сармат маданиятига эга халқ кўчиб келади. Шимолдаги қисман кўчманчи, қисман ўтроқ деҳқонлар, «пахса деворларда яшовчи» халқ эса оролдан шимол тарафда ва Сирдарёнинг дельталарида жамланган эди. Лю ўлкасига келадиган бўлсак, унинг аниқ жойини кўрсатувчи манбалар етарли эмас. Ўтроқ ёки ярим кўчманчи халқларнинг бирлашма таркибига турли хил ҳуқуқий мақом билан кириши Қанғнинг ярим кўчманчи давлат деб номлашга имкон берадиган жиҳатини келтириб чиқаради. Қанг халқининг лингвистик мансублиги ҳақидаги масала мунозарали бўлиб қолмоқда. Тадқиқотчилар С.Г. Кляшторний, Б.А. Литвинский, С.П. Толстов уни шимолий эрон чорвадорлари қабиласига мансуб деб ҳисоблашади, А.Н. Бернштам, Қ.Ш. Шониёзов, А.Г. Малявкин эса уни туркийзабон деб ҳисоблашади[2]. Манбаларнинг камлиги бу саволга ягона жавобни топишга имкон бермаяпти. Қанг бирлашмасининг шаклланиши тарихига, унинг узоқ вақтлар давомида янги иштирокчилар билан кучайишига эътибор қаратиб, унинг назорати остида Евроосиёнинг катта ҳудуди бўлганлигини ҳисобга олиб тахмин қилиш мумкинки, Қанг ўз қудратининг чўққисига чиққан вақтда турли тилларда сўзлашадиган халқларнинг аралаш бирлашмаси эди.

Давлатнинг иқтисодий ҳаётида савдо-сотиқнинг ролини эътиборга олмаслик мумкин эмас, бу унинг ягона сиёсий бирлашма доирасидаги фаолияти учун ижобий таъсир кўрсатарди. Қанг орқали фаол халқаро савдо йўли ўтган эди. Манбалар мил. авв. II асрдан бошлаб Фарғона ва Торим ҳавзасини Қанг ва Янцай ҳудуди орқали Волгабўйи ва Уралбўйи мамлакатлари билан боғлайдиган муҳим савдо йўли бўлганлигини кўрсатади. Бошқа йўллар Бақтрияга олиб борарди. Товарларнинг Қанғ орқали ҳаракатини назорат қилиш, чамаси, ҳукм-

[1] *Бичурин Н.Я.* Собрание сведений ... Ч. II. С. 229.

[2] *Кляшторный С.Г.* Древнетюркские рунические ... С. 174; *Литвинский Б.А.* Кангюйско-сарматский ... С. 21; *Толстов С.П.* Древний Хорезм ...; *Бернштам А.Н.* Проблемы древней истории и этногенеза Южного Казахстана // Известия АН КазССР. 1967. Серия археология. – Алма-Ата, 1949. С. 90 – 98; *Шониёзов К.* Канг давлати ва қанғликлар ...; *Малявкин А.Г.* Танские хроники о государствах Центральной Азии. Новосибирск, 1989. С. 201.

дорнинг муҳим ҳуқуқи бўлган, бу Қанғнинг мазкур йўллардаги ҳукмронлигини кучсизлантириш мақсадида Хитойнинг олиб борган қизғин дипломатик фаолиятидан кўриниб турибди.

Манбалардаги Қанғ ҳақидаги сўнгги эслатмалар уни мил. 270йилга оид, Ўрта Осиёдан ташқарига ўз элчиларини юбора олган йирик давлат сифатида таърифлайди. V аср манбаларида Қанғ ҳақида Эфталитлар давлати таркибига кирувчи кичик ўлка сифатида таъриф берилади.

ДОВОН – ФАРҒОНА ДАВЛАТИ

Сўнгги бронза ва илк темир даврларида Чуст маданияти Фарғона тарихида асосий роль ўйнаган, чунки айнан шу даврдан водийда шаҳар маданияти вужудга келади ва ривожлана бошлайди, шунингдек, давлатчилик элементлари пайдо бўлади.

Шаҳар маданияти ва Фарғона давлатчилигини ўрганишда Далварзин (Андижон вилояти Ойим қишлоғи, 25 га), Ашқолтепа (Андижон вилояти, 13 га), Чуст (Буонамозор, Наманган вилояти, 4 га) ҳудудлари алоҳида қизиқиш уйғотади. Улар орасида Чуст ва Далварзин алоҳида ажратиб кўрсатилган, улар шаҳарга ўхшаш белгилар ҳисобланган қалъа ва атрофини ўраб турган ҳимоя деворига эга[1]. Шуни таъкидлаш керакки, баъзи бир олимлар Чуст ёдгорликларида ҳимоя деворлари ва қалъаларнинг мавжудлигини инкор этиб, Фарғонадаги илк шаҳарлашиш жараёнига шубҳа билдиришади[2].

Мил. авв. VIII – VII асрларда Чуст маданияти тараққиётининг сўнгги босқичларида Ўрта Осиёда шаҳар давлат асосида биринчи дав-

[1] *Матбабаев Б.Х.* Некоторые итоги сравнительного изучения расписной керамики чустской культуры //ИМКУ. Вып. 30. Ташкент, 1999. С. 41 – 54.

[2] *Сариниди В.И., Кошеленко Г.А.* Средняя Азия в раннежелезном веке. Заключение // Археология: Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. М., 1985. С. 203; *Анарбаев А.* Города Северной Ферганы в древности и раннем средневековье // ОНУ. 1994. № 1-2. С. 48; *Массон В.М.* Средняя Азия в эпоху раннего железа: культурная и социально-экономическая динамика // Раннежелезный век Средней Азии и Индии. Ашхабад, 1984. С. 9.

латчилик тузилмалари вужудга келган[1]. Фарғонада ҳам шунга ўхшаш жараёнлар рўй бергани эҳтимолдан йироқ эмас, бинобарин, турли сабаблар натижасида ва водийнинг шароити туфайли бу жараёнлар Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларига қараганда секинроқ кечади. Шу билан бирга, Далварзин бир қатор белгилари (майдони, истеҳкомлари, қалъаси) бўйича шаҳар типидаги ёдгорлик деб ҳисобланади[2].

Ёзма манбаларда «Қадимги Бақтрия подшолиги» каби давлатчилик тузилмаси ҳақида маълумотлар мавжуд. Фарғона водийси бўйича бундай маълумотлар мавжуд эмас, шунга қарамай, айрим олимлар қадимги Фарғона подшолиги (Довон) мавжуд бўлганлигини тахмин қилишади[3]. Шунинг учун гап мил. авв. I мингйиллик ўрталарига оид Фарғона водийси ҳақида кетганда фақат «чифдом» шаклидаги давлатдан олдинги тузилманинг вужудга келиши назарда тутилади. Бу ҳолатни ҳисобга олиб айтиш мумкинки, Фарғонада бундай давлатчилик тахминан мил. авв. V – IV асрларда вужудга келади[4]. Бу хулоса иккита тарихий фактга асосланган. Биринчиси: айнан мазкур даврга оид археологик топилмалар (Шўрабашат маданияти)нинг топилиши бу ерда ишлаб чиқариш кучи ривожланганлигини (товар ишлаб чиқариш ва савдонинг кучайишини) тахмин қилишга асос бўлади. Иккинчиси: мил. авв. II асрдаёқ бу ерда кўп сонли шаҳарлар мавжуд бўлган. Мил. авв. 136 – 128 йилларда Фарғонада бўлган Хитой элчиси ва саёҳатчи Чжан Цзян: «Довонда 70 дан ортиқ кичик ва катта шаҳарлар бор», – деб қайд этганди[5].

Довон давлати (баъзан ўлкаси) ҳақидаги асосий маълумотларни Хитой йилномаларида, шунингдек, археологик қазилмалар натижаларида кўриш мумкин. Олдинги Хитой манбаларида Фарғона Довон

[1] *Массон В.М.* Средняя Азия в эпоху раннего железа: культурная и социально-экономическая динамика // Раннежелезный век Средней Азии и Индии. Ашхабад, 1984. С. 9.

[2] *Zadneprovskiy Y.A.* Early urban developments in Central Asia // Iran, XXXIII. 1995. P. 157.

[3] *Заднепровский Ю.А.* Древняя Фергана // История Киргизской ССР. Т. I. Фрунзе, 1984. С. 178; Ўша муаллиф. Раннежелезный век Ферганы и проблема возникновения Даваньского государства. Раннежелезный век Средней Азии и Индии // Труды международного Симпозиума. Ашхабад, 1984. С. 31 – 34.

[4] *Аскаров А.* Ўрта Осиё қадимги дунёсининг асосий хусусиятлари // ЎИФ. 1994. №6. Б. 33; *Заднепровиский Ю.А.* Раннежелезный век ... С. 31 – 33.

[5] *Бичурин Н.Я.* Собрание сведений ... С. 149, 187.

ёки Даюан (Да-Ван[1] – катта Ван)[2] номи билан аталади. Бу манбаларда Фарғона номи турли вақтларда турлича келтирилади: мил. V асрда – «Лона» ёки «Полона», мил. VI – VII асрларда – «Бохан», мил. VII – VIII асрларда – «Нинюан». Бироқ Фарғонанинг қадимги хитойча номи («Лона» ёки «Полона», «Нинюан») ўзининг аниқ таърифини топиши учун вақт керак бўлди. Фақатгина 1756 – 1758 йилларда француз хитойшуноси М. Дегин Довон номини Фарғона билан боғлиқлигини исботлади. Кейинчалик бу фикр бошқа кўпчилик олимлар томонидан қўллаб-қувватланди. Бинобарин, бир қатор тадқиқотчилар, жумладан, Э. Пуллейблэнк Довон Сўғд ҳудудида жойлашган деб тахмин қилади. У ўзининг хулосаларини Довон деҳқончилик ривожланган давлат бўлган бир пайтда Фарғонада қадимги деҳқончилик ёдгорликлари бўлмаганлиги билан асослайди[3]. Бироқ 50-йилларда ўтказилган археологик тадқиқотлар Фарғона Ўрта Осиёнинг қадимги деҳқончилик марказларидан бири бўлганлигини кўрсатади.

Довон давлати чегаралари ҳали аниқ белгиланмаган. Хитой манбаларига кўра, Довон катта давлат бўлган эди[4]. Чжан Цзян маълумотлари уни шимоли-ғарбда Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимлари ҳудудини эгаллаган Қанг билан чегараланганлигини, жанубда юэчжилар билан, шимолда усунлар билан чегарадош бўлганлигини кўрсатади. Шунингдек, Довон қадимги Хитой пойтахтидан ғарбга қараб 10 000 ли масофада жойлашганлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Ғарбий Фарғона (ҳозирги Хўжанд вилояти) ва Олой Довоннинг таркибига кирган-кирмаганлиги аниқ эмас. Т.В. Беляев маълумотларига кўра, мил. 82 йилларда Хўжанд Довоннинг бир қисми бўлган[5]. Бироқ бизнинг тахминимизча, Хўжанд Қанг давлати таркибига кирарди.

---

[1] Аниқланган маълумотларга кўра, «Даюань» бўлиши керак. Қаранг: *Малявкин А.Г.* Танские хроники ... С. 186.

[2] Ўша манба.

[3] *Pulleyblank E.G.* Chinese and Indoeuropean // Journal of Royal Asiatik Society of Great Britain and Ireland. London. 1966. P. 25 – 30.

[4] *Бичурин Н.Я.* Собрание сведений ... С. 153.

[5] *Беляева Т.В.* Керамика Ходжента как исторический источник // ТД «Средняя Азия и мировая цивилизация». Ташкент, 1992. С. 25 – 26.

Бу ҳақда, хусусан, Тошкент воҳаси ва Фарғонанинг ўша давр моддий маданиятидаги ўхшашлик ҳам гувоҳлик беради.

Олойга келсак, у Довоннинг таркибига кирган бўлиши керак. Чунки у географик жиҳатдан Фарғона водийсига яқин бўлган. Шундан келиб чиқадики, Довон тўлиқ ҳозирги Фарғона водийси ҳудудида жойлашган. Шу билан бирга, Н.Б. Горбунова Довон фақат Фарғона водийсининг шарқий қисмини эгаллаган деб тахмин қилади[1]. Шубҳасиз, турли омиллардан келиб чиқиб, мазкур давлатнинг ҳудуди муайян ўзгаришларга учраган, бу ҳолат қадимги давлатлар учун табиийдир.

Довон шаҳарлар ва воҳаларнинг иттифоқи асосида шаклланган, патриархал-қулдорлик тусидаги подшолик давлати эди. А.А. Асқаровнинг фикрича, у даврда аҳолининг бир қисмини ҳамда қўшиннинг ўзагини ташкил этувчи эркин жамоалар давлатнинг ижтимоий-иқтисодий асосини ташкил қилар эди[2]. Шубҳасиз, Довонда қуллар меҳнатидан давлат даражасида фойдаланилмаган, аммо жамиятнинг табақаланиши, шунингдек, давлат ва хусусий мулк мавжуд эди. Бу, хусусан, баъзи алоҳида яшайдиган оилалар ўзларида бир неча минг ўлпон (сиғим ўлчови: 1 ўлпон = 100 кг) шароб сақлаганидан кўринади[3]. Бундай катта миқдордаги ичимликни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш учун битта оиланинг имкониятлари етарли эмаслиги аниқ.

Қадимги Фарғона давлатини «Ван» унвонига эга бўлган ҳукмдор бошқарарди. Унинг бир нечта ҳукмдорлари номлари сақланиб қолган: Моцай, Чан Фин, Мугуа, Янлю[4]. Давлат ишларини муҳокама қилишда подшоҳ оқсоқоллар кенгашига таянарди. Манбалар шуни кўрсатадики, шоҳга яқин одамлар (одатда, қариндошлар) орасидан ёрдамчилар тайинланган: битта катта ёрдамчи Фу-ван (хитой тилида)

[1] *Горбунова Н.Г.* Поселения Ферганы первых веков нашей эры (некоторые итоги исследования) // СА. 1977. № 3. С. 118.

[2] *Аскаров А.* Ўрта Осиё қадимги дунёсининг асосий хусусиятлари ... С. 33 – 35; *Заднепровиский Ю.А.* Археологические памятники южных районов Ошской области (середина I тыс. до н.э. – середина I тыс. н.э.). Фрунзе, 1960. С. 59.

[3] *Бичурин Н.Я.* Собрание сведений ... С. 161.

[4] Маълумки, хитой тарихчилари ҳудудларнинг географик номлари, шунингдек, исмларни хитой тили ёзуви қоидаларига мувофиқ ёзишган. Маҳаллий номларнинг хитойча сўзларга ўхшаши ҳам шу сабабдан.

ва битта ёш Фу-го-ван[1]. Оқсоқоллар кенгаши мамлакат ҳаётида ҳал қилувчи роль ўйнарди (схемага қаранг). У ҳар доим давлатнинг энг муҳим масалаларини, яъни уруш эълон қилиш ёки тинчлик музокараларини муҳокама қилиш учун йигиларди.

Баъзида оқсоқоллар кенгаши ҳатто шоҳнинг тақдирини ҳал қиларди. Худди шундай, урушда мағлубиятга учраганлиги сабабли ван Моцай овозларнинг умумий сони бўйича айбланади ва қатл этилади. Бошқа бир ҳолатда Хитой элчиси музокаралар пайтида ғазабланиб отнинг олтин ҳайкалчасини тушириб юборади, бу оқсоқолларни қаттиқ ранжитган ва унинг ҳам тақдири шундай кечган. Кенгашнинг бундай муҳим ролини ҳисобга олган ҳолда у ўзига хос қонун чиқарувчи орган вазифасини бажарган деб тахмин қилиш мумкин. Эҳтимол, мамлакат ҳудудни шаҳар ва воҳаларга бўлиш орқали бошқарилган бўлса керак. Бироқ Хитой манбаларида Ючен шаҳри ҳокими (замонавий Ўзган яқинида) Хитой армиясига озиқ-овқат беришдан бош тортгани ҳақида маълумотлар мавжуд. Бундан келиб чиқадики, ҳар бир шаҳар ва воҳада ўзининг ҳукмдори бор эди[2]. Н.Г. Горбунованинг фикрича, айнан шу ҳокимлар оқсоқоллар кенгашининг таркибига кирган ва унда ҳал қилувчи рол ўйнаган эди[3].

Ички тартибни ва ташқи душмандан ҳимояланишни таъминлаш учун Довон асосан пиёда аскарлар ва отлиқлардан иборат 60 минг кишилик қўшинга эга эди. Манбаларга кўра, довонликлар «отда ўқ отиш қобилиятига эга» бўлганлар[4]. Жангчиларнинг қуроллари ўқ ва найзали камондан иборат эди. Довон қўшини ҳам очиқ жангларни, ҳам узоқ мудофаа урушларини олиб боришни билган, буни уларнинг Довон пойтахти — Эрши шаҳрини қаҳрамонларча ҳимоя қилганликлари тасдиқлайди.

---

[1] *Бичурин Н.Я.* Собрание сведений ... С. 186.

[2] Археологик материалларга кўра, Фаргона водийсидаги Довон шоҳлиги даврида маҳаллий ўзига хос жиҳатларга эга камида 6 — 7 тадан кулолчилик марказлари бўлган. Марказларнинг ҳар бири бир ёки бир неча сугорма ҳудудларни камраб олган. *Горбунова Н.Г.* Поселения Ферганы первых веков нашей эры ... С. 40 — 42.

[3] *Gorbunova N.G.* The culture of Ancient Fergana. VI century B.C. — VI century A.D. // British archeological reports. International Series 281. London, 1986. P. 181.

[4] *Бичурин Н.Я.* Собрание сведений ... С. 149.

Довон давлати аҳолиси сони 60 минг оила бўлиб, тахминан 300 минг фуқарони ташкил этарди. Баъзи олимлар бундай фактга шубҳа билан қарашади. Ю.А. Заднепровскийнинг фикрича, бу рақам бироз камайтирилган, чунки бу қўшни кўчманчи қабилалар аҳолисидан камроқ. Эҳтимол, бу Довоннинг қандайдир бир қисми аҳолисини билдиргандир, аҳоли сонини 500 — 600 минг киши деб кўрсатиш ҳақиқатга яқинроқ бўлар эди[1]. Тахминларга кўра, давлат аҳолисининг тўртдан бир қисми ўша пайтдаги мавжуд шаҳарларда истиқомат қилар эди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Довонда 70 дан ортиқ катта-кичик шаҳарлар бўлган, улар орасидан фақатгина учтасининг номи қайд этилган — Эрши, Ючен ва Гуйшуан. Археологик қазилмалар нафақат ўша даврдаги йирик шаҳарларнинг мавжудлигини тасдиқлайди, балки уларни янги маълумотлар билан тўлдиради. Бугунги кунга келиб Довон даврига оид бир неча ўнлаб йирик археологик ёдгорликлар топилган. Булар, хусусан, Шўрабашат (майдони 70 га, Ўзган шаҳри, Ўш вилояти), Қўрғошинтепа (Ўш яқинида), Янгибозор (10 га, Ўш вилояти, Наукат тумани), Мингтепа (38 га, Андижон вилояти), Кува (12 га, Фарғона вилояти), Баландтепа (9 га, Наманган вилояти), Учқўрғон 1 (24 га), Оқтепа (12 га) ва Қайнават (15 га, Наманган вилояти)[2] ёдгорликларидир.

Довоннинг шарқий қисмида мустаҳкам деворлар билан ўралган ва ўз ҳукмдорига эга бўлган Ючен шаҳри жойлашган. Дастлаб олимлар уни ҳозирги Ўзганнинг ўрни билан белгилаган эдилар. Бироқ Ю.А. Заднепровский Ючennинг жойлашувини қадимги Шўрабашат харобалари билан боғламоқда. Эҳтимол, бу Ўзган ҳудудида Довон даврига оид археологик материаллар топилмагани билан боғлиқдир. Шу билан бирга, Шўрабашатда ушбу даврга мос келадиган бир нечта ҳимоя деворлари ва қатламлари мавжудлиги аниқланди.

Хитойдан Фарғонага бориш йўлидаги иккинчи катта шаҳар Эрши бўлган, у ерда ҳукмдор қароргоҳи жойлашган эди. Қадимги муаллиф-

[1] *Заднепровский Ю.А.* Древняя Фергана ... С. 180.

[2] *Матбобоев Б.Х.* Фарғона қадимий шаҳарларининг жойлашган ўрни муаммолари // ЎИФ. 1995. № 9. 78-бет.

ларнинг таъкидлашича, улар машҳур самовий отларни етиштиришган. Шаҳар икки қисмдан иборат эди: ички ва ташқи. Манбаларда шаҳарнинг жойлашган ўрни тўғрисида ишончли маълумотлар йўқ. Унинг жойлашган ўрнига оид турли хил фикрлар мавжуд. А.Н. Бернштамнинг айтишича, у Андижон вилоятидаги Марҳамат (Мингтепа) шаҳрининг ўрнида жойлашганлиги борасидаги тахмин энг асослисидир[1].

Бу борада савол туғилади: нима учун бу Марҳамат шаҳри билан боғлиқ? Биринчидан, юқорида кўрсатилган манбага кўра, Эрши Фарғона водийсининг шарқий қисмида жойлашган; иккинчидан, ушбу кўҳна шаҳарда кучли мудофаа истеҳкомлари тизими (ички ва ташқи деворлар) ва катта майдон (38 га) топилган; учинчидан, бундай катта ёдгорлик водийда бошқа аниқланмади. Яна шуни қўшимча қилиш керакки, хитойликлар томонидан улуғланган «самовий отлар»нинг тасвирлари Мингтепа яқинидаги қояда топилган бўлиб, улар чизилган вақти бўйича Эршининг гуллаб-яшнаш даври – мил. авв. II – I асрларга мос келади.

Довондаги кейинги шаҳар кейинчалик Гесай деб номланган Гишан саналади. У Фарғонанинг шимолида жойлашган, аммо унинг аниқ жойлашган ери масаласи ҳалигача ўз ечимини топмади. Олдинроқ, 1909 йилда, В.В. Бартольд бу шаҳарни Наманган вилояти Косонсой шаҳри яқинидаги Муғ қалъасининг харобалари билан боғлаган эди. У ўз фикрини Хитой манбаларидаги маълумотлар билан тасдиқлайди: «Лона – бу Гуйшан ҳукмдорининг қароргоҳи бўлган қадимги Дован ўлкасидир»[2]. Кейинчалик бу ғоя А.Н. Бернштам ва Ю.А. Заднепровский томонидан ривожлантирилди. Бироқ бу икки олим ҳам Довоннинг сиёсий пойтахти Эрши бўлган деб ҳисоблашади. Бундан ушбу подшоҳликда иккита пойтахт бўлган деган хулоса келиб чиқяпти. Агар манбаларнинг моҳиятига чуқурроқ кириб борилса, мил. авв. II асрда давлатнинг пойтахти Эрши бўлганлиги, мил. I асрда Гуйшан бўлганлиги маълум бўлади[3]. Эҳтимол, мазкур ҳолатда биз ҳукмдор-

[1] *Бернштам А.М.* Историко-археологические очерки ... С. 228 – 230.

[2] *Бичурин Н.Я.* Собрание сведений ... С. 260.

[3] *Боровкова Л.А.* Запад Центральной Азии во II в. до н.э. – VII в. н.э. (Историко-географический обзор по древнекитайским источникам). М., 1989. С. 56.

ларнинг Шарқнинг айрим мамлакатларида мавжуд бўлган ёзги ва қишки қароргоҳларини кўриб чиқаётгандирмиз[1]. Масалан, қўшни Қанғда (мил. авв. II аср – мил. V аср) иккита пойтахт бор эди: ёзги – Фаней ва қишки – Битян[2]. Шундай қилиб, Довонда иккита пойтахт мавжуд бўлган деб ҳисоблаш мумкин, аммо Муғ қалъаси – Гуйшан майдони бўйича унчалик катта бўлган эмас. Аниқроғи, бу қалъа давлатнинг пойтахти эмас, балки мустаҳкамланган форпост (истеҳком) бўлган бўлиши керак.

Биринчи марта Довон давлати мил. авв. II асрда, охирги марта эса мил. III асрда Хитой элчиларининг Фарғонага 280 – 289 йилларда келиши билан боғлиқ равишда тилга олинган. Шундан сўнг ёзма манбаларда Довон ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ, аммо бироз вақт ўтгач – 436 йилда императорнинг элчиси Всй Дун Ван Полонага – собиқ Довонга йўл олганлиги ҳақида хабар пайдо бўлади[3]. Шундан кўриниб турибдики, ўша вақтга келиб сиёсий вазият ўзгарган ва Довон бошқа ном – Полона номини олган эди. Шундай қилиб, Фарғонадаги давлат 400 – 500 йил давомида Довон номи билан мавжуд бўлган.

Ўз тарихи давомида бу давлат ҳеч қачон йирик империялар ва кучли давлатлар таркибига кирмаган, ўзининг сиёсий эркинлигини сақлаб келган. Фарғона водийси мил. авв. VI – IV асрларда эрон аҳамонийларининг босқинидан ва Македониялик Александрнинг юришидан четда қолган эди. Водийга салавкийларнинг кириши ҳақида ҳам маълумотлар йўқ.

Шундай қилиб, Довон (Фарғона) давлати мил. авв. IV асрдан бошлаб мавжуд бўлиб, бошқарув тамойили бўйича подшолик ҳисобланарди. Довонда деҳқончилик ва чорвачилик юқори тараққиётга эришади. Деҳқончилик сунъий суғоришга асосланган эди. Довонда хилма-хил ҳунармандчилик турлари анча ривожланади ва бу шаҳар маданиятининг гуллаб-яшнашига олиб келади. Ёзма манбалардан маълумки, Довон аҳолисининг 25 фоизи шаҳарларда яшар эди.

---


[1] *Ибрат.* Фарғона тарихи. Тошкент, 1991. 283-бет.

[2] *Бичурин Н.Я.* Собрание сведений ... Ч. 1. С. 184.

[3] *Боровкова Л.А.* Запад Центральной Азии во II в. до н.э. – VII в. н.э. ... С. 104 – 130.

Буюк ипак йўлининг шаклланиши ҳам ушбу давлатнинг ривожланиш даврига тўғри келади. Ушбу қитъалараро савдода Фарғона Шарқий Сўғдиёна чегараларидан Тан давридаги Хитой империясига қадар бўлган йўлда хавфсизликни таъминларди, озиқ-овқат, ем-хашак, юк ортиладиган ҳайвонларни етказиб берарди, таржимонлар ва йўлбошчиларни бериб турарди. Довон давлати Фарғонанинг келгусидаги тараққиётига таъсир кўрсатди.

Довон давлатидаги бошқарув тизими



ХОРАЗМ ДАВЛАТИ

Мил. авв. I мингйилликнинг сўнгги чорагида Хоразм жадал иқтисодий ва маданий юксалишни бошдан кечиради. Ушбу даврда минтақанинг ўзига хос моддий ва маънавий маданиятини маҳаллий ва четдан кириб келган элементларнинг табиий аралашмаси сифатида кўриш мумкин. Бу бир неча омиллар таъсири остида шаклланди.

Энг аввало, бу ўша пайтда Амударёнинг қуйи этакларида содир бўлган марказлашиш жараёнларини кўрсатади, бунинг натижасида мазкур ҳудудда ички бозорнинг шаклланганлигини тасдиқлайди. Бу даврда бутун Хоразмда моддий маданиятнинг бир хил кўринишга эга

бўлганлиги, шунингдек, сопол идишларнинг юқори даражада стандартлаштирилганлиги гувоҳлик беради. Ўша даврда хоразмлик кулоллар баъзи кулолчилик буюмлари (биринчи навбатда, уй-рўзғор идишлари)га шакл бериб ишлашда идиш ҳажмининг маълум бир қисмини ташкил этган белгиланган стандартга амал қилишган деб ҳисоблаш учун барча асослар мавжуд[1].

Қатъий ишонч билан таъкидлаш мумкинки, Хоразм кулолчилигида сопол идишларни безашнинг белгиланган анъанавий нормалари ва қоидаларига амал қилинарди, бу норма ва қоидалар катта миқдордаги кулолчилик идишларига ишлов бериш натижасида шаклланган эди. Шуни таъкидлаш керакки, мил. авв. IV – II асрларга оид Хоразм кулолчилиги Ўрта Осиёдаги бошқа қадимий деҳқончилик ўлкаларининг бу даврдаги кулолчилигидан кескин фарқ қилади. Қўйқирилганқалъа, Қалъалиқир 2, Хумбузтепа, Ойбуйирқалъа, Шовотдаги Тупроққалъа, Ўнгсоҳил қишлоғи каби ёдгорликларни қазиш жараёнида олинган, мил. авв. I мингйилликнинг сўнгги чорагига оид сопол буюмлар етарлича тўлиқ ўрганилди[2]. Хоразм кулолчилигининг кескин ажралиб турадиган жиҳатлари нақш берилган сопол буюмлар, ҳайвонлар тасвири ўйиб ишланган сопол жомлар, бўртма сув идишлар ҳисобланади.

Фақат уй-рўзғор буюмларига нақш ишланарди. Идишлар гулдор нақшлар билан безатилган, кўпинча ёркин ангоб бўйлаб ёки бевосита идишнинг ташқи юзаси бўйлаб қизил рангли бўёқ бериларди. Хоразмлик кулоллар идишнинг ташқи юзасида маълум бир тартибда жойлаштирилган ва нимага мўлжалланганига мувофиқ берилган

[1] Бу ҳақда батафсил қаранг: *Болелов С.Б.* К вопросу о стандартизации среднеазиатской керамики в древности (по материалам Қалалы-гыр 2 в Левобережном Хорезме) // VI чтения памяти профессора Блаватского В.Д. ТДК. М., 1999; Қалалы-гыр 2. Культовый центр в Левобережном Хорезме IV – II вв. до н.э. С.109 – 112.

[2] Хоразм кулолчилиги ҳақида батафсил Қаранг: *Воробьева М.Г.* Керамика Хорезма античного периода // Труды ХАЭЭ. Т. IV. М., 1959; *Неразик Е.Е.* Сельское жилище ...; *Мамбетуллаев М.* Хумбуз-тепе – керамический центр южного Хорезма // Древности Приаралья. Вып. II. – Ташкент, 1984; Ўша муаллиф. Городище Большая Айбуир-кала (раскопки 1976 – 1977 и 1981 г.) // Древности Приаралья. Вып. IV. Ташкент, 1990; *Болелов С.Б.* К вопросу о периодизации раннего этапа истории Древнего Хорезма // TRANSOXIANA. История и культура. – Ташкент, 2004; Қалалы-гыр 2 ... С. 93 – 148.

безак элементларининг анъанавий тўпламидан фойдаланарди. Нақш элементларини танлаш ва уларни идиш юзасига жойлаштириш бирор мақсадда ўйлаб қилинарди. Буни, аввало, идиш мураккаб безак композицияси билан безатилганидан, идишларнинг шакл бериш жараёнида безак қисмларига ажратиб ишланганидан, идишга битта декоратив элементдан иборат оддий безак берилганида эса бундай бўлинган қисмларнинг йўқлигидан кўриш мумкин. Фақатгина идишларнинг айрим турларида эмас, балки идиш танасида маълум тартибда жойлашган тегишли безак чизиқларида ҳам кўп маротаба такрорланадиган безак элементларининг барқарор комбинацияси бу безак композициялари нафақат эстетик вазифани бажарган, балки қайсидир даражада қадимги хоразмликларнинг дунёқарашини ҳам ўзида акс эттирган деб ҳисоблашга асос бўла олади[1]. Бутун Хоразм ҳудудида топилган идишлар безак композициялари ва турларининг барқарор бирикмаси мил. авв. IV – II асрларда кулолчиликда стандартлаштириш даражаси юқори бўлганлигига яна бир далил бўла олади, бу эса тарихий-маданий соҳа доирасида ягона бозорнинг шаклланганидан далолат беради.

Мил. авв. I мингйилликнинг охирги чорагида Хоразм давлатининг ўзига хос маданияти шаклланишига таъсир кўрсатган яна бир муҳим омил Амударё бўйлаб Узбой ўзани орқали Каспий денгизига бориб қуйиладиган сув йўлининг мавжудлигидир. Афтидан, мил. авв. VII асрнинг бошидан Амударё сувларининг Сариқамиш бўйидаги дельталарга оқиши бошланади ва Сариқамиш аста-секин тўлади. Тахмин қилиш мумкинки, мил. авв. V аср охири – IV аср бошларида Амударё сувларининг Узбой орқали Каспий денгизига доимий оқими юзага келади. Натижада Хоразмга Каспий денгизи орқали Ахамонийлар давлатининг энг ривожланган марказий ва ғарбий туманларига, биринчи навбатда, Мидия ва Месопотамияга бориш учун қисқа йўл очган сув йўли орқали алоқа йўлга қўйилади. Денгизнинг тор қисми орқали йўл Кура дарёси қуйилиш қисмига, у ердан эса Кавказорти орқали Кура-Сурами довони ва Фазис дарёси бўйлаб ўтиб, Фазис шаҳри яқинидаги

[1] Бу ҳақда батафсил қаранг: *Болелов С.Б.* К вопросу о соотношении ... С. 108.

Қора денгизга олиб борган, у ердан Қора денгиз бўйидаги шаҳарларга ва ундан кейин Кичик Осиёга олиб борган эди[1].

Ушбу сув йўли Хоразм учун жуда катта аҳамиятга эга эди. Афтидан, Узбой бўйлаб доимий сув алоқаси йўлга қўйилган ўша даврда Хоразм дастлаб Ахамонийлар империясининг алоҳида сатраплиги сифатида ажратилган[2], бирмунча вақт ўтгач мустақил давлат бўлиб шаклланган. Қалъалиқир 2 ва Қўйқирилганқалъа каби ёдгорликларни қазиш пайтида топилган археологик мажмуалар Қавказорти, Мидия ва янада кенгроқ — бир томондан, Жанубий Каспийбўйи туманлари билан, бошқа томондан, жанубий деҳқончилик ўлкалари (Бактрия, Сўғд, Марғиёна) билан яқин маданий алоқалар бўлганини намоён этади. Бундан ташқари, шу ўринда, нафақат турли хил ёдгорликлардан топилган импорт буюмлар ҳақида, балки Жанубий Каспийбўйи туманлари ва Мидиянинг бу ерга маданий таъсири ҳақида ҳам гапириб ўтиш керак[3]. Бадиий ва ибодат билан боғлиқ бўлган сопол буюмлар мажмуаси, шунингдек, Хоразм терракотаси бунинг яққол намунасидир.

Археологик адабиётларда кўп айтилганидек, дипий маросимларда ишлатиладиган амфора шаклидаги икки дастали идишлар каби кулолчилик буюмлари ва ҳайвонлар ёки хаёлий мавжудотлар қиёфаси туширилган, шох шаклида ишланган жомларнинг катта қисми Хоразмда ахамонийлар давридаги маросимларда ишлатиладиган металл идишларга ўхшатиб тайёрланган[4]. Шернинг боши шаклидаги бир тутқичли кўзалар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Бўртма қилиб ишланган фляга (сув идиш)ларни ҳам шу сопол идишлар тоифасига киритиш

[1] *Вайнберг Б.И.* Водный торговый путь по Амударье и культовые центры вблизи него // РИФК. Вып. XV. Москва-Магнитогорск, 2005. С. 13 – 18.

[2] Тахмин қилинишича, Сариқамиш бўйи делталаридаги асосий оқимлардан бири жанубий Даудан ўзапидаги тепаликда қуриш бошланган янгидан шаклланган Қалъалиқир сатраплик қалъаси маркази учун жой танлаш айнан сув йўли билан боғлиқ. Қаранг: *Вайнберг Б.И.* Изучение памятников ... С. 21-22.

[3] *Болелов С.Б.* К вопросу о южных и юго-западных связях Хорезма во второй половине I тыс. до н.э. по археологическим данным (древне хорезмийский археологический комплекс) // Центральная Азия. Источники. История. Культура. М., 2005. С. 215-234.

[4] *Вайнберг Б.И.* Техника изготовления культовых сосудов второй половины I тыс. до н.э. в Хорезме// Средняя Азия. Археология. История. Культура. М., 2000. С. 144 – 145; Қалалы-гыр 2 ... С. 134; Массон В.М. Культурогенез древней Центральной Азии. М., 2006. С. 187.

мумкин. Хоразм флягаларининг аниқ прототиплари (бу идишларни шундай ясашга асос бўлган асл намуналар)ни ҳали билмаслигимизга қарамай, буни Хоразм ихтироси деб тахмин қилиш мумкин, унда металл идишлар, тош ўймакорлиги ва, эҳтимол, алоҳида пластиналардаги (бу даврда Фригияда маълум бўлган) кулолчилик бўртма нақшларини тайёрлашнинг баъзи усуллари умумлаштирилган[1].

Хоразм ҳудудида мустақил кулолчилик шаклларига айланган муайян нарсага ўхшатиб ишланган буюмлар турларидан ташқари, аҳамонийлар давридаги Шимоли-Ғарбий Эрон ва Шарқий Кавказорти кулолчилигидаги идишларга бевосита ўхшаш бўлган идишлар турлари ҳам ажралиб туради. Улар орасида айнан Хоразмда тайёрланган бўлиши эҳтимол тутилган кулранг лойдан ясалган катта товоқларни кўришимиз мумкин. У ерда, шунингдек, Хоразмда ўша пайтда пайдо бўлган хўжалик идишларини безатишда ишлатилган баъзи бир безак нақшларидаги, бўялган тик учбурчаклар, бўялган тўртбурчаклар ва шу кабилардаги ўхшашликларни топиш мумкин[2].

Хоразмда антропоморф (одам шаклига ўхшаш) тарзида ишланган ҳайкалчаларни ясашнинг пайдо бўлиши ҳақидаги бироз мураккаб масалага алоҳида тўхталиб ўтишжоиз. Унинг энг қадимги намуналари, одатда, мил. авв. IV асрга тўғри келади. Хайкалчаларни ясаш Хоразмда мустақил давлат бўлган пайтида «гўё тўсатдан» пайдо бўлади. Антропоморф тарзидаги ҳайкалчаларни ясаш бирданига бир печта қиёфада пайдо бўлган, улар орасида ҳам эркак, ҳам аёл қиёфалари бўлган[3]. Шуни таъкидлаш керакки, аҳамонийлардан кейинги давр учун бу Ўрта Осиё ҳудудидаги коропластиканинг энг дастлабки намуналаридир. Шуниси эътиборга лойиқки, антропоморф тарзидаги ҳайкалчаларни ясаш Хоразм ҳудудида тайёр шаклда, айнан Узбой бўйлаб сув йўли доимий ишлаётган пайтда пайдо бўлади. Тахмин қилиш мумкинки, бу йўл орқали коропластиканинг энг илк намуналари Хоразмга келган ва улар асосида хоразмлик кулоллар биринчи қолипларни ясашади. Худ-

[1] Қалалы-гыр 2 ... С. 167.

[2] *Болелов С.Б.* К вопросу о южных и юго-западных связях Хорезма ... С. 230.

[3] *Воробьева М.Г.* Хорезмийские терракоты // Культура и искусство Древнего Хорезма. М., 1981. С. 184 – 193; Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. Археология СССР. М., 1985. С. 335.

ди Қадимги Хоразмнинг бадиий безатилган сопол буюмларида анъанавий ёки эронча ишлов берилгандаги қадимий Шарқ санъатининг таъсири сезилиб турганидек, антропоморф тарзидаги ҳайкалчаларни ясашда ҳам Месопотамия ва Кичик Осиё қадимий санъатининг таъсири кўриниб туради. Шунингдек, энг қадимги шакллари Ниппур ва Библдан топилган тасвирлар билан маълум ўхшашликка эга[1].

Кўринишидан, сарой деворларига воқеали сахналар тасвирланган монументал бўртмалар ва расмлар тушириш хос бўлган анъанавий қадимий Шарқ санъати таъсири остида Қадимги Хоразм монументал санъати ҳам шаклланди. Ҳозирги пайтда ҳудудда мил. авв. III – II асрларга оид учта ёдгорлик маълум бўлиб, уларда деворда воқеалар тасвирланган расмлар топилди. Улардан иккитаси – расмдан ташқари монументал лой ҳайкалининг парчалари топилган Елхарас[2] ҳамда Қалъалиқир 2[3] –Хоразмнинг Чапқирғоқ қисмидаги йирик ибодат марказлари бўлган. Деворда воқеалар тасвирланган рассомчилик ва лой ҳайкалтарошлик намуналарининг ўлчами бўйича каттароқ бўлаклари Хоразмнинг Ўнгқирғоқ қисмидаги энг йирик шаҳар маркази – Қозоқли-Яткан (Оқчахон-қалъа) қазилмаларида топилди[4].

Мил. авв. I мингйилликнинг охирги чорагига[5] оид қадимий Хоразм археологик мажмуасини, умуман олганда, Ўрта Осиёнинг бошқа та-

[1] *Воробьева М.Г.* Хорезмийские терракоты ... С. 189.

[2] *Левина Л.М.* Древнехорезмийский памятник Елхарас. – М., 2001. С. 51 – 55.

[3] Қалалы-гыр 2 ... С. 187.

[4] *Ягодин В.Н., Беттс А., Ходжаниязов Г., Кидд Ф., Амиров Ш., Искандерова С.* Археологические исследования на городище Казаклы-Яткан в 2005 году // Археологические исследования в Узбекистане в 2004 – 2005 гг. Тошкент, 2006. С. 250 – 255. Яна қаранг: *Ягодин В.Н., Беттс Г.* Ташкырманский древний оазис: Казаклы-Яткан, Ташкырман-тепе // Приаралье на перекрестке культур. ТДК. Нукус, 2007. С. 108 – 114.

[5] Ўз вақтида мил. авв. II асрдаги хитой манбаларидан маълум бўлган Хоразм Қанғ бирлашмасининг асосий вилояти бўлганлиги ҳақидаги фаразга асос солиб С.П. Толстов Хоразм тарихининг бу даврини «Қанғ» даври деб атаган. Тадқиқотлар натижасида сўнгги ўн йилда бу фараз кўпчилик тадқиқотчилар томонидан рад этилмоқда. Бу ҳақида батафсил қаранг: *Вайнберг Б.И.* Этногеография Турана ... С. 266 – 285. Мил. авв. IV асрдан бошлаб Амударёнинг қуйи этакларида шиддатли маданий юксалиш кузатилади, ҳудуддаги илк давлатчиликнинг ривожланиши билан боғлиқ моддий ва маънавий маданият қиёфаси кескин ўзгаради. Шу сабабга кўра, тарихнинг бу даврини қадимги Хоразм даври деб аташ тўғри бўлади. Қаранг: *Болелов С.Б.* Ранний период истории древнего Хорезма по археологическим данным (Ранний железный век) // Археология, история и культура Средней Азии. ТДК. Ташкент, 2002. С. 44 – 45.

рихий ва маданий ҳудудларида маълум бўлган ўша вақтлардаги мажмуалардан кескин фарқ қилади дейиш мумкин. Албатта, у маҳаллий асосда, аммо Эрон аҳамонийлари моддий ва маънавий маданиятининг кучли таъсири остида шаклланди. Қолаверса, бу даврдаги кулолчиликда бироз эллинистик таъсир ҳам сезилади. Кавказорти мамлакатлари каби Марказий Осиё жанубий ўлкаларининг эллин дунёси билан алоқаларидан буюмларнинг бевосита олиб келинганлиги ҳам далолат беради[1].

Қадимги Хоразм археологик мажмуи фақат Амударёнинг қуйи қисмида, Хоразм ҳудудида тарқалган эди. Ушбу тадқиқот мавзуси учун шу нарса жуда муҳимки, ушбу ҳудудда, Хоразм воҳаси ичида ҳунармандчилик буюмлари, шу жумладан, идиш буюмларини ясашда ягона стандарт қўлланиларди. Хоразмда, мил. авв. I мингйилликнинг сўнгги чорагида пул муомаласи бўлмаган[2], ҳар ҳолда, бирорта танга топилмади, бундан келиб чиқадики, Хоразм давлатининг ички бозорида натурал айирбошлашга амал қилинарди. Бундай ҳолатда бозорнинг нормал ишлаши учун товарлар алмашинувида ҳар жиҳатдан тенг бўлиб хизмат қиладиган ҳажм ва вазннинг ягона ўлчовлари зарур. Хоразмда бундай ҳажм бирликлари эҳтимол, суюқ ва сочилиб кетадиган маҳсулотлар ташилган дастасиз катта кўзалар бўлган бўлиши мумкин[3].

Хоразмнинг турли ёдгорликларидаги материаллар қиёсий таҳлили моддий маданиятнинг камдан-кам учрайдиган бир хиллигини кўрсатади. Бу қадимий Хоразм археологик мажмуи нафақат иқтисодий, балки сиёсий, яъни давлат ичида бирлашган ягона маданий ва ҳўжалик муҳитида шаклланган деб тахмин қилишга асос бўлади.

---

[1] Бу ҳақда батафсил қаранг: *Болелов С.Б., Двуреченская Н.Д.* Комплекс деревянных предметов из раскопок культового центра Қалалы-гыр 2 // РА. 2002. № 3. С. 133 – 145; *Болелов С.Б.* К вопросу о южных и юго-западных связях Хорезма ... С. 229.

[2] Энг дастлабки Хоразм тангалари – Евкратиднинг тангаларига ўхшатиб ишланган, хоразм тамғаси туширилган тангалармил. авв. II асрнинг сўнгги чорагига оид деб қаралади: *Вайнберг Б.И.* Монеты Древнего ... С. 50. Ўша вақтларда хоразмликлар тангалар билан таниш бўлган, аммо уларни қимматбаҳо металл, хазина сифатида баҳолашган кўринади. Бу ҳақда, жумладан, Қалъа-тақыр 2 дан топилган хумда хоразм ёзувидаги «кумуш тангалар, геммалар орасидаги (?) ларнинг ... битиги гувоҳлик беради: Қалалы-гыр 2 ... С. 194.

[3] Қалалы-гыр 2 ... С. 108 – 109.

Мил. авв. I мингйилликнинг сўнгги чорагида Амударё дельтасида муайян давлат мавжуд бўлганлигини бошқа далиллар ҳам кўрсатиб турибди.

Мил. авв. I мингйилликнинг иккинчи ярмида Хоразмда биринчи йирик суғориш тизимларининг яратилиши, хом ғиштдан қилинган қурилиш, юқори технологияли ҳунармандчиликнинг, айниқса, кулолчиликнинг пайдо бўлиши ўша даврда ўлканинг шаҳарлашув жараёни бошланганидан гувоҳлик беради[1]. Вақт бўйича бу, В.М. Массоннинг фикрича, бутун Ўрта Осиё шаҳарлашувининг учинчи босқичига тўғри келади. Бу босқич мил. авв. I мингйилликнинг ўрталарида тугайди. Ушбу жараён Сўғд ва Хоразм ҳудудида параллел равишда кечган, у ерларда деярли бир вақтда йирик шаҳар марказлари ва ҳунармандчилик пайдо бўлган эди[2].

Кейинги даврда Хоразм мустақил давлатга айланади, ўлкада шаҳарлашув ва шаҳарсозлик жараёнлари сезиларли даражада кучаяди. Айни шу вақтда Хоразмда монументал қурилиш ва меъморчилик жадал ривожланади. Бу ерда кўплаб шаҳарлар пайдо бўлади. Булар: Хива, Ҳазорасп, Гандум-қалъа, Гулдурсун, Қозоқли-Ятган (Оқчахон-қалъа), Қатта Ойбуйирқалъа, Ваянган ва бошқа шаҳарлардир. Шу билан бирга, суғориш тизимини тубдан қайта қуриш рўй беради. Қисқа, кенг, саёз ва кўпинча табиий ўзанларга тўғриланган каналлар ўрнига узунлиги 40 – 50 км ва ундан ортиқ бўлган сунъий сув тизимлари пайдо бўлади. Бундай тизимларни яратиш фақат кучли марказлашган давлатнинг қўлидан келиши мумкин эди[3].

Шунингдек, ўша вақтда Хоразмда замон талабларига жавоб берадиган юқори даражада ривожланган истеҳком тизимига эга кўп сонли қалъалар қурилган эди. Барча қалъалар ўқ отиш учун туйнуклари бор икки қаватли ўқ отиш йўлакларига, адаштирувчи лабиринтга ва

[1] *Рапопорт Ю.А.* Краткий очерк ... С. 28 – 34; *Болелов С.Б.* К вопросу о периодизации ... С. 48 – 55.

[2] *Массон В.М.* Проблема древнего города и археологические памятники Северной Бактрии // Древняя Бактрия. Л., 1974. С. 6 – 8; *Массон В.М.* Культорогенез древней ... С. 119 – 130.

[3] *Неразик Е.Е.* Древние города Хорезма и их пути развития // Центральная Азия. Источники. История. Культура. М., 2005. С. 549.

тиркама минораларга эга эди. Улар баланд тепаликларда, эгалланган ерларнинг чегараларида ва бир-биридан тахминан бир хил масофада қурилади. Улар давлат чегараларидаги яхши ҳимояланган жойлар бўлган деб фараз қилиш мумкин. Булар Хоразмнинг Ўнгқирғоқ қисмида Бўрликалъа, Аёзқалъа 1, кичик Қирққизқалъа, Қўрғошинкалъа, Жонбосқалъа, Чапқирғоқ қисмида Оқча-Келин, Говурқалъа, Кангакирқалъадир. Ушбу қалъалардан деярли ҳар бирининг ёнида ички аҳоли манзилгоҳлари — узумзорлар ва далалар билан ўралган қўрғонлар бор эди[1]. Баъзи аҳоли масканларида, масалан, Аёзқалъа 3 да ўлчами ва тузилиш режасининг ўзига хослиги бўйича бошқаларидан сезиларли даражада фарқ қиладиган алоҳида бинолар ёки қўрғонлар ажралиб туради. Ушбу бинолар аҳоли манзилгоҳларининг маъмурий марказлари ёки маҳаллий зодагонларнинг уйи бўлганлиги эҳтимолдан йироқ эмас. Шунингдек, бу фараз тўғри бўлса, аҳоли манзилгоҳларида яшовчи қишлоқ хўжалиги жамоаси орасида муайян ижтимоий иерархия бўлган бўлиши керак[2].

Дастлаб бу тўртбурчак асосда қурилган қалъа омборхона бўлганлиги Қўрғошинқалъа қазилмаларидан яққол кўриниб турибди. Кучли қалъа деворлари билан ўралган катта майдонда (139 х 89 м) кўп сонли ўралар ва хумлар топилди. Тахмин қилиш мумкинки, бу жамоат омбори бўлиб, у ерда бутун жамоанинг озиқ-овқат захиралари сақланарди[3], ҳарбий хавф ҳолатида эса қалъа деворлари ичида манзилгоҳ аҳолиси чорва моллари билан бирга ҳимояланиши ҳам мумкин эди. Қалъанинг ички майдони кейинчалик аста-секинлик билан турар-жойлик мақсадларига ва, эҳтимол, маросимлар ўтказиш учун мўлжалланган бинолар билан тўлдирилади, аммо марказий қисм шунда ҳам омбор вазифасини бажаради. Қалъанинг этагидаги манзилгоҳда кейинги яшашда давом этган, бу ҳолатда турли хил мақсадларда қурил-

---

[1] *Неразик Е.Е.* Сельское жилище ... С. 24 – 47; Ўша муаллиф. Материалы по землепользованию и землевладению в Хорезме первых веков н.э. // Этнография и археология Средней Азии. 1979. С.42 – 47; *Вайнберг Б.И., Болелов С.Б.* Нурумский оазис ... С. 42 – 62.

[2] *Нерезик Е.Е.* Сельское жилище ... С. 217; *Болелов С.Б.* Крепость Аяз-кала 3 ... С. 132 – 134. *Коляков С.М.* Раскопки крепости ... С. 120 – 123.

ган бинолари бўлган қалъанинг атрофида шаҳар ривожланиб борган қўрғон сифатида шаклланганини кўриш мумкин[1].

Ҳозирги вақтда мавжуд археологик материалларни таҳлил қилар эканмиз, катта эҳтимол билан тахмин қилиш мумкинки, чегара қалъалари ва уларнинг яқинида жойлашган аҳоли манзилгоҳлари деҳқончилик воҳаси четларида яшайдиган чорвачилик билан шуғулланувчи гуруҳларга нисбатан олиб борилган давлат сиёсатида муҳим рол ўйнаган эди. Кўпроқ бу Сариқамиш дельтасининг ғарбий ва шимоли-ғарбий ҳудудларига тегишли бўлган. Айнан шу ерда чорвадор аҳоли қолдирган қўрғон-қабристонлар жойлашган[2]. Мил. авв. IV асрдан бошлаб ғарбда ва шимоли-ғарбда Хоразм воҳасининг чегаралари Қангақиркалъа, Бутентау I ва II, қадимги Девкескан, Катта Ойбуйиркалъа тепаликларида жойлашган чегара қалъалари билан аниқ белгиланади. Сариқамиш дельтасидаги барча қўрғон-қабристонлар воҳанинг ичида ва қадимги Хоразм давлати ичида жойлашган. Бу чорвадор аҳоли Хоразм давлатчилиги тизимига киритилганлиги[3], қалъалар кичик чорвачилик ва деҳқончилик туманларининг маъмурий марказлари бўлиши мумкинлигини англатади. Воҳада чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳоли ўртасида мустаҳкам ва ўзаро манфаатли иқтисодий алоқалар ўрнатилган эди. Буни, хусусан, воҳанинг чегараларида катталиги жиҳатидан ва шунга кўра маҳсулот ҳажми жиҳатидан йирик ҳунармандчилик ишлаб чиқариши йўлга қўйилганлигида кўриш мумкин, масалан, Говурқалъа 2 да йирик кулолчилик ишлаб чиқариш маркази бор эди. Ундан бироз нарироқда йирик кўп тармоқли ҳунармандчиликка асосланган Нурум қишлоғи жойлашган бўлиб, у ерда 40 дан ортиқ пиширадиган кулолчилик печлари бўлганлиги аниқланди, бронза қуйиш ва темирчилик, вино тайёрлаш ишлари излари топилди. Катта майдонларда экинлар экилган ва узумзорлар барпо этилган. Қурилишдан ҳоли, агро-суғоришни

[1] *Неразик Е.Е.* К проблеме развития... С. 223; Ўша муаллиф. Древние города ... С. 553.

[2] *Вайнберг Б.И.* Курганные могильники северной Туркмении (Присаракамышская дельта Амударьи) // Кочевники на границах Хорезма. Труды ХАЭЭ. Т. XI. М., 1979. С. 167 – 177.

[3] Ўша муаллиф.Скотоводческие племена в древнем Хорезме // Культура и искусство Древнего Хорезма. ... С. 121 – 124.

режалаштириш ихтиёрида бўлган майдон 200 – 210 гектардан, узумзорлар учун ажратилган ер 15 гектардан кам бўлмаганлигини айтиш мумкин. Аҳоли манзилгоҳларининг жануби-ғарбий қисмидаги вино олинадиган узумзорлар яқинидаги омборларда 12 – 15 тонна вино сақланган бўлиши мумкин[1]. Нурум воҳаси атрофидаги ҳудудларнинг жойлашуви ва Говурқалъа 2 даги кулолчилик хўжалигини деҳқонлар ва чорвадорлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар билан изоҳлаш мумкин. Ҳунармандчилик хўжалиги, шубҳасиз, чорвачилик билан кун кечирган истеъмолчиларга имкон қадар яқин жойлашарди [2]. Шуни таъкидлаш керакки, деҳқончилик воҳалари атрофидаги бозорлар (савдо ва ҳунармандчилик манзилгоҳлари) Хоразмда Хива хонлиги даврида ҳам мавжуд эди. Бундай аҳоли манзилгоҳларида ҳокимнинг уйи (хон ҳукуматининг вакили), ҳунармандчилик хўжалиги ва савдо дўконлари бор эди. Ёзма манбаларга кўра, бундай бозорлар яқин атрофдаги қишлоқлар ва кўчманчиларга товар етказиб берарди[3]. Деҳқонлар ва чорвадор кўчманчилар ўртасида ўзаро алоқа йўлга қўйилган бундай аҳоли манзилгоҳларининг яратилиши кўпроқ марказий ҳукумат рухсати билан амалга ошарди, бу нафақат иқтисодий, балки кўпроқ сиёсий нуқтаи назардан келиб чиқарди. Юқорида айтиб ўтилганидек, XIX асрда савдо ва ҳунармандчиликка асосланган аҳоли манзилгоҳларида ҳокимнинг уйи бўлган. Шу муносабат билан Нурум манзилгоҳидаги йирик марказий тепаликлар диққатни тортади, улар ҳажми ва режавий тузилиши жиҳатидан воҳанинг бошқа қўрғонларидан фарқ қилади[4]. Эҳтимол, марказий тепаликлар бу воҳанинг ҳукмдори, балки

[1] *Болелов С.Б.* Гончарство древнего Хорезма:формы организации ремесла // 1997. № 2. С. 72; Ўша муаллиф. Нурумское поселение в Левобережном Хорезме // Культурное наследие Средней Азии. Ташкент, 2002. С. 34 – 37.

[2] *Неразик Е.Е.* Сельское поселение ... С. 218; Вайнберг Б.И. Скотоводческие племена ... С. 25; *Болелов С.Б.* Гончарные производства Средней Азии во второй половине I тыс.до н.э. – первой половине I тыс. н.э. (структура и система размещения) // РА. 2006. № 3. С. 117; *Мамбетулаев М.* Хорезм и контакты с кочевниками // Археология и история Центральной Азии. Самарканд, 2004. С. 97 – 102.

[3] История Узбекистана в источниках. Ташкент, 1988. С. 179. Яна қаранг: *Вайнберг Б.И.* Туркменские поселения по Дарьялыку (по материалам Туркменского этнографического отряда в 1957 году) // МХЭ. Вып. 4. М., 1960. С. 127.

[4] *Вайнберг Б.И.* Изучение памятников ... С. 49 – 50; *Вайнберг Б.И., Болелов С.Б.* Нурумский оазис ... С. 46, илл. 2.

марказий ҳукумат вакили бўлган жамоат бошлиғи яшаган катта иморат қолдиқлари бўлиши мумкинлиги анча ҳақиқатга яқин.

Ишлаб чиқариш йўлга қўйилган ҳунармандчилик марказлари, савдо ва ҳунармандчиликка асосланган аҳоли манзилгоҳларининг ташкил этилиши, воҳаларнинг чеккасида қалъалар қурилиши Хоразм давлатининг чегаралардаги кўчманчи чорвадор гуруҳларга нисбатан олиб борган ўзини ҳимоя қилиш сиёсати натижасидир. Хоразм давлатининг кўчманчи муҳит қуршовида бўлганлиги кўп жиҳатдан ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларга қурилган деҳқонлар ва кўчманчилар ўртасидаги муносабатларга боғлиқ эди. Бу ҳолат қисман Хоразм чегараларида йирик мудофаа иншоотларининг – Марғиёнадаги Антиохия деворига ёки Бухоро Сўғдидаги Қампирдеволга ўхшаш узун деворларнинг йўқлигини тасдиқлайди[1].

Қадимги Ўрта Осиё ёзма манбаларида қадимги Хоразм давлатининг мил. авв. I мингйилликнинг сўнгги чорагидаги ижтимоий ва сиёсий тузилиши тўғрисида маълумотлар йўқ, шу боис уларнинг қандай тузилишга эга бўлганлиги борасида таклиф қилинган барча бироз шартли бўлган фикрлар мазкур масалалар бўйича Ўрта Осиёнинг бошқа ўлкаларида тадқиқотчилар томонидан тўпланган маълумотларни ўз ичига олган археологик материаллар ва қиёсий таҳлилларга асосланган.

Қадимги Марказий Осиё халқларининг табақаланиши тўғрисида Авестода етарлича тўлиқ маълумотлар келтирилади. Уларнинг энг аниқ рўйхати Қичик Авестода қайд этилади. Улар бу ерда пиштра, яъни машғулот, касб деб номланган. Улар учта: *атраван* – руҳоний, *райташтар* – жангчи, *вастро-фшуанйнт* – деҳқон; кейинчалик тўртинчиси қўшилади: *хути* – ҳунарманд[2]. Қадимги Хоразм жамия-

[1] *Вайнберг Б.И., Болелов С.Б.* Нурумский оазис ... С. 60; *Болелов С.Б.* Нурумское поселение ... С. 37.

[2] И.В. Пьянковнинг фикрича, бу тизим фақат аҳамонийлардан олдинги Бактрияда расмий равишда мавжуд бўлган, чунки у фақат Кичик Авесто матнларидагина эсга олинади, аммо айрим белгиларига кўра аҳамонийлар даврида ҳам ёддан кўтарилмаган. Бу тизим Марказий Осиёнинг эроний тилли аҳоли яшайдиган бошқа ҳудудларига ҳам тарқалган. Қаранг: *Пьянков И.В.* Социальный строй древнеземледельческих народов Средней Азии // Центральная Азия. Источники. История. Культура. М., 2005. С. 602 – 603.

типинг ижтимоий тузилиши қайсидир жиҳатдан Ўрта Осиёдаги қадимий жамиятларнинг қолганларидан фарқ қилган деб ҳисоблашга асос йўқ. Шунингдек, ишонч билан айтиш мумкинки, қадимги Хоразм давлатида ҳам патриархал уй-рўзғор қулдорлиги институти мавжуд эди. «Қуллар» сўзи бир марта мил. авв. III – II асрларга оид Қалъалиқир 2дан топилган манбаларда қайд этилади[1]. Бундан ташқари, Тупроққалъа саройининг кейинги ҳужжатларида шахсий исмлари бўлган уй қуллари бир неча бор тилга олинган, бу эса III асрда Хоразмда патриархал қуллик бўлганини англатади[2] ва мазкур институтнинг қадимги Хоразм давлатининг дастлабки босқичларида юзага келганини асло инкор қилмайди.

Қадимий Хоразмда юқорида келтирилган синфларнинг мавжуд бўлганини археологик маълумотлар таҳлили асосида ҳам айтиш мумкин.

Тахмин қилиш мумкинки, қазишма ишлари натижасида Хоразмда давлат миқёсидаги тўртта йирик диний марказ топилган: Қўйқирилғанқалъа, Қалъалиқир-2, Говур-3 ва Елхарас.

Қўйқирилғанқалъа алоҳида монументал, албатта, диний иморат бўлиб, дастлаб Хоразм подшоҳларининг дафн маросимига оид давлат ибодатхонаси ҳисобланган ва унда астрономик кузатувлар олиб борилган[3]. Кейинчалик ёдгорликнинг шоҳларнинг дафн этилиши билан боғлиқ бўлганлиги тасдиқланмаганлиги сабабли Б.И. Вайнберг уни образман (мамлакатдаги энг катта ҳосилдорлик ибодатхонаси) сифатида талқин этишни таклиф қилди[4].

---

[1] Калалы-гыр 2 – Культурный центр в левобережном Хорезме ... С. 189.

[2] Топрак-кала. Дворец // Труды ХАЭЭ Т.XIX. – М., 1984. С. 267.

[3] Кой-Крылган-кала.Памятник культуры древнего Хорезма 4 в. до н.э. – 4 в. н.э. // Труды ХАЭЭ. Т. V. М., 1967. С. 310.

[4] Қалалы-гыр 2 ... С. 237. Қўйқирилғанқалъани яхши мустаҳкамланган антик давр қасри, маҳаллий ҳукмдор қароргоҳи деб ҳисоблаган С. Хмельницкийнинг қарашлари умум қабул қилинган нуқтаи назардан фарқланади. *Хмельницкий С.* Кой-Крылган-кала как источник сомнений// НМКУ. Вып. 34. Самарканд, 2004. С. 124. Бу қарашни қабул қилиш мумкин эмас, чунки Қўйқирилғанқалъадан ташқари Хоразмда яна иккита доиравий маҳобатли иншоот – Қалъалиқир 2 ва Говур 3 манзилгоҳи мавжуд бўлиб, улар, шубҳасиз, эътиқод марказлари бўлган. Бундан ташқари, антик давр Хоразмида умуман доиравий шаклдаги дунёвий иншоотлар маълум эмас, қолаверса, бу даврдаги *барча кўргонлар, маҳобатли бинолар режаси тўртбурчак шаклда ёки квадрат бўлган.* Қаранг: Аёзқалъа 3 маҳобатли биносининг тарҳи хоч кўринишида бунёд этилган.

Ҳар қандай ҳолда ҳам, бу бир гуруҳ руҳонийлар ва иккинчи даражали хизматкорлар хизмат қиладиган йирик ибодат маркази эди. Бундан ташқари, Қўйқирилганқалъада ҳақиқатдан ҳам астрономик кузатишлар амалга оширилган бўлса, унда руҳонийлар орасида астрономик ва математик билимларга эга бўлган зиёлилар бўлган. Буларнинг барчаси ибодатхона хизматчилари орасида маълум бир иерархиянинг мавжуд бўлганлигини англатади. У билан бирга ибодатхона хўжалиги бўлган бўлиши ҳам буткул эҳтимолдан йироқ эмас. Қўйқирилган қалъа атрофида, шу билан бирга, аҳоли яшаш жойлари, суғориш тизимларининг жойлашуви ва кичик кулолчилик устахоналари топилди. Суғориш тизимларининг жойлашуви ва узумзорлар, шунингдек, Қалъалиқир-2 яқинида ҳам топилган. Ушбу ибодатхонадан унчалик узоқ бўлмаган жойда, ташлаб кетилган Кўзалиқир аҳоли яшаш жойида жуда катта кулолчилик устахонаси ишлаган бўлиб, у Қалъалиқирга идишлар етказиб берарди[1]. Умуман олганда, қишлоқ хўжалиги ишларини ҳам, кулолчилик ишларини ҳам ибодатхона хўжалиги таркибига кирган деб ҳисоблаш мумкин.

Шунга боғлиқ равишда таъкидлаш керакки, бу даврдаги Хоразм ҳужжатларининг кўпчилиги айнан ибодатхона марказларида, энг аввало, Қалъалиқир-2 да топилган, уларнинг орасида топшириш ва етказиб бериш қайд этилган жуда кўп хўжалик ҳужжатлари мавжуд бўлиб, улар ибодатхона хўжалигига алоқадор бўлган[2].

Мил. авв. I мингйилликнинг охирларида Хоразмда, хизмат кўрсатиши ибодатхона хизматчилари жамоалари томонидан таъминланган, ибодат иморатлари ва ибодатхона хўжаликларининг бутун мажмуини ўз ичига олган Қалъалиқир-2 каби йирик диний марказларнинг мавжуд бўлганлигига қараб ўша пайтда минтақада ибодатхона жамоалари ва бирлашмалари ва шунга кўра атраванлар (руҳонийлар) табақаси мавжуд бўлганлигини тахмин қилиш мумкин.

[1] *Воробьёва М.Г.* Керамика Хорезма ... С. 200 – 204; Яна қаранг: *Болелов С.Б.* Гончарные производства ... С. 123.

[2] Қалалы-гыр 2 ... С. 188.

Б.И. Вайнбергнинг фикрига кўра, ибодатхоналар ва ибодатхоналар уюшмалари Хоразмда фақат аҳамонийлар даврида пайдо бўлган бўлиши мумкин эди. Шу билан бирга, Қалъалиқир-2 мил. авв. IV асрнинг ўрталаридан олдин ҳали қурилмаган эди[1]. Бу даврда Хоразм мустақил давлатга айланиб улгурган бўлса-да, аммо Амударё этакларида мустақил бошқарув анъаналари ҳали ривожланмаганлиги учун Аҳамонийлар давлатидан кўпгина институтлар, жумладан, давлат институтларининг катта қисмини ҳам мерос қилиб олади.

Аҳамонийлар империясида ибодатхоналар ва ибодатхоналар уюшмалари нафақат диний, балки сиёсий ҳаётда ҳам муҳим рол ўйнар эди. Ибодатхоналар кўпинча йирик ер эгалари бўлган, чорванинг катта қисми уларга тегишли эди. Ибодатхона амалдорларига баъзан никоҳ ва мулкий масалаларни ҳал қилишда, айниқса, кўчмас мулк билан боғлиқ битимлар тузишда муҳим суд ҳокимияти топшириларди[2]. Юқорида айтилганларга асосланиб Хоразмда диний марказлар диний ва маъмурий вазифаларни ўзида бирлаштирган деб тахмин қилиш мутлақо тўғри бўлади.

Шубҳасиз, қадимги Хоразм давлатининг иқтисодиёти қишлоқ хўжалигига асосланган. Аксарият тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, қадимги Эрон давлати Эрон тоғларида ва Ўрта Осиёда жойлашган даврда Эрон жамиятининг асосий бирлиги уруғ бўлган, бу вақтда бошқа бирликлар (нисбатан кичикроқ – оила ва нисбатан каттароқ – қабила) иккинчи даражали аҳамиятга эга эди. Кейинчалик уруғ ўз аҳамиятини йўқота бошлади ва оила биринчи ўринга чиқди[3]. Афтидан, Хоразмда ҳам вазият худди шундай эди. Хоразмнинг оддий тураржойлари етарлича ўрганилмаган, ҳозирги кунда ўша вақтдаги оилаларнинг таркиби ва сони ҳақида ишонч билан сўз айтиш имкони йўқ. Қадимги Хоразм даврининг оддий тураржойлари жуда камчилик

[1] Калалы-гыр 2 ... С. 237.

[2] *Дандамаев М.А., Луконин В.Г.* Культура и экономика ... С. 133. Эллин даврида ҳам ибодатхоналар мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида жуда муҳим роль ўйнарди. Бу ҳақда батафсил қаранг: *Литвинский Б.А., Пичикян И.Р.* Эллинистический храм Окса. Т. 1. М., 2000. С. 82 – 83.

[3] *Фрай Ричард.* Наследие Ирана. М., 2002. С. 82 – 83.

томонидан синчиклаб ўрганилган. Фақатгина шуни таъкидлаш мумкинки, мамлакат аҳолисининг аксарияти тарқоқ қишлоқ манзилгоҳларида истиқомат қиларди. Шу билан бирга, у ерда жуда катта уйлар – Кўнарликалъа[1] каби массивлар, шунингдек, Тузгир II каби ҳамда Аёзқалъа 3 каби мустаҳкамланган қўрғон-қасрлар мавжуд эди. Е.Е. Неразикнинг фикрига кўра, бу даврда Хоразмда катта оилавий уруғ жамоаси тарқалган, шу билан бирга, кичик оилалар ҳам бўлган бўлиши мумкин[2]. Ҳар ҳолда қадимги Хоразм даврининг сўнгги босқичида кичик оилаларнинг мавжуд бўлганлиги археологик материаллар билан тасдиқланди. Нурум аҳоли манзилгоҳида қишлоқ қўрғони қазиб олинди, унда эр-хотин оила яшаганига шубҳа йўқ. Унинг (қўрғоннинг) шаклланишининг биринчи даври мил. авв. I асрдан олдинроққа тўғри келиши мумкин[3]. Археологик маълумотларга асосан тахмин қилиш мумкинки, мил. авв. I мингйилликнинг сўнгги чорагида Хоразмнинг қишлоқ аҳолиси манзилгоҳларида меҳнатга лаёқатли аҳолисининг асосини, афтидан, эркин жамиятда бирлашган эркин деҳқонлар ташкил этган катта ва кичик оилалар яшаган. Бу қадимги Хоразм давлатининг энг кўп сонли ижтимоий қатлами бўлиб, у ҳам бир хил эмас эди. Шундай қилиб, ёзма манбаларга кўра, Авесто даврида аллақачон қишлоқ аҳолиси икки тоифага бўлинган: *вайса* (қишлоқда доимий яшайдиган ва ўз хўжалигига эга ишчилар), *париайтар* (бир муддатга келиб яшовчилар). Аҳолининг катта қисми шахсан эркин бўлган, тахмин қилиш мумкинки, пиёда қўшин аҳолининг айнан шу тоифасидан тузиларди[4].

---

[1] С.П. Толстов Кўнарликалъани Жонбосқалъа каби йирик, ҳали бўлинмаган патриархал оилалар яшаган хонадон-масканлар деб ҳисоблаган (Жонбосқалъада иккита оила гуруҳи – *фратиялар* бўлган). Қаранг: *Толстов С.П.* Древний Хорезм ... С. 93. Аммо, кейинчалик маълум бўлишича, Жонбосқалъанинг аксарият ички қурилишларини милодимиз арафаси билан саналаш мумкин, мил. авв. I мингйиллик сўнгги чорагида эса бу қалъа-паноҳгоҳ Кўрғошинқалъа бўлиб, у ерда жамоанинг озиқ-овқат захирасини сақлаш мумкин эди.

[2] Манзилгоҳларнинг турлари ҳақида батафсил қаранг: *Неразик Е.Е.* Сельское жилище ... С. 211 – 213.

[3] *Болелов С.Б.* Раскопки усадьбы в Нурумском оазисе (Северная Туркмения) // ПИФК. Вып. XV. Москва-Магнитогорск, 2005. С. 90 – 110.

[4] *Грантовский Э.А.* Ранняя история иранских племён передней Азии. М., 1970. С. 349; *Пьянков И.В.* Социальный строй ... С. 609.

Юқорида айтиб ўтилган чегара қалъаларидан ташқари давлатнинг ички қисмида қалъалар ва мустаҳкам қўрғонлар қурилган эди. Археологик адабиётларда қадимги Хоразмда тураржойларнинг жойлашиш тизими Месопотамия ва қадимги Бақтриянинг воҳа-номлари билан бир неча марта қиёсланади. Хоразмда воҳалар каналлар бўйлаб узунасига жойлашган эди. Ҳар бир бундай воҳанинг ичида битта катта марказ ва бир қанча кичикроқ, аслида, Анғқақалъага ёки Аёзқалъа 3 катта уйига ўхшаш мустаҳкамланган қўрғон-қасрлар ажралиб турарди. Қизиғи шундаки, бу истеҳкомлар бир-биридан бир хил масофада жойлашган бўлиб, эҳтимол, қандайдир маъмурий бирликларнинг чегараларини шу тарзда «белгилаган»дир[1]. Бундай кичкина мустаҳкамланган қўрғон-қасрларда ҳарбийлар ва ҳукмдор зодагонлар, кейинчалик *азатлар* деб номланган, отлиқ қўшиннинг асосини ташкил килган, Авестода тилга олинган *райташтарлар* (аравалилар) яшаган деб тахмин қилиш мақсадга мувофиқдир. Хоразмда нисбатан кейинги даврда, мил. III асрда, ушбу ижтимоий қатламнинг мавжудлиги ҳақида «уйларнинг рўйхати»[2], умуман олганда, азатлар манзилгоҳидаги жангга тайёр бўлган эркаклар рўйхати топилган Тупроққалъанинг баланд саройида мавжуд ҳужжатлар гувоҳлик беради. Қадимги Хоразм давлати алоҳида ҳудудларининг маъмурий аппарати ҳам, бошқарув аппарати ҳам азатлар табақасидан шаклланган деб тахмин қилиш мумкин.

Авесто матнларида тилга олинган эркин аҳолининг тўртинчи тоифаси хутлар (ҳунармандлар) бўлган. Юқорида сўз юритилаётган мазкур даврда Хоразмда ҳунармандчилик юксак тараққиёт даражасига эришган эди. Бундан ташқари, ўша даврда у ташкилий жиҳатдан давлат ҳомийлигида ташкил этилган ҳунармандчиликка асосланган манзилгоҳлар ва йирик ишлаб чиқариш марказларидан тортиб бошқа манзилгоҳларни ҳам ўз маҳсулотлари билан таъминлаган ҳунармандчилик жамоаларигача турли хил шаклда бўлганлиги ҳақида гапириш

[1] *Неразик Е.Е.* К проблеме развития ... С. 222; Ўша муаллиф. Древние города ... С. 552.
[2] Топрак-кала. Дворец ... С. 265 – 267.

мумкин[1]. Бизда у ерда юқори даражада ривожланган товар-ҳунармандчиликка асосланган кулолчилик буюмлари ишлаб чиқариши ва турли бирлашмаларга уюшган ҳунармандларнинг кўп сонли ижтимоий қатлами мавжуд бўлганлиги ҳақида гапириш учун барча асослар бор. Бундан ташқари, давлат томонидан ташкил этилган устахоналарда ишлаган давлат ҳунармандларини ҳам истисно қилиш мумкин эмас. Масалан, Чарманёп воҳасида Говурқалъа яқинидаги кулолчилик буюмларини ишлаб чиқариш жойи шундай устахоналардан бўлган бўлиши мумкин[2].

Ўрта Осиёда аҳамонийлар давридан олдин кўпинча «Катта Хоразм» деб номланадиган йирик давлат тузилмаси бўлганлиги ҳақида шарқшуносликка оид адабиётларда қарийб юз йиллардан буён мунозаралар бормоқда. Шуни тан олиш керакки, ушбу тахминий давлат тўғрисидаги масала ҳали ҳам очиқлигича қолмоқда. Амударё дельтаси ҳудудида мил. авв. IV асрнинг биринчи ярмида вужудга келган қадимги Хоразм давлати ҳақида эса аниқ-равшан маълумотлар кўпроқ, давлат тузилмаси мавжудлиги фактининг ўзиёқ қўшимча далилларни талаб этмайди, аммо Хоразм давлатчилигининг бошқа кўплаб масалалари тўлиқ ўрганилмаганлигича қолмоқда. Шунингдек, фақат манбалар бўйичагина маълум бўлган давлатнинг пойтахти — Хоразм шаҳрининг жойлашган ўрни номаълум. Давлат тизими ҳақида биз фақат Ўрта Осиё ва Шарқнинг бошқа минтақалари бўйича археологик манбалар ва ёзма манбалардаги маълумотларни ўрганиш асосида тахминий хулоса қилишимиз мумкин. Аммо эндиликда Орол денгизининг жанубий минтақасидаги узоқ йиллар давомида олиб борилган кенг кўламли тадқиқотлар натижасида қадимги Хоразм давлатининг юксак маънавий ва моддий маданиятга, юқори даражада ривожланган ҳунармандчиликка, кўп босқичли ижтимоий тузилмага эга бўлганлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.

[1] *Болелов С.Б.* Гончарство древнего ... С. 63 – 75.
[2] *Болелов С.Б.* Гончарные производтсва ... С. 116 – 123.

ЮЭЧЖИ-КУШОН ДАВЛАТИ

Кўплаб тадқиқотчилар Юнон-Бақтрия давлати инқирозга юз тутганидан кейинги Бақтриянинг сиёсий ҳолати ҳақида қадимги хитой ва юнон-рим манбаларидаги камсонли маълумотларга таяниб таҳлиллар олиб боришди[1]. Страбон маълумотига кўра, Бақтрияни Яксартнинг нариги қирғоғида саклар ва сўғдийлар билан яшаган пасианлар, тохарлар, сакаравллар босиб олган (Страбон, IX, 8, 2). Помпей Трог маълумотларига кўра, «Бақтрия ва Сўғдиёнани скифларнинг сараук ва ассиан қабилалари босиб олган эди».

Қадимги Хитой манбаларида Бақтрияни истило этганлар сифатида дастлабки ватани Марказий Осиё бўлган юэчжи қабилалари кўрсатилади. Мил. авв. II асрнинг иккинчи чорагида (бу масалада тадқиқотчилар томонидан турли саналар таклиф этилган — мил. авв. 172 – 161 йй.)[2], хунлар босқинидан кейин улар Ўрта Осиёнинг шимолишарқига кўчиб ўтишади.

Ўрта Осиё ҳудудларига келиб жойлашган юэчжиларни Хитой йилномалари *да-юэчжи* деб атайди (Марказий Осиёда қолган кичик юэчжилардан фарқли равишда, да-юэчжи буюк, катта юэчжилардир)[3].

Чжан Цзян берган маълумотларга кўра, хунлар Ўрта Осиё ҳудудида юэчжиларни қайта тор-мор келтиргач, юэчжилар жанубга юриб Дахя (Бақтрия)ни босиб олишади.

Юэчжилар Бақтрияни тахминан мил. авв. 140 – 130 йилларда босиб олади. Мил. авв. 128 ёки 126 йилда[4] Хитой элчиси Чжан Цзян Дахя (Бақтрия) Гуй-шуй – Амударёнинг шимолий тарафида қўним топган юэчжилар томонидан тўлиқ забт этилганини таъкидлайди[5].

[1] История таджикского народа ... С. 92 – 93; *Массон В.М., Ромодин В.А.* История Афганистана ... С. 131 – 145; *Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе В.А.* Северная Бактрия ... С. 45 – 46.

[2] *Narain.* The Indo-Greeks ... P. 136. Шунингдек, юқорида Кўрсатилган ишлар.

[3] *Бичурин Н.Я.* Сведения о народах ... С. 147 – 151.

[4] *Массон В.М., Ромодин В.А.* История Афганистана ... С. 133 – 134; *Ставиский Б.Я.* Кушанская Бактрия ... С. 96; *Zürcher E.* The Yüech-chih and Kanishka in the Chine Sources // Peper on the Date of Kanishka. Leiden, 1968. P. 359.

[5] *Бичурин Н.Я.* Сведения о народах ... С. 151.

Чжан Цзяннинг бу маълумоти Шимолий Бақтрия ҳудудига тааллуқли, бошқа Хитой йилномалари (Хан Шу ва Хоу Хан Шу) эса юэчжилар тарихи Амударёнинг чап соҳиллари билан боғлиқ деб баён этади.

Маълум вақтдан сўнг Бақтрияда катта юэчжилар давлатига асос солинади. Қатта Хан сулоласи тарихида улар кўчманчи сифатида тавсифланади. Шунингдек, давлатнинг пойтахти Ланьши ёки Ганьши шаҳри деб кўрсатилади.

Давлатнинг аҳолиси 100 минг оила, 400 минг киши ва 100 минг аскардан иборат эди. Қатта юэчжиларнинг ҳукмдорлиги даврида бошқарув бешта *Хи-хэу* (ўлка)ларга: Хюми, Шуанми, Гуйшуан, Хейтун, Гаофу[1] ёки, Кичик Хан сулоласи тарихига кўра, Хуй-ши, Шуанми, Гуйшуан, Хисе ва Думи[2] ўлкаларига бўлинган эди.

Шундай қилиб, Бақтрияда ҳукмдорлар ҳокимияти илоҳийлаштирилган Юнон-Бақтрия подшолиги ўрнига конфедератив турдаги давлат ташкил этилади. У ерда тангаларини (Гелиокл тангаларига тақлидан) зарб қиладиган олий давлат ҳукмдори бошчилигида ҳар бири ўз тангаларини зарб этадиган бешта нисбатан мустақил ўлка бор эди. Қатта юэчжилар давлатининг бошқарув шакли ва давлат тузилиши тури Бақтриянинг аввалги эллинистик давлатларидагидан тубдан фарқ қиларди.

Е.А. Давидович маълумотига кўра, Бақтрия тарихидаги юэчжи даврини уч босқичга ажратса бўлади:

I босқич (мил. авв. 130 – 125 йй.). Қатта юэчжилар Дахя ҳудудини эгаллайди, бироқ уларнинг асосий ўлкаси Амударёдан шимол томонда эди. Ўлканинг жанубий чегараси юэчжига қарам бўлган кичик ўлкалардан иборат Дахя эди.

II босқич (Хан-шу маълумотларига кўра, мил. авв. 25 йилгача). Қатта юэчжи давлатининг шаклланиши ва юксалиши[3]. Давлатнинг пойтахти Амударё шимолида жойлашган, жанубий чегараси Гибинь вилояти (Кашмир ёки Гандхар – *Э.Р.*) бўлган. Юэчжиларга бўйсун-

[1] *Бичурин Н.Я.* Сведения о народах ... С. 184.
[2] *Бичурин Н.Я.* Сведения о народах ... С. 184, 227.
[3] *Давидович. Е.А.* Первый клад тетрадрахм Кушанца «Герая»// ВДИ. 1976. № 4. С. 59 – 61.

ан ҳудудда си-хоу (ябғу) томонидан бошқарилган бешта ўлка жойлашган эди: Хюми, Шуанми, Гуйшуан, Хэйтунь, Гаофу.

III босқич (Хоу ХанШу, мил. 125 йилгача бўлган воқеалар). Қатта Юэчжи давлатининг парчаланиши, бу ўлкалар ябғуларининг эркинликка эришиши. Ябғу кушон Киоцзюко (Кудзула Кадфиз) қолган тўрт якани забт этади, бу билан Кушон давлатига асос солади.

Иккинчи босқичда юэчжи пойтахтининг жойлашган ўрни Амударёнинг ўнг қирғоғида эканлиги аниқланган, бироқ, Хоу Хан Шуда айтилишича, юэчжи давлати бошқаруви Бақтра[1] ёки Далварзинтепа[2] деб ҳисобланган Lan-chih (Тяньши-Ланьши) шаҳрида жойлашган. Юэчжи пойтахти Гуй-шуй дарёсининг шимолий тарафида жойлашгани ҳақидаги маълумотлар[3], эҳтимол, юэчжилар истилосининг биринчи босқичига тааллуқлидир. Биринчи босқичда юэчжи ўлкаларининг жанубий чегараси гўёки Амударёнинг ўнг соҳилига қиёсланадиган Дахя (Бақтрия) бўлган деган фикрга қўшилиб бўлмайди[4]. Аксинча, юэчжи босқини вақтига келиб Амударёнинг ўнг ва чап соҳиллари бутта вилоятни — Дахяни ташкил этар эди. Чжан Цзян таъкидлаганидек: «Юэчжи хонадони Дахяга ҳужум қилиб, уни забт этди, бунинг оқибатида ўз ўрни Гуй-шуй дарёсининг шимолий тарафида бўлганини аниқлади»[5].

Шунинг учун дарёнинг икки тарафи ҳам юэчжи юриши даврида бир ҳудудни ташкил этган деб тахмин қилса бўлади. Аниқки, биринчи босқичнинг ўзида юэчжи Бақтрияни тўлиқ эгаллаган, ўз пойтахтига улар ўнг соҳилда асос солган бўлса, иккинчи босқичда давлатнинг маркази — пойтахти Ланьши — Бақтрияга ўтади.

Маълумки, Шимолий Бақтрия, айниқса, биринчи босқичда юэчжиларнинг асосий жойлашган ҳудуди эди. Бу ҳудудда топилган ар-

---

[1] *Ставиский Б.Я.* Кушанская Бактрия ... С. 177.

[2] *Абдуллаев К.А.* La localisaionde la capital des Yüeh-chih // La Bactriane an carreiouz des routes ... les civilization de ld Asie Centrale. Paris, 2001. P. 197 – 214.

[3] *Бичурин Н.Я.* Сведения о народах ... С. 151 – 152.

[4] *Ставиский Б.Я.* Кушанская Бактрия ... С. 177; *Зеймаль Е.В.* Северная Бактрия в Кушанскую эпоху // Бактрия-Тохаристан на древнем и средневековом Востоке. М., 1988. С. 22 – 123.

[5] *Бичурин Н.Я.* Сведения о народах ... С. 151.

хеологик ёдгорликларда, хусусан, мозор қўрғонларида улар сезиларли из қолдирган. К. Абдуллаевнинг таъкидлашича, бу ҳудудда Бойсундаги Робот I – III ва Айритом қабристонлари кўчманчиларга тегишлидир[1].

Бироқ бошқа манбага кўра, Айритом қабристони маҳаллий Бақтрия аҳолисига тегишли саналади[2]. Унда, хусусан, қўрғон тепаликлар қилинмаган, ўра қилиб қазилган қабр тури бронза даврининг қабрлари тузилишидан келиб чиқади. Сотер Мегас тангаларининг топилмаларига кўра, бу қабристондаги қабрларнинг бир қисми мил. авв. I асрга тааллуқлидир. Гарчи Айритом қабристони ёки унинг бир қисми кўчманчи аҳолига тегишли бўлса ҳам, бу юэчжиларнинг босиб олган вақтини эмас, балки уларнинг бу ердаги истиқомат даврининг кейинги босқичини акс эттиради.

Шу билан бирга, Айритом қабристонида ва Далварзинтепа қабристонида қадимги антропологик тип билан бир қаторда чорвадор қабилаларга тегишли белгилар билан тавсифланувчи бошқа турдаги қабрлар аниқланди. Бу факт туб аҳолига келгинди халқнинг сингиш жараёни нисбатан тезроқ кечганидан далолат беради.

Энг муҳим ёдгорликлардан бири бўлган Холчаён ёдгорлиги юэчжилар билан боғлиқ, у сопол ҳайкалчалар ва деворий суратлар билан безатилган ҳашамдор саройдир.Г.А. Пугаченкованинг аниқлашича, милоднинг бошланишидан олдин қаср сифатида қурилган бу бино кейинчалик «Герай» наслига тегишли сулола ибодатхонасига айлантирилган, чунки ундаги асосий ҳайкаллар қиёфаси «Герай» тангаларида тасвирланган ҳукмдор қиёфасига ўхшашдир. Унинг фикрича, Сурхондарёнинг ўрта оқими ҳудудлари пойтахти Далварзинтепада жойлашган кушонларнинг Гуйшуан ўлкасига тўғри кела-

[1] *Abdullayev K.* Nomad Migration in Central Asia // After Alexander, before Islam // Proceedings of British Academy. №133. London, 2006. P. 79 – 83. Яна қаранг: *Литвинский Б.А., Седов А.В.* Тепаи-шах. М., 1984. С. 106.

[2] *Тургунов Б.А.* К изучению Айртама // Из истории художественной культуры Узбекистана. – Ташкент, 1973. С. 12; *Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В.* Северная Бактрия ... С. 47.

ди[1]. Бироқ бир қанча тадқиқотчилар бундай даврлаштириш ва тарихий талқинга қўшилмайди[2].

Юэчжи давридаги Бақтриянинг сиёсий тарихини тиклаш учун нумизматик маълумотлар катта аҳамиятга эга. Бу нумизматик маълумотларга жоҳил (варвар) деб ном олган Гелиоклнинг тангалари, Евкратиднинг оболлари ва Фраат IV (мил. авв. 39 – 2 йй.) тангаларига ўхшатиб ишланган ҳақиқий ва сохта тангалар: дубулға кийган ҳолда чапга қараган бош тасвирланган – 3 нусха; Фраатакнинг (мил. авв. 3 й. – мил. 3 й.) боши чапга қараган қиёфаси зарб қилинган тангалар; Западбизнинг, Кушон («Герай»)нинг тетрадрахмларини киритиш мумкин[3].

Улар орасида орқа томонига Зевс туширилган Гелиокл тангаларига, Евкратид оболларига ўхшатиб ясалган тангалар анча илгариги тангалар ҳисобланади, улар мил. авв. II асрнинг сўнгги чорагида зарб этила бошланди[4]. Тангаларнинг бошқа гуруҳлари анча кейин – мил. авв. I асрнинг иккинчи ярмидан мил. I асргача зарб этилади.

Таъкидлаш керакки, нумизматик маълумотлар Бақтриядаги юэчжи тарихини Хитой ёзма манбаларидан фарқли тарзда талқин этади. Шундай қилиб, Катта Хан сулоласи тарихида катта юэчжиларга қарам бўлган беш ўлка мавжудлиги қайд қилинган бўлса, Кичик Хан сулоласи тарихида Бақтрияга кўчганидан сўнг юэчжи хонадони беш ўлкага бўлиниб кетганлиги таъкидланади[5]. Нумизматик маълумотлар эса Катта юэчжилар давлатида бу ўлкаларнинг ташкил топиши бир

---

[1] *Пугаченкова Г.А.* Халчаян. Ташкент, 1965; Ўша муаллиф. Скульптура Халчаяна. – М., 1971.

[2] *Ставиский Б.Я.* Кушанская Бактрия ... С. 202 – 207; *Литвинский Б.А., Седов А.В.* Тахти-шах ... С. 27 – 36; Bernard P. Lesnomads conquérants del'empriegreco-bactrien. Réflection sur leuridentité ethniqueet culturele // CRAIBL. Paris, 1987. P. 758 – 768; *Бернар П., Абдуллаев К.* Номады на границе Бактрии. К вопросу об этнической идентификации // РА. № 1. С. 68 – 86; *Ртвеладзе Э.В.* Новый взгляд на скульптуру Халчаяна // Санъат. 1999. № 3. С. 6 – 8.

[3] *Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В.* Северная Бактрия ... С. 47.

[4] *Массон В.М.* Древнебактрийские монеты ... С. 74; *Дьяконов М.М.* Работы Кафирниганского отряда // МИА. 1950. № 15. С. 173 – 174; *Мандельштам А.М.* К предкушанскому чекану Бактрии // ЭВ. 1966. № 14. С. 141 – 143; *Зеймаль Е.В.* Древние монеты ... С. 100 – 117; Ўша муаллиф. Подражания оболам Евкратида // Приложение к книге *Литвинский Б.А., Седов А.В.* Культы и ритуалы кушанской Бактрии. М., 1984. С. 117; *Ртвеладзе Э.В., Пидаев Ш.Р.* Каталог древних монет Южного Узбекистана. Ташкент, 1979; *Ртвеладзе Э.В.* Древние и раннесредневековые ...

[5] *Бичурин Н.Я.* Сведения о народах ... С. 184, 227.

пайтда эмас, узоқ вақт давомида содир бўлганини кўрсатади. Дастлаб Шимолий Бақтрияда жойлашган икки ўлка вужудга келган, кейинчалик яна уч ўлка уларнинг жанубий қисмларини эгаллайди[1].

Нумизматик маълумотларга қараганда, Катта юэчжилар давлатида бу ўлкаларнинг сиёсий мавқеи тенг эмас эди. Барча беш гуруҳдаги тангалар орасида фақат учтасида ҳукмдорлар номлари мавжуд: Кушон («Герай»), Сападбиз, Фсейгахарис[2].

Улардан фақат Кушон («Герай») номигина, кичик тобе ҳукмдорларга тегишли бўлган ΒΑΣΙΛΕΩΣ мақомидан фарқли ўлароқ, TVPANOVNTOΣ (τύραννος нинг сифатдош шакли) мақоми билан берилади. Бироқ ўз ўлкаси сиёсатини мустақил амалга оширган кучли ҳокимиятга эга ҳукмдорлар золим бўлишган. Ушбу ҳукмдор юэчжи даврларида зарб этилган тангалардан бутунлай фарқ қиладиган юқори даражадаги тангалар зарб этганлиги ҳам бундай талқинга мос келади. Агар Кушон («Герай») тангалари нисбатан дастлабки даврга оид деганфикрга қўшиладиган бўлсак, у Юэжчи давлатининг шаклланиш жараёнининг илк босқичида ниҳоятда юқори ўрин эгаллаган, балки Катта юэчжилар давлатининг ҳукмдори бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Бошқа ҳукмдорларнинг исмлари — Сападбиз ва Фсейгахарис тангаларда ҳеч қандай мақомларсиз кўрсатилган, бу уларнинг ҳокимияти тобелик хусусиятига эгалигидан далолат беради.

Бошқа ўлкалар Бақтриядаги Катта юэчжилар давлатининг иерархик таркибида яна ҳам оддий ўрин эгаллаган эдилар. Буларнинг бари

[1] Бу ўлкаларнинг ўрни ҳақидаги илмий адабиётлар жуда кўп. Бу ҳақда қаранг: *Массон В.М., Ромодин В.А.* История Афганистана ... С. 131 – 157; *Ставиский Б.Я.* Кушанская Бактрия ... С. 110 – 122; *Пугаченкова Г.А., Ртveладзе Э.В.* Северная Бактрия ... С. 45 – 51; Бу масала хусусида энг сўнгги қараш Ф. Гренега тегишли бўлиб, у хозирги Сурхондарё вилояти ўрнидаги Шимолий Бақтрияга юэчжиларнинг Гаофу ўлкасини жойлаштириб тушунтиради. Аслида, бу ўлка Кобулистондаги хинд-парфия мулки билан боғлиқ бўлган. Бу хулосага келиш учун Ф. Грене Хотончаңдан топилган Парфия подноси Фраат V нинг хайкалини асос қилиб олди.

[2] Бу даврда Бақтриядаги сиёсий вазият нумизматик маълумотлар келтирилган мақолаларда ўз аксини топган. Қаранг: *Rtveladze E.* Coins of the Yuech Ruler of Nothern Bactria // Silk Road Art and Archaeology. № 3. – Kamakura, 1993/94. P. 81 – 96; Ўша муаллиф. The coinage of Phseigakharis // Bulletin of the Asia Institute. New series. Vol. VI. – Boston, 1992. P. 151 – 155; *Ртveладзе Э.В.* МонетыТанлисмайлата // ПЦА. № 1. Ташкент, 1995. С. 51 – 60; Ўша муаллиф. Парфия и Юэчжийская Бактрия // ИМКУ. Вып. 3. С. 86 – 91.

ушбу давлат таркибидаги мустақил ўлкалар билан биргаликда кучли марказлашган ҳокимиятга эга бўлганини кўрсатади. Шу тариқа Катта юэчжилар давлати маълум даражада юқори ҳокимиятга қарам бўлган алоҳида ўлкаларнинг конфедерациясини ташкил этарди. Бу давлат тенг ҳуқуқли ўлкаларнинг ўзига хос бирлашмасини ўзида намоён қилиши мумкин эди. Ҳар ҳолда, у ўз ҳудуди ва чегараларига — Бақтрияга, Бақтра шаҳридаги пойтахтига ва 100 минг кишилик қўшинига эга эди.

Эфталитлар давлати ёки Тохаристоннинг турк ябғулари тузилишига кўра бу давлат билан қайсидир даражада ўхшаш, ҳукмдорларнинг исми ва мақоми битилган тангалар чиқарган ярим мустақил ўлкалардан иборат эди.

Юэчжи давлатчилиги ривожининг кейинги босқичи Кушон давлатчилиги бўлиб, у асосий жиҳатлари билан олдинги юэчжи босқичидан юксалиб, яна ҳам юқори тараққиёт погонасига ўтади.

ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯ КУШОН ДАВЛАТИ ТАРКИБИДА

Кушон подшолиги. Умумий тавсифи. Кушон подшолиги — антик даврнинг буюк давлатларидан бири. Мил. I аср — III аср бошларида Рим империяси, Парфия давлати ва Хан давлатидек буюк салтанатлар билан бир қаторда у ривожланган дунёнинг кенг ҳудуди устидан ҳукмронлик қилган эди. У Ғарб ва Узоқ Шарқ маданиятлари ўртасида муҳим ўрин тутарди.

Канишка ҳукмдорлиги даврида қудратли Кушон подшолиги таркибига Ҳиндистон яриморолининг каттагина қисми, ҳозирги Покистон ва Афғонистон, Жанубий Тожикистон ва Ўзбекистон ҳудудлари кирган эди[1].

[1] Кушонлар давлати ҳақидаги илмий адабиётлар дунёнинг турли тилларида чоп этилган бўлиб, кенг қамровга эга. Айрим умулашма ишларни келтириб ўтамиз: История таджикского народа. — М., 1962; История народа Узбекистана. — Ташкент, 1951; История Узбекской ССР. — Ташкент, 1967; *Массон В.М., Ромодин В.Н.* История Афганистана. Т. 1. М., 1964; *Зеймаль Е.В.* Кушанская хронология. М., 1968; *Ставиский Б.Я.* Кушанская Бактрия ...; *Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В.* Северная Бактрия ... Яна қаранг: *Mukherjee B.N.* The rise and fall of the Kushana Empire. Calcutta, 1988.

Бу подшолик асосчилари — юэчжиларнинг келиб чиқиши Марказий Осиёдан эди. Бироқ Кушон давлатчилиги турли халқларнинг, жумладан, юэчжиларнинг ўзлари, эллинлар, бақтрияликлар, ҳиндларнинг давлат тизими, маъмурий бошқаруви, унвонлари, амалдорларнинг табақаланиши, дини, моддий ва маънавий маданиятининг ўзига хос хусусиятларини ўз ичига оларди. Аслида, бу кўпмиллатли, толерантлик давлат миқёсига кўтарилган мамлакат эди[1].

«Катта Хан сулоласи тарихи» гувоҳлик беришича, қўшни давлатлар уни Кушон давлати деб атаган бир вақтда хитойликлар уни ҳамон «Катта Юэчжилар давлати» дейишарди[2]. Мамлакат пойтахти Паталипутра (ҳозирги Пешавор) шаҳри бўлган, пойтахтни бу ерга подшо Канишка кўчирган, зеро, олдинги Кушон подшолари даврида пойтахт шаҳарлар бошқа жойларда (шунингдек, Бақтрада ҳам) жойлашганлиги эҳтимолдан холи эмас. Кушон давлатчилиги тарихида икки муҳим даврни белгилаш мумкин, Канишканинг ҳукмронлик даври бу икки давр чегараси бўлиб хизмат қилади. Биринчи даврнинг илк босқичларида давлат тузилмаси ва маданиятида эллин даврининг ўзига хос жиҳатлари таъсири бўлган; иккинчисида, кўриниб турибдики, бу анъаналар қатъий инкор қилиниб, янги Осиё, кенг маънода Бақтрия ва Ҳинд урф-одатларининг таъсири кўринмоқда. Работакдаги машҳур Канишка фармонида шундай дейилган: «У (шоҳ Канишка) бу фармонни юнон тилида чиқарди, кейинчалик орий (Бақтрия) тилига ўгирди»[3].

Кушон тангалари ҳам худди шуни акс эттиради — Канишка даврида тангалардаги юнон ёзуви ва унвонлар бақтрия тилига ўзгартирилади[4].

Китобнинг ушбу бобида Кушон давлати тарихининг умумий масалалари билан биргаликда асосан ҳозирги Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти ҳудудига — Шимолий Бақтрия қисмига тааллуқли, Кушон давлатининг кенгайиши билан боғлиқ маълумотлар келтирилганини қайд этамиз.

---

[1] *Ртвеладзе Э.В.* Толерантность кушан // Общественное мнение. 1998. №1. С. 22 — 25.

[2] *Бичурин Н.Я.* Сведения о народах ... С. 221 — 288.

[3] *Sims-Williams N., Cribb J.* A New Bactrian Inscriptions of Kanishka the Great // Silk Road Art and Archaeology. №4. Kamakura. 1995/96. P. 75.

[4] Бу ҳақда мазкур китобнинг «Ҳукмдорлар мақомлари» бўлимида батафсил маълумот берилган.

Кушон подшолиги пайдо бўлиши ҳақидаги маълумотлар икки турдаги манбаларда — қадимги Хитой йилномаларининг қисқача маълумотларида ва нумизматик маълумотларда акс эттирилган.

«Кейинги Хан сулоласи тарихи»да Бақтрияни юэчжилар босиб олганидан кейинги жараёнлар ҳақида шундай дейилади: «Юз йил ўтмай туриб Гуйшуан ҳокими Киоцзюко қолган тўрт ҳокимни енгиб ўзини Гуйшуан деб номланган давлатнинг ҳукмдори деб эълон қилди. У Анси билан жанг бошлади, Гаофуни енгди, Пуду ва Гибинларни тор-мор қилди ва уларнинг ерларини эгаллаб олди. Киоцзюко 80 йилдан ошиқ яшади. Унинг ўлимидан кейин ўғли Янгаочжен тахтни эгаллади, сўнгра Ҳиндистонни босиб олиб, унинг бошқарувини саркардаларининг бирига топширди. Шу даврдан бошлаб Юэчжи бадавлат ва кучли подшолик бўлди. Қўшни давлатлар уни Кушон давлати деб номлашган, Хитой саройи унинг олдинги Катта Юэчжи номини сақлаб қолди»[1].

Киоцзюко ва Янгаочжен исмлари Кудзула Кадфиз ва Вима Кадфиз исмларига тўғри келиши лингвистик жихатдан исботланган, Гуйшуан эса «Кушон»атамасининг хитойча ёзилиши экани тангалар ва эпиграфик ёдгорликлардан маълум.

Бир савол туғилади: Кушон давлати қаерда вужудга келган — Шимоли-Ғарбий Ҳиндистондами, Кобулдами ёки Бақтриядами?[2]

Кўп тадқиқотчилар Кушон давлати Бақтрияда, унинг шимолий қисмида шаклланган[3], кейинчалик Кудзула Кадфиз (Кадфиз I) даврида Гандхар, Кобулистон ва Бақтрия унинг номи остига бирлаштирилган деб ҳисоблайдилар.

Работак ёзуви[4] мазмунини ва нумизматик маълумотларни ўзгача талқин қилиш Кушон давлати шаклланишининг илк босқичи ва у ёки

---

[1] *Бичурин Н.Я.* Сведения о народах ... С. 227 – 228.

[2] *Ртвеладзе Э.В.* К истории становления Кушанского государства в Бактрии и Гандхаре // Древняя Индия и Центральная Азия. Ташкент, 2000. С. 145 – 149.

[3] Бу нуқтаи назарни Холчаёндан «герайлар авлоди» ҳайкалларининг топилиши муносабати билан Г.А. Пугаченкова қатъий туриб ҳимоя қилади. Қаранг: *Пугаченкова Г.А.* Халчаян ...; Ўша муаллиф. Скульптура Халчаяна ...

[4] *Sims-Williams N., Cribb J.* A New Bactrian ... P. 75 – 143. Рус тилидаги таржимасига қаранг: *Ртвеладзе Э.В.* Новые данные в истории Кушан // ОНУ. 1977. № 5. С. 67 – 70.

бу ҳудуднинг қўшилиш кетма-кетлигига бошқача назар билан қарашга имкон беради[1].

Герай (баъзида Санаб) номи билан фанга маълум бўлган подшонинг тангалари Кушондан олдинги, илк юэчжи ҳукмрон сулоласининг пайдо бўлгани ҳақида далолат берадиган илк далиллар ҳисобланади. Бу сулоланинг асосчиси Кушон исмли юэчжи сардори бўлган.

Ҳозирча бу тарихий воқеанинг ягона гувоҳи тангалар ҳисобланади. Бироқ ҳозиргача тангалардаги ёзувларнинг талқини, даврлаштирилиши ва тарқалиш ҳудуди баҳсли бўлиб қолмоқда. Улар икки ўлчамда бўлган: оғирлиги 11 – 16 г, диаметри 28 – 30 мм бўлган тетрадрахмлар ва 0,5 – 0,6 грамли оболлардан иборат. Тангалардаги тасвирлар, олдин бир хилда бўлган деб ҳисобланган: ўнгга қараган тожли ҳукмдорнинг сурати, отлиқ аскар, унинг орқасида ҳавода муаллақ турган гулчамбарли Ника. Икки тарафли оболларда «Худо»нинг тик турган қиёфаси акс этади. Яқин кунларгача олимлар тетрадрахмлардаги ёзув ҳам бир хил ва тўрт сўздан – TVPANOYNTOΣ HPAOY ΣANAB KOIIANOY [2] сўзларидан иборат деб ҳисоблашарди.

Бу ёзувнинг турли таржималари мавжуд, асосийларидан бири: «Ҳукмдор Герай Санаб кушонлиқ» ва «Кушон Санабнинг эгалиги (ябғуси)». Оддий талқинда биринчи сўз мақом сифатида тушунилган, иккинчиси (Герай) – шахсий исм, учинчиси (Санаб) – шахсий исм ёки ўлканинг номи, тўртинчиси (Кушон) – қаратқич келишигида берилган қабила ёки сулола номи.

Бироқ бу тангаларнинг кейинги топилмалари уларнинг бир-бирига ўхшамаслигини кўрсатмоқда. Хусусан, унда орқа тарафида ҳавода муаллақ турган гулчамбарли Ника йўқ, ҳукмдорларнинг юзлари эса бир-биридан кескин фарқ қилади. Шунингдек, ҳозирда шунга ўхшаш тетрадрахмлар орасида ёзуви билан фарқ қилган тетрадрахмлар ҳам мавжуд. Бу фарқ, хусусан, ёзувнинг умумий маъносига, айниқса, В.А. Лившиц талқини бўйича, курашувчи маъносини англатган

[1] *Ртвеладзе Э.В.* Новый взгляд ... С. 6 – 7.

[2] *Давидович Е.А.* Первый клад ...; *Зеймаль Е.В.* Древние монеты ...; *Зограф А.Н.* Монеты «Герая». Ташкент, 1937; *Ставиский Б.Я.* Кушанская Бактрия ... С. 149 – 160.

форсча ΣΑΝΑΒΑΡΑ сўзининг қисқартмаси бўлган учинчи ёки тўртинчи ΣΑΝΑΒ сўзига тааллуқли, унинг ўрнига юнонча ΑΝΤΕΙΧ сўзи зарб қилинган.

Сеньор коллекциясидан олинган, бу сўзга эга тангалар илк бор Ж. Крибб[1] томонидан, кейин эса Қўқондаги шахсий коллекциядаги тангалар мазкур китоб муаллифи томонидан нашр этилди[2]. Бу икки атама юнон ва форс тилида тахминан тенг маънога эга бўлиб, танга чиқарган ҳукмдорнинг васфини ифодалайди. Юнон-Бақтрия ҳукмдорларининг тангаларидаги бир неча васфлар курашувчини англатади: ΔΙΚΑΟΥ – адолатли, ΤΕΟΥ – илоҳий, ΑΝΙΚΙΤΟΥ – зафарли ва ҳ.к.

Буларнинг бари ушбу ёзувга қуйидагича изоҳ беради: биринчи сўз – юнонча мақом, иккинчиси – худди шундай, эҳтимол, Бақтрия ёки юэчжилардан келиб чиққан мақом, учинчиси– васф, илк тангаларда юнонча ΑΝΤΕΙΧ, кейинги йилларда эронча ΣΑΝΑΒ ва сўнгги – ёзувнинг тўртинчи сўзи ҳукмдорнинг шахсий исми – Кушон[3]. Эҳтимол, янги юэчжи сулоласи асосчисининг исми «Герай» эмас, айнан Кушон бўлгандир. Натижада Кушон (Юэчжи) давлатининг барча ҳукмдорлари сулола асосчисига эҳтиром билдирган ҳолда унинг исмини ўз тангаларида ёзишган, бу анъанани кўчманчи парларнинг авлодлари – Парфия давлатининг ҳукмдорлари юз йиллар давомида тангаларидаги ёзувларда парфия сулоласи асосчиси Аршакнинг исмини сақлаб келганида ҳам кўриш мумкин.

Ушбу ёзувнинг бизнинг талқинимизни тасдиқловчи Ўрта Осиё нумизматикасига оид бошқа муҳим жиҳатларига эътибор берсак. Иккита, бироқ оромий тилидан келиб чиққан мақомларнинг бир вақтда учраши, мил. авв. I аср – мил. I асрларга оид Хоразм тангаларида MR[9]Y MLK[4] ва кечроқ бухорхудотлар тангаларидаги ҳукмдор-подшоҳ

[1] *Cribb J.* The «Heraus» coins: Their attribution to the Kushan king Kujula Kadphisos, c. AD. 30 – 80 // Essays in honour of Robert Carson and Kennet Jonkins. London, 1993. P. 107 – 134.

[2] *Ртвеладзе Э.В.* К интерпретации слов «Σαναβ» и «Αντειχ» на тетрадрахмах Херайа/ Хиайя // НЦА. Ташкент, 1997. №2. С. 17 – 23.

[3] *Ртвеладзе Э.В.* К интерпретации слов ... С. 22 – 23.

[4] *Вайнберг Б.И.* Монеты древнего ...

маъносини англатувчи XWB K⁹W мақомлари учрайди[1]. Тахминимча, Кушон тетрадрахми ва оболларидаги ёзувларнинг биринчи икки сўз ҳам шундай маънода тушунилиши керак.

Иккинчи жиҳат, Ўрта Осиё қадимги давлатлари ва ўлкаларининг зарб қилинган тангаларида то мил. III – IV асрларга қадар ҳеч қачон танга чиқарилган ўлканинг халқи ёки сулоласи номлари зарб қилинган эмас. Уларда фақат мақом + исм келтирилган, камдан-кам ҳолларда тахаллус ёки васф ё оддий исм, шунингдек, парфияликлар тангаларидаги каби ёки эндиликда Кушон тангаларида аниқланганидек ҳурматли ном сифатида сулола номи келтирилади. Сулола асосчисининг исми бошқа тангаларда ҳам мавжуд, хусусан, сўғдийларда бир неча юз йиллар давомида[2] зарб қилинган тангаларнинг ёзувларида Гиркод ёки Уркод исми битилган эди.

Келиб чиқиши бақтриялик бўлган, мил. V асрда Ҳиндистон ва Бақтрияда икки давлат тузган эфталитлар ҳам худди шу каби ўз тангаларида сулола асосчиси – умумий аждоди (патроними) Алхон ёки Алхан[3] исмини ёзишган. АЛХОNO исми баъзида *хδηο* мақоми билан биргаликда илк бор Бақтрияда зарб қилинган тангаларда акс этади[4], кейинчалик доимий равишда юз йилдан ортиқ вақт давомида Ҳиндистоннинг барча эфталит ҳукмдорлари – Торомана, Михиракула ва бошқаларнинг тангаларида Бақтрия ёзувида зарб қилинади[5].

Буларнинг бари Кушон («Герай») тангаларида бир ҳукмдор эмас, балки бир неча ҳукмдор, одатда, (худди парфия тангаларидагидек) ўз исмини зарб этмай, фақат сулола асосчиси – Кушон исмини зарб этган деб тахмин қилишга асос бўлади.

Маълум бўлишича, уларнинг ичида дастлабкиси деб жуда кам миқдорда топилган (тўрт дона танга), ёзуви ҳали юнон тилидаги юнон васфи ANTEIXга эга тангаларни тан олишимиз керак.

---

[1] *Смирнова О.И.* Каталог монет с городища Пенджикент. М., 1963.

[2] *Зеймаль Е.В.* Политическая история ...

[3] *Humbach H.* The Peros hephthalite coins // Буддийские комплексы Каратепе в Старом Термезе. – М., 1996. С. 209 – 212.

[4] *Göbl R.* Documente zur Geshichte der Iranischen Hunnen in Bactriyen und Indien. Bd. I – IV. Wiesbaden, 1967.

[5] *Göbl R.* Op. sit.

Бу тангалар зарбининг кейинги босқичига оид тангаларда юнонча васф форсча ΣΑΝΑΒ васфига алмаштирилади.

Сўнгги босқичга оид тангалар намуналари Д.В. Бирюков томонидан эълон қилинди[1].

Бу тетрадрахм олдин учраган нусхалардан бир неча иконографик ва эпиграфик белгилар билан қандайдир тарзда: ҳукмдорнинг бошидаги тож айланага ўзгариши, четки чизиғининг мавжудлиги ва отлиқнинг орқасида Ника қиёфасининг йўқлиги, деярли тўлиқ бузиб ёзилган, фақат биринчи сўзи ўхшаш бўлган TVPANOYNTOΣ OAOY NOΔION ёзуви билан фарқ қилади.

Д.В. Бирюков тўғри хулосага келади, унинг фикрича, ушбу намуна хронологик жиҳатдан анча кейинги даврга оид, ўртада бир неча ўн йилликлар давомида шаклланган бир қатор тангалар бўлган. У «Герай» тангалари зарб этилишининг илк даври Юнон-Бақтрия ҳукмдорларининг тангалари зарб этилган давр ва юэчжи тангаларига тақлид қилиб тангалар зарб этилган даврнинг ўртасига – мил. авв. II асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади деб ҳисоблайди[2].

Қушон номи билан чиқарилган тангаларнинг бундай вақтли даврлаштирилишини эҳтимол тутган ҳолда менинг даврлаштиришим бир қанча кечроқ – мил ав. II асрнинг охири – I асрнинг бошлари ва уларни зарб этиш давомийлиги узунроқ – шу вақтдан бошлаб то Вим Так [то] бошчилигида Бақтриянинг Қушон (Юэчжи) давлати таркибига қўшилишига қадар бўлган вақтни ўз ичига олади. Яъни бу зарб қилиниш даври то мазкур тангалар бошқа юэчжи ҳукмдорларининг дастлаб Гелиокл ва Евкратид тангаларига тақлид қилиб, сўнгги босқичда Сападбиз ва Фсейгахарис тангаларига тақлид қилиб зарб қилинган тангалари билан биргаликда зарб этилгунига қадар давом этади.

Ушбу танга, бир қатор иконографияга оид хусусиятларга кўра, бевосита Сотер Мегас, яъни Вим Так [то] зарб қилишига ўхшаш. Буни, хусусан, отлиқ аскарнинг тасвири, бош кийими ва узун ҳилпираган

[1] *Бирюков Д.В.* «Герай»: Старая проблема и новые данные // НЦА. Вып. 1. 1995. С. 16 – 29.
[2] *Бирюков Д.В.* «Герай»: Старая роблема и новые данные ... С. 23.

ёпинчиғи (олдинги зарб қилинганлардаги Ника маъбудасининг ўрнида) кўрсатиб турибди.

Кушон давлати танга зарб этишининг сўнгги босқичини Британия музейидаги икки йирик мис танга акс эттиради, унда ўнгга қараган ҳукмдор, отлиқ аскар ва учаётган Ника тасвирланади. Ундаги ҳукмдорнинг тасвири прототипдагидан анча фарқ қилади, бироқ айлана қилиб битилган ёзув худди ўшандай: TVRANOYNTOΣ HIAOY ΚΟΠΑΝΟΥ, бироқ ΣΑΝΑΒ ёки ANTEIX сўзлари мавжуд эмас. Аммо ҳукмдор юзининг тўғрисида кҳароштҳи монограммаси, аниқки, jatha[1] белгилари мавжуд. Бу танга жуда муҳим, сабаби, у Кушон наслининг ҳиндлар яшайдиган узоқ Ҳиндукуш вилоятигача етиб борганлиги тўғрисида далолат бериши мумкин.

Катта Хан сулоласи тарихида Бақтрияда Катта юэчжиларга қарам бўлган бештахи-хэу (ўлка): Хюми, Шуанми, Гуйшуан, Хейтун ва Гаофу мавжудлиги айтилган бўлса, Кичик Хан сулоласи тарихида Бақтрияга кўчиб ўтганидан сўнг Юэчжи уйи беш хи-хэу: Хюми, Шуанми, Гуйшуан, Хисиё ва Думига бўлинди дейилган. Эҳтимол, шу вақтдан ушбу ўлкаларда ўз тангаларини босиб чиқариш бошлангандир, баъзиларида Юнон-Бақтриянинг Гелиокл ва Евкратид тангалари намунаси бўйича тангалар зарб этилган, Гуйшуанда мустақил танга туридаги тетрадрахм ва Кушон — илк юэчжи сулоласи асосчисининг оболлари зарб қилинади. Уларнинг зарб этилиши биринчи босқичидаги прототиплари Юнон-Бақтрия тангаларига ўхшашлигини ҳисобга олган ҳолда мил. авв. II асрнинг охири — I асрнинг бошида зарб этила бошлаган деб қайд этиш мумкин. Шу ўринда айтиш жоизки, мил. авв. II аср иккинчи ярмининг ўртаси ёки бошида рўй берган Юнон-Бақтрия подшолигининг қулаши асло Юнон-Бактрия тангаларининг, айниқса, кумуш тангаларининг айланиши тўхтаганини билдирмайди. Е.В. Зеймалнинг исботлари ва Кампиртепадаги тадқиқотларимиз натижаси Юнон-Бақтрия тангалари ҳали узоқ вақт Бақтрия бозорларида баъзи юэчжи ўлкаларининг кумуш тангалари етишмовчилигини тўл-

[1] *Cribb J.* The «Heraus» coins: .. P. 119.

сириб турганини кўрсатади. Кушон ўлкасидан бошқа юэчжи ўлкаларида катта қийматли кумуш тангалар эмас, фақат бронза тангалар ва боллар зарб этилар эди[1].

Энди диққатимизни дастлабки Кушон ўлкасининг жойлашган ўрни ҳақидаги мураккаб масалага қаратсак. Ҳозирда юэчжи даврида Бақтрияда муомалада бўлган турли гуруҳ тангаларининг топографияси ҳақида етарлича ишонч билан маълумот беришга имкон берадиган кўплаб нумизматик материаллар тўпланганини таъкидлаш лозим. Кушон (Герай) тангаларининг энг кўп миқдори – 17 та обол ва тетрадрахмлар хазинаси Жанубий Тожикистонда, Кофирниҳон этакларида ва Тахти Сангиндаги Окс ибодатхонасида топилди. Бақтриянинг бошқа жойларида ва унинг ташқарисида (Дилбержин, Термиз, Қобулистон, Гандхар)[2] ягона нусхалар топилган. Ушбу топилма тангаларнинг бирортаси ҳам қадимги Чағониёнда қайд этилмаган, бу ҳолат ушбу ҳудудни Гуйшуан хи-хэуларига киришлигидан далолат беради. Шундай бўлса ҳам, бу ерда, Холчаёнда Г.А. Пугаченко «Гараево» сулоласидан деб номлаган бутун бир ҳайкалтарошлик намуналари гуруҳи топилди. Далварзинтепа кўҳна шаҳрида эса Гуйшуан-Ходзо ўлкасининг пойтахти бўлган шаҳар жойлашган[3]. Бироқ бундай ҳолатда танга топилмаларининг типографияси у ёки бу ўлканинг жойлашувини аниқлашда санъат ёдгорликларига қарағанда анча қатъий мезон бўлиб хизмат қилади. Чунки, фақатгина муайян ҳукмдорнинг бошқаруви давридагина зарб қилинадиган тангалардан фарқли ўлароқ, санъат ёдгорликлари бир неча йиллардан кейин ҳам яратилиши мумкин.

Шу билан бирга, Жанубий Тожикистонда танга топилмаларининг мавжудлиги айнан шу ер Кушон давлати юэчжи сулоласининг дастлабки ўлкаларидан бўлганидан далолат бермайди.

---

[1] *Rtveladze E.V.* Monetory Circulation in Ancient Tokharistan // After Alexander. Central Asia before Islam. Proceedings of the British Academy. 133. Oxford. 2007. P. 389 – 399.

[2] *Давидович Е.А.* Первый клад ... С. 59 – 61; *Зеймаль Е.В.* Древние монеты ... С. 149 – 160; *Граф А.Н.* Монеты «Герая» ...; *Ставиский Б.Я.* Кушанская Бактрия ... С. 149 – 160; *Литвинский Б.А., Пичикян И.Р.* Эллинистический храм ... С. 393 – 405.

[3] *Пугаченкова Г.А.* Уникальная группа монет чаганианского чекана VI в. // Культура и искусство древнего Хорезма. М.: Наука, 1981; *Пугаченкова Г.А.* Халчаян ...

Бу топилмалар мазкур тангаларнинг шимол томондаги энг чекка тарқалиш ҳудудини ва ушбу ўлканинг шимолдаги чегараларини кўрсатади. Унинг маркази, фикримча, ҳозирги Афгонистоннинг Баглон қишлоғида жойлашган. Айнан шу ерда: Сурх-Кўтал[1] ва Работакда[2], билишимизча, Кушоннинг асосий сулола ибодатхоналари мавжуд эди.

Эҳтимол, буюк Кушон ҳукмдорлари Канишка I ва Хувишка улар даврида қурилган Баглонни Кушон сулоласига асос солган аждодларининг она ери сифатида қарашарди. Маълум бўлишича, Баглондан Ҳиндукуш орқали Қобулистонга борувчи йўллар ҳам мавжуд. Қобулистонда Кушон қавмининг вакилларидан бири Кудзула Кадфиз аввал Юнон-Бақтрия шоҳи Гермей билан ҳамҳукмдор сифатида, кейин эса мустақил ўзи етакчи (ябғуси) сифатида ўзининг мустақил фаолиятини бошлайди. Унинг тангаларида жойлаштирилган унвонларунинг аста-секин ябғудан шоҳларнинг шоҳи, худо ўғли: Maharajasya Mahatasya Kushanasa Kaphasya devaputrasy[3] унвонигача кўтарилганини кўрсатади, тангалардаги кхароштҳи ёзувлари эса унинг ўлкаларида ҳинд этносига тааллуқли бўлган ерлар мавжудлигидан далолат беради. Фақат Қобулистон ва Гандхарда Кудзула Кадфизнинг юзлаб, ҳаттоки минглаб тангалари топилган эди[4]. Шу билан бирга, Шимолий ёки Жанубий Бақтрияда ҳозиргача Кудзула Кадфизнинг бир дона тангаси ҳам учрамаганлиги, бу ернинг Кудзула Кадфизга тегишли бўлганини буткул инкор этади. Эҳтимол, Жанубий-Шарқий Бақтрияда кушон сулоласининг аъзолари ҳукмронликни давом эттирган, унинг бошқа қисмида эса тангаларини Гелиокл ва Евкратид тангаларига тақлидан ўзларининг Сападбиз, Агизилес, Фсейгахарис тангаларини зарб қилган бошқа юэчжи сулолаларининг вакиллари ҳукмронлик қилган бўлса керак[5].

[1] *Schlumberger D., Le BerreM., Fussman G.* Surkh-Kotal en Bactriane. V.I. Paris, 1983.

[2] *Sims-Williams N., Cribb J.* A New Bactrian ... P. 73 – 145.

[3] *Chatopodhaya B.* The Age of Kushans: A Numismatic Study. Calcutta, 1967. P. 211.

[4] *Ghirshman R.* Begram. Recherches archeologigues et historiques sur les Koushans // MDAFA. Vol. XII. Cairo, 1946; *Marshall J.* Taxila. Vol. I – III. Cambridge, 1951. P. 67 – 68.

[5] *Rtveladze E.V.* Coins of the Yeezhi Rulers ... P. 81 – 83.

Хитой ёзма манбаларига асосан биринчи Кушон ҳукмдори Qiu-jiu-gue (хитой транскрипциясида Кудзула Кадфизнинг исми)нинг мулки унинг ўғли, Ҳиндистонни босиб олган Yen-gao-zhenга мерос қолган дейилган. Барча олдинги тадқиқотчилар уни Вима Кадфиз деб ўйлашган, илгарилари шунинг асосида Кушон ҳукмдорларининг бошқарув кетма-кетлиги тузилган эди. Бироқ Бактрия ёзувлари маълумотларига кўра, Yen-gao-zhen бу — Вима I Так [то], ҳар ҳолда, Матхурдан олдин айнан у Ҳиндистонни босиб олди.У ердаги машҳур ибодатхона, Ж. Крибб маълумотларига кўра, Вим Так [то] томонидан барпо этилади. Шу сабабли Сотер Мегаснинг ҳукмдор номисиз тангалари Вима II Кадфизга эмас, Вим Так [то]га тегишли деб ҳисоблашга асосимиз бор.

Жумладан, минглаб дона Сотер Мегас тангалари топилмаларига қараганда, унинг даврида Шимолий Ҳиндистон ва Марказий Ҳиндистоннинг бир қисми, шунингдек, бутун Шимолий Бақтрия то Ҳисор тизмасигача босиб олинади[1].

Генеалогия, тахт ворислиги кетма-кетлиги, Кушон ҳукмдорларининг йилномаси

Бу масалада «Кейинги Хан сулоласи тарихи»да, Работақдаги Бактрия ёзувларида, тангалардаги ёзувларда, эпиграфик ёзувларда келтирилган барча маълумотлар Кушон давлатида тахт ворислиги тўғридан-тўғри отадан ўғилга ўтиб борганлигини кўрсатади. Афғонистоннинг Боғлон вилояти Работак қишлоғидаги сулола ибодатхонасида бўлган тоштахтада ёзилишича, шоҳ Канишка каралрагго Шафар ва шу унвондаги Коконзокуларга катта бобоси Кудзула Кадфиз, бобоси Вим Так [то], отаси Вима Кадфиз ва ўзи —шоҳ Канишка шарафига ҳайкаллар ясашни буюради[2]. Вима Так [то] (отаси) ва Вима Кадфиз (ўғли) ўртасидаги қариндошлик ришталари ҳозирда Вима Так

[1] *Зеймаль Е.В.* Древние монеты ...; *Ртвеладзе Э.В., Пидаев Ш.Р.* Каталог монет ...
[2] *Sims-Williams N., Cribb J.* A New Bactrian ... P. 73.

[то]нинг ўғли Вима Кадфиз номидан зарб этилган динорлар билан тасдиқланмоқда[1].

Нумизматик маълумотлар бу далилларга Канишкадан кейин бошқарган яна бир неча ҳукмдорлар– Хувишка, Васудев I ва Канишка II (III) исмларини қўшмоқда[2]. Чамаси, сўнгги исмдаги ҳукмдор билан Буюк Кушон сулоласи ҳукмронлиги тугайди. Шимолий Бақтрияда Васудева I ва Канишка II (III) тангалари янада кўпроқ учрайди[3]. Канишка II (III)нинг даврида ёки ундан кейин Кушон давлати парчаланган, кейин эса Шапур I (241 – 262) бошчилигида сосонийлар томонидан босиб олинади[4].

Шунингдек, олимлар Васудева I ва II Кушон ҳукмдорларининг тангаларини ажратмоқда. Бироқ улар Бақтрияда, хусусан, унинг шимолий қисмида умуман учрамайди. У ерда, афтидан, қисқа даврли кичик ўлкалар бўлган бўлиб, уларнинг ҳукмдорлари ўз тангаларини Кушон тангаларига ўхшатиб зарб қилишган ва, эҳтимол, ўзларининг келиб чиқишини Буюк кушон сулоласига оид деб билишган.

Шундай қилиб, Кушон ҳукмдорларининг бошқарув кетма-кетлиги қуйидагича бўлган:

Кудзула Кадфиз – подшоҳлик асосчиси

Вима Так [то]

Вима Кадфиз

Канишка I

Хувишка

Васудева I

Канишка II (III) – буюк кушон сулоласи шоҳлари бошқарувининг тугаши.

---

[1] *Bopearachchi O.* Some observations on the chronology of the early Kushans // Des Indo-Grecs aux Sassannides: donnee pour l'histori et la geographie historique. Res Orientales XVII. V. XVII, 2007. P. 41 – 52.

[2] *Rozenfield.* Dynastic art of Kushan. – Los- Angeles, 1967; *Cobl K.* Munzprugung des Kusanreiches. – Wien, 1984; *Mukherje B.N.* The rise and fall of the Kushana Empire. ... P. 61 – 155.

[3] *Ртвеладзе Э.В., Пидаев Ш.Р.* Каталог монет ...; *Зеймаль Е.В.* Древние монеты ...; *Ртвеладзе Э.В.* Периодизация ...

[4] *Ртвеладзе Э.В.* Об ареале и хронологии сасанидских завоеваний в Северной Бактрии-Тохаристане // ОНУ. 1983. №1. С. 47 – 54.

Кушон подшоларининг мутлоқ хронологияси

Юқорида келтирилган рўйхат Кушон подшоларининг қиёсий хронологияси бўлиб, тўлиқ шажара ҳалигача аниқланган эмас. Бу Канишка ҳукмронлигининг бошланиш санаси (КБС) ўша даврда ҳисобга олинган эра ва унинг ҳозирги йил ҳисобига тўғри келиши билан боғлиқдир.

Кушон подшолигида турли эралар (салавкийлар, Викрам, Сак, Калачури даврлари) мавжуд бўлиб, Канишка I давридан бошланувчи Канишка эраси ҳамбор эди. Мазкур эра бўйича ундан кейин ҳокимиятга келган Кушон подшолари даври саналанган:

Канишка I – 1–23
Васишка – 24–28
Хувишка – 28–60
Канишка II – 41
Васудева (Канишка III) – 64–98

Кушон салтанати ҳудудида топилган, Кушон ҳукмдорлари тилга олинган, номаълум эра ва Канишка эраси бўйича саналанган кўплаб эпиграфик ёдгорликларни бошқа (Сак, Викрам, Калачури) эраларга таққослаш ҳозирча ижобий натижа бермади. Канишка бошқарувининг илк санаси (КБС) – кушонлар даврини аниқлашдаги мутлоқ сана ҳисобланган сананинг муайян даражада тебраниш оралиғи мил. авв. 57 йилдан то мил. 278 йилгача бўлган даврни қамраб олади. КБСни белгилашга нисбатан турли фикрларни кўриб чиқиш 1968 йилда Е.В. Зеймаль томонидан амалга оширилган эди. У Кушон йилномасини аниқлашда ўттиздан ортиқ аниқ саналар таклиф этилганини[1] таъкидлайди.

Кушонларнинг тўлиқ хронологиясини аниқлашнинг ҳаққоний йўлларидан бири археологик маданий қатламлардаги топилмалар ёки кушон тангалари ва аниқ бошқарув санасига эга парфиялик, римлик ва сосоний шоҳлар тангалари хазиналарининг биргаликдаги топилмаларига асосланишдир. Вақт қаторини ташкил этувчи, Кушон тангалари

[1] Бу масала борасида 1968 йилгача бўлган турлича қарашлар ҳақида қаранг: *Зеймаль Е.В.* Кушанская хронология ...

билан биргаликда аниқ даврлаштирилган бир нечта тангаларнинг топилмасидан фойдаланиш Кушон давлатининг мавжудлиги даврини ва Кушон шоҳларининг ҳукмронлик даврини муайян даражада аниқлаш имконини беради.

Археологик-стратиграфик маълумотлар ва тангалар стратиграфияси Э.В. Ртвеладзега кушон тангалари учун вақт қаторини шакллантиришга ёрдам берди[1]. Унинг энг қуйи чегараларида, мил. авв. I асрнинг учдан икки қисмида Сотер Мегас тангаларининг шаклланиши кузатилади. Унинг энг юқори чегараси эса мил. III асрнинг иккинчи чораги билан белгиланмоқда. Бу қаторнинг ўрталаридан биринкетин Вима Кадфиз, Канишка I ва Хувишка тангалари ўрин олади. Бу хулосалар Кушон қироллиги мил. I асрнинг учдан иккинчи қисмидан III асрнинг биринчи ярмигача мавжуд бўлган дейишга имкон беради, хусусан, Канишканинг ҳукмдорлик даври мил. II асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. Сўнгги пайтларда Канишка ҳукмронлигининг бундай даврлаштирилишига кўплаб олимлар қўшилмоқда. Шундай қилиб, Sphujiddhvaja томонидан ёзилган Yavana-jatakадаги маълумотлар таҳлили асосида Х.Фалк Канишка I нинг ҳукмронлиги мил. 127 – 150 йилларга тўғри келишини аниқлади[2].

Кушонларда шоҳлик ҳокимиятининг концепцияси

Қадим жамиятда подшолик ҳокимиятининг концепцияси бир неча қисмлардан иборат бўлган: сулоланинг келиб чиқиши, шоҳ наслининг қадимийлиги, шоҳ ҳукмдорлигининг қонунийлиги, унинг келиб чиқиши илоҳийлиги, тахт ворислиги тизимлари, диний ва дунёвий вазифаларнинг аралашуви, унвон иерархияси ва сайланиш тури.

Сулоланинг келиб чиқиши. Кушон сўзи илмда ўлка номи, қавм номи ёки исм сифатида тушунилади. Хитой ёзма манбалари маълу-

[1] *Rtveladze Eduard.* The coins rulers ... 1993. P. 81 – 97.

[2] *Falk H.* The yuga Sphujiddhvaja and the era of Kushans // Silk Road Art and Archaeology. Vol. 7. Kamakura, 2001. P. 121 – 136.

мотлари бу сўзни қабила номи сифатида эмас, балки муайян ўлка номи — Гуйшуан ва исм — Кушон сифатида тушунишга имкон беради. Этник жиҳатдан улар юэчжи-тохарларга мансуб бўлиб, бу хитой императорлари саройи (юэчжилар билан бошқаларга кўра яхшироқ таниш бўлган) уларнинг олдинги номини — Катта юэчжилар давлати номини сақлаб қолганидан кўриниб турибди. Шунга қарамай, қўшни халқлар уларни кушонлар деб атай бошлаганлар. Эҳтимол, *Кушон* шахс исми бўлиб, у уруғнинг кўтарилишига сабабчи бўлган уруғ асосчисининг номи ва Кушонлар подшолигида сулолани бошқарган ҳукмдорлар номини англатгандир.

Эрондаги бошқа сулолаларнинг ярим афсонавий (каёнийлар) ва ҳақиқий сулолалар — ахамонийлар, аршакийлар ва сосонийлар таҳлили шуни кўрсатадики, у ёки бу сулоланинг номи унинг ҳақиқий ота-бобоси исмидан келиб чиқади.

Бу ҳолат Доро Ининг Бехистун ёзувида яна ҳам аниқ акс эттирилади: «Менинг отам Виштаспа, Виштаспа отаси Аршама, Аршама отаси Ариамна, Ариамна отаси Чишпиш, Чишпиш отаси Ахамон. Шунинг учун биз ахамонийлар деб аталамиз» (Таъкид бизники — *Э.Р.*)[1].

Парфия тангаларида мил. I асрга қадар барча шоҳлар ўзларини уруғининг номи билан Аршак деб атагани каби, «Герай»дан то Канишка III гача барча Кушон тангаларидаги ёзувларнинг охирида бу уруғ ота-бобосининг исми — Кушон номи ўзгаришсиз қолган эди.

Кушон давлатида бир номли сулола бўлганини бу давлатда зарб этилган барча тангаларда истисносиз равишда Кушон исми ёзилгани ва ҳар бир шоҳда муайян вариантдаги бир хил турдаги «тамға» (шахсий тамға) туширилганидан билса бўлади. Марказий Осиёдан кўчманчи юэчжи-тохарларнинг келгунига қадар Бақтрияда тангаларга тамға қўйиш одати бўлмаган (илк бор Шарқий Бақтрия ҳукмдори Сападбиз, кейин Кудзула Кадфиз томонидан тангаларга тамға қўйила бошлаган), бу эса кушон халқининг кўчманчи қабилалардан келиб чиққанидан далолат беради. Кудзула Кадфизда биз кўчманчиларга

[1] Хрестоматия по истории ...

хос бўлган тотемизм билан боғлиқ бошқача анъаналарни ҳам кузатамиз. Унинг тангаларида от, туя, йиртқич ҳайвон тасвирлари мавжуд.

Титулатура. Кушон ҳукмдорларининг мақомлари орасида эрон, ҳинд ва юнон шоҳлари мақомлари мавжуд[1]. Бу табиий, чунки юэчжилар Бақтрияга келишидан олдин подшолик ҳокимиятини билишган. Илк тангалардаги ёзувларда подшоликнинг асосчиси Кудзула Кадфиз фақатгина қабила етакчиси, сардори мақоми билан – Zoŋs (юнон), iobγo (бақт.) деб аталарди. Илк Кушон ҳукмдори («Герай»)юнонча turan мақомига эга бўлган, у, Ж. Кеннединг фикрича, кичик ўлкаларга ҳукмронлик қилган ярим мустақил ҳукмдорларга мансуб эди ва бу мақом ҳанузгача фанда мустаҳкам ўрин олган. Бироқ тиран деб кучли мустабид бошқарувга эга қудратли ҳукмдорлар ҳам номланган (мисол учун, Сицилия тиранлари), Кушон («Герай»)нинг юқори сифатли тангаларига асосланадиган бўлсак, эҳтимол, у ҳам шундай бўлгандир.

Буюк давлат ташкил этганидан сўнг Кудзула Кадфиз тангаларда буюк шоҳ, буюк шоҳлар шоҳи деб номланади:

1. Maharayasa mahatasa Kushana Kujula Kaphsa «Кудзула Кара Капа, буюк Кушон (наслидан), буюк шоҳ».

2. Kujula Kara Kapsasya maharajasa rajatirajasa «Кудзула Кара Капа, буюк шоҳ, шоҳлар шоҳи».

3. Maharajasya rajarajasya devaputrasya «Кудзула Кара Капса, буюк шоҳ, шоҳлар шоҳи, худонинг ўғли».

Шу тариқа, Кушон давлати шаклланишининг бошиданоқ Кудзула Кадфиз нафақат буюк шоҳ, (Кушон наслидаги энг) буюк, шоҳлар шоҳи, балки худонинг ўғли деб ҳам номланган эди. Шоҳ ҳокимиятини илоҳийлаштириш юз бериб, унинг келиб чиқиши илоҳий деб тан олинади. Агар «шоҳлар шоҳи»мақоми эрон ёки юнонча маъносида келган бўлса, унда «худонинг ўғли», Э. Томаснинг фикрича, ҳинд ёки хитой императорлари орасида кенг қўлланилган, хитой мақомидир[2].

---

[1] Батафсил таҳлил ва илмий адабиётлар шарҳи бўйича қаранг: мазкур китобнинг «Ҳукмдорлар мақоми» бўлими.

[2] Бу ҳақда батафсил қаранг: *Mukherjee B.N.* Imperial cults in the Kushana empire // India and Sentral Asia. Tashkent, 2000. P. 69 – 75; Рус тилида ҳам. С. 175 – 181.

Кудзула Кадфизнинг ўғли Вима Так [то] фақат юнон мақомларини қўллайди, невараси Вима Кадфиз эса юнон («шоҳ» ва «шоҳлар шоҳи, буюк халоскор») ёки яна ҳам мураккаблашган ҳинд мақомларини: «буюк шоҳ, шоҳлар шоҳи, дунё эгаси, махешварага содиқ, эътиқод ҳимоячиси» мақомларини қўллайди.

Канишка I юнон (илк тангаларда ҳали ΒΑΣΙΛΕΩΣ ΒΑΣΙΛΕΩΝ бўлиб келган) ва ҳинд (унинг тангаларида умуман бўлмаган) мақомлардан воз кечиб, расман ўз номини эроп (орий) дунёсига тегишли деб билади. Кейинги тангаларда у бактрия мақоми PAONANOPAO – шоҳлар шоҳи деб номланади ва барча кейинги Кушон шоҳлари шу ном билан аталади.

Шундай қилиб, кушонларда шоҳлик ҳокимияти концепцияси анча мураккаб ҳодиса ҳисобланади. У кўчманчи (юэчжи) ва ўтроқ (бактрия) Осиё дунёсининг юқори ҳокимияти анъаналарини, юнон ва ҳинд, эҳтимол, Хитойнинг ҳам шоҳлик ҳокимияти тушунчаси моҳиятини ўзича олган эди.

Бу тамойилнинг қарор топиши ва Кушон давлатининг улкан ҳудудидаги аҳоли орасида жорий этилишида мамлакатнинг турли қисмларида бунёд қилинган сулолавий ибодатхоналар ўзига хос ўрин тутади. Уларнинг асосийларидан бири Жанубий Бактрияда, ҳозирги Боғлон вилоятидаги Сурх-Кўтал ва Работакда жойлашган бўлиб, эҳтимол, шу ерда Кушон давлатчилигига пойдевор қўйилгандир. Сурх-Кўталдаги эҳром Канишка ёки унинг вориси Хувишка даврларида бунёд этилган бўлиб, зафарли Канишка (Kaniški Vanindo)га аталади[1].

Работакдаги «Ибодатхона», ёзув маъносига кўра, олдинги кушон подшоларининг хотирасига атаб барпо этилган, бу ҳақда уларнинг тошкалларидаги ёзувлар далолат бермоқда. Ибодатхона бир вақтнинг ўзида Канишканинг шуҳратини ҳам, унинг амалларини ҳам кўкларга кўтариши назарда тутилган эди[2].

---

[1] Сурх-Кўтал ҳақида қаранг: *Schlumberger D., Le Berre M., Frussman C.* Surk-Kotale en Bactriane. V. I – III. Paris, 1983; О содержании надписи. Основы Иранского языкознания. Среднеиранские языки. М., 1981. С. 333 – 334. И. Стеблин-Каменский томонидан ёзилган бу бўлимда Сурх-Кўтал битигининг асосий адабиёти келтирилган.

[2] Работак битиги мазмуни. Қаранг: *Sims-Williams N., Cribb J.* The New Inscription ... P. 73 – 141.

Яна бир сулола ибодатхонаси Жанубий-Шарқий Ҳиндистонда Матда жойлашган бўлиб, эҳтимол, Вима Так [то] шарафига қурилгандир. Бунга ўхшаш ибодатхоналар Шимолий Бақтрияда ҳам мавжуд эди.

Уларнинг бири Холчаёнда даставвал мил. I асрда қурилган қаср[1] бўлган, кейинроқ, эҳтимол, Канишка даврида[2] ибодатхонага айлантирилади. Чунки бу пайтда подшолик сулоласини илоҳийлаштириш эътиқоди қарор топиб, сулолавий эҳромлар қурила бошланган эди. У кушон-юэчжиларнинг бақтрияликлар ва бошқа кўчманчи қабилалар, балки, саклар[3] билан жангига, Кушон давлатининг ғалабасига бағишланган ҳайкаллар композицияси билан безатилган бўлиб, Кушон давлатчилигининг илк босқичидаги ривожланишни акс эттиради.

Бошқа ибодатхона Айритомда барпо этилган бўлиб, шоҳ Хувишка ҳокимиятининг тўртинчи йилида олдинги будда ибодатхонаси сулола ибодатхонасига (баголагго — худоларнинг яшаш жойи) ўзгартирилган, буни шу ердан топилган ёзув маъносидан кўриш мумкин[4]. Сурх-Кўталдаги ибодатхона каби бу ибодатхона ҳам, эҳтимол, Канишка шарафига қурилади, гарчи бу ҳали аниқ тасдиғини топмаган бўлса ҳам, ундаги ёзувда унинг исми (namo Kaniško) келтирилади.

Кушон давлатининг шимолий чегараси

Тарих фанида Кушон давлатининг чегаралари масаласи Окснинг шимол тарафида бўлгани кўп маротаба муҳокама қилинган. Бу борада аниқ кўрсатма, ёзма манбаларнинг йўқлиги турли хил фикрларни келтириб чиқаради, улар қисқача қуйидагилардан иборат:

[1] *Пугаченкова Г.А.* Халчаян ...; Ўша муаллиф. Скульптура Халчаяна ...; *Ртвеладзе Э.В.* Новый взгляд ... С. 6 – 7.

[2] Работак битиги мазмунидан подшоларнинг ҳайкаллари улар ҳаётдан ўтганидан кейин ўрнатилганлиги аён бўлади.

[3] *Bernard P.* Les nomads conquerants ... P. 758 – 768; *Бернар П., Абдуллаев К.* Номады на границе Бактрии ... С. 68 – 86; *Abdullaev K.* Nomad Migration in Central Asia // After Alexander Central Asia before Islam. Proceedings of British Academy. №133. London, 2006. P. 89 – 91.

[4] Битик таржимасига қаранг: *Тургунов Б.Л., Ртвеладзе Э.В., Лившиц В.А.* К открытию айртамской надписи // ОНУ. 1981. № 4. С. 38 – 44.

1. Кушон давлатининг илк маркази Сўғд ҳудудларининг бирида – Миёнқалъада, гўёки Кушания шаҳри жойлашган ерда эди. Кушонларнинг кейинги босқинлари жануб йўналишида амалга оширилади.

2. Кушон давлатининг ватани – Бақтриянинг ўнг қирғоғи, кушонлар ўша ердан бошлаб Ўрта Осиёнинг шимолий туманлари: Сўғд, Шош ва Хоразмни забт этишга киришган эди[1].

3. Кушон давлатининг шимолий чегараси Ҳисор тоғ тизмасидан ўтган: унинг жанубий ҳудуди Кушон давлатига тегишли эди, шимол тарафи Қанғга тегишли ерлар бўлган[2].

Биринчи фикр В. Томашенко томонидан киритилди ва 40 – 50-йилларнинг умумий тарихий тадқиқотлари давомида кенг тарқалди, охир-оқибат қатъий рад этилди[3].

М.Е. Массон ва Е.В. Зеймаль томонидан Кушон давлатининг шимолий чегараси Ҳисор тизмасидан ўтганлиги аллақачон асослаб исботланди[4].

Шунга қарамай, кўплаб тадқиқот ишларида бу шоҳликнинг шимолий чегаралари ҳақида нотўғри тасаввурлар қайд этилади, ҳаттоки Кушон ўлкаси ичига Ўрта Осиё Икки дарё оралиғининг кўп қисми ва Хоразм киритилган харита ҳам келтирилади[5].

Археологик ва нумизматик маълумотлар ҳозирда Кушон давлатининг шимоли-ғарбий чегаралари жойи Сурхондарё ва Қашқадарёни ажратувчи тоғ тизмаси Ғарбий Ҳисор бўйлаб ўтганини аниқлашга имкон беради. Дарбанд қишлоғи олдида, Темир дарвозанинг шарқида бақувват харсангтош ва тўртбурчак хом гиштдан қурилган мудофаа девори мавжуд, унинг кенглиги 6 – 6, 5 метр, узунлиги 1, 5 км, бир канча жойларда миноралар бор, жанубида эса қалъа билан мустаҳ-

[1] *Ставиский Б.Я.* О северных границах Кушанского государства // ВДИ. 1961. № 1. С.110 – 114.

[2] *Массон М.Е.* К вопросу о северных границах Кушанского государства // ОНУ. 1968. №6. С. 124 – 125.

[3] *Пугаченкова Г.А.* К иконографии Герая (О некоторых вопросах раннекушанской истории) ВДИ. 1965. № 1. С. 127 – 156; *Массон М.Е.* К вопросу о северных ... С. 16 – 17.

[4] *Массон М.Е.* К вопросу о северных ... С. 24 – 25. *Зеймаль Е.В.* Политическая история... С. 205.

[5] *Гафуров Б.Г.* Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. М., 1972. С. 150 – 151; *Ставиский Б.Я.* Кушанская Бактрия... С. 13; *Rozenfield.* Op. sit. 1967. map.

камланган. Бу девор Ўрта Осиё ҳудудларини Бақтрия-Тохаристон ва Ҳиндистон билан боғловчи асосий қадимги йўл ўтадиган, Шўроб дарёси водийси Саримаш ва Сувсизтоғ тизмалари ўртасини тўлиқ тўсган эди. Шунингдек, Сайроб олдидаги Узундара, Панжоб ва Хатак олдидаги Танги-Девол иккинчи даражали йўллари қийин ўтиладиган, катта лашкар юришига яроқсиз бўлишига қарамай, мудофаа деворлари билан тўсилган эди[1]. Узуқ-юлуқ тошли, кенглиги 3 м, узунлиги 5 км бақувват девор Сино қишлоғи олдидаги дарани тўсганини айтиш жоиз[2].

Деворнинг қурилган вақти Қушон даври[3] билан саналаштирилган бўлиб, бу катта эҳтимол билан Шимолий Бақтрияни босиб олган Вим Так [то] хукмронлиги даврида юз берган эди.

Шу билан бирга, ушбу девор эллин даврида, мил. авв. III – II асрларда қурилган деган фикрлар ҳам мавжуд.

Бу фикр тарафдорлари унинг фақат марказий қисмидан[4] топилган қазилма маълумотларига асосланишмоқда, аммо деворнинг шимолий қисми эллин даврига эмас, мил. I – II асрларга хос бўлган 32×32×12 см ва 33×33×10 – 12 см ўлчамли ғиштлардан терилган[5].

Бу даврда, чамаси, мил. авв. III – II асрларда у ерда юнонларнинг fruriопига ўхшаш мустаҳкам ҳимояланган пост мавжуд эди, илк кушонлар даврида эса конфедератив Қанг давлатининг таркибига кирган Сўғд ўлкалари билан Қушон давлатиўртасидаги чегарани билдирувчи девор қурилган эди.

Шу сабабли Б.Я. Ставискийнинг баъзи воҳалар атрофида қуриладиган узун девор хилига мансуб бўлган Дарбанд девори Қушон давлатининг чегарасини билдирмайди деган фикри хатодек кўринади[6].

Бироқ бу айнан чегара бўлган, чунки деворнинг мавжудлигидан ташқари Ҳисор тизмасининг шимолий ўлкаларида зарб этилган тан-

[1] *Ртвеладзе Э.В.* Стена Дарбанда Бактрийского // ОНУ. 1985. №6. С. 34 – 39.

[2] *Пугаченкова Г.А.* К исторической топографии ... С. 50 – 51; *Ртвеладзе Э.В.* Фортификационные сооружения на севере Кушанского государства // Маскан. 1991. № 5. С. 4 – 7.

[3] *Ртвеладзе Э.В.* Стена Дарбанда... С. 38 – 39.

[4] *Рахманов Ш.А.* Новые данные ...; *Рахманов Ш.А., Рапэн К.* Железные ворота ... С. 22 – 32.

[5] *Ртвеладзе Э.В.* Дар-и Аханин-Дарбанд // Труды Бойсунской научной экспедиции. Вып. 1. Ташкент, 2003. С. 18 – 20.

[6] *Ставиский Б.Я.* Кушанская империя и Хорезм // Приаралье в древности и средневековье. М., 1998.

галар ҳам буни тасдиқламоқда. Жанубий Сўғдда (ҳозирги Қашқадарё вилояти тўғридан-тўғри жанубий-шарқда Дарбанд девори билан чегарадош) мил. авв. II – I асрлардан то мил. III асргача Геракл ва Зевс тасвирланган кумуш тангалар Артат сулоласидаги ҳукмдорлар томонидан зарб этилган эди[1], Самарқанд Сўғдида камончи тасвирланган Аштам»[2] сулоласининг кумуш тангалари, жанубий-шарқда, Бухорода ва Марказий Сўғднинг ғарбида «Гиркод» сулоласининг тангалари зарб қилинарди[3]. Бу сулолалар тангаларида Қанг тамғаси йўқлигига қараганда, улар Сўғдда мил. авв. II – I асрлардан мил. VIII – асргача ҳукмронлик қилган, ҳокимияти меросий бўлган Чжаову уйи, яъни юэчжиларга тегишли эди. Шу вақтнинг ўзида Бухоро Сўғдида, Хоразмда, Сирдарё бўйи ҳудудларида ва Шошда мил. авв. II – I асрлардан мил. III – IV асрларгача бу ҳудуд ҳукмдорлари томонидан бир типдаги Қанг тамғали кумуш ва мис тангалар зарб этилган эди[4].

Шу тариқа Ўрта Осиё Икки дарё оралиғининг марказий ва шимолий ҳудудлари қанғликлар ва юэчжилардан келиб чиққан ҳукмдорлар томонидан бошқарилган алоҳида ўлкаларга бўлинган эди. Бу ўлкалар шимолда кушонлар учун ўтиб бўлмас чегара бўлиб қолган эди. Ўрта Осиё Икки дарё оралиғида Кушон давлатининг устунлиги ёки Сўғд ва Хоразм ўлкалари унга тобе бўлганини кўрсатувчи ҳеч қандай далил йўқ. Сўғд ва Хоразм ўлкалари қандайдир алоҳида ҳуқуқлар асосида Қанг конфедератив бирлашмасининг таркибига кирган мустақил ўлкалар эди. Кушон тангалари бу ерда кам учрайди, Кушон танга тизими олтин ва мисга асосланган, Ўрта Осиё Икки дарё оралиғи ўлкалари эса кумуш ёки кумуш ва мисга асосланган, бу ҳам улар бошқа-бошқа давлат бирлашмалари бўлганидан далолат беради, чунки бир давлат ичида, одатда, ягона пул тизими юритилади.

[1] *Ртвеладзе Э.В.* Южно-Согдийские монеты династии Абтата с изображением Геракла и Зевса // Шаҳрисабз шаҳрининг жаҳон тарихида тутган ўрни. Тошкент, 2002. С. 123 – 126; Ўша муаллиф. Монеты Кеша (Киша) III–II вв. до н.э. – VIII в. н.э. // ОНУ. 2002. № 6. С. 43 – 49; *Rtveladze E.* Coins from Kish 3rd– 2nd century B.C. – 8th century AD // Eran ud Aneran. Studies Presented to Boris Ilič Marsak on the Occasion on his 70th Birthday. Venezia, 2006. P. 525 – 533.

[2] *Зеймаль Е.В.* Древние монеты ... С. 257 – 269.

[3] *Зеймаль Е.В.* Политическая история ... С. 208 – 209.

[4] *Массон В.М.* Хорезм и кушаны... С. 79 – 85; *Ртвеладзе Э.В.* История и нумизматика ... С. 1 – 40.

Мил. авв. I аср – мил. I асрлар оралиғида ва саккиз юз йил давомида ҳукмдорлари ниҳоятда юқори MR'Y MLK' (ҳукмдор-шоҳ) мақомига[1] эга қанғ сулоласи бошқариб келган Хоразм Кушон давлатининг таркибида бўлган дейишга ҳеч қандай асос йўқ.

Шундай қилиб, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги бу ўлкалар ичида фақат Шимолий Бақтрия Кушон давлатининг бир қисми эди.

Нумизматик маълумотларнинг далолат беришича, Шимолий Бактрия Кушон давлати пайдо бўлганидан буён унинг таркибига киради. Бу ерда Кушон ҳукмдорлари Сотер Мегас (Вима Так [то]), Кадфиз II, Канишка, Хувишка, Васудева I, Канишка II (III)нинг тангалари топилди.

Е.В. Зеймаль Шимолий Бақтрияда Хувишка, айниқса, Канишка тамғаси туширилган «А» даврига оид тангаларнинг камлигига асосланиб ҳарбий-сиёсий воқеалар натижасида Хувишка бошқарувининг иккинчи даврида кушонлар бу вилоятни қўлдан бой берганлигини тахмин қилган эди. Унинг фикрича, кейинчалик 50 – 90-йилларда «Канишка эраси»да Хувишка тангалари билан таъминлашда «узилиш босқичи», шундан сўнг «биринчи сосоний истилоси босқичи», бир неча йил ўтмай «иккинчи сосоний истилоси босқичи» рўй беради[2].

Мазкур даврлаштиришни ишончли деб қабул қилолмаймиз. Хувишка тангалари етарлича кўп сонда топилган – Бақтриянинг шимоли-гарбий қисмида, бизнинг маълумотларга кўра, 49 тага яқин тангалар нусхаси ва 37 та динордан иборат хазина топилган; шу вилоятнинг шимоли-шарқий қисмида 32 та тангалар нусхаси аниқланган[3]. Демак, уларнинг сони 70 тага яқинни ташкил қилади, хазинани ҳисобга олсак, 100 дан ошади, яъни бошқа кушон подшоҳлари даврига оид тангалар миқдорига тенглашади. Бу даврлаштиришни кушон подшолари тангаларининг узлуксиз равишда Хувишка тангаларига ўхшатиб зарб қилиниши аниқ босқичма-босқич узвий давом этгани-

[1] *Вайнберг Б.И.* Древние монеты... С. 34 – 42.

[2] *Зеймаль Е.В.* Северный Тохаристан в Кушанскую эпоху // Бактрия-Тохаристан на древнем и средневековом Востоке. М., 1983. С.41 – 42.

[3] *Зеймаль Е.В.* Древние монеты ... С. 212 – 214.

ни кўрсатувчи тангалар хазинаси ҳам, сосоний кушоншоҳлари зарб эттирган илк тангалар ҳам тасдиқламайди[1].

Аҳамиятлиси шундаки, Хувишка даврида Шимолий Бақтриянинг кушонларга тобе этилиши мазкур подшо номи зикр қилинган Айритом битигида ҳам ўз ифодасини топади[2].

Кушон сулоласининг кейинги даврлардаги сиёсий тарихи турли фаразларга асосланиб қурилади. Аниқланишича, кушон подшоларининг сўнгги тангалари Васудева ва Канишка III номлари билан чиқарилади. Канишка III ва Васудева тангалари зарб этилишининг иккинчи босқичидаги типологик ўхшашлик уларнинг бир саройда зарб этилганлигини тахмин қилиш имконини беради. Васудева ва Канишка III нинг орқа томонига Ардохш илоҳаси тасвири туширилган мис тангаларнинг муомалада бўлиши ҳам бир вақтга тўғри келади деб ҳисобланади[3].

Бу маълумотлар ҳамда Васудева ва Канишка III тангаларининг турли тарқалиш ҳудудига эгалиги кўплаб хорижий олимлар орасида Кушон давлатининг икки қисмга: «ғарбий» ва «шарқий» ёки «шимолий» ва «жанубий» қисмларга бўлинганлиги ҳақидаги қарашларнинг тарқалишига асос бўлиб хизмат қилди[4]. Д. Розенфельд, масалан, Канишка III тангаларини кейинчалик Гупта сулоласи тангаларида акс этган шаклига асосланиб жанубий вилоятларга, Васудева тангаларини эса уларнинг орқа томонидаги тасвир сосоний кушоншоҳлар томонидан мерос қилиб олингани боис шимолий вилоятларга тааллуқли деб билди. У Канишка III тангаларининг Шимоли-Ғарбий Ҳиндистонда, Васудева тангаларининг Кобул водийсида тарқалганлиги борасидаги А. Канингхэм фикрларига ҳам таянади[5].

Я. Харматта ҳам Кушон давлатининг икки қисмга бўлинганлиги ҳақидаги қарашини тангаларнинг турли ҳудудлардан топилганлиги билан асослайди.

---

[1] *Ртвеладзе Э.В.* Рецензия на книгу Литвинского Б.А., Седова А.В. Тепан-шах. Культура и связи Кушанской Бактрии // ВДИ. 1985. № 4. С. 186 – 187.

[2] *Тургунов Б.А., Лившиц В.А., Ртвелвдзе Э.В.* К открытию бактрийской ... С. 38 – 49.

[3] *Зеймаль Е.В.* Северный Тохаристан... С. 225; *Rozenfield J.* The dynastic art ... P. 110 – 112.

[4] Репсон, Гебл, Розенфильд, Харматта, Чаттаподхай фикрлари.

[5] *Cunningham A.* Coins of the Kushans or Great Yue-ti. Numismatic Cronicle. 1892. P. 116; *Rozenfield.* The dynastic art ... P. 107 – 110.

Е.В. Зеймаль дастлаб бу фаразни рад этди, аммо кейинчалик Васудева ва Канишка III даврларида Шимолий Бақтриянинг кушонларга бўйсундирилгани ҳақидаги ноаниқ масалани аниқлашга ҳаракат қилди[1]. Унинг тахминича, бу подшоҳларнинг тангалари мазкур ҳудудларга улар зарб этилгандан анча кейин, сосонийларнинг V асрнинг 20 – 40-йилларидаги тахминий икки истилоси оралиғида кириб келади[2]. Бироқ бу фикр асоссиз, чунки Васудева ва Канишка III хазиналарида сосоний кушон шоҳларга оид тангалар деярли учрамайди, стратиграфик жиҳатдан эса Хувишка тангаларидан сўнг сосоний кушон шоҳларнинг тангалари эмас, балки Васудева ва Канишка III тангалари келади[3].

Васудева ва Канишка III тангалари Шимолий Бақтриянинг барча жойларида алоҳида топилма ва хазина ҳолида кўп учрамоқда[4].

Шундай қилиб, археологик ва нумизматик маълумотлар Шимолий Бақтриянинг кушонларга бўйсунишида ҳеч қандай узилишларни акс эттирмайди, Васудева ва Канишка III ҳукмронлиги даврида Кушон давлати икки қисмга бўлинган деган фикрларни тасдиқламайди. Ниҳоят, Васудева ва Канишка III кушон тангаларига тақлидий тангалар Шопур I (мил. 241 – 272 йй.) сосоний драхмлари билан бирга топилган. Бу камида мил. III асрда сўнгги буюк кушон ҳукмдорлари Васудева ва Канишка III тангалари зарб қилиниши тўхтагани, фақат уларга тақлидий тангалар мавжуд бўлганини билдиради.Шунингдек, айтиш жоизки, тақлидий тангалар зарб этилиши Кушон тангаларининг муомаладан чиқишидан олдин бошланади. Шунга кўра, Кушон давлати хронологиясининг сўнгги нуқтаси II асрнинг учинчи чорагидан анча олдинроққа тўғри келмоқда.

Вэй сулоласи йилномаларида Хитой қасрига мил. 230 йилнинг январь ойида да-юэчжи ҳукмдори Бо-дю-Васудевадан совға-саломлар билан элчилар келгани ҳақида ёзилган. Агар бизнинг қарашларимизга асосланиб сўнгги кушон ҳукмдори фақат биргина Васудева, яъни

[1] *Зеймаль Е.В.* Древние монеты ... С. 225

[2] *Зеймаль Е.В.* Северный Тохаристан ... С. 41 – 42.

[3] *Ртвеладзе Э.В.* Об ареале и хронологии ... С. 186 – 187.

[4] *Ртвеладзе Э.В., Пидаев Ш.* Каталог древних ... С. 82 – 85; *Зеймаль Е.В.* Древние монеты... С. 215 – 228.

Қанишка III бўлган деб қарасак, Кушон давлатининг парчаланиш вақти нумизматик маълумотларни ҳисобга олган ҳолда мил. III асрнинг биринчи ярмига тўғри келади.

Кушон давлати ташкил этилганидан буён Шимолий Бақтрия унинг асосий қисмларидан бири бўлиб келган эди. Унинг давлатдаги аҳамияти иқтисодий қудрати билан, аввало, давлатнинг шимоли-ғарбий чегарасини тўсиб турган ҳудуд сифатида белгиланади.

Маълумотлар мажмуасини таҳлил қилиш бу ҳудудда, энг аввало, ташқи душманларга қарши қаратилган марказлашган мудофаа тизими бўлганлигини кўрсатади. У уч қатор мудофаа иншоотларини ўз ичига олади:

1. Давлат чегарасини англатувчи ва ҳимоя қилувчи қалъали чегара мудофаа деворлари (Дарбанд).

2. Тоғли дараларга кириб борувчи йўллардаги давлат истеҳкомлари. Бу истеҳкомлар, ўз навбатида, каналлар бошида бунёд этилиб, сув тақсимоти назоратини ва, эҳтимол, божхона вазифасини ҳам бажарарди – Кофирқалъа, Сари Банд, Тарагайтепа, Қўштепа.

3. Давлат қалъалари Оксдан ўтадиган кечувларни назорат қиларди – Кампиртепа, Термиз.

Шимолий Бақтрияда Балх воҳасининг айланма девори каби асосий воҳалар атрофида туман деворлари бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас[1].

Шу боис шаҳарларда ҳамда кўп сонли жуда кучли мустаҳкамланган шаҳар-қалъаларда босқинчилар ҳужумининг олдини олишга мўлжалланган қудратли мудофаа иншоотлари мавжудлиги бежиз эмас кўринади.

А.П. Франфорнинг фикрича, мил. авв. II асрдан то мил. III асргача Бақтрияда, Ўрта Осиёнинг Хоразмдан ташқари бошқа вилоятларида бўлгани каби, эллинларгача бўлган қадимий мудофаа иншоотлари тизимига қайтилади: яна девор ичидаги йўлаклар пайдо бўлиб, ярим доира миноралар такрорланади. Бу ҳолатни у ҳарбий ҳаракатларда, жумладан, Кушон ва Парфия жанг саҳнасида отлиқ ва қўл жангининг

[1] *Пугаченкова Г.А.* К познанию античной и раннесредневековой архитектуры Северного Афганистана // Древняя Бактрия. М., 1976. С. 137 – 140.

ҳал қилувчи аҳамият касб этганлиги билан боғлайди.Унинг фикрича, бу мураккаб кўп қатламли пахсали деворлар ва миноралар қуришдан воз кечишга олиб келган эди. Чунки отлиқ қўшинлар ҳужуми ва пиёдалар ҳаракати шаҳарларни қамал қилишнинг асосий усули бўлиб қолган эди[1].

В.М. Массон протейхизмнинг кучсиз ривожи асосини ва ташқи деворларнинг унча қалин бўлмаганлиги сабабини Шимолий Бақтрия мудофаа иншоотларининг, биринчи навбатда, отлиқ ва пиёдалар ҳужумидан ҳимояланишга мўлжалланганлигида деб ҳисоблайди[2]. Аммо бундай эмас. Кучли протейхизмлар Будрач, Далварзин, Қампиртепанинг қалинлиги *5—7* ва *9—10 м* га етувчи мудофаа деворларида кўзга ташланади. Шимолий Бақтриядаги Кушон шаҳарлари ва қалъаларининг мустаҳкамланиши девор бузувчи қурилмаларга қарши тура олишга (протейхизмнинг мавжудлиги, деворларнинг ниҳоятда қалинлиги) мўлжалланган эди. Уларнинг олдинги деворлари аввалги даврларга нисбатан анча қалин ва кенг бунёд этилиб, ҳам отлиқ, ҳам пиёда ҳужумидан мудофаа тизими (жойни ҳам тўғридан, ҳам ёнбошдан ўққа тутиш имконини берувчи девор ва минораларда кўплаб туйнуклар) қурилган эди. Ҳарбий соҳа тараққиёти ва қамал қилиш техникасининг такомиллашуви натижасида кушонлар даврида бақтрияликлар ва эллинлар усубларини бирлаштирган турли мудофаа тизимлари яратилади.

Ўрганилаётган ҳудудда мудофаа иншоотларининг сон жиҳатдан турлича бўлиши кушонлар томонидан шимолий йўналишга қараб кенгайишни амалга оширишдан кўра айнан шимолдан кутиладиган ҳужумларга нисбатан чора кўришга мажбур бўлганлигидан далолат беради. Айнан шу боис ҳам унинг мудофаасига шу даражада катта эътибор қаратилган эди.

Қайси ҳуқуқий меъёрлар асосида Шимолий Бақтрия Кушон давлати таркибига кирганлиги масаласи ноаниқлигича қолмоқда. Аммо

[1] *Fransfort H.P.* Des fortications en Asia Centrale. – Paris: Ed. CNRS. 1982. P. 34 – 35.

[2] *Массон В.М.* Северная Бактрия. Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. М., 1985. С. 261.

унинг муҳим стратегик аҳамиятини эътиборга оладиган бўлсак, Шимолий Бақтрия ўзига хос маъмурий бирлик – *марка* (чегара вилояти тури)ни ифодалар эди.

Сурх-Кўтал битикларида бақтрия «каралрагго» (ноиб, чегара вилояти бошлиғи – *маркграф*)[1] унвони билан Коконзок номи қайд этилган бўлса, Работак битигида каралрагго Шараф номи қайд этилади[2].

Айритомдаги бақтрия битигида қандайдир «Шудийа»тилга олинади[3], у Хувишка подшо бошқарувининг тўртинчи йилида бу ерда йирик қурилиш ишларини амалга оширган, шу жумладан, *мализо* (арк) ва *баголаггo* (эҳром)да тозалаш иншоотларини таъмирлаш ишларини олиб боради. Эҳтимол, Шудийа Коконзок ва Шараф каби кушон маъмуриятининг юқори лавозимли киши си, Шимолий Бақтриянинг маркграфи – канаранг бўлгандир.

Унинг ичида кушон маъмурияти вакиллари томонидан бошқариладиган йирик алоҳида маъмурий бирликлар, ҳаттоки ҳукмдор кушонлар авлодининг шохобчасидаги ворисий сулолалар ҳам бўлган бўлиши мумкин. Жумладан, Холчаёнда ҳукмдорлар саройи бўлганлиги ва у кейинчалик Чағониённинг машҳур кушон сулолалари ёки кушон подшолари авлодлари зиёрат қиладиган сулолавий эҳромга айлантирилгани аниқланган. Г.А. Пугаченкованинг фикрига кўра, Дальварзинтепадаги будда ибодатхонасидаги ҳайкалда «Сурхондарёдаги вилоятни бошқараётган ноиб хонадонига мансуб кушонлар авлоди шажарасининг бир вакили» акс этади[4]. Шу ернинг ўзида, эҳтимол, шаҳарлар ва майда маъмурий бирликларнинг ҳукмдорлари акс этган тасвир ҳам мавжуд.

Археологик география маълумотларига кўра, Шимоли-Ғарбий Бақтрияда бир неча микро ва макро тизимлар мавжудлиги аниқлан-

---

[1] *Лившиц В.А.* К открытию бактрийских надписей на Кара-тепе в Старом Термезе // Буддийские пещеры Кара-тепе в Старом Термезе. М., 1969. С. 55 – 56; *Хумбах Х.К.* К находкам Бактрийских надписей на Кара-тепе // Новые находки на Кара-тепе в Старом Термезе. М., 1975. С. 66; *Стеблин-Каменский И.* Основы иранского ... С. 328.

[2] *Sims-Williams N., Cribb J.* The new Inscription ... P. 78 – 79.

[3] *Тургунов Б.А., Лившиц В.А., Ртвеладзе Э.В.* К открытию айртамской... С. 37 – 42.

[4] *Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В.* и другие. Дальверзин-тепе – кушанский город на юге Узбекистана. Ташкент, 1978. С. 47, 96 – 97.

ди. Бу тизимлар нафақат жойлашувининг географик тамойилларини, балки маъмурий бўлинишнинг давлат сиёсатини ҳам ўзида акс эттиради. Уларнинг ҳар бирида марказий кучли мустаҳкамланган шаҳарча ва шаҳарлар мавжуд бўлиб, улар авваллари ҳарбий гарнизон ёки соликлар йиғиш ва молиявий назоратни амалга оширувчи махсус ҳукумат амалдорларининг қароргоҳлари бўлган бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, вилоят ҳудудидаги мавжуд қатор ахоли манзилгоҳлари кушон подшолари ҳомийлиги остида ўзига хос давлат даражасидаги диний марказ вазифасини бажарар эди. Жумладан, Қоратепа ва Тармитдаги будда ибодатхонаси (монастри) «подшо вихараси» — *Khadevakavikara*[1] номи билан юритилган, шунингдек, Айритомдаги будда зиёратгоҳи ҳамшундай эди. Айритом битикларида бу манзилгоҳнинг буддавий жамоалари шарафига амалга оширилган қандайдир қурбонликлар тўғридан-тўғри кўрсатилади. Мазкур битикнинг биринчи қаторида подшо Хувишка номи зикр этилган бўлса, 2 — 3-қаторларида эҳром мажмуаси қурилиши билан боғлиқ қандайдир Шудийанинг фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади. Шу боис биз биринчи қаторнинг бузилиб кетган қисмида Хувишканинг ўзи Шудийага эҳромни кенгайтиришга кўрсатма бергани ва зарур маблағ ажратганлигини тахмин қилишга ҳақлимиз[2].

Ҳозирда ушбу ибодатхонага Шудийа томонидан амалга оширилган қайта қуришлардан сўнг Канишка номи (KANIŠKI NAMO KIPDO) берилгани аниқланди. В.А. Лившицнинг маълумотларига кўра, агар Сурх-Кўталдаги ибодатхона ҳам Зафарли Канишка (KANIŠKI OANINΔO) деб номланганини ва Хувишка ҳукмдорлигининг тўртинчи йилида барпо этилганини инобатга олсак, бу шоҳ Бақтрияда кушон қудратининг асосчиси — Канишка шоҳига сиғинишлари учун ҳаракат қилган деб тахмин қилиш мумкин.

[1] *Ставиский Б.Я.* Основные итоги изучения Кара-тепе в 1974 — 1977 гг. // Буддийские памятники Кара-тепе в Старом Термезе. М., 1995. С. 44 — 45.

[2] *Тургунов Б.А., Лившиц В.А., Ртвеладзе Э.В.* К открытию айртамской ... С. 45.

II ҚИСМ

ДАВЛАТЧИЛИК ИНСТИТУТЛАРИ

ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНСТИТУТЛАР

Баъзи тадқиқотчилар томонидан «Авестонинг қадимги қисмларини яратган жамият» сифатида кўрилган, ўтроқ деҳқон ва чорвадор қабилаларнинг патриархал бирлашмасини ташкил этган Ўрта Осиёнинг қадимги даврдаги илк синфий жамиятида антик даврда динамик равишда ўзгаришлар рўйбера бошлайди.

Мил. авв. IV аср қадимги цивилизациялар ривожланишидаги янги даврнинг бошланиш нуқтаси эди. Бу даврга келиб маҳаллий давлатчилик, хусусан, Парфия, Юнон-Бақтрия ва Кушон подшоҳликлари давлат сифатида шаклланди. Жанубий ҳудудларда анъанавий равишда амал қилиб келган деҳқончилик маданияти янада ривожланди, кейинчалик бу тараққиёт жараёнига ўтроқ деҳқончилик воҳаларини кўчманчи дашт билан боғлаб турган шимолий ҳудудлар ҳам қўшилди. Ана шундай шароитларда иқтисодиёт ва жамиятнинг ўзида маълум бир ижобий ўзгаришлар кузатилди ҳамда маданият намуналарида ҳам намоён бўлди. Бундай ўзгаришларни яққол акс эттирган ташқи кўринишлардан бири шаҳарлашишдаги кескин юксалишда рўй берди. Қадимгилари ривожланиб, кўплаб янги шаҳар марказлари пайдо бўлди. Уларнинг сон жиҳатдан ўсиши мақсадга йўналтирилган шаҳарсозлик сиёсатида ҳам акс этди. Бу даврни Ўрта Осиёнинг антик даври деб аташ мумкин.

Жамият ривожининг иккинчи ёркин белгиси ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг юксалиши ва товар айланмасининг оммавий тартибга солиниши билан боғлиқ пулли савдонинг пайдо бўлиши ва кенг тарқалишида; ташқи транзит йўналишида қатъий товар айланмаси Буюк ипак йўлининг Ўрта Осиёдаги асосий йўллари шаклланишидаакс этди.

Бу даврнинг ўзига хослиги ва янгилигини ташкил этган асосий белгиларини инобатга олиб Ўрта Осиё жамияти бир хил бўлмаганини унутмаслигимиз зарур. Хўжаликнинг ва ижтимоий ташкил этишнинг пешқадамлигига эришган, Аҳамонийлар давлатига тегишли илк шаҳарлашиш аломатларига эга бўлган жанубий вилоятлар ҳудудлари

ҳали урбанизацияга энди қадам қўяётган, патриархал муносабатлар устунлик қилган ҳудудлар билан бирга мавжуд эди. Улар учун антик давр аста-секинлик билан шаҳарлашган цивилизациялар бирлашмасига қўшилиш даври бўлган. Бундан ташқари, Ўрта Осиё жамиятининг ривожланиб боришига ўзига хос таъсир кўрсатган кўчманчи периферия ҳам мавжуд эди.

Антик даврда Ўзбекистон ҳудудида жамиятнинг тузилиши, давлат тузилиши ва бошқаруви, иқтисодий-ижтимоий тузуми ҳақидаги ёзма манбалар кам ва турли хил. Унинг атрофидаги ҳудудлар – Эрон, Хиндистон, Шарқий Туркистон манбаларини жалб қилмасдан, бир-бирига боғланмаган ва тарқоқ фактлар асосида унинг ички ривожланишининг яхлит тасвирини шакллантириш жуда қийин (асосан бу ҳолатда экстраполяция усули қўлланилади).

Тадқиқотнинг муҳим базавий материали сифатида барча асосий ҳудудлар – Бақтрия, Сўғд, Хоразм, Шош, Фарғонадаги шаҳар ва манзилгоҳлар, ўтроқ ва кўчманчи аҳоли қабристонларининг археологик ўрганиш натижалари, шунингдек, бу ўрганишлар давомида аниқланган кенг қамровли нумизматика фонди, мутахассислар томонидан тадқиқ этилган эпиграфик топилмалар хизмат қилмоқда. Эпиграфик топилмалар ўзининг тўлиқ эмаслиги, бўлаклар ҳолатида эканлиги билан ажралиб турса ҳам, рад этиб бўлмайдиган ҳужжат характерига эга ҳисобланади.

Македониялик Александрнинг юришлари, Салавкийлар ва Юнон-Бақтрия подшоҳликлари, Қушон давлати даврини ўз ичига олган тарихий давр юнон ва лотин тилида ёзган муаллифлар – Геродот, Квинт Курций, Арриан, Полибий, Юстин, Страбон, Плиний, Плутарх, Помпей Трог кабиларнингасарларида ўз аксини топган. Ўрта Осиё жамиятининг ижтимоий тузилиши тўғрисида бир қанча маълумотлар Хитой манбаларида, хусусан, Катта Хан сулоласи йилномаларида келтирилади. Парфия тилидаги манбаларга Ашхобод биқинида жойлашган Нисадаги ЮТАКЭ (Жанубий Туркманистон археологик комплекс экспедицияси) қазилмалари билан аниқланган мил. авв. II – I асрлардаги қаср мажмуасининг хўжалик архивидаги *остракон-*

лар (сопол парчаларидаги ёзувлар)ни киритиш мумкин[1]. Идишлар парчаларидаги битикларда подшонинг шароб омборларига шароб-пинг келиб тушиши ва маҳсулотларнинг тақсимоти, бундан ташқари, ер тоифалари ҳамда солиқ ундириш турлари, сарой хўжалигининг таркибий қисми, аҳоли табақалари ҳақида маълумотлар қайд этилган. Улардаги маълумотларни Жанубий Бақтрия ҳудудидаги Ойхоним кўҳна шаҳри қазишмаларида сарой хазинаси мажмуаларидан топилган идишлардаги юнонча битиклар тўлдиради[2].

Маълумотларга бой манбалар қаторида Тупроққалъа ҳаробаларининг қадимги Хоразм (мил. II – III аср) ҳукмдорларининг сарой мажмуаси қазишмаларида топилган оромий тилида тери ва ёғоч бўлакларига ёзилган ҳужжатлар архивини айтиб ўтиш лозим[3]. Теридаги ҳужжатларда шароб, ун, қорамол тарқатилишини қайд этиб борган, шунингдек, уларда шоҳ бошқарувчиларининг бир нечта тоифалари тўғрисида маълумотлар мавжуд. Ёғоч манбалардаги ёзувлар хонадонлар ўртасидаги ёзишмаларни ифодалаб, улар Хоразм жамиятининг таркибий тузилиши ва оилавий муносабатларини тасвирлаб бера оладиган, тенгсиз аҳамиятга эга ҳужжатлардир.

Жамият ва кундалик ҳаёт турли томонларининг туб моҳияти, аҳоли тоифалари, маъмурият, шаҳарсозлик ва шаҳарларнинг ички тузилиши, шаҳарликлардаги касб-кор ва бошқалар Македониялик Александрнинг юришларидан сўнг Шимоли-Ғарбий Ҳиндистонда пайдо бўлган шаҳарларнинг биридаги юнон подшоларидан бири Милинда (Менандр) ва буддавий роҳиб Нагасена ўртасидаги фалсафий мулоқот – «Милиндапаньха» («Милинданинг саволлари»)да акс этади[4].

---

[1] *Дьяконов И.М., Дьяконов М.М., Лившиц В.А., Массон М.Е.* Налоговые парфянские документы II века до н.э. из Нисы // Материалы ЮТАКЭ. Вып. 2. М.-Л., 1951; *Дьяконов И.М., Лившиц В.А.* Парфянское царское хозяйство в Нисе II в. до н.э. // ВДИ. 1960. № 2. С. 19; *Дьяконов И.М., Лившиц В.А.* Документы из Нисы I в. до н.э. Предварительные итоги работ. М., 1960.

[2] *Рапэн Кл.* Эллинистическая сокровищница Ай-Ханум // Городская культура Бактрии-Тохаристана и Согда. Ташкент, 1987. С. 108; *Rapin Cl.* La trésorerie du palais hellenistique d' Aï Khanoum // MDAFA. XXIII. Paris, 1992. P. 95 – 114.

[3] *Толстов С.П.* По древним дельтам ... С. 220 – 221; *Лившиц В.А.* Документы. Топрак-кала. Дворец. М., 1984. С. 251 – 286.

[4] Вопросы Милинды (Милиндапаньха) // Пер. с пали, предисловие, исследование и комментарии Парибка А.В. М., 1989.

Деметрийнинг қўмондонларидан бири сифатида Менандр Ҳиндистоннинг босиб олинишида иштирок этади, кейинчалик мустақил ҳукмдорга айланган эди. Унинг ҳукмронлиги мил. авв. 130 – 100 йилларга тўғри келади. Ҳиндистоннинг кейинги даврларда Юнон-Бақтрия подшолиги билан узлуксиз давом этган, мустаҳкамланиб борган яқин алоқаларини инобатга олсак, айнан шу даврда форсий тил унсурлари Шимоли-Ғарбий Ҳиндистонга кириб борганлиги ўз тасдиғини топади ва бу манбада акс этган ретроспектив мазмундаги жумлалар айнан бақтрияликлар ҳудудига тааллуқли бўлиб, улар мил. авв. I асрларда бу ерда рўй берган вазиятга аниқлик киритади. Айниқса, жамият тузилишида, бошқарув тоифаларини белгилашда, подшоҳ хўжалигини ташкиллаштиришда парфияликлар ва сосонийлар дунёсида бир хиллик бўлганлиги ҳисобга олинса, масала янада ойдинлашади.

Кушон шоҳлигининг давлат тузилишини тавсифлаш учун Жанубий Бақтрия ҳудудларида 1991 – 1995 йилларда топилган бақтрия ёзувида ёзилган қўлёзма ҳужжатлар топилмалари қимматли манба бўлиб хизмат қилмоқда. Уларнинг юзга яқини Лондонда Д. Халилийнинг шахсий коллекциясида сақланади. Уларни ўрганиб чиққан Н. Симс-Вилямс уларнинг жами 20-дан ортиғини мил. авв. 342 – мил. 81 йилларга оид ҳуқуқий ҳужжатлар деб ажратмоқда. Булар асосан Кушон ҳукумати билан назоратга олинган, асосий ерлардаги ижтимоий-иқтисодий институтлар фаолиятининг турли жабҳаларини ёритиб берувчи шартномалар, савдо ва ижара келишувлари, хатлари, тилхатлар, қулликдан озод қилиш ҳақидаги актлар ва бошқалардир[1].

Кушон подшолиги даври учун Торим ҳавзасидан А. Стейн томонидан топилган кўплаб матнлар муҳим манба бўлиб хизмат қилади. У ерга Канишка ҳарбий юришлар уюштириб Қашқар мулкини Кушонга қўшиб олади. Агарда кхароштҳи ёзувли ҳужжатлар орқали хулоса чиқарадиган бўлсак, кейинчалик бу ерда вужудга келган Ния ва Крорайна ҳудудларидаги давлатлар «Кушон империясидан қолган парча-

[1] *Симс-Вильямс Н.* Новые бактрийские документы // ВДИ. 1997. № 3. С. 3 – 10.

лар» бўлган деб тахмин қилиш мумкин[1]. Маҳаллий хукмдорларнинг кушонларга хос мақомлари ва кушонларга хос бир қатор исмлари географик шароитига кўра бу давлатлар бошқалардан ажралиб қолганлиги боис узоқ йиллар давомида Кушон давлатига хос давлат қурилиши, ички тартиблар ва жамият тузилмасини сақлаб қолганлигини тасдиқлайди. Қҳароштхи ҳужжатларининг шакли, тадқиқотчиларнинг фикрича, унинг узоқ йиллар қўлланилганлигидан гувоҳлик бериб, мил. II – IV асрларга оид деб ҳисобланади. Ёғоч ва лойдан ишланган тахтачалардаги архив хизмат ёзишмалари, келишувлар ва битимлар (ернинг сотилиши ва ижараси, вақтинчалик ишга ёллаш, қулликка сотиш, ўғил қилиб олиш), солиқлар йиғими ҳақида маълумотлар, амалдорлар, уй ва ер эгалари рўйхатидан иборат эди[2]. Архивда Кушон марказий ўлкаларининг ижтимоий жабҳаларини тадқиқ этишда ишлатса бўладиган, қанчадир вақт кушонларга қарашли бўлган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тузилиши, бошқарув аппарати, солиқ ва ижара муносабатлари ҳақида маълумотлар мавжуд.

Сўғдлар жамияти тузилишини тавсифлаш учун «Қўҳна сўғд хатлари» деб номланган ҳужжатларни жалб қилиш мумкин бўлиб, уларда мил. II аср охири – IV асрдаги Шарқий Туркистондаги сўғд бирлашмаларининг ижтимоий ҳолати аниқ ўз ифодасини топади ва табиий равишда метрополиядаги жамиятнинг кичик бир кўринишини намоён қилади. «Қўҳна хатлар» А. Стейн томонидан Дунхуандан ғарбдаги Буюк хитой девори миноралардан бирини қазиш чоғида топилган бўлиб, у мил. II аср охири – IV аср бошларига тўғри келади[3]. Улар Дунхуандаги Сўғд жамоаси 1000 киши атрофида бўлгани, улар таркибида эгаларининг буйруғи асосида Шарқий Туркистоннинг воҳаларида савдо ишлари билан шуғулланувчи ва Самарқандга улар ҳақида тўлиқ ҳисобот жўнатувчи Самарқанд савдогарларининг вакиллари

[1] *Воробьева-Десятовская М.И.* Индийцы в Восточном Туркестане в древности (некоторые социальные аспекты) // Восточный Туркестан и Средняя Азия. М., 1984. С. 65.

[2] *Тихонов Д.И.* Культурные связи народов Центральной Азии с кушанами // Центральная Азия в кушанскую эпоху. Т. II. М., 1975. С. 158 – 159.

[3] *Boyer A.M., Rapson E.J., Senart E.* Kharoshti Inscriptions Discovered by Sir Aurel Stein in Chinese Turkestan, Pt. 3. Oxford, 1920 – 1929; *Burrow T.A.* Translation of the Kharoshthi Documents from Chinese Turkestan. London, 1940.

бўлганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Хатлар сўғдларнинг турмуш тарзи ва оилавий ҳаёти, жамиятнинг қатламларга бўлиниши ҳақида қимматли маълумотларга эга[1].

Сўғд ҳудуди учун муғ архиви материалларидан ҳам фойдаланса бўлади, хусусан, никоҳ шартномасида эркин киши учраши мумкин бўлган шахсий тобеликнинг бир қатор тоифалари айтиб ўтилади[2]. Ҳужжат анча кеч (710 йил) тузилишига қарамай, унинг таркибий қисми, ноширнинг фикрича, анча илгари ишлаб чиқилган меъёрларга мос тушади, қулларни англатувчи атамалари эса мил. IV асрга оид сўғд матнларида ҳам ўз аксини топади[3].

Жамият тузилиши, тобелик шакллари тўғрисидаги маълумотни мил. авв. II аср – мил. VII асрлардаги Эроннинг ижтимоий муносабатларини акс эттирган «Мингта суд қарори тўплами» деб номланган мулкий ва оилавий ҳуқуқ ҳақидаги мақолалар тўлдириб боради[4]. Бу манбаларни жалб қилиш асосида аҳоли табақаларини, шахсий ҳамда иқтисодий тобе кишиларни, хусусан, қулларни англатиш учун қўлланиладиган атамаларнинг ўхшаш жиҳатлари намоён бўлади. Шу билан бирга, бу тушунчаларда жамланган ижтимоий ва ҳуқуқий мазмун вақт ўтиши билан ўзгариб борганлигини ҳисобга олиш керак. Бинобарин, ҳозирги илм-фан ёндашганидек, ёзма манбаларга қараб тараққиёт жараёни қандай кечганини изчил ўрганиш бироз қийин.

Ўрта Осиё жамиятининг тузилиши

Жамият асосини аввалгидек жамоалар ташкил қилган бўлиб, бу нафақат ижтимоий ташкилотни, балки ишлаб чиқаришдаги етакчилик ўрнини ҳам белгилар эди. Жамоа тушунчаси барқарор қолса-да,

[1] *Чугуевский А.И.* Новые материалы к истории согдийской колонии в районе Дунхуана // Страны и народы Востока. Вып. X. М., 1971. С. 14.

[2] *Лившиц В.А.* Юридические документы и письма // Согдийские документы с горы Муг. Вып. II. М., 1962. С. 21 – 25, 34 – 37.

[3] *Лившиц В.А.* Древнейшие государственные образования // История Таджикского народа. Т. 1. М., 1971. С. 14.

[4] *Периханян А.Г.* Общество и право Ирана в парфянский и сасанидский период. М., 1983.

у ривожланиш ва табақаланиш босқичида сифат жиҳатдан ўзгарди. Ўтган даврдаёқ қариндошлик алоқалари ҳудудий жиҳатдан ўзгариб, хонадон (патриархал) жамоа соҳиблари анча йириклашган уюшма — қўшничилик жамоалари таркибига кира бошлади. Қўшни жамоалар тизими Ўзбекистон ҳудудидаги ҳам қишлоқ, ҳам шаҳарлардаги қадимги жамиятнинг инфратузулмасини белгилаб берди.

Мустабид давлатлар (Ахамонийлар, Салавкийлар, Юнон-Бақтрия, Парфия) шароитида қишлоқ жамоалари молиявий тўлов бирликлари бўлиб қолди. Ахамонийларнинг марказий ҳокимияти эзилган аҳоли ёки куч билан асирга олинганлардан қишлоқ жамоаларини ташкил қилди. Бобил (Вавилон)да улар ҳақида маълумотлар бор. Эҳтимол, бундай сунъий жамоалар ташкиллаштириш амалиёти кейинроқ Ўрта Осиё давлатларида ҳам мавжуд бўлган бўлиши мумкин. Парфия даврида бундай сиёсат Красснинг мағлуб бўлган Рим қўшинига нисбатан қўлланилиб, мил. авв. 53 йилдаги Карра шаҳри ёнидаги жангдан сўнг улар Марв атрофига жойлаштирилган эди. Молиявий мақсадларда уларни бирлаштириш орқали сунъий жамоаларни ташкил қилиш билан бир қаторда табиий ривожланиш ҳам рўй берди. Қўшни жамоалар ривожланиши учун қулай бўлган шароитда савдо-ҳунармандчилик шаҳарлари ёки ибодатхона бирлашмалари даражасида юксалиши мумкин эди. Жамиятнинг қуйи қатлами — хонадон патриархал жамоаси ҳам қишлоқ жамоаларининг, ҳам қадимги даврдаги аҳоли турар жойларининг илк тузилма бирлиги бўлиб, унинг ўзи қўшни жамоани ташкил қиларди.

Оилавий муносабатлар

Ўрта Осиё ва Эрон бўйича манбалар оила ва оилавий муносабатларга дахлдор айрим жиҳатларни намоён қилади. Манбаларнинг бундай муҳим хусусиятлари мил. II — III асрларгача мавжуд бўлган ҳуқуқий меъёрларни аниқлашга кўмаклашади, бу даврга оид Хоразмдаги хонадонлар рўйхати сақланиб қолганини қайд этиш жоиз. Афтидан,

турли вилоятлардаги оила тузилиши ўзига хослиги билан ажралиб турган. Аммо бу институтнинг асосий хусусиятлари мавжуд эди. Гарчи антик даврдаги асосий ижтимоий ташкилот сифатида қўшни жамоалар етакчилик қилган бўлса-да, бу фуқаролик умумжамоаси ичида келиб чиқиш илдизлари қадимги даврларданоқ қон-қариндошлик муносабатларига эга бўлган кенгайтирилган қариндошлик гуруҳлари тузилмасининг асосини ташкил қиларди. Тадқиқотчилар уни сардорлари келиб чиқишини ўзларидан уч аждод аввал ўтган ва ҳануз ёдларида бўлган битта умумий аждод эркак наслига боғловчи кўплаб оилалар иттифоқи деб белгилайди.

Бу гуруҳнинг барча аъзолари, деярли унут бўлиб кетган қадимги уруғлари ёки уруғларидан фарқли ўлароқ, ўзларининг қариндошлик алоқаларини яхши билардилар ва ҳис қилардилар. Агнатлар жамоаси – тадқиқотчилардан баъзилари (А.Г. Периханян, Е.Е. Неразик) номлагандек «агнатик гуруҳ» ёки бошқа тадқиқотчилар (В.А. Лившиц) атамасига кўра «патронимия» қуйидаги қариндошлик поғоналарини қамраб олган: жамоа сардори, унинг ота-оналари, фарзандлари, ака-укалари ва опа-сингиллари, боболари ва бувилари, невaралари, амаки, тоға, амма ва холалари, аммакиавача ака-укалари ва опа-сингиллари, жиянлари, ака-укалари ва опа-сингилларининг невaралари[1].

Оилаларнинг иқтисодий мустақиллиги мустаҳкамланиб бориши ва агнатлар жамоасига хос мулкий ахлоқий характернинг шаклланиши билан иқтисодий умумийлик аста-секин йўқолиб борса-да, барибир, маълум бир аҳамият касб этарди.

Эронда, масалан, умумий мулк сақланиб, агнатик жамият тасарруфида айрим кўчмас мулклар: тегирмонлар, суғориш шохобчалари, чорва яйловлари сақланган, алоҳида оилалар ҳам уларнинг эгалари ҳисобланарди. Оилаларни ўтганлар руҳига сигиниш, умумий диний маросимлар ва қурбонликларда қатнашиш ҳам бирлаштириб турарди.

Даставвал Авестода агнатик гуруҳ «наф», уларни бирлаштириб турган кенг уюшма эса «вис» деб аталарди. Эҳтимол, агнатик гу-

[1] *Неразик Е.Е.* Сельское жилище ...

руҳлар ўртасидаги қариндошлик алоқаларининг кучсизланиб бориши, сингишиб кетиши натижасида «наф» атамаси типидаги қўшни жамоалар янада кенг аҳамият касб эта бошлаган, натижада бу атама, умуман, жамоага нисбатан қўлланилгандир. Масалан, илк ўрта асрларга келиб Сўғдда, Муг тоғидан топилган никоҳ битими гувоҳлик беришича, «наф» «фуқаролик жамоаси»ни англата бошлаган. Бошқа сўғд ҳужжатларида у «халқ», «одамлар», яъни ҳам шаҳар, ҳам қишлоқ жамоаларининг аъзолари маъносида келганини таъкидлаш мумкин.

Наф агнатик гуруҳ сифатида паҳлавий ҳужжатларида ҳам акс этган ва, эҳтимол, антик даврда ҳуқуқий мақомга эга бўлгандир. Сосоний суд ҳужжатларида кўрсатилишича, суд ишларида субъект сифатида аввало катта ва кичик оилалар ҳуқуқий муносабатларга киришиб, агнатик алоқалар иккинчи даражага тушиб қоларди. Маҳкама (суд) соҳасида, сиғиниш маросимларида, умумий мулкка муносабат масалаларида «наф» жамоаси сардори муайян вазифаларни ўзида сақлаб қолган эди. Жамоа ишларини ҳал қилишда асосий ўринни *нафадорлар* (жамоа кенгаши)ни ташкил қилувчи *остабарлар* ёки *катийакдорлар* (*оила бошлиқлари*) эгаллай бошлайди. Ҳудудий жамоанинг муҳим ишлари жамоанинг бу борада тўла ҳуқуқли аъзоларининг умумий йиғинида ҳал қилинарди, шу жамоанинг етакчиларига мансуб бўлган, 15 ёшдан ошган ва озод эркаклар ана шундай аъзолар ҳисобланарди. Иқтисодий ва маданий жиҳатдан Ўрта Осиё минтақалари ва Эронга жуда яқин бўлган антик даврдаги Ҳиндистонда ҳам худди шу каби институт мавжуд эди. У ерда жамоанинг умумий йиғини муҳокамасига олиб чиқилган муҳим ишлар қаторида навбатма-навбат патронимиялар ўртасида экин майдонларини тақсимлаш, никоҳ ва дафн маросимлари, суд қилиш, васийлар белгилаш, фарзандликка олиш, огир жиноятлар учун жазо чораларини белгилаш кабиларни санаб келтириш мумкин. Жамоа аъзосига нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган энг қаттиқ жазо жамоа аъзолигидан чиқарилганликни англатувчи бадарға қилиш ҳисобланар эди. Бадарға қилинган шахс фуқаролик жамоаси ўзининг энг қуйи тоифадаги аъзосига берган ҳуқуқ

ва имтиёзлардан ҳам маҳрум бўлиб, жамоадан чиқарилиб, қулликка маҳкум этиларди.

Патронимиянинг – агнатик гуруҳнинг ўрни ҳам зодагонлар қатламида, ҳам жамиятнинг бошқа қатламларида, шунингдек, никоҳ масалаларида ҳам муҳим ҳисобланарди. Ҳиндистонда нафақат агнатик гуруҳлар, балки уларни бирлаштириб турган жамоа ҳам экзогамия (ташқи никоҳга асосланиш)ни қўллаган. Эронда эса патронимия ҳамма жойда бўлмаса-да, эндогамия (ички никоҳга асосланиш) билан ажралиб турган. Эрондаги қариндош гуруҳлараро никоҳ одати антик манбаларда қайд этилган, бу нафақат подшо сулоласи ва муғ (коҳин)ларнинг агнатик гуруҳлари орасида, балки, умуман, халқда одат бўлиб, қадимги Шарқнинг кўплаб мамлакатлари (Миср ва Месопотамия)га хос эди. Авестодаги Видевдатнинг саккизинчи фрагардида «қон-қариндошлик никоҳида бўлган эркак ва қон-қариндошлик никоҳида бўлган аёл» тилга олинади[1]. Қони яқин никоҳлар Эронда қадим замонда ҳам маълум бўлган, кейинроқ қонунийлаштирилиб, «инсониятга Зардуштнинг 10 кўрсатмаси» таркибига киритилган[2]. Эҳтимол, Авесто бундай муносабатларнинг Сўғдиёна ва Бақтрияда бўлганини акс эттиргандир. Видевдатнинг кўрсатмалари бундай никоҳларни маъқуллаган кўринади. Жуда яқин эндогамия мисоллари ҳам маълум – ота ва қиз, она ва ўғил, ака ва сингил ўртасидаги никоҳлар. Ўрта Осиё ҳудудида бир қанча жанубий деҳқончилик халқларида эндогомиянинг арзимас белгилари борлигини ҳисобга олмаса, бундай никоҳларнинг мавжуд бўлганлигини кўрсатувчи аниқ маълумотлар йўқ. Хусусан, Квинт Курций Руф Бақтрия сатрапи Сизимитранинг ўз онаси билан бўлган никоҳи ҳақида айтиб ўтади (Курц, VIII, 2, 19).

Оилавий муносабатлар билан боғлиқ қатор бошқа жиҳатлар Тупроққалъа архивидаги хонадонлар рўйхатида кўзга ташланади. Жумладан, Эронда бўлгани каби, Хоразм жамиятида катта (ажрашмаган

[1] Авеста. Видевдат. Фрагард восьмой / Пер. с авестийского Крюковой В.Ю. // ВДИ. 1994. № 1. С. 242 (13).

[2] *Периханян А.Г.* Сасанидский судебник. Ереван, 1973. С. 64 – 65.

ака-укалар) ва кичик (жуфт) оилалар жамиятнинг илк бўғини сифатида намоён бўлади.

ВҲТ атамаси ўқиш натижасида унинг хоразмча *pivik* – уй, оила сўзини англатиши аниқланди[1].

Маълумки, Эронда «оила» тушунчасини белгилаш учун *dutak (тутун)* ва *katak (уй)* атамаларидан фойдаланиларди. Сўнгги атама орқали сардор, уй соҳибини англатувчи *катак-хватау* тушунчаси яратилади. Натижада *кат* ва *катхудо* атамалари Ўрта Осиё минтақасининг ижтимоий атамалари орасига мустаҳкам ўрнашиб қолган бўлиб, улар уйни ва унинг патриархал соҳибини англатган эди. Бу эса илк ўрта асрларга оид кўплаб ёзма манбаларда баён қилиниб, уларнинг антик даврга дахлдор бўлганлигини асослаш имконини беради.

Патриархал оила ўзаро қуйи бўғиндан юқорига қараб ва ёндош алоқалар билан бир-бирига боғланган, бу муносабатларнинг мустаҳкамлиги уй ўчоғига эътиқод ва ота томондан қариндошлик ҳамда диний маросимлар ўтказиш, иқтисодий умумийлик (умумий оилавий мулк) ҳамда ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг умумийлиги билан аниқланар эди. Катта оилалардаги ажралмаган ака-укалар мол-мулкда ўз ҳиссаларига эга бўлиб, фақатгина номига шерик сифатида ҳуқуқий муносабатларга киришар эдилар[2].

Тупроққалъада яхши сақланган бешта уй мисолида қадим хоразмда патриархал оиланинг тузилишини тасаввур қилиш мумкин. Улардан тўрттаси катта оиладир. Ҳужжатларда оиланинг барча эркаклари исмлари: уй эгаси, унинг вояга етган ўғиллари, куёвлари ва қуллари айтиб ўтилади. Энг катта оила – Гаунашами уй-оиласи 21 эркакдан иборат, улардан уй эгасининг ўзи, икки ўғли, куёви, уларнинг 12 қули, уй бекасининг 2 қули, фарзандларининг 2 қули ва жория ўғлининг қули тилга олинади. Кичик оилага Ширманак хонадони мисол бўлади ва бу ерда хўжайиннинг ўзи, унинг қули, хотинининг қули ва онасининг қули қайд этилади.

[1] *Лившиц В.А.* Документы. Топрак-кала ... С. 265; *Толстов С.П.* По древним дельтам ... С. 217.
[2] *Периханян А.Г.* Общество и право ... С. 50.

Шу тарзда, одатда, оилалар уч агнат авлод ва уй қулларидан иборат эди. Катта оилаларда оила боши билан унинг уйланмаган ёки ҳали алоҳида ажралиб чиқмаган ўғиллари яшаган. Оилада куёвнинг ҳам борлиги турмушга чиққан қиз истисно тарзида ота оиласида қолиши мумкин бўлганини кўрсатади[1]. Оила таркибида хонадон соҳибининг хотини, айримларнинг хотинлик мақоми аниқланмаган хотинлари ҳамда хонадон соҳибининг жориялари учрайди. Кўриниб турибдики, Авестода қайд этилгани каби, Хоразмда ҳам худди Эрондагидек кўпхотинлилик кенг тарқалган эди. Шу ҳолат Муғ архивининг никоҳ шартномасида Сўғд учун ҳам қайд қилинади[2]. Шу маънода хонадон рўйхатида хотинларни билдириш учун иккита атама — бир рўйхатда умумий NTTYH ва бошқа бирида оромийча прототипини аниқлаш имкони бўлмаган SBKYN қўлланилганлиги диққатни тортади. Атамаларнинг бундай турланиши, чамаси, Хоразмда бир неча никоҳ турлари, яъни илк ўрта асрларда Эрон, Хиндистон ва Сўғдга хос ҳамда сосоний суд китобида тасдиқланган ҳолат мавжудлигини кўрсатмоқда. У ерда никоҳнинг турли шакллари: тўла ҳуқуқли, қўл остидаги билан никоҳ ва иккинчи даражали никоҳ келтириб ўтилади. Биринчи энг юқори шаклли аёлга уй бекаси сифатида энг кўп ҳуқуқ берган *катак вапик* бўлиб, ундан туғилган фарзандлар конуний ворислар ҳисобланган, шунингдек, хотиннинг шахсий мулкка эгалик ҳуқуқи ва бир қанча бошқа ҳуқуқлари бор эди. Бу ҳуқуқий никоҳларни антик даврдаги ҳолат билан таққослашга маълумотнинг жуда камлиги имкон бермайди. Шундай қилиб, Хоразм рўйхатларига кўра, бу ерда уй эгасининг хотини биттадан учтагача қулларга эгалик қилган. Сосоний суд китобида эса хотиннинг иккидан ортиқ қулга эгалик қилиши тақиқланган эди[3]. Албатта, бу билан хоразмлик ёки сўғдлик аёлларининг кўпроқ ҳуқуққа эгалигини исботлаб бўлмайди. Аммо муғ никоҳ шартномаси таҳлили тадқиқотчиларнинг кам деганда илк ўрта асрларда Сўғдда азатлар табақасидаги аёллар эркаклар билан бирдек кўплаб ҳуқуқларга эга бўлган деган хулоса чиқаришга сабаб бўлмоқда.

[1] *Лившиц В.А.* Документы. Топрак-кала ... С. 266.
[2] Ўша муаллиф. Юридические документы ... С. 36.
[3] *Периханян А.Г.* Общество и право ... С. 91.

Ҳуқуқий жиҳатдан патриархал оила ҳукмдорлик ва бўйсуниш муносабатлари орқали, бир томондан, оила бошлиғи, унинг вояга етган ўғиллари ва невaралари, бошқа томондан, хотини ва вояга етмаган болалари билан мулк ва шахсга дахлдор муносабатларга киришади[1].

Умумий мулкнинг мавжудлиги асос бўлиб хизмат қиларди. Унга ҳайдаладиган ерлар, уй ва қудуғи бўлган қўрғон, баъзан чорва учун яйлов киради. Хоразмдаги хонадонлар рўйхатига кўра, оила мулкига қуллар ҳам кириб, уларнинг сони оиланинг турмуш даражаси билан белгиланарди. Тупроққалъа уй хўжаликлари 12 дан 17 тагача қулларга эга бўлган, бу озод эркаклар сонига нисбатан каттароқ миқдор бўлиб, бу рўйхатга киритилган оилалар жуда бой эканини кўрсатади. Бироқ мақоми ва даражалари йўқлиги учун уларни зодагон деб ҳисоблаб бўлмайди.

Оилабоши патриархал ҳокимиятни амалга ошириб, уйдагилар устидан ҳуқуқий тартибларни ўрнатиш ҳуқуқига эга эди. У хотини, болаларига хўжайинлик қилиб, ҳатто уларни қулликка сота оларди. Бу амалиётни Милиндапаньхадаги эр хотинининг хиёнати учун уни қулликка бериб юбориши, шунингдек, қарзга ботиб, бор мулкини йўқотган бўлса, хотини ва фарзандларини қул қилиб сотиши мумкинлиги ҳақидаги кўрсатмалар тасдиқламоқда[2]. Сотишнинг асосий сабаби фақат яшаш учун маблағнинг етишмаслиги деб кўрсатилади. Ота, шунингдек, қарзни қоплаш учун болаларини қулликка бериши мумкин бўлган. Тобелик ҳолатларидан бирида хотинини сотиш, тадқиқотчиларнинг фикрича, қадимги амалиётнинг қолдиқларидан бири ҳисобланиб, у асосан оддий жамоадошлар орасида тарқалган ҳамда аста-секин йўққа чиқиб борган эди. Муғ тоғи никоҳ битимидаги бу ҳуқуқнинг бир кўринишини ҳаётий амалиётдан кўра қадимий анъаналар асосида ҳужжатлаштириш ишларини ташкил этишга интилиш деб қараш мумкин[3]. Оила бошлиғининг бефарзандликда оила ворисини таъминлаш мақсадида ўғил қилиб олиш ҳуқуқи ҳатто қулларга

[1] *Лившиц В.А.* Земледелие и аграрные отношения ... С. 103.
[2] Вопросы Милинды ... С. 173, 262.
[3] *Периханян А.Г.* Общество и право ... С. 87; *Смирнова О.И.* Очерки истории ... С. 76.

нисбатан қўлланиларди. Крорайнада шундай одат амалда бўлганлиги ҳақида маълумот бор. Жумладан, у ерда қулларни ўғил қилиб олиш рағбатлантирилган — «сут ҳақи тўлови» ўғил қилиб олинган қулнинг ота-онасининг хўжайинига тўланар эди[1].

Ижтимоий таркиб

Жамоанинг табақавий бўлиниши ҳақида Авестода ҳам, кейинги давр паҳлавий матнларида ҳам, Муғ тоғи ҳужжатларида ҳам кўплаб маълумотлар мавжуд. Бу тадқиқотчиларга Эрон ва Ўрта Осиё жамиятининг ижтимоий бўлиниши ўтган минг йиллар давомида нисбатан барқарор бўлганлиги ҳақида асосли хулоса чиқариш имконини беради.

Авестонинг кейинги қисмларида тўртта табақа: коҳинлар, жангчилар, деҳқонлар ва ҳунармандлар ҳақида маълумотлар ўрин олган бўлиб, улар аҳолининг озод қисмини ташкил қилар эди[2]. Гарчи Парфия ва Юнон-Бақтрия подшоликлари ҳақидаги манбалар ва антик муаллифлар Авестода келтирилган табақалардан бирортасининг номини эслатиб ўтмаган бўлса-да, ижтимоий воқеликнинг ўзи юқорида келтирилган табақавий бўлиниш мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Масалан, Милиндапаньха бўйича бақтрия-ҳинд жамиятининг озод аъзолари сифатида брахманлар-коҳинлар, кшатрийлар-жангчилар, деҳқон-экин экувчилар ва ҳунармандлар[3] — Авесто анъаналарига мос келувчи тоифаларни келтириш мумкин.

Анча кейинги даврга мансуб манбаларда Авестодаги жангчилар табақасига азатлар тоифаси мос келади. *Азат* атамаси айнан уруғ аъзоси агнатни англатиб, аниқ ифодалаганда — аслзода уруғ аъзоси, олижаноб, махсус адабиётларда озод маъносида келтирилади[4]. Азат

[1] *Воробьева-Десятовская М.И.* Индийцы в Восточном Туркестане ... С. 84 — 85.
[2] *Периханян А.Г.* Общество и право ... С. 12, 13.
[3] Вопросы Милинды ... С. 91, 219, 301, 302, 325.
[4] *Периханян А.Г.* Общество и право ... С. 14, 15.

атамасининг умум белгиланган маъноси – зодагонлар вакилидир. Авестодаги юқори табақани қуйи табақа билан таққослашнинг қадимий анъанасига кўра, зодагон – азатлар нафақат инобатга олинмайдиган тобе кишилар, қулларга, балки асосан жамиятнинг пастки қатламларига қарама-қарши қўйилади.

Ўрта Осиёнинг эллинистик давлатларида шаҳарлашувнинг ривожи, касб-ҳунарлар ва савдонинг ўсиши, маъмурий-солиқ идоралари хизматининг мураккаблашиши натижасида жамият таркибида туб ўзгаришлар юз берди. Бу жараёнлар асосан тўртинчи табақа орасига ўзгаришлар киритди: Авестодаги деҳқонлар ўрнига оддий одамлар табақаси пайдо бўлди. Учта ижтимоий табақа: 1) коҳинлар; 2) азатлар; 3) рамиклар (оддий одамлар) эса бутун антик даврга хос бўлиб қолди. Сўнгги табақага ўлпон солинган бўлса, юқоридаги икки табақа солиқ тўловларидан озод эди.

Коҳинлик зардуштийликнинг тарқалиши муносабати билан Эрондаги каби муғлар деб атала бошлади, улар юқори табақага хос ҳисобланарди. Шунга қарамай, Ўрта Осиёдаги зардуштийлик Эрондаги империя даражасидаги диндорлик ҳолатига кўтарилмаган, коҳинлар табақаси у ердаги каби кўп сонли ва қудратли бўлмаган. Археологлар томонидан Тахти Сангин, Сурхкўтал, Далварзин, Дилбаржин, Қўрғонтепа эҳромлари, Нисо, Тупроққалъа ва бошқа сарой эҳромларининг топилиши бепоён ер майдонларига, қўл остидаги аҳолига, ўзининг бой хазинасига эга йирик эътиқод марказлари ва ибодатхона хўжаликлари мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Бундан ташқари, турли даражадаги коҳинларга хизмат қилувчи шаҳар ва маҳалла зиёратгоҳлари, қишлоқлар ибодатхоналари, мақбара иншоотлари ҳам мавжуд эди. «Кўҳна хатлар»да *вағнпат* (ибодатхона бошлиғи) атамаси тилга олинади; айнан шу атама муғ ҳужжатларида ҳам қайд этилади. Нисодан топилган сопол парчаларида коҳин –*атуршпат* (олов ҳукмдори) акс эттирилади. Коҳинлик, маънавий раҳнамолик, муаллимлик, ибодатхона ходимини ҳам ўзида мужассам этган. Бу табақанинг кўп сонлилиги ва унвонларининг хилма-хиллиги мазкур ташкилотда иерархия (мансаб поғонаси)нинг мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Азатлар ҳам имтиёзли табақа бўлиб, улар жамиятда ва давлатда – маъмуриятда, армияда, ҳукмдорлар саройида ўзига хос ўрин тутар эди. *Азат* атамаси олижаноблikни англатиб, Ўрта Осиё шароитида илк бор мил. II – IV асрлардан кейингина «кўҳна хатлар»да ва Кроорайна ҳужжатларида учрайди, подшо маъмуриятининг амалдорлари ҳам ушбу табақага мансуб эдилар[1].

Мил. IV аср бошларига оид хатларнинг бирида Самарқанд аслзодаларининг вакили сифатида *азатпибрак* (азатнинг ўғли) тилга олинади. «Кўҳна хатлар»да сўғдлар муҳитидаги *ихшид* (қишлоқ ҳокими) қайд этилади[2]. Ушбу табақа ичида иерархия мавжуд бўлиб, у чамаси, вақт ўтиши билан мураккаблашиб борган эди. Бунда юқори даражани уруғ аслзодалари эгалларди. Македониялик Александрнинг Ўрта Осиёга юриши ҳақидаги маълумотларни ёритувчи манбалардан маълумки, бақтрияликлар ва сўғдларда йирик аслзодалар уруғи мавжуд бўлган, унинг бир қисмини ташкил этган Спитамен, Австан, Катан ва уларнинг тарафдорлари босқинчиларга фаол қаршилик кўрсатган, бошқа қисмини ташкил этган Оксират, Сизимитра, Хориен ва бошқалар босқинчилар билан келишувга эришадилар. Ўша даврда маҳаллий аслзодаларнинг юнонларнинг етакчи тоифалари билан аралашуви рўй беради. Квинт Курций ва Аррианнинг (Квинт Курций, VII, 10, 4; Арриан, VII, 6, 3) сўзларига кўра, бақтрияликлар ва сўғдлар орасидаги «зодагон» катта бойликка эга киши эди. Аррианнинг маълумотига кўра, масалан, Хориен икки ой давомида македон қўшинларини озиқ-овқат захиралари билан таъминлаш имконига эга эди.

Ўрта Осиёни у қадар узоқ бошқармаган салавкийлар даврида ҳукмрон синф аралаш таркибга эга бўлиб, унга маҳаллий аслзода уруғлар ва коҳинлар билан бир қаторда юнон ноиблари ва зодагонлари кирарди. Юнон-Бақтрия подшолигида ҳокимиятни юнон басилевслари бошқарган бўлиб, у ерда юнон тили, ёзуви, маданияти ва турмуш тарзи сақланиб қолди; маҳаллий зодагонлар, асосий халқдан фарқли ўлароқ, юнон аслзодалари қатори Юнон-Бақтрия жамиятининг

[1] *Воробьева-Десятовская М.И.* Индийцы в Восточном Туркестане ... С. 80.
[2] *Гафуров Б.Г.* Таджики. ... С. 296; *Смирнова О.И.* Очерки истории ... С. 72.

етакчи ижтимоий қатламини ташкил этиб, тезда эллинлашиб борди. Азатларнинг Бақтрия отлиқлари Юнон-Бақтрия подшоларининг йирик жангларида асосий таркибни ташкил қилган бўлиб, Евтидемнинг ҳарбий ҳаракатларида асосий вазифа айнан уларнинг зиммасига тушган эди (Полибий, X, 49, 1 – 15).

Кўчманчиларнинг кириб келиши Юнон-Бақтрия подшолигига интиҳо берган бўлса, янги кўчманчи аслзодалар, кўчманчи парн аслзодалар тимсолида Кушон подшолиги таркибидаги ҳукмрон синф ўрнини тўлдиради. Худди шунингдек, маҳаллий парфиялик зодагонлари ва салавкийларнинг ғарбий ўлкаларидаги эллинлашган юқори табақа вакиллари ўзлари билан кўчманчиларнинг уруғ-қабилавий анъаналарини олиб кириб, Парфия давлатининг етакчи синфига айланди. Кўчманчи уруғ анъаналари қолдиқларининг сақланиб қолиши муносабати билан айрим тадқиқотчилар Парфия давлатининг бутун тарихидаги зодагонлар уруғлари – Каренлар, Суренлар, Варазларнинг нафақат катта бойлик ва ҳудудларга, балки ўз қўшинига, кучли мавқега эга бўлганлигини айтишади.

Парфияликларда давлат аслзодалари уруги кенгашининг сақланиб қолиши ҳам худди шундай аввалдан сақланиб келаётган анъаналар қаторига киради[1]. Афтидан, шунга ўхшаш ҳолатни Хитой манбаларидан маълум бўлган юэчжиларда ҳам кузатса бўлади, яъни улар бешта уруғга бўлинади. Антик давр Ўрта Осиё давлатларидаги азатлар жамиятининг аҳволи аввалги Ахамонийлар подшолиги давридаги каби, бир томондан, қариндошлик билан, иккинчи томондан, сарой ёки давлат мансаблари билан белгиланар эди. Парфияликлар табақасининг энг юқори поғонасида подшо турган. Кейинги аслзодаларнинг тоифаларини ҳукмрон уруг аъзолари ва подшога тобе маҳаллий ҳокимлар сулоласи ташкил қиларди. Кейинги тоифага йирик мансаб эгаси бўлган давлат амалдорлари ва бир қадар обрўли бўлган агнатик гуруҳларнинг сардорлари – *вазурглар* мансуб эди. Улардан сўнг бу оилаларнинг давлат хизматида, қўшин ва саройда хизматда бўл-

[1] *Зеймаль Е.В.* Парфия и Греко-Бактрийское царство // История древнего мира. Т. II. М., 1982. С. 477.

ган оддий аъзолари ўрин оларди. Қуйи погонани подшога тобе бўлган лкаларда хизмат қилган ва отлиқ қўшиннинг асосини ташкил этган ичик аслзодалар эгаллаган эди[1]. Нисо ҳужжатларида майда ҳарбий одагонларнинг бу тоифаси вакилларини англатиш учун *асбар* (отлиқ) атамаси ишлатилган. Марвдаги остраконда бу маънода *аспбарак* атамаси келтирилади[2].

Қорайна ҳужжатларидан азатларнинг таркиби ўзгариб борганини билиш мумкин. Аста-секин ушбу ҳукмдор синфга мулки ва мансабига караб бу уругга тааллуқли бўлмаган бошқалар ҳам кира бошлайди. Ҳужжатларнинг биридаги маъмурларнинг рўйхатидан аёнки, бу атама маҳаллий маъмуриятнинг ҳар қандай вакилига тааллуқли бўлган, аммо ҳеч қачон оддий аҳолига нисбатан қўлланилган эмас[3]. Натижада уруғ-қабилавий аслзодаларнинг авлодлари, амалдорлар, йирик заминдорлар, аслзодаларнинг аъёнларидан ташқари шаҳар ҳаёти ва савдонинг ривожи натижасида шаклланган бадавлат ҳунармандлар ва савдогарлар ҳам антик давр сўнггида азатлар қаторига кирди.

Азатлар — отлиқлар қўшин (армия)нинг ўзагини — подшо отлиқларининг асосий қисмини ташкил қилар эди. Уларда ҳарбий хизматлари учун хазинадан улуш оладиган, келиб чиқиши аслзодалардан бўлмаганлар ҳам хизмат қиларди. А.Г. Периханян аршакийлар даврида Арманистонда ҳам шундай ҳолат кузатилганини, яъни азатлардан иборат отлиқлар билан бир қаторда оддий одамлардан иборат отлиқлар ҳам бўлганлигини айтади[4]. Агар азатлар *катафрактариялар* (совутли оғир қуролланган отлиқлар) бўлса, отлиқ — рамиклар енгил қуролланган камончилар бўлишган.

Антик жамоанинг тараққиёти, биринчи навбатда, шаҳарлашув жараёни тараққиёти, шаҳарлар ва савдонинг аҳамияти ошиши билан аниқланади. Кўриниб турибдики, ижтимоий таркибдаги асосий динамик ўзгаришлар шу жараён билан боғлиқ аҳоли гуруҳларида

[1] *Периханян А.Г.* Общество и право ... С. 16, 17.

[2] *Лившиц В.А.* Письменные памятники из древнего Мерва // Мерв в древней и средневековой истории Востока. Ашхабад, 1990. С. 38.

[3] *Воробьева-Десятовская М.И.* Индийцы в Восточном Туркестане ... С. 82.

[4] *Периханян А.Г.* Общество и право ... С. 17.

кузатилади. Бунинг натижасида савдогарларнинг мустақил табақаси ажралиб чиқа бошлади ва бу табақанинг анъанавий шаҳар маданияти жамиятидаги мавқеи мустаҳкамланиб борди. Бу жараённинг натижаси илк ўрта асрларнинг бошига мансуб Муғ архиви ҳужжатларидан маълум бўлган суғд жамиятининг рўйхатида ўз аксини топади. Унда савдогарлар аслзодалар, руҳонийлар қаторида келтирилади[1].

Ўрта Осиё давлатларининг антик даврдаги эркин аҳолиси асосий қисмини солиқ тўловчи қатлам бўлган рамиклар ташкил этган. *Ramramik* (оддий аҳоли — бизга эрон ва арман манбаларидан маълум бўлган атама) — Авестонинг учинчи ижтимоий тоифаси — деҳқон ва чорвадорларнинг ўрнига келган қатлам номи саналади[2]. Бу қатлам таркибида жамиятда антик даврда бўлиб ўтган, шаҳарлар тараққиёти, меҳнат тақсимотининг кейинги жараёнлари, ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланиши, маъмурий-солиқ йиғувчи тизимнинг ортиши билан боғлиқ асосий ўзгаришлар акс этади. Аёнки, бу ўзгаришларнинг моҳиятини ушбу қадимги учинчи қатламнинг ичида кечган ижтимоий ва мулкий табақаланув жараёни натижасида унинг таркиби кенгайишида ва тузилишининг мураккаблашувида кўриш мумкин.

Рамиклар деб, аввало, жамоавий деҳқонлар, шаҳар аҳолиси, ҳунарманд ва савдогарлар ва мулкка эга бўлмаган барча тоифадаги эркин ишчилар, маъмурлар, хизматчилар ва котиблар аталар эди. Тарих жараёнига синфий қараш билан ёндашган марксизмда бу қатлам вакилларига нисбатан асоссиз равишда меҳнатга жалб қилинадиган аҳоли синфига мансуб деб қаралади. Унда жамоа давлат томонидан мунтазам ишлатилган[3] ва унинг аъзолари ҳукмдор синф, зодагонлар, йирик хўжалик эгалари томонидан тобе қилиниши тобора ортиб борган деб ҳисобланади. Аммо тадқиқотчилар қўл остидаги ва тўлиб бораётган манбалар заҳираси бу нохолис ёндашувдан воз кечиш им-

[1] *Лившиц В.А.* Два согдийских документа с горы Муг // ВДИ. 1960. № 2. С. 79; *Смирнов О.И.* Очерки истории ... С. 71.

[2] *Периханян А.Г.* Общество и право ... С. 17.

[3] Очерки истории земледелия и аграрных отношений в Туркменистане. Ашхабад, 1971. С. 77; *Дьяконов И.М.* Община на древнем ... С. 17; *Воробьева-Десятовская М.И.* Индийцы в Восточном Туркестане ... С. 83.

конини беради ва масалани Ҳиндистондаги қишлоқ жамоаларини тадқиқ қилишда самарали қўлланган табақалаштирилган меъёрлар билан кўриб чиқишни тақозо этади[1].

Ўрта Осиёнинг антик давлатларида жамоа мулк жиҳатидан тенг бўлган кишилардан иборат эмас эди, мулкий табақаланиш жараёни давом этди. Бироқ солиққа тортиш, биринчи навбатда, манбаларда қайд этилишича, давлат сиёсати соҳасига тааллуқли эди ва давлат томонидан меҳнатдан фойдаланиш билан бир хил эмас эди. Бошқача қилиб айтганда, жамоаларга тегишли давлат ерларидаги солиқ рента билан тенг эмасди. Тўғридан-тўғри меҳнатдан фойдаланиш фақат шоҳ, зодагонлар ва ибодатхоналарга тегишли ерларда мавжуд эди. Давлат барча жамоалар учун хавфсизликни, мулк ва шахс ҳимоясини, қулликдан сақланиб қолишни таъминларди. Давлат солиқлари йиғими, мулкий мавқеидан қатъи назар, жамоанинг барча аъзоларига тааллуқли бўлган. Айтиш жоизки, ҳатто сосоний суд китобида ҳам эркин аҳоли орасида мулкий тенгсизликка асосланган ҳуқуқий фарқ мавжуд эмас эди.

Жамоа ва бутун давлатда ўз ерларига қуллари ёрдамида ишлов берган етарлича бой оилалар асосий қисмни ташкил қиларди. Ҳосилини ўз хоҳишига кўра идора қиладиган бундай «хўжайин-қўшчи» ҳақида Милиндапаньхада маълумотлар келтирилади[2]. Тупроққалъадан топилган уйларнинг ёзишмаларида келтирилган, антик Хоразмдаги[3] ва Крорайна ҳужжатларидаги уй эгалари[4] ҳам шу туркумга киради.

Парфия тилида илк бор бундай уй эгасини билдирувчи *kdybar* (кадивар) атамаси пайдо бўлади. Худди шу маънода у сўғдларда ҳам учрайди[5]. Атама узоқ эволюцияни бошдан кечириб, илк ўрта асрларда асосан ярим тобе ёки керак бўлганда фойдаланиладиган аҳоли тоифасини билдирарди.

---

[1] *Бонгард-Левин Г.М., Ильин Г.Ф.* Индия в древности. М., 1985. С. 297; Ўша манбага қаранг: Масаланинг тарихий тавсифи.

[2] Вопросы Милинды ... С. 91.

[3] *Лившиц В.А.* Документы. Топрак-кала ... С. 265.

[4] *Воробьева-Десятовская М.И.* Индийцы в Восточном Туркестане ... С. 82.

[5] *Смирнова О.И.* Очерки истории ... С. 103.

Кадивар атамасининг дастлабки маъноси ер эгаси, мулкдор бўлиб, моний ва насроний-сўғд матнларида акс эттирилади. О.И. Смирнова келтирган моний матнида кадиварга кунини уч қисмга бўлиш буюрилиб, биринчи қисмини шоҳ ва ҳукмдорларга, иккинчисини ўз хўжалиги юмушлари: ерга ишлов бериш, уйини таъминлаш, савдо ишларига ажратиш амр этилган эди. Яъни жамоадаги кадиварлар ҳосилни ўз хоҳишига кўра идора этган, шу билан бирга, марказий ҳокимиятга нисбатан давлат хазинасига солиқ тўлаш каби мажбуриятларга эга эдилар. Крорайна ҳужжатларида бунга яна ҳарбий хизматда бўлиш, уруш пайтида қўшинни егулик, чорва ва ем-хашак билан таъминлаш мажбурияти қўшилганини қайд этиш мумкин.

Жамоа аъзоларининг вазифаларига, шунингдек, суғориш қурилмалари, кўприклар, йўллар ва бошқаларни таъмирлаш билан боғлиқ турли жамоат ишлари ҳам кирарди.

Ўзига тўқ жамоа аъзолари жамоадаги ўз иштирокларидан ташқари, Нисо ҳужжатларида акс этганидек, подшо ерларини ва аслзодаларнинг ерларини маълум шартлар асосида ижарага олишлари ҳам мумкин эди. Бундан ташқари, улар жамоа аъзоларининг ижара ҳуқуқларини ҳам сотиб олишарди. Бу ишларнинг ҳақиқатда мавжуд бўлганини авроманларнинг пергаментлари кўрсатиб беради[1], уларда узумзорни ер майдони билан ижарага сотиш ҳуқуқи бўйича келишув қайд этилади. Бунда харидор мулкдан фойдалангани учун сотувчига рента тўлаш мажбуриятини олади. Жамоанинг мулкий жиҳатдан қатламларга бўлиниш жараёни нафақат бой, ўрта ва камбағал хўжаликларнинг пайдо бўлишида, балки ўз мулкидан айрилган ва қарзлари учун қул бўлиб ёки ёлланиб ишлашга мажбур бўлган жамоа аъзоларининг шаклланиши ва бу билан хизматкорлар, қарол-чўриларнинг қатлами ошишида ҳам акс этади.

Мазкур тизимда вазият тақозоси билан жамиятнинг имтиёзли қатламидан бўлган юқори табақаларнинг ҳукмронлиги остида айрим жамоаларга нисбатан иқтисоддан ташқари мажбурлаш ҳолати ҳам мав-

[1] *Периханян А.Г.* Общество и право ... С. 156.

жуд эди. Қишлоқ эгалари ва амалдорлар давлат берган ҳуқуқлардан фойдаланиб жамоа аъзоларини қўшимча ўлпонлар тўлашга мажбур этганликларини рад қилиб бўлмайди.

Босқинчилик урушлари шароитида ҳукмрон синф истилочилар ҳисобига ортиб бориб, иқтисоддан ташқари мажбурлаш тизимининг кенгайиши тарихан муқаррар ҳол эди.

Парфия ва Кушон подшоликларида ижтимоий тузилма хусусиятига кўчманчилар томонидан ўтроқ-деҳқон ҳудудларнинг эгаллаб олиниши ўз таъсирини ўтказиб, тобе жамоалар миқдорининг ошиши ҳисобига озод жамоалар сони камайиб борди[1].

Рамиклар қатламидаги шаҳар ва қишлоқ ҳунармандларидан иборат бўлган, антик даврда ривож топган ва чуқур ихтисослашувга эга бўлган кўпчиликни ташкил этарди. Археологик ишлар билан тўлдирилган манбалар турли хил касблар ҳақида тасаввур қилиш имконини беради.

Милиндапанҳада фаолиятлар бўйича узун рўйхат келтирилган, улардан 60 таси шаҳар ҳунармандчилик ишлаб чиқариши билан боғлиқдир[2]. Кўп ҳунармандлар шоҳ устахоналарида ҳақ эвазига ёки жазо ўташ пайтида меҳнат қилишган. Бу аҳамонийлар давридаги Эрон ҳақидаги маълумотлардир, аммо бундай амалиёт эллин даврида Бақтрияда мавжуд бўлганини, мисол учун, Ойхонимдаги шоҳ хазинасининг орасида турли хил яримқимматбаҳо тошлар ва қимматбаҳо тошлар, яъни шоҳ устахоналарида қайта ишлов беришга мўлжалланган хомашёлар мавжудлиги кўрсатиши мумкин[3].

Ҳунармандларнинг асосий қисми мустақил равишда ўз дўкон-устахоналарида шаҳар ички бозори учун ишларди.

Қишлоқ ҳунармандлари қишлоқ хўжалик хомашёсини қайта ишлаб, қишлоқдаги талабни қондириб турарди. Улар ҳақида баъзи маълумотларни Крорайна ҳужжатлари бермоқда, унга кўра, ҳунар-

[1] *Кошеленко Г.А.* Заключение в кн.: Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. М., 1985. С. 347.

[2] Вопросы Милинды ... С. 301 – 302.

[3] *Рапэн Кл.* Эллинистическая сокровищница ... С. 112.

мандлар деҳқончилик муҳитида яшаган ва «юзликлар»даги бошқа уй хўжаликлари каби ерга эгалик қилиб, солиқларни маҳсулот билан тўлашган. Ҳунармандлар ташкилотлари, маҳсулотларни айирбошлаш шартлари ҳақида маълумот йўқ. Ҳунармандлар орасида ҳам мулкий табақаланиш жараёни кузатилган, асосан ишлаб чиқаришнинг юксак маҳорат талаб этувчи, давлат ва имтиёзли қатламларга хизмат кўрсатувчи обрўли турларида фаолият юритганлар бадавлат табақа ҳисобланарди. Булар металга ишлов берувчи усталар, зарб этувчилар, тоштарошлар, суяктарошлар, заргарлар ва бошқа четга олиб чиқиш учун мўлжалланган махсус буюм ва маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар эди. Масалан, Маргиёна темири ёки Фарғонанинг асл пўлатидан ишланган машҳур совутлар ишлаб чиқарувчилари улар қаторига кирарди. Ихтисослашган ҳунармандчилик мавзелари мавжуд бўлган антик шаҳарларнинг тарихий топографиясини ўрганганда шаҳар жамоасида бой ҳунармандлар оилаларининг ажралиб турганлиги кузатилади.

Ўрта Осиёдаги ёзма манбалар ва сўнгги ўн йилликлар ичида қазишмалардан йиғилган эпиграфик манбалар Ўрта Осиё давлатларида қуллар бўлганлиги ва қулчилик жамиятдаги муносабатларнинг қонуний шакли эканлигидан далолат бермоқда.

Қуллик ҳолатини билдирувчи атамаларнинг рўйхати нафақат бундай табақанинг мавжуд бўлганининг географик томонларини, балки қул меҳнатидан фойдаланиш турларининг кўплигини, ундан рўзғорда ва ишлаб чиқариш жараёнида кенг фойдаланилганини яққол намоён этмоқда. Қуллар ҳақидаги илк эслатмаларни Авестонинг қадимий қисмлари — ҳалол подачига тааллукли бўлган «чорва ва вир» (эгалик қилинувчилар) ҳақида айтилган Гатларда, ундан анча кейинги қисм — Видевдатда эса кафолат сифатида *виромазо* (қул) келтирилганини кўришимиз мумкин. Вирдан ташқари вайса атамаси ҳам қул маъносини англатган ва вайсалар уруғга оид бўлган, яъни улар хонадон аъзолари таркибига кирган уй қуллари эди. Авесто матнларида яна бир қанча атамалар — манийя, паристар — шахсий тобелик турлари акс эттирилади. Бироқ Авестода қуллар кам тилга олинади, бу қулчилик институти кам ривожланган ва асосан патриархал хусусиятга

эга бўлган даврда Авесто жамиятида қул меҳнати жуда кам иқтисодий аҳамиятга эга эканлиги билан изоҳланади.

Ўрта Осиё ерларининг Шарқий Эрон сатрапликларини қулчилик анча ривожланган ғарбий ҳудудлар билан бирлаштирувчи қисмининг Ахамонийлар давлати таркибига кириши уларда ҳам қулчилик институтининг кенг тарқалишига олиб келди. Бунда аҳамоний шоҳларининг босиб олинган ўлкалар аҳолисини қулга айлантириш ва мамлакат бўйлаб кўчириш сиёсати катта рол ўйнади. Хусусан, Геродотнинг маълумотига кўра, Доро I қул қилинган Ливиянинг Барка шаҳарчаси аҳолисини Бақтрияга жойлаштиради, Персеполдаги шоҳ хўжалигида бақтриялик ва сўғдлик қуллар хизмат қилишарди[1].

Шарқий сатрапликларнинг Македониялик Александр давлатига, Салавкийлар, Юнон-Бақтрия подшоликларига кириши маҳаллий шароитда қулчилик муносабатларининг жорий қилишнинг давом эттиришни рағбатлантирди. Александр босиб олинган шаҳарларнинг аҳолисини, масалан, Киропол ва Яксарт (Сирдарё) бўйлаб бошқа шаҳарларнинг аҳолисини қулга айлантириш амалиётини давом эттиради (Arrian, IV, 3, 1). Асирлар янги қурилган шаҳар аҳолисига топширилган, *уларда юнонлардан ташқари маҳаллий вакиллар ҳам бор* эди (Q. Curt, VII, II, 29), бу ҳарбий асир-қулларни ютиб юборган, мавжуд маҳаллий муҳит талаб-эҳтиёжлари фойдасига асос сифатида хизмат қила оларди.

Шунга қарамай, тан олиш керакки, қулчиликнинг ривожланган шакли Юнонистон ёки Олд Осиёга хос бўлиб, бу уй-патриархал қулчилик шакли кейинги даврларда ҳам мавжуд бўлган Ўрта Осиёдаги маҳаллий қулчилик институтининг ривожига ҳал қилувчи таъсир кўрсата олмади. Ўрта Осиёда қулларни ифодалашда кенг қўлланилган атама, Шарқий Эронда бўлгани каби, *бандак* (бир кишининг бошқасига тобелигини ифодаловчи умумий тушунча) эди.

Унинг келиб чиқиши Шарқий Эрон жамиятидаги патриархал — зўравон муносабатларнинг ўзига хослиги билан боғлиқ бўлгани маъ-

[1] *Гафуров Б.Г.* Таджики. Древнейшая ... С. 83.

лум. Уй ичидагилар устидан отанинг ҳукмронлиги золимона бўлган ўша вақтда давлатга тобе бўлган барча – мансабдорлардан тортиб оддий халқ ва шахсан озод бўлмаган қуллар ҳам шоҳнинг қуллари ҳисобланар эди[1].

Бандак атамасининг ёзилиши бир қанча вариантларда Хоразмдаги эпиграфик ҳужжатларда (Тупроққалъа архивининг ёғочдаги ҳужжатлари, Қалъалиқир 2 ибодатхонасидаги сопол бўлакларидаги ёзувлар (мил. авв. IV – II асрлар)[2], мил. II аср охири – IV аср сўғд матнларида қайд этилади.

Шунингдек, у янада кейинроқ ёзилган матнларда – анъаналар рўйхатини ўзида акс эттирган Муғ тоғидаги сўғд никоҳ шартномаси ва сосоний суд китобида ҳам учрайди.

Тупроққалъа ҳужжатларида бандак – кулларнинг исмлари ўз эгалари каби хоразмча, бу улар қуллик мақоми патриархал оиланинг таркибида шаклланган уй қули бўлган деб ҳисоблашга имкон беради. Улар ҳар бир оила аъзосига алоҳида тегишли эди. Бошқача исмли фақат бир қул бўлган, унинг сотиб олинганлиги аниқланди[3].

«Уй қули» мазмунини билдириб келган *бандак* атамасининг илк маъносини оромий ва бобил матнларида *гарда*, Персеполнинг эллам ҳужжатларида *курташ*[4] деб келтирилган атамаларга қиёслаш мумкин. Бу манбаларда иккала тушунча ҳам шоҳ хўжалиги ва форс зодагонлари хўжалиги ишчилари маъносида келади. Бу тоифа Ўрта Осиё ижтимоий муносабатларига мос бўлганми, йўқми, айтиш қийин, чунки бу икки атама мавжуд маълумотларда учрамайди. Бундай тоифадаги ишчилар Парфия шоҳларининг хўжалигида бўлгани ҳақида Нисо архивининг бир ҳужжатида ишора қилинади. Ҳужжатда РТР атамаси қўлланилган бўлиб, у Персепол архивида курташларга бериладиган таъминотни англатувчи элламларнинг *gal* сўзи билан бир маънони

---

[1] *Дьяконов И.М.* Рабовладельческие имения персидских вельмож // ВДИ. 1959. № 4. С. 75; *Дандамаев М.А., Луконин В.Г.* Культура и экономика ... С. 167.

[2] *Лившиц В.А.* Надписи и документы // Калалы-гыр 2. Культовый центр в древнем Хорезме IV – II вв. до н.э. М., 2004. С. 267.

[3] *Лившиц В.А.* Документы. Топрак-кала ... С. 267.

[4] *Дандамаев М.А., Луконин В.Г.* Культура и экономика ... С. 168.

англатади деб қаралади[1]. Бу таъминот бугдой, вино ёки пиво, ўсимлик ёғини ўз ичига олган, кейинчалик кумуш билан тўланадиган пулликтўлов киритилади[2].

Бу тобе тоифаларни ўрганган тадқиқотчилар *курташлар* ва *гардалар* мақоми хусусида турли хил фикрларни баён қилишган бўлса-да, уларнинг ўрнига аниқлик киритиш борасида бир хил фикр билдиришади; курташлар, одатда, гуруҳ бўлиб ишлаб, подшо ва ъёнларнинг йирик хўжалигида хизмат қилиб таъминотга эга бўлишарди. Мулкларда бир неча кишидан тортиб 500 кишигача меҳнат қилар эдилар[3].

Гардалар шуниси билан ажралиб турганки, уларнинг бир қисми ерда ишлаб ўз улушини олса, бир қисми курташлар каби таъминот олишарди. Ҳам униси, ҳам буниси орасида ҳунармандлар, котиблар бўлиб, қўшиннинг муайян қисми гардалардан ташкил топган эди. Парфия подшоси конларида қуллар меҳнати қўлланилганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд[4].

Хоразмда уй қуллари ишлатилганлиги борасида аниқ бир нарса дейиш қийин. Эҳтимол, бандак мақоми бу ердаги патриархал оила шароитида бир қадар консерватив (қадимий) кўринишга эга бўлгандир. Тупроққалъа хонадонларининг рўйхатида қулларнинг яна бир тоифаси — *хунзадик* (душманнинг ўғли, охир-оқибат хуннинг ўғли) — ҳарбий асир тушунчаси тилга олинган бўлиб[5], бу, бутун Шарқда бўлгани каби, Ўрта Осиёда ҳам қуллар сафи урушлар орқали тўлдирилганлиги ҳақидаги қадимий манба ҳисобланади. Этимологик жиҳатдан бу атама форсча *аншахрик* (ўзга юртлик)ка яқин бўлиб, дастлаб ҳарбий асирлардан иборат қулларга нисбатан ишлатилган, кейинчалик қулларни англатадиган умумий атама бўлиб қолди[6]. Сосонийлар суд

[1] *Дьяконов И.М., Лившиц В.А.* Документы из Нисы ... С. 22.

[2] *Дандамаев М.А., Луконин В.Г.* Культура и экономика ... С. 171, 174; *Briant P.* Histore de l'empire perse. – Paris, 1996. P. 440.

[3] *Дьяконов М.М.* Очерк истории древнего Ирака. М., 1961. С. 202; *Briant P.* Histore de l'empire ... P. 443.

[4] *Периханян А.Г.* Общество и право ... С. 27.

[5] *Лившиц В.А.* Документы. Топрак-кала ... С. 267.

[6] *Периханян А.Г.* Общество и право ... С. 26.

ҳужжатларида у ўз хожаси ерига бириктирилган қул маъносини англатади. Бандаклар каби аншахриклар ҳам ибодатхоналарга тегишли ерларда ишларди[1].

Хоразм хунзадиклари ҳам аншахриклар ва гардалар каби ўзларига ажратилган ер майдонларида меҳнат қилишган бўлишлари мумкин. Манбаларда қулликнинг қадимий кўринишлари — патриархал ва ҳарбий асирликдан ташқари яна бир қатор тоифаларнинг номларини келтирилади.

Сўғд никоҳ битимида ҳар қандай сўғдлик эркак ёки аёл тушиб қолиши мумкин бўлган ижтимоий тобеликнинг тўрт тури қайд этилади.

Биринчи тоифа *бандак* (аёллар учун *дайа*), кенг маънода қулни англатса-да, унинг ўзига хос ижтимоий аҳволи кўрсатиб ўтилмайди. Тадқиқотчиларга кўра, улар савдо олди-бердиси объекти ҳисобланган эдилар[2]. Бу ерда у вақт бўйича Хоразм бандакларининг «сотиб олинган» қул тоифасидан фарқ қилади.

Иккинчи тоифа *ванак* (ҳарбий асир бўлган қул) деб номланади.

Учинчи тоифа *—нипак* (гаровдаги ёки қарздор қул) вақтинчалик ҳолат бўлиб, патриархал оила бошлиғи ўз оила аъзоларини қарзи эвазига гаровга бериш ёки доимий қулликка бериш, ҳатто уларни сотиш ҳуқуқига эга эди.

Тўртинчи тоифа *—хепад* ҳозирча номаълум, уни тадқиқотчилар «ҳомийликка берилган» деб ҳисоблашади, балки, қулни англатмай, эрксизлик ҳолатининг бир кўриниши ҳисобланган дир.

Қарз қуллиги шаклининг пайдо бўлиши жамиятдаги мулкий тенгсизлик жараёнининг давомийлиги билан боғлиқ, у антик даврга хосдир. Унга ёндош равишда хўжалик босқичлари мураккаблашиб борди. Уй қулчилигига қул меҳнатидан фойланишнинг янги шакллари қўшилиб, ерга бириктирилиш натижасида қул меҳнатидан фойдаланиш кенгайди. Қуллардан қўшинда фойдаланиш — алоҳида масала

[1] *Периханян А.Г.* К вопросу о рабовладении и землепользовании в Иране парфянского времени // ВДИ. 1952. № 4. С. 25.

[2] *Лившиц В.А.* Юридические документы ... С. 36.

ҳисобланади. Қадимги Шарқда гардаларга нисбатан бундай амалиёт бўлганлиги ҳақида фикрлар мавжуд[1].

Антик манбаларда Парфия қўшинида қуллар бўлгани ҳақида маълумот берилади. Хусусан, Юстин, Помпей Трог маълумотларида шундай дейилади: «уларнинг қўшини асосан қуллардан иборат эди. Қулларни озод қилишмайди ва уларнинг болалари ҳам қулга айланиб, сони ошиб боради. Қулларнинг болаларига парфияликлар ўз болаларидек эътиборли, уларга отда юриш ва камондан отишни ўргатишади. Парфияликлар қанча бой бўлса, шунча кўп отлиқларни жанг пайтида шоҳга топширади. Антоний парфияликлар билан жанг қилганда унга 50 минг отлиқ қарши чиққан, улардан фақат 400 нафари эркин киши эди» (Just., XLI, 26). Бу маълумот тадқиқотчиларда шубҳа уйғотди[2]. Тўғридан-тўғри Юстиннинг маълумотига қараб Парфияда қулларнинг мавжудлиги ва уларнинг қўшинда иштирок этиши ҳақида хулоса чиқариб бўлмайди деган фикрлар билдирилди. Бу ерда гап қуллар ҳақида эмас, балки тобе кишининг қайсидир тоифаси ҳақида бўлиши мумкин деб ҳисобланмоқда. Эҳтимол, улар қадимги Шарқнинг бошқа давлатларидек асосий эмас, балки ёрдамчи қўшин сифатида хизмат қилган қул ёки ишчилар бўлгандир[3].

Юнон-Бақтрия подшолиги армиясида қуллар мавжудлиги тўғрисида маълумотлар сақланиб қолган эмас. Фақат Менандр давлати ҳақидаги билвосита маълумотларда «қулларнинг ўғилларидан иборат ҳарбий отрядлар» қўшиннинг бошқа таркибида — филларда, отларда, араваларда, пиёдалар сафида, камончилар, жангчилар, зирҳларда уруш олиб борган ҳарбийлар қаторида тилга олинади[4]. Бундан фақатгина қуллардан иборат қўшиннинг аслзодалардан иборат озод жангчилар (Ўрта Осиёда бу *катафрактарийлар*)га қарама-қарши қўйилганлиги ҳақидаги маълумотни олиш мумкин. Қуллардан иборат

[1] *Дандамаев М.А., Луконин В.Г.* Культура и экономика ... С. 178.

[2] *Массон В.М.* Земледелие и аграрный строй Туркменистана в эпоху развития рабовладельческих отношений // Очерки истории земледелия и аграрных отношений в Туркменистане. Ашхабад, 1973. С. 41 – 42.

[3] Вопросы Милинды ... С. 301.

[4] *Массон В.М.* Земледелие и аграрный строй ... С. 43.

гуруҳ қандай эди? Улар отлиқ ёки пиёда бўлганлиги номаълум. Шу билан бирга, бу маълумот Парфия қўшинлари сафида қуллар бўлганлиги тўғрисидаги Юстин маълумотларига катта ишонч уйғотади. Агар масалага шу нуқтаи назардан қаралса, барча озод эркаклар ва қуллар қайд этилган Тупроққалъадан топилган уйлар рўйхатига эътибор берилса, Парфия давлатида бўлгани каби, антик Хоразмда ҳам қўшинни ёки халқ лашкарини тузишда ҳарбий хизмат ўташ мажбурияти амалиётида озод шахслар қаторида ҳарбий санъатга ўргатилган қулларнинг ҳам иштирок этганлиги маълум бўлади.

Ўрта Осиё жамиятида қулларнинг аҳволини, уларнинг ҳуқуқий мақомини, тобелигининг шакли ва даражасини Крорайна ҳужжатларидан кўриш мумкин. Уларга кўра, қулнинг ижтимоий мақоми бўлмаган, чунки у хожасининг кўчиб юрувчи мулки ҳисобланиб, ўз иш кучига ва ўз меҳнати натижасига эгалик қилган эмас. Қулларнинг аҳволи ҳаммадан ҳам ягона шакл асосида тузилган савдо рўйхатида аниқроқ кўрсатилади. Масалан: «*Лйипея* шахснинг мулки ҳисобланиб, уни бошқа одамга сотиши, гаровга бериши, алмашиши, совға қилиши, у билан хоҳлаган ишини қилиши мумкин»[1]. Бу ерда подшоҳ қуллари, жамоа қуллари ва шахсий қуллар кўрсатилганини қайд этиш жоиз. Бир қулга бир неча хўжайин эгалик қилиши мумкин эди. Қулни ўлдирганлик учун жазоланилмаган: қулни ўлдирган эркин шахс қул эгасига бошқа қул бериши лозим эди. Қуллардан уй хўжалигида, далаларда, қурилиш ишларида, тош ёришда фойдаланилган эди.

Эътиборлиси, қулларга ер ажратиш амалиёти ҳаётга чуқур кириб боради. Бундай қулларни мулк сифатида қаралган Рим қуллари, Эрон гардалари ва аншахрикларига қиёсласа бўлади.

Крорайнада улар нафақат ер майдонига, балки чорва, мулкка эгалик қилишган, ўз хўжалигини сотиш ва бошқага гаровга бериш ҳуқуқига эга эдилар. Хўжайин ўз қулларининг қарзлари учун масъул бўлган, лекин ўз мулкидан тўлаган эмас. Қуллар эса хўжайинининг

[1] *Воробьева-Лесятовская М.И.* Индийцы в Восточном ... С. 89.

судлашувида ҳуқуқий гувоҳ бўлиб иштирок этиши мумкин эди. Хўжайиннинг рухсати билан қуллар оилали бўлиши ва фарзанд асраб олиши мумкин эди. Деҳқон қуллар билан бир қаторда устахонасида қул-ҳунарманд ўз фаолиятини юритарди. Қонун қулларнинг мулкини ҳимоя қилган, улардан кўпчилиги бой бўлишган эди. Қул натура шаклида фоизли тўловни амалга ошириш йўли билан ўзини ўзи сотиб олиши мумкин эди. Бир қанча ҳужжатларда қулнинг қуйидаги нархи келтирилади: 12 та қўй ё 1 та ёй ёки битта туя ё беш мера (қадимги оғирлик ўлчов бирлиги, 26, 24 л га тенг) бугдой ва уч халат[1].

Бироқ шахсий қарамликдан қутилиб, барча мулки унинг хўжайинига тегишли бўлгани учун боридан айрилгач қул фақат худди жамоанинг ажралиб чиққан аъзолари каби ёлланма ишчи бўла олиши мумкин эди. Манбалардан, масалан, Милиндапанҳадан кўриниб турибдики, ёлланма ишчилар қуллар қатори ҳамма жойда тилга олинади. Улар шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам далаларда ва суғориш каналлари қурилишида ишлатилган, ибодатхона ва амалдорларнинг хўжаликларида меҳнат қилишарди.

Келтирилган ҳужжатлардан кўриниб турибдики, қул меҳнатидан фойдаланиш кенг тарқалган ва қуллик турмуш тарзи сифатида Ўрта Осиёнинг қадимги давлатлари ижтимоий муносабатларида катта аҳамиятга эга эди.

Бироқ классик қулдорлик мамлакатларига қараганда эркин одамларнинг сонига нисбатан қуллар жуда кам бўлган ва уларнинг меҳнати эркин ишчилар меҳнатининг ўрнини эгаллай олмасди.

Қишлоқ хўжалигининг юритилиши эркин жамоавий деҳқонлар ва ижарачиларнинг меҳнатига асосланган, ҳунармандчиликда эркин ҳунармандларнинг меҳнати асосий ўрин эгаллаган эди.

[1] *Воробьева-Десятовская М.И.* Индийцы в Восточном ... С. 85.

Шоҳлик ҳокимияти ва маъмурий-давлат тузилмаси

Ўрта Осиёнинг барча давлатлари қадимги даврда шарқий мустабид давлатлар бўлган. Уларни бошқарган шоҳлар, Юнон-Бақтрия давлатининг юнон басилевслари бўладими ёки аслзодалар насабига оид уйларда ҳукмронлик қиладиган маҳаллий (Довон) ё кўчманчи (Парфия, Хоразм ва Кушон подшолигидаги каби) зодагонлар бўладими, бундан қатъи назар, худоларга тенг деб ҳисобланган эди. Уларнинг атрофида шоҳлик ибодатхонаси шаклланган эди. Археологлар Эски Нисо, Сурхкўтал, Тупроққалъа, Холчаён шаҳарларида топилган улуғвор сарой ва диний мажмуалар, сулоланинг аждодларига, ҳатто шоҳнинг амалдаги хос одамларига қаратилган диний таомиллар ва маросимларнинг мавжуд бўлганлигига мисоллар келтиради.

Юнон-Бақтрия подшолигида салавкийлар негизлари сақланиб қолган бўлиб, тангалар номига қўшилган васфлардан (масалан, «Подшоҳ Антиох Теос (худо) Эпифан»)[1] улардаги подшоҳ шахсига сиғиниш яққол кўриниб турибди. Юнон-Бақтрия тангаларида ва Кушон тангаларида давлат бошлиғининг унвонлари — ҳукмдор, подшоҳ, шоҳлар шоҳи, шунингдек, шоҳлар шоҳи — буюк қутқарувчи каби васфлар мавжуд эди. Кушон давлатининг ҳукмдори худонинг ўғли деб аталарди. Подшоҳ бутун ҳокимиятга эга эди. Юнон-Бақтрия подшолигида шоҳнинг ҳамҳукмдори баъзан унинг ўғли бўлганини қайд этиш лозим. Подшоҳнинг якка ўзи ҳокимиятга эгалик қилгани унинг ўзи подшоликнинг барча ишларини юритиши ва бутун маъмуриятни бошқариши шартлигида ўз ифодасини топади. У қўшин қўмондони ва бошқа давлатлар билан муносабатларда мамлакат вакили, ягона қонун чиқарувчи ва олий суд эди. Саройда маросимлар ўтказилган, аммо биз унинг қандай бўлганлиги ҳақида ҳеч нарса билмаймиз. Шуни таъкидлаш керакки, монархлар қирмизи либослар ва диадема (тож)лар кийишга бўлган мутлақ ҳуқуқи билан ажралиб туришарди,

[1] *Бикерман Э.* Государство Селевкидов ...; *Bernard P.* Lesmonnai eshorstresors. Questions d'histoire greco-bactrienne // MDAFA. T. XXVIII. Paris, 1985; *Narain A.K.* The Indo-Greeks. Oxford, 1957; *Tarn W.* Alexander the Great ...

сарой амалдорлари ва юқори мансабли амалдорлар ҳам кийимларида ва бош кийимларида фарқларга эга эдилар. Масалан, Парфия саройида тиара (подшоҳнинг бош кийими)лар ва қимматбаҳо камарлар, Сўғд жамиятида эса қимматбаҳо белбоглар[1] ва ханжарлар унвон-мартаба белгиси ҳисобланар эди.

Пойтахтдаги асосий саройдан ташқари турли шаҳарларда шоҳ саройлари ва қароргоҳлари қурилган эди. Юнон-Бақтрия подшолигининг пойтахти Бақтрия шаҳри (ҳозирги Балхнинг марказидаги Бало-Ҳисор) бўлган. Сарой мажмуаси эса салтанат шарқий қисмининг пойтахти ҳисобланадиган қадимги Ойхоним кўҳна шаҳрида француз олимлари томонидан топилди[2]. Михрдаткертдаги (Эски Нисо) Парфия подшоҳлари саройи сингари у ҳам мураккаб мажмуа бўлиб, унда сарой ғазнаси, шароб ва озиқ-овқат захираларининг кенг омборлари билан бирга тадбирлар, диний маросимлар учун мўлжалланган ва хўжалик-маиший бинолари ҳам мавжуд эди.

Агар салавкийлар намуналарига кўра муҳокама қиладиган бўлсак, шоҳ саройи, хусусан, «подшонинг уйи» ва унинг атрофидаги ерларни, шунингдек, давлат амалдорлари таркиби (бўлими)ни ўз ичига олган эди. Сарой интенданти (хўжалик-таъминот бўлими)да кўп сонли чўрилар, хизматкорлар, қуллар, ҳарам оғалари бор эди. Манбада айтилишича, шоҳ Менандрнинг 38 хил мартабадаги мулозимлари бўлиб, улар орасида тансоқчилар, жарчилар ва қаҳрамонликларни мадҳ этувчилар ҳам бор эди[3]. Тасвирий манбалар ва ёзма маълумотлар актёрлар, қизиқчилар, акробатлар, қўшиқчилар, раққосалар томошалар кўрсатган, подшоҳ ва унинг мероскўрлари иштирокидаги улуғвор маросимлар, тантаналар ва базмлар ҳақида маълумот беради.

Юнон-Бақтрия подшолигида юнон саройи аслзодалари юнон маданиятига содиқ қолган бўлиб, таълим масканлари ва театрларга ташриф буюриш ва фалсафий мунозараларни ташкил этиш бу маданиятнинг ажралмас қисми эди. Подшоҳлик саройларининг кутубхо-

[1] *Луконин В.Г.* Древний и раннесредневековый Иран. М., 1987. С. 121.

[2] *Bernard P.* Fouilles d'Ai Khanoum. I // MDAFA. I XXI. Paris, 1973.

[3] Вопросы Милинды ... С. 325

наларида бадиий ва фалсафий мазмундаги қўлёзмалар сақланган, бу ҳақда Ойхоним хазинасидан топилган Арасту доирасининг фалсафий мулоқоти матнини ўз ичига олган мил. авв. II аср қўлёзмалари гувоҳлик беради[1]. Саройда бу анъанага қатъий риоя қилинган: подшоҳ Менандрнинг роҳиб Нагасена билан суҳбати ана шундай мулоқот тарзида олиб борилади. Подшоҳнинг уйида ҳарам оғалари ва тансоқчилар муҳим шахслар ҳисобланар эди. Тансоқчилар салавкийлар саройида ҳам худди шундай ўрин эгаллашган: баъзилари шоҳ билан кечаю кундуз қолардилар, бошқалари эса у бўладиган жойларда унинг йўқлигида соқчилик қилардилар[2].

Аршакийлар каби кўчманчи сулолалардан бўлган шоҳлар даврида зодагонлар кенгаши бўлган, унинг таркибига катта уруғларнинг бошлиқлари, амалдорлар ва коҳинлар кирарди. Юнон-Бақтриядаги ўзининг кенгашига эга подшоҳлик ҳокимияти каби шоҳлик ҳокимиятининг табиати ҳақида Тарн томонидан қабул қилинган бундай тасаввурни кенг ёйишга бўлган уриниш танқид остига олинди. Турли хил манбаларда тилга олинган шоҳнинг аъёнлари ва маслаҳатчиларини англатувчи атамалар, ҳақиқатан ҳам, бир-бирига ўхшашдир. Юнон-Бақтриянинг асосий ҳудуди борасида бу масала манбаларда ёритилмаган, аммо билвосита маълумотлар мавжуд. Биринчидан, Салавкийлар давлатида подшоҳ маслаҳатчилари институти мавжуд бўлган, уларни «подшоҳнинг дўстлари» деб аташган ва улар сарой аъёнлари қаторига кирар эдилар. Подшоҳ, одатда, улар билан маслаҳатлашмасдан муҳим қарорлар қабул қилмаган, у ўз хоҳишига кўра ҳаракат қилган. Иккинчидан, Милиндапанҳада Менандр подшоҳлигидаги подшоҳ кенгашининг аъзолари ва маслаҳатчилари номлари айтиб ўтилган, шунингдек, маслаҳатчилари орасида қўмондон, сарой руҳонийси, судья, хазинабон, соябон тутувчи, қилич тутувчи ҳам тилга олинади[3]. Йиғилишларда қатнашиш ва подшоҳга маслаҳат бериш

[1] *Rapin Cl.* Les textes littdraires grecs de la tresorerie d'Ai-Khanoum // BCH. CXI. 1987. I Etudes. – Paris, 1987. P. 225 – 266.

[2] *Бикерман Э.* Государство Селевкидов ... С. 38.

[3] Вопросы Милинды ... С. 142, 250.

ҳуқуқини нафақат зодагонлар наслидан бўлганлар олган, балки бу ҳуқуққа хизматига қараб бошқалар ҳам эришиши мумкин эди. Ушбу сарой унвонларининг кўплари Эрондаги сосоний шаҳаншоҳ саройида мавжуд бўлган саройнинг юқори унвонлари билан ўхшашдир. Бу ўхшашликларга, биринчи навбатда, саройда иккинчи ўринни эгаллаган *қилич тутувчи* (подшоҳнинг қуролбардори) ва қўмондон ёки подшоҳнинг шахсий гвардияси бошлиғи мисол бўлади. Сарой амалдори сарайдаги эшик оғаси ҳисобланарди[1]. Саройда хазинабон бор эди, Менандр давлатида унинг зиммасида бўлган вазифалар бизга етарли даражада маълум: у ҳисоб юритган ва подшоҳга унинг хўжалиги ҳолати — «подшоҳнинг филлари, отлиқлари, жанг аравалари, пиёда аскарлари қанчалиги, олтин тангалари, олтини ва бошқа мол-мулки қанчалиги» тўғрисида хабар берар эди[2].

Юнон-Бақтрия подшоҳлигидаги маъмурий тузилмани, эҳтимол, маълум даражада Салавкийлар давлатининг маъмурий тузилма билан тенглаштириш мумкиндир. Бу, хусусан, аҳамонийлардан мерос бўлиб ўтган ва Салавкийлар давлатида қабул қилинган подшоҳликнинг сатрапликларга бўлиниш тизимидан яққол кўриниб турибди. Эслатиб ўтамиз, Бақтриянинг ўзи мил. авв. 250 йилгача Парфия сингари салавкийлар сатраплиги эди. Шунингдек, маъмурий бўлинишнинг баъзи атамаларида ҳам, шоҳнинг унга хизмат қилувчи ва даромадлари ҳисобини юритувчи хазинабонини англатувчи атамаларда ҳам ўхшашликлар кузатилади. Хазина сарой хўжалигининг ажралмас қисми сифатида ҳақиқий шарқий институт бўлиб, у Ўрта Осиёнинг эллин давлатлари томонидан Аҳамонийлар подшоҳлигидан мерос қилиб олинган ва келиб чиқишига кўра кўпроқ қадимги даврларга оид эди. Персеполис матнларида у *ганза* деб, хазинабон эса *ганзабара*[3] деб номланади. У хоразмча *шахиган* атамаси билан маълум[4].

---

[1] *Луконин В.Г.* Древний и раннесредневековый ... С. 123.
[2] Вопросы Милиции ... С. 88.
[3] *Briant P.* Histoire de l'empire ... P. 440.
[4] *Лившиц В.А.* Документы. Топрак-кала ... С. 264.

Ойхоним саройининг ғазнасидан устига ёзувлар ёзилган идишлар бўлаклари топилган бўлиб, улардаги ёзувлар бу идишларда асосан тангалар, яъни хазина сақланишини билдиради, тангаларнинг келиб тушиш санасини ва амалдорнинг исмини кўрсатади[1]. Шунингдек, ҳар доим юнонча ном билан аталган салавкийлар *газофилакс*ига ўхшаш хазинабон (афтидан, шох Менандрнинг ғазначиси) ва юнон ё бақтриялик бўлган қуйи мансабдаги иккита хизматкор ҳам тилга олинади[2]. Тангалардаги кумушнинг таркибини назорат қилган амалдор — *докимаст* номи ҳам тилга олинган бўлиб, молиявий вазифалари бўйича Юнонистондан то Эрон сосонийлари давригача жуда кўп унга ўхшаш атамалар мавжуд эди. Ойхоним хазинасида, шунингдек, Персеполис ва Михрдаткерт саройларининг шундай хазиналаридаги каби танга пуллардан ташқари садафдан ишланган қимматбаҳо буюмлар, олтин ва кумуш, ярим қимматбаҳо тошлар, фил суягидан ясалган буюмлар, ёмбилар ва хушбўй тутатқилар жамланган эди. Бу ерда, саройда Ўрта ер денгизидан олиб келинган зайтун мойи омбори ва шароб омбори ҳам бор эди. Сарой омборлари озиқ-овқат захирасининг жиҳатлари ҳақида шароб ва ун етказиб бериш тўғрисидаги Ойхоним ва Михрдаткерт ҳужжатларидан ташқари Хоразмдаги Тупроққалъа сарой мажмуаси архивидаги терига ёзилган ёзувлар ҳам гувоҳлик беради. Уларда шароб, ун ва чорва моллари, эҳтимол, мойни қабул қилиш ва тарқатиш тўғрисида ёзувлар сақланиб қолганини қайд этиш мумкин[3]. Улардан биз мил. III асрда Хоразмда сарой хазинаси хазинабони ёки саройдаги асосий хўжалик бошқарувчиси *фраматар* деб номланганлигини, яна бир амалдор — бошқарувчи ёки назоратчи *саркор* деб номланганлигини билиб оламиз. Фраматар атамаси аҳамонийлар даври ҳужжатларида келтирилган бўлиб, у ерда бу подшоҳлик хўжалигини тартибга солувчи шахсни билдирар эди. Илк сосонийлар даврида Эронда ҳам у худди шундай маънога эга эди. Бу унвондаги амалдор

[1] *Рапэн Кл.* Эллинистическая сокровищница ... С. 112, 115; *Rapin Cl.* La tresorerie du palais ... P. 95 – 114.

[2] *Рапэн Кл.* Эллинистическая сокровищница ... С. 114.

[3] *Лившиц В.А.* Документы. Топрак-кала ... С. 262, 264.

юкори мартабали бўлиб, *вазургла*р (зодагонларнинг энг юқори тоифаси) қаторига кирарди. Эрон ривожланиши билан у ердаги подшо амалдорлари кенгаши аста-секин давлатнинг етакчи институтига айланиб борди, фраматар эса биринчи вазир даражасигача кўтарилди[1]. Хоразм ҳақида ҳам шундай дейишга хозирча асос йўқ. Афтидан, бу ерда юқори мансаб бўлган ва уни аслзодалар наслидан бўлган вакил эгаллаган, аммо у, матндан кўриниб турганидек, ўрта асрлар Сўғдида «фрамандар» унвонига эга амалдор каби подшоҳ мулки хўжалигини юритувчи вазифалари билан чекланган эди[2].

Кушонлар даврида Бақтрияда фраматар мамлакатнинг энг юқори даражали амалдорларидан бири эди. Буни Ҳиндистондан топилган теммадаги ёзувлардан, уларда исм ва «вазорк-фромалар» унвони ёзилганидан[3] кўриш мумкин.

Тупроққалъа хазинасининг бизгача етиб келган иккита лавозими номи, шубҳасиз, ундаги барча таркибни англатмайди. Унинг анча кенг ва ихтисослашган бўлиши мумкинлиги ҳақида Михрдаткерт архивидаги кўпроқ ахборотларни ўзида сақлаб қолган маълумотлар далолат беради. Бу ерда *Мадустан*даги (подшоҳлик омборларида) шаробнинг олиб келинишини ҳисобга олишда ғазначидан ташқари қуйидаги унвонларга эга бўлган амалдорлар иштирок этишган: шароб олиб келувчи, муҳр босувчи, котиб, ҳисоб юритувчи ва шаробни дастурхонга элтувчи[4].

Бошқа жойларда ҳам деярли шу даражада кенг тарқалган ва тармоқланган маъмурий тузилмалар мавжуд эди. Юнон-Бақтрия давлатининг маъмурий тузилиши, шубҳасиз, сатрапликларга бўлиниш билан чекланиб қолмаган, балки Парфия ва Менандр подшоҳлиги сингари қадимги маҳаллий ҳокимликлар бу ердақадимги маъмурий бирликлар сифатида фаолият олиб борарди. Милиндапанҳада шундай ҳокимлардан бири тилга олинади, у қўл остида суд ишларини кў-

[1] *Луконин В.Г.* Древний и раннесредневековый ... С. 143.
[2] *Лившиц В.А.* Юридические документы ... С. 134 – 135.
[3] *Дьяконов М.М.* Очерки истории ... С. 299.
[4] *Дьяконов И.М., Лившиц В.А.* Документы из Нисы ... С. 22 – 23; Ўша муаллиф. Новые находки документов в Старой Нисе // Переднеазиатский сборник. Вып. II. М., 1966. С. 143.

риб чиқишда қатнашадиган зодагонлар кенгашига эга бўлганлиги[1] қайд этилади.

Парфиянинг асл илдизи бўлган жойларда сатрапликлар Юнон-Бақтрия ерларидагига қараганда кичикроқ бирлик эди. Бу ерда бир нечта сатрапликлар бирлашиб *марзпанлик*ни ташкил этган, *марзпанлар* сатрапларга қараганда юқорироқ мавқени эгаллаган эдилар[2]. Бу ердаги сатрапликлар *дизалар* (мустаҳкамланган қишлоқлар)га бўлинарди, *дизпатлар* томонидан бошқарилган ушбу *дизалар* энг қуйи маъмурий ва ўлпон тўловчи бирлик (бўғин) ҳисобланарди. Парфия подшоҳлигининг марказий ўлкаларида «сатрап» унвони бошқа маънога ҳам эга бўлган, чунки подшоҳ маъмурияти вакили ҳам шу номга эга эди, «сатраплар сатрапи» унвони ҳам мавжуд эди. Мил. IV асрга келиб сатраплар институти тугайди, Парфия салтанати ўрнини эгаллаган Сосонийлар давлати бу вақтда бутунлай шоҳ мулкига айланган эди [3].

Юнон-Бақтриядан сатрапликларга бўлиниш тизимини мерос қилиб олган Қушон давлатида «сатрап» атамаси амалдор шахсларнинг айрим тоифаларига нисбатан ҳам ишлатилар эди. Қанишка ҳукмронлиги давридан қолган ҳинд ёзма манбасида сатраплар ҳақида сақланиб қолган маълумотлар Қушон маъмуриятидаги муносабатлар ҳақида гувоҳлик беради. Бу ерда сатрап ва буюк сатрап унвонлари тилга олинади. Эҳтимол, иккинчиси парфияликларнинг «сатраплар сатрапи» унвони билан тенг бўлгандир.

Парфия подшолигида мил. авв. I — мил. I асрларда шаҳар ва кичик маъмурий округларнинг ҳукмдорлари юқори зодагонлар табақасидан бўлган *шаҳрабалар* ёки *хватавлар* (жаноблар)дан иборат эди. Манбаларда илк Парфияга қарашли Марвда Бурзахт шундай хватав бўлганлиги айтилади[4].

Ҳарбий-маъмурий ҳокимият лавозимларига тайинлаш ҳақидаги баъзи фармонлар ҳам сақланиб қолган. Бақтрия ҳудудида сосоний-

[1] Вопросы Милинды ... С. 250.
[2] *Дьяконов М.М.* Очерки истории ... С. 194 - 197.
[3] *Луконин В.Г.* Древний и раннесредневековый ... С. 134.
[4] *Лившиц В.А.* Письменные памятники ... С. 37.

тарнинг «мартаба-унвонлар жадвали»да иккинчи ўринни эгаллаган, сосонийларнинг «хазарапат» унвонига ўхшаш бўлган «хазарухт» ёки хазарапат» унвонлари мавжуд эди, шу билан бирга, у вазирлар вакилларига ҳам тегишли унвон бўлган. Унинг бу ҳудудда кейинроқ пайдо бўлиши сосонийлар истилоси билан боғлиқ бўлса керак. Шунингдек, *исбаробидо* (отлиқлар бошлиғи) унвони бўлганлиги ҳам маълум[1].

Албатта, Ўрта Осиё давлатларининг маъмурий тузилиши ва амалдорлар девони ҳақидаги узуқ-юлуқ маълумотлар ушбу институтларнинг ривожланиши ҳақида умумий тасаввурни ҳам бера олмайди. Аммо улар қанчалик мураккаб ва тармоқлашганлиги ҳақида Крорайна давлатидаги вазиятга қараб баҳолаш мумкин. Тадқиқотчиларнинг фикрича улардаги маъмурий тизим Кушон давлатидан мерос бўлиб ўтган.

Қҳароштҳи мактуби ҳужжатларига кўра, Крорайна давлатида кўп босқичли маъмурий бўлиниш мавжуд бўлган. Энг катта ва энг кўп аҳоли жойлашган бирлик *авана* (округ) бўлиб, у *прадеш*ларга (вилоятга) бўлинган. Аванага *килме* (вилоят) бўйсунган, кичик бирлик эса *шата* (юз) бўлган.

Аван таркибига бир нечта шаталар кирарди[2]. Крорайна мисолида ёзма маълумотларга кўра белгиланган, жойларда аниқланган жойлашиш тизими билан маъмурий бўлинишларнинг изчил алоқасини кўриш мумкин. Крорайна давлати Такламакон чўлининг жанубий чеккасигача чўзилган ва Лабнор кўли атрофида жойлашган, бир-биридан ажралган воҳалар занжирини ўз ичига олади. Деворлари бўлмаган аҳоли манзилгоҳлари эса далалар ва боғлар билан ажратилган қишлоқча каби алоҳида уй-хўжаликлардан иборат тарқоқ аҳоли манзилгоҳларига ўхшаш эди. Худди шу тарздаги жойлашиш тизими қадимги Хоразм учун ҳам хос эди.

Шундай қилиб, маъмурий бўлиниш, аслида, қадимги даврда шаклланган ҳудудларнинг уруғ-қабилавий бўлинишини ўзида ифодалаши мумкин эди, аммо маъмурий бўлинишни тартибга солиш борасида Хитой каби кўплаб давлатлар учун одатий бўлган тартиб, бунда бош-

[1] *Пугаченкова Г.А.*, Ртвеладзе Э.В. Северная Бактрия...

[2] *Воробьева-Десятовская М.И.* Индийцы в Восточном Туркестане ... С. 75 – 77.

қарувнинг қулайлигидан келиб чиққан давлат сиёсати, энг муҳими, солиққа тортиш тизими асосий аҳамият касб этганлигини кўрсатади. Гап шундаки, авана солиқ йигиш учун белгиланган маъмурий бирлик эди ва у учун белгиланган йиллик солиқ миқдори ҳар бир оиланинг ўлпонларидан иборат бўларди. Шата солиқ йиғиш бўйича энг қуйи асосий маъмурий бирлик бўлган. Аванани бошқарган амалдор солиқ тўловчи фуқароларнинг унинг ҳудудини тарк этмаслигини ва солиқ тўловлари миқдори бузилмаслигини назорат қиларди.

Крорайнанинг бу тарздаги давлат ишлари Ахамонийлар ва Парфия давлатларида бўлган тартибга жуда ўхшаш, унда ҳукмдорлар одамларни маълум бир жойга жойлаштириб, уларни ташқи жиҳатдан жамоага ўхшаш, ўлпон тўлайдиган бирликка маъмурий йўл билан бирлаштирган эди[1].

Айни Кушон давлатидаги маъмурий бўлинишни тартибга солиш бўйича давлат сиёсатининг ўзига хос жиҳатлари Шимолий Бақтрияда аҳолининг жойлашув тизимини ўрганиш давомида намоён бўлади. Бу ерда маъмурий бўлиниш бирликлари сифатида Кушон давлатининг таркибий иерархиясидаги асосий қисм бўлган суғориш ҳудудлари, суғорма туманлар, воҳа ва кичик воҳаларга ажратилган ҳудудлар белгиланган бўлиши мумкин[2]. Эҳтимол, уларнинг баъзилари сатрапликка ўхшаш бўлгандир. Бу ерда маъмурий бўлинишни тартибга солиш борасидаги олиб борилган мақсадли сиёсат Кушон даврида дастлабки даврлардан мерос қолган шаҳар марказлари атрофида манзилгоҳларнинг яралиши ва бу билан воҳанинг маъмурий бирликка айланишида кўринади. Хоразмда воҳага маъмурий бирлик сифатида қараларди[3].

Маълумки, бутун Кушон подшолиги ҳудудида давлат бошқаруви ягона тамойилга асосан қурилган ва унда умумдавлат қонунларига ҳурмат билан қаралган эди. Тахминан суғориладиган ерларига эга вилоятларга ўхшаш бўлган провинцияларни ҳокимлар бошқаришган. Сурхкўтал ёзувида сосонийларнинг «канаранга» унвонига ўх-

[1] *Дьяконов И.М.* Рабовладельческие имения ... С. 88.
[2] *Пугаченкова Г.Л., Ртвеладзе Э.В.* Северная Бактрия ... С. 62 – 64.
[3] *Неразик Е.Е.* Сельское жилище ... С. 14.

шаш унвонни англатувчи *каралраггo* атамаси келтирилган бўлиб, бу чегара қўриқчиси маъносини билдиради[1]. Манбаларда келтирилган маълумотларнинг камлиги унинг «сатрап» унвони билан мос ёки мос эмаслигини аниқлашга имкон бермаяпди.

Баъзи бир бирлашган ерларда Кушонга қарам бўлган маҳаллий сулолалар сақланиб қолган. Кушон вилоятларида ва унга қўшилган князликларда маҳаллий маъмуриятга аждодларнинг маҳаллий урф-одатлари ва анъаналарига ҳурмат билан қараш буюрилган эди. Бундай сиёсат юқори ҳокимиятни мустаҳкамлашга ва салтанатнинг яхлитлигини узоқ вақт давомида сақлашга ёрдам берди.

Шундай қилиб, давлат томонидан салтанатнинг аниқ ва кўп босқичли маъмурий бўлиниши асосан солиқ мақсадларини кўзлаб амалга оширилган эди. Энг қуйи маъмурий бирлик, у қандай номланишидан қатъи назар, ўлпонга тортиладиган бирлик саналарди. Қўшни жамоалар ҳам ана шундай эдилар. Ушбу сиёсатни марказда ва жойларда кўплаб амалдорлардан иборат йирик таркиб олиб борарди. Қрорайна мисолидан кўриниб турибдики, давлат амалдорларининг бу кўп тармоқланган таркиби олий сарой амалдорлари ва маҳаллий маъмуриятнинг давлат амалдорларидан иборат эди. Ҳужжатлар асосий вазифаси суд ва полиция ваколатларини амалга ошириш, қўшинга хизмат қилиш, ўлпон ва солиқларни йиғиш ва жамоат ишларини ташкил қилиш бўлган маъмурий иерархия унвонларининг анчагина узун рўйхатини номлаш имконини беради. Хулди энг юқори мартабали амалдорлар юнонлар орасидан, пастроқ мартабадагилари эса бақтрияликлар орасидан тайинланган Юнон-Бақтрия подшолигидаги каби Кушон Қрорайнасида ҳам сарой амалдорлари ё ҳиндлар, ё бақтрияликлар бўлган, маҳаллий маъмуриятдаги лавозимларни эса маҳаллий аҳоли эгаллаган эди.

Қанғ ва Фарғона подшолигининг давлат ва маъмурий тузилиши ҳақида бизда фақатгина бошқарувни тахт наслдан-наслга мерос бўлиб

[1] *Henning W.B.* Surkh-Kotal und Kaniska. // ZDMG. Bd. 115. Hit. 1. 1965. S. 81; *Виеар Д.Х.* Земля канаранга: Мерв между Кушанами и Сасанидами // Мерв в древней и средневековой истории Востока. II. Тезисы докладов. Ашхабад, 1991. С. 7 – 8.

ўтадиган сулолалар олиб борганлиги ҳақидаги маълумотдан бошқа ҳеч қандай ҳужжат йўқ. Қанғга бешта кичик ўлка бўйсунганлиги ҳақидаги маълумотлар унинг тузилишини маҳаллий шоҳлар бошқарган алоҳида давлатлар ва ҳудудларни ўзига бўйсундирган Парфия подшоҳлиги билан ўхшаш деб қараш имконини беради. Қанғ бирлашмасининг ярим кўчманчиликка хослигидан уларда ҳокимиятнинг уруғ-қабила анъаналари ва ҳарбий демократия қолдиқлари барқарор сақлаб қолинганини тахмин қилиш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги, аграр муносабатлар, ерга эгалик қилиш, солиқлар. Қишлоқ ва шаҳарлар

Ўрта Осиё хўжалигининг асосини воҳаларда ва дарё водийларида суғорма деҳқончилик ва яйлов чорвачилиги, даштларда, тоғ этаклари ва тоғлар билан ўралган текисликларда ҳайдаб боқиладиган чорвачилик ташкил қилган, бу жараён шу тарзда давом этади. Деҳқончиликда олдинги даврда анъанавий ўтроқ деҳқончилик хўжаликлари ҳудудлари (Парфия, Бақтрия, Марғиёна, Сўғд)да амалга оширилган суғориш тизимлари, каналлар ва сув омборларини яратиш билан мунтазам суғоришга ўтиш жамият ва давлатнинг ишлаб чиқариш кучлари ривожланишига кучли таъсир қилди. Антик давр бошига келибоқ турли хил физик-географик ҳудудларда жойлашган янги ҳудудларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига суғорма деҳқончилик майдонлари жадал кенгайиб боради. Суғориш иншоотларини қуриш бошланади ва кенг тус олади. Мил. авв. IV – III асрларда Хоразмда бутун антик давр давомида кенглиги 6 – 8 метрга етадиган йирик магистрал каналлар тизими шаклланди ва фойдаланилди. Хоразмнинг Ўнгқирғоқ қисмида бундай каналлардан воҳаларга қадар чўзилган бештаси аниқланган. Булар Қалтаминор, Тозабоғёб, Яккапорсон, Тошхирмон ва Гавхарадир[1]. Бу йирик каналлардан иккала тарафга ҳам воҳа далаларини сув

[1] *Ягодин В.Н., Бейтс А.В.* Археологические изыскания в древнем Ташкырманском оазисе // Археологические исследования в Узбекистане. Вып. 5. Ташкент, 2006. С. 55, 56.

билан таъминлайдиган кичик каналчалар ажралиб чиққан эди. Худди шундай суғориш тизими Хоразмнинг Чапқирғоқ қисмида ҳам шаклланган бўлиб, у ерда Чарманёп каналидан тарқалган каналчалар тармоғи аниқланди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ҳар бир каналнинг бошида катта қўриқлаш истеҳкоми бўлиб, воҳаларнинг чегараси эса бир-бирига уланиб кетган қалъалар билан ҳимояланган эди[1].

Мил. авв. IV – II аср охирларида Зарафшон ва Қашқадарё водийларида қадимдан қолган қишлоқ хўжалигининг ҳудудлари кенгаяди. Ғарбий Сўғдда Вобкент дарё водийсидаги кенг тармоқланган каналлар қадимий Бухоро воҳасининг шаклланиши учун замин яратди[2], қадимги йилларда Шоҳруд канали ишлай бошлайди. Шунингдек, далаларни суғоришда булоқ сувидан фойдаланилар эди. Самарқанд Сўғдининг энг қадимги суғориш тизимлари Новадон булоғи ўзанидан сув олган деб ҳисобланади. Милоднинг бошларида бу ерда Зарафшондан чиқадиган йирик асосий Даргом канали қурилган ва у Қарши воҳасини суғорадиган йирик Эски Ангор каналига ҳам сув етказиб берарди[3]. Қадимги даврда Зарафшон водийсининг юқори оқимигача бўлган ерлар ўзлаштирилди. Худди шундай жараён Бақтриянинг шимолий қисмида ҳам кузатилади ва у ерда македонияликларнинг истилоси натижасида кузатилган бироз таназзулдан сўнг суғориш хўжалигини ривожлантириш, водийлар ва тоғ этакларидаги ташландиқ воҳаларни ва янги ерларни ўзлаштириш жараёни бошланади. Кушон даврида магистрал каналлар ва ариқларнинг мустаҳкам тармоғи яратилади, деҳқончилик учун яроқли бўлган барча майдонлардан хўжаликда фойдаланиш бошланади[4].

Фарғона водийсидаги экин майдонларининг максимал кенгайиши, шунингдек, милоднинг биринчи асрларига ҳам тўғри келади. Суғориш хўжаликлари бу ерда ҳам тоғ сойларининг сув манбаларига

[1] *Гулямов Я.Г.* История орошения...; *Андрианов Б.В.* Древние оросительные системы Приаралья. М., 1969. С. 99; *Неразик Е.Е.* Сельское жилище... С. 125.

[2] *Мухамеджанов А.Р., Адылов Ш.Т.* Городские памятники низовьев Заравшана в IV в. до н.э. – VIII в. н.э. // Городская культура Бактрии-Тохаристана и Согда. Ташкент, 1987. С. 81 – 82.

[3] *Мухамеджанов А.Р.* К истории ирригации в кушанскую эпоху // Центральная Азия в кушанскую эпоху. Т. II. М., 1975. С. 279.

[4] *Пугаченкова Г.Л., Ртвеладзе Э.В.* Северная Бактрия-Тохаристан... С. 64.

асосланган каби, чамаси, катта каналларнинг сув таъминотига ҳам асосланган эди[1]. Тадқиқотчиларнинг хулосасига кўра, милоднинг биринчи асрларида тоғ этаклари ўзлаштирилади[2]. Айнан ушбу жуғрофий ҳудудда ёгингарчиликка асосланган деҳқончилик кенг тарқалди.

Қадимги даврларда суғориш тизимларини қуришнинг кейинги жараёнлари Уструшонада кузатилган бўлиб, у ерда йирик магистрал каналлар эмас, балки кичик суғориш тизимлари қурилади[3].

Мил. авв. I асрда Шошда Сирдарё, Ангрен, Чирчиқдан оқиб чиқадиган каналлар тармоғи ва сунъий равишда тўғриланган каналлар асосида сугориш тизими шаклланди[4].

Асосан Сирдарёнинг қуйи ва ўрта оқимларида жойлашган, кўчманчилар билан чегарадош улкан ҳудудлар жануб ва Хоразмга қараганда суғориш хўжалигининг нисбатан содда усулини қўллашлари билан фарқ қиларди.

Шундай қилиб, Сирдарёнинг қуйи қисмларида, дарёнинг асосий ўзани, Хоразмдан фарқли ўлароқ, тўғонлар билан мустаҳкамланган эмасди. Бу ерда кўплаб километрга чўзилган тошқин сувларининг магистрал каналларига эга кенг суғориш тизимлари шаклланган эмас. Дарёларнинг қуйилишини тартибга солишнинг оддий усулларидан фойдаланиш бу ҳудудларда архаик қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликнинг эскирган шаклларини ўзида сақлаб қолган хўжалик юритишнинг нисбатан паст даражада ривожланишига олиб келди[5].

Ўрта Осиёнинг жанубий минтақаларида, Фарғонада ва бошқа жойларда магистрал каналларнинг йирик тизимлари билан бир қаторда кориз суғориш усули амалиётга жорий этилган бўлиб, бу ҳақдаги дастлабки ишончли ёзма далиллар мил. авв. I мингйилликнинг

---

[1] *Заднепровский Ю.А.* Фергана // Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. М., 1985. С. 308.

[2] *Горбунова И.Г.* Фергана в кушанское время // Центральная Азия в кушанскую эпоху. Т. II. М., 1975. С. 54.

[3] *Билалов А.И.* Из истории ирригации Уструшаны. Душанбе, 1980. С. 137.

[4] *Буряков Ю.Ф.* Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. Ташкент, 1982. С. 114; *Филанович М.И.* Ташкент: зарождение... С. 18, 19.

[5] *Вайнберг Б.И.* Этногеография Турана... С. 55; *Левина Л.М.* Этнокультурная история Восточного Приаралья I тысячелетия до н.э. – I тысячелетия н.э. М., 1999. С. 371.

ўрталарига тааллуқлидир. Антиох III нинг Жанубий Парфия чўллари орқали юриши ҳақида берган тавсифида Полибий бу ерда суғориш учун аҳамонийлар даврида бошланган қудуқлари бор ер ости каналларидан фойдаланилгани ҳақида айтиб ўтади (Polyв, X, 28). Ушбу турдаги сув таъминоти Парфия давридаги[1] Гарра-Кориз аҳоли манзилгоҳида ва Фарғона водийси тоғ этакларида топилди.

Шундай қилиб, милоднинг биринчи асрларида Ўрта Осиёда суғориш хўжалиги жуда юқори тараққиёт даражасига эришган, бу жараён деҳқончиликка мўлжалланган майдонларнинг кенгайиши ва аҳоли манзилгоҳлари сонининг кўпайиши билан бирга кечади.

Сугорма деҳқончилик юқори даражада ривожланган жойларда ер ва сувдан фойдаланиш тизими анча ривожланган бўлган. Сувни далалар бўйлаб тақсимлаш ҳар доим ҳаётий муҳим вазифа бўлиб келди. Тахмин қилиш мумкинки, қадим замонларда сувни тақсимлаш ва суғориш жадвалини бошқариш вазифаларини бажарадиган одамлар, эҳтимол, бутун бир таркиб мавжуд эди. Муғ ҳужжатларидан бирида сувчи ҳақида сўз юритилиши бундай амалдорнинг илк ўрта асрлардагина мавжуд бўлганини аниқ тасдиқлайди[2].

Деҳқончилик қуроллари анча соддалигича қолади, у ерда далалар бронза давриданоқ маълум бўлган омоч ва кетмон ёрдамида қайта ишланарди. Омочнинг темир типлари топилмалари милодий биринчи асрга оид бўлишига қарамай, улардан, чамаси, ундан олдинги даврларда ҳам фойдаланилган эди. Темир ўроқлар ва белкуракlар ҳам деҳқончиликда кенг қўлланилган, булар Бақтрия, Сўғд, Хоразм, Шош, Фарғона ва бошқа жойлардан топилган кўплаб топилмалар тасдиқлайди.

Донни қайта ишлаш оддий тош қирғичлар ёрдамида амалга оширилган, фақат милоднинг бошларига келиб қўл тегирмонлар пайдо бўлади. Сув тегирмонлари катта эҳтимол билан антик даврнинг охирига келиб пайдо бўла бошлаган, кейинги даврда кенг тарқалган, бу ҳақда Муғ архивидаги сўғд ҳужжатлари гувоҳлик беради[3].

---

[1] *Пилипко В.Н.* Парфянское сельское поселение Гарры-Кяриз. Ашхабад, 1975. С. 53.

[2] *Лившиц В.А.* Юридические документы... С. 187.

[3] *Лившиц В.А.* Юридические документы... С. 57, 59.

Ёзма манбалар ва археологик топилмалар маълумотлари Ўрта Осиёда етиштирилган экинларнинг, тўлиқ бўлмаса ҳам, маълум бир тўплами ҳақида тасаввур беради. Бу вақтда бугдой, арпа, тариқ, гуруч, кунжут, беда экинлари экилган дейиш мумкин. Сабзавот ва полиз экинлари етиштириларди. Боғдорчилик кенг ривожланган эди. Ўрик, шафтоли, анор, олма, писта, тут кабиларнинг етиштирилгани ҳақида ишончли маълумотлар мавжуд. Масалан, Чжан Цзян мил. авв. II аср – I асрнинг охирларидаги Фарғонанинг (Довоннинг) мажмуавий хўжалигини ҳар томонлама тавсифлайди: «Ўтроқ аҳоли далаларни шудгор қилади, гуруч ва буғдой етиштиради, узумдан май тайёрлашади ва яхши отлар боқишади»[1].

Марвнинг Парфия даврига оид қатламларида гуруч доналари топилган[2], яъни унинг Ўрта Осиёда етиштирилиши мил. авв. биринчи асрлардаги манбаларда қайд этилади. Мазкур маданият бу ерда олдинроқ пайдо бўлган бўлса керак, чунки эллин даврида у Яқин Шарқда кенг тарқалган эди (Strabon, XV, I). У ерда ҳам, Ўрта Осиёда ҳам гуруч кенг тарқалган бўлиб, у катта эҳтимол билан Ҳиндистондан олиб келинган эди. У худди пахта каби мил. авв. III мингйилликнинг иккинчи ярмида етиштирилганини қайд этиш мумкин.

Мил. авв. биринчи асрларга оид биринчи пахта матолари Ўрта Осиёда (Марв) ҳам топилган, бу ерда пахта етиштириш аҳамонийлар даврида бошланган бўлиши ҳам мумкин. Бу даврда Ўрта Осиёда кунжут ва каноп билан бир қаторда пахта ҳам кенг тарқалган саноат экинига айланган эди. Асосий хўжалик тармоғи узум етиштириш бўлган, бу тармоқнинг асосий марказлари Фарғона, Хоразм, Сўғд, Бақтрия, Маргиёна эди. Ўша пайтдаёқ табиий пайвандлаш йўли билан бу ўсимликнинг ейиладиган навлари каби шароб тайёрланадиган навлари ҳам кўплаб етиштирилган. Манбалар мусалласчиликнинг ўша пайтда хўжаликнинг товар тармоқларидан бири сифатида кенг тарқалганлиги ҳақида маълумот беради. Узумнинг ейиладиган навлари бошқа

[1] *Бичурин Н.Я.* Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена Ч. II. М.-Л., 1950. С. 151; *Кюнер Н.В.* Китайские известия... С. 122.

[2] *Усманова З.И.* Эрк-кала // Труды ЮТАКЭ. Т. XII. Ашхабад, 1963. С. 80.

экинларнинг баъзи турлари — ем-хашак ўсимлиги бўлган беда, юнон ёнғоғи қўшни давлатлар, хусусан, Хитой томонидан ўзлаштирилади.

Текисликлар, тоғ этаклари ва тоғ водийларида чорвачилик кенг ривожланади. Қичик ва катта шохли қорамоллар, чўчқалар, туялар, эшаклар боқилган. Йилқичилик кенг тус олган эди. Нисо ва Фарғона (Довон) отлари Ўрта Осиё чегараларидан ташқарида машҳур эди, улар беда билан боқилган, кўчманчи қабилалар каби ўтроқ аҳоли томонидан ҳам йилқи боқиларди. Уларни чатиштириш асрлар давомида рўй берган, уларнинг авлодлари — кенг танилган ахалтекин, лақай ва қорабайир ҳозирги замондаги отларнинг олий наслларига мансубдир.

Мулкий масалалар

Ўрта Осиёнинг қадимги давлатларида ерга эгалик қилиш масаласи манбаларнинг ҳаддан ташқари камлиги сабабли ўзининг аниқ ечимини топган эмас. Бундай жараён нисбатан ёзма манбалар билан яхшироқ ёритилган Эрон, Ҳиндистон, Яқин Шарқнинг қўшни ҳудудларига қаралса, унда ўша даврдаги мулкий муносабатларнинг табиати ва ерга эгалик қилишнинг умумий жиҳатларини тасаввур қилиш мумкиндир. Бироқ бу ерда иккита асосий шартни ҳисобга олиш керак бўлади, булар: Ўрта Осиёнинг турли хил хўжалик юритиш тизимига эга ҳудудлари ривожланиш даражасидаги фарқ; анъанавий қишлоқ хўжалиги минтақаларининг, биринчи навбатда, кўчманчилар томонидан доимий босиб олиниши билан белгиланадиган ихтисослашуви. Ихтисослашувлар ер мулкининг қайта тақсимланишига ва унинг бу босқинчиларга хос институтлар таъсири остида жамиятнинг юқори қатламлари таркибидаги чуқур этник ўзгаришлар ва қайта тузишларнинг натижаси бўлган шакллари пайдо бўлишига олиб келди.

Аграр муносабатлар ҳамда улар билан боғлиқ ўлпон тўлаш тизими майда эркин ишлаб чиқарувчи-деҳқонларнинг шаклланган синфлари билан асосан кўчманчи зодагонлар авлодлари ва кўчманчи қабилаларнинг оддий аъзоларидан ташкил топган ҳукмрон қат-

ламнинг ўзаро муносабатларидан кўра, афтидан, анча мураккаброқ эди. Юнон-Бақтрия подшолигига келсак, Салавкийлар давлатида ташкил этилган аграр институтлар ва давлат газнасининг бу борада муайян таъсири бўлганлигини албатта тан олиш керак. Салавкийлар ҳокимияти бу ҳудудда қисқа муддатли бўлган, сулоланинг ўзи деҳқончиликдаги мулкий муносабатларнинг ахамонийлар томонидан ўрнатилган тизимини сақлаб қолган бўлса-да, уларнинг мустаҳкамлиги ҳокимият тепасида юнон сулоласи турганлиги ва мулкдорларнинг ҳукмрон синфини шакллантиришда юқори табақали юнон амалдорларнинг устунликка эгалиги билан кафолатланган. Шунга қарамай, аграр ва солиқ муносабатларига яқиндан назар солинса, бутун қадимий давр мобайнида Эрон, Парфия, Бақтрия, Сўғд, Ҳиндистонда ушбу муносабатларга хос хусусиятларга тенг бўлган умумий жиҳатлар кўзга ташланади. Лекин манбаларнинг номутаносиблиги сабабли бу муносабатларни ушбу ҳудудларнинг ривожланиш хусусиятлари сифатида етарлича очиб беришнинг имкони йўқ.

Аксарият тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Ахамонийлар подшолигидаги каби Салавкийлар давлатида ва унга мерос бўлиб ўтган Ўрта Осиё шоҳликларида, шунингдек, Ҳиндистонда ҳам подшоҳ барча ернинг энг юқори даражадаги эгаси ҳисобланарди[1]. Аммо ахамонийлар даврида подшоҳнинг ерга юқори даражадаги эгалик қилиши ҳақидаги догматик тушунча ҳали шаклланмаган эди, чунки у подшолик маъмуриятининг рухсатисиз сотиларди ва ҳадя қилинарди[2]. Подшоҳнинг ерга бўлган ҳуқуқи устунлиги «шоҳ — жамиятнинг тимсоли, шу туфайли барча ерларнинг эгаси» деган тушунчадан келиб чиқади. Бу — маънавий томони. Бундан ташқари, подшоҳ давлат ҳисобланган, шу боисдан бутун мамлакатнинг, барча турдаги мулкларнинг ва жамиятнинг хўжалик ҳаётини ўз назорати остида ушлаб туришга ҳаракат қиларди. Эллин давлатларида бу ҳуқуқнинг асосини босиб олиш ҳуқуқи ташкил этган бўлиб, бунда истилочи босиб олинганларнинг барча мулки ус-

[1] Адабиётлар тўпламини каранг: *Дандамаев М.А., Луконин В.Г.* Культура и экономика ... С. 143; *Бикерман Э.* Государство Селевкидов ... С. 171; *Бонгард-Левин Г.М., Ильин Г.Ф.* Индия в древности ... С. 275; *Кошеленко Г.А.* Ушбу китобдаги хулоса: Древнейшие ... С. 348.

[2] *Дандамаев М.А., Луконин В.Г.* Культура и экономика ... С. 143.

тидан мутлоқ ҳокимиятга эга бўлган эди[1]. Шу билан бирга, шоҳ барча ерлардан фойдаланмасди, балки ҳар бир халқнинг ўзига, улардан урф-одатлари бўйича фойдалана олган аввалги эгаларига қолдирар эди. Подшоҳ ернинг олий эгаси сифатидаги ҳуқуқи асосий солиқ ва йиғинларни белгилаш учун асос бўлиб хизмат қиларди.

Тўғри, қадимги ёзма манбаларда подшоҳнинг солиқларни ундириш ҳуқуқи унинг олий ҳукмдор сифатида фуқароларининг ҳимоячиси ва ернинг қўриқчиси эканлиги билан изоҳланади. Ушбу қараш асосида давлатнинг барча ҳуқуқий нормалари ишлаб чиқилган ва қадимги жамиятнинг ахлоқ қоидалари тузилган эди.

Манбаларда таъкидланишича, қадимги даврларда ерга эгалик қилишнинг кўплаб шакллари бор эди. Улардан асосийлари сифатида подшоҳ ерлари, хусусий ва жамоавий ерлар ажралиб туради. Ўйлаш керакки, қадимги даврда Ўрта Осиё ҳудудларининг асосий фарқли хиҳати бўлган ижтимоий муносабатларнинг нотекис ривожланиши шароитида ерга эгалик қилишнинг аниқ ҳудудий тақсимоти бўлиши мумкин эмас эди. Шунга қарамай, Маурялар даврида Ҳиндистонда бўлгани каби, шоҳнинг ҳокимияти катта кучга эга Ўрта Осиёда, ерга жамоавий эгалик қилиш анъаналари кучли бўлган олис чекка ҳудудларга қараганда, подшоҳлик ерлари ва йирик хусусий мулк кўпроқ аҳамиятга эга бўлган дейиш учун асос бор. Гарчи подшоҳнинг шахсий қароргоҳлари бутун мамлакат бўйлаб жойлашган бўлса-да, асосий подшоҳлик ерлари кўпроқ пойтахтлар ва йирик шаҳарлар атрофида жамланган, уларда хазинахоналари ва газнаси бор сарой бинолари жойлашган эди. Бунга қўшимча сифатида Нисо ҳужжатларида тилга олинган маълумотларни келтириш мумкин, унда Михрдаткерт — аршакийларнинг қадимги пойтахти ва сулолавий қўриқхонаси атрофида асосан подшоҳлик хўжалигига шароб етказиб берадиган подшоҳлик ерлари ва узумзорлари бўлганлиги қайд этилади. Тупроққалъа сарой ибодатхонаси хўжалиги атрофида худди шундай ер бўлганини тахмин қилишимиз мумкин. Шоҳнинг ерга эгалик қилиш тизимининг шаклланиши жамиятдаги мулкий табақа-

[1] *Кошеленко Г.А.* Родина парфян. М., 1977. С. 72.

ланиш жараёни, подшоҳ ва руҳонийлар уруғларининг ажралиб чиқиши, улардан келиб чиққан раҳбарларнинг хусусий мулклари ривожланиши билан бир вақтда юз берди. Унинг келиб чиқиши мил. авв. I мингйилликнинг биринчи ярмига тўғри келади. Шу билан бирга, тадқиқотчиларнинг Ўрта Осиёнинг жанубидаги археологлар томонидан аниқланган ва ўрганилган кичик воҳалар бундай кичик ҳокимликларнинг биринчи мулки бўлган деб ҳисоблашлари адолатли эди. Ахамонийларнинг подшоҳлик мулки тўғрисида ҳужжатли маълумотлар мавжуд. Месопотамиядаги каби Ўрта Осиёда ҳам босиб олинган ерларнинг — тиғ билан олинган ерларнинг бир қисми шоҳга ўтар эди. Салавкийлар давлатида подшоҳнинг ўз мулклари ахамонийлар сулоласи, Александр ва унинг ворислари мулкларини ўз ичига олган. Афтидан, ўша ерлар Юнон-Бақтрия подшоҳларига топширилган ва улар Шарқдаги истилолар натижасида Ҳиндистонгача кўпайиб борган. Парфия ва Кушон шоҳликларида подшоҳлик ерлари шаклланишининг худди шундай тизими бўлганлигини тахмин қилиш мумкин.

Подшоҳнинг мулкида катта каналлар ва сув омборлари, шунингдек, шахталар бор эди. Суғориш иншоотларига эга бўлиш подшоҳнинг сиёсий қудратини кучайтирган, суғорилган чўллар подшоҳлик ҳудудларини тўлдириб борарди. Сувдан фойдаланганлик учун подшоҳ хазинасига жуда катта тўловлар келиб тушарди... Мисол тарзида, одатда, Геродотнинг Окс дарёси ҳақидаги ҳикояси келтирилади, унга кўра, дарё тўсиқлар билан тўсиб қўйилган ва аҳолининг талаби ҳамда Форс подшосининг буйруғига биноан далаларни суғориш учун очиларди, подшоҳ одатдаги ўлпондан ташқари тўсиқларни очиш учун кўп пул оларди (Геродот, III, 117).

Нисо ҳужжатлари архиви подшоҳлик ерлари тоифалари, уларни бошқариш ва улардан фойдаланиш масалаларига ойдинлик киритади[1]. Парфия давлатидаги подшоҳлик мулклари *остан* деб номлан-

[1] *Дьяконов И.М., Дьяконов М.М., Лившиц В.А.* Документы из древней...; Ўша муаллифлар. Новые находки...; Ўша муаллифлар. Парфянский архив... С. 21 — 32; *Дьяконов И.М., Лившиц В.А.* Парфянское царское хозяйство...; Ўша муаллифлар. Из материалов парфянской канцелярии Старой Нисы // Исследования по истории культуры народов Востока. М.-Л., 1960; Ўша муаллифлар. Документы из Нисы... С. 17.

ган бўлиб, улар *остандар* (амалдор) томонидан бошқарилган. Улар баъзида узумзорларни ўз ичига олган *дастакиртлар* (хўжаликлар ёки ер-мулклар)га бўлинарди. У ерда йигирмага яқин ер-мулклар тилга олинган бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз номига эга эди ва кўпинча шоҳлардан бирининг номи билан аталган эди. Архив ёзувларида Михрдаткерт подшоҳлик хўжалигига ушбу узумзорлардан шаробни қабул қилиб олиш ҳақида қайд этилади.

Уларда подшоҳлик ерларининг тоифаларидан бири аҳамонийлар даври ҳужжатларидан маълум бўлган *узбари* (солиқ солинадиган арам) тилга олинади. Ўша даврда подшоҳлик каналлари қиргоғида жойлашган ва дон экилган бу ерлар, одатда, ижарага бериларди[1]. Михрдаткерт атрофидаги узбари ерлари, юқорида айтиб ўтилганидек, узумзорлардан иборат эди, шунингдек, жамоат аъзоларига ижарага бериларди. Бундай тоифадаги ерлардан олинадиган даромад тўғридан-тўғри подшоҳга табиий солиқ шаклида тақдим этиларди[2]. Нисо ҳужжатларида эслатиб ўтилган *патибазик* (солиқ) фақат подшоҳлик ерларидан йиғилар эди. Бу атама аҳамонийлар давридан маълум бўлиб, у узум, шароб кабиларни шоҳ саройига табиий етказиб беришни англатади. Ижарага берилмаган подшоҳлик дастакиртларида *аншахриклар* (қуллар) ишлатилган, уларнинг сони юзлаб бўлиши мумкин эди. Улар ерга ишлов бериш ва экинларни парваришлаш билан шуғулланарди. Ушбу подшоҳлик ерларида, таъкидлаб ўтилганидек, *курташ* ёки *гардалардан* ҳам фойдаланилган, юқорида айтиб ўтилган атама бир ҳужжатда қайд этилганидек, Аҳамонийларнинг Персепол хўжалигида курташларга берилган озиқ-овқатга ўхшаш маънони англатар эди.

Узбарилар ерларидан тушадиган даромаднинг бир қисмини подшоҳнинг амалдорларига бериларди. Нисо ҳужжатларида *марзпан* каби йирик ва кичик — *дизпат* (қишлоқ ҳокими) каби маъмурият вакилларининг «қўли»да бўлган бу ерлар тилга олинади. Бу ерлар подшоҳ амалдорларининг ихтиёрига берилган ерлар деб ҳисобланарди[3]. Баъзи

[1] *Дандамаев М.А., Луконин В.Г.* Культура и экономика... С. 153.
[2] *Луконин В.Г.* Древний и раннесредневековый... С. 148.
[3] *Дьяконов М.М., Лившиц В.А.* Парфянское царское... С. 22, 28.

тадқиқотчилар уларни амалдорларга уларнинг солиқ ундириш вазифаларини бажарганликлари учун тўлов сифатида берилган деб ҳисоблашса[1], бошқалари Салавкийлар подшолигининг ғарбий ҳудудларида ушбу ерлардан йигилган солиқнинг бир қисмини подшоҳ амалдори ўзларига олиш ҳуқуқига эга бўлган дейишади[2]. Ушбу ҳолатлар бир-биридан қанчалик фарқ қилмасин, умуман олганда, бу давлатнинг юқори мансабдаги амалдорларига давлат вазифаларини бажарганликлари учун тўланадиган тўлов эди. Подшоҳ фақат ўзининг хусусий ерларини тасарруф этиши, уларнинг бир қисмини вақтинча эгаликка бериши ёки мерос қилиб қолдириши, уларни ҳадя этиши мумкин эди. Салавкийлар юқори мартабали амалдорларга шаҳарлар ёки қишлоқларни берган эдилар. Менандр давлатида подшоҳ муваффақиятли бўлган азат жангчисига қишлоқни тақдим этиши мумкин эди. Худди шу ҳолат Кpорайна давлатида *килма* (институт)да ўз аксини топган бўлиб, *килма* маъмурий бирликдан ташқари давлатнинг ерларидан мутлақо фарқ қиладиган, йирик амалдорларга тортиқ этиладиган, азатлар қаторига кирган ер мукофотини англатади[3]. Шундай қилиб, ҳадялар эвазига хусусий ерлар фонди тўлдирилган бўлиб, унинг таркибига катта уруғларни ташкил этган зодагонларнинг мероси бўлган ерлар ҳам киритилган эди. Подшоҳларнинг ерлари сингари юқори мартабали амалдорларнинг бу ерлари *дастакиртлар* деб номланарди.

Қадимги даврдаги Ўрта Осиё мамлакатларининг ижтимоий манзарасида, айниқса, Хоразмда яхши ўрганиб чиқилган минорали мустаҳкам катта қўрғонлар алоҳида ажратиб кўрсатилади. Парфия ҳужжатларида уларнинг ер эгалари бўлган амалдорларнинг мустаҳкамланган қароргоҳлари бўлганлигига, улар ўзларининг атрофини ўраб турган ерлар билан биргаликда дастакиртлар бўлганлигига ишора қилинади[4]. Ахамонийларнинг собиқ ерларида жойлашган дастакиртларда ҳам амалдорлар шу ерга жойлаштирилган қул-аншахрикларнинг

[1] *Периханян А.Г.* Частные целевые фонды в древнем Иране и проблемы происхождения вакфа // ВДИ. 1973. № 1. С. 13.

[2] *Кошеленко Г.А.* Заключение в кн.: Древнейшие ... С. 342.

[3] *Воробьева-Десятовская М.И.* Индийцы в Восточном... С. 77.

[4] *Неразик Е.Е.* Сельское жилище... С. 217.

меҳнатидан фойдаланишган ва худди подшоҳ уйларидаги каби улар-га курташ-гардалар ҳам бириктирилган эди. Икки дарё оралиғида, эфтидан, ерларнинг бир қисмини жамоа аъзоларига ижарага бериш кўпроқ кузатилар эди.

Ижара дастакиртларда меҳнатни ташкил этиш шакли сифатида худа кенг қўлланилган бўлиб, бу ижара муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда ўз аксини топади. У сосонийлар суд ишларида ва бизгача етиб келган Парфия давридаги Авроманда топилган ҳужжатларида келтирилган бўлиб, уларда ижара ҳуқуқининг қайта сотиб олиниши қайд этилади[1].

Нисода топилган Парфия ҳужжатларига кўра, сосонийлар суд ҳужжатларида ўша атама билан белгиланган ижара ҳақи мусалласчилар томонидан тўланган эди. Шароб ишлаб чиқарувчиларнинг Михрдат-керт шароб омборларига тўлайдиган бу кам миқдордаги йиллик тўлови солиқ ёки ижара бўлиши мумкин[2]. Унинг ижара тўлови бўлиши эҳтимоли яқинроқ, чунки у подшоҳ ерларида ўтирган одамлардан келиб тушарди, солиқ тўловларини эса, одатда, жамоа тўлаган, унинг алохида аъзолари эмас.

Ижаранинг қонуний механизми Авроман ҳужжатларида очиб берилган бўлиб, унда узумзорни агнатик гуруҳдаги мероснинг шахсий улуши бўлган ер билан бирга сотиш бўйича битим қайд этилади. Ижара ҳуқуқи сотилади ва харидор ҳар йили сотувчига ўзи қайта ишлаши керак бўлган ерга эгалик қилиш учун ижара ҳақини тўлаши талаб этилади[3]. Ҳужжатлар ижарага бериладиган муносабатларнинг баъзида худа мураккаб, шу жумладан, субижарани ўз ичига оладиган ва қонун ҳужжатларида батафсил ёритилган ерга эгалик қилишдан фойдаланиш шакли сифатида катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Подшоҳлар ва зодагонларнинг ерга эгалик қилишининг қадимий турларидан бири — бу боғлар эди. Улар экилган мевали ва бошқа дарахтлар билан биргаликда келиб чиқиши қадимги форс ва элам

[1] *Периханян А.Г.* Сасанидский судебник... С. 155, 156, 160.
[2] *Дьяконов И.М., Ливщиц В.А.* Парфянское царское... С. 19.
[3] *Периханян А.Г.* Сасанидский судебник... С. 156.

терминологиясига бориб тақаладиган парфия ва сўғд тилларидаги *парадиз* атамаси билан аталади. Қадимги муаллифлар Ўрта Осиё парадизлари деганда барча турдаги ҳайвонлар яшайдиган ўрмон ва тоғ яйловларининг энг яхши қисмлари танланган, девор билан ўралган кенг ов боғларини назарда тутишади.

Подшоҳ ва зодагонларнинг катта ер-мулки билан бир қаторда кичик хусусий ерлари ҳам мажуд эди. Аҳамонийлар давридан «камон», «от», «аравалар» деб номланадиган мол-мулклар маълум бўлиб, уларнинг эгалари камончилар, отлиқлар ва жанг аравасида урушга кирадиган жангчилар сифатида тегишли ҳарбий хизматни ўташлари шарт эди. Жангчилар далаларга гуруҳларга бўлиниб ишлов беришган, яъни улар бирлашма шаклида бўлган. Бу хусусий ерга эгаликнинг шаклланиш йўлларидан бири саналарди. Асосий жамғарма оила ва агнатик гуруҳлар бўлган жамоа аъзоларининг хусусий ер участкалари бўлиб қолди. Бу ер майдонлари агнатлар орасида отадан ўғилга мерос бўлиб ўтган ёки сотилганда ё эгаси хонавайрон бўлганида бошқа эгасига, худди шу жамоа ичидаги бошқа бир аъзога ўтар эди.

Ушбу срлардан фойдаланиш тизими ва эгалик қилиш, ижарага бериш, сотиш муносабатларининг, ҳуқуқий меъёрларнинг хусусиятлари Парфия ва Сосонийлар давлати ҳужжатлари асосида батафсил очиб берилганини айтиш жоиз.

Ўрта Осиё билан боғлиқ материаллар ерга эгалик қилиш ва жамоаларда фойдаланиш тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлишга имкон берса-да, уни батафсил очиб бериш учун етарли эмас.

Монийлик ва христиан-сўғд матнларини жалб қилган ҳолда О.И. Смирнова Сўғдда хусусий мулк ер майдонларини билдирувчи атамалар таҳлилини келтиради. Ҳужжатлар кейинги даврларга тегишли бўлишига қарамай, улар, шубҳасиз, аввалги асрларда ҳукмронлик қилган тизимни акс эттиради[1]. Бу ерда гап *боғлар* ва *паттакан*ларнинг эгалари ҳақида кетмоқда, биринчи атама қадимги Эрон *вада*сининг ифодаси бўлиб, В.Б. Хеннинг томонидан «қисм, ер-мулк

[1] *Смирнова О.И.* Очерки истории... С. 94.

ажратилган ер ва ишлов бериладиган ер», яъни ер эгаси бўлган жамоанинг ер мулки деб таърифланади. Патраканга мерос қилиб қолдириладиган муайян ер майдонига эга қўрғон сифатида қаралган эди. Монийлик матнларига кўра, бу иккала шаклдаги ер майдонларида боғдорчилик, томорқачилик ва донли экинлар етиштириш тенг даражада амалга оширилар эди. Кейинчалик (илк ўрта асрлар даврида) *боғлар* деганда асосан узумзорлар, боғлар, қўрғон ёки шаҳардан ташқаридаги полизлар тушунила бошлайди.

Тахмин қилиш мумкинки, қадимги даврларда патарканлар ва боғлар *кадивар*ларнинг (жамоалар) турлича шаклдаги ер мулки бўлган, томорқали уй ва қўрғоннинг ташқарисида жойлашган, у ерда барча турдаги дала, полиз, боғ экинлари ва узум етиштирилар эди.

Айтиш мумкинки, жамоанинг асосий ер фондидан хусусий томорқаларда фойдаланиларди. Манбаларда Ўрта Осиёда ердан жамоавий тарзда фойдаланишнинг сақланиб қолганлиги исботланмаган, аммо аграр муносабатларда кўплаб ўхшашликларни намоён этган қўшни ҳудудлар (Эрон, Парфия, Ҳиндистон)га қараб бунинг тасдиғини кўришимиз мумкин.

Яйловлар, суғориш манбаларидан жамоа умумий тарзда фойдаланган, суғориш иншоотларини биргаликда ишлатишарди, жамоат жойлари (ибодатхоналар), умумий фойдаланишга мўлжалланган қурилишлар ва эҳтимол, хусусий мулк бўлмаган ерлар умумий мулк бўлиб қолган эди.

Ёзма манбалар қанчалик кам ва қисқа бўлмасин, уларнинг маълумотлари аҳамонийлар ва салавкийлар каби Юнон-Бақтрия подшоҳлари, аршакийлар ва Кушоннинг ҳам солиқ-бюджет сиёсатидаги ягона умумий қонунийликни — жамоада ижтимоий жамоанинг асосий солиқ бирлиги сифатида тан олинишини кўрсатади. Ушбу сиёсат давлатнинг ҳар қандай тоифадаги жамоаларнинг доимий сонини сақлаш билан, хусусан, ер бўш қолмаслиги ва ҳар доим фойдаланилишини таъминлаш борасида қонунчилик орқали амалга ошириладиган мажбуриятдорлиги билан боғлиқдир. Бу мажбурий, аммо мақсадли қарздорлик эди. Нафақат Парфия подшоҳлигидаги Авроманнинг юқори-

да келтирилган битимлар намунаси, балки аван таркибини уларнинг аҳолиси сони камайиб кетмаслиги учун тартибга солиш бўйича Крорайнада келтирилган ҳужжатлар ҳам бундай ҳолатнинг тасдиғи бўлиб хизмат қилади[1]. Салавкийлар давлатида ҳам жамиятлар ўзларининг ишларини ўзлари олиб борган ва жамоавий солиқ тўлаган, буни ўзларининг раҳбарлари орқали тақдим этганлар[2]. Афтидан, Шарқий Ўрта Осиёда салавкийлар ҳокимиятининг қисқа вақт ҳукм сурганига қарамай, бу ерда худди шу амалиёт амалга оширилганлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Ахамонийлардан мерос бўлиб қолган давлат солиғи *форос* ер учун ўлпон сифатида тўланган ва пон *артаби* уни ҳисоблаш бирлиги эди.

Ер майдонининг ўлчамига эмас, балки экилган ва йиғиб олинган дон миқдорига (улар экин майдонларининг тоифасига ва имкониятига боғлиқ) қараб солиқ тўлашнинг бу тизими Ўрта Осиёнинг асосий деҳқончилик ҳудудлари учун ўзига хос даражада мукаммал бўлган деб ҳисоблаш тўғри бўлади. Салавкийлар ва Парфия подшоҳликларида ер солиғи пул ва маҳсулот шаклида ундирилар эди. Ўрта Осиё халқлари қадимги даврларда ва кейинчалик ушбу солиқни асосан маҳсулот, яъни дон, ун, қорамол, шароб, мой ва бошқалар шаклида тўлашган деб тахмин қилинади. Крорайнанинг ҳужжатлари, шунингдек, Михрдаткерт, Тупроққалъа, Ойхонимдаги подшоҳлик омборхоналарига тушган тушумларнинг рўйхати шундан далолат беради. Бироқ, Ойхоним шаҳрининг шоҳ хазинасида танга шаклидаги тушумлар ҳам қайд этилади. Мазкур тушумларнинг аниқ манбаси қандай бўлишидан қатъи назар, буларнинг кенг тарқалишини Юнон-Бақтрия давлатида асосий солиқнинг натура шаклидаги тўловлар билан бир қаторда нақд пул шаклида ҳам тўланганлигини тахмин қилишга ҳеч нарса тўсқинлик қила олмайди. Солиқнинг пул билан тўланиши ҳақида Крорайна ҳужжатларида ҳам бир марта тилга олиб ўтилади.

Тўланадиган солиқ миқдори умумжамоага (жамоага, агнатик гуруҳга) оилалар ўртасида тақсимланади. Подшоҳ томонидан берилган

[1] *Воробьева-Десятовская М.И.* Индийцы в Восточном... С. 75, 76.
[2] *Бикерман Э.* Государство Селевкидов... С. 119.

ерларда ўлпон тўлашнинг ўзига хос тизими шаклланган эди. Бу ерларда жойлашган қишлоқларнинг аҳолиси, шахсан эркин бўлганлар икки баравар – биринчиси давлат хазинасига жамоавий тартибда, иккинчиси ер эгаси ёки хўжайинига ҳар хил турдаги йиғимлар ва мажбурий тўловлар тўлашга мажбур бўларди. Бундай ҳолат Салавкийлар подшолигида мавжуд бўлганлиги қайд этилади. Лекин Ўрта Осиёнинг қадимги давлатларидаги шунга ўхшаш ҳадялар бериш амалда бўлганлигини ҳисобга олсак, афтидан, бундай тўлов бу ерда ҳам мавжуд эди. Ер солиғидан ташқари давлат ғазнасига жон солиғи ҳам тўланган бўлиб, бу Македониялик Александр вафотидан кейин сатрапликлар даромадининг асосий манбаларидан бири бўлган ва у салавкийларнинг ғарбий ўлкаларида ҳам ўрнатилган деб тахмин қилинади. Шарқий ўлкалар, масалан, Парфия давлатида у кенг тарқалмаган бўлса-да, аммо мавжуд эди. Бундан ташқари, маҳаллий аҳамиятга эга яна бир қатор давлат ўлпонлари, хусусан, товарларни, шу жумладан, давлат монополиясини ташкил этган товарларни, масалан, ипакни ўлкага олиб кириш ва олиб чиқиш учун бож тўловлари, мол-мулкни бошқа бировга сотилишида сотишдан олинадиган солиқ, қулларга эгалик қилишга, яйловларда чорвани боқишга, сувдан фойдаланиш учун олинадиган солиқ ва бошқалар мавжуд эди. Жамиятлар аъзолари ўзи бир жамоага бирлашган солиқ тўловчилар бир қатор жамоат ишларини, шу жумладан, кўприклар ва йўлларни таъмирлаш, суғориш каналлари ва сув омборларини тозалаш, жамоанинг чорва моллариии боқиш, қўриқчилик вазифасини ва хат ташиш хизматларини ҳам бажаришлари шарт эди. Уларда иштирок этган уй эгалари, масалан, қўшнилар даврида Крорайнада мукофот сифатида дон олган эдилар. Жамоат ишларидан бўйин товлаганлари учун жазолаш ва жаримага тортиш назарда тутиларди[1].

Жамоа аъзолари, Крорайна ҳужжатларидан кўриниб турганидек, ҳарбий хизматни ҳам ўташган эди. *Шата* (юз) асосий солиққа тортиладиган жамоа бўлиш билан бирга бирламчи ҳарбий қисм вазифаси-

---

Воробьева-Десятовская М.И. Индийцы в Восточном... С. 75, 76.

ни бажарарди. Уруш ҳолатида юзта хўжалик юзта жангчини таъминлаб берарди. Шу туфайли Крорайнанинг шата хўжаликлари рўйхати Тупроққалъанинг «хонадонлари» рўйхатига ўхшаб кетади, уларнинг номланиши икки нуқтаи назарни ифодалайди: улар ё солиққа тортиш мақсадида, ё ҳарбий хизмат учун тузилган эди. Крорайна билан ўхшашлигидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Хоразмда тузилган рўйхат ҳам шу икки мақсадни кўзлаганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Ерга эгалик қилиш ва солиққа тортиш шакллари ҳақида сўз юритганда ибодатхоналарнинг ерлари ва хўжаликлари – Шарқда, хусусан, Ўрта Осиёда кенг тарқалган, жамият ҳаётида коҳинлар катта роль ўйнаганини кўрсатувчи мулкчилик тури ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш лозим.

Салавкийлар даврида Осиёда ибодатхона руҳонийлари бир неча ер-мулкларга ва кўплаб тобе одамларга эга бўлишганлиги ҳақида маълумотлар бор. Кўплаб ибодатхоналар, шунингдек, руҳонийлар томонидан бошқариладиган манзилгоҳлар ҳам бўлган ва бу қишлоқларнинг аҳолиси руҳонийларга бўйсунарди. Сосонийларнинг суд ҳужжатларида ибодатхона хўжаликлари эслаб ўтилган бўлиб, уларда қулларнинг меҳнатидан фойдаланилган эди[1]. Нисо ҳужжатларида Михрдаткерт омборларига шароб етказиб берган дастакиртлар орасида Наная ибодатхонасининг номи ҳам келтирилади[2]. Тахти Сангин кўҳна шаҳрида топилган Вахш ибодатхонаси бой хазинага эга бўлган. Бу ерда, афтидан, археологлар томонидан Ойхоним, Еркўрғон, Тупроққалъа, Қўрғонтепа, Далварзин, Сурхкўтал, Қалъаликир 2 ва бошқа жойларда очилган бошқа ибодатхоналар ҳақида ҳам сўз юритиш жоиз. Бу ибодатхоналарнинг бари, шубҳасиз, ўз ер-мулкига ва шундан келиб чиқиб аҳоли яшаш жойига эга бўлган эдилар.

Эркин фуқароларнинг ўзлари, жумладан, аёллар томонидан мол-мулкнинг шу мақсадда ажратилган қисми олиб келинишидан жамланган алоҳида йиғим ибодатхоналар мулкини шакллантириш йўлларидан бири эди. Хусусан, бу ҳақда сосонийлар суд ҳужжатларида

[1] *Периханян А.Г.* Сасанидский судебник... С. 172.

[2] *Дьяконов И.М., Ливщиц В.А.* Документы из Нисы... С. 17.

айтиб ўтилади. У оддий жамоадошлар, амалдорлар ва подшоҳлар томонидан ҳам мулки шакллантириб бориладиган «Жон ва мол-мулк» учун мол-мулк жамгармаси – *patruwan* га ҳам эга эди.

Бундай жамгармалар ташкилотлари Шарқ мамлакатларида Олд Осиёдан Ҳиндистонгача ундан анча олдин ҳам мавжуд бўлган, сосонийлар суд ҳужжатлари эса уни фақатгина умумлаштирган ва юридик жиҳатдан қайд этган эди. Диний мақсадларда мулкнинг бир қисмини ўтказиш турли хил шаклларда амалга оширилган: 1) ибодатхонага хар ойда тўланган тўлов; 2) тақводорларга ёки ижтимоий фойдали эҳтиёжлар учун хайриялар; 3) ибодатхоналар, эҳромлар, кўприкларни барпо этиш, каналлар, қудуқлар қазиш ва уларнинг таъминоти учун муайян ерлардан олинадиган даромадлардан ажратилган ажратмалар.

Ўрта Осиё давлатларида бундай тўлов шаклларининг барчаси мавжудлигини кўрсатувчи тўғридан-тўғри маълумот йўқ, аммо археологик маълумотларни билвосита тасдиқловчи очиқ ибодатхоналар, шунингдек, бағишлов ва ёдгорлик ёзувлари мавжуд. Одатда, «жон ва мол-мулк» учун хайр-эҳсон қилишда хайрия қилувчининг номи ёзилган бўлади.

Нисо ҳужжатларида «менинг ўзимдан» ёки «унинг ўзидан» йиғимлари ҳам тилга олинган бўлиб, уни оддий шароб таъминотчилари каби юқори мансабли шахслар – отлиқларнинг бош қўмондони, хазинабонлар ва чавандозлар ҳам тўлашарди. Ҳужжатларни нашр этганлар унинг хусусияти тўғрисида иккита тахминни келтиришган: у ё ибодатхона учун тўлов, ё ижара тўлови бўлган, уларнинг фикрича, иккинчи тахмин ҳақиқатга анча яқин.

Бироқ ижара муносабатларини англатиш учун Нисо ҳужжатларида бошқа атамалар ҳам фойдаланилган, хусусан, паҳлавийча *apasek* атамаси билан тенг маънодаги *upasek* атамаси қўлланилган, у мерос қилиб берилган ижарага эгалик қилишни англатади. Ҳеч қачон солиқ тўловчи табақа хисобланмаган амалдорлик унвонининг «менинг ўзимдан» йиғими ҳақида тилга олиниши бу ўзига хос тўловнинг ихтиёрий эканлигини тасдиқлайди. Шунингдек, бу биринчи тахмин – маркази Михрдаткерт бўлган Аршакийлар подшоҳлигидаги суло-

лавий ибодатхонага тўланган хайрия эканлиги эҳтимолга яқинроқ эканлигини кўрсатади.

Тадқиқотчилар Нисо матнларида суд нормаларига тўла мос келадиган «жон учун» жамгармаси ерларини назорат қилишни ва улардан фойдаланишни ташкил этишнинг бир қатор тафсилотларини кўришади. Тупроққалъа архивидаги терига ёзилган ҳужжатларда ҳам бундай тўлов борлигига ишора қилинган. Бу ерда архив ноширн «Бу Амбатаг Худогами? (ёки подшоҳгами)» деган ёзувни ўқиган, у подшоҳнинг дафн маросимида дуо маъносида айтилган[1].

Ибодатхоналарнинг хазиналари шундай хайр-эҳсонлар билан тўлдирилган, бу, масалан, Бақтриядаги Окс-Вахш (Тахти Сангин) ибодатхонасининг фависсасида топилган Силена-Марсия худоси пойдеворидаги «Атросок томонидан Оксга бағишланган эҳсон» ёзувидан кўринади[2]. Кўпинча ибодатхона ёки саждагоҳлар подшоҳлар томонидан ўзи ва оиласининг манфаатларига хизмат қилиши учун қурилган эди. Салавкий шоҳлар ҳам аҳамонийлар сингари йўл тутган бўлиб, улар ибодатхоналарнинг таъминоти учун жорий йилнинг ҳосили билан биргаликда қишлоқларни беришарди. Бундай ҳолат Парфия сулолалари орасида ҳам мавжуд бўлиб, улар бўйича Нисо ҳужжатларида мисоллар келтирилган, у ерда подшоҳ Фраатнинг «жон ва мол-мулк учун» ибодатхонаси тилга олинади.

Характери жиҳатидан бунга ўхшаш бўлган ижтимоий фойдали мақсадларга қаратилган ишлар Сурхкўталдаги кушонларнинг ибодатхона мажмуаларида топилган ёзувларда қайд этилган, унда мансаби подшоҳникига яқин бўлган нноиб Ноконзок акрополни девор билан ўрагани, одамларнинг эҳтиёжи ва ибодатхона фаолияти учун зарур бўлган қудуқ ва сув омбори қургани ҳақида ҳикоя қилинади[3]. Эҳтимол, қандайдир Шодия исмли шахснинг шоҳ Хувишка ҳукмронлигининг тўртинчи йилида Айритом акрополидаги ибодатхонани қайта

[1] *Лившиц В.А.* Документы. Топрак-кала... С. 264.

[2] *Литвинский Б.А., Пичикян И.Р., Виноградов Ю.* Вотив Атросока в храме Окса в Северной Бактрии // ВДИ. 1985. № 4. С. 85 – 110.

[3] *Schlumberger D., Le Berre M., Fussman G.* Surkh-Kotal en Bactrine... P. 152.

тиклаш бўйича қилган иши шунга ўхшаш хусусиятга эга бўлгандир, буни Термиз яқинидаги Айритомдан топилган, унинг номидан битилган ёзувдан кўриш мумкин[1].

Иккала ҳолатда ҳам ёзувларда акс эттирилган амалиёт бундай ибодатхоналарни қуриш ва қайта тиклашни тартибга солувчи суд ҳужжатларининг ҳуқуқий меъёрларига тўлиқ мос келади.

Аҳолининг жойлашув тизими. Шаҳарлар. Савдо

Ўрта Осиёнинг барча тарихий ҳудудлари гарчи бир текис ўрганилмаган бўлса-да, лекин сўнгги ўн йилликлар давомида тўпланган археологик тадқиқотлар материаллари унинг деярли барча тарихий ҳудудларидаги аҳоли яшаш жойлари тизими ва манзилгоҳларни тавсифлашга имкон беради.

Археологлар томонидан топилган манзилгоҳларнинг ўзига хос жиҳатлари ва турлари ижтимоий-иқтисодий муносабатларга боғлиқлиги масаласи бир неча бор кўтарилган ва ҳозирги кунга келиб ижобий ҳал этилди. Аҳоли манзилгоҳларининг турлари тўғрисидаги археологик маълумотлар қадимги жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси ҳақида муҳокама қилиш, унинг тузилишини қайта қуриш учун асос бўлган тўлиқ тарихий манбага айланди.

Баъзи маълумотларни қадимги даврга оид дейиш мумкин, бинобарин, бу ерда манзилгоҳлар тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиш муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради, чунки қадимги маданий қатламлар ва археологик ёдгорликларнинг қолдиқлари баъзан кейинги давр ҳаётининг излари билан ёпилиб кетган бўлади. Шунга қарамай, Бақтрия, Марғиёна, Парфия, Хоразм ва Сўғдда олиб борилган тадқиқотлар, умуман олганда, аввалги даврдан мерос бўлиб қолган, аҳоли манзилгоҳларидаги объектлар жойлашувининг кўп жиҳатдан бир-бирига ўхшаш тизимини аниқлашга имкон беради.

[1] *Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В.* Северная Бактрия... С. 97, 99.

Унинг асосида эса турли хилдаги катта-кичик шаҳарлар ва қишлоқ манзилгоҳларининг харобаларига мос келадиган шаҳар ва қишлоқларни аниқлашга имкон беради.

Ўтроқ деҳқончилик ва шаҳар маданиятининг қадимий анъаналарига эга бўлган Бақтриянинг ижтимоий-топографик манзараси анча яққолроқ кўринади. Бу ерда мил. авв. IV асрда юнон-македон истилоси натижасида келиб чиққан қисқа муддатли вайронагарчилик давридан кейин аҳоли сони ва манзилгоҳлари кескин кўпайди, уларнинг кўпи Қушон даврида тараққиётининг чўққисига кўтарилган шаҳарларга айланди.Кейинчалик тураржой тизимининг ўзига хос намуналари[1]: шаҳар, қишлоқ жойларда манзилгоҳ, қўрғон, қалъалар шаклланди. Худди шу топографик манзара қўшни ўлкаларда — Марғиёна, Парфия, Сўғдда ҳам кузатилади[2]. Хоразмда ҳукмрон бўлган шакл турли хил катталикдаги алоҳида уйлар, қўрғонлар, бир-биридан ажратилган боғлар ва ер-мулкларга бўлинган манзилгоҳлар бор эди. Бошқа ҳудудларда ҳам деворлари мустаҳкамланган кичик қишлоқлар мавжуд эди. Қишлоқлар ичида ёки улардан алоҳида тарзда миноралар билан мустаҳкамланган қўрғонлар учрайди. Барча ҳудудларда ўзининг асосий жиҳатларида такрорланадиган бундай жойлашув тизими, биринчи навбатда, аҳолининг асосий қисмини жамоанинг турли хил даражада таъминланган, катта ёки оилавий агнатлар жамоасида яшайдиган, ё алоҳида кичик оилалар бўлиб алоҳида *патарканли* (ер майдонли) уйларда яшовчи эркин жамоа аъзолари ташкил қилган-

[1] *Ртвеладзе Э.В.* Древняя Бактрия — Средневековый Тохаристан. Динамика историко-культурного развития (по материалам Амударьинского правобережья): Автореф. дис. ... докт. ист. наук. М., 1978; *Пугаченкова Г.Л., Ртвеладзе Э.В.* Северная Бактрия... С. 64; *Пидаев Ш.Р.* Поселение кушанского времени Северной Бактрии. Ташкент, 1978; *Кошеленко Г.А., Сердитых З.В.* Типология и динамика развития системы расселения в раннеэллинистической эпохе // Городская культура Бактрии-Тохаристана и Согда. Ташкент, 1986. С. 54 — 58.

[2] *Пилипко В.Н.* Парфянское сельское...; *Крашенинникова Н.И.* Восточные районы Кашкадарьинской области в античную пору // Античная культура Средней Азии и Казахстана (Тезисы докладов). Ташкент, 1979. С. 56 — 67; *Сагдуллаев А.С.* Особенности оседлого расселения в Южном Согде в эпоху античности (Городская культура Бактрии-Тохаристана и Согда). Ташкент, 1986. С. 131 — 134; *Кабанов С.К.* Нахшеб на рубеже древности и средневековья (III — VII вв.). Ташкент, 1977. С. 100 — 102; *Сулейманов Р.Х.* Древний Нахшаб...; *Мухамеджанов А.Р., Адылов Ш.Т.* Городские памятники... С. 81, 82; *Неразик Е.Е.* Сельское жилище... С. 22; Археология СССР. Древнейшие государства Кавказа и Средней Азии. М., 1985.

лигини кўрсатади. Миноралар билан қурилган истеҳкомлар кўпинча зодагонларга тегишли бўлиб, уларнинг вакиллари жамоат қишлоқлари билан ўралган ёки алоҳида улкан майдонларда яшаган, бундай истеҳкомлар атрофидаги ерлар билан биргаликда манбалардан бизга маълум бўлган *дастакиртларга* тўғри келади.

Бақтрияда, Сўғдда, Хоразмда алоҳида ажратиб кўрсатилган манзилгоҳларнинг ўзига хос турини қалъалар — воҳалар чегарасида ва қоятошлар орасидаги кечув яқинидаги форпост (истеҳком)лар ташкил этади. Бундай қалъалар асосан Кушон даврига хос бўлган, шунингдек, уларнинг бундай тури қадимги даврлардан бери мавжуд бўлган бўлиши ҳам мумкин. Бундай «қоятошлар» орасидан кириб бориладиган қалъалар ҳақида Александрнинг юришларини ўрганувчи тарихчилар уларни, эҳтимол, Бақтрия аслзодалари уруғининг кириб бўлмас уяси бўлганлигини ва боскинчиларнинг вакилларидан бири уларни ўз томонига оғдириб олишлари учун улар билан қариндошлик алоқасини тузишни афзал кўрганини қайд этишади[1].

Қишлоқ манзилгоҳларининг шунга ўхшаш жойлашуви манзараси Фарғонада ҳам қайд этилган, аммо бу ерда минтақанинг географик жойлашуви билан боғлиқ ўзига хос хусусият мустаҳкамланган манзилгоҳларнинг ва алоҳида уйларнинг кўплигида ўз аксини топиб, уларнинг мавжудлиги бу ерда ҳам худди бошқа ҳудудлардаги каби айни шу ижтимоий таркибнинг борлигини тасдиқлайди.

Антик давр охирига келиб тоғ этакларидаги манзилгоҳларни ташкил этган мустаҳкамланган қалъаларнинг умумий хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган йирик қўрғонларнинг сони кўпаяди. Уларда қайд қилинган ўзига хослик антик жамият таркибидаги ўзгаришларни ўзида акс эттиради, эркин жамоа аъзоларининг кўпчилигини иқтисодий қарам қилган катта ер аристократиясининг шаклланишини кўрсатади.

Юнонистон даврида шаҳарларнинг роли кескин ошади, бу воҳалардаги тураржойларнинг жойлашув турларини таҳлил қилишдан ҳам кўриниб турибди. Шаҳар типидаги манзилгоҳлар, одатда, воҳа-

[1] *Ртвеладзе Э.В.* Александр Македонский... С. 94 — 117.

нинг топографиясида етакчи рол ўйнайди ва улар қишлоқ манзилгоҳлари билан ўзаро алоқада бўлади. «Манзилгоҳлар тизимидаги шаҳар» схемасининг шаклланиши, аввалambор, ўзининг иқтисодий асосларига эга бўлиб, у қадимги даврларда чуқурлашган ижтимоий меҳнат тақсимоти жараёни ва ички муносабатлар тизимининг шаклланиши билан изоҳланади.

Шу билан бирга, эллин давридан, Македониялик Александр даврида «Александрия» қурилиши ва салавкийлар шаҳарларининг барпо этилишидан бошлаб давлатларнинг мақсадли шаҳарсозлик даражаси юксалиши кузатилди. Кушонлар даврида Бактрияда шаҳар атрофида манзилгоҳларнинг пайдо бўлиши воҳаларни маъмурий тузилмаларга айлантиришга қаратилган давлат сиёсатининг хусусияти сифатида қайд этилади.

Ўрта Осиёда қадимги даврда шаҳар тараққиётининг иккита зонаси ажралиб туради. Биринчиси – ўзидан олдинги даврнинг шаҳарсозлик анъаналари асосида шаҳарлашув жараёни ривожланишининг иккинчи босқичига ўтган ва Ахамонийлар давридан бошлаб Сўғд, Хоразм таркибига кирган ҳудудлардир. Иккинчиси – (Сирдарёдаги кўчманчилар билан алоқа зонаси) ижтимоий-иқтисодий тараққиёт фақат бош шаҳарларнинг пайдо бўлишига олиб келган ерлардан иборат.

Биринчи зонада бу даврда аксарият шаҳарлар «иккинчи бор юксалган». Улар орасида Бактрия (Зариасп), Дилбержин, эхтимол Термиз (Тармита) каби йирик марказлар мавжуд бўлиб, улардан Бактрияда қадимий Жондавлаттепа ва Қалъаи Мир шаҳарлари, Сўғддаги Еркўргон кўҳна шаҳри қатламлари остида Мароқанд – Самарқанд ва Нахшаб, Марғиёнада Антиохия, Хоразмда Ҳазорасп ва Хива сақланиб қолди. Эллин даврида олдинги даврнинг шаҳарлари ўсиб, янги деворлар билан ўралган ёки эскиси таъмирланганидан кейин кучли истеҳкомга айланди.

Ҳамма жойда шаклланиш йўллари турлича бўлган янги шаҳарлар пайдо бўла бошлайди, булар: бу қалъалар яқинидаги тураржойларнинг стихияли тарзда пайдо бўлиши, бир нечта манзилгоҳларнинг ягона агломерацияга (синойкизм) бирлашишидан тортиб олдиндан

мўлжалланган режа бўйича шаҳар аҳоли пункти қурилишини лойиҳалаштиришгача бўлган жараёнлардир. Сўнгги вариант Милинда-панҳадаги шаҳар қурилишини ишончли тарзда ифодалайди: «...меъмор шаҳарни қуришга қарор қилди. Аввалига у майдонни тозалашни, жойни текислашни, кейин кўчалар, майдонлар, чорраҳалар қаерда бўлишини белгилайди ва қурилишни бошлайди. У шаҳарни— улуғвор, мутаносиб, қисмларга ажратилган, зовур ва мустаҳкам дарвозалари ва қўриқчи миноралари га эга айланма деворлар билан ўралган, кўплаб майдонлари, чорраҳалари, йўл айрилишлари ва тўхташ жойлари, тоза ва текис подшоҳлик йўли, қулай жойлашган бозорлар, мўл-кўл истироҳат боғлари, боғлар, кўллар, ҳовузлар, қудуқлар, кўплаб худоларга бағишланган ибодатхоналар билан қурди...»[1].

Эллин шаҳарсозлик анъанасига хос бўлган режанинг чизмаси ва ички майдон тузилишининг аниқлиги Ўрта Осиёга юнонлар томонидан олиб келинган деб ҳисобланади ва унинг таъсири ҳақиқатан ҳам эллин даврида пайдо бўлган бир қатор янги шаҳарларнинг тузилишидан кўриниб туради. Бироқ юнонлар келишидан олдин ҳам бу ерда тўғри тўртбурчак асосдаги жойлар мавжуд бўлган. Тўғри тўртбурчак шаклидаги манзилгоҳларнинг чизмалари Бақтрия, Хоразм ва Шошнинг қадимий шаҳарларига хосдир.

Оддий режадаги шаҳарлар билан бир қаторда стихияли тарзда пайдо бўлган кўплаб йирик агломерациялар шаклланган бўлиб, уларнинг тузилиши ернинг рельефига мосланган, кейинчалик истеҳкомларнинг кўпайиб боришига боғлиқ равишда ўзгариб борган эди. Ҳатто Александрия ҳам тузилиш режасининг аниқлиги билан фарқ қилмасди. Юнон-Бақтрия даврида Бақтрияда вужудга келган энг йирик шаҳарлар орасида Далварзинтепа, Қай-Қубод-шоҳ, Саксонохур, нисбатан кейинги даврларда Зартепа, Будрач; Сўғдда Китоб (Қиш) даги шаҳар, Қалъаи Заҳҳоки Морон, Бухоро, Пойканд; Уструшонада Олисдаги Александрия (Хўжанд) каби шаҳарларни санаб ўтиш мумкин. Шошда Қанка, Шоҳрухия, Мингўрик; Фарғонада Марҳамат

[1] Вопросы Милинды... С. 86, 301.

(Эрши), қадимги Ахсикет; Хоразмда Гулдурсун, Жонбосқалъа, Бозорқалъа, Тупроққалъа ва бошқа шаҳарлар шаклланди.

Жанубий минтақа каби Сирдарё (Яксарт) бўйидаги ҳудудларни эгаллаб олиб шимолга ҳам тарқалган шаҳарсозликнинг жадал ривожланиши қадимги давр охирига келиб бутун Ўрта Осиёнинг шаҳарлашган маконга айланишига олиб келади, энг қадимги шаҳарлашган минтақалардаги йирик шаҳарлар эса қадимги жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг умумий ҳолати билан боғлиқ маълум бир таназзулни бошдан кечира бошлайди.

Қадимги даврларда шаҳарлар ўзига хос икки қисмга бўлинган бўлиб, қалъа билан мустаҳкам ўралган қўрғон-акрополь ва унинг атрофини ўраб турган сарой, маъмурий бинолар, қурол-аслаҳа омборлари билан бир қаторда шаҳарнинг юрагини ташкил қиларди. Миноралари ва дарвозалари бор мудофаа деворлари билан мустаҳкамланган шаҳарнинг ўзи акрополнинг этагида жойлашган эди. Шаҳар ташқарисида шаҳар атрофи ва аҳоли кам яшайдиган, баъзан улкан ҳудудни эгаллаган округлар жойлашган эди. Албатта, ҳар бир минтақа ўзига хос хусусиятларга эга. Хоразмда йирик шаҳар марказлари шаклланмаган ва ҳамма шаҳарлар ҳам қалъаларга эга бўлган эмас. Сўғд ўзининг бепоён ҳудудидаги барча кичик аҳоли манзилгоҳлари ва атрофдаги шаҳарларни бирлаштирган Мароканд, Нахшаб, Кеш каби етакчи шаҳар бўлиб шаклланиш йўлидан боради.

Қадимги шаҳарларни ўрганиш унинг ҳаёти ва тузилиши ҳақида кўп маълумотларнинг пайдо бўлишига олиб келган, шаҳарлашув жараёнининг минтақавий хусусиятларини аниқлашга имкон берган бўлсада, бу худди аввалгидек саволларга ечим топишдан кўра кўпроқ янги саволларни келтириб чиқармоқда. Бу, энг аввало, антик даврнинг маданий қолдиқлари, одатда, кейинги даврларнинг кўп қаватли қатламлари остидаги кўҳна шаҳарларда яширингани билан боғлиқдир. Кам қатламли кўҳна шаҳарлар каби истисноларда камдан-кам учрайди ва тадқиқотчилар учун кутилмаган ҳолат ҳисобланади.

Шаҳарнинг ички қурилиши, унинг характери, тураржой бинолари-нинг жамоат бинолари билан уйғунлиги, ҳунармандчиликнинг роли ҳа-

қида, унинг турмуш тарзи ҳақида тўхталиб ўтилмасдан фақатгина умумий тасаввурга эга бўлиш мумкин. Шаҳарнинг фаолияти ҳақида ҳам худди шундай фикр юритиш мумкин. Ёзма манбалар баъзи нарсаларга эътиборлик киритади. Юстин Бақтриянинг чуқур шаҳарлашган минтақа бўлганлигини ва бу унга «минглаб шаҳарлар мамлакати» тавсифини берганлигини эслаб ўтади (Just., XLI, 4, 5). Археологик ишлар кўрсатдики, Бақтрия шаҳарларининг таркибига олдинги давр (мил. авв. VI – V асрлар)дан мерос бўлиб қолган, пойтахт бўлган Бақтранинг ўзига ўхшаш янги шаҳар-манзилгоҳлар кирган бўлиб, улар салавкий ёки Юнон-Бақтрия замонларида марказий ҳукумат томонидан ва, эҳтимол, энг муҳим стратегик ҳудудларда жойлашган катойкилар (Юнонистоннинг ҳарбий шаҳарчалари) ўрнида: кечув жойлари яқинида, савдо йўлларининг чорраҳаларида барпо этилган эди. Бундай шаҳарнинг энг ёрқин намунаси Окснинг чап қирғоғида жойлашган Ойхоним кўҳна шаҳридир. Бу дарёнинг ўнг қирғоғида жойлашган Термиздаги дастлабки аҳоли манзилгоҳи худди шунга ўхшаш шаҳар бўлган бўлиши мумкин. Агломерацияга ўхшаш бўлган Ойхонимдаги Окс Александрияси деб тахмин қилинган шаҳар юнон шаҳарларининг ташқи хусусиятларига эга бўлиб, унинг аҳолиси Бақтрия заминида ўз ватанларида одат бўлган турмуш тарзини сақлаб қолишган эди. Археологлар томонидан бу ерда гимназиялар, театр, шаҳар асосчисига атаб қурилган иншоотлар, катта устунлари бор дарвозаларга эга марказий кўча, бой фуқаролар уйлари топилди. Шунингдек, хазина (шарққа хос жиҳат) ва ибодатхоналари бўлган сарой ҳам қазиб ўрганилди. Юнон канонларига мос келадиган ички тузилишига қарамай, уйларнинг, истеҳкомларнинг тузилишида, қурилиш техникаси ва материалларида қадимги Шарқий Бақтрия анъаналари ёрқин ифодаланган белгилар шаҳарнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Бақтрияда бунга мисол қилиб аниқ бир тўғри тўртбурчак асосдаги қалъа ва кенг шаҳар атрофидан иборат икки қисмли шаҳарда мил. авв. III асрда пайдо бўлган ва мил. авв. I асрдан бошлаб ривожланган Далварзинтепа манзилгоҳини айтиш мумкин. Кушон даврида у ўзининг энг юқори чўққисига чиққан эди. Унинг ички топографияси

Милиндапанҳадаги юқорида тавсифи келтирилган шаҳарнинг тахминий қиёфасини шакллантиради. Шаҳар дарвозадан бошланиб, марказий кенг кўча орқали иккига бўлинади. Ундан чиқадиган кичик кўчалар, тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, табақачилик асосида қурилган мавзелар чегараларини белгилар эди. Марказий майдон атрофида энг бой ва монументал биноларибодатхоналар, хусусан, очиқ ибодатхоналар, жумладан, буддавийлар ибодатхонаси ва унумдорлик худолари ҳисобланган аёл маъбудларга бағишланган иккита ибодатхона жойлашган.

Бошқа мавзеларда кичик майдон атрофида уй-жой, ҳунармандчилик устахоналаридан иборат қурилишлар шаклланган ва ўзларининг ибодатхоналари ва ҳовузларига эга эди. Далварзинтепадаги шаҳарда далалар ва боғлар эгаллаган шаҳар атрофи, шунингдек, зардуштийлик маросимига биноан марҳумларнинг суяклари кўмилган ибодатхона ва пауслардан, иморатлардан иборат дафн мажмуаси мавжуд эди.

Ҳунармандчилик мажмуалари – устахоналар ва усталар уйлари ҳам шаҳар атрофида жойлашган эди. Баъзи ҳолларда бундай мажмуалар бутун ихтисослашган мавзеларни ташкил этган бўлиб, шаҳарларда ҳунармандчилик билан шуғулланадиган ҳудудларнинг кенгайиши ҳолатини Марғиёна (Говуркалъа), Сўғд (Мароқанд-Афросиёб, Нахшаб-Еркўрғон) шаҳарларида кузатиш мумкин. Бу белгиларнинг барчаси қадимги дунёнинг нисбатан ривожланган даврида шаҳарларни маъмурий, сиёсий ва ҳунармандчилик марказлари бўлганини кўрсатади.

Ҳозирги кунда Сўғднинг энг кўп ўрганилган шаҳри Еркўрғондир. Баъзи тадқиқотчилар уни Наутака вилояти марказининг ўрнида, бошқалари эса Македониялик Александрнинг юришларини ўрганувчи тарихчилар таъкидлаб ўтган Кеснппанинг ўрнида бўлган деб ҳисоблашади[1]. Иккинчи тахмин яқинда унинг қадимий номи Нахшаб бўлганлиги маълум бўлиши билан тасдиқланди[2]. У ерда ҳам худди

[1] *Сулейманов Р.Х.* Древний Нахшаб... С. 74.

[2] *Шакед С.* Раннее упоминание о городе Нахшаб // Роль города Карши в истории мировой цивилизации. Материалы Международной конференции, посвященной 2700-летнему юбилею города Карши. Ташкент-Карши, 2006. С. 34; *Грене Ф.* Новые свидетельства о Нахшебе и Кеше античного периода // Кўрсатилган манба. С. 34 – 36.

Бақтриядаги каби шаҳарнинг ички ва ташқи қисмларга бўлинган мураккаб тузилмаси кузатилади, бу мудофаа деворларининг қурилишидаги ёндашувда ҳам акс этади. Мил. авв. I мингйиллик ўрталаридан шаҳарнинг марказида эски ибодатхоналарнинг ўрнига янгилари қурила бошланди. Қадимги даврнинг охирига оид сўнгги ибодатхонада аёл худоси ҳайкали ва олов қурбонгоҳи бўлган. Шаҳар сарой биносини ҳам ўз ичига олган эди[1]. Ташқи шаҳарда темирчилик билан боғлиқ ва темирга ишлов бериш ва уй ҳунармандларининг излари қолган устахоналардан иборат улкан мавзе бўлганлиги қайд этилди. Бу диний ва дафн мажмуалари шаҳар деворларининг ташқарисида ҳам топилди. Бу мил. авв. III – II асрларга оид зардуштийлик маросимига биноан вафот этганларнинг суякларини тозалашга мўлжалланган *даҳма* (алоҳида турадиган ўзига хос иншоот) ва мил. III – V асрларга оид зинапоялн майдондаги мақбарадир. Ерқўргоннинг шаҳар атрофи қисми эса бўш майдонлар ва боғлар билан ажратилган монументал, тураржой ва ишлаб чиқариш биноларини ўз ичига олади.

Ривожланган қадимги даврда Марказий Сўғднинг пойтахти бўлган Мароқанд, афтидан, маъмурий бинолар ва баъзи ҳунармандчилик устахоналари жойлашган мустаҳкам қалъа билан ўралган, кенг аҳоли манзилгоҳлари ва кичик шаҳарчаларига эга йирик шаҳар эди. Шаҳарда кўп хонали уйлар ва кулолчилик устахонаси қолдиқлари учраган мавзенинг бир қисми топилди.

Шаҳарларда бироз бошқача ички тузилиш қайд этилган бўлиб, уларда аҳоли тураржойлари минтақавий миқёсда қадрланган муқаддас жойлар ҳисобланган қандайдир ижтимоий ва диний мажмуа атрофида жамланган эди. Ушбу турдаги шаҳарлар қаторига Хоразмнинг маъмурий-маданий маркази бўлган Тупроққалъани киритиш мумкин. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, унда энг катта иморат Хоразм подшоҳлари ибодатига бағишланган «муқаддас сарой» деб номланган кўп хонали сарой-ибодатхона мажмуаси билан тўлган уч минорали қалъа мавжуд эди[2]. Шаҳар ташқарисида тураржой тоифа-

[1] *Сулейманов Р.Х.* Древний Пахшаб... С. 88.
[2] Топрак-кала. Дворец. М., 1984. С. 287 – 296.

сидаги «пастки сарой» бор эди. Шаҳарнинг ҳудуди эса хонадонларга бўлинган уй-жой массивлари билан тўла эди. Ибодат жойлари учун махсус алоҳида мавзе ажратилган эди. Қазишмалар натижасида бу ерда ривожланган ҳунармандлар мавзелари топилмаган, фақат якка дўкон-устахоналар топилди. Шаҳар аҳолиси асосан иккита улкан сарой аҳлига хизмат кўрсатиш билан шуғулланган деб ҳисобланади[1]. Бироқ Тупроққалъа каби шаҳарлар алоҳида ҳолатлардир, чунки қадимги жамият ҳаётида нафақат маъмурий ва мафкуравий марказлар, балки асосий йўналиши ҳунармандчилик ва савдо бўлган шаҳарлар ҳам асосий ўринни эгалларди.

Милодий биринчи асрларда Ўрта Осиёда шаҳар ва қишлоқ ҳунармандчилиги ва савдоси ўсиши билан бирга умумий иқтисодий тараққиёт бошланди. Бу вақтда фойдали қазилмалар – темир ва мис рудалари, қўрғошин, олтин, кумуш ва ярим қимматбаҳо тошларни қазиб олиш кескин ўсди, бу эса металлургия ва метални қайта ишлаш, қурол-яроғ ишлари, заргарлик ҳунармандчилиги ва тангалар зарб этишнинг ривожланиши учун асос бўлиб хизмат қилди. Афтидан, ўша пайтда Бақтрия, Шош, Фарғонада тоғ-кон ва металлургия марказлари шакллана бошлайди[2].

Бақтрия кон-металлургия саноатининг бир қисми экспорт қилинарди. Қазиш ишлари натижасида топилган қуйма қолиплар ва тайёр маҳсулотлар металга ишлов берувчиларнинг ва қурол ясовчиларнинг ишларини ўзида ифодалайди. Совут ва қалқонлар, найза, ўқ учлари, қиличлар, ханжарлар, болталар, от аслаҳалари Ўрта Осиё ҳунармандлари ясаган буюмлар рўйхатининг бир қисми, холос. Марғиёна темиридан ишланган буюмлар минтақадан ташқарида ҳам машҳур эди. Ёйсимон камонларни ишлаб чиқариш устахоналари ҳамма жойда учрайди. Шаҳар ҳунармандлари касбларининг кенг рўйхати Милиндапанҳани хилма-хил таркибий қисмдан иборат аҳолига эга шаҳарлар қаторига киритади. Булар, жумладан, темирчи, олтин, кумуш, қўрғошин, қалай, мис, бронза ва темирга ишлов берувчи ҳунармандлар.

[1] Городище Топрак-кала. М., 1981. С. 139, 140.

[2] *Буряков Ю.Ф.* Горное дело и металлургия средневекового Илака. М., 1974. С. 98 – 100.

заргарлар, кулоллар, туз ишлаб чиқарувчилар, терига ишлов берувчилар, аравачилар, фил суягидан буюмлар ясовчилар, хандақчилар, арқон ясовчилар, тароқ ясовчилар, пахта толаси йигирувчилар, сават ясовчилар, камон, камоннинг ипи, ўқларини ясовчилар, рассомлар, бўёқ тайёрловчилар, бўёқчилар, тўқувчилар, тикувчилар, тамга қўювчилар, пардоз буюмлари ясовчилар, сомсаназлар, балиқчилар, қассоблар, шароб тайёрловчилар ва бошқаларлан иборат эди. Археологик жиҳатдан кулолчилик, ёгочга ишлов бериш ва гилам тўқиш ишлари ҳам қайд этилади. Ҳунармандлар маҳсулотларининг бир қисми шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг шахсий эҳтиёжларини қондириш учун тайёрланган ва бир қисми бозорга олиб чиқиларди.

Хўжалик юритиш асосан натурал шаклда сақланиб қолган бўлсада, шаҳар ва қишлоқ манзилгоҳлари ўртасидаги алоқалар тизимида меҳнат маҳсулоти алмашинуви кучаяди, минтақалараро бозор ривожланади, бу эса зарб қилинган тангаларнинг турли соҳаларда пайдо бўлишига олиб келади.

Бақтрия ўзининг иқтисодий ҳаётига пул муомаласини олиб кирган биринчи мамлакат ҳисобланади. Юнон-Бақтрия тангаларининг зарб этилиши мил. авв. III асрнинг иккинчи ярмида бошланган эди[1]. Бақтрияликлар моҳир савдогарлар бўлишган. Мил. авв. II асрда хитой элчиси Чжан Цзян таъкидлаганидек, Бақтрияда катта бозор бор эди[2]. Турли қийматларга эга Бақтрия тангалари топилмалари минтақада ривожланган бозор бўлганини кўрсатади[3]. Шимолий Бақтрияда тангалар Қушон тангалари билан алмаштирилгунга қадар Юнон-Бақтрия тангаларига ўхшатиб зарб қилинган, худди шундай ҳодиса товар айирбошлаш ривожланиши туфайли пул муомаласига ўтган бошқа минтақалар (Сўғд)да ҳам кузатилади. Ўрта Осиё минтақаларида савдо эҳтиёжлари учун салавкийлар тангаларига тақлид қилинган (Антиох I); мил. авв. I аср – мил. IV асрларда Ғарбий Сўғдда Гиркод

[1] *Зеймаль Е.В.* Древние монеты... С. 47.

[2] *Бичурин Н.Я.* Сведения о народах... С. 152.

[3] Бу хулоса Окснинг ўнг қирғоғида мунтазам пул муомаласи бўлмаган деб тахмин қилган Е.В. Зеймалга тескари фикр билдирган Э.В. Ртвеладзенинг ҳаклигини исботлайди.

тангалари муомалада бўлган[1]. Мил. авв. II асрнинг иккинчи ярми – I аср бошларида Хоразмнинг ўз тангалари зарб этила бошлаган[2], мил. авв. III асрнинг иккинчи ярмидан эса Шош ҳам ўз тангаларини чиқара бошлайди[3].

Ўрта Осиё минтақаларида танга зарб қилишнинг пайдо бўлиши минтақалараро алоқаларнинг ривожланиши ва халқаро савдо йўллари шаклланиши билан бирга кечади. Ўзбой бўйлаб кўчманчиларнинг мозорларидан топилган Парфия ва Марғиёна усталари томонидан ясалган буюмлар қолдиқлари ва Уралбўйи сарматларида топилган Хоразм буюмлари кўчманчилар билан айирбошлашга асосланган савдонинг жадал бўлгани ва унинг йўналишларидан далолат беради.

Мил. авв. I асрларда қадимги даврларда шаклланган маҳаллий йўллар ва савдо йўллари Юнон-Рим дунёсининг ғарбий мамлакатлари ва Олд Осиёни Узоқ Шарқ билан боғлайдиган умумий савдо йўли сифатида ягона тармоқ бўлиб боғланади. Уларни хитой ипак матоларининг халқаро савдоси бирлаштирган, бу ҳолат XIX асрда тадқиқотчиларнинг (Ф. Рихтгофен) уни Ипак йўли деб аташига асос бўлади. Қадим замонлардан бери хитойлар кўчманчилардан – уларнинг шимоли-ғарбий чегараларида яшаган хун ва усунлардан ипак матолар ва улардан ясалган буюмларни сотиб олишган, ўз навбатида, уларни Ўрта Осиё воҳаларида ишлаб чиқарилган ҳамда Эрон, Олд Осиё, Юнонистон, Римдан олиб келинган товарларга айирбошлаган эдилар[4].

Хитой мил. авв. II асрдан, Чжан Цзян бу ерга сафар қилганидан кейин Ўрта Осиё давлатлари билан алоқаларни йўлга қўяди. Буюк ипак йўлининг асосий карвон йўли Римдан бошлаб Яқин ва Ўрта Шарққа олиб борган, Ўрта Осиёда у Парфия, Марғиёна ва Бақтрияни кесиб

[1] *Мусакаева А.* Монеты Гиркода // Культура древнего и средневекового Самарканда и исторические связи Согда. Тезисы докладов советско-французского коллоквиума. Ташкент, 1990. С. 68 – 71; *Зеймаль Е.В.* Древние монеты... С. 84 – 88.

[2] *Вайнберг Б.И.* Монеты древнего... С. 77.

[3] *Ртвеладзе Э.В.* История и нумизматика...

[4] *Drege J.P.* La Route de la Soie Paysages et legendes. Paris, 1986; Ўша муаллиф. Marco Poloetla Routede Soie. Paris, 1989.

ўтарди. Мил. авв. I аср охирида географ олим Исидор Харакский томонидан бу йўлнинг йирик шаҳарлар ва кичик карвонсаройлар кўрсатилган харитаси тузилади[1]. Бақтриядан унинг бир тармоги Тармитага (Термиз) ва Торим дараси орқали Хўтан ва Ёркентга, иккинчиси эса шимолга, Самарқанд Сўғди, Шош, Фарғона ёки Еттисувга олиб борган. Мил. авв. I асрларда Яксарт орқали Хитойдан Довонга, Қанғга, сўнгра Сармат чўллари орқали Волгани кесиб ўтиш жойига олиб борадиган йўл шаклланади. Ундан олдинроқ Окс ва Ўзбой канали бўйлаб йўл бор эди.

Ушбу йўналишлар бўйлаб турли мамлакатларнинг савдогарлари товарларни олиб ўтишган ва карвонлар Ўрта Осиё ҳудудларида учрашар эдилар. Хитойликлар томонидан ва Ўрта Осиё шаҳарларида тайёрланган баъзи буюмлар Римга етиб борарди. Рим империясининг шаҳарларига кириб борган Бақтрия савдогарлари ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. Кўплаб буюмлар Ўрта Осиёга олиб кирилган ва бу импорт топилмалари бўйича бутун йўл йўналиши қайта тикланмоқда.

Рим империясидан товарлар импорт қилинганини Рим императорларининг тангалари топилиши, шунингдек, Рим ҳунармандларининг турли хил буюмлари, шу жумладан, шиша идишлар, ҳайкаллар, мунчоқлар ва маржонлар шаклидаги санъат буюмлари топилмалари ҳам тасдиқлайди[2]. Шуни таъкидлаш керакки, техник янгиликларини ташувчи восита сифатида «Ипак йўли» муҳим рол ўйнарди. Эрон ва Ўрта Осиёга Ўрта ер денгизи мамлакатларидан шиша тайёрлаш техникаси кириб келган, кейинчалик мил. V асрда Хитойга олиб борилган ва ўзлаштирилган эди[3].

Яқин Шарқдаги эллин давлатларининг кўплаб бадиий буюмлари Парфия, Бақтрия, Хоразм, Сўғддаги шоҳ саройлари ва ибодатхона-

[1] *Массон М.Е.* Народы и области южной части Туркменистана в составе Парфянского государства // Труды ЮТАКЭ. Т. V. Ашхабад, 1955. С. 7.

[2] *Пугаченкова Г.А.* Привозные художественные изделия на среднеазиатских трассах Великого шелкового пути // Формирование и развитие трасс Великого шелкового пути в Центральной Азии в древности и средневековье. Тезисы докладов международного семинара ЮНЕСКО. Ташкент, 1990. С. 24 – 60; *Ртвеладзе Э.В.* Великий шелковый путь. Энциклопедический словарь. Ташкент, 1999.

[3] *Бичурин Н.Я.* Сведения о народах... С. 265.

ларининг хазиналарига ҳадялар сифатида олиб келинган ва шу ерда қолган. Бу ҳудудларда ясалган буюмлардан ҳам олиб кетилган. Савдо йўли бўйлаб Парфияда ясалган буюмлар – ичимлик идиши шаклидаги бадиий безак берилган шохлар – фил суягидан ишланган жомларнинг тарқалиш географияси шундан далолат беради. Битта қолипда ясалган, битта устахонадан чиққан буюмлар шарқда – Шошда[1], ғарбда – Қора денгиз бўйи ҳудудларида[2] топилганини қайд этиш жоиз. Хитойнинг қулоқ шаклидаги тангалари ва ипак матоларидан ташқари кўплаб ҳудудларда топилган бошқа буюмларни, мил. I асрларга оид нефритдан тайёрланган бронза кўзгу, ялтироқ буюмлар ва шу каби импорт товарлар ташкил этади.

Ҳиндистон билан савдо муносабатлари ҳам жадал кечган, у ердан Ўрта Осиёга чақноқ тошлар, садаф, чиғаноқлар, фил суяклари, Матхур мактабининг бадиий буюмлари ва бошқалар олиб келинарди. Бақтриядан эса у ерга жун матолар ва жун кўрпалар, ҳайвон терилари, зотдор отлар олиб борилган эди (Маҳабҳарата II, 47). Ҳиндистондан Бақтрияга ва бошқа минтақаларга буддавийлик ва бошқа ҳинд динлари кириб борди. Шу тариқа жонли савдо йўллари халқларнинг интеллектуал ютуқларини ташувчи вазифасини бажарган ва у орқали диний таълимотлар тарқалади.

Давлатлараро савдода асосий воситачиларга айланган сўғд савдогарлари аста-секинлик билан Ўрта Осиё савдо йўлларида етакчилик қила бошлайдилар. Сўғдларнинг энг катта фаоллиги нафақат савдо воситачилигида, балки савдо йўллари бўйлаб савдо шохобчаларини ва бутун бир жамоа жойларини ташкил этишларида ҳам намоён бўлган, бунда уларнинг ҳаёти алоҳида мустақил жамият шаклида қурилган эди. Бундай кичик маконларнинг бутун занжирлари кейинчалик Еттисув ва Мўғулистонда пайдо бўлади, дастлабки манзилгоҳлар Шарқий Туркистонда мил. II – IV асрлар охирида юзага келади.

[1] *Филанович М.И.* Ташкент: зарождение... Табл. I – III.

[2] *Фармаковский В.В.* Отчет о работах в Ольвии // Отчеты археологической комиссии за 1905 г. СПб., 1909.

Мил. авв. IV асрда бундай маконлардан бири Дунхуан шаҳрида жойлашган бўлиб, унинг аҳолиси Самарқандда қолган қариндошлари билан ёзишмалар олиб борарди. Уларга тегишли хатлардан бири ёрдамида биз ушбу жамоанинг катталиги ҳақида билиб оламиз. Унда 100 та алоҳида исмлар келтирилган, аммо бу ерда, афтидан, уй эгаларининг ва қулларининг оилалари билан биргаликда мингга яқин аҳоли истиқомат қилган эди[1].

Қадимги Ўрта Осиёда давлатчиликнинг шаклланиши доирасидаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг умумий ривожланишини сарҳисоб қилганда уларнинг иқтисодиёти анъанавий қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликка асосланган, шаҳар ҳаётининг шаклланиши ва давлат институтларининг тузила бошлашига асосланган етакчи минтақалардаги катта ўзгаришларни қайд этиш лозим. Бу етакчи минтақалар Бақтрия, Сўғд, Хоразм, Фарғона, Марғиёна, Парфия воҳаларидир. Ушбу жараёнда Шош ва Уструшона даштларининг кўчманчилари билан алоқа йўлга қўйилган шимолий ҳудудларнинг ҳам, шунингдек, шимоли-ғарб ва шимоли-шарқдан ўтроқ воҳаларга кўчиб келган кўчманчи халқларнинг ҳам иштирок этиши бу даврнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири бўлди.

Жанубий давлатларнинг кўчманчилар томонидан босиб олиниши, улар томонидан олиб келинган кўчманчи-чорвачилик турмуш тарзи ва қўшничилик жамоасига асосланган деҳқончилик иқтисодиёти анъаналарига эга патриархал уруғ тизимининг ўзаро тўқнашуви ижтимоий-иқтисодий муносабатлардаги аралашувга олиб келди ва давлатчилик шаклида ўзига хос из қолдирди.

Кўчманчиларнинг деҳқонлар билан ўзаро бирлашиши жуда мураккаб жараён сифатида кечди, жамиятнинг ҳукмрон синфида қайта тартиб ўрнатишга ва жамиятдаги мулкий табақаланиш жараёни тезлашишига олиб келди. Шу билан бирга, кўчманчи мухитга хос бўлган уруғчилик анъаналарининг босими муносабатларнинг патриархал табиатини сақлаб қолди. Бу Ўрта Осиёнинг барча минта-

[1] *Henning W.B.* Surkh-Kotal und Kaniska... C. 317 – 352.

қаларида шаҳарлашув жараёни ва шаҳарларнинг шаклланиш жараёни кучайиши даври бўлди. Шундай қилиб, жанубий ва шимолий ҳудудлар ўртасидаги фарқ сифат жиҳатидан йўқолиб борди, фақатгина шаҳар маданиятининг ривожланиш даражасида ўзаро фарқ кўзга ташланадиган бўлиб қолди, бу борада аввалгидек етакчилик жануб томонда эди.

Катта антик давлатларда бадавлат ҳарбий-деҳқон амалдорлар ва руҳонийлар, бадавлат ер эгалари, жамоа таркибидаги ҳунармандлар, ташқи савдода янада ажралиб чиққан ва бойиган савдогарлар қатлами бир томондан, турли хил қарамлик шаклига тушиб қолган оддий жамоалар оммаси, қуллар ва ёлланма ишчилар эса бошқа томондан, умуман, шу тарзда қадимги ва илк ўрта асрлар оралиғидаги даврда Ўрта Осиё воҳалари жамиятининг ўзгарувчан инфратузилмасини шакллантиради.

Ўтроқ деҳқончилик ва чорвадор кўчманчи хўжаликларининг иқтисодий жиҳатдан ўзаро алоқаси Ўрта Осиё ҳудудларининг ички минтақаларига кўчманчиларнинг катта қисми кириб бориши ва уларнинг воҳаларнинг четига, воҳанинг ичидаги даштларга ва тоғ этакларига жойлашиши ҳисобига янада яқинлашди. Бу ҳолат воҳаларнинг ўтроқ аҳоли манзилгоҳларида анъанавий равишда ривожланган ҳунармандчилик маҳсулотларининг чорвачилик маҳсулотлари ва хомашё билан айирбошланиши жараёнини енгиллаштирди.

Агар ҳақиқатан ҳам икки соҳага — ўтроқ ва кўчманчи хўжалик тизимига эга битта ягона иқтисодий тизим диалектик бирлик ҳолатида экан, ўзаро айирбошлашсиз тўғри ишлай олмайди ва бу бирликнинг бузилиши ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкин. Антик даврдаги Ўрта Осиё давлатлари бундай бирликнинг классик намунаси бўла олади. Ижтимоий тараққиётнинг юксалиш чўққиси йирик давлатлар — жанубда Парфия ва Кушон подшоҳлиги, шимолда Қанг подшоҳлигининг ташкил топиши пайтига тўғри келган ғайриоддий юксалишнинг асосий сабабларидан бири шунда эди.

ДАВЛАТЧИЛИК ВА ҲУҚУҚ

Давлатчилик ўзининг пайдо бўлиш давридан бошлаб ҳуқуқ билан боғлиқдир. Л.Грин ўзининг «Давлат ҳокимияти» китобида таъкидлаганидек, «давлат бошқа ижтимоий институтлардан нафақат ўз вазифалари бўйича, балки ўз ифодасини, энг аввало, ягона бўлмаса-да, қонун орқали топадиган ҳокимият (authority)га асосланган ҳаракат воситаларига эгалиги бўйича ҳам ажралиб туради»[1].

Ўрта Осиё ҳудудида давлатчиликнинг ривожланиши, аввало, қадимги дунёнинг цивилизация марказлари бўлган бошқа давлатлар, биринчи навбатда, қадимги Эрон ва қадимги Ҳиндистоннинг шаклланишига ўхшаш йўлдан борди ва шунга ўхшаш шаклланиш босқичларини бошдан кечирди, баъзан эса уларнинг таъсири остида бўлди. Шунинг учун Ўрта Осиёнинг қадимги давлатлари шаклланишидаги ҳуқуқий меъёрлар ва амалиётга хос бўлган хусусий масалаларга ўтишдан олдин Яқин ва Ўрта Шарқда ҳуқуқ ривожининг баъзи умумий масалаларини кўриб чиқамиз.

Давлатчиликнинг ривожланиш жараёнида ҳуқуқнинг шаклланиши

Аксарият замонавий олимлар давлатчилик тараққиётининг дастлабки босқичларида қонун ва дин ўртасидаги боғлиқлик бўлганини таъкидлашади. Р. Оксье (Auxier) «Ҳуқуқ фалсафаси» энциклопедиясида чоп этилган «Дин ва илоҳиёт» мақоласида таъкидлаганидек, дин ва ҳуқуқ бир хил даражада қадимги ва улар дастлаб бир-биридан ажралмас бўлган (indistinguishable). Уларнинг келиб чиқиши битта сўз билан тавсифланиши керак, бунинг учун «одат» атамаси энг мос келадиган кўринади. Қабила маданиятларида урф-одатлар билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлганида ва бу муаммоларга инсон заковати

[1] *Green L.* The Authority of the State. Oxford, 1988. P. 10.

ечим топа олмаган тақдирда руҳонийлар ёки оқсоқоллар қарор қабул қилишда ёрдам сўраб ўз худоларига мурожаат этар эдилар. Қарор қабул қилиниши билан у мажбурий намунага айланган ва кейинчалик шунга ўхшаш ҳолатларда қўлланилар эди»[1].

Худоларнинг қароридан намуна одат сифатида фойдаланишдан ташқари диннинг ҳуқуқ ва давлатчилик билан алоқаси маросим институти орқали амалга оширилган эди. Қадимги Шарқ маданиятидаги ҳуқуқий тафаккурни қайта тиклашга уриниб В.М. Розин шундай ёзади: «Қадимги подшоҳликларнинг маданият одами бу дунё тартиб, тақдир, худолар, қурбонликлар, қонунлар билан қўллаб-қувватланишига ишонади. Уларнинг тирик қиёфаси шоҳ ёки олий руҳонийнинг киёфасидир, улар ердаги дунёни илоҳий дунё билан боғлайдилар; шоҳ ва руҳонийлар қонунни қўллаб-қувватлайди, қурбонлик маросимларини тартибга солади. Модомики худоларга қурбонлик келтирилар, ўрнатилган қонунларга риоя қилинар, подшоҳ ва руҳонийлар улуғланар, уларга сўзсиз бўйсунилар экан, ерда ҳаёт давом етади, агар буларнинг жилла қурса битта бўғини бузилса, дунё йўқ бўлиб кетади»[2].

Тартибга солувчи ибтидо сифатида ўртага чиққани учун диний таомилилик қонун ҳисобланади. А.А. Вигасин бу борада қадимги ҳинд ҳуқуқий тафаккури билан боғлиқ равишда мутлақо тўғри таъкидлайди: «Ҳиндистоннинг дҳармашастраларини анъанавий равишда «қонунлар тўплами» деб номлашади... Бу ёдгорликлар билан, масалан, энг машҳур «Ману қонунлари» билан юзаки танишиб чиқишнинг ўзи ҳам ундаги маросимлар турларининг кўплиги боис ҳайрон қолдиради»[3]. Бу фикр зардуштийлик матнларидаги, биринчи навбатда, қадимги Ўрта Осиё ва Эроннинг ҳуқуқий воқеликларини акс эттирувчи Авесто асари бўлган «Видевдат»да тўпланган ҳуқуқий меъёрлар учун мутлақо адолатлидир. Бу ҳақда кейинроқ тўхталиб ўтамиз.

Ниҳоят, диннинг қонун билан алоқаси ҳокимиятнинг қонунийлаш-

[1] *Auxier R.E.* Religion and Theology // The Philosophy of Law; An Encyclopedia. In 2 vol. Vol. II. New York-London: Garland Publishing, Inc., 1999. P. 735.

[2] *Розин В.М.* Генезис права: методологический и культурологический анализ. М., 2003. С. 124.

[3] *Вигасин А.А.* Предисловие // *Пандей Р.Б.* Древнеиндийские домашние обряды (обычаи). Пер. с англ. А.А.Вигасина. 2-е изд. М., 1990. С. 10.

тирилиши муносабатларида, *ҳукмдорнинг шахсини меъёрлар ва қонунларнинг манбаи сифатида улуғлаш*да мавжуд эди.

Ж. Расселл, бошқа — юнон эмас, балки форс ва яҳудийларга оид манбаларга асосланиб, Ахамонийлар империяси «қонунлар, яъни data - билан бошқариладиган давлат бўлган ва бу сўзнинг қадимий форс ёзувларида қандай қўлланишидан келиб чиқиб, маълумки, шоҳнинг буйруқлари қонун саналса-да, қонун шоҳ томонидан киритилмаган (did not originate with the king)» деган хулосага келади[1].

Бироқ бу ерда муҳим бир нарсани эслаб ўтиш керакки, қадимги Ўрта Осиё ва Эронда кодексларга ажратилган ҳуқуқлар бўлган эмас. Ушбу ҳолатга илк ўрта асрларда хитойлик саёҳатчилар эътибор қаратишади; шунингдек, яна «Таншу» йилномасида (VIII — X асрлар) Боса (Форс) давлатида «айбдорни ҳукм қилиш учун ёзиб олинган матнлар йўқ; ҳукм судда маълум қилинади» деб қайд этилади[2]. Шунга ўхшаш ҳолат қадимги даврларда Ўрта Осиёда ҳам мавжуд эди.

Шундай қилиб, ҳуқуқнинг келиб чиқиши худолар хоҳишини башорат қилиш институти, маросим ва ҳукмдор шахсининг қонунийлаштирилиши орқали дин билан чамбарчас боғлиқ эди. Эрон ва Ўрта Осиё ҳудудларидаги бошқа давлат тузилмаларида Ахамонийлар империясидаги каби автократик бошқарув услуби мавжуд бўлганлигига қарамай, давлат ва ҳуқуқ тизимида ҳукмрон бўлмаса ҳам, маълум даражада жамият ҳаётининг алоҳида хусусий жиҳатларига таъсир кўрсатган маълум демократик тенденциялар мавжуд эди.

Ўрта Осиё халқларининг қадимги қонунларини ўрганиш борасидаги манбаларни кўриб чиқамиз, ҳеч бўлмаганда баъзи манбаларда келтирилган шартномалар ва тамғалашлар, шунингдек, жазолар (масалан, ўғрилик учун жазо) бўйича мавжуд бўлган ҳуқуқий жараёнлар жиҳатларини қайта тиклашга ҳаракат қиламиз.

---

[1] *Russell J.* Zoroastrianism as State Religion of Ancient Iran // Russell J. Armenian and Iranian Studies (Harvard Armenian Texts and Studies, 9). Cambridge, Mass., 2004. P. 101.

[2] Ушбу манбадан келтирилган: Древний Мерв в свидетельствах письменных источников. Сб. документов / Сост. *Кошеленко Г.А., Губаев А., Бадер А.Н., Гаибов В.А.* Ашгабат, 1994. С.112.

Ўрта Осиё халқларининг қадимги ҳуқуқларини ўрганиш бўйича манбалар. Видевдат

Ҳуқуқ – қадимги Ўрта Осиёнинг энг кам ўрганилган институтларидан бири бўлиб, бу, биринчи навбатда, Бобилдан топилган Мурашу уйи ёки қадимий ҳинд Дҳармашастра архивларига ўхшаш ишончли ёзма манбаларнинг йўқлиги билан изоҳланади. Муғ қалъасидан топилган илк ўрта асрларга оид ҳужжатлардан[1] ташқари мутахассислар тўғридан-тўғри Икки дарё оралиғи ерларига оид ўша даврга бўлган бирон-бир қонуний ҳужжатга эга эмаслар.

Бундай вазиятда ҳуқуқни ўрганувчи тадқиқотчи Ўрта Осиё Икки дарё оралиғининг қадимий динлари бўйича тадқиқотчидан ҳам қийинроқ аҳволда бўлади. Чунки динлар бўйича тадқиқотчи ёзма манбалар етишмаган ҳолатда археологик маълумотлардан – ўз даврининг диний ғояларини акс эттирувчи санъат асарлари, нумизматик топилмалардан фойдаланиши мумкин. Қадимги Ўрта Осиё ҳудудидаги ҳуқуқий муносабатларни ҳеч бўлмаганда билвосита қайта тиклашда қўл келадиган эпиграфик маълумотлар жуда кам.

Қадимги ҳуқуқ тарихини ўрганиш қадимги динни ўрганиш билан таққослаганда ва уни ўрганиш методологияси бўйича, хусусан, экстраполяция усулини қўллашдаги қийинчиликлари бўйича анча мураккаброқдир. Одамларнинг кундалик эҳтиёжлари билан боғлиқ дин билан таққослаганда анча тор доирада бўлган ҳуқуқ диний тизимга қараганда маҳаллий ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий шароитларга боғлиқ равишда катта ўзгарувчанликни намоён этади. Айни битта дин доирасида, ҳаттоки ушбу диннинг битта йўналиши доирасида турли хил ҳуқуқий мактаблар, ҳатто оилалар мавжуд бўлиши мумкин. Масалан, Афина ва Спарта аҳолисининг ҳудолари ва ибодатхоналари бир хил бўлган бир вақтда Афина қонунчилиги ва Спарта қонунлари бир-биридан шу қадар фарқ қилганки, уларнинг ўзаро қарама-қарши қўйилиши қадимги

[1] Қаранг: *Фрейман А.А.* Описание, публикации и исследование документов с горы Муг. М 1962 («Согдийские документы с горы Муг», вып. 1); *Лившиц В.А.* Юридические документы...

муаллифлар орасида умумий жиҳат эди. Сунний ислом доирасида ҳам ҳуқуқий анъаналарнинг хилма-хиллиги кузатилади; келиб чиқиши шу китъага оид бўлган ва англо-саксон ҳуқуқий оилалари ўртасидаги тафовут, маълумки, Европа ичидаги насронийликнинг диний «чегаралари»ни акс эттирмайди. Буларнинг бари худди қадимги Ўрта Осиёдаги зардуштийлик «ҳудуди»даги ҳолат каби айни битта диний ва маданий «ҳудудлар» доирасидаги ҳуқуқий тушунчалар ҳақидаги маълумотларни экстраполяция қилишда (шу ҳолатга қараб бутун минтақа ҳақида ҳам шундай хулосага келишда) жуда эҳтиёткор бўлишга мажбур қилади. Қадимги Ўрта Осиё аҳолисининг диний тушунчаларини қайта тиклашда Ғарбий Эроннинг диний қарашлари тўғрисидаги баъзи ёзма маълумотларни экстраполяция қилиш йўли билан буни амалга оширишимиз мумкин бўларди («Дин ва давлатчилик» мавзусига қаранг). Қонунга келсак, бундай экстраполяция катта таваккалчилик бўлади.

Шу сабабларга кўра қадимги Ўрта Осиё халқлари ва давлатларининг қадимги қонунчилиги ҳалигача махсус таҳлил мавзусига айлангани йўқ. Солиқ қонунчилигини Э.В. Ртвеладзе ўзининг «Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси тарихи: давлатчилик ва ҳуқуқ» тўпламида нашр этилган «Солиқ (фискал) хизмати» очеркида кўриб чиқди[1]. Диний ҳуқуққа келадиган бўлсак, «Марказий Осиёнинг исломгача бўлган маданияти: дин, фалсафа, ҳуқуқ» монографиясидаги «Зардуштийлик қонуни ва Марказий Осиёнинг исломгача бўлган бошқа диний-ҳуқуқий тизимлари» очеркида нисбатан умумий тарзда кўриб чиқилган[2].

Шунга қарамай, юқорида айтиб ўтилган дин билан диннинг ўзаро боғлиқлиги ҳисобга олинса, қадимги Ўрта Осиёнинг ҳуқуқий меъёрларини тиклаш учун маълум диний матнлардан маълум шартлар асосида фойдаланиш мумкин.

Видевдат. Авестонинг ҳуқуқий *наска* (кодекс)си – Видевдатда бир қатор ҳуқуқий нормалар мавжуд. Видевдат (Вендидат) Авестодаги «Ви

[1] Қаранг: *Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В.* Очерки по истории цивилизации древнего Узбекистана: государственность и право. Ташкент, 2000. С. 80 – 89.

[2] *Абдуллаев Е.В.* Очерки культуры доисламской Центральной Азии: религия, философия, право. Ташкент, 1998. С. 102 – 154.

дево датем»— «Деваларга қарши мазкур *наска* (трактат)» бўлиб, у 22 *фрагарддан* (боблар) иборатдир. У Зардушт ва Аҳурамазда ўртасидаги диалоглар шаклида ёзилган бўлиб, Аҳурамазда ҳуқуқий ва диний масалаларга оид саволларга жавоблар беради. Видевдат Авестонинг бугунги кунгача сақланиб қолган бешта (умумий йигирма битта) ҳуқуқий китоблари — *наска*ларидан фақат биттасидир. Гарчи унинг номи «Деваларга қарши қонун», оддий қилиб айтганда, ёвуз руҳларга қарши қонун деб таржима қилинса-да, у биз учун фақатгина экзорцизм ёки «Жодугар тўқмоғи» йиғиндиси эмас. Зардуштийликда девалар деганда нафақат ёвуз руҳлар, балки уларга эрк берган одамлар ҳам тушунилади. Уларни «икки оёқли девалар» (Видевдат, V, 35 — 38), баъзан шунчаки девалар (Видевдат, VIII, 31 — 32) деб аташади. Ўрта форс тилидаги «Меног-и Храд» зардуштийлик асарида «ярим девалар» деб ҳам аталган ва унда ёзилишича: «Ярим дева — бу фақат исми инсоний, табиати инсоний бўлиб, аммо барча масалаларда икки оёқли девларга ўхшаган одамдир. У на ерни, на осмонни, на яхшиликни, на гуноҳни, на жаннатни ва на дўзахни билади ва руҳнинг жавобгарлиги ҳақида умуман ўйламайди» (Меног-и Храд, 46). Шундай қилиб, Видевдатда нафақат девалар, балки жиноятчилар, «жавобгарлик ҳақида ўйламаган одамлар» ҳақида ҳам тўхталиб ўтилади. Таркибига кўра у диний тозалаш қоидалари, турли маросимларни ўтказиш, гуноҳлар ва яхши ишлар рўйхати, шунингдек, фуқаролик ва жиноий ҳуқуқнинг баъзи унсурларини ўз ичига олган диний кодекс эди.

Айниқса, Видевдатда муайян жиноят учун тўланадиган бадал ва олинадиган жазо аниқ белгиланади. Видевдатда бадал (сіоа) тушунчаси А.Л. Деруа[1] томонидан ўрганиб чиқилди. Унинг таъкидлашича, бадал «Видевдатда битим (transaction)нинг бир тури сифатида роль ўйнайди: у бузилган тартибни қайта тиклаши керак. Ҳуқуқбузар айбни юмшатиш (*paitita*) учун кетадиган бадал (сіоа) тўлайди. Бу *paitita* етказилган зарар (*uzuuarez-*)ни бартараф этиш учун тартибни (*par-*) тиклайди; шундай қилиб, диндор дин муносабатларида тартибни тик-

[1] *Deroy Louis A.* Les noms de l'expiation dans le Videvdat // Indo-Iranian Journal. 1987. № 30

лайди». Аммо, масалан, таҳқирлаш, аборт қилиш ва шу каби ҳолатларда бу «битим» (*transaction*) кимлар ўртасида амалга оширилиши аниқ эмас. Жиноятчи ва жамоа ўртасидами? Бу *transaction* сифатида талқин этилиши мумкинми?

Кейинроқ муаллиф Видевдат «ўз ишлари учун жавобгар бўлган – баъзида ҳаёти билан жавоб берадиган жиноятчиларни назарда тутмайдиган жазо кодексидир; ахлоқий жазо тушунчаси *(de peine moral)* шу тариқа келтирилмаган ёки энг аҳамиятсиз даражада келтирилган» деган хулосага келади[1]. Бу ерда яна хулди шундай, тадқиқотчи «ахлоқий жазо» деганда нимани назарда тутаётгани ва бошқа қадимий ҳуқуқий матнларда бу «ахлоқий жазо» қай даражага эга бўлганлиги аниқ эмас. Тадқиқотчи уни яна шундай умид билан якунлайди: «Мен бошқа тадқиқотларга ишонаман – масалан, sraoša тушунчаси ва унинг хосилалари бу жавобгарлик доктринаси билан бирга айбдорлик тушунчасига ҳам ойдинлик киритиши мумкин»[2].

Sraoša (итоаткорлик) бўйича бундай тадқиқот 1985 йилда Г. Кройенброк томонидан нашр этилади[3]. Гарчи *sraoša*нинг ҳуқуқий жиҳатлари муаллиф томонидан алоҳида кўриб чиқилмаган бўлса-да, у ушбу образнинг ҳуқуқ билан боғланиши анча кеч йўлга қўйилганини таъкидлайди. Ундаги: «*Sraošo. carana*– «итоаткорликнинг чарм қамчиси» ёки ҳатто «Сраоша қамчиси»– руҳоний айбдорларни жазолашда фойдаланадиган воситанинг бундай номи Сраоша худоси ўз қўлида «жинларнинг бошларига қарши» қурол тутганлигидан келиб чиққан эди (Y. 57.31), бу атаманинг ўзи фақатгина кейинчалик Авесто матнларида тасдиқланган кўринади»[4].

Таъкидлаш мумкинки, жазонинг бундай алоҳида худо шаклида ифодаланиши қадимги дунёнинг, хусусан, қадимги Юнонистоннинг кўплаб ҳуқуқий қарашларига хос эди. Бироқ биз С. Цицеронинг бундай қарашни фақат қадимги Юнонистон билан чегаралаб қўйиши-

[1] *Deroy Louis A.* Les noms de l'expiation dans le Videvdat ... P. 20.
[2] *Deroy Louis A.* Les noms de l'expiation dans le Videvdat ... P. 20.
[3] *Kreyenbrock G.* Sraosa in Zoroastrian Tradition. Leiden: Brill, 1985.
[4] Ўша манба. 175-бет.

ни қабул қила олмаймиз. У «Жазо фалсафаси» (Penal Philosophy) мақоласида айтади: «унинг келиб чиқиши, ижтимоий соҳа сиёсий жиҳатдан ташкил этилган, шу билан бирга, фазовий асосларга боғлиқ бўлган қадимги Юнонистонга бориб тақалади. Бу ерда мавжуд юриспруденция худолар шаклини — бадалга асосланган универсумдаги тўғри тартиб устидан назорат қилган жазо фалсафасининг манбаи ва мақсади бўлган Немезида, Дика ва Эриний худолари шаклини олди»[1]. Авестода акс эттирилган бундай тушунчалар Эрон ва Ўрта Осиё халқларига ҳам хос бўлган.

Гарчи М. Моле Видевдат «қонунларнинг тўлиқ тўплами эмас, айниқса, мукаммал ахлоқий трактат эмас»[2] деб таъкидлаган бўлсада, ушбу ёдгорликнинг Ўрта Шарқда ҳуқуқий тушунчани ўрганишдаги аҳамиятини эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Ҳуқуқий ва диний меъёрлар ўртасида ўзаро боғлиқлик нақадар чамбарчас бўлганлиги юқорида айтиб ўтилди, ҳатто дафн маросими, мотам тутиш ва ҳоказоларга оид диний кўрсатмалар ҳуқуқий кўрсатмалар сифатида ҳам қаралиши мумкин.

Қадимий Ўрта Осиёдаги ҳуқуқий меъёрларни қайта тиклаш учун мазкур диний кодексдан қанчалик фойдаланиш мумкин? Бу саволга аниқ жавоб бериш қийин. Биринчидан, Видевдат қаерда тузилганлигини аниқлаш мураккаб. Бир томондан, унинг қадимги Ўрта Осиёда келиб чиққанини кўрсатувчи бир неча жиддий далиллар мавжуд, ҳар ҳолда, Видевдат кўрсатмаларига мос келадиган урф-одатлар ҳаммадан кўра кўпроқ айни Ўрта Осиёда кенг тарқалган эди. Бошқа томондан, матнда келиб чиқиши Ўрта Осиёга оид бўлмаганлигини аниқ кўрсатиб берадиган худди шундай аниқ тафсилотлар мавжуд; унинг (айниқса, охирги фрагардлари) ғарбда, Форс юртида паҳлавий тилида тузилган кўплаб матнлар билан яқинлиги бу зардуштийлик матнининг якуний таҳрири айнан ўша ерда бўлганлигини кўрсатади. Шунга қарамай, Видевдатнинг ҳуқуқий меъёрларига алоҳида эътибор қара-

[1] *Tsitsis S.* Philosophy of Penal Law / Gray Ch.B. (ed.) The Philosophy of Law: An Encyclopedia. In 2 vol. Vol. II. New York-London, Garland Publishing, Inc., 1999. P. 637.

[2] *Mole M.* La structure du premier chapitre du Videvdat // Journal Asiatique. 1951. № 2. P. 284.

тиш керак, чунки улардаги гаплар қадимги Ўрта Осиё ҳудудларидаги ташқи белгилар билан мос келади ва Ўрта Осиё халқларининг яқин қўшнилари — ҳиндулар ва эронликлар орасида ҳам шунга ўхшаш манзара кузатилади.

Қасамёдлар ва тамғалаш

Келишувга (оғзаки ёки ёзма) содиқлик Ўрта Осиё халқлари орасида жуда муҳим хусусият ҳисобланган, зардуштийлик пантеонининг муҳим ҳудоларидан бири келишув ҳудоси Митра бўлганлиги ҳам бежиз эмас. «Митра мадҳи»да унинг саккизта илоҳий мулозимлари ҳақида гапирилган бўлиб, улар «ҳар қандай баландликда ўтириб, // ҳамма жойни кузатиб // сўзини бузадиганларни // ҳамма жойда кўришади. // Биринчи бўлиб келишувни бузганларни // улар дарҳол сезишади // уларни таниб олишади» (Михр Яшт, 45)[1]. Митрадан олинган теофор номлари Парфияда эски Нисодан топилган сопол бўлакларида (мил. авв. II — I асрлар)[2] ва Хоразм Тупроққалъасидаги сарой архивидаги ҳужжатларда (мил. III — IV асрлар)[3] ҳам топилди.

Келишув тор ҳуқуқий маънода патиман (қадимги эронча pati-mana) деб номланарди. Асл нусхаси, чамаси, мил. I асрларга бориб тақалувчи, паҳлавий тилида битилган «Одил Вираз ҳақидаги китоб» асарида адолатли зардуштий Вираз ҳақида гапирилган бўлиб, у дўзахга борганида «тезучар ўқлар, тошлар ва кесаклар билан калтакланган одамнинг руҳини кўрган»; маълум бўлишича, бу «ер юзида солиҳлар ва гуноҳкорлар билан тузган келишувларини тез-тез бузган гуноҳкорнинг руҳи экан, ахир, иккала келишув ҳам амалда, ҳақиқий эди: солиҳлар билан тузилгани ҳам, гуноҳкорлар билан тузилгани ҳам»[4].

[1] Ушбу манбадан келтирилган: Авеста: Избр. гимны; из Видевдата / Пер. Стеблин-Каменского...

[2] Масалан, Митридат, Рашнмитр, Митрбарзан (Қаранг: *MacKenzie D.N.* Some Names from Nisa // Переднеазиатский сборник, IV. М., 1986. С. 105, 111.

[3] *Митрибартак* (Қаранг: *Толстов С.П.* По древним дельтам... С. 220).

[4] Ушбу манбадан келтирилган: Пехлевийская божественная комедия. Книга о праведном Вираз (Арда Вираз намаг) и др. тексты / Введение, транслитерация пехлевийских текстов, пер. и комментарий *Чунаковой О.М.* М., 2001. С. 116.

Видевдатда келишув тушунчаси марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Келишув тимсоли Митра учинчи фрагардда (III, 1) энг кўп улуғланган худо сифатида тилга олинади. Видевдатда Митра (Келишув) билан бирга адолатнинг икки томонини ўзида мужассам этган иккинчи даражали худолар — Рашну (Адолат) ва Сраоша (Итоаткорлик) ҳақида сўз боради. Тўртинчи фрагардда гаровга қараб олтита турдаги (IV, 2 — 4) ва мавзусига қараб учта турдаги (IV, 44 — 45) келишувлар кўриб чиқилади; келишувларни тузишда ҳам, уларнинг бузилиши гумон қилинган тақдирдаги синов (қиздирилган темир босиш) олдидан ҳам Митрага қасамёд қилинарди (IV, 54 — 55). Қасамёд қилиш «қайнаётган сув олдида бошланиши керак, шунда ҳеч ким ўз қўшнисининг букасини ёки кийимини олганлигини инкор этолмайди» (IV, 46).

Ўзбекистон ҳудудида яшовчи қадимги халқларда (кўплаб бошқа қадимги халқлар каби) ўзаро ҳуқуқий низоларда, энг муқаддас худо номи билан қасамёд қилиш талаб қилинганлиги ҳақида мил. авв. 464 йилда пайдо бўлган «элефантин папируси» ҳам билвосита гувоҳлик беради. Ушбу ҳужжатга кўра, хоразмлик Харшиннинг ўғли, Нилнинг пастки қисмидаги Элефантина оролидаги чегара қўшинида хизмат қилган Даргаман исмли йигит ўша чегара қўшинининг бошқа бўлинмасидан яҳудий Махсей билан ер майдони бўйича мулкий тортишув бошлайди. Натижада Махсей Йахо номи билан қасам ичган ва Даргаман мамнун бўлиб дейди: «Сен менга Йахо (яъни Яхве) — элефантин қалъасидаги худо номи билан қасам ичдинг... ер майдони бўйича мен олдин ҳам сенинг устингдан Дамидат ва унинг бошқа ҳамкасб судьялари олдида шикоят қилган эдим. Улар сенга Йахо (номи)га бу Даргаманнинг ери эмаслиги ҳақида қасам ичирдилар ... Сен Йахо билан қасамёд қилдинг ва ушбу ер борасида менинг кўнглимни хотиржам қилдинг. Мен сенга қарши даъво қўзғамайман ... на мен, на қизим...»[1].

Бир қатор ҳолатларда ичилган қасамлар етарли эмас деб ҳисобланиб, қиздирилган темир босиш жазоси қўлланиларди.

[1] Ушбу манбадан келтирилган: *Ртвеладзе Э.В.* Еврен-иудаисты в доисламской Средней Азии // Евреи в Средней Азии: Вопросы истории и культуры. Сборник научных статей и докладов Ташкент, 2004. С. 6.

Тамғалаш айбдорлик аниқланганда ҳам, гувоҳлик кўрсатмаси беришда ҳам қўлланилган эди. Р. Ливиер «Европа ва Хиндистондаги тамга босишлар» мавзусидаги қиёсий тадқиқотида таъкидлаганидек, тамға босиш «деярли ҳар қандай жамиятда ҳуқуқий тизим эволюциясининг бир қисми ҳисобланади». Қасам ичишдан ташқари қадимги дунёда «бошқа инсоний далиллар [олиш усуллари] бўлмаганида» тамға босишдан фойдаланиш мумкин эди[1].

Қадимги ҳинд-европа халқларидаги тамға босиш ишларининг ўхшашлиги Ўрта Осиёнинг қадимги халқлари орасида ҳам худди шундай амалиёт мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Биринчидан, Видевдатнинг (IV, 46 – 51) қасам ичиш пайтида бундай тамғалаш қандай амалга оширилганлиги ҳақидаги кўрсатмаси эътиборни тортади: «Агар сиз уни (яъни шубҳали шахсни) синаб кўрмоқчи бўлсангиз, унга ичиши учун олтингугурт ва олтин солинган қайноқ сув беринг ва у Рашна ва Митрага мурожаат билан ўз қасамини такрорлайди». Агар тамға босиш натижасида гумон қилинувчи «атайин олтингугуртли, олтинли, ҳақиқатни биладиган сувнинг олдида, Рашну ва Митра олдида ёлғон гапираётган бўлса», уни қаттиқ жазо кутади: «от қамчисида етти юз дарра, хивчин билан етти юз дарра».

Муқаддас сувни ичишга ўхшаш синовлар бошқа қадимги ҳуқуқий анъаналарда ҳам қайд этилади. Қадимги Юнонистон ҳақида Флавий Филострат шундай ёзади: «Тиананинг ёнида, айтишганидек, қасамларни назорат қилувчи Зевсга бағишланган ва Асбамей деб *аталган бир булоқ бор: унинг суви совуқ бўлса ҳам, қайнаб турган* қозондагидек қайнаб туради ва қасамига содиқлар учун у ширин ва фойдалидир, қасамини бузганларни эса жазолайди, уларнинг кўзларига, қўлларига ва оёқларига ташланади ва истиқо ва сил касалликларини чақиради, оқибатда нобакорлар булоқдан узоқлаша олмайди ва ўша ерда йиғлаб сувга ёлғон гапирганлигини тан олишади»[2]. Қадимги Хиндистоннинг «Дҳармашастра» ёдгорлигида «айбланувчига ўзи сигинадиган маъбуда ибодат маросимлари билан ювиладиган сув-

[1] *Lariviere R.W.* Ordeals in Europe and India // JAOS. 1987. Vol. 101 (3). P. 347 – 348.
[2] *Флавий Филострат.* Жизнь Аполлония Тианского. М., 1985. С. 7.

дан уч қултум ичишни буюриш айтилади. Агар у билан икки хафтадан бирида бахтсизлик содир бўлса, бу унинг таъсиридан далолатдир» дейилади[1].

Зардуштийлар ҳаётида сув билан синашдан ташқари эритилган мисни айбланувчиларнинг яланғоч кўкрагига қуйиш билан тамға босиш ҳам тилга олинади. Сосонийлар империясида тамға босиш амалиёти мавжудлиги ҳақида Хитой манбаларида хабар берилган: ким исёнда гумон қилинса, «унинг тилини иссиқ темир билан куйдиришади: оқ яра одилликни англатади, қора яра эса ноҳақлик белгисидир»[2].

Шунга ўхшаш, фақат сал шафқатлироқ тамға босиш шакли «Дхармашастра»да тавсифланган: айбланувчи кафтида ашвадха дарахтининг еттита барги билан ўралган қизиган темир бўлагини тутиб бир қанча масофа юриши керак бўлган[3].

Шундай қилиб, қадимги Ўрта Осиё давлатларида шартнома тузишда ва тамғалаш маросимида келтирилган қасамлар бошқа ҳинд-европа халқлари ўртасидаги шунга ўхшаш урф-одатларга яқин эди.

Жазо (ўғирлик учун жазо мисолида)

Жазо институтининг шаклланиши ҳам давлат ва унинг институтлари ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Айнан шу боскичда, Ю.И. Семёновнинг фикрича, «давлатнинг бир фуқароси унинг бошқа фуқаросини ўлдириши, бунга олиб келган сабаблардан қатъи назар, қатъий тақиқланиши вужудга келди. Фуқароларнинг қонуний равишда ўлдирилиши давлат монополияси саналарди. Қолган барча қотилликлар ноқонуний бўлиб, улар жиноят ҳисобланарди. Бундан кейинги жиноятлар ўғирлик, талончилик, зўравонлик ва ҳоказолар эди. Жиноий қонун мана шундай шаклланган эди»[4].

[1] Ушбу манбадан келтирилган: Дхармашастра ... С. 97.
[2] Ушбу манбадан келтирилган: *Бичурин Н.Я.* Сведения о народах ... С. 326.
[3] Дхармашастра ... С. 95.
[4] *Семенов Ю.И.* Основные понятия обычного права: ...

Эрон ва Ўрта Осиё халқлари томонидан қабул қилинган жазоларнинг энг батафсил рўйхати VII асрга оид «Бейшу» расмий хитой йилномасида келтирилади. Гарчи мазкур жазолар Ўрта Осиёнинг фақат ғарбий қисмини ўз ичига олган Сосонийлар империясида қўлланилган ва ўрта асрларнинг дастлабки даврларига оид бўлса-да, биз уларни тўлиқ келтирамиз. Булар: «Жиноий ишларда улар муҳим жиноятлар учун ходаларга осиб қўядилар ва камондан ўқ отиб ўлдирадилар; унчалик муҳим бўлмаган айби учун улар қамоққа олинади ва янги подшо тахтга ўтиргандан кейин қўйиб юборилади. Енгил айблар учун бурунларини кесиб ташлашади, оёқларини кесиб ташлашади, сочларини киришади ёки соқолларини ярмигача кесишади ва шарманда қилиш учун бўйнига тахтача осишади. Қароқчилар ва ўғрилар умрбод қамоқ жазоси билан жазоланади. Зодагоннинг хотини билан зино эркакни қувғин қилиш, аёлнинг қулоқлари ва бурунларини кесиб ташлаш билан жазоланади»[1].

Давлатнинг ривожланиши ҳар доим мулк институтининг мураккаблашиши — олдинги жамоа ёки уруғнинг табақаланиши, хусусий мулкнинг ҳар хил шакллари пайдо бўлиши билан бир вақтда юз берди. Шунга кўра, қонунга зид ҳаракатларнинг янги тури — бошқаларнинг мулкига нисбатан жиноят тушунчаси вужудга келади, жиноятнинг кенг тарқалган шаклларидан бири эса ўғриликдир.

Суриялик Бардесаннинг (мил. 154 — 222 йй.) Кушонда кичкина буюмни ўғирлаганликда айбланган жиноятчига тупурилганлиги ҳақидаги маълумотлари сақланиб қолганини айтиш жоиз[2]. Тупуриш, чамаси, омма олдида жазолашнинг ўзига хос тури бўлган, у бундай усул билан жазоланган одам учун муайян ижтимоий оқибатларни келтириб чиқарарди. Шу билан бирга, ўғри жамиятдан «ҳайдаб чиқарилган», унга умрбод шармандалик тамгаси босиларди.

Кушон давридаги ўғрилик ва унга бўлган муносабат тўғрисида қўшимча маълумотни диний эпиграфик ёдгорликлардан топиш мумкин.

---

[1] Ушбу манбадан келтирилган: *Бичурин Н.Я.* Сведения о народах ... С. 262 — 263.

[2] Қаранг: *Кошеленко Г.А.* Парфия и Индия: политические и культурные контакты // Индия и Центральная Азия (доисламский период). Ташкент, 2000. С. 139.

Масалан, Эски Термиздаги Қоратепанинг буддавийлар мажмуасидан топилган сопол буюмларга «эгасига тегишли» ёзувлари орасидан В.В. Вертоградова қуйидагиларни келтиради: «Диққат! Шахсий! Ҳеч ким олиб кетмасин! Ким олиб кетса, ўша ўғри!» (ham-pugaliga/m/ – nakaişa-hartthavya-yo-harati-so-coro-bhavati)[1]. Шубҳасиз, бу ёзув Қоратепадаги буддавийлик вихараси (ибодатхона мажмуаси)даги роҳибларнинг шахсий мулкига тегишли муайян ҳуқуқий муносабатларни акс эттиради. Тўғри, бу ёзув ҳуқуқшунослик тарихини ўрганувчилар учун мазкур вихара роҳиблари орасида ўғирлик ҳолатлари бўлиши мумкин деган хулосадан ташқари катта аҳамиятга эга маълумот бермайди. Ушбу ёзувдан биз на ўғирлик ҳолатлари бўйича тафтиш қандай олиб борилганини, на айбдорни қандай жазо кутганини «ўқий оламиз». Биз фақатгина буни буддавийлар жамоаларининг биринчи қисмида «Виная таснифлари» («Виная-вибханги») – интизомий сангҳа меъёрлари келтирилган Виная низомига асосан тахмин қилишимиз мумкин. Унда Будданинг роҳибларнинг одоб-ахлоқ қоидалари, қоидалар бузилган тақдирда унинг оғирлик даражасига қараб тавба қилишдан сангҳадан чиқариб ташлашгача бўлган интизомий жазо турлари тўғрисидаги чуқур маъноли гаплари келтирилади. Винаяга кўра, ўғирлик буддавийликдаги энг оғир гуноҳлардан бири бўлганлиги сабабли унда айбланганлар жамоатдан чиқариб юборилиши керак эди.

Ўрта Осиёнинг жанубий минтақалари билан бир қаторда Ҳиндистоннинг катта қисми ҳам Кушон империясининг таркибига кирганлигини ҳисобга олсак, Ўрта Осиё қонунларига нафақат буддавийликнинг мазкур ҳуқуқий ғоялари, балки қадимги ҳинд ҳуқуқий қарашларининг янада кўпроқ тадқиқ қилинган матнлари таъсирини ҳам тахмин қилиш мумкин. Нараданинг «Дҳармашастра» – қадимий ҳинд ҳуқуқий тафаккури ёдгорлигида келтирилган, Бардесан хабари ва Қоратепа ёзувлари билан бир хил даврга оид бўлган ўғриларга жазо бериш тўғрисидаги меъёрларни келтириб ўтиш ҳам қизиқарлидир. Ушбу ҳуқуқий мажмуада «Ўғриларга қарши чоралар» деб номланган махсус бўлим бор эди. Унда ўғирлик учун икки хил жазо белгиланган – жа-

[1] Ушбу манбадан келтирилган: *Вертоградова В.В.* Индийская эпиграфика ... С. 100 – 101.

рималар ва бармоқни охиригача кесиб ташлаш («ҳамён ўғриларида биринчи ўғирликни амалга оширганида»), шунингдек, ўлим жазосидир. Жарима ва жисмоний жазо миқдори тўғридан-тўғри ўғирланган нарсанинг қийматига боғлиқ эди: «Ўғри жазоланиши керак: оғирроқ жиноят учун янада оғир жазо»[1]. Умуман олганда, жарима солиш қадимги даврлар ва илк ўрта асрларда ҳинд-эрон халқларининг ўғирлик учун жуда кенг тарқалган жазо тури бўлган, бу ҳақда юқорида тилга олинган Хитой «Тангшу» солномасида таъкидланади: Боса (Форс) давлатида «ўғрилар жаримани кумуш билан тўлайдилар»[2].

Зардуштийликка келсак, мулкни ўғирлашга нисбатан меъёрларни ўз ичига олган иккита асосий зардуштийлик матнлари – Никадум (*Nikâdûm*) ва Гана-басд-сар-нигад (*Ganabasâ-sar-nigad*) Денкартнинг тўртинчи бобида фақат қисқача изоҳларда сақланиб қолди[3].

Видевдатда ўғрилик билан боғлиқ меъёрлар тўртинчи фрагардда фақат битта парчада келтирилган бўлиб, унда қарзни қайтармаслик ўғриликка тенглаштирилади: «Ким қарз берган одамга қарзини тўламаса, у унинг нарсасини ўғирлаган бўлади ва у одамни тунаган бўлади. У ўз уйида қўшнисининг мулкини ўзиникидек сақласа, буни ҳар куни ва ҳар тун қилган бўлади» (Видевдат, IV, 1). Ушбу парчанинг паҳлавийча шарҳида тўловга қодир бўлмаган қарздорни қандай жазо кутаётганини кўриш мумкин: «Олаётганда қайтариб бермасликни кўзлаган одам ўғри; қайтиб беришини сўрашганда қайтариб бермаган одам талончи ... У ўғриларнинг ўғриси ва қароқчиларнинг қароқчисидир. У қамоққа олиниши ва жисмоний жазога лойиқдир, чунки у Ёлғонни туғдиради»[4]. Ғарбий Эронда Геродотнинг маълумотлари шунга ўхшаш меъёрларнинг мавжудлигини кўрсатади: қарз олиш ёлғондан кейинги ўриндаги тубан иш ҳисобланади; бунга асос қарздорнинг ёлғон гапириш эҳтимоли юқорилигидир (Herodot I, 183).

---

[1] Ушбу манбадан келтирилган: *Дхармашастра Нарады*. С. 141.

[2] Ушбу тўпламдан келтирилган: Древний Мерв... С. 112.

[3] Қаранг: Pahlavi texts / Translated by *E.W. West*. Pt. V. Content of the Nasks. Delhi, 1965. P. 35 – 152.

[4] Pahlavi Vendidad (Zand-i Jvit-Dev-Dat) / Transliteration and Translation in English by *Anklesaria B.T.* Bombay, 1949.

Зардуштийларнинг бошқа бир китоби «Дадестан-и Дениг» («Диний қарорлар китоби») асарида ўғриликлар қаторида бировнинг хотинини йўлдан уриш ҳам қайд этилади[1]. Ясна 12 китобида (зардуштийликда «эътиқод рамзи») ҳар бир эътиқодли зардуштий «молларни ўғирлаш ва тортиб олишдан, зарар ва вайронагарчилик келтиришдан» юз ўгириши ва «бу ерда чорваси бор одамларнинг эркин ҳаёти ва эркин ҳаракатланишини» таъминлашга қасам ичишлари кераклиги айтилади[2].

Биз тақдим этган маълумотларнинг барча парчаларини йиғганда, жилла қурса, қадимги Ўрта Осиёда ўғирлаш билан боғлиқ жиноий ҳуқуқ меъёрлари қандай мазмунда бўлганлигини аниқлашга имкон беради. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ҳудудида ўғрилик учун жазо шаклларининг кейинги ривожланиши уларни кучайтириш томон боради. Бухоро хонлигида асирликда сақланган Филипп Ефремовнинг (XVIII асрнинг иккинчи ярми) маълумотларига кўра, «ўғирликда кам ҳолларда қатл этилади; эркаклар осилади, аёллар кўкрагигача ерга кўмилади ва тош билан ўлдирилади»[3].

Шундай қилиб, Ўрта Осиёнинг қадимги давлатчилик тузилмалари ҳудудида бутун қадимги дунё учун умумий бўлган диний-маросим меъёрлари ва урф-одатларни ҳуқуқий меъёрларга айлантириш, ҳуқуқ ва қонунларнинг аста-секин давлатнинг мустақил институти сифатида ажралиб чиқиш жараёнлари кузатилади. Гарчи манбаларнинг етишмаслиги бу жараёнларни батафсил қайта тиклашга имкон бермаса ҳам, улар ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг юқори даражадаги табақаланишини акс эттирганлиги аниқ кўриниб турибди.

[1] Dadistan-i Dinig («Religious Decisions») / Translated by *West E.W.*, Sacred Books of the East. Vol. 18. Oxford University Press, 1882.

[2] Ушбу манбадан келтирилган: *Абаев В.И.* Избранные труды. Религия. Фольклор. Литература. Владикавказ, 1990. С. 24.

[3] Ушбу манбадан келтирилган: Путешествия по Востоку в эпоху Екатерины II. М., 1995. С. 154.

ҲУКМДОРЛАРНИНГ МАҚОМЛАРИ

Муайян давлатнинг сиёсий ўрни турли омиллар билан бирга кўп жиҳатдан мақом, яъни ушбу давлатни бошқарувчи шахснинг фахрий мақоми билан белгиланади. Бу мақомлар отадан ўғилга ва шунга ўхшаш тарзда мерос қилиб олинган ёки даражаси тенг бўлган одамларнинг ҳокимият учун кураши натижасида қўлга киритиларди. Давлатнинг катталашиши ва унинг қудрати ўсиши жараёнида нисбатан кичик мақомга эга бўлган илк ҳукмдорининг шахсияти ва унинг давлат мақоми шунга мос равишда ўсиб борган. Баъзи ҳолатларда эса давлатларнинг ҳукмдорларини худолар билан қариндош деб ҳисоблашгача боришган, масалан, Хитойда уларга «худонинг ўғли», ҳиндларда «девапутра», бақтрияликларда «багопоиро» мақомлари берилган. Албатта, тарихда сиёсий аҳамиятга эга бўлмаган ўлка бошлиқлари «шоҳ», ҳатто «шоҳлар шоҳи» мақомини олган ҳолатлар ҳам мавжуд, аммо бу қоидага мосликдан кўра қоидадан истисно ҳолатлар бўлган эди.

Буларнинг барини инобатга олган ҳолда бевосита тадқиқотимиз мавзусига ўтамиз.

Қадимги Ўрта Осиёнинг шоҳлари ва ҳукмдорларининг мақомлари тадқиқотчиларни узоқ вақтдан бери қизиқтириб келмоқда, уни ўрганишда, айниқса, В.А. Лившиц[1], Б.И. Вайнберг[2], И.М. Дьяконов[3], Е.В. Зеймаль[4], С.П. Толстов[5], О.И. Смирнов[6], В.Б. Ханнинг[7] томонидан кўплаб ишлар олиб борилди.

---

[1] *Лившиц В.А.* К открытию бактрийских ... С.55 – 73; *Лившиц В.А., Кругликова И.Т.* Фрагменты бактрийской монументальной надписи из Дильберджина // Древняя Бактрия. М., 1979. С. 98 – 113; *Лившиц В.А., Луконин В.Г.* Среднеперсидские и согдийские ... С. 155 – 176.

[2] *Вайнберг Б.И.* Монеты древнего ... С. 82 – 85; Некоторые вопросы истории Тохаристана в IV – V вв. (в связи с запустением Кара-тепе) // Буддийский культовый центр Кара-тепе в Старом Термезе. М., 1972.

[3] *Дьяконов И.М.* Восточный Иран ... С. 122 – 125.

[4] *Зеймаль Е.В.* Политическая история ... С. 208 – 212.

[5] *Толстов С.П.* Древний Хорезм ...

[6] *Смирнова О.И.* Каталог монет ... С. 173 – 211.

[7] *Henning W.B.* Mitteliranisch // Handbuch der Orientalistik. Bd. IV: Iranistik. Ab. I. Leiden-Koln, 1958; Ўша муаллиф. Additional Notes on the Early Coinage of Transoxiana // American Numismatic Society. Museum Notes. VII. New York, 1957.

Бироқ улар асосан алоҳида давлатларнинг, масалан, Хоразм ёки Кушон империясининг мақомларини ўрганишган, боз устига, асосий эътибор мақомнинг келиб чиқиши, унинг мазмуни ва этник мансублигини аниқлашга қаратилди. Умуман олганда, Ўрта Осиёнинг мусулмонларгача бўлган ҳукмдорларининг мақоми, унинг ривожланиш табиати ва хронологик кетма-кетликдаги ўзгаришларини кўриб чиқадиган тадқиқотлар ҳали мавжуд эмас.

Шу билан бирга, мавжуд маълумотларнинг таҳлили ҳукмрон давлатларнинг тилига ёки тарихий-маданий сабабларга қараб бутун тадқиқ этилаётган давр мобайнида Ўрта Осиё ҳукмдорлари мақоми алмашишининг тарихий мантиқий жараёнини аниқлашга имкон беради.

Ушбу кўп асрли жараённи ўрганишнинг мураккаблигига маълумотларнинг етишмаслиги сабаб бўлиб, улар фақатгина хитой ва юнон-рим ёзма манбаларида келтирилган нумизматик, қисман эпиграфик маълумотлар билан тўлдирилган қисқача маълумотлардан иборат. Уларнинг тадқиқоти шуни кўрсатадики, кўриб чиқилаётган даврда Ўрта Осиё ҳукмдорлари мақоми эволюциясида тўрт даврни ажратиб кўрсатиш мумкин: авесто даври (мил. авв. I мингйилликнинг биринчи ярми), ахамонийлар даври (мил. авв. VI аср ўрталари – мил. авв. IV аср охири), эллин даври (мил. авв. IV аср охири – II аср иккинчи ярмининг бошлари, аммо Бақтрияда бу давр мил. II асрга қадар давом этган) ва оромий-кушон даври (унинг бошланиши мил. авв. II асрга, тугаши илк ўрта асрларга тўғри келади), шунингдек, оромий-кушон мақоми Ўрта Осиё Икки дарё оралиғининг бир қатор ўлкаларида мил. VIII асрга қадар сақланиб қолди.

Бу Ўрта Осиёда бошқа тилга, масалан, саклар, қадимий Хоразм ёки қанғларга мансуб ҳукмдорларнинг мақомлари мавжуд бўлмаган дегани эмас, аммо, афсуски, илм-фан ҳали ҳам бу борада маълумотларга эга эмас. Биз, шунингдек, Ўрта Осиёда сўнгги бронза даврида давлатчиликнинг пайдо бўлиши вақтида ўтроқ-деҳқончилик қабилаларининг ҳукмдорлари қандай мақомга эга бўлганлигини ҳам билмаймиз. Авесто давридаги мақомларни улар билан боғлаш борасидаги уринишлар

ўзини оқламади, чунки Авесто тили бутун Ўрта Осиёда мил. авв. II мингйилликда мавжуд бўлганлиги ҳақида аниқ далиллар йўқ.

Шундай қилиб, биринчи давр – Авесто даври (мил. авв. I мингйилликнинг биринчи ярми).

Ўрта Осиё ҳукмдорларининг фанга маълум энг қадимги мақоми «кави» бўлган бўлиши мумкин, бу мақом, тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, аҳамонийларгача бўлган даврда Бақтрия ёки Дрангиёна шоҳларини англатган эди. Айнан зардуштийлик анъаналари қатъий равишда Балх (Бақтрия) билан боғлайдиган кавилардан бири – Кави Виштаспнинг саройида Зардушт ўз ваъзларини бошлайди.

И.М. Дьяконовнинг фикрича, кави дастлаб «шоир», «авлиё» деган тахаллус бўлган, кейинчалик шоҳ мақомига ўхшаш бир нарсага айланган[1]. В.А. Лившиц маълумотларига кўра, «кави» мақомига асосан зардуштийлик жамоасига душман бўлган кўчманчи қабилалар раҳбарлари эга бўлишган. Гатларда тилга олинган бу ном, унинг фикрича, ҳинд-эрон жамоалари даврига, яъни мил. авв. II минг йилликка оид бўлган[2]. Кавилар қабиланинг диний ва дунёвий кучларни бирлаштиришган олий руҳонийлари эдилар. Шундан кўриниб турибдики, ривожланишнинг дастлабки босқичларида илк давлат бирлашмалари ҳеч бўлмаганда Ўрта Осиёнинг жанубида теократик хусусиятга эга эди. Бу анъана кейинги даврларда ҳам сақланиб қолган, масалан, Кушон давлатида тангалар иконографиясида ўз татбиқини топган бўлиб, *шоҳ олов қурбонгоҳи олдида*, яъни *руҳоний вазифаларини бажарган* тарзда тасвирланади. В.А. Лившицнинг маълумотларига кўра, эрон мифологиясида кави – бу «яхши ҳокимлар», Зардушт ва зардуштийлик тарафдорларидир. Унинг фикрича, «кави» мақоми шунчаки қабила бошлиғидан кўра юқорироқ мақом ҳисобланарди[3].

Бу мақомдан шарқий эроний халқларнинг иккинчи афсонавий сулоласи – кавианидларнинг номи келиб чиқади, уларнинг асосчиси

[1] *Дьяконов И.М.* Восточный Иран ... С. 138.

[2] *Лившиц В.А.* Общество Авесты // История таджикского народа. Т. 1. М., 1963. С. 147, 508. Прим. 64.

[3] *Лившиц В.А.* Ўша ерда.

қандайдир Кави-Кавата (Шоҳномада – Кайкубод) бўлиб, унинг номида «Кави» мақоми ва Кавата номи бирлаштирилган эди[1].

Иккисулола мавжуд эди. Булар: мил. авв. IX аср – VIII аср бошларида (А. Кристенсен маълумотларига кўра, 900 – 775 йилларда) кавианидлар (илк кавилар) ва мил. авв. 660 – 540 йилларда, яъни мил. авв. VII – VI асрларда ҳукмронлик қилган паутаридлар (кейинги кавилар).

Аммо мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё ҳукмдорлари ҳақиқатан ҳам «шоҳ» мақомини олишганми? Маҳаллий манбаларда, шу жумладан, Авесто ва қадимги Эрон эпосидаги маълумотларда бу борада етарлича асослар келтирилмайди. Аммо қадимги Юнонистон манбаларидан мил. авв. VII – VI асрлардаги, яъни Ўрта Осиёда аҳамонийларгача ва илк аҳмонийлар даврларидаги воқеаларни тасвирлайдиган қизиқарли маълумотлар олиш мумкин.

Шундай қилиб, Ктесийнинг сўзларига кўра, «саклар сатраплигларнинг ташқарисида бўлишган», уларни подшоҳ – юнонча «басилевс» Кидрей бошқарган. Мил. авв. VII асрда ҳукмронлик қилган афсонавий Заринанинг эри ҳам «басилевс», яъни шоҳ мақомига эга эди. Мил. авв. VI асрнинг иккинчи ярмида Кир билан урушда саклар-нинг етакчиси бўлган Аморг ва дербикларнинг етакчиси Аморей ҳам худди шундай мақомга эга эди[2].

Бақтрия ҳукмдори Оксиарт ҳам басилевс деб номланган. Юнонлар Ўрта Осиё ҳукмдорлари мақомлари иерархиясидаги тафовутларни яхши тушунганлари шундан далолат беради ки, Парфия ҳукмдори Мермер шунчаки сулола раҳнамоси деб номланган, баркан қабиласининг ҳукмдори Астиал эса архонт деб[3], яъни иерархик аҳамиятига кўра басилевсдан кўра пастроқ бўлган мақом билан аталади.

Хуллас, аҳамонийлардан олдинги даврларда ҳеч бўлмаганда саклар ва Бақтрия ҳукмдорлари шоҳлик мақомига эга эдилар. Уларнинг

[1] *Пьянков И.В.* Древнейшие государственные ... С. 341 – 342; *Christensen A.* Les Kayanides. Kobenhagen, 1931. P. 31 – 34; *Jackson A.V.* W. Zoroaster, the Prophet Ancient Iran. N.Y., 1919. P. 57 – 60.

[2] *Пьянков И.В.* Средняя Азия в известиях античного историка Ктесия. Душанбе, 1975. С. 73, 81.

[3] Ўша манба. 75, 79-бетлар.

давлатларини подшоҳликлар деб аташ мумкин. Бундай ҳолда «кави» мақоми ўша пайтда мавжуд бўлган юнонча «басилевс» мақомига тенг эди деган хулосага келишимиз мумкин.

«Кави» мақоми кейинчалик ҳам мавжуд бўлади. Масалан, мил. авв. IV – V асрларда Бухоро воҳасида[1] муомалада бўлган «туронча» вариантдаги қурбонгоҳ тасвирланган мис тангаларда унинг ўнг томонида «кави» сўзи ёзилган. Мил. VI – VII асрларга оид Бухорхудот тангаларида шоҳ тасвирининг олдида pwy'r xwb k'w' ёзуви бор, у, одатда, «Бухоронинг шоҳи, подшоҳ» деб таржима қилинади, ундаги xwb «шоҳ», k'w' эса «подшоҳ» мақомини англатади[2].

Шундай қилиб, k'w' – «кави» мақоми, афтидан, Марказий Осиёда келиб чиққан, минтақанинг айрим ҳудудларида деярли бир ярим минг йил давомида мавжуд бўлган.

Ҳукмдорларнинг мақомлари Авестонинг энг қадимги қисмлари бўлган, мил. авв. I мингйиллик бошларини акс эттирган Яшт ва Гатда ҳам келтирилади. Унда энг муҳим мақомлар қаторига «састар» (туман ва унинг маркази ҳукмдори)[3] киритилган бўлиб, бундай мақомдаги ҳукмдор бошқарган ҳудудларга, эҳтимол, мил. авв. I минг йиллик бошларида Бақтрияда бўлгани каби, марказий манзилгоҳларига эга бўлган воҳалар, шунингдек, Бандихон I ва II марказий манзилгоҳларига (мил. авв. IX – VI асрларда) эга бўлган Бандихон воҳаси каби воҳалар киради. Худди шу ҳукмдорнинг ўзи уларда ҳарбий қўмондон вазифаларини ҳам бажарарди.

«Даҳюпати», афтидан, «ўлканинг ҳокими» мақомига тенг эди. Балки улар Македониялик Александр Бақтрия ва Сўғдга қилган юришлари тавсифида айтиб ўтилган – Наутака, Ксениппа, Габаза, Паретака ва Бобокент каби воҳаларни ўзида бирлаштирувчи кичик ўлкалар ҳукмдорлари бўлишгандир[4]. Бундай кичик ўлкаларнинг бо-

[1] *Лившиц В.А., Луконин В.Г.* Среднеперсидские и согдийские ... С. 170; *Явич М.М.* Замечание о неизвестном среднеазиатском алфавите // ТОВЭ. IV. Л., 1947. С. 212; *Смирнова О.И.* Заметки о среднеазиатской титулатуре // ЭВ. XIV. 961. С. 58.

[2] *Смирнова О.И.* Очерки ... С. 57.

[3] *Лившиц В.А.* Общество Авесты ... С. 139 – 147.

[4] Ўша ерда.

шида Оксиарт, Сизимитр, Хориен, Катан турарди. Юқорида санаб ўтилган унвондаги ҳукмдорлар бу ерда анча олдинги даврларда ҳам мавжуд бўлган бўлиши мумкин, чунки анъанавий воҳа шаклидаги тузилиш мил. авв. V – IV асрларда ҳам сақланиб қолган, уларнинг шаклланиши бронза даврига тўғри келади. Эҳтимол айнан шундай ҳукмдорлар «даҳюпати» мақомига эга бўлишгандир.

В.А. Лившицнинг фикрича, «барча даҳюлар даҳюпати» мақоми барча ҳудудлар устидан ҳоким, ҳудудий ва қабилавий бирлашманинг ҳукмдори деган маънони англатарди[1]. Бошқа олимлар ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлашади. Эҳтимол бундай мақомга, дейлик, Габаза, Бобокент, Паретакадек вилоят ва воҳалар каби кичик ҳудудий бирликларни ўз ичига олган Бақтрия, Сўғд каби йирик ҳудудий бирлашмаларнинг ҳукмдорлари эга бўлгандир.

И.М. Дьяконов Авесто маълумотларига асосланиб Ўрта Осиёда Хари Маура каби минтақаларнинг муайян бирлашмалари, яъни Маргиёнанинг Хария (Ҳирот) билан бирлашиши, Киш ва Урукнинг (мил. авв. XXVII – XXVI аср) биринчи сулолалари давридаги Месопотамия шаҳарлари федерациясига ўхшаш ноаниқ ҳарбий федерациялар мавжуд бўлган деб тахмин қилади[2]. *Даҳю састи* деб номланган федерацияларни ҳарбий раҳбарлар бошқарган бўлиб, уларнинг ҳокимияти «вилоятлар ҳокимлари кенгаши» – *даҳюнамфратемадата* билан чекланарди. Барча даҳюларнинг даҳюпати эса бирлашманинг олий судьяси ва диний раҳбари – Зардушт ротэма, яъни «Зардуштга кўпроқ ўхшаш бўлган» эди[3].

Шундай қилиб, турли хил манбалар аҳамонийларгача бўлган даврда, яъни мил. авв. VI асрнинг иккинчи ярмидан олдин Ўрта Осиёдаги энг юқори мартабали ҳукмдорлар учун иккита мақом – юнон муаллифлари «басилевс» мақомига ўхшаш бўлган деб тахмин қилган «кави» ва «барча даҳюпатларнинг даҳюпати» мақомлари қўлланилганини кўрсатмоқда.

[1] *Ртвеладзе. Э.В.* Александр Македонский ... С. 85 – 137.
[2] *Дьяконов И.М.* Восточный Иран ... С. 136 – 137.
[3] *Лившиц В.А.* Общество Авесты ... С. 149.

Уларнинг барчаси тенг бўлганлиги ва мил. авв. I мингйилликнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёнинг марказий ва ғарбий қисмларида мавжуд бўлган конфедератив типдаги давлат бирлашмаларининг иерархик тузилишидаги энг юқори мавқеи англатганлиги ҳам эҳтимолдан йироқ эмас.

Давлатчиликнинг бу тури маҳаллий асосда ривожланган, кейинчалик, ахамонийлар ва эллин давлатчилиги бошқаруви давридан кейин бу ерда асосий давлатчилик турларидан бири эди. Қанғ, Юэчжи ва Эфталитлар давлатлари ҳам худди шундай, лекин юқори ривожланиш босқичига эга конфедератив давлатлар эди.

Мил. авв. 539 ва 529 йиллар оралигида Ўрта Осиёнинг ҳудудлари ахамонийлар томонидан босиб олинган ва деярли икки аср давомида (329 йилгача, яъни Македониялик Александр қўшини Ўрта Осиёга келган даврга ча) бу ерда қадимги форсларнинг шоҳлик мақомлари — «шоҳ», «шоҳлар шоҳи» амалда бўлган эди.

Ўрта Осиёнинг ўзи ахамонийлар давригача бу ерда шаклланган Бақтрия, Парфия, Хоразмнинг тарихий ва маданий ҳудудларига мос келадиган *сатрапликларга* (махсус маъмурий бирликларга) бўлинган. Уларни ахамонийлар «шоҳлар шоҳи»нинг шахсий кўрсатмаси бўйича тайинлаган *сатраплар* (махсус шахслар) бошқарарди. Ушбу сатрапликларнинг энг йириги Бақтрия бўлиб, унинг сатрапи этиб, одатда, шоҳнинг ўғли тайинланган, бу ушбу сатрапликнинг роли жуда муҳим бўлганидан далолат беради[1].

Ахамонийлар даврида Ўрта Осиёда сатрапликларга қўшимча равишда ер эгалари томонидан бошқариладиган кичик маъмурий бирликлар мавжуд эди. Улар жуда катта эҳтимол билан маҳаллий аслзодалар томонидан, масалан, Наутака вилоятининг ҳокими Сизимитр, Паретака, Габаза ҳудудлари ҳокимлари Хориен ёки бақтриялик Оксиарт каби зодагонлар томонидан бошқариларди. Аммо уларнинг маҳаллий мақомлари ёзма манбаларда келтирилган эмас.

[1] *Пьянков И.В.* Сведения Ктесия о владениях Бардии на востоке Ирана // ВДИ. 1961. № 4. С. 98 – 103; Ўша муаллиф. Средняя Азия ... С. 33.

Ўрта Осиёнинг жанубий минтақалари Македониялик Александр томонидан забт этилиши, ундан кейин салавкийлар ва Юнон-Бақтрия подшоҳлари ҳокимиятининг ўрнатилиши билан мил. авв. III асрнинг ўрталаридан мил. авв. II асрнинг иккинчи ярмига қадар бу ерда фақат юнонларга хос шоҳлик мақоми мавжуд бўлиб турди: «басилевс» – шоҳ ва «басилевс басилеон» – шоҳлар шоҳи. Бу салавкий ва Юнон-Бақтрия тангаларида яққол акс этади[1].

Маҳаллий ҳукмдорлар мақомига келсак, чамаси, ўша пайтда Ўрта Осиёда мақоми подшоҳликка ўхшаш давлат мақомига мос келадиган, келиб чиқиши бўйича юқорида айтиб ўтилган юнон давлатлари бўлган давлатлардан бошқа турдаги давлатлар мавжуд эмасди. Фақатгина Хоразм бундан мустасно, унинг ҳукмдори Фарасман (бошқача айтилиши Фатуфарн) Мароқандга Македониялик Александрга дўстлик ва ҳамкорликни таклиф қилиб келган, у юнон ёзма манбаларида (Арриан) «басилевс», яъни шоҳ деб номланади.

Мил. авв. III аср ўрталарида салавкийлар ҳукмронлигидан озод бўлганига қарамай, Парфия шоҳлари, тангалардаги ёзувларга қараганда, юнонларга хос шоҳлик мақоми ва шунга мос унвонларни сақлаб қолишган[2].

Баъзи тарихий-маданий ўлкалари Сўғд ва Бухоро каби мил. авв. II аср бошларига келибоқ, бошқалари эса Шимолий Бақтрия сингари мил. авв. II асрнинг иккинчи ярмида юнон ҳукмронлигидан озод бўлган Ўрта Осиё Икки дарё оралиғи ҳудудида мақомларнинг шаклланиш жараёни бошқача эди.

Уларда олий ҳукмдорларнинг мақоми маълум маданий таъсирларнинг устувор роли ёки этник сабабларга кўра турли хил шаклларда ривожланади.

---

[1] *Бикерман Э.* Государство Селевкидов ... С. 13 – 19; *Тарн В.* Эллинистическая цивилизация. М., 1949. С. 63 – 71; Ўша муаллиф.The Greeks Bactria ...; *Bopearachche O.* Monnaies Greco-Bactriennes et Indo-Grecques. Paris, 1991; Houghton and Lorber C. Seleucid Coins: Comprehensive Catalogue. Part I – II. Vol. I – II. The American Numismatic Society. New York, 2002.

[2] *Gardner P.* The Parthian Coinage. London, 1877; Wroth. British Miseum. Catalogue of Coins of the Parthia. London, 1903.

Бу борада биз билган маълумотларнинг асосий манбаси мил. авв. II асрдан I асргача Юнон-Бақтрия тангаларига тақлидан зарб қилинган тангалар бўлиб, маълум бир босқичдагина уларда Ўрта Осиё Икки дарё оралиғининг маълум бир ўлкалари ҳукмдорларининг мақоми акс эттирилган хоразм, бақтрия ва сўғд тилларидаги матнлар пайдо бўлади. Маҳаллий ҳукмдорлар мақомининг ривожланишида бу давр оромий-кушон даври деб номланган, чунки уларнинг мақомлари учун хос белгилар уларнинг оромий ёки юэчжи (кушон) сулолаларидан келиб чиққанлигини кўрсатади.

Мил. авв. II асрда Бухоро вилоятида Евтидемнинг тетрадрахмларига ўхшатиб зарб қилинган, мил. авв. II аср — мил. I асрда муомалада бўлган тангаларда[1], В. Хеннингнинг маълумотларига кўра, оромийча MR'Y мақоми пайдо бўлади[2]. Унинг асл маъноси — жаноб, аммо Ўрта Осиё ҳукмдорларига нисбатан, одатда, ҳукмдор сифатида таржима қилинади, аммо бунда шоҳлик мақомидаги ҳукмдор тушунилмайди[3].

Бинобарин, MR'Y мақомига эга бўлган ҳукмдорлар бошчилигидаги ўлкалар, аслида, шоҳлик шаклидаги давлат бўлган эмас.

MR'Y мақоми, шунингдек, Жанубий Сўғддаги Геракл ва Зевс тасвирланган кумуш тангаларда ҳам кўрсатилади. Уларда мақомдан ташқари ҳукмдорнинг номи ҳам ёзилган бўлиб, Е.В. Зеймаль уни *yw'nw'n* деб ўқийди[4], мен эса ёзувларнинг тикланган прототипи асосида Artt — MR'Y Artt деб ўқидим[5]. Ушбу тангалар зарб этилишининг бошланиши, Евтидем тетрадрахмларига ўхшатиб қилинган тангалардаги алеф (яҳудий алифбосидаги биринчи ҳарф)нинг ёзилишига ўхшаш архаик ёзувига кўра, тахминан мил. авв. II асрнинг иккинчи ярми — I асрларга тўғри келади.

Тахминан айни шу даврда қадимги Хоразмда мил. авв. I асрдан мил. I асргача бўлган даврдаги[6] Б ва С гуруҳлари тангаларида яна

[1] *Зеймаль Е.В.* Политическая история ...

[2] *Henning W.B.* Mitteliranisch ... P. 26; *Лившиц В.А., Луконин В.Г.* Среднеперсидские и согдийские ... С. 169.

[3] *Смирнова О.И.* Очерки из истории ... С. 24.

[4] *Зеймаль Е.В.* Раннесогдийские монеты с изображением Геракла и Зевса // СГЭ. Вып. XXVII. Л., 1973. С. 68, 73.

[5] *Ртвеладзе Э.В.* Монеты Кеша ... С. 45 — 46.

[6] *Вайнберг Б.И.* Монеты Древнего ... С. 83.

бир, аммо ундан юқори мартабали оромийча мақом – MLK' пайдо бўлган, у давлат тузилмаларининг сиёсий аҳамияти бўйича турлича, лекин MR'Y мақомидаги ҳукмдор бошқарган давлатлардан мавқеи анча юқори давлатларнинг олий ҳукмдори (шоҳи) мақомини билдирган. Мил. авв. IV – V асрларда зарб қилиш бошланган Г гуруҳ тангаларида келиб чиқиши оромийча бўлган иккиталик мақом MR'Y MLK' – жаноб шоҳ ёки жаноб ҳукмдор мақоми пайдо бўлади[1].

Шунга ўхшаш иккиталик, аммо келиб чиқиши сўғдларга оид бўлган xwb k'w – ҳукмдор-шоҳ мақоми, яъни ундаги xwb-xwt'w ёзуви MR'Y мақомига, k'w эса MLK' мақомига эквивалент бўлган мақом мил. V асрда Бухорхудот тангаларида пайдо бўлади ва мил. VII – VIII асрларга қадар муомалада бўлади[2].

Бинобарин, Хоразм, Ўрта Осиё Икки дарё оралиғининг бошқа ўлкаларидан фарқли ўлароқ, мил. I асрларда юқори мавқега эга давлат бўлган, Кушон подшолиги таркибига кирган, ҳукмдорлари қадимги Хоразм ҳукмдорларидан анча юқори мақомга эга Бақтрия бундан мустаснодир.

Шундай қилиб, мил. авв. II – I асрлардан мил. I асрларгача бўлган даврда Хоразм, Бухоро ва Кеш (Жанубий Сўғд) ҳукмдорлари келиб чиқиши оромийча бўлган мақомларга эга эдилар. Афсуски, Самарқанд Сўғди ҳақида ҳозирча аниқ маълумот йўқ, чунки ўша пайтда бу ерларда зарб қилинган тангалардаги матнларда фақатгина мақомсиз номлар қўйилади. Аммо, Хитой ёзма манбаларига кўра, Кан (Сўғд) ўлкасининг Чжаову уйидан бўлган ҳукмдорлари, яъни юэчжилар бошқарган[3], бу уларнинг мақомлари келиб чиқиши ҳам юэчжиларга оид бўлиши мумкин деганидир. Сўғднинг тангалар зарб қилган бошқа ҳукмдорлари, айниқса, камончи тасвири туширилган тангаларни зарб қилган ҳукмдорлари сингари бу уйнинг асосчиси Гиркод ҳам худди юэчжи ҳукмдори Кудзула Кадфизга ўхшаб қабила раҳбарининг «ябғу» мақомига эга бўлган бўлиши мумкин. Бу мақом келиб чиқиши

[1] *Толстов С.П.* Древний Хорезм ... С. 187; *Вайнберг Б.И.* Монеты Древнего ... С. 83.
[2] *Смирнова О.И.* Очерки из истории ... С. 56 – 57.
[3] Ўша ерда. 24 – 38-бетлар.

бўйича юэчжиларга оид бўлиши керак. Нима бўлганда ҳам, юэчжиларнинг (кушонларнинг) раҳбари Кудзула Кадфиз тангаларида айни шу мақом илк бор пайдо бўлган биринчи ҳукмдор эди[1].

Бақтрияни ҳисобга олмаганда, Ўрта Осиё Икки дарё оралиғининг кўп қисмларида тарқалган тангаларда келиб чиқиши оромийча бўлган мақомларнинг пайдо бўлиши сабаблари номаълумлигича қолмоқда. Бу мазкур ҳудудда, аҳамонийлар даврида Эронда бўлгани каби, маъмурий тузилма, иш юритиш кабиларнинг расмий тили ва ёзуви бўлган оромий ёзуви ва тилининг тарқалиши билан боғлиқлиги ҳам эҳтимолдан йироқ эмас. Нима бўлганда ҳам, бугунги кунга қадар топилган, келиб чиқиши қадимги Хоразмга ёки яна оромийларга оид бўлган дастлабки ёдгорликлар, В.А. Лившицнинг фикрича, мил. авв. IV – III асрларга тегишлидир[2].

Тарихий тақдири Кушон давлатининг ташкил топиши ва ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган Ўрта Осиё Икки дарё оралиғининг жанубий қисмида расмий мақомнинг шаклланиш жараёни бутунлай бошқача кечган эди.

Бу давлат ҳукмдорларининг мақомлари сак-хотанча, юэчжича, юнонча, бақтрияча ва хитойча асосга эга эди.

Хитой манбаларига кўра, юэчжиларнинг бешта ўлкаси, шу жумладан, Гуйшуан-Кушон ўлкаси ҳукмдорлари, А.Н. Зографнинг фикрича, хун қабиласининг ва Марказий Осиёдаги бошқа кўчманчи қабилаларнинг ҳукмдорларига нисбатан ишлатилган «шанюй» мақомига тенг «си-хоу» ёки «хи-хоу» мақомига эга бўлишган эди[3]. Бироқ кўплаб олимлар уни «ябғу» – кўчманчи қабилаларнинг бошлиғи деган мақомга тенг деб билишади[4]. Кушон («Герай») тангаларида этрускча *turan* – жаноб[5] мақомидан келиб чиққан, оромийча жаноб маъноси-

[1] *Verma T.P.* The Evolution of Kushana Titles // Journal of the Numismatic Society of India. Vol. LII. Parts I – II. Varanasy, 1990. P. 58 – 60.

[2] *Мамбетуллаев М.* Хумс городища ... С. 46 – 48; *Ртвеладзе Э.В., Лившиц В.А.* Памятники древней письменности. Ташкент, 1985. С. 8 – 9.

[3] *Зограф А.Н.* Монеты «Герая» ... С. 5.

[4] *Narain A.K.* The Five Yabgus of the Yechehih // India. History and Thought. P. 176 – 177; *Verma T.P.* The Evolution ... P. 58 – 60. Ўша манбада масалага доир илмий адабиётлар келтирилган.

[5] Словарь античности. М., 1989. С. 578.

ни англатувчи MRʼY мақоми билан тенг маънога эга юнонча «тиран» мақоми ишлатиларди.

MRʼY мақоми билан, юқорида айтиб ўтганимиздек, айни шу даврда Хоразм, Бухоро ва Жанубий Сўғд ҳукмдорлари ҳам аталган эди. Шундай қилиб, Ўрта Осиё Икки дарё оралиғида мил. авв. II – I асрларда шаклланган ўлкалар ҳукмдорлари, аслида, сиёсий аҳамиятига кўра бир хил, аммо этник келиб чиқиши ҳар хил – оромийча ва юнонча мақомларга эга бўлишган эди.

Э. Кеннедининг маълумотларига кўра, «тиран» мақоми кичикроқ тобе ҳукмдорларни англатган[1], аммо юнонларда ўлкада ҳокимиятни зўрлик билан олган ва яккаҳокимликни ўрнатган шахслар *тиран* деб аталарди. Тираниянинг асосий белгиси – яккаҳокимлик. Кичик ҳудудларнинг тиранлари билан бир қаторда Юнонистон тарихида катта ҳудудларга ҳукмронлик қилган ва чексиз кучга эга тиранлар, масалан, Афинадаги Писистрат, Дионисий I ва II, Сиракузадаги Гиерон I ва II, Самос ва Коринф тиранлари ҳам бўлган[2].

Агар бу мақом Кушонга («Герай») нисбатан ҳам ишлатилган бўлса, бу Кушоннинг фанга маълум биринчи ҳукмдори куч билан ҳокимият тепасига келиб, қолган юэчжилик ҳукмдорларни ўзига бўйсундирганлигини ва юэчжиларни Кушон ҳукмронлиги остида бирлаштириш жараёни хитой манбалари хабар берган даврдан анча олдин бошланганлигини, биринчи Кушон давлатини Кудзула Кадфиз эмас, балки Кушоннинг ўзи («Герай») яратишга ҳаракат қилганлигини англатмайдими?[3]

Кушон («Герай») тангаларининг бизга маълум тўплами бундай тахминга тўсқинлик қилмайди: улар Бақтриянинг кўп қисмида, айниқса, шарқда, шунингдек, Гандхарда ҳам тарқалган эди.

«Герай» давомчиси Кудзула Кадфиз Кушон давлатининг шаклланиши йўлида бошқа мақомларга ҳам эга эди. Энг қадимги тўрт хил

[1] *Зограф А.Н.* Монеты «Герая» ... С. 5.

[2] Словарь античности ... С. 578.

[3] Бу ҳақда кўринг: *Ртвеладзе Э.В.* К истории становления ... С. 145 – 149; Ўша манбада инглиз тилида ҳам келтирилган. P. 39 – 43. Ж. Криббнинг фикрича, «Герай» билан Кудзула Кадфиз айни бир шахс. Қаранг. *Cribb J.* The «Heraus» Coins... Their attribution to the Kushan king Kujula Kadfhises. C. AD. 30 – 80 // Essays in honour of Robert Carson and Kennet Jenkins. London, 1993. P. 107 – 134.

тангаларнинг барчасида кхароштхи ёзувидаги матнларда у Kushana Yavugasa, яъни кушон ябғу деб номланади[1]. Юнон ёзувидаги худди шу мақом унинг тангаларида Zooy (Zoŋc'нинг қаратқич келишиги) сифатида берилган бўлиб, бу кўчманчи қабилаларнинг раҳбари ёки етакчисини ҳам англатади[2].

Мазкур мақомнинг этник келиб чиқишини талқин қилишда маълум фарқлар мавжуд. Баъзи олимлар «ябғу» мақомини туркий асосга эга деб ҳисоблашади, бошқалари сак-хўтан тилига, яъни кейинчалик турк тилига ўтган шарқий эронликларга оид деб билишади[3]. Кейинчалик, чамаси, Кадфиз I ҳукмронлигининг иккинчи даврида унинг тангаларида келиб чиқиши ҳиндча бўлган шоҳлик мақомлари пайдо бўлади: «маҳаража»— буюк шоҳ, «ражатиража» — шоҳлар шоҳи[4]. Ҳозирда Работак ёзуви маълумотларига асосланиб Вима Так [то] ёки Саддашкана[5] билан бир шахс деб ҳисобланаётган шоҳ Сотер Мегас юнонча «басилевс басилеон»— шоҳлар шоҳи мақомига эга бўлган эди. Худди шу юнонча мақом унинг ворислари — Вима Кадфиза ва Канишкада ҳам сақланиб қолади[6].

Кушон подшоҳларининг янада улуғвор ва юқори аҳамиятга эга мақоми фақат Кадфиз II даврида пайдо бўлади, шу даврда Шимолий ва Марказий Ҳиндистон ҳудудлари Кушон империяси таркибига киради.

Кадфиз II мақоми асосан ҳиндча асосга эга бўлган, бинобарин, анъанавий юнонча «басилевс басилеон» мақоми ҳам сақланиб қолган эди. Шу билан бирга, Матхур ёзувида биринчи марта Кушон под-

[1] Масалан, қаранг: Chattopadhay B. The Age of the Kushanas: A Numismatic study. Calcutta, 1967. P. 22 – 28; Mukherjee. The Rise and Fall ... P. 30 – 39.

[2] *Verma T.P.* The Evolution ... P. 61 – 62.

[3] *Bailey H.W.* Languages of the Saka // Handbuch der Orientalistik. Bd. 4. Leiden, 1958. P. 136; *Кляшторный С.Г.* Древнетюркские рунические ... С. 111; *Frye R.N.* Some Early Iranian Titles // Oricus. V. 15. Leiden, 1962. P. 356 – 358.

[4] *Cunningham A.* Coins of Indo-Scythians // N. Chronicle. XII (3rd series). 1892. P. 66; *Chattopadhay B.* The Age ... P. 28.

[5] *Sims-Williams N., Cribb J.* A New Bactrian ... P. 97 – 99; *Mukherjee B.N.* Imperial Cults in the Kushana Empire // India and Central Asia. Tashkent, 2000. P. 69; *Fussman G.L.* Inscriptions de Rabatak. La Bactriane et les Kouchans // La Bactriane an carrefour des routes et des civilisations de l' Asie Centrale. Paris, 2001. P. 251 – 293.

[6] *Verma T.P.* The Evolution ... P. 63.

шоҳига нисбатан Эроннинг Shahi мақоми ишлатилади. Кейинчалик бу мақом бақтрияча Shao ёки биргаликда Shaonano shao шаклида Қанишка I дан Қанишка III гача бўлган барча Кушон шоҳлари учун қўлланилади.

Тангаларда Қадфиз II Maharaja Rajatiraja, Sarvaloga – Ishvara, Mahishvara, яъни шоҳларнинг шоҳи, дунёнинг ҳукмдори, Маҳишвара (Шиванинг васфларидан бири) деб номланади. Бундан ташқари, бир қатор эпиграфик ёзувларда Қадфиз II devaputra – осмоннинг ўғли мақоми билан келтирилган бўлиб, бу мақом Э. Томас сингари баъзи олимларнинг фикрига кўра, хитойликлардан келиб чиққан, чунки Хан сулоласидан бўлган Хитой императорлари «осмон ўғиллари» деб номланарди. Шу билан бирга, Мукержи бу ерда қандайдир юнонча ва аршакийча таъсирни ҳам истисно қилмайди[1].

Ўзидан олдинги Қадфиз II дан фарқли ўлароқ, ҳинд анъаналарини афзал кўрган Қанишка ўзининг маъмурий, диний ва тил сиёсатида Бақтрияга таянарди. Хусусан, у тилни ўзгартириш ислоҳотларини амалга оширган бўлиб, бу тангалардаги ёзилган маълумотларга асосан аллақачон аниқланган, ҳозирда Работак ёзувидаги маълумотлар билан ҳам тасдиқланмоқда[2].

Тангалардаги матнларда юнонча «басилевс басилеон» мақоми шунга эквивалент бўлган, сак-хўтан тилидан олинган ва қадимги форсча шаклли Kshâathiyânâm Kshâyathia – шоҳлар шоҳи мақомини такрорлайдиган бақтрияча Shaonanosao мақоми билан алмаштирилган эди. Тангалардаги матнлардан ҳинд мақоми ҳам йўқолади. Эпиграфик ёзувларда кейинчалик қадимги форсча xva-tavya мақомига айланган xoadeo (Сурхкўтал ва Дилбержинда), яъни якка ҳоким, подшоҳ каби шоҳ сўзига синоним бўлган shao билан бир қаторда бошқа бақтрияча мақомлар ҳам ишлатилган эди[3]. Бу мақом

[1] *Mukherjee.* Imperial Cults ... P. 69 – 70.

[2] *Sims-Williams N., Cribb J.* A New Bactrian ... P. 78.

[3] *Sims-Williams N.* A Note on Bactrian Syntaxis // IF. 1973. Bd. 78. P. 98; *Лившиц В.А., Кругликова И.Т.* Фрагменты бактрийской монументальной надписи из Дильберджина // Древняя Бактрия. Вып. 2. М., 1979. С. 102 – 103.

xdŋo шаклида Бақтрия ҳудудида, Тохаристонда мил. VIII асргача кенг қўлланилади[1].

Сурхкўталдаги ёзувда Канишканинг бошқа бақтрияча ßago shao – худо-шоҳ ва ҳиндча devaputra билан бир хил маънога эга ßago pouro – худонинг ўғли каби келиб чиқиши илоҳийликни таъкидлайдиган мақомлари ҳам ишлатилган эди[2].

Мил. III аср – IV асрнинг иккинчи ярмида, Кушон давлати қулаганидан кейин shao ва xoadeo каби мақомлар баъзи жойларда shayo ва xdeo каби бироз ўзгартирилган шаклда сақланиб қолган бўлса-да, аввалги аҳамиятини йўқотган эди. Ушбу мақомларга эга ҳукмдорлар кўпинча кичик ҳудудларга ҳукмдорлик қилишарди, бунга Термиз вилоятидаги shao Goboziko[3] ёки Чағониёндаги shao Rogoz(iko)[4]ни мисол келтириш мумкин. Мақомнинг олдинги аҳамиятини йўқотишининг бу жараёни илк ўрта асрларда ҳам давом этди.

Мил. III – IV асрларда Ўрта Осиё Икки дарё оралиғининг деярли бутун ҳудудида ҳукмдорларга нисбатан эски оромийча мақомлар MR'Y ва MLK', баъзан Хоразмдаги каби иккиталик бирикмалардаги MR'Y MLK' мақомлари қўлланиларди. Фақатгина Бухоро ва Шимолий Тохаристон бундан мустасно эди. Бухорода мил. IV асрдаги мис тангаларда қурбонгоҳ тасвири билан жуда қадимги k'w' мақоми ишлатилади[5].

Сосонийлар томонидан забт этилган Тохаристонда, эҳтимол, Шопур I (241 – 227) ҳукмронлиги даврида ҳукмдорларга нисбатан берилган энг юқори мақом ўрта форс тилида эди. Сосонийлар ҳукмронлиги даврида алоҳида ҳудудни ташкил этган Тохаристонни ўша даврда Сосоний-Кушон тангаларидаги матнларда kws'n MLK' – Кушон шоҳи,

---

[1] *Лившиц В.А.* К открытию бактрийских ... С. 67 – 69; *Ртвеладзе Э.В.* Денежное обращение в Северо-Западном Тохаристане в раннем средневековье // Городская культура Бактрии – Тохаристана и Согда. Ташкент, 1987. С. 120 – 131.

[2] *Henning W.B.* The Bactrian Inscription // BSOAS. 1960. Vol. XXIII. P.I..1. P. 47 – 55; *Mukherjee B.N.* Imperial Cults ... P. 69.

[3] *Вайнберг Б.И.* Некоторые вопросы ... С. 130 – 132.

[4] *Rtveladze E.V.* A Bactrian Seal bearing the name of an unknown king(?) from Chaghanian // Circle of Inner Asia Art. Issue 18. London, 2003. P. 12 – 15.

[5] *Лившиц В.А., Луконин В.Г.* Среднеперсидские и согдийские ... С. 170.

rb'kws'n mlk'n – Кушоннинг буюк шоҳи ва rb'kws'n mlk'n mlk' – Кушоннинг буюк шоҳлар шоҳи деб аталган ҳукмдорлар бошқарарди[1].

Кушон-Сосонийлар тангаларида ҳукмдорлар худди шу мақом билан аталган, аммо ўрта форс тилида shaonanoshao Koshono ўрнига ozorko Koshono shohonoshoho ёки ozorko koshono shoho – Кушон буюк шоҳлар шоҳи ёки Кушоннинг буюк шоҳи мақоми қўлланиларди[2].

Шундай қилиб, Ўрта Осиё Икки дарё оралиғи ҳукмдорлари мақомининг эволюцияси таҳлили шуни кўрсатадики, «шоҳ» мақоми, агар «кави» мақомини шундай деб ҳисобласак, мил. авв. I мингйилликнинг бошларидаёқ қўлланилган эди. Кейин эса «шоҳ» мақомининг қўлланилишида катта узилиш бўлди: мазкур узилишлар бу ерда ажнабий сулолалар – мил. авв. VI аср ўрталари – IV аср охирида аҳамонийларнинг, сўнгра жанубда мил. авв. IV аср охиридан мил. авв. II асрнинг иккинчи ярмигача келиб чиқиши эллин бўлган ҳукмдорларнинг ҳукмронлиги билан боғлиқ равишда жанубда мил. авв. II аср ўрталаригача, шимолда (Хоразмда) мил. авв. IV асрнинг охиригача кузатилади.

Фақатгина мил. авв. I асрнинг учинчи чорагига келиб ўша пайтда ташкил этилган қадимги Хоразм давлатининг ҳукмдори «шоҳ» мақомига эга ҳукмдор бўлди. «Шоҳ» ва «шоҳлар шоҳи» мақомлари, шунингдек, мил. авв. II аср бошларига қадар Сўғдда ҳукмронлик қилган Бақтриянинг юнон ҳукмдорларига нисбатан ҳам қўлланилган эди.

Тангалардаги маълумотларга кўра, Ўрта Осиё Икки дарё оралиғидаги бошқа ўлкалар ҳукмдорлари мил. авв. II асрнинг иккинчи ярмидан, яъни Юнон-Бақтрия подшолиги қулаши ва келиб чиқиши юэчжи бўлган ҳукмдорлар ҳокимияти ўрнатилганидан кейин MR'Y (Сўғд. Бухоро, Шошда), иерархик жиҳатдан пастроқ MLK' – шоҳ ёки xwb мақомига эга бўлган эдилар.

Худди шунга ўхшаш ҳолат илк ўрта асрлар давригача, яъни мил. V асргача сақланиб қолади. Фақат Ўрта Осиё Икки дарё оралиғининг икки вилояти ҳокимлари қадимги даврда юқори унвондаги мақомга

[1] *Луконин В.Г.* Культура Сасанидского ... С. 135 – 138, 163 – 175.
[2] Ўша манба. 139 – 142-бетлар.

эга эдилар. Булар: тангаларда MR'Y MLK' – жаноб шоҳ деб номланган Хоразм ҳукмдорлари ва Кушон давлатининг таркибига кирган, шоҳлари қадимги дунёнинг энг мухим давлатлари – Хитой, Парфия ва Римнинг мақомлари билан тенг бўлган энг юқори иерархик тартибдаги мақомларга эга Бактрия-Тохаристон ҳукмдорлари эди.

Қанғга келсак, бу давлатда конфедератив тузилма бўлса хам, умумдавлат миқёсидаги танга зарб қилиш мавжуд бўлмаган, шунинг учун унинг ҳукмдори қандай иерархик мақомга эга эканлиги маълум эмас.

Хитой ёзма манбаларида Қанғнинг бешта ўлкаси тилга олинган бўлиб, уларнинг жойлашган ўрни бўйича манбаларда келтирилган тавсифлар ўта жиддий шубҳа уйғотади, шунингдек, уларда бу ўлкаларнинг баъзилари Сўғд, Бухоро ва Хоразмда жойлашганлиги тахмин қилинади. Мазкур хитой манбаларида таъкидланишича, «Чжаову уйи» ҳукмдорлари бу ўлкаларни бошқарган, яъни улар юэчжилардан эдилар. Айтиш мумкинки, юқорида санаб ўтилган ўлкаларни жойлаштиришда А.Н. Бернштам нисбатан ишончлироқ фикрни келтириб, уларни Сирдарё бўйига жойлаштирган ҳолда тушунтиради[1]. Бундан ташқари, менимча, Қанғнинг энг четки жануби-шарқий чегараси Шош, шимоли-ғарбий чегараси эса Сирдарёнинг қуйи оқими эди. Ўрта Осиё Икки дарё оралиғининг турли минтақаларидаги ушбу давр тангалари ва ундаги мақом ушбу ўлка-давлатларнинг, айниқса, ҳукмдорлари шоҳ мақомига эга Хоразмнинг анча юқори сиёсий мустақилликка эга бўлганлигини англатади.

Агар мақомнинг аҳамиятига биноан Ўрта Осиё – Икки дарё оралиғининг қадимги давлатларининг иерархик пиллапоясини қуриш керак бўлса, унинг энг юқори даражаси, шубҳасиз, Кушон шоҳлигига (Катта юэчжи давлатига) тегишлидир. Кейинги ўринларда Хоразм шоҳлиги, янада пастки поғоналарда Бухоро, Самарқанд, Кеш, Шош каби ўлкалар (лекин подшоҳлик эмас!) жойлашади.

Ўрта Осиё Икки дарё оралиғи қадимги давлатлари ва ўлкалари ҳукмдорларининг мақом-унвонлари қайси тилга мансуб бўлганлигига

[1] История таджикского народа ... С. 348; *Бернштам А.Н.* Проблемы древней истории и этногенеза Южного Казахстана // Изв. АН Каз.ССР. 1967. Серия археология. Алма-Ата. 1949.

келсак, улар турли ҳолатларга, хусусан, маълум бир давлат ва маҳаллий маданий анъаналарнинг сиёсий ҳукмронлигига боғлиқ равишда тил жиҳатидан келиб чиқиши ҳар хил: оромийча, юнонча, қадимий ва ўрта форсча, ҳиндча, сак-хўтанча, бақтрияча, сўғдча ва, эҳтимол, қадимги туркийча эканлиги кузатилади. Бу Ўрта Осиё Икки дарё оралиғида давлатлар ва ўлкалар шаклланишининг тарихий жараёни қанчалик мураккаб ва хилма-хил бўлганлигини, унда қайси этник гуруҳлар фаол иштирок этганлигини кўрсатади.

Буларнинг барчаси мил. авв. I мингйилликдан мил. I мингйиллик ўрталарига қадар бир ярим минг йилдан кўпроқ вақт давомида Ўрта Осиё минтақасидаги қадимги давлатчилик тараққиётининг муҳим жиҳатларини ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

ДИН ВА ДАВЛАТЧИЛИК

«Папак ўғли Ардаширнинг ишлари китоби» – сосонийларнинг Эрон-Ўрта Осиё империяси асосчиси шоҳ Ардашир (мил. 224 – 242) ҳақидаги ярим афсонавий «ривоятлар»да у энг сўнгги шоҳ бўлиб тахтга чиққач «энг яхши дин қилиб» тозалашга қасам ичади (*dēn ī weh abēzag bē ārāyam*)[1].

Қудратли сулоланинг асосчиси бу сўзларни ҳақиқатан ҳам айтганми? Ёки бу «Яхши амаллар» («Папак ўғли Ардаширнинг ишлари китоби»)нинг тақводор тузувчилари ва кўчирувчилари бўрттирмасими? «Яхши амаллар»нинг мифологик, «ривоятлар»га хос табиати туфайли бу саволга жавоб бериш жуда қийин. Аммо Ардаширнинг қасамёди диннинг, турли манбаларда айтилганидек, Ўрта Осиё ва Эроннинг қадимги давлатлари ҳаётида муҳим ўрин тутганига яна бир далил сифатида муҳимдир.

[1] Книга деяний Ардашира сына Папака. Транскрипция текста, пер. со среднеперс., введение, комментарий и глоссарий Чунаковой О.М. // Письменные памятники Востока, LXXVIII. М., 1987. С. 63.

Мазкур бобда юқорида айтиб ўтилган даврда Ўрта Осиёда дин ва давлат ҳокимияти ўртасидаги муносабатни қайта тиклаш мақсадида ушбу манбаларни тизимлаштириш ва таҳлил этишга ҳаракат қилинади.

Табиийки, битта боб доирасида давлатчилик пайдо бўлганидан бошлаб ривожланган давлат тузилмалари, минтақада ривожланган барча динлар ва шу динлар ўзаро ҳамкорлик қилган барча давлат институтлари шаклланишигача бўлган бутун тарихий даврни қамраб олишнинг иложи йўқ. Шу сабабли кейинги таҳлиллар минтақадаги энг узоқ ва нисбатан ишончли ҳужжатлаштирилган тарихига эга динлар сифатида зардуштийлик, қисман буддавийлик атрофида мужассамланган ҳолда фикр юритилади. Уларнинг давлатчилик ривожидаги ўрнига келсак, бу уларнинг подшоҳлик ҳокимиятига бўлган муносабати мисолида кўриб чиқилади.

Дарҳақиқат, подшолик ҳокимияти институти бошқа барча институтлар иерархик тузилмасининг энг юқорисида бўлибгина қолмай, бошқа давлат институтлари билан қандай муносабатда бўлишидан қатъи назар, у ҳар қандай диний оқим учун ҳам энг муҳими эди. Қадимги давлатда диний оқимнинг тақдири подшоҳга ёки бошқа олий ҳукмдорга боғлиқ бўлган; муайян дин арбоблари подшонинг ёки бу дин уламоларига вакил қилиб тайинланган шоҳ оиласи вакилининг ёрдамига қай даражада эриша олганига қараб дин ҳимоя қилинган ёки, аксинча, таъқибга учрар эди. Подшоҳлик ҳокимияти ва дин ўртасидаги муносабатлар ҳақида қуйида батафсилроқ айтиб ўтилади; ҳозирча дин (ижтимоий-сиёсий институт сифатида) ва шоҳ ҳокимиятининг бир-бири учун, умуман, давлатнинг фаолияти учун катта аҳамиятга эгалиги тўғрисидаги фикрга қўшилиш ҳам муҳимдир.

Ниҳоят, материални келгусидаги баёни тартиби борасида яна бир чекланганлик хусусиятини айтиб қўйиш керак. Яъни мазкур материал ҳеч бўлмаганда зардуштийлик ва буддавийликнинг тарихи ва таълимоти ҳақида умумий тасаввурга эга ўқувчи учун мўлжалланган, шу боис у дин тарихи бўйича ҳар қандай кенг тарқалган қўлланмадан олиниши мумкин бўлган маълумотларни ўз ичига олмайди.

Шунга қарамай, оммабоп ва компилятив ишлар ўзига хослиги бўйича илмий тадқиқотлардан фарқ қилишини ҳисобга олиб, биринчи навбатда, бу фарқни кўрсатувчи иккита асосий жиҳатни таъкидлаш зарур. Гап атамалар ҳақида боряпти, яъни таништирувчи ёки оммалашган асарлар ўқувчига маълум бир атама билан боғлиқ ҳамма нарса мутлақо тушунарли бўлиши учун уларни энг яхши тарзда тушунтиради.Агар тилга олинаётган атамалар, ўрганилаётган мавзудан келиб чиқиб, нимани англатишини ва улардан қандай фойдаланилишини олдиндан аниқлаштирилмаса, аслида ҳам муаммолар ўзига хос тузоққа айланиши осон бўлган энг одатий ва тушунарли атамалардан бошланади.

Зарур атамаларга аниқлик киритиш

Энг аввало, «дин» атамасининг ўзига Ўрта Осиёда исломгача бўлган даврда зардуштийлик ва буддавийликнинг мавжудлигига мувофик равишда аниқлик киритиб олишимиз зарур.

Бундай аниқлаштиришга бўлган эҳтиёж бугунги кунда диннинг муайян бир умумқабул қилинган таърифи (умуман, шундай таъриф бўлиши мумкин бўлса) йўқлиги туфайли келиб чиққан, бу атама битта нисбатан каттароқ таъсирга эга дин билан мазмунан алоқадор бўлган, бошқаларига нисбатан фақатгина маълум шартли асосда қўлланилган. Маданиятнинг бундай тури, масалан, қадимги Римда мавжуд бўлиб, кейинчалик у қисман Ғарб христианлари томонидан ўзлаштирилади. У марказий давлат ҳокимиятининг ривожланишининг юқори даражаси билан хусусиятланади. Ижтимоий ҳаётни урбанизациялаш ва ҳуқуқий тартибга солиш билан ажралиб туради. Шунингдек, шу даврда юзага келган алоҳида шахс («Рим фуқароси», *civis Romanus* ва римча шахссиз давлатчилик дуализмининг ижтимоий ривожланиши билан ажралиб туради. Ушбу дуализмни тасвирлаб А.Ф. Лосев шундай таъкидлайди: «Рим якка ҳокимияти шахсни сўзсиз расмий тартиб-интизомга бўйсундиради, шу билан бирга, унга нафақат эътн-

код борасида эркинлик беради, балки руҳнинг ички тузилишида маълум даражадаги ҳиссий хилма-хилликни ҳам талаб қилади»[1].

«Дин» — (*religio*) «руҳнинг ички тузилиши» билан ҳам боғлиқ бўлган; у, биринчи навбатда, «виждонлилик, ҳалоллик, эҳтиром, ахлоқий шубҳа, эҳтиёткорлик, хурофот»[2] деган маънони англатган, бошқача айтганда, бугунги кунда, одатда, ички диндорлик деб тушуниладиган нарсани англатади. Шунга кўра, *religiose* сўзи «диний» дегани эмас, балки «ҳалол, виждонли, астойдил, диндор, тақводор, ҳурматли» деган маънони англатади. Шу маънода *religio* ички диннарастлик сифатида давлат томонидан рухсат берилган *cultus* сўзининг маъносини берган жамоат динига қарши деб ҳисобланар эди. Шахснинг ташқи кўринишини — «турмуш тарзи, кийим-кечаги, безанганлиги»ни англатувчи *cultus* тушунчаси унинг диндорлигининг «ижтимоий» томонини — «сигиниш, сажда қилиш, эътиқод қилиш»ни ҳам англатарди.

Шундай қилиб, ижтимоий ҳаётда фуқаро ва давлатнинг қадимги Рим таълимоти (дуализми) маънавий ҳаётда *religio* ва *cultus* таълимотини (дуализми) келтириб чиқарди. Кейинчалик, *cultus* бутпараст ёки черковдан ташқари «культлар» сифатида тушунила бошланганида, «дин» атамаси ҳам ички, ҳам оммавий равишда эълон қилинган диндорликни англата бошлади, аммо биринчи, «шахсий» (замонавий конунларда «виждон» тушунчаси «виждон эркинлиги» бирикмасида «дин» билан бир хил маънода келади) билан боғлиқлигини йўқотмади.

Исломгача бўлган Ўрта Осиёнинг тарихий ва маданий воқеликларига мурожаат қилганда шуни таъкидлаш мумкинки, сақланиб қолган манбалардан ҳеч бири бу ерда юқорида айтиб ўтилган қадимги Рим ижтимоий дуализмига ўхшаш нарса бўлганлигини тахмин қилиш имконини бермайди. Ижтимоий шароитлар ҳар хил бўлган, динларнинг таркиби ва уларнинг мазмуни ҳам бошқача эди.

Агар зардуштийлик ва буддавийлик ўртасидаги умумийлик ҳақида гапирадиган бўлсак, унда бу — эътиқодларнинг ички ва ташқи шакл-

[1] *Лосев А.Ф.* Эллинистически-римская эстетика. I — II вв. н. э. М., 1979. С. 19.

[2] Бу ерда ва кейинчалик лотинча атамалар қуйидаги манба бўйича берилган: *Дворецкий И.Х.* Латинско-русский словарь. Изд. 2-е, переработ. идоп. М., 1976.

ларининг боғлиқ жиҳатларини аниқлашда жуда қаттиқ ва изчил амалга ошириладиган талабдир. Зардуштийлик «эзгу ўй — эзгу сўз — эзгу амал» учлиги билан religio'ни ички, «шахсий» диндорлик сифатида ажратиб кўрсатиш имкониятини йўқ қилди. Авестодаги «даэна» сўзи (*daēnā*, ўрта форсча *dēn*, сўғдча *δyn*), одатда, дин сифатида таржима қилинган, у «ўй — сўз — амал» учлигини белгилайдиган ва бошқарадиган аёл антропоморфилоҳа кўринишидаги ўзига хос илоҳий марҳаматдир. Диндор зардуштийлар «Даэнага мос ўй юритишлари, Даэнага мос гапиришлари, Даэнага мос ҳаракат қилишлари керак» эди (Ардвисур-Яшт, 5, 105). Ҳар бир инсоннинг ўлимидан сўнг унинг руҳини аёл қиёфасидаги Даэна қарши олади ва унинг дунёвий ишларини ўзининг ташқи қиёфасида мужассам этади (Арда-Вираз намаг. 8 — 9-бетлар; Дадестан меног-и храд, 11 — 15-бетлар).

Этимологик жиҳатдан «даэна» дастлаб «кўриш» деган маънони англатган; унинг илдизи *dî* (кўриш)га бориб тақалади, шу боис у этимологик жиҳатдан авесточа *dōiθra* (кўз)[1] атамаси билан боғлиқ. Даэнанинг «ташқи» қиёфаси ўрта аср паҳлавий матнларида таърифлангандек фақат гўзал қизнинг антропоморфик қиёфасидагина тавсифланмайди. Зардуштнинг ўзи ёзган Гатлардаёқ daena «энг яхшиларнинг қарори» сифатида келтирилган (*tam daēnam yā hātam vahištā*. Ясна 44, 10[2]), бу зардуштийлар жамоасининг қутқарувчиси ва ҳимоячисига, айни Ахура Маздонинг ўзига (*hyat daēnā paouruyā do ahurā,* Ясна 46, 6) ёки «Ахурага ўхшаган»га (*tarn daenam ya xsmāvatō ahurā*, Ясна 49, 6) хос бўлган «муқаддас қарор» деган маънони англатади *(saosyantō dēng patōiš spentā daēnā,* Ясна 45. 11). Шунга қарамай, *dāena*нинг қарори ҳақиқий бўлмаслиги мумкин эди (Ясна 48, 4; 51, 13), шу боис, Гатларда таъкидланишича, Зардушт ўзи ва унинг энг яқин издошлари Фрашаоштра ва Мадийоиманҳа «эзгу *dāena*»га эга бўлишган (Ясна 51, 17 ва 19; 53, 1), шундан.

[1] Қаранг: Piras A. Asna-xratu: Innate or Rising Wisdom? // East and West. 1995. Vol. 46. N. 1-2. P. 14.

[2] Авесто Ясналаридан олинган гаплар бу ерда ва қуйида келтирилган: The Gathas of Zarathustra / [translated] by S. Insler. Leiden, Teheran, 1975.

одатда, «эзгу дин» деб таржима қилинадиган зардуштийликнинг кейинги маъноси —*Vēh dēn* келиб чиққан эди.

Шундай қилиб, лотинча *religio*'дан фарқли ўлароқ, зардуштийлик *dāena*си ҳам ижобий ахлоқий тушунча бўлмаган; шундай сифатда кўриниши учун *dāena*нинг олдига «яхши» ёки «муқаддас»[1] деган тушунчалар қўйилган эди. Римнинг «шахсият — давлатчилик» дуализми (*religio* — *cultus* нуқтаи назаридан ифодаланган) ўрнига биз зардуштийликда эзгу ва эзгу бўлмаган «қарор» дуализмини кўрамиз, лекин бу битта атама (*dāena*) доирасида намоён бўлади. Ўрта форс тилидаги матнларда «даэна» (*dēn*) лотинча *cultus* тушунчасига яқинлаша бошлайди, бунда баъзи ҳолатларда «диний маросим» деган маънони англатади. Масалан, «тўлиқ маросим» (*hamāg-dēn*) — «марҳумнинг руҳи учун дастлабки уч кун давомида бажарилиши керак бўлган маросимлар тўплами»дир[2].

Иккинчидан, паҳлавий матнларида ҳам ҳар бир кишининг шахсий *dāena*си (уни нариги ҳаётга ўтаётганда кутиб турадиган) ҳақида гапирилади. Умуман олганда, *dāena* шахсий диндорликнинг жамоавийдан, шунингдек, ички ининг ташқи диндан ажралганлигини кўрсатмайди. Нотўғри бажарилган қурбонлик, «Тиштар Яшт»да айтилганидек, «Ахура ва Заратуштра *dāena*сини бузади» (Тиштар Яшт, 60). Бундан ташқари, «Михр Яшт»да *dāena*. Қандайдир бутун дунё маъбуди сифатида келтирилган бўлиб, у Митранинг самовий араваси олдида елдек учиб унга йўл очиб боради (Михр Яшт, 68).

Зардуштийлик динига оид гапларни бугунги кунда «дин» тушунчаси билан таққосласак, шуни таъкидлаш мумкинки, Авестодаги бу тушунча диний ташкилотни ҳам, мавҳум ахлоқий тушунчани ҳам, ички диндорликни ҳам назарда тутмайди. Даэна ўзининг «қарор» сифатидаги маъносини сақлаб қолган ва бу қарорга, галлюцинацияни келтириб чиқарадиган хаома ичимлиги таъсири остида (Зардушт ва

[1] Таъкидлаш мумкинки, шунга ўхшаш фарқ кейинчалик Ўрта Осиёдаги монийликда ҳам бўлган. *Монийлик миссионери Мар Аманинга миссияси ҳақидаги хабарида айтилишича*, «Хуросон чегарасининг руҳи» — Ард худоси Мар Амани Хуросонга фақатгина диндор (dendar) бўлгани учун эмас, балки «ҳақиқий дин»га эга эканлигига ишонгани учун киритган (денавар). *Henning W.* Selected Papers. // Acta Iranica. Vol. 14. Teheran-Liege, 1977. P. 202 – 203.

[2] *Чунакова О.М.* Пехлевийский словарь зороастрийских терминов, мифических персонажей и мифологических символов. М., 2004. С. 159.

унинг энг яқин издошлари сингари) ёки банг гиёҳининг таъсири остида (тақводор зардуштий Арда Вираф каби) махсус беҳушлик ҳолатига ўтиш билан эришилган; Даэна билан учрашувга ишонган оддий одамлар буни ўлимдан кейин бўлшини ният қилар эдилар.

Келинг, таққослаш учун исломгача бўлган Ўрта Осиёнинг бошқа диний оқими – буддавийликдаги «дин» тушунчасини кўриб чиқайлик. Гап, албатта, дхарма ҳақида бормоқда.

Дхарма диннинг ахлоқий, тарбиявий томонларини қамраб олади. Бу атамани буддавийлик билан боғлаган брахман анъаналарида дхарма «қоида», «одат», «ахлоқий бурч», «фазилат», «қонун» маъноларида ишлатилади[1]. Қонун маъносида атама қадимги ҳиндларнинг *шастрах* (ҳуқуқий матнлар)ида қўлланилади. А.А. Вигасиннинг таъкидлашича, «дхарма» тушунчаси диний покликка ва ҳуқуқий меъёрларга, ахлоқий бурч ва ташқи одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишни ўз ичига олади»[2]. Шу маънода дхарма фақат ижобий тушунилган, баъзан олд қўшимча *su-* (эзгу-) – *sudharma* (адолат, «яхши дхарма») билан кучайтирилган; дхарма билан боғлиқ салбий маъно луғатларда қайд этилган эмас. Санскрит луғатида В.А. Кочергина[3] «дхарма» сўзининг қуйидаги маъноларини келтиради: 1) ҳолат (руҳий); 2) ахлоқ, ахлоқий тарбия; 3) диний амр; 4) виждон; 5) яхши фазилат; 6) адолат; 7) қарз, бурч; 8) қонун; 9) табиат, шахс; характерли хусусият; 10) дин, эътиқод.

«Дхарма» тушунчасининг барча маънолари буддавийлик томонидан қабул қилинган ва буддавийларнинг ҳаммаси ҳам ушбу луғат рўйхатида ўз аксини топмаган бўлса-да, ушбу атаманинг мазмуни қадимги Римда ҳам, замонавий ижтимоий тадқиқотларда ҳам «дин» тушунчаси остида тушунилган мазмунидан анча кенг эканлиги шубҳасиз. Буддавийликда «ички» ва «ташқи», «индивидуал» ва «ижтимоий» дуализмни енгишга

[1] Қаранг: *Топоров В.Н.* Комментарий. К буддологическим исследованиям Ф.И. Щербатского // Щербатской Ф.И. Избранные труды по буддизму. М.: Наука, 1988. С. 367.

[2] *Вигасин А.А.* Памятник древнеиндийского права – дхармашастры Нарады // Дхармашастра Нарады / Пер. с санскрита и комментарий Вигасина А.А. и Самозванцева А.М. Вступ. ст. Вигасина А.А. М., 1998. С. 18.

[3] *Кочергина В.А.* Санскритско-русский словарь / Под ред. В.И. Кальянова. 3-е изд., испр. и доп. М., 1996.

онгли равишда йўналтирилганлик «дхарма» тушунчасида тўлиқ акс эттирилган бўлиб, бу, эҳтимол, терминологик ноаниқлик ва кўпмаънолилик туфайли буддавийлик таълимоти учун энг мақбул атама эди. Аёлга хос ном билан ифодаланган *religio* ва *dāena* концепцияларидан фарқли ўлароқ, буддавийларнинг *dharma* атамаси эркак кишига хос атама бўлиб, аёлларга хос ҳеч қандай антропоморфик белгиларга эга эмас[1]. Ҳатто, «дхарма» «Будда таълимоти» сифатида ишлатилган ҳолатларда ҳам, О.О. Розенберг таъкидлаганидек, «дхармани тарғиб қилиш», «дхармага сиғиниш» каби ибораларда, масалан, «Будда, дхарма, сангҳа» ифодаларида ҳам дхарма кўпинча таълимотнинг ўзини эмас, балки таълимот объектини, яъни нирванани назарда тутиш» керак бўлади[2]. Шуни таъкидлаш керакки, Ўрта Осиё тилларида, хусусан, сўғд ва қадимги туркий тилларда «дхарма» (сўғдча *δrm*, қадимги туркча *darm*) билан бир қаторда Будда таълимотини англатиш учун «қонун» — ном (сўғдча *nwm*, қадимги туркча *nom*) сўзидан фойдаланилган бўлиб, бу қадимги юнонча *номос* (*nomos*— қонун, қоида, одат) тушунчасидан олинган. Эҳтимол бунда Хитой буддавийлигининг ҳам таъсири бўлгандир, чунки унда ҳам «дхарма» Будданинг таълимоти сифатида ҳам, бошқа барча маъноларда ҳам «қонун» (*фа*) сифатида келтирилади.

Шундай қилиб, қадимги ва илк ўрта асрлар даври Ўрта Осиё ҳудудида ёйилган иккита дин — зардуштийлик ва буддавийликни ҳам терминологик даражада Ғарб анъаналаридаги «дин» тушунчаси билан чалкаштириб юбормаслик керак. Зардуштийлар учун дин — Даэна қандайдир антропоморфик ҳимоячи фариштa бўлиб, у уларни яхши, яъни, «ахура» дунё тартибининг «ихтиёри» орқали ёмон ишлардан асрайди. Буддавийликда дхарма дини, аксинча, мутлақо мустақил, у ҳам Будданинг таълимотини ва унинг мақсади — нирванага эришишни, ҳам «идеал» руҳни ва «моддий»[3] унсурлар (дхарма)ни англатиши мумкин.

---

[1] «Кришнанинг тўнғич ўғли» — Дхарма антропоморфик худо шаклида (хатто қисман зооморфик — бука сифатида) фақат қадимий хинд достони — «Махабҳорат»да мавжуд. (Қаранг: *Gonda J.* The Vedic Mitra and the Epic Dharma // JRAS. 1971. № 2.

[2] *Розенберг О.О.* Труды по буддизму. М., 1991. С. 99.

[3] Буддавийликда бундай дихотомия йўқлиги сабабли биз «моддий» ва «идеал»ни қўштирноқ ичида ифодаладик.

Шунингдек, бу таърифлар буддавийлик ва зардуштийлик ривожланишнинг турли даврларига ҳамда мазкур динлар ичидаги турли оқимларга нисбатан ишлатилиши мумкин. Мавзунинг мақсади исломга қадар Ўрта Осиё динлари тарихини ёритиш эмас, балки ушбу динларнинг давлатчилик ривожига таъсирини акс эттириш бўлгани учун биз чуқурлашиб, атамалар таҳлилига берилмаймиз. Бироқ яна бир атама таҳлилини ўтказиб олиш зарур. Чунки кейинги матнларда айнан қайси ўринда буддавийлик ва қайси ўринда зардуштийлик ҳақида сўз кетаётганини ўқувчи тушунмаслиги мумкин.

Ҳақиқатан ҳам, «буддавийлик» ва «зардуштийлик» атамалари ўз тарафдорлари томонидан қўлланилмаган ва (бу динлар учун) ташқи манбаларда ҳам ишлатилмайди. Динни аниқ бир пайғамбарга – Будда ёки Зардуштга «боғлаш» анча кейин пайдо бўлган, икки диннинг – ислом ва насронийликнинг шиддат билан тарқалиш даври нисбатан кейинроқ, VII – IX асрлардан кейинги даврга тўғри келади. Айнан шу даврда (асло Карл Ясперснинг мифологик «ўқ вақти»дан эмас) динлар кўплаб ислом ва насроний бидъатчилар, тарихчилар ва саёҳатчилар томонидан пайғамбар – асосчи номи билан белгилана бошлайди. Буддавийлик ва зардуштийлик ҳақида гапирадиган бўлсак, ўрта аср араб манбаларида улар асосчи-пайғамбарлар номи билан эмас, тарғиботчиларининг исми билан аталган. Шунга кўра, буддавий руҳоний шраманларни (*ас-суманий*, ўртафорсча *šaman*, санскритча *šramana*– буддавий роҳиб) ва зардуштийликнинг хербед-коҳинлари номи билан (ўртафорсча *hērbad* сўзидан *ал-харабидха*) аталган эди. Бироқ, дин оқимларини номлаш мақсадида бўлмаса ҳам, уларни умумий тавсифлаш учун илк ўрта асрлар мусулмон тарихчиларидан Беруний, Хоразмий, Табарий, Надин ҳар бир дин ўз пайғамбар-асосчиси ва муқаддас ақида муаллифига эга бўлиши шартлигига комил ишонч билан қараб, акс ҳолда, бу дин эмас, мажусийлик, бутпарастлик бўлади, деб ҳисоблаган эдилар.

Янада аниқ бўлган нарса, ўша давр ҳукмдорларининг ҳам бунга ишонишганидир. Мисол учун, Ан-Надин харнанийа мазҳаби тарафдорлари ва халифа ал-Маъмун билан қуйидагича суҳбат олиб борган: «У сўради: «Сизлар насрониймисизлар?». Улар: «Йўқ», – дейишди.

Шунда у: «Сизлар яҳудиймисизлар?» – деб сўради. «Йўқ», – деди улар. У: «Сизлар маг (зардуштий)мисизлар?» – деди. Улар: «Йўқ», – дейишди. Шунда у улардан: «Сизларнинг китоб ёки пайғамбарингиз борми?» – деб сўради. Улар йўқ дейишганида у: «Сизлар бутпараст, адашганлардансизлар!» –деди»[1].

Бироқ исломгача бўлган даврдаги ҳукмдорлар, чамаси, пайғамбар миссияси ва динга нисбатан бошқача қарашларга эга эдилар. Бунга сосоний шоҳи Баҳром монийлик дини асосчиси, пайғамбар Монийга: «Буларнинг бари (ваҳий)ни Худо нега фақат сенга етказди? Нега худо буларни барчасини бизга, бу мамлакатнинг ҳукмронига очмади?» – дегани далолатдир. Монийнинг Худо кимни танлашни ўзи ҳал қилади деган жавоби монийлик дини асосчисининг ҳаётига зомин бўлди»[2]. Бунга қарама-қарши мисол ҳам мавжуд. Бу маҳаяна буддавийлигининг кенг тарқалгани бўлиб, унда Будда Шакямуни асосчи-пайғамбар сифатида эмас, дхарма таълимотини тарғиб қилувчи кўплаб буддавийлардан бири сифатида қаралади. Чамаси, пайғамбар тимсолининг бу каби яққол «пасайтирилиши» ҳудудий маъмурлар томонидан буддавийликнинг қабул қилинишини енгиллаштирган эди. Шу каби қатламга ўз пайғамбар-асосчиларини шоҳ наслига тегишли деб кўрсатмоқчи бўлган кўплаб профетик динларни киритиш мумкин.

Бироқ, VII – IX асрларга қадар ҳатто таълимотнинг асосида турган пайғамбар тимсоли орқа ўринга ўтиши мумкин бўлган бўлса ҳам, унда айтиб ўтилган даврдан бошлаб қарама-қарши тушунча – ҳар қандай динни (энг соддаларидан ташқари) у ёки бу пайғамбар фаолияти натижаси сифатида кўриш мустаҳкам ўрнашади. Бу интерпретация тури аста-секин насроний ва ислом маданиятининг бир қисмига айланади. Улардан (айниқса, биринчисидан) пайдо бўлаётган илмий диншунослик буни ўзига мерос қилиб олади. Ҳиндистон, Хитой ва бутун Узоқ Шарқ бу ҳудуднинг ташқарисида қолди. Хитой ва Ҳиндистоннинг маш-

[1] Ушбу манбадан келтирилган: *Dodge B.* The Fihrist of al-Nadim. A Tenth-Century Survey of Muslim Culture. Vol. II. New York-London, Columbia University Press, 1970. P. 751.

[2] Ушбу манбадан келтирилган: *Casadio G.* Mani versus Mazdak: the Prophet and his King in Pre- Islamic Iran // L. H. Martin (ed.), Religious Transformations and Socio-Political Change. Eastern Europe and Latin America (Religion and Society, 33). Berlin-New York: Mouton de Gruyter, 1993. P. 44 – 45.

ҳур исмларга мухтожлиги йўқлигига қарамай, у ерда бутун таълимот ва диннинг ташкил этилишини ягона пайғамбар шахсига келтириш ҳақидаги тасаввурнинг ўзи бўлган эмас. Масалан, ҳинд жайнизмида ҳозирги «дунё даври»нинг бутун вақти давомида Ҳиндистонда жайнизм етти марта йўқолиб, ҳар сафар янги *тиртханкар* (пайғамбар, сўзма-сўз «кечув яратувчи») томонидан янги «таҳрир»да эълон қилинган; «замонавий» жайнизмнинг асосчиси Махавира (мил. авв. VI – V асрлар) ҳисоб бўйича 24-тиртханкар ҳисобланарди[1].

Шундай қилиб, яҳудий, насроний ва мусулмон анъаналарида кўрганимиз каби бошқа дин анъаналарида ҳам пайғамбар тимсолини муҳим ҳисоблаб шошилмаслигимиз лозим. Ўзининг пайғамбарларининг номини «ўз ичига олган» (конфуцийлик, буддавийлик, зардуштийлик) кўп динлар европача номларининг ўзи ҳам умуман профетик бўлмаган динларни «профетик қилиб» кўрсатади.

Айтиш жоизки, зардуштийлар ўз дини учун «эзгу қараш» (*Vēh dēn*) ёки «Маздага сиғиниш» (*māzdayasna*) номларидан фойдаланиб, уни «зардуштийлик» деб атамаган эдилар. Хусусан, биз бу ҳақда бошқа ўринда айтганимиздек[2], то мил. IV асрга қадар Эрон ва Ўрта Осиё эпиграфик ёдгорликларида Зардушт исми келтирилмаган. Худди шунингдек, ташқи – таврот ва ҳинд манбаларида ҳам қадим эронликларнинг дини тилга олинган эмас[3]. Антик манбалар ягона истисно

[1] Қаранг: *Терентьев А.А., Шохин В.К.* Философия джайнизма // *Лысенко В.Г., Терентьев А А., Шохин В.К.* Ранняя буддийская философия. Философия джайнизма. М., 1994. С. 315.

[2] Қаранг: *Абдуллаев Е.* Платоновский миф о маге Зороастре и его судьба в античном и иранском мире // Проблемы истории, филологии, культуры. Вып. X. Москва-Магнитогорск, 2001.

[3] Тўғри, битта қизиқ далил бор. 1972 йилда таниқли инглиз эроншуноси Ҳ.В. Бейли Осиё Шоҳлик Жамиятининг олтин медалини тақдим этишдаги маърузасида «Марказий Осиёдан Кушон даври ёзувларига ўхшаш матнли қоғоз парчаси»ни тилга олиб ўтган, бу ҳужжат «Бақтрия [матнлари]» деб таърифланган, аммо ҳозиргача, ўша вақтдан буён ярим асрдан кўпроқ вақт ўтганига қарамай, нашр этилмади. Унда айтилишича, «Шака» (Сака) ерларидан, яъни сак халқлари яшайдиган жойлардан (ҳиндлар юэчжи деб атаганлар ва бошқа Ўрта Осиё халқлари – Е.А.) Кушон даврида Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий қисмига икки гуруҳ коҳин-афсунгарлар кўчиб ўтишган, улардан бири Mihirага, иккинчиси Jarasastra сиғинган. Х.В. Бэйли уларни асосли равишда Митра ва Зардушт деб айтмоқда (*Bailey H.W.* A Half-Century of Irano-Indian Studies // JRAS. 1972. № 2. P.107). Афсуски, бу «Бақтрия қоғози парчаси» Х.В. Бэйли маърузасидан кейин ўтган ўттиз йилдан кўпроқ вақт ичида нашр этилганми ёки йўқлигини билмаймиз; афтидан, нашр этилмаган. Биз бу коҳин-афсунгарлар ким эканликларини ва улар сиғинган Jaraastra ҳақиқатан ҳам Авестодаги Зардушт эканини Х.В. Бэйлининг маърузасидаги битта қисқача хабарга асосланиб баҳолай олмаймиз.

бўлиб, чамаси, бу манбаларнинг энг биринчиси «Алкивиат Биринч» (Alc. I. 121d-122b) диалогида форс тахт ворисларини, моҳияти «Худоларни эъзозлаш» бўлган «Оромазда ўғли Зардуштнинг афсуни»га ўргатишлари ҳақида айтиб ўтган Афлотунга тегишлидир. Зардушт ва унинг «афсуни» ҳақидаги то Византия тарихчиси Агафиянинг маълумотларига қадар (VIII аср) қолган барча хабарлар Афлотуннинг шу сирли мулоҳазасига асосланади ва уларда фақатгина арзимас фарқлар кўзга ташланади. А. Момиляно тўғри таъкидлаганидек, Зардушт исми антик дунёда танилишига фақат Афлотун сабабчи бўлиб, ундан сўнг[1] Эрон ва Ўрта Осиё эпиграфикаларида бу исм илк бор моний матнларида кўрсатилган. Чунки монийлар Афлотун, Исо ва Будда каби Зардуштни ўз эътиқод қилувчиси Монийдан олдинги пайғамбар деб ҳисоблар эдилар. Айнан монийлик матнларида Зардушт исми Ўрта Осиё – сўғд ва ўрта форс тилларида қайд этилади (ўртафорсча *zrhωšt*, сўғдча *'z-r'ωšc*)[2]. Ўрта Осиё эпиграфикасида (шунингдек, зардуштийликда ҳам) бу пайғамбар тўғрисида то ислом даврига қадар бўлган манбаларда бошқа ҳеч қандай эслатмалар топилган эмас. Ҳатто Авестонинг ўзида ҳам Зардушт исми асосан механик тарзда кейинги кўчирувчилар ва муҳаррирлар томонидан «қўйилган», чамаси, замонавий Авесто матнларининг кўп қисмида бу исм келтирилмаган. Масалан, француз авестошуноси М. Моле Авесто таҳлили асосида Зардушт атамаси аппелятив бўлиб, пайғамбар исмини эмас, коҳин иерархиясининг юкори босқичини билдирган деган хулосага келган. Зардуштни пайғамбар-асосчи сифатида кўриш эса анча кейин, исломга мослашиш жараёнида пайдо бўлди[3].

Шундай қилиб, Зардушт ҳақиқий ёки афсонавий шахс бўлишидан қатъи назар, қуйидагиларни айтиш жоиз. Биз, одатда, зардуштийлик деб атайдиган дин то VII – IX асрларга қадар шу сўзнинг маъносидан англанадиган *зардуштийлик* дини, яъни Зардушт/Заратуштра

[1] *Momigliano A.* Alien Wisdom: the Limits of Hellenization. Cambridge University Press, 1975. P.142.

[2] Қаранг: *Henning W.* Mitteliranishe Manichaica ... S. 872 – 881; Ўша муаллиф: The Murder of the Magi //JRAS. 1944. No 3-4. P. 137.

[3] *Mole M.* Le probleme Zoroastrien et la tradition mazdeene. Paris, 1963. P. 25 – 26.

пайғамбарнинг дини бўлмаган, яъни мусулмонлар ҳукмдорлиги давридаги каби илоҳийлаштирилмаган, бўлган тақдирда ҳам, унча муҳим рол бажарган эмас. Айниқса, исломга қадар Ўрта Осиё ҳақида сўз борганда унинг қадимги давлатларини зардушт матнлари аввал Ахура Маздонинг ихлосмандлари сифатида, кейин бир қисми гўёки «гуноҳли шубҳага» тушганлар (Видевдат, 1, 7), бошқа қисми «девларга сиғинган» сўғдлар (Шахриха-и Эран, 1, 7) сифатида ёритади[1]. Охиргиси асоссиз эмас. Маълум бўлишича, араблар босқини давридаги Сўғднинг сўнгги ҳукмдорларидан бири Деваштич (*Dēwāstič*) исмига эга бўлган, яъни «девли». Ўрта Осиёдаги археологик топилмалар орқали қайд этилган, Авестода айтилган одатлардан ва Авесто худоларининг пантеонидан сезиларли даражада «четга чиқишлар» бу ҳудудда зардуштийликдан ҳам кам гипотетик бўлмаган қандайдир гипотетик «тармоқланиш», умум орий диний амалиётига бориб тақалувчи ва қайсидир даврдан мустақил ривожланган ҳудудий культларнинг конгломерати бўлгани ҳақида тахмин қилишга асос бўлмоқда. Шунга кўра, Ўрта Осиё динларининг Авесто ва ўрта форс тилидаги зардуштийлик адабиётларида қайд этилган муайян культларга нисбатан муносабати, қисмнинг бутунга бўлган нисбати каби эмас ва зардуштийлик адабиётларидаги маълумотларни «эталон» сифатида эмас, ўхшашлик сифатида олиш лозим. Мисол учун, археологларнинг ҳар қандай олов меҳроблари топилмаларини зардуштийлик ёки аллақандай «протозардуштийлик анъанаси»га[2] тақашга қарши таъкидлаш керакки, олов меҳроблари нафақат зардуштийлик, балки қадим Юнон ва қадим Рим культларига ҳам тегишлидир. Бунга яқинда Р. Фрай томонидан ҳаққоний тарзда урғу берилди[3].

[1] Видевдат I, 4 – 9 ёки Михр-Яшт, 14 каби Авесто матнлари ва Шахриха-и Эран I, 2-8 каби Авестога оид бўлмаган матнлар.

[2] *Ширинов Т.* Алтари огня из храма Джаркутана – памятника эпохи развитой бронзы юга Узбекистана // ИМКУ. Вып. 23. Ташкент, 1990. С. 78.

[3] Олов культлари зардуштийликдан бошқа динларда ҳам борлигини таъкидлаб, Р. Фрай шунингдек, «ёмғир ва шамолдан ҳимояланган, баландликда пана жойда доимий ёниб турадиган уйлар учун олов манбаи бўлган» «муқаддас» олов («secular» fire) бўлган бўлиши мумкинлигига ишора қилади. Шу нуқтаи назардан, олимнинг фикрича, «катта иморатларни аниқлашда шунга эътибор қаратиш керакки, у ерда кўп кул топилса, у ибодатхона, аксинча ҳолатда сарой бўлади». *Frye R.N.* The Achaemenids and Zoroastrian... P. 60.

Айтиб ўтилганларни «зардуштийлик» сўзини исломга қадар оловни эъзозлаш, ёмонликлардан покланиш, Митра, Хварно ва бошқа умумий худоларга сиғинишга ўхшаш анъанасига эга бўлган маҳаллий культларга нисбатан ишлатмасликка даъват сифатида тушунмаслик лозим. Зардуштийлик атамаси фанга етарлича мустаҳкам ўрнашди. Уни алоҳида, «маздаизм»даги яққол зардуштийликка оид бўлмаган культларга ёки И. Гершевич томонидан таклиф этилган яна ҳам ёқимсиз «заратустризм» ва «заратустрицизм»[1] деб алмаштириш шундоқ ҳам чалкаш вазиятни янада мураккаблаштиради. Шунинг учун кейинчалик автохтон қадим ва илк ўрта асрлар Ўрта Осиё культлари ҳақида гапираётиб биз уларни «зардуштийлик» деб номлаймиз, бироқ уларга Зардуштнинг тимсолини боғлашга ёки уларни Авесто ё бошқа зардуштий асарлари билан боғлашга уринмаймиз.

Буддавийликка нисбатан терминология жиҳатидан ўхшаш ҳолат кузатилмоқда. Будда Шакямуни тимсоли зардуштийликдаги Зардуштга нисбатан буддавийликда анча муҳим (ва манбаларда аниқ қайд этилган) роль ўйнаган. Аввал таъкидлаб ўтилганидек, буддавийлик асосчининг исми билан эмас, эркак наслининг кўп маъноли «дхарма» концепти билан белгиланган эди. Бундан ташқари, замонавий тадқиқотларда қабул қилинган буддавийликнинг икки йўналиши номланиши — *хинаяна* («тор арава») ва *махаяна* («кенг арава») худди шунингдек фақат иккинчи оқим вакиллари томонидан қабул қилинган ва хинаяна буддавийлигида мавжуд эмас. Байрамалидаги (ҳозирги Туркманистон) қўлёзмада, масалан, хинаяна «шравакларнинг араваси» деб аталади, яъни *шравакаяна*— дин тарғиботчилари эди[2].

Бундан ташқари, хинаяна ва махаяна ўртасидаги фарқлар аниқ ажратилган эмас. М.Уолтернинг таъкидлашича, «Хинаянани қисқача архатлик идеали деб билиш ҳамда сангхага боғлаш, махаянани эса

[1] Қаранг: *Gershevitch I.* Zoroastrian Own Contribution // INES. 1964. No 23. P.12.

[2] *Воробьева-Десятовская М.И.* О терминах «хинаяна» и «махаяна» в ранней буддийской литературе // Буддизм: история и культура. М.: Наука, 1989. С. 76.

бодхисатва идеали сифатида кўриш ва бошқалар хатарлидир. Чунки бу «аравалар»ни ажратиш бўйича ягона фикр мавжуд эмас»[1]. Махаянанинг асосий «назариётчиси» Нагаржунга тааллуқли деб ҳисобланган матнларда фақат илк буддавийликнинг икки мактаби — *сарвастивада* ва *ватсипутрия* «хинаянага оид» деб эътироф этилган. Шимолий Чан буддавийлиги вакиллари эса Шимолий Чан буддавийлиги таълимотини нотўғри тушунган барча хитой буддавийларни «хинаяна» деб номлаган эдилар[2].

Бу нуқтаи назар билан Ўрта Осиё ҳудудларида фақат хинаяна буддавийлиги тарқалган дейиш нотўғри бўлар эди. Масалан, қадимги Термиз (Қоратепа ва Фаёзтепа) ҳудудида жойлашган Будданинг трансцендентал моҳияти устида ишлаган махасангхика мактаби махаянага анча яқин эди. Бундан ташқари, Ўрта Осиёдаги буддавий топилмалар орасида ботхисатвларнинг кўплиги ҳудудий буддавийликка махаянанинг таъсиридан далолат бера олади.

Демак, таҳлилимиз шуни кўрсатмоқдаки, исломга қадар Ўрта Осиё динларини ўрганишда қўлланилаётган асосий атамалар («дин», «зардуштийлик», «хинаяна» ва б.) қайта кўриб чиқилишга эҳтиёж сезмаса ҳам, ҳеч қурса, Ўрта Осиё динларига нисбатан ўзининг етарлича «юзаки» эканлиги ҳисобга олинишига ва бу атамаларнинг Ўрта Осиё динларини самарали ўрганишда нафақат ёрдам бермайдиган, балки, аксинча, уни ҳар томонлама қийинлаштирадиган семиотик майдонини хаёлан «кесиб олиб ташлаш»га эҳтиёж сезилади.

Энди асосий атамалар бундай таҳлил қилинганидан сўнг тадқиқотнинг асосий қисмига — бир тарафдан (кўпроқ зардуштийлик билан намоён бўлган) дин ва иккинчи томондан шоҳ ҳукмронлиги ўртасидаги муносабатларни аниқлашга ўтсак бўлади.

Бу таҳлилни икки асосий масала асосида тартибга келтирсак:

— идеал ҳукмдор ҳақидаги тасаввурлар;

— Ўрта Осиёда дин ва ҳукмронлик ўртасидаги муносабат турлари.

[1] *Walter M.N.* Kingship and Buddhism in Central Asia. Michigan: UMI Dissertation Services. 2001. P. 10.

[2] Ўша манба. 10 — 11-бетлар.

Бу масалалар билан «меҳроб ва тахт» ўртасидаги муносабатлар спектори йўқ бўлиб кетмаса-да, улар етарлича қулай ва самарали «мукаммал-ҳақиқий» қолипни (бу қарама-қаршиликнинг ўзаро қиёсий уйғунлашув хусусиятини назарда тутган ҳолда) ташкил этади.

Зардуштийлик ва шоҳ ҳукмдорлиги. Зардуштийликда идеал ҳукмдор ҳақида

Идеал ҳукмдор ҳақидаги тасаввурлар у ёки бу даражада ҳар қандай диний тизимга хос саналади. О.А. Шалимов ҳаққоний таъкидлаганидек, «энг яхши ҳукмдор тимсоли ва ҳокимиятнинг жамият билан муносабатлари тамойиллари маданиятнинг доимий мавзуларидан бири бўлган... Илк даврлардан бошлаб қадим замон ва ўрта асрлар мобайнида ҳукмдор ва унинг жамият билан муносабатларига нисбатан қарашлар, умуман, олам ҳақидаги диний тасаввурлар таъсирида шаклланди»[1].

Зардуштийликда идеал ҳукмдор қандай кўринишда гавдаланганини кўриб чиқишдан олдин айтиш жоизки, Авестонинг ўзида биз Ўрта Осиёда аҳамонийлар давридаёқ учратадиган давлат-маъмурий тузилишининг ривожланган шаклларини, амалдорликни (бюрократия) ва подшолик ҳокимиятини билмайдиган, етарлича архаик патриархал жамият тасвирланади. Авестони тузувчилар учун жамият ва ҳукмронлик тузилиши қандай кўринганини аниқламай туриб идеал ҳукмдор тимсоли жойлашган контекстни тушуниш қийин.

Бу тузилма кўплаб архаик жамиятлардагидек аниқ ажратилган тўрт қисмли таркибга эга бўлган: оила — насл (қишлоқ) — қабила (ҳудуд) — мамлакат. Оила (Гатларда — *xᵛaētu*, Қичик Авестода — *nmāna*, қад. форс.— *taumā*)[2] энг яқин қон-қариндошларнинг бирла-

[1] *Шалимов О.Л.* Образ идеального правителя в Древнем Риме в середине I — начале II века н.э. М., 2000. С. 5.

[2] Ушбу абзацдаги атамалар ва уларнинг маънолари қуйидаги адабиётдан келтирилган: *Schwartz M.* The Old Eastern Iranian World View According to Avesta // The Cambridge History of Iran. Vol. 2. The Median and Achaemenian Periods. Cambridge. 1985. P. 649.

шуви сифатида кўрилган; *xᵛaētu* гатик атамаси уруғ маъносини ҳам билдирган, лекин Кичик Авестода уруғ маъносида (қариндош оилаларнинг жамланганлиги, шунингдек, қишлоқ жамоаси, қишлоқ) *vis* сўзи ишлатилади. Қабилани *zantu* дейиш фақат Кичик Авестода мавжуд; Гатларда фақат *šoiora*, яъни *ҳудуд* учрайди. Шунингдек, ҳам Гатларда, ҳам Кичик Авестода *dahyu* – мамлакат тушунчаси мавжуд (қад. форсчада ҳам «вилоят» маъносида).

Ушбу ижтимоий тузилманинг ҳар бири ўз «дунёвий» – *pati* (*nmanapati, vispati, zantupati* ва *dahyupati*) ҳамда «маънавий» – *nmanya, visya, zantuma, dahyuma* ва *zaraθuštrōtema*) бошлиғига эга эди. Бу «маънавий» ҳукмдор – раҳнамо *Митра* деб ҳисобланади (авест. *miora*, қад. форс. *miça*, сўғд. *myš*)[1]. Қолаверса, худди шу маъбуд *cmpan-dahyu*ларнинг «дунёвий» ҳукмдори, ҳаттоки «барча мамлакатлар»нинг ҳукмдори ҳисобланган (*vτspanām dahyunām daiñhupaiti,* Михр Яшт, 145).

Бу жиҳатдан ўз ичига ҳам дунёвий, ҳам диний ҳукмдорликни бирлаштирган Митра зардуштийликда умумлашган идеал ҳукмдор моделидир. Авестонинг ўзида у Ахура Маздадан сўнг иккинчи ўринда турибди. Гатларда Митра эслатилмаган, бу Зардушт ушбу маъбуднинг аҳамиятини пасайтиришга интилган деган ёлғон ҳулоса чиқаришга имкон яратди[2]. Шу билан бирга, Гатларда уларнинг зардуштийлик литургияси (энг катта ибодат)даги ўрни бўйича барча асосий маъбудлар ва Эрон – Ўрта Осиё пантеонлари айтиб ўтилиши шарт эмаслиги ҳисобга олинмаган; Митрани мадҳ этиш учун Авестонинг бошқа қисмлари, аввало, аввал айтилган Михр Яшт ҳам мавжуд. Авестонинг ҳуқуқий матнлари – Видевдатда бу маъбуд ҳам марказий ўринлардан бирига эга. Видевдатда (III, I) Митра энг улуғ худо, адолат соқчиси сифатида кўрсатилади. У билан бир қаторда адолатнинг икки жиҳатини акс эттирган Рашну (адолат) ва Сраоша (итоат) маъбудла-

[1] Қаранг: Михр-Яшт, 115. В переводе *Стеблин-Каменского И.М.*: «О Митра, глава дома, рода, и народа, страны и всей общины». Авеста: избр. гимны; из Видевдата / Пер. Стеблин-Каменского И.М. М., 1993.

[2] Қаранг: *Zaehner R.C.* The Dawn and Twilight of Zoroastrianism. London, 1961. P. 116 – 120.

ри кўрсатилади. Шартномалар имзоланганда ҳамда унинг бузилганига шубҳа қилинганда бирдек Митрага қасамёд қилинарди (Видевдат, IV, 54 – 55).

Анъанага кўра «Митра» (*miθra*) «шартнома» деб таржима қилинади, бироқ, В. Ленц Михр Яшт Видевдат таҳлилига асосланиб кенгроқ тушунча киритишга ҳаракат қилган: «Авестонинг бу икки асосий матнларига кўра, Митрани кишининг динга мос равишда амал қилишга интилиши (striving of man) – ростгўй бўлиб, ўз қўшнисига бағрикенг ва мулоҳазали бўлиш деб тушуниш лозим»[1] деб таъкидлайди.

Бу тушунча, бизнинг фикримизча, унча тўғри эмас. Илоҳни «интилиш» сифатида белгилашнинг ўзи, ҳатто қайсидир диний ҳаракатларга «интилиш» бўлса ҳам, таажжубланарли кўринмоқда. Бундан ташқари, В. Ленцнинг берган таърифи Кант афоризмлари руҳидаги ахлоқ бўйича қандайдир европача трактатдан кўчирмага ўхшаб қолган деса бўлади. Авесто матнларининг услуби ва хусусияти бўйича шу қадар турлича бўлган иккита – «космологик», метрик-тузилган Михр Яшт ва аниқ-пухта догмалаштирилган (ақидага айлантирилган), насрий Видевдат орасидан «ўрта арифметик» Митрани ажратишга ҳаракат қилишнинг ўзи нотўғри кўринмоқда. Шундай қилиб, В. Ленц «қадим Эрон Митрасининг ижтимоий хусусиятлар»ини ўрганар экан, бу маъбуднинг жамиятни ташкил этувчи ва идеал ҳукмдор сифатидаги шундай муҳим «ижтимоий хусусияти»га менсимай қарайди.

Митра бошқа «Ахура томонидан яратилган» маъбудлар орасида ўзининг ҳукмдорлик ўрнига эгалигидан ва адолат эталони бўлишидан ташқари ижтимоий тартиб устидан назоратчи сифатида ҳам қаралган эди. М. Бойснинг таъкидлашича, «Бошқа кўплаб ҳинд-эроний маъбудлар каби Митра инсон кўринишида, ҳар қандай буюк ерлик ҳукмдордан (*mortal*) кўра буюкроқ кўринишда бўлган... у «мириад маҳорат, мириад юзларга эга» васфи соҳиби эди, бу, эҳтимол, ҳар бир тепаликдан «сўзидан биринчи ким чиқиши»ни кузатиб турган унинг қўл остидаги «шартнома бажарилишини назорат қилувчилар-

[1] *Lentz W.* The «Social Functions» of the Old Iranian Mithra // W.B. Henning Memorial Volume / Edited by Mary Boyce and Ilya Gershevitch. London, 1970. P. 252 – 253.

»ига (*spašo... mithrahe*) қаратилгандир (ахамоний роҳибларнинг хабарчиларини ҳам «юзлар» ва «қулоқлар» деб аташган, бу қиёслаш анча қадимгидек кўринмоқда)»[1]. Артаксеркс II (404 – 358)дан бошлаб ахамоний ҳукмдорлар фақат Ахура Мазданинг ўзини эслатмай, Ахура Мазда ва Митра (шунингдек, Анахита)га мурожаат этишгани бежиз эмас. Умуман, Ўрта Осиё ҳақида гапирсак, исломга қадар бўлган давр мобайнида Митра маъбудининг культи Ахура Маздадан кўра анча кенг тарқалган, бу ҳақда нумизматик, эпиграфик ва топонимик маълумотлар гувоҳлик бермоқда[2]. М.А. Дандамаев таъкидлаганидек, Эрон ҳудудида ҳам «Ахамоний даври мобайнида Ахура Мазда исми билан теофор белгилар учрамайди, Митра билан эса теофор исмлар жуда кўп», чунки «халқ ичида Ахура Мазда буюк ҳукмдорлик культи бўлиб тарқалмаган эди»[3].

Митранинг идеал илоҳий ҳукмдор тимсоли билан хшатра – шоҳ ҳокимиятининг атрибути боглиқ эди.

«Хшатра» атамаси (*xsaθra-*; пахл. *Šahr-*, таққосланг: янгифорс., ўзб., тож. *shahar*) «шоҳ ҳукмдорлиги»ни билдирган (ўрта вед. *kṣatra* «кшатрий»). Чамаси, юқорида эслатилган Михр Яштдаги Авесто Митрасининг *дахю – пати* – барча мамлакатларнинг ҳукмдори (*vispanām dahyunām daiñhupaiti*) сифати аҳамонийлар даврида *хшатра – пати*га ўзгаради. Қсанфадаги (мил. авв. IV аср) уч тилли матнда эслатилган Митра билан Хшатрапати худоси тадқиқотчилар томонидан ўзаро тенглаштирилмоқда[4]. «Митра» ва «Хшатра» Эрон ва Ўрта Осиёда бир маъбуд сифатида қабул қилинганини Персеполис истеҳкомларидан топилган тахтакачларда ҳам *miora*, ҳам *xsaora* номидан иборат исм келтирилмаганидан кўриш мумкин; шу билан бирга, уларни ўз ичига олган алоҳида келтирилган кўп номлар бир хилдек

[1] *Boyce M.* A History of Zoroastrianism. Vol. I. Leiden, 1975. P. 31.

[2] Қаранг: *Смирнова О.И.* К вопросу о среднеазиатских культах (О культах Артавахишты и Митры по данным топонимики) // Сов. этнография. 1974. № 1.

[3] *Дандамаев М.А.* Имперская идеология и частная жизнь в Ахеменидской державе // ВДИ 1998. № 1. С. 551.

[4] *Bivar A.D.H.* Personalities of Mithra in Archeology and Literature (Biennial Yarshater Lecture Series, No. 1). New York, 1998. P. 13 – 16.

кўринади[1]. М. Бойснинг ёзишича: «Митра номи мил. авв. IV асрда Хшатрапати сифатида, чамаси, янада аниқроқ маънога — «мамлакат хўжайини», яъни... Ахамонийлар империясининг эгаси маъносига эга бўлади». Бу маънода у кейинги аёл тимсолидаги эквиваленти Шаҳрбону (*Šahrbānū*) каби ҳам маъбуд васфи, ҳам ердагишоҳ сифатида иштирок этган, «мамлакат бекаси» маликалар ва юқори зотли аёллар мақоми сифатида ҳам Митранинг жуфти сифатида кўрилган маъбуд Анахитани билдиради»[2].

Афтидан, Митранинг номи Ахура Маздонинг бошқа маъбудлар (улар орасида унга энг яқини Митра бўлган) устидан ҳукмронлигини ва зардуштийликнинг монотеистик дин эканини таъкидлаш мақсадида яна ҳам жонсиз бўлган «хшатра» сўзига ўзгартирилгандир. Мисол учун, Митра номи умуман бўлмаган Гатларда муҳим мифологема сифатида «хшатра» келмоқда. В.И. Абаев ёзганидек, Гатлардаги асосий тушунчалардан бири *xsaθra*дир. *Xsaora* сўзи ва ундан ташкил топган (huxšaθra —«яхши хукмронлик», duše *xšaora* — «ёмон хукмронлик», *išāxšaθra* — «тўла ҳукмронликка эга») сўзлар Гатларда 63 марта учрайди[3]. Ахамоний ҳукмдорларнинг номланиши яна бир мисол бўла олади. Митра номи машҳур бўлса ҳам, аҳамоний ҳукмдорлар ичида (кейинги сосонийлардаги каби) бironта ҳам митра ўзагига эга исм мавжуд эмас; кейинги (дин жиҳатдан мустаҳкам эътиқодли деб ҳисобланмаган) Парфия шоҳларининг тўрттаси айнан Митридат (Митра томонидан берилган) исмига эга эди. Бошқа томондан, «хшатра» сўзи уч аҳамоний (Артаксеркс, яъни Арта-Хшатра) ва уч сосоний (Ардашир I, Хурмузд I Ардашир ва Ардашир II) шоҳнинг исмида мавжуддир. Гатлар ҳолатидаги каби Митра аҳамоний ва сосоний ҳукмдорлар теофор исмларига фақат «хшатра» шаклида қўшилган деб тахмин қилиш мумкин.

---

[1] Масалан, Митрабану (8.1177) / Хшатрабану (8.1522); Артамитра (8.589) I Артахшатра (8.581 — 3); Яна қаранг: Митрафарн / Фарнахшатра (Mayerhofer M. Onomastica Persepolitana. Das Altiranische Namengut der Persepolis-Tabelchen. Wien, 1973).

[2] *Boyce M.* Mithra Khsatrapati and His Brother Ahura // In honor of R. N. Frye. Aspects of Iranian Culture (Bulletin of Asia Institute, Vol. 4). Iowa, 1990. P. 3.

[3] *Абаев В.И.* Миф и история в Гатах Зороастра // Историко-филологические исследования. Сборник статей памяти академика Н.И. Конрада. М., 1974. С. 317.

«Келишув» ва «ҳокимият» тушунчалари зардуштийликнинг идеал ҳукмдор тушунчаларида ўзаро бир-бирига боғланган эди. Гатда келтирилган Уштавайти (4-5) тушунчаси ундан кейинги даврларга оид «ижтимоий келишув» ғоясига ўхшаш бўлиб, у кўпроқ ҳиссиётлар билан ифодаланади: «Қонун кимнинг қўлида — ярамас коҳинларнинг қўлида, // ёмон ҳукмдор инсофсизларча подани нобуд қилмоқда; // у виждонсизларча бойликни ўзига олди. // Ким уни ҳаётдан ва ҳокимиятдан улоқтиради, // баракали сигирлар учун ким яйловларни кенгайтиради? // Ким ҳужум қилмай ҳимоя қилади, // у эътиқодда мустаҳкам ва келишувга содиқ»[1].

Агар Митра идеал илоҳий ҳукмдор сифатида эъзозланган бўлса, унинг ердаги «эгизаги» бўлган биринчи ҳукмдор ва маънавий қаҳрамон Йима бўлган. Йима (авест. *yima-*; *yimöxšaētö*, «Ёркин Йима», бундан кейинроқ янгифорсча шакли *jamšēd*, ўзб. ва тож. Жамшид) Орийлар давлатида ҳукмронлик қилган олтин асрнинг афсонавий шоҳидир. Бир қанча тадқиқотчилар тахминига кўра, этимологик Йима номи Авестодаги уста (эгизак) билан боғлиқ. Ҳатто Р. Зенет бу кўрсатмага қараб Йиманинг Митранинг ердаги эгизаги ҳисобланганини айтади[2]. Биз эса Йима билан боғлиқ кўплаб афсона ва ривоятлардан унинг Митрага боғлиқлиги ҳақида ҳеч қандай ишора топа олмадик[3].

Видевдатга (II, 20 — 21) кўра, Йиманинг ҳукмронлик жойи «орий кенглиги» (Арианам Вайджа) — Ўрта Осиё ва Эрон қабилаларининг афсонавий аждодларининг ватанидир. Пахлавий тилидаги илк ўрта аср асарларига кўра, Йиманинг мамлакати ҳозирги Ўрта Осиёда жойлашган; Хоразмда (Бундахишн, 72) ёки Самарқандда (Сўғдда) (Шаҳрихон-и Эрон, 1, 2 — 7) гўёки у илк ҳукмдор бўлган эди. Йиманинг идеал мамлакатида «совуқ шамол ҳам, гармсел ҳам, азоблар ҳам, ўлим ҳам бўлмаган» (Видевдат, II, 5). Бу мамлакатда ҳеч ким сиқилиб қолмаслиги учун Йима Аҳура Мазда ҳадяси — олтин шоҳ ва

[1] Бизнинг таржима — *Е.А.*

[2] *Zaehner R.C.* The Dawn and Twilight ... P. 137 — 138.

[3] Аҳура Маздадан ташқари зардуштий илоҳаларидан фақат Йима Ардвисура Анахитага ибодат орқали мурожаат қила олган (Абан Яшт, V, 25).

олтин қамчи ёрдамида уч бор унинг чегараларини кенгайтирган (ўша ерда, 6 – 7). Бундан ташқари, Йима ўн минг шаҳар ва қишлоқ қурган (Бундахиши, 107). Ўрта Осиёда Йима тимсолининг машҳурлиги тўғрисида монийларнинг «Паҳлавонлар китоби»даги сўгдча М 692 парчаси гувоҳлик бермоқда. У ерда Йима Арианам-вайжанинг ҳукмдори эканлиги айтилади[1].

Авестода яна ҳам батафсил қилиб Йиманинг мамлакати эмас, у ҳайвонлар ва одамларга «тоғ бўйи баравар» қор ёғадиган қаҳратон қишлардан ва кейинги тошқинлардан ҳимоялаш учун қурган бошпанаси ҳақида айтилган (Видевдат, II, 20 – 24).

Бу бошпана Вара (ўтар) (бошқа номи – Йимкард) – қалъа, Авестодаги «Нуҳ кемаси»нинг ўхшаши бўлган. Видевдатга (II, 25) кўра, Ахура Мазда тирик жонзотларни қутқариш учун Йимага «дунёнинг барча томонларига икки чақирим кенгликдаги Вара қуришни ва у ерга жуфти билан уй ҳайвонларини, инсонларни, итларни, қушларни ва қизил ёнувчи оловларни олишни буюради».

Илк ўрта асрларга оид Меног-и Храд (27 – 31) асарида Вара ҳақидаги афсонанинг бошқа фрагменти келтирилади. Йима «Йимкард бошпанасини қурди, чунки, Авестодан аниқланишича, Маркусан жаласи қуйганда инсонлар ва барча Ахура Мазда худосининг яратганлари ўлишади. Шунда у Йимкард бошпанасининг эшигини очади ва инсонлар, ҳайвонлар ва бошқа мавжудотлар бу панадан чиқиб дунёни қайта тиклайди».

Тадқиқотчилар «вара» (ўтар) атамасининг илк маъноси тўғрисида турли фикрларни келтиради. С.П. Толстовнинг фикрича, «вара» деб марказий қисми қабила подаси учун мўлжалланган, ҳимояланган шаҳарларни айтишган[2]. К. Йеттмарнинг фикрича, Йима номи билан боғлиқ сиғиниш учун мўлжалланган иншоотлар «вара» деб аталган эди[3]. Ригведада (I, 181, 6) кузда, сув тошқини, ёмғирлар мавсумида жойлашадиган вақтинчалик қалъалар ҳақида айтиб ўтилади; бу қалъанинг,

[1] Қаранг: *Henning W.B.* The Book of the Giants // BSOAS. 1943. Vol. XI, No. 1. P. 73 – 74.
[2] Қаранг: *Толстов С.П.* Древний Хорезм ... С. 77 – 78.
[3] Қаранг: *Йеттмар К.* Религии Гиндукуша. М., 1986. С. 192 – 193.

эҳтимол, *sam* префикси билан *var* (ўраб олмоқ, ҳимоя қилмоқ) ўзагидан келиб чиққан *çámbara* номига жуда яқин кўриняпти. Айниқса, *samvárana* (молхона) сўзи атоқли от сифатида Ригведада (V, 33, 10) ишлатилади[1]. Зардуштий афсоналарда вара ўликлар макони сифатида ҳам тушунилган, Йима эса (ведадаги Яма каби) ўликлар ҳукмдори эди.

Демак, идеал ерлик ҳукмдор сифатида Йима нафақат идеал ҳукмдор, маданий қаҳрамон, балки инсоният халоскори ҳам эди. Шу билан бирга, бу образ бир қанча салбий жиҳатларга ҳам эга эди. Аввало, Видевдатда (II, 4) айтилганидек, у эътиқоднинг «сақловчиси ва давомчиси» бўлишдан, яъни коҳиннинг вазифаларини бўйнига олишдан бош тортади. Видевдатда Йима бунинг учун айбланмайди, паҳлавий ривоятида эса бунга унинг Мазда динини давом эттирувчиси бўлишдан бош тортганлиги деб қаралади (31.1 – 2).

Яснада Йима инсонларни йирик шохли қорамолни сўйишга ўргатган гуноҳкор сифатида тасвирланади: «Ҳаттоки Вивахванта ўғли Йима ҳам бу гуноҳда айбланган эди // Одамларни хурсанд қилиш учун у буқани сўйишга буюрди» (Ясна, 32, 8)[2].

Замийад-Яштда бу воқеанинг бошқа муқобили берилади: Йима ёлғон гапиргунга қадар энг буюк ҳукмдор эди: «Ва Йиманинг шоҳлигида // Битмас-тугамас // Ҳам егулик, ҳам ичкилик // Моллар ҳам, инсонлар ҳам боқий // Ўсимликлар сўлимаган // Сувлар тугамаган // Ва бу мамлакатда // Совуқ ҳам, изғирин ҳам // Қарилик ҳам, ўлим ҳам // Зарарли ҳасад ҳам бўлмаган, // То у ёлғон гапирмагунча: // Ноҳақ сўзни // Хаёлига келтирмагунча» (19.32 – 33)[3]. Бу ноҳақ сўз нимадан иборат бўлгани ҳақида зардуштий манбаларида айтилмаган, аммо Бундахишна (107) ва Фирдавсийнинг Шоҳномасида Йиманинг гуноҳкорлиги Аҳриманнинг такаббурликка ишонтирганига қараб ўзини худоларга тенг билгани учун дейилган. Шундан сўнг Йима ўз *хварно*сини йўқотди. Бу тушунча идеал ҳукмдор ролини тушунишда муҳим бўлгани боис унга алоҳида тўхталиб ўтамиз.

---

[1] Қаранг: *Елизаренкова Т.Я.* Слова и вещи в Ригведе. М., 1999. С. 217 – 218.

[2] Бизнинг таржима. – *Е.А.*

[3] *Стеблин-Каменский И.С.* таржимаси.

Агар «хшатра» атамаси моддий ҳукмронликни билдирса, «хварно» (авест. *x^{v}arenah*, паҳл. *xwarrah*, «*фарр*», сўғд. *prn*) кўпроқ руҳий ҳукмронликка, харизмага тааллуқли эди. Афсонавий Авесто қиёфасини батафсил таҳлил қилган А. Хинтце таъкидлаганидек, *хварно* «Эрон манъавий маданиятида жуда муҳим, аммо маъно жиҳатидан англаш қийин ҳисобланган тушунчадир... Бу ўзига хос эроний тушунчани унга мос тасвирлаб таржима қилишга уриниш имкондан ташқаридаги ишдир»[1]. Дастлаб «ҳисса, улуш» маъносини билдирган *хварно* (Кушон тангаларининг «Фарро»си) аста-секин оловли шуъласини англатувчи (нимба каби) мустақил маънога ўзгаради.

Хварно Авестода (айнан Яштда) Йима ва Митрани бирлаштирувчи ягона образ бўлса керак. Замийад-Яштда (34 – 35) Йима «кавиларнинг кучли хварносига эга» (яъни орий ҳукмдорларнинг) биринчи ҳукмдор сифатида тасвирланади. Бироқ у ўз хаёлига ёлғон сўзни келтирганидан сўнг хварно қуш тимсолида Йимадан учиб кетади, уни Митра ушлаб олади. Мадҳда Митра бу хварнони кейин нима қилгани ҳақида айтилмаган, бироқ, бевосита Митрага бағишланган Михр Яштдан (127) биляпмизки, у ер ўлкаларини аравада айланиб чиқаётганида «кавиларнинг хварноси» ёниб турган олов кўринишида Митранинг олдида учиб боради. Бироқ хварнонинг ерлик ҳукмдор Йимадан илоҳий ҳукмдор Митрага ўтиши, чамаси, Йиманинг «шоҳлар мархамати»ни йўқотиши билан боғлиқ сюжетнинг ягона муқобили бўлган эмас. Замийад-Яштда (35, 58), шунингдек, хварнонинг Йимадан Трайтаон (форс. Фаридун) ва Кэрсасп паҳлавонларига учиб кетгани ҳақида айтилади. Бундахишнда Йима томонидан йўқотилган хварнонинг қутқарувчиси Фарнбаг (паҳл. Фробаг) олови бўлиб чиқмоқда. У Хоразмда Йима томонидан ёқилган: «Йима худоларга тенглашганида ва шу сабаб ағдарилганида Фробаг олови Дахака қўлидан Йиманинг *фарр*ини қутқаради» (Бундахишн, 107)[2].

[1] *Hintze A.* Der Zamiyad-Yast. Edition, Übersetzung, Kommentar. Wiesbaden, 1994. S. 15, 32.

[2] Ушбу манбадан келтирилган: Зороастрийские тексты. Суждения Духа разума (Дадестан-и меног-и храд). Сотворение основы (Бундахишн) и другие тексты / Издание подготовлено О.М.Чунаковой. М., 1997. С. 289.

Йима томонидан «шоҳлар хварноси»нинг йўқотилиши сюжети Йима образига нисбатан иккиламчи хусусиятга эгалиги кўриниб турибди (Авестода бу фақат анча кейинги Замийад-Яштда мавжуд). Бироқ бу сюжетда зардуштий коҳинликнинг мақсадли таҳририни кўриб чиқар экан, Йиманинг архаик культини қоралашга, уни Зардушт культига «алмаштириш»га уринган Л.А. Лелековнинг фикрига қўшилмаймиз[1].

Биринчидан, муайян даражадаги оғишлар деярли барча қадимги динлардаги ҳукмдорларнинг — маънавий қахрамонларнинг тимсолига, хоҳ бу Библиядаги Нуҳ, хоҳ қадим юнон Прометейи[2] ёки Шумер-Бобил Гильгамеши бўлсин, уларнинг барчасига хосдир. Бу қахрамонлар билан боғлиқ афсоналар нафақат инсонлар қаердан илм-ҳунар ўрганган, табиий офатдан омон қолгани ва бошқалар ҳақида тушунтириши керак бўлган, балки дивиант хулқларнинг турли шакллари: такаббурлик (Прометей, Йима), тақиқларни бузишнинг келиб чиқиши ҳақида хабардор қилиши талаб этилар эди. Бу тақиқлар эса озиқ-овқатга оид (Нуҳнинг мусаллас ичгани, Йиманинг мол гўштини еганлиги) ёки жинсий (бировларнинг хотинларини олиб қўювчи Гильгамеш, Нуҳ ўз қизлари билан жинсий алоқа қилганлиги кузатилган, Йима дев мавжудоти билан яшаши кузатилган[3]) тақиқлар саналарди.

Иккинчидан, қандайдир «марҳамат»нинг бошқа шахсга ўтиши билан ҳокимиятнинг йўқотилиши ҳақидаги изоҳлар Йима тўғрисидаги

[1] Ерда фаровонлик ва моддий абадият инъом этувчи Йима образи эътиқодни ислоҳ қилувчи пайғамбарга, маънавий боқийликнинг пешқадамига қарши қўйилади (*Лелеков Л.А.* Йима / Мифы народов мира. Энциклопедия. В 2-х т. (2-е изд.). Т. 1. М., 1991. С. 599). «Зардушт Яма Йиманинг дастлабки вазифаларини эгаллаб олди, унинг ўрнини маданий қахрамон, жамиятнинг учта ижтимоий даражаси асосчиси сифатида эгаллади... Гата ва Қичик Авесто ҳам худди шундай Яма / Йимани Зардуштнинг мифологик сиймоси билан алмаштирдилар. Албатта, бу янги черков анъаналарининг самарадорлигини таъминлаш учун қадимги эпоснинг энг кучли архетипларига мурожаат қилишга мажбур бўлган руҳонийларнинг иши эди» (Лелеков Л А. Авеста в свете современной науки. М., 1992. С. 65).

[2] Йима ва Прометей тасвирларининг маданий қахрамонлар сифатидаги қиёсий таҳлилини кўринг: *Mezzardi B.* Promethee et Yima : le festin de maralitd // Revue de l'Histoire etdes Religions CCVI, No 3. 1980. P. 227 — 244.

[3] Бундахишнага кўра (16), хварно Йимани тарк этганида у қўрқувдан дев мавжудотини хотинликка олади ва бу никоҳдан маймунлар яралади; ўзининг хотинини (ва синглисини; инцест зардуштийликда айб ҳисобланмаган) Йимак, шунингдек, вактинча девга никоҳга берган.

воқеадан ташқарида ҳам учрайди. «Ардаширнинг ишлари китоби»да (IV) «шоҳ хварноси» (паҳл. Xwarrahr *xwadāyih*) янги сосоний сулоласи уруғбошиси Ардашир ортидан «жуда касал ва кучли қўчқор» тимсолида «югуради», бу қўчқор – хварно Ардашир олдига етиб борганда у ўз душманлари ва таъқибчилари учун енгилмасга айланади[1]. Барча Эрон – Ўрта Осиё анъаналаридаги хварнони ҳукмдорлик учун ҳуқуқ сифатида бериладиган конфуцийча «самовий мандат» (тяньмин)га ўхшатиш мумкин. Бошқа параллел – VII – IX асрларга оид қадимги туркий матнлардаги харизмани билдирган qut мифологемаси, у ҳукмдор – хоқонларга уларнинг самовий ҳимоячиси – қуёш ва ой маъбудлари томонидан берилган эди[2].

Шундай қилиб, биз томондан қисман қайта тикланган зардуштийликда идеал ҳукмдор ҳақидаги образлар мажмуаси самовий ҳукмдор ва ердаги жуфти *хшатра-ҳокимият* бўлган адолат ҳимоячиси Митра, шунингдек, шоҳ*харизма-хварно*га эга бўлган илк ҳукмдор Йимадан иборат эди. Зардуштий матнларда бошқа идеаллаштирилган ҳукмдорлар тимсоллари – хоҳ бу Зардуштнинг илк афсонавий ҳомийси кави Виштасп бўлсин, хоҳ илк ўрта асрлик сосоний роҳиб Хусрав Анушировн бўлсин, уларнинг барчаси Митра ва Йиманинг қиёфасини гавдалантиради ва ўзида забардастлик, билимдонлик, адолат ва Митра динининг ҳимоясини ва «олтин аср» шоҳи тимсоли ва маънавий қахрамон Йима қиёфасини мужассамлаштиради. Идеал ҳукмдор тимсолини тиклаш учун қўшимча маълумотни бу нуқтаи назардан кўриб чиқиш учун алоҳида тадқиқотни талаб қилувчи паҳлавий ёзувидаги ибратли матнлардан кўриш мумкин[3]. Биз эса энди зардуштий динининг Ўрта Осиёда идеал эмас, реал ҳукмдорлар ва шоҳ ҳокимияти институти билан муносабатлари таҳлилига ўтишни лозим топамиз.

---

[1] Қаранг: Книга деяний ... С. 70 – 71.

[2] Қаранг: *Klimkeit H.-J.* Manichaean Kingship: Gnosis at Home in the World // Numen. 1982. Vol. XXIX, Fasc. 1. P. 24 – 25.

[3] Қаранг: Изведать дороги и пути праведных. Пехлевийские назидательные тексты / Введение, транскрипция текстов, перевод, комментарий и глоссарий *Чунаковой О.М.* М., 1991; Зороастрийские тексты. Суждения Духа разума (Дадестан-и меног-и храд). Сотворение основы (Бундахиши) и другие тексты / Издание подготовлено О.М.Чунаковой. М., 1997.

Зардуштийлик ва олий ҳокимият ўртасидаги муносабатлар

Албатта, исломга қадар бўлган бундай узоқ давр ва Ўрта Осиёдек улкан ҳудуд учун дин билан шоҳ ҳокимияти ўртасидаги муносабатларни қайта тиклаб кўриш фақат етарлича умумлаштирилган хусусиятга эга бўлиши мумкин. Бошқа томондан, манбаларнинг камлиги бундай қайта тиклашда кўп жиҳатдан фаразга асосланишга олиб келади.

Чамаси, деярли барча ерда ва ҳар доим бўлганидек, шоҳ ҳокимиятига нисбатан диннинг асосий вазифаси ҳокимиятга динни қонуний татбиқ этиш эди. Қонунийлаштиришнинг қуйидаги турларини кўриб чиқсак: «шоҳ» оловларини ўрнатиш; сулола культини яратиш; шоҳ саройи тузилишига диннинг таъсири.

«Шоҳ» оловларини ўрнатиш

Афтидан, оловга сиғиниш, шу билан бирга, оловни Эрон – Ўрта Осиё жамиятидаги уч асосий тоифага: коҳинларнинг олови, жангчиларнинг олови ва деҳонларнинг оловига бўлиш Ўрта Осиёдаги барча зардуштийлик культлари учун хос эди. Сосонийлар даврига тааллуқли бўлган «Ардаширнинг ишлари китоби»да (1, 13) коҳинларнинг олови – Фарробай олови, жангчилар олови – Гушнасп, деҳқон ва чорвачилар олови – Бурзен-Михр бўлганлиги қайд этилади. Бошқа зардуштий матнларда мазкур таснифлаш келтирилмаганлиги («Ардаширнинг ишлари китоби»да ҳам туш таъбири сифатида эди) учун оловга сиғинишга нисбатан бу таснифлаш қанчалик кенг тарқалган бўлганини айтиш қийин. Бундан ташқари, Бундахишнга (72) кўра, Фарробай (Фарнбаг) олови Хоразмда Йима томонидан ёқилган, бошқача айтганда, биринчи коҳин эмас, биринчи шоҳ томонидан ёқилади. Ўрта Осиё ва Эрон халқларининг олов культида табақаларга бўлиниши ҳар бир табақа вакиллари зич бўлиб яшаган жойлардаги маҳаллий олов ибодатхоналари орқали акс этганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Ўрта Осиё давлатлари ижтимоий-сиёсий тузилмасининг мураккаблашиши ва шоҳ ҳокимияти институтининг ривожланиши махсус «шоҳ» оловларининг ажралишига сабабчи бўлди. М. Бойснинг фикрича, парфияликлар даврида бундай «шоҳ» оловларига нафақат аршакийларнинг ҳукмдор уйи шоҳлари, балки маҳаллий ҳокимлар ҳам эга эдилар (шунингдек, чамаси, Ўрта Осиёликлар ҳам). «Шоҳ» олови шоҳнинг ҳукмронлиги даври мобайнида ёниб турган, ўлимидан сўнг ёки ағдарилганда ўчирилиб, давомчисининг олови билан алмаштирилар эди[1]. Сосонийлар даври учун уруш худоси (авест. *Веретрагна*, бақтр. *Орлагно*) номи билан аталган олов Вахрам (Вехран) деб эътироф этилган ва у ҳарбий ғалабага эришганлик муносабати билан ёки тахтга ўтиргандa таъсис этилган. Бундахишнда (108) бу оловни бошқа уч муқаддас олов (чамаси, Фарробай, Гушнасп ва Бурзен-Михрнинг)нинг фарра (*хварно*)лари қуршаб оларди, «улар билан биргаликда унинг ичида ер олови ва фарралар бўлади». «Эрон шаҳарлари» (2 – 3) паҳлавий матнларида Вахрам олови культи илк ўрнатилган жой Самарқанд деб номланади: «Шарқий ерларда Қайкубод Самарқанднинг асосини яратган. Қайнинг ўғли Сиёвуш уни қуриб битирди. У ерда Сиёвушнинг ўғли мўъжизавий Вехран оловини ўрнатган Қайхусрав туғилган». Ат-Табарий кейинроқ маълумот беришича, сосонийлар Истаҳрда Анахита ибодатхонасидаги оловни «шоҳ» олови деб ҳисоблашган. Ўз юришлари пайтида Ардашир сулоласининг асосчиси ўлдирган «кўп одамларни... ва уларнинг бошларини Анахид (маъбуди)нинг олов ибодатхонасига жўнатди»[2].

Ўрта Осиё (хоразмий ва Сўғд) «шоҳ» оловлари культи ўрнатилгани ҳақидаги топонимлар ва паҳлавий ҳикоялардаги эслатмаларга қарамай, Ўрта Осиёда уларнинг мавжудлиги тарихини қайта тиклаш мушкул ишдир. Археологик қазишмалар давомида Ўрта Осиё ҳудудининг турли жойларида олов мехроблари топилган бўлса-да (Хоразмдаги Говурқалъанинг маросимлар залида, Бақтриядаги Суркўталда, тохарларнинг Кофиркалъасида), уларнинг биронтасини «шоҳ» олови

[1] *Boyce M.* On the Zoroastrian Temple Cult of Fire // JAOS.1975. No. 95. P. 461.

[2] *Ат-Табари.* История пророков и царей // Шмидт А.Н. Материалы по истории Средней Азии и Ирана // Ученые записки Института Востоковедения. Т. XVI. М.-Л., 1958. С. 443.

дейиш қийин. Ягона ечим шуки, келтирилган гувоҳлик берувчи далиллар ва археологик маълумотларга асосланиб Ўрта Осиё ҳудудида «шоҳ» оловлари мавжуд бўлганининг ўзи, демак, бу ибодатхоналарда коҳинлик бўлганлиги ва у ерга шоҳ (сулола) культлари жўнатилганидан далолат беради.

Сулола культларини яратиш

Шоҳ сулоласининг реал ёки афсонавий асосчиларини шунга хос культ ўрнатиб илоҳийлаштириш кўплаб қадимий диний идеологиялардан маълум бўлган феномендир. Бироқ сақланиб қолган зардуштийлик матнларида бу ҳақда эслатилмаган, чунки ортодоксал зардуштийликда аждодлар культи ифодаланмайди. Йима билан боғлиқ ҳолатда тилга олинган ҳукмдорнинг ўзини илоҳийлаштириши гуноҳкорона такаббурлик кўриниши бўлиб, хварнони (шоҳ марҳамати) йўқотишга олиб келади.

Шунга қарамай, тарихий манбалар ва археологик ёдгорликлар Ўрта Осиё ва Эронда кўплаб сулола культлари бўлганлигини кўрсатмоқда. Хитой саёҳатчилари Сўғд ҳукмдорининг қасрида «аждодлар ибодатхонаси» бўлганини қайд этишган эди[1]. Худолар билан бир қаторда парфиялик аршакийлар томонидан сулола асосчиси Аршак I ҳам эъзозланарди. Эски Нисода аршакийлар қасрида бу сулоланинг турли ҳукмдорлари ибодатхоналари бўлган, хусусан, археологлар шоҳ Фраатнинг ибодатхонасини топишди[2]. Илоҳийлаштириш, ҳатто худоларга тенглаштириш Кушон ҳукмдорларида ҳам мавжуд эди. Б.Н. Мукержининг таъкидлашича, улар ушбу анъанани аршакийлардан олган бўлишлари мумкин, бу айниқса, ҳукмдорни қуёш ёки ой маъбудларига ўхшатиш амалиётида[3] кузатилади. Бундай ўхшатишни

[1] Ушбу манбадан келтирилган: *Бичурин Н.Я.* Сведения о народах ... С. 313.

[2] Қаранг: *Кошеленко Г.А.* Родина парфян. М., 1977. С. 57 – 64.

[3] *Мукерджи Б.Н.* Имперские культы в Кушанской империи // Индия и Центральная Азия (доисламский период). Ташкент, 2000. С. 176.

Рим империяси тадқиқотчиларига, Хитой ва турк «дашт империялари» тарихчиларига таниш бўлган шоҳ ҳокимиятининг универсал архетипига боғлаш мумкин. Бироқ мазкур культга Ўрта Осиё ва Эронда қандай диний маросимлар кирганини аниқлаш, бу ҳақда зардуштийлик манбаларида қайд этилмаганлиги боис, амалда имконсиздир.

Фақат алоҳида ҳукмдорнинг қабри билан боғлиқ асоссиз шамаларга кўра унинг культи ҳақида хулоса қилиш мумкин. Дафн этиш маросими батафсил ёритилган Авестонинг Видевдатида «даҳмалар»га[1] сиғиниш тақиқланган бўлса ҳам, чамаси, ҳукмдорлар «даҳма»лари учун истисно қилинган эди. Аҳамоний ҳукмдорлардан бошлаб эса Видевдатда айтилганидан кўра бошқача усул билан дафн қилишган[2], Бу усул Вор ва Кесар ҳақидаги сўғд-моний масалидагига мос келади. У вафот этган ҳукмдорнинг фарри шоҳ қабрида қолиши мумкинлиги ҳақида кенг тарқалган тасаввурни акс эттиради. Қобуснома (XI а.) асарида халифа ал-Маъмун зиёрат қилган сосоний ҳукмдор Хусрав Анушировн қабри ҳақида айтилган: Анушировннинг чириган қолдиқлари шоҳ тахтида жойлашган (бу ҳам Видевдат маросимига зид), мақбаранинг деворлари эса подшонинг канонлаштирилган ҳикматли сўзлари билан безатилган эди[3]. Буларнинг бари Ўзбекистон ҳудудида мусулмончилик даврида тарқалган ҳукмдорларнинг мақбара культи (Амир Темур мақбараси — Гўри Амир, Сомонийлар мақбараси) исломга қадар ўз илдизларига эга бўлган деб тахмин қилишга имкон яратади.

Ниҳоят, вафот этган ҳукмдорларнинг шуҳрати ҳақида Ўрта Осиёда қадимги давр ва илк ўрта асрлар мобайнида кенг тарқалган афсона-

---

[1] Даҳма кенг маънода қабр (ҳинд-европа тилидан келиб чиққан* *dhmbh* — дафн қилиш), жасад қўйилган жойдир. Видевдат дафн иншоотларининг уч турини билади: ката, даҳма ва паус ёки уздана; ката — марҳумнинг жасадлари зудлик билан дафн этилиши мумкин бўлмаган ҳолларда жойлаштирилган вақтинча хона (одатда, қишда); даҳма — жасадларни қўйиш учун очиқ майдон; паус — суяк тўпланадиган жой, бу ерда ўлаксахўр итлар ва қушлар томонидан юмшоқ суяк тўқималаридан тозаланган суяклар жойлаштирилган.

[2] Масалан, Пасаргаддаги Кирнинг қабри — *олтита баланд зинали пойдеворда* турган, икки нишабли томга эга уйга ўхшаш кичик тош иншоот. Қадимги муаллифларнинг фикрига кўра, бу қабрда унинг мўмиёланган танаси олтин каравотда ётади, бу эса Видевдат томонидан тасвирланган маросимга зид бўлиб, унга кўра, марҳумнинг жасади мўмиёланмаган, балки даҳма ичига қўйилган.

[3] Қаранг: Қабус-наме / Пер., статья и примечания *Бертельса Е.А.* М., 1953.

вий «кави»лардан бири ва Хоразмнинг африғийлар сулоласи асосчиси деб ҳисобланган Сиёвуш (авест. Сияваршан — қора тулпор) культи гувоҳлик бериши мумкин.

Хварнога эга бўлганлардан бири (Замийад-Яшт, 71) Сиёвуш Турон шоҳи Афросиёб томонидан маккорлик билан ўлдирилган, унинг тана қолдиқлари сақлаб қолинмаган эди. Илк ўрта асрларда Самарқандда еттинчи ойда подшоҳнинг «ўлдирилган» танасини излаш маросими бўлиб ўтади, афтидан, унда шаҳар аҳолисининг кўп қисми иштирок этган эди. Бухорода Наврўзнинг биринчи кунида Сиёвушга қурбонлик учун хўроз[1] сўйишган, сабаби, хўроз нафақат зардуштийликдаги энг эъзозланган қушлардан бири[2], балки хварнони қайта ҳадя эта олувчилардан бири деб ҳисобланарди. «Ардаширнинг ишлари китоби»да (XIV, 2) хўроз кўринишидаги Фарробай олови сосонийлар сулоласи асосчисининг ҳаётини қутқаради. Шундай қилиб, Сиёвуш культи сулоланинг келиб чиқиши сабабли бир вақтнинг ўзида ҳукмрон элитадан ташқарида ҳам жуда машҳур эди. Бу культда кейинчалик Ўрта Осиёда Али сиймоси билан боғлиқ шиа ғояларининг тарқалиши илдизларидан бирини ҳам кўриш мумкин.

Шоҳ саройи тузилишига диннинг таъсири

Зардуштийлик, бизгача етиб келган манбаларнинг гувоҳликларига кўра, Ўрта Осиё ҳукмдорларининг саройи тузилишига бирмунча таъсир кўрсатгани аён.

Биринчидан, саройда шоҳ оловларининг ёниб туришини таъминловчи, сулола ва умумдавлат культларининг маросимларини амалга оширувчи зардуштий руҳонийлар гуруҳи бўлиши лозим эди. Сарой

[1] Қаранг: *Дьяконов М. М.* Образ Сиявуша в среднеазиатской мифологии // КСИМК. Вып. 40. М.-Л., 1951. С. 36 — 37.

[2] Пародарш (қичқириғи билан тонгда эътиқодлиларни уйғотадиган хўроз, Видевдатда мақталади. XVIII, 15 — 16). «Хўроз ёвузлар ва сеҳргарларга қарши курашиш учун яратилган; у итга ўхшаб девваларга қарши итоаткорликнинг ёрдамчисидир» (Бундахишн, XIX). «Хўроз қичқирганида ҳаётнинг душманлари бўлган девларни Ахура Маздадан қувади» (Йойшт Фриян ҳақидаги қисса, IV).

коҳинларининг сони ва таъсир кучи турлича бўлиши мумкин. Сосонийлар империясида, масалан, коҳинлар баъзан шундай кучли таъсирга эга бўлганки, ҳатто теократик даъволар билан очиқ-ойдин тахдид қила оларди. Ал-Масъудийнинг маълумотига кўра, сосоний шоҳи Ардашир коҳинларга суд вазифасини амалга оширишни юклаган: «у давлат лавозимлари даражасини белгилаб берган, у белгилаган лавозимлар еттита бўлиб, улар орасида... *мубедан* эътиқод ишлари билан шуғулланувчи ва олий судья вазифасини бажарган ва у бутун мамлакатда руҳоний — судья бўлиб, суд ҳукмини чиқарувчи *хербед*ларни бошқарарди»[1]. «Тансара хати» деб номланган маълумотга кўра, олий коҳин (*магупад*, араб. *мубедан*) суд ва амалдорларнинг қарорларини бекор қила оларди: «худо магупаднинг юрагида уйготганини...афзал кўришсин»[2]. «Ардаширнинг васиятномаси»да «тахт ва меҳроб»нинг иттифоқи тўғрисида янада бўрттириб шундай дейилган: «шоҳ ҳукмдорлиги ва дин —эгизак, бири бошқасисиз яшай олмайди. Ёхуд дин шоҳ ҳокимиятининг асоси, шоҳ ҳокимияти эса дин қўриқчисидир». Бироқ диннинг шоҳ ҳокимиятидан устунлиги таъкидланган: «Дин — бу пойдевор, шоҳ ҳокимияти эса устунларидир, пойдеворнинг эгаси устунлар эгасидан кўра бино (яъни подшоҳлик — *Е.А.*) учун кўпроқ ҳуқуқларга эгадир»[3]. Шунга ўхшаш теократик ғоялар Ўрта Осиё ҳукмдорлари саройидаги зардуштий коҳинлари йиғини орасида мавжуд бўлгани эҳтимолдан холи эмас, бироқ бунинг бирорта ҳам исботи мавжуд эмас.

Бизга маълум бўлган Ғарбий Эрон сарой тузумига қараб хулоса чиқариб саройдаги зардуштий коҳинлар бўлажак ҳукмдорларга зардуштийлик динининг асосларини ўргатиб, уларни тарбиялашда иштирок этган деб тахмин қилишимиз мумкин. Аҳамонийлар саройидаги шу каби амалиёт тўғрисида Ксанф Лидийский (Кир уни «фалсафа»га

---

[1] *Ал-Масуди.* Золотые россыпи // *Шмидт А.Н.* Материалы по истории Средней Азии и Ирана. Ученые записки Института Востоковедения. М.-Л., 1958. С. 471.

[2] Ушбу манбадан келтирилган: *Луконин В.Г.* Древний и раннесредневековый Иран. Очерки истории культуры. М., 1987. С. 111.

[3] Ушбу манбадан келтирилган: *Snaked Sh.* Esoteric Trends in Zoroastrianism // Proceedings of the Israel Academy of Sciences and Humanities. Vol. 111. No. 7. Jerusalem, 1969. P. 214 – 215.

ўргатадиган, афсунгарлар қўлида катта бўлган деб таъкидлаган) ва Афлотун маълумот беришади. Афлотунга кўра, аҳамоний шаҳзодаларга «Зардушт афсунгарлари» таълим берар эдилар (Alc. I, 121d – 122b). Деярли ярим минг йил ўтиб сосонийлар саройида коҳинлар шу каби вазифани бажарган, бу муносабатларда ёркин шахс бўлиб саройдаги фаолияти сўнггида сосоний шаҳзодаларнинг маънавий тарбиячиси («руҳ соқчиси») лавозимини эгаллаган магупат Картир (мил. авв. III аср) иштирок этган эди. Сарой зодагонларини зардуштийлик дини асосларига ўргатиш анъанаси Картирдан сўнг ҳам давом этган, бу ҳақда паҳлавий тилидаги асарлар гувоҳлик бермоқда: «Хусрав, Куборнинг ўғли ва маҳрам»: зодагон ва камбағаллашган оиладаги ўсмир саройдан жой олиш учун ўз билимини, шунингдек, Авестодан бир неча бўлимларни ёд олганини ва унинг шарҳи – Зандни («Хусрав, Куборнинг ўғли ва маҳрам», 9) тинглаганини намойиш этмоқда[1]. «Шоҳнома»да Хусрав Анушервоннинг яқин маслаҳатчиси Фирдавсий – марвлик донишманд Бузургмеҳр (паҳл. *Вузург-михр*) худди шундай шоҳ саройига чақирилишидан олдин Авесто ва Зандни ўрганган эдилар[2].

Бўлажак ҳукмдорни тарбиялашда зардуштийлик матнларига қанчалик эътибор қаратилиши тўғрисида билвосита ат-Табарийнинг бўлажак сосоний ҳукмдори Баҳром Гўр ҳақидаги маълумоти гувоҳлик беради, Баҳром Гўр унга тобе араб ҳукмдори ал-Мунзирга тарбиялаш учун жўнатилади. Баҳром 5 ёшда бўлганида ал-Мунзирга: «Менга таълимда синалган, билимдон мураббий жўнат, улар мени қонунларни билишга, ёзишга, камондан ўқ отишга ўргатишсин... Мен шоҳ ўғилларидаман ва ҳукмронлик Оллоҳнинг иродаси билан менинг қўлимга ўтади; шоҳ учун энг кераклиси ва талаб қилиш лозим бўлганларнинг энг яхшиси – фойдали билимлар шоҳнинг безаги ва шоҳлик суянчиғидир, унинг ёрдамида қудратга эга бўлади. Шунинг

[1] Қаранг: Пехлевийская божественная комедия. Книга о праведном Виразе (Арда Вираз намаг) и др. тексты / Введение, транслитерация пехлевийских текстов, пер. и комментарий *Чуниковой О.М.* М., 2001. С. 149.

[2] Қаранг: *Фирдоуси*. Шахнаме. В 6-ти т. Т. 6. От начала царствования Йездегерда, сына Бахрама Гура, до конца книги. М., 1989. С. 84.

учун мен сўраган бундай устозларни тезроқ жўнат», – деган. Шунга қарамай, Эрон зодагонлари Баҳромни тахт ворислигидан маҳрум қилишганида бунга асосий далиллардан бири унинг «форс таълимини олмагани, унинг таълими араб бўлгани» эди[1]. Бунда «ёзув, камондан ўқ отиш ва қонун билимлари»ни эгаллаган Баҳром зардуштийлик асосларини ўрганмаган, бу унинг таълимини сарой зодагонлари кўз олдида «форсий эмас» қилиб кўрсатмоқда.

Юнон, Византия ва араб манбаларида зардуштий коҳинларнинг ҳукмдор олдидаги доимий маслаҳатчи вазифаси ҳақида тез-тез айтиб ўтилади. IV аср биографи Евнапий сеҳргарлар Шопур I ни дипломатик мақсадда келган файласуф Евстафийга қарши қилганлари ҳақида айтади, Шопур уни яхши кутиб олган, «у ердаги коҳинлар... бу киши оддий сеҳргар дейишди» (Vita soph., 466). Византиялик Кесарийлик Прокопийнинг маълумотларига кўра, зардуштий роҳиблар тождор хомийларига маслаҳат бериб, ўзлари сеҳр-жоду қилишади. Шопур II (309/310 – 369) ўзига қарам арманшоҳи Аршак III (339 – 369) ни хоинликда гумон қилиб олдига чақириб, уни ва мулозимларини қамоққа ҳукм қилганида у коҳинларига улар билан нима қилишини маслаҳат беришларини сўрайди. Коҳинлар жиноятини рад этаётганларга буни исботламасдан ҳукм чиқаришни адолатсиз деб ҳисоблаб Аршакнинг айбдорлигини аниқлаш усулини кўрсатишади. Улар шоҳ чодирининг ярмини форс, ярмини арман тупроғи билан қоплашни таклиф этишади. Шоҳ худди шундай қилади (22). Коҳинлар чодирда сеҳрли маросимларини бажарганидан сўнг шоҳга Аршак билан бирга уни қасамёд билан мустаҳкамланган келишувни бузганликда таъна қилиб юриб ўтишни буюришади. Натижада Аршак арман тупроғини босиши билан «қўпол сўзлар»ни айта бошлайди, бу билан ўз сюзеренига қарши ўйлаган ҳақиқий фикрларини очиб ташлайди[2].

Диний маросимларни адо этувчилар, тарбиячилар ва маслаҳатчилардан ташқари зардуштий коҳинлар шоҳ саройида *мантралар*

[1] *Ат-Табари.* История пророков и царей ... С. 445 – 446.

[2] Ушбу манбадан келтирилган: *Прокопий Кесарийский.* Война с персами. Война с вандалами. Тайная история / Пер. *Чекаловой Н.И.* М., 1993. С. 18 – 19.

(илоҳий сўз) ёрдамида даволовчи табиб ҳамда башоратчи – тушни таъбирловчи, юлдузлар жадвалини тузувчи астролог ҳам эдилар. Кейингиси – уларнинг башоратчи эканлиги ҳақида анча батафсил тузилган зардуштий тақвими ва амалиётда деҳқонлар учун керакли бўлган об-ҳаво башоратлари гувоҳлик бермоқда. М.С. Асимов ёзганидек, «сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик, қишлоқ хўжалиги ишларининг мураккаб цикли, дарёлар суғориш манбаси, турли мавсумларда саёз ва сершув бўлиши, буларнинг бари Ўрта Осиёда Мисрдаги каби қатъий астрономик кузатишларсиз имконсиз эди, тақвим тизими ишлаб чиқилишини талаб этарди»[1]. Зардуштий матнларда мураккаб астрономик спекуляцияларга қараганда («Бундахишн», «Ардаширнинг ишлари китоби» ва бошқаларда), зардуштий коҳинлар Ўрта Осиёда астроном вазифасини ҳам бажарган эдилар.

Шоҳ саройидаги дам олиш ва кўнгилочар соҳада зардуштийлик динининг таъсири кам бўларди. Кўпхотинлиликни қонунийлаштириб, бу билан зардуштийлик матнлари ҳукмдор ва мулозимларнинг енгилтабиат аёллар билан муносабатига гоят душманона қарайди[2]. Мусаллас ичишга диний табу (ман этилган, тақиқ) бўлмаган. Антик муаллифларнинг маълумотларига кўра, форс амалдорлари фақат мусаллас билан маст ҳолатда муҳим қарорлар қабул қилишган, бироқ шоҳ йилда фақат бир марта – Митрага бағишланган Митраган номли байрамда ичиши мумкин эди[3]. Эҳтимол, мусаллас ичиш Митра даврасининг қандайдир қадим маросимига киргандир. Масалан, енгилган буқанинг қони тимсолидаги мусаллас билан покланишт юнон-рим митрачилигининг асосий маросимларидан бири эди[4]. Митранинг ўзи юнонларда Дионисга тенглаштирилади[5]. Эрон зодагонларида мусаллас «мезд» маросимида фойдаланилган («Ар-

[1] *Асимов М.С.* Наука Средней Азии кушанской эпохи и пути ее изучения // Средняя Азия в кушанскую эпоху. В 2-х тт. Т. 1. М., 1974. С. 87.

[2] Қаранг: «Хусрав, Кубоднинг ўғли ва махрам» асарида махрамнинг фохиша билан «ҳирсини қондириш»дан бош тортиши (112 – 117, 122). Видевдатда (XVIII, 62 – 63) фоҳиша ўзида имонлилар уруғини кофирлар уруғи билан аралаштиришда айбланади.

[3] Қаранг: *Алиев И.* История Мидии. Баку, 1960. С. 310.

[4] Қаранг: *Ртвеладзе Э.В.* Воины Митры // Общественное мнение. 1999. № 1 – 2.

[5] *Лосев А.Ф.* Дионис // Мифы народов мира. Изд. 2-е. М., 1991. С. 381.

даширнинг ишлари китоби», XII, 13); «Денкарт»да (VI, 108) мусаллас ичиш хаома ичиш билан биргаликда «яхши» дейилади. Бақтрияда мусалласчиликнинг бой анъаналари ҳақида Далварзинтепадаги археологик қазилмалар натижалари гувоҳлик бермоқда[1]. Афтидан, Ўрта Осиё халқларининг бу ичимлик билан боғлиқ бўлган қадимий тушунчалари Рудакийнинг (858 – 941 йй.)[2] машҳур «Мусаллас онаси» қасидасида акс эттирилади.

Зардуштий роҳиблари мусиқа ва шеъриятга ҳам кўп тоқат қилишмасди. Мусиқага келсак, М.Бойс қайд этганидек, «қўшиқ шеърияти [сарой ижрочилари]дан тўлиқ ўз мақсадида фойдаланиб сосоний коҳинлик саёҳатчи мусиқачиларнинг (ministrelsy) дунёвий қўшиқларини эшитишга берилмасликларини айтишарди. Зардуштий матнларнинг бирида аёл кишига назар солмаслик, оғизни ширин таомлардан тийиш, қулоқни сайёҳ мусиқачилар қўшиғидан ёпиш буюрилади»[3]. Баъзи зардуштий дин мураббийлари томонидан дунёвий шеърият, айниқса, ҳукмдорнинг ўзи бу иш билан шуғулланиши янада қаттиқ танқид қилинади. Ар-Розийнинг «Форс шеъриятининг қоидалари тўплами» асарида олий коҳин – магупад Азарбадин Зарадуштаннинг ҳукмдор Баҳром Чўбинга қаратилган панд-насиҳатлари келтирилган: «О, подшоҳ, билгинки, шеърият билан шуғулланиш ҳукмдорларнинг буюк курурларига ва подшоларнинг паст одатларига тегишли, чунки у алдов ва ёлғон устида туради, асоси эса ҳаддан ошиш ва ортиқча бўрттиришдир. Шу сабабли турли эътиқодли буюк файласуфлар ундан жирканишган ва уни қоралашган, шоирларнинг шеърий гавголарида эса мамлакатнинг барбод бўлиши, халқларнинг ҳалокати ва бойликларнинг йўқ бўлиши, мамлакатларнинг парчаланиши каби бахтсизликлар сабабини кўришган. <...> Илм ишқибозлари орасида тўғрилик ва ҳақиқатга асосланган, ўз ичига тўғри танбеҳлар ва фойдали насиҳатларни олган

[1] Қаранг: *Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В., Тургунов Б.А.* и др. Дальверзинтепе – кушанский город на юге Узбекистана. Ташкент, 1978. С. 171 – 175.

[2] Рудакийнинг зардуштийликка мойиллиги ҳақида яна бу ердан қўриш: *Исматов Б.* Пантеистическая философская традиция в персидско-таджикской поэзии IX – XV вв. (Анализ идейного содержания философской лирики). Душанбе, 1986. С. 145.

[3] *Boyce M.* The Parthian Gosanand Iranian Minstrel Tradition // JRAS. 1957. P. 31.

шеъриятни доноликнинг энг олий белгиси ва мўъжизаси деб ҳисоблаганлар. Илк бор дунёвий ҳаваслардан воз кечиб танни жиловлаш ҳақида ва Парвардигорни мадҳ этиб, тасанноларайтиб шеър тузган херувимлар (афсонавий қанотли мавжудотлар) орасидаги фариштабўлган деб билганлар ҳам бор. Бироқ бу, кўпчиликнинг фикрига кўра, ўзини мадҳ этган ва бошқалардан устун деб билган махлуқот Иблис бўлган – унга лаънатлар бўлсин дейиларди»[1].

Шундай қилиб, зардуштийлик дини нафақат ҳукмдор ва мулозимларнинг шахсий ва оилавий ҳаёти борасида ахлоқий ҳакам сифатида намоён бўлишга, балки уларнинг диди ва эстетик қарашларини шакллантиришга интилиб шоҳ саройи тузилишига фаол таъсир кўрсатди. Буларнинг бари зардуштий коҳинларнинг давлат қарорларини қабул қилишдаги (маслаҳатчи, судья ва баҳоратчи сифатида) иштирокини кўрсатиш билан биргаликда зардуштийлик Ўрта Осиёда ва Эронда шоҳ ҳокимиятининг қонунийлик манбаи сифатида муҳим ўринга эга бўлганлигини билдиради.

Бошқа динлар: Буддавийлик

Агар биз хулосада, қисқача бўлса-ла, Ўрта Осиёда исломга қадар таъсири бўйича иккинчи бўлган диний тизим – буддавийликка тўхталиб ўтмасак, бу очерк тўлиқ бўлмас эди. Минтақа ҳудудига мил. I асрда кириб келган буддавийлик Ўрта Осиёнинг алоҳида қисмларида то VIII асрга қадар ўз таъсирини сақлаб қолди. Минтақа ҳудудида хинаянанинг (махасангхика, сарвастивадина, эҳтимол, пудгалавадина[2]) бир неча мактаблари бор эди. Бироқ буддавийликка вақти-вақти билан Ўрта Осиёнинг турли шоҳ уйлари, айниқса, кушонлар сулоласи

[1] *Шамс ад-Дин Мухаммад ибн Кайс ар-Рази.* Свод правил персидской поэзии (ал-Му'джам фи ма'айир аш'ар ал-'аджам). 4.II. О науке рифмы и критике поэзии / Пер. с перс., исследование и комментарий Чалисовой Н.Ю. М., 1997. С. 79 – 80.

[2] Қоратепада пудгала ва динларнинг (самматийлар) мавжудлиги ҳақидаги гипотеза В.В. Вертоградова томонидан Қоратепадан олинган 37-сонли парчани таҳлил қилиш асосида илгари сурилган. Қаранг: *Вертоградова В.В.* Индийская эпиграфика ... С. 73).

раҳнамолик қилган бўлса ҳам, буддавийлик давлат ҳокимиятига таъсири бўйича зардуштийликдан анча ортда эди. Сўгдда араблар босқини вақтига келиб, масалан, буддавийликнинг таъсири аҳамиятсиз бўлиб қолди, бу ҳақда ҳам хитой саёҳатчиларининг маълумотлари, ҳам амалий санъат асарлари таҳлили гувоҳлик бермоқда[1].

Шу боис Ўрта Осиёда мил. I – VII асрларда буддавийлик ва шоҳ ҳокимияти муносабатларининг таҳлили зардуштийликка нисбатан қисқа бўлса ҳам, ўша саволлар доирасига: Ўрта Осиёда идеал ҳукмдор ҳақидаги тасаввурлар ва дин билан олий ҳокимият ўртасидаги муносабатларга қаратилади.

Буддавийликда идеал ҳукмдор тўғрисидаги тасаввурлар

Буддавийликнинг асосчиси Будда Шакямуни шоҳ наслидан келиб чиққан (Зардушт каби коҳин наслидан эмас) бўлса ҳам, илк буддавийликнинг шоҳ ҳокимиятига муносабати аниқ эмасди.

Бир томондан, бу масалани ўрганган М.Н. Уолтернинг фикрича, «илк сангха ўзини ўзи бошқарувчи, шоҳ ҳокимиятидан мустақил бирлашма сифатида мавжуд бўлган», шунинг учун «илк буддавий матнларда шоҳ ҳокимиятининг ўзига нисбатан кўп норозиликлар мавжуд»[2] эди. Илк буддавийликда (зардуштий Митра каби) идеал илоҳий ҳукмдор образларини ёки (Йима каби) «олтин аср» ҳукмдорини топиш қийин.

Шу билан бирга, зардуштийликдаги каби илк буддавийликда шоҳ ҳокимиятининг «ижтимоий келишув»га асосланиб анча ижобий қабул қилиниши кузатилган. «Дигха-никая»да ва бошқа илк буддавий матнларда шоҳ ҳимоя қилиш, жиноятчи ва қароқчиларни жазолаш мақсадида таклиф этилади ёки халқ томонидан сайланади. Бу меҳнат-

[1] Қаранг: *Маршак Б.И.* Влияние торевтики на согдийскую керамику VII – VIII вв. // Культура и искусство народов Востока. Труды Государственного Эрмитажа. Т. V. Л., 1961. С. 200.

[2] *Walter M.N.* Kingship and Buddhism ... P. 33.

лари учун «халқ сайлаган олижаноб инсон» (mahājanasammata) – шоҳ қатъий белгиланган мукофотга эга бўлади[1].

Ашока (мил. авв. III аср) даврида буддавийликнинг расмий динга айланиши буддавийликнинг кейинчалик шоҳ ҳокимияти институти билан «муросага келиши»га ва буддавий таълимотида унинг вазифаларини ижобий тушунишга имкон яратади. Чамаси, бунда тахминан мил. авв. III асрда Ашока даврида пайдо бўлган ва исломга қадар Ўрта Осиёда энг нуфузли буддавийлик мактаби саналган *сарвастивада* мактаби муҳим роль ўйнайди.

Буддавийлик фаол равишда Бақтрия – Тохаристонга кириб келган вақтда ёзилган буддавий асар, шупингдек, биз Ж. Мак Дермоттга қўшилиб сарвастивадинлар мактаби билан боғлаган «Милинда саволлари» (мил. I аср атрофида)[2] бунга мисол бўлиши мумкин[3]. В.Н. Топоров сўзларига кўра, бу матндаги Милинда шоҳи номи остида «биринчи навбатда, фалсафий маънода»[4] Юнон-Бақтрия ҳукмдори Менандр (мил. авв. II аср) назарда тутилади. Аввал Менандр буддавийликка қарши сифатида тасвирланган, бироқ деярли «Милинда саволлари» матнининг барчасини ташкил этган роҳиб Нагасена билан мулоқотидан кейин бу таълимотнинг ҳомийси, ҳатто эргашувчиси бўлади.

Бу асардаги шоҳнинг роли ҳам эътиборни тортади, чунки бошқа ҳеч қайси диний-фалсафий анъанада шоҳ ва роҳиб ўртасида бахс бундай муҳим сюжет маъносига эга бўлган эмас. Упанишадалар ва Маҳабҳоратнинг ўзидаёқ шоҳ – кшатрийнинг тимсоли оддий жангчи – институтлашган қотил тимсолидан кескин ажратилади: Маҳабҳоратда кшатрий уруш ва қон тўкишлар беҳудалиги ҳақида фикр юри-

[1] Қаранг: *Walter M.N.* Kingship and Buddhism ... P. 33 – 34.

[2] *Топоров В. Н.* Дхаммапада и буддийская литература // Дхаммапада / Пер. с пали, введение и комментарий Топорова В.Н. М., 1960. С. 30.

[3] *McDermott J.* Kamma in the Milindapanha // JAOS. 97 (4). 1977. «Милинда саволлари»ни тузувчилар билан сарвастивадинлар мактабининг бир деб қаралишига А.В. Парибок қарши фикр билдирган: *Парибок А.В.* Предисловие. «Вопросы Милинды» и их место в истории буддийской мысли // Вопросы Милинды (Милиндапаньха) / Пер. с пали, исслед. и коммент. Парибка А.В. М., 1989. С. 390.

[4] Қаранг: Вопросы Милинды ...

тади, Упанишадаларда кшатрийлар ҳатто махсус кшатрий билимини сақловчилар деб эълон қилинади.

Илк буддавийликда бу йўналиш ғоявий мукаммаллика эришади; буддавийлик «фикрловчи зодагоннинг дини»га айланади[1]. «Милинда саволлари»да шоҳ Милинда ҳам жангчидан кўра кўпроқ турли илмларнинг билимдони, «дидли кшатрий»[2] сифатида тасвирланади; «У астойдил ва ўз вақтида барча маросимлар, амал ва одатларни бажариб борган... У кўплаб илмлардан хабардор бўлган, хусусан, шрути, нақл, санхья, йога, сиёсат, вайшешика, арифметика, мусиқа, табиблик, тўрт веда, қадим достон ва ривоятлар, астрономия, сеҳр-жоду, мантиқ, кенгашлар, ҳарбий санъат, шеър тўқиш ва бармоқда ҳисоблаш... бой-бадавлат, фаровон, енгилмас қўшиннинг йўлбошчиси — шоҳ Милинда билан ҳеч ким куч, чапдастлик, жасорат, донишмандликда беллаша олмас эди»[3]. Буддавий муаллифлар томонидан шоҳ нафақат «халқ сайлаган олижаноб инсон», балки бошқариш учун барча керакли сифатларга эга идеал шахс сифатида тасвирланади.

Шунингдек, олдимизда буддавийликни қабул қилаётган шоҳнинг идеаллашган тимсоли турганини эътиборга олиш керак. Бақтрия ҳукмдори — ҳақиқий Менандр буддавийликни қабул қилганми деган савол баҳсли бўлиб қолмоқда. А. Фуше Менандрнинг буддавийликни қабул қилгани эҳтимоли ҳақида ёзган эди[4]; О. Бопираччи бу борада анча скептик фикр билдиради[5]. Унинг тасвири туширилган тангалар Шимоли-Ғарбий Ҳиндистоннинг кўп ҳудудларидан топилган бўлса ҳам, уларга қараб Менандрнинг буддавийлик билан муносабатини аниқлаш қийин. Унинг баъзи тангаларининг тескари тарафида Афина

[1] *Лучина В.И.* Некоторые аспекты учения раннего буддизма (по материалам «Сутта-нипаты»). Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. М., 1973. С. 12.

[2] Вопросы *Милинды* ... С. 81.

[3] Ўша манба. 66-бет.

[4] *Foucher A.* A propos de la conversion au Bouddhisme du roi indo-grec Menandre // Memoires de l'Academie des inscriptions et belles-lettres. T. XLIII, pt. 2. Paris, 1943.

[5] Bopearachchi O. Menandre Sôter, un roi indo-grec. Observations chronologiques et geographiques // Studia Iranica. 1990. No 19. P. 48.

Паллада тасвирланган[1]. Умуман, Менандр тангалари эллин даврида-ги Шарқ синкретизми (қоришмаси)нинг одатий намунасидир.

Ўрта Осиё буддавийлигида бошқа бир идеаллаштирилган тимсол, шак-шубҳасиз, Кушон шоҳи Канишка бўлган (тахм. мил. I — II асрлар). Унинг ҳомийлиги билан Кушон империясининг буддавийлик анъаналарида сарвастива динларнинг таъсири кучайганини боғлашади. Бу анъанага кўра, айнан Канишканинг ташаббуси билан буддавийларнинг IV йиғини (тахм. мил. 100 й.) бўлиб ўтган, унда мис тахталарда сарвастивадинларнинг Трипитакага шарҳлардан иборат бутун канони ёзиб чиқилган эди. Йиғинда қабул қилинган қарорга кўра, «барча 18 (рақобатчи) мактаблар энг асл мактаб деб тан олинган ва сутралар ва абхидхармалар ёзилган худди ўша вақтда Виная ёзма шакл олган ва бундан олдин ёзма кўринишда бўлмаган, мавжудлари эса йўқ қилинади»[2], яъни чамаси, сарвастивада руҳида изоҳланади. Бундан ташқари, Канишка кўп сонли буддавийлик иншоотлари, ступалари ва виҳарлар (монастирлар)ини қурган деб билишади. Бироқ бу ҳукмдорнинг кўриниши Милиндага қараганда буддавий матнларда мавҳум ва умумлашган (бироқ Канишканинг буддавий «ҳаёти» сақланиб қолмагани эҳтимолдан узоқ эмас).

Балки бунга Канишка тимсолининг худди бошқа буддавийликни илгари сурувчи шоҳлар каби ҳукмдор-чакравартиннинг — буддавийлик дхармасига асосан кундалик ҳаётнинг ғилдирагини айлантирувчи бутун дунё роҳибининг ёки илоҳий ҳукмдорнинг (дева-ражи) қиёфасига сингиб кетгани сабаб бўлгандир. Б.Н. Мукержи қайд этганидек, «Кушоншоҳлар» расман *девапутра* деб номланган, гарчи «*девапутра*» атамаси «шубҳасиз, Ҳиндистонда кушонлардан олдин ҳам маълум бўлган... у бундан олдин шоҳ мақоми сифатида ишлатилган эмас»[3].

Бизнинг фикримизча, бу (*девапутра*) диний мақом ўша даврда шаклланган махаянанинг ўхшаш тасаввурлари шаклланиши билан боғлиқ эди. Хусусан, биз уни махаянадаги «тилло жилвали сутра»-

[1] Қаранг: *Tarn W.W.* The Greeks in Bactria ... P. 265.

[2] *Дараната.* История буддизма в Индии / Пер. с тиб. *Васильева В.П.* СПб., 1869. С. 67.

[3] *Мукерджи Б.Н.* Имперские культы ... С. 175, 178.

да (*Суварнапрабхаса*) учратамиз: «нима сабабдан шоҳ «худо ўғли» (*девапутра*) деб номланади? Агар у инсонлар орасида туғилган бўлса, у шоҳ бўлиши керак, бироқ қандай худо инсонларни бошқариши мумкин?...Илоҳий шоҳларнинг марҳамати ила у (худо) онасининг бағрига (ҳомила кўринишида) кирган... У шоҳ бўлиб инсонлар оламида туғилиб ўлса ҳам, худолар томонидан берилгани учун «худонинг ўғли» деб аталади»[1].

Шоҳ тимсолини бундай илоҳийлаштириш аста-секин махаяна буддавийлигининг кучайишидан гувоҳлик бериши мумкин, бироқ бу оқим Ўрта Осиёнинг ўзида, унинг Хитой билан шарқий чегаралари – турк хонликлари ва сўғдларнинг йирик мустамлакалари тараққий этган Шарқий Туркистон воҳаларидан ташқари кенг тарқалишга улгурган эмас. Юқорида айтилган «тилло жилвали сутра» сўзи Шарқий Туркистонда етарлича машҳур бўлган, бу ҳақда унинг қадимги туркий тилда сақланиб қолган асл нусхасида қайд этилади[2]. Хитойда (илк давр, «Цзин-гуанмин-цзин» 417 йил билан саналанган), Японияда («Конко-мё-кё») – буддавийлик шоҳ саройида ҳомийликка эга бўлган мамлакатларда унинг тарқалиши, машҳурликка эришиши кам эмас эди. Айтиб ўтилган монарх – чакравартинни илоҳийлаштиришдан ташқари сутра давлат бошқаруви бўйича монархларга тавсияларни ўз ичига олади. Шу сабабли бу мамлакатларда унинг машҳурлигини тушунса бўлади[3].

Шоҳ ҳокимияти муаммоларига эътибор, монархлар учун ўгитларни ишлаб чиқиш, умуман, махаянага хос, бу уни Сосонийлар давридаги зардуштийлик билан яқинлаштиради. Бироқ, айтиш жоизки, махаяна матнларида бу ўгитлар зардуштийликка оид ибратли адабиётлардан кўра анча батафсил ишлаб чиқилган эди. Масалан, зардуштийлик ҳуқуқларига «инсонларни жазолашга астойдил киришма» ёки «қамоққа назорат учун жаҳлдорни жўнатма, ҳибс қилинганлар учун олий

[1] Ушбу манбадан келтирилган: *Emmerick R.E.* The Sūtra of golden ... P. 58.

[2] Қаранг: Suvarnaprabhabhasa (Das Goldenglanz-Sutra). Aus dem Uigurischen ...

[3] *Игнатович А.Н.* Буддизм в Японии: Очерк ранней истории. М., 1987. С. 178 – 179.

ва оқил инсонлардан танланган кишиларни нозир қил»[1] каби насиҳатлар хос бўлса, буддавийликда худди шу ғоя бутун бошли афв этиш концепциясига айланган эди. «Ратна-авали ража-парикатха» буддавий муалифи шоҳга, мана, қандай насиҳат қилмоқда: «Улар [сенинг маслаҳатчиларинг] қонунга асосан қамаш ёки калтаклаш жазоси тайинланган бўлса ҳам, сен ғамхўрлик қилиб албатта кечирилиши учун ҳаракат қил. О, шоҳ, ғамхўрлигинг ва яхшиликларинг сабабли барча мавжудотларнинг, ҳатто оғир жиноят содир этганларнинг ҳам тафаккури яхшиланиб боради. Ҳамдардликни асосан оғир жиноят қилган жоҳилларга нисбатан ҳис қилиш керак, ёхуд буюк қалб эгалари айнан тубанлашиб кетганларга ачинади. Ҳар куни ёки ҳар беш тунда заифлашган маҳбусни озод қил, қолганларини эса вазиятга қараб. Ҳеч кимни маҳбусликда ушлаб ўтирма. Агар сен қўйиб юборишни истамаган кишилар бўлса, бу сенинг ҳисларинг тийилмаганидан далолатдир. Бунинг натижасида сенинг айбинг кўпаяверади. Улар озод этилгунга қадар барчасидан қониқсин: соқол олиш, ҳаммом, ичимлик, овқат, кийимга эга бўлсин... Яхшилаб ўйлаб, баҳо бериб, шундай қилки, бузуқ, ҳатто қотил кишилар мамлакатдан қувилсин, бироқ қатл этма ва зиён етказма»[2].

Манбаларнинг етишмаслиги сабабли ҳукмдорнинг бундай буддавий идеали Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистонда қанчалик таъсирга эга бўлганини аниқлаш жуда қийин. М.Н. Уолтер буддавийлик динини ҳимоя қилувчи шоҳнинг тасвири пайдо бўлиб, ривожланганини бу ҳудуддаги буддавийларнинг хизмати деб билмоқда[3] — қизиқарли таъкид, бироқ етарлича далилларга эга эмас. И. Гольдцигернинг буддавийликнинг мусулмонлар «ҳаёти»даги воқеликка таъсири ҳақидаги кузатуви янада қизиқарлироқ кўринади. Бу воқелик ҳукмронликдан воз кечиб, дайди дарвешга айланган қудратли шоҳ ҳақидадир[4].

[1] Ушбу манбадан келтирилган: Изведать дороги и пути праведных. Пехлевийские назидательные тексты / Введение, транскрипция текстов, перевод, комментарий, глоссарий и указатели *Чуниковой О.М.* М., 1991. С. 78.

[2] Ушбу манбадан келтирилган: *Андросов В.П.* Нагарджуна и его учение. М., 1990. С. 151.

[3] The image of such king as a protector... seems to have natured and developed by the Central Asians (*Walter M.N.* Kingship and Buddhism ... P. 13).

[4] *Гольдцигер И.* Лекции об исламе. СПб., 1912. С. 147 – 152.

Буддавийлик ва олий ҳокимият ўртасидаги муносабат

Ўрта Осиё буддавийлигида зардуштийликнинг «шоҳ» оловлари ва сулола культига ўхшаш ҳеч нима бўлмаган, аммо шоҳ ҳокимиятини қонунийлаштиришда буддавийликнинг ўрни катта эди. Бу билан у фақатгина юқорида айтилган, ҳукмдорни «худонинг ўғли» каби илоҳийлаштириш ва унга «чакравартин» мақомини бериш билангина чегараланиб қолган эмас.

Энг аввало, буддавийлик ҳокимиятни қонунийлаштиришда худди ўша юнон Менандр (Милинда) ёки кушон Канишка каби келгиндилар учун (ўрта осиёликлар ёки форслар учун эмас) муҳим сиёсий восита саналарди. Автохтон зардуштийлик динига тўлиқ суянишга имкони бўлмагач, Ўрта Осиёнинг эллин, кушон ва эфталит ҳукмдорлари космополитик буддавийликдан кўпроқ мадад олган кўринади.

Бундан ташқари, айтиб ўтилган буддавийликнинг «кшатрий» руҳи, унинг ҳарбий зодагонларга мурожаати ҳам Ўрта Осиёдаги бу қатлам вакиллари ўртасида мазкур таълимотнинг оммалашишига сабабчи бўлган бўлиши мумкин. Археологик маълумотлар тасдиқлаганидек, одатда, ҳарбий зодагонлар вакиллари буддавий монастирларнинг асосий ҳомийси ва эҳсон берувчилари эдилар[1]. Ўрта Осиёда айнан буддавийлик маданияти таъсири остида ҳарбий зодагонларнинг интеллектуал эрмаги сифатида шахмат ўйинининг тарқалишини ҳам айтиб ўтиш лозим[2].

Қолаверса, буддавийликнинг бу ҳарбий аристократик майлларни қиёсий маънода тушуниш лозим, айниқса, уларга ўзининг сосонийлар муқобилида учта қатламни (коҳин — шоҳ — деҳқон/чорвадор) ажратиб кўрсатган ва биринчи ўринга коҳинларни қўйган буддавийликнинг зардуштийликдан фарқлари жиҳатидан қараш керак. Бироқ идеологиядан ташқарида исломга қадар даврдаги икки дин ўртасидаги фарқ унчалик аҳамиятли бўлмаган бўлиши мумкин. Сулолавий бўл-

[1] Қаранг: *Вертоградова В.В.* Индийские надписи из раскопок 70-х годов на Кара-тепе // Кара-тепе в Старом Термезе. Основные итоги работ 1974 – 1977. М., 1982. С. 144.

[2] Қаранг: *Линдер И.М.* У порога открытия // Сов. этнография. 1975. № 2. С. 134.

маса-да, шоҳ культлари буддавийлик даврида ҳам бўлган ва тараққий этган эди. Бу ҳақда Қоратепадаги вихаранинг «шоҳ вихараси» (брахма khadevaka-vihara)[1] деб номланиши, у ерда идиш бўлагида топилган «бу идиш шоҳнинг қурбонлик келтириши учун»[2] деган ёзуви, Далварзинтепада зодагон шахсларнинг, аниқроғи, ҳукмдор ва сарой аҳлининг Буддага сиғинаётган[3] ҳайкаллари, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги бошқа буддавийлик топилмалари гувоҳлик бермоқда.

Ўрта Осиёнинг шоҳ уйлари ўртасида буддавийликнинг тарқалиши ҳақида мил. II асрда Хитойда буддавий канонни таржима қилган буддавийлик дини тарғиботчиси Ань Ши-гаонинг – «Парфия шоҳи ўғлининг» ҳаёти гувоҳлик бермоқда. Тадқиқотчилар унинг ватани Марғиёна бўлган деб ҳисоблашади[4]. «Милинда саволлари»даги Менандр муносабати каби бу шоҳ ўғлининг хитойча биографияси унинг фавқулодда билимдонлигини таъкидламоқда: «хоҳ ўзга ер қонунлари бўлсин, хоҳ Етти юлдузлар ва Беш унсур[5] илми бўлсин, хоҳ табиблик, қуш ва ҳайвон тилини ўрганишгача унинг ақли етмайдиган нарса йўқ эди»[6]. Сўнгги ғайритабиий илмдан ташқари барча илмлар Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон монастирларида ўтиладиган фанлар доирасига мос келади. Шарқий Туркистондаги кҳароштхи ёзувидаги 514-сонли ҳужжатда шундай фанлар сифатида «тиббиёт, грамматика, мусиқа, шеърият, рассомлик, ер, шамол ва юлдузлар» айтиб ўтилади[7].

---

[1] *Вертоградова В.В.* Каратепа – юго-восточная Индия: к находке новой надписи брахми на Каратепа // Индия и Центральная Азия (доисламский период). Ташкент, 2000. С.151.

[2] *Лившиц В.А.* Бактрийская надпись на фрагменте сосуда из Кара-тепе (находка 1984 г.) // Буддийские комплексы на Кара-тепе в Старом Термезе / Под ред. Ставиского Б.Я. М., 1996. С.168.

[3] *Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В., Тургунов В.А.* и др. Дальверзин-тепе – кушанский ... С. 90 – 97.

[4] Қаранг: *Ртвеладзе Э.В.* Проповедники буддизма из стран Трансоксианы в Китае // ОНУ 1998. № 4 – 5. С. 19.

[5] Яъни астрономия ва табиат фалсафаси (натурфилософия) («етти юлдуз» – Қуёш, Ой, Марс, Меркурий, Юпитер, Венера, Сатурн; «беш унсур» – олов, сув, дарахт, маъдан, ер).

[6] *Хуэй-Цзяо.* Жизнеописание достойных монахов (Гао сэн чжуань) / Перевод с китайского, исследование, комментарии и указатели *Ермакова М.Е.* В 3-х тт. Т. I (Раздел I: Переводчики). М., 1995. С. 102.

[7] Ушбу манбадан келтирилган: *Литвинский Б.А.* Монастырская жизнь восточно-туркестанской сангхи. Буддийские церемонии // Буддизм: история и культура. М., 1989. С. 173.

Шарқий Туркистонда (чамаси, Ўрта Осиёда ҳам) шоҳларнинг турли буддавийлик байрамларида қатнашиши ва уларнинг ҳолати бўйича саҳналаштирилган ҳаракатларни бажариши муҳим бўлган; ўз навбатида, буддавий роҳиблар ҳам кўпинча каноник тақиқларни бузиб ижтимоий ва иқтисодий ҳаётга аралашар эдилар. Шарқий Туркистонда буддавий монастирларининг фаол хўжалик фаолиятини таҳлил қилган Б.А. Литвинский у «буддавий назариёти низомига тўлиқ зид бўлган» деган хулосага келади, чунки, Винаяга кўра, буддавий роҳибларга олди-сотди шартномаларида иштирок этиш, дала ишлари билан шуғулланиш, бино қуриш, қулга эгалик қилиш ва уй ҳайвонларини кўпайтириш тақиқланган эди[1].

Шундай қилиб, буддавийлик зардуштийлик каби нафақат давлатчилик ва унинг асосий институти — шоҳ ҳокимияти шаклланишига таъсир кўрсатган, балки ўзи ҳам ижтимоий ва сиёсий воқеликнинг ўзгаришига мослашиб ўзгаришларни бошдан кечирди.

Афсуски, ҳужжат ва далиллар сонининг жуда чекланганлиги дин (зардуштийлик ва буддавийлик) ва давлат ҳокимияти ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг тўлиқ тасвирини яратиш имконини бермайди. Бундан ташқари, битта очерк доирасида Ўрта Осиёда исломгача бўлган давлат-дин муносабатларининг барча жиҳатларини ёритиш имконсиздир. Хусусан, зардуштийлик ва буддавийликнинг Ўрта Осиё ҳуқуқий тизимлари шаклланишига таъсири, уларнинг минтақанинг халқаро муносабатлардаги ўрни кабилар тадқиқот доирасидан ташқарида қолди. Бироқ ушбу асарда қайта тикланган дин ва шоҳ ҳокимияти ўзаро муносабатларининг ушбу томонлари нафақат минтақанинг қизғин ва ўзига хос диний ҳаёти, балки давлат тузилмалари ҳудудида юзага келган ривожланган сиёсий тузилма шакллари тўғрисида ҳам хулоса чиқаришга имкон беради.

[1] *Литвинский Б.А.* Монастырская жизнь ... С. 182.

ПУЛ МУНОСАБАТЛАРИ

«Товарларнинг товари» ҳисобланган пулнинг пайдо бўлиши қадимги ривожланган цивилизациялар ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг табиий натижасидир. Мил. авв. II – I мингйилликнинг бошларида товар алмашинувининг узоқ ва мураккаб жараёни, чакана савдо ва халқаро савдонинг ривожланиши маълум оғирлик стандартларига мос келадиган товар-пуллар ва металл қуймаларининг муомаласи босқичларидан ўтиб, охир-оқибат металл пулларнинг пайдо бўлишига олиб келди[1].

Илк тангалар металл қуймаларидан шуниси билан фарқ қилар эдики, битта ёки иккала томонида уларнинг тўла оғирликда эканлигини тасдиқловчи тамға-тасвирлар бор эди. Дастлаб улар турли хил геометрик шакллар, шер, тошбақа, тюлен, бойўғли ва тунец каби ҳайвонлар, қушлар ва балиқларнинг тасвирлари бирикмасини ўзида акс эттирган эди. Худди шунга ўхшаш характердаги, лекин маҳаллий хусусиятлар устун бўлган тамғалар, хусусан, астрал рамзлар каршапанлар (қадимий ҳинд тангалари)да мавжуд эди. Фақат бир қанча вақт ўтгач тангаларда ёзувлар, худоларнинг тасвири, мил. авв. IV аср ўрталарига келиб Македониялик Александр даврида подшоҳларнинг сурати пайдо бўлади.

Лидияда биринчи тангалар электрадан (кумуш ва олтиннинг табиий қотишмаси), сўнгра кумушдан зарб қилинди. Фақат шоҳ Крез (мил. авв. 561 – 546) даврида биметаллизм (олтин ва кумушдан бир вақтда фойдаланиш)га асосланган пул тизими тарқалган ва қадимги Эронда кенг муомалага киради.

Энг қадимги танга тизимлари бўлган милет, фокей, эгин, евбей танга тизимларида тангаларнинг турли хил номиналлари мавжуд бўлган. Уларнинг ҳар бири ўз оғирлик стандартига эга эди. Уларни ягона меъёрга келтириш Македониянинг юксалиши даврида ва Македониялик Александр давлати барпо этилиши даврида амалга оширил-

[1] *Зограф А.Н.* Античные монеты // МИА. Вып. 16. 1951. С. 40 – 41.

ган бўлиб, унда асосан кумуш тангалар 17, 44 г оғирликдаги тетрадрахмли, 4, 36 г оғирликдаги драхмли, 1, 6 г[1] оболли аттик тизимига асосланиб зарб қилинарди. Ўша вақтдан бошлаб бир неча асрлар давомида аттик тизим тангаларнинг асосий номиналлари оғирлиги бироз ўзгарган тарзда эллин дунёсининг таъсири остида бўлган барча мамлакатларда, шу жумладан, Ўрта Осиёнинг жанубий минтақаларида ҳам хукмронлик қилади.

Ўрта Осиё металл пуллар дастлаб пайдо бўлган ҳудудлар қаторига кирмаган, бунинг асосий сабаби у ерда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг юқори даражада бўлмаганлиги ҳисобланади. Тангалар пайдо бўлишидан олдин бир неча аср давомида бу ерда айирбошлаш савдосининг турли шакллари, эҳтимол, ёмбилар муомаласи ҳам бўлган бўлиши мукин.

Ўрта Осиёда танга пулларнинг пайдо бўлиши масаласи, яъни бу ерда айнан қаерда ва қачон биринчи марта танга муомала воситаси сифатида ишлатила бошланган деган савол яқин вақтга қадар фақат хронологик ва ҳудудий жиҳатлардан муҳокама қилинди[2]. Унинг шаклланишидаги дастлабки босқичларнинг табиати ва хусусиятлари назарий жиҳатдан, хусусан, кенг нумизматик материал асосида Э.Зеймаль томонидан олиб борилган бир қатор тадқиқотлар асосида аниқланди[3].

Унинг сўзларига кўра, Ўрта Осиё икки дарё оралиғида пул муомаласи ва мустақил танга зарб қилишнинг пайдо бўлиши қуйидаги модел бўйича рўй берган: дастлаб хорижий тангалар бу ерга хазина сифатида келтирилган. Кейин маълум бир ҳудуд учун энг биринчи бўлган хорижий танга намунасига асосланиб, бу тангаларга ўхшатиб ишланган маҳаллий тангалар зарб этила бошланади. Улар нафақат тангалар зарб қилишнинг дастлабки шакли, балки пул муомаласи аллақачон ривожланган давлатлар билан қўшни бўлган давлатлар ва вилоятларда пул муомаласининг ҳам дастлабки шакли эди. Бу жа-

[1] *Зограф А.Н.* Античные монеты ... С. 39 – 55.

[2] *Гафуров Б.Г.* История таджикского народа в кратком изложении. М., 1952. Т. 1. С. 87 – 92; *Массон В.М.* Денежное хозяйство ... С. 46.

[3] *Зеймаль Е.В.* Начальный этап ... С. 71 – 76.; Ўша муаллиф. Древние монеты ... С. 61 – 81.

раённинг якуний босқичи Ўрта Осиё Икки дарё оралиғининг баъзи ҳудудларида мустақил равишда тангалар зарб қилишнинг йўлга қўйилиши бўлди. Биз бу тахминга қўшилсак ҳам, салавкийлар, айниқса, Юнон-Бақтрия тангалари Сўғд ва Шимолий Бақтрияга нисбатан хорижий бўлганми ёки улар — иккала ўлка ҳам — эллин давлати таркибига кирганлиги учун бу ерда муомалада юрганми деган масала ноаниқлигича қолмоқда. Бу масала Ўрта Осиё Икки дарё оралиғининг мил. авв. III — II асрлардаги сиёсий тарихига бориб тақалади. Бу тарих эса, ўз навбатида, ёзма манбалардаги камёб маълумотлар ва худди шундай камёб нумизматик маълумотларга асосланади.

Бу ерда салавкийлар ва Юнон-Бақтрия тангалари ҳар доим хазина вазифасини бажарганлиги даргумон, муомала воситаси вазифасини ҳам ҳар доим бажармаган кўринади, чунки бу ерда топилган топилмалар орасида мис тангалар (халклар) ҳам учрайди, улар ўзи зарб қилинган давлат чегарасидан камдан-кам ҳолларда четга чиқар эди.

Сўнгги йилларда Туркманистон жанубида аҳамонийларнинг кумуш сикллари хазинаси топилди. Шунга қарамай, аҳамонийларнинг тангаси натурал айирбошлаш дунёсида муайян даражада фойдаланилган бўлса ҳам, Ўрта Осиёдаги кейинги пул муомаласида ўзидан ҳеч қандай из қолдирган эмас. Кейинчалик бу ерда тангалар зарб қилинишининг келиб чиқиши учун асос бўлмаган ва бу ерда салавкийлар, айниқса, Юнон-Бақтрия тангалари бир неча аср давомида Ўрта Осиёдаги пул муомаласи ва тангалар зарб қилинишининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида асосий ўрин тутди. Улар илк бор бу ерда ўхшатиб зарб қилинган тангаларнинг пайдо бўлишига, кейин эса ўз тангалари зарб қилинишига асос бўлди.

Шунингдек, Э. Зеймаль томонидан таклиф қилинган модел (буни нумизматик маълумотларнинг таҳлили кўрсатмоқда) ҳам универсал эмас эди. Ўрта Осиё икки дарё оралиғининг турли тарихий ва маданий ҳудудларида мустақил тангалар зарб қилинишининг шаклланиши турли хил тарзда кечди[1].

[1] *Ртвеладзе Э.В.* Модели генезиса монетной чеканки в Среднеазиатском Междуречье // На среднеазиатских трассах Великого шелкового пути. Ташкент, 1990. С. 170.

Бугунги кунга қадар жуда катта миқдордаги танга материаллари тўпланган, бу мил. III – IV асрларга қадар Ўрта Осиё Икки дарё оралиғидаги пул муомаласи ривожланишини (албатта, фақатгина уларнинг географик чегаралари билан чекланиб қолмай) анча батафсил ва мазмунли даврийлаштиришга имкон беради. Афсуски, ёзма манбалар ва эпиграфик манбалар маълумотларининг деярли йўқлиги пул муомаласининг молиявий сиёсат билан боғлиқ кўплаб масалаларига аниқлик киритишга имкон бермайди.

Пул муносабатлари ривожланишини даврийлаштириш

Биринчи давр (мил. авв. II мингйилликнинг иккинчи ярми – I мингйилликнинг биринчи ярми). Натурал алмашиш ва айирбошлаш савдоси. Товар-пуллардан ва, эҳтимол, металл қуймалардан пул воситаси сифатида фойдаланиш.

Уларнинг аниқ бир объектлари ҳали аниқланмаган, аммо бошқа мамлакатларда бўлганидек, бу маҳсулотлар дон, чорва моллари, турли хил ҳунармандчилик буюмлари, чиғаноқлар ва бошқа шу кабилардан иборат бўлиши мумкин. Мил. авв. I мингйилликнинг биринчи ярмидаги ёдгорликларда шаклли бўйича тангаларга ўхшаш юмалоқ керамик предметлар борлиги диққатни ўзига тортади. Баъзи тадқиқотчилар уларни ўйин учун фишкалар[1] деб ҳисоблашади, лекин улар танганинг эквиваленти сифатида қўлланилган бўлиши ёки ҳисоб бирликлари вазифасини бажарган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Иккинчи давр (мил. авв. V аср – IV аср охири). Ўрта Осиёнинг жанубидаги аҳолининг тангалар билан танишуви. Металл қуймалар ва аҳамонийларнинг илк тангалари муомаласи. Аҳамонийлар тангаларига ўхшатиб ясалган маҳаллий тангалар зарб қилинишининг келиб чиқиши.

[1] *Дьяконов М.М.* Сложение классового общества в Северной Бактрии // СА. 1954. XIX. С. 121 – 140.

Ўша даврнинг тангалари топилмалари ҳақида бу ўринда маълумотлар келтирилади, аммо шарх этилган барча ҳолатларда таҳлиллар тахминийдир, чунки археологик қазишмалар пайтида бу даврга оид тангаларнинг бирон-бир намунаси топилган эмас.

Баъзи маълумотларга кўра, аҳамонийлар дариклари Афросиёб кўҳна шаҳрида, Эски Термизда ва Қаркида топилган эди. Жанубий Туркманистон ёки Хоразмда олд тарафида тиарадаги камончи ва турли хил ўйма нақшлар тасвирланган аҳамонийлар кумуш сикллари хазинаси топилди.

Д.В. Бирюков бу хазинадаги иккита танга ҳақида мақола эълон қилган эди. У шундай хулосага келганки, Ўрта Осиёнинг жанубий Аҳамонийлар империясининг пул муомаласи амалга оширилган доирасига кирган бўлиши мумкин[1]. Шу билан бирга, бу тангалар устида нақшларнинг борлиги уларнинг Ўрта Осиё металл пуллари муомаласининг бошланғич шакли эканлигини айтишга имкон беради. Таъкидланишича, аҳамонийлар дариклари ва сикллари Амударё хазинасининг таркибига кирган, аммо унинг топилиши ва кейинчалик таркибининг тўлдирилиши билан боғлиқ ҳолатлар бу борада кишини иккилантиради.

Улар билан бирга мил. авв. VI – V асрларга тегишли бошқа тангалар ҳам хазина таркибига кирган, булар Юнонистон шаҳарлари ва Кичик Осиёнинг аҳамоний сатрапликлари тетрадрахмлари ва драхмлари, Афина ва Македония шоҳлари тангаларига ўхшатиб зарб қилинган тангалардир[2]. Бу тангалар Амударё хазинасидан топилган бўлса ҳам, улардан муомала воситаси эмас, хазина сифатида фойдаланилган эди.

Эҳтимол, бу ерда ёмбилар муомаласи ҳам бўлгандир. Маълумки, Ўрта Осиё ҳудудлари учта сатрапликка бўлинган ҳолда аҳамоний шоҳлар хазинасига 25, 92 кг вазнга тенг кумуш солиқ тўлаганлар, масалан, Бақтрия 360 талант тўлаган, бу тахминан 9 тоннани ташкил этади (Геродот, III, 117).

[1] *Бирюков Д.В.* У истоков денежного обращения Средней Азии // НЦА. 1. Ташкент, 1995. С. 5 – 18.

[2] *Зеймаль Е.В.* Амударьинский клад ... С. 72 – 84.

Бу шунчаки кумушнинг аморф массаси бўлмаган, балки тамға туширилган ёмбилар бўлганлиги эҳтимолдан йироқ эмас. Шундай қилиб, аҳамонийлар даврида (мил. авв. VI аср ўрталари – IV аср охири) Ўрта Осиёнинг энг ривожланган ҳудудларида аллақачон пул муомаласининг дастлабки шакллари мавжуд бўлган, булар олтин ва кумуш танга кўринишидаги ёмбилар ва тангалар билан амалга оширилган пул муомаласидир.

Ўрта Осиё халқларининг танга билан танишлиги ва унинг Ўрта Осиёга эрта кириб келиши билан боғлиқ яна бир вазиятни эсдан чиқармаслик керак. Бу ерда гап яхши маълум бўлган омил, бақтрияликлар, сўғдлар ва хоразмликларнинг аҳамонийлар ҳукмронлик қилган Эрон, Юнонистон ва Мисрнинг турли қисмларида қўшин таркибида бўлишганлиги боис ўша жойларда маълум вақт яшаганлиги ҳақида бормоқда. Улар аҳамоний тангаларини ўзлари олиб келишган бўлишлари ёки уларни ўз ватанларига, Ўрта Осиёга, тегишли банк уйлари орқали (Бобилдаги Мурашу уйи каби) етказиб берган бўлишлари мумкин[1].

Шу билан бирга, Ўрта Осиёда ушбу даврдаги тангаларнинг фақатгина ҳақиқий топилмалари ҳақидаги камёб маълумотлар ушбу босқични минтақа аҳолисининг тангалар билан танишуви даври ва уларнинг муомалада, хусусан, тамға туширилган сикллариинг муайян савдо ишларида фойдаланилганлиги даври сифатида тавсифлашга имкон беради. Бунда савдода натурал айирбошлаш, соликларни тўлашда эса маълум бир оғирликдаги қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо металл қуймалари асосий роль ўйнаган эди.

Учинчи давр (мил. авв. IV аср охири – II аср ўрталари). Умуман олганда, бу давр Ўрта Осиёнинг бир қатор минтақалари (Бақтрия, Сўғд, Парфия) эллин пул тизимига киришидир. Бу давр: ҳудудда ҳақиқий товар-пул муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши; кўпгина шаҳарларда мис (бронза) тангаларнинг топилганлигига қараб хулоса қилинадиган бўлса, пул муносабатларининг кичик бозор

[1] *Дандамаев М.А., Луконин Г.* Культура и экономика древнего Ирана. М., 1980. С. 40.

савдоси соҳасига кириб бориши; тангаларнинг пул, хазина ва бошқа шу каби кўп функцияли ролни бажариши; маҳаллий ҳукмдор номидан (мил. авв. IV аср охирида Бақтрияда Вахшувор тангалари) тангалар зарб қилишнинг пайдо бўлиши, жумладан, биринчи – салавкий Антиох I тангаларига (мил. авв. II аср бошларида Сўғдда), иккинчи – Македониялик Александрнинг тангаларига ўхшатиб зарб қилинган маҳаллий тангаларнинг зарб қилиниши даври саналади.

Учинчи даврни икки босқичга бўлиш мумкин: биринчиси – мил. авв. IV аср охири – III аср ўрталари, иккинчиси – мил. авв. III аср – II аср иккинчи ярми бошлари.

Биринчи босқич пул муомаласининг шаклланиши даври бўлган, гарчи жуда кам бўлса ҳам, бу даврда Шимолий Бақтрия ва Сўғдда Македониялик Александр (мил. авв. 336 – 323), Салавк I (мил. авв. 311 – 281) ва Антиох I (мил. авв. 281 – 261) тангалари топилганлиги фикримизни тасдиқлайди. Шундай қилиб, Македониялик Александр ва Салавк I драхмлари (бу тангаларнинг биринчи марта зарб қилинганлари бир-биридан фарқ қилмаган) Дарбанд туманида, Эски Термиз яқинида (Шимолий Бақтрия) ва Кўҳна Фазли шаҳрида (Жанубий Сўғд) топилди. Салавк I драхмларининг ноёб тури кўҳна Шаҳри Мунк (Шимолий Бақтрия) шаҳрида топилди. Салавк I дихалклари Афросиёбда чиқарилган эди[1]. Амударё хазинаси таркибида жуда кўплаб тангалар (Салавк I нинг 47 нусхадаги тетрадрахмлари ва драхмлари) мавжуд эди[2].

Шимолий Бақтрия ва Сўғдда товар-пул муносабатлари кўламининг кенгайиши ва уларнинг янада жадал ривожланиши Антиох I даврида кузатилади. Бу шоҳнинг тангаларидан Тахти Сангинда 6 халк (оғирлиги 0, 72 г дан 3, 12 г гача), Эски Термизда 3 та драхм ва 1 та халк, Қампиртепада 2 та халк, Денов туманида 1 та халк (Шимолий Бақтрия). Самарқандда 2 та халк ва Кўрғонтепада обол (Сўғд) топилди[3].

[1] Бу топилмалар ҳақида қаранг: *Зеймаль Е.В.* Начальный этап ... С. 65; *Ртвеладзе Э.В.* Новые открытия ...; *Давутов Д.* Драхма Селевка ... С. 5 – 9.

[2] *Зеймаль Е.В.* Амударьинский клад ... С. 75 – 78.

[3] *Зеймаль Е.В.* Начальный этап ... С. 66 – 68; *Ртвеладзе Э.В.* Селевкидские монеты ... С. 48 – 57; *Zeimal E.V.* Coins from ... P. 91.

Бу топилмалар орасида халкларнинг бўлиши у ерда етарли даражада ривожланган пул хўжалиги, хусусан, чакана савдонинг мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Салавк I давридан Антиох II давригача бўлган салавкий тангалари Ўрта Осиё икки дарё оралиғига бевосита чегарадош ҳудуд – Ойхонимда ҳам 67 нусхада топилди. Улар орасида Антиох I тангаларининг 62 нусхаси, Салавк I тангасининг 1 нусхаси, Салавк I ва Антиох I биргаликдаги тангаларининг 3 нусхаси, Антиох II (мил. авв. 261 – 246) тангасининг 1 нусхаси бор[1].

Салавк I ва Антиох I даврида салавкийларнинг Бақтриядаги тангалари зарб қилинишининг бошланиши бу даврнинг муҳим воқеаларидан биридир.

Бақтрияда Салавк I даврида катталиги бўйича йирик (тетрадрахмлар, драхмлар, ярим драхмлар) бўлган, аверс томонида Зевснинг боши, реверс томонида 2 та фил ёки тўртта отга уланган аравадаги Афина тасвирланган, аттик оғирлик стандартига мувофиқ бўлган (драхм оғирлиги – 4, 27 г) кумуш тангалар зарб қилинган эди[2].

Салавк I ва Антиох I номлари ёзилган яна битта серия топилган бўлиб, у каршапан (қадимги ҳинд оғирлик стандарти)га мос бўлган ва амалда 3 грамм келарди.

Антиох I даврида Бақтрия тангалари турлари янада кўпайди. Олтин (статер) ва кумуш (тетрадрахм, драхм) тангалар чиқарилади, уларнинг юз томонида Антиохнинг бюсти, орқа томонида эса шохли отнинг боши тасвирланган ва аттик стандартга мос эди.

Эҳтимол, чакана савдода фойдаланилган мис халклар ҳам чиқарилгандир.

Антиох I драхмлари Сўғдда зарб этилган бўлиши ҳам мумкин[3], хусусан, буни мил. авв. III аср – мил. авв. II аср охирларида бу ерда Антиох I нинг шохли от тасвирланган драхмларига ўхшатиб сўғд тангалари чиқарилганлиги ҳам тасдиқлайди[4].

---

[1] *Bernard P.* Les monnaies ... P. 35 – 55.

[2] *Newell E.T.* The coinage of the Eastern Seleucid Mints from Seleucus I to Antiochus III. New York, 1941.

[3] *Массон В.Т., Ромоддин Р.А.* История Афганистана ... С. 100.

[4] *Зеймалъ Е.В.* Начальный этап ... С. 68 – 78.

Сўз юритилаётган мазкур даврда биринчи тангалар Бақтриянинг юнон шоҳи номидан эмас, балки Бақтриянинг маҳаллий ҳукмдори номидан зарб қилинган эди. Бу тангалар ҳукмдор Вахшуворга тегишли, буни унинг юз томонида жойлаштирилган оромий матнларидан кўриш мумкин. Машҳур олтин статерлар (кирбасия кийган эркаклар бюсти / ўнг томонда квадригадаги эркак) ва икки томонлама статерлар (фил дубулғасини кийган Александрнинг боши / чапда турган Ника) акс этади.

Вахшувор тангаларининг чиқарилиш жойи ва вақтини аниқлашда яқдил фикр мавжуд эмас. Е.В. Зеймаль ва И.М. Дьяконов уларни (Андрагор тангалари билан бирга) мил. авв. III аср ўрталаридаги илк Парфияга (аршакийларга) оид деб ҳисоблайди[1]. Шу билан бирга, И.Р. Пичикян уларни Македониялик Александрнинг қайнотаси ва Роксананинг отаси, Александрнинг ўлимидан кейин, Арриан сўзларига кўра, Парапамисад сатрапи бўлган Вахшувор – Оксиартга[2] тегишли бўлган, Бақтрияда зарб этилган тангалар деб қатъий таъкидлайди. Бироқ у бошқарган ҳудудлар таркибига Парапамисаддан ташқари унинг ҳукмронлиги остидаги ҳудуднинг энг марказида жойлашган Шимолий Бақтрия ҳам кирган бўлиши мумкин. Худди шу ҳудудда Бойсун тоғларида, Денов шаҳридан шимоли-ғарбда Вахшувор қалъаси жойлашган бўлиб, унинг номи юқорида айтилган тангалар номи билан тўлиқ мос келади. Худди шунга ўхшаш номдаги жой Чагамга борадиган йўлда Боботоғда ҳам мавжудлигини қайд этган эдик[3].

Юнончага «Оксиарт» деб таржима қилинган «Вахшувор» сўзининг ўзи, В.А. Лившицнинг фикрича, «танланган (худо томонидан) Вахшу (ёки Вахша худосига ишонадиган), Вахша худоси томонидан қўриқланадиган» деган маънони англатади[4]. Мен Вахшувор қишлоғида олиб борган изланишлар бу ерда қадимги Сартепа шаҳарчаси очилганлиги,

[1] *Дьяконов И.М., Зеймаль Е.М.* Правитель Парфии ... С. 15 – 19.

[2] *Пичикян И.Р.* Культура Бактрии. Ахеменидский и эллинистический периоды. М., 1991 С. 308 – 309.

[3] Вахшувор қишлоғи ҳақида мана бу ерда қўринг: *Кармышева Б.Х.* Этнический состав населения Южного Узбекистана. М., 1985.

[4] *Пичикян И.Р.* Культура Бактрии. ... С. 308.

унинг пастки қатлами мил. авв. I мингйилликнинг биринчи ярми ўрталарига оид эканлигига аниқлик киритди[1]. Қадимги номини икки минг йилдан кўпроқ вақт давомида сақлаб келган бу жой Бақтрия зодагони Вахшувор-Оксиартнинг асосий қароргоҳи бўлган бўлиши ва айнан шу ерда Оксиарт қояси жойлашган бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас.

Бундан ташқари, Амударё хазинаси ҳам Вахшувор-Оксиартнинг уруғи (қариндоши) – мил. авв. IV аср охиридаги Шимолий Бақтрия зодагонларининг энг таниқли вакилига тегишли эди.

Учинчи даврнинг иккинчи босқичи Ўрта Осиё икки дарё оралигида пул муносабатларининг янада ривожланиши, пул муомаласи ҳудудининг янада кенгайиши ва янги ҳудудлар, хусусан, Бухоронинг пул муносабатларига киришиши; тангаларнинг фойдаланиш доираси кенгайиши; алоҳида шахсларда катта миқдордаги пуллар бўлганлигини кўрсатувчи илк танга хазиналарининг пайдо бўлиши; Ўрта Осиё икки дарё оралиғида мустақил тангалар зарб қилиниши бошланишининг биринчи босқичи сифатида салавкий ва Юнон-Бақтрия тангаларига ўхшатиб ишланган биринчи Сўғд ва Бақтрия тангаларининг пайдо бўлиши билан ажралиб туради.

Аттик тизимга мувофиқ зарб қилинган кумуш ва мис тангалар (тетрадрахмлар, драхмлар, оболлар, халклар, дихалклар) учун ишлатиладиган турли хил огирлик стандартлари бу ерда пул муносабатларининг яққол ривожланганини, тангалардан тўлов воситаси, муомала воситаси, шунингдек, хазина сифатида ҳам фойдаланилганини кўрсатади. Савдо операциялари ҳажми бўйича энг кўп фойдаланилган, шу жумладан, халқаро ва минтақалараро савдо операциялари бўйича энг катта аҳамиятга эга бўлган тангалар кумуш тангалар эди. Шимолий Бақтрияда, қисман Сўғдда пул муносабатлари шаҳар ва қишлоқ манзилгоҳлари ўртасидаги кичик чакана савдога ҳам кириб боради.

Бу фикр Ўрта Осиё икки дарё оралиғининг жанубий ва марказий минтақаларидаги кўплаб қадимги шаҳар ва манзилгоҳларда топилган тангалар билан тасдиқланади.

[1] *Ртвеладзе Э.В.* Бронзовый кинжал из Вахшувора // СА. 1981. № 1. С. 285 – 286.

Шимолий Бақтрия. Бу ерда турли қийматдаги 100 тага яқин кумуш ва мис Юнон-Бақтрия тангалари топилган, улар орасида Диодот, Евтидем, Антимах, Агафокл, Евкратид, Деметрий, Гелиокл, яъни барча буюк Юнон-Бақтрия шоҳлари тангалари бор. Юнон-Бақтрия танга топилмаларининг асосий қисми (70 дан ортиқ нусхаси) Амударё ҳудуди бўйларида тўпланган (Тахти Сангин – 27 нусха, Эски Термиз – 30 дан ортиқ нусха, Қампиртепа – 35 нусха). Бундай тангалар камроқ топилган (15 нусха) иккинчи минтақа Сурхондарё ва Қашқадарё водийларидир (Далварзинтепа, Денов, Регар, Ҳайитободтепа, Шаҳринав). Алоҳида танга топилмалари бошқа шаҳар ва манзилгоҳларда ҳам учрайди[1].

Сўғд. Ҳаммаси бўлиб 10 дан ортиқ алоҳида танга топилмалари, шунингдек, иккита танга хазинаси мавжуд.

Кеш ва Нахшаб. Шаҳрисабзда Антимахнинг учта оболи, Сангиртепада Диодотга тегишли халқ, шунингдек, Евкратид оболлари, тетрадрахмлари, драхмларини ўз ичига олган хазина топилган[2].

Самарқанд Сўғди. Самарқанд ва Панжикент атрофидаги Афросиёбдан 10 га яқин тангалар, жумладан, Евтидем драхмлари, Деметрий, Гелиокл ва Антимахнинг тетрадрахмлари, Евкратид оболлари топилган[3].

Бухоро. Бухоронинг шарқий қисмида Тахмачтепада Диодот, Евтидем (50 нусхага яқин) ва Агафоклнинг 56 детрадрахмидан иборат хазина топилган. Бундан ташқари, Бухоро (Хўжа Обод) атрофида Деметрий ва Евтидем тетрадрахмлари топилган[4].

Хоразм. Мазкур даврда бу вилоятда пул муомаласи мавжудлиги тўғрисида далиллар ҳали мавжуд эмас. Юнон-Бақтрия тангаларидан фақат учта топилма аниқланган, Хоразм Юнон-Бақтрия подшолиги таркибида бўлмаган, топилмалар бу ерга хориж тангалари сифатида келиб қолган эди. Улар Жонбос қалъадан топилган Евкратиднинг

[1] *Зеймаль Е.В.* Древние монеты ... С. 43 – 58; *Rtveladze E.V.* La circulation monetaire ... P. 61 – 76; *Zeimal E.V.* Coins from ... P. 90 – 91.

[2] *Ртвеладзе Э.В.* Модели денежного ... С. 178.

[3] Ўша манба. 179 – 180-бетлар.

[4] *Rtveladze E.V.* La circulation monetaire ... P. 63 – 69; Ртвеладзе Э.В. Модели денежного ... С. 180 – 181.

тетрадрахми, Хивадан топилган Евтидемнинг тетрадрахми ва Яккапорсондан топилган халқдир[1].

Ўрта Осиё икки дарё оралиғининг бошқа ҳудудларида Юнон-Бақтрия тангалари топилган эмас. Шундай қилиб, ушбу минтақанинг энг ривожланган иккита минтақасида – Юнон-Бақтрия подшохлари ҳукмронлиги остида бўлган Шимолий Бақтрия ва Сўғдда пул муомаласи мавжуд эди, Сўғднинг ҳам фақат йирик шаҳарлари – Мароқанд, Еркўрғон, Бухородагина мавжуд бўлган бўлса керак. Шу билан бирга, алоҳида ўлкаларда натурал айирбошлаш устунлик қиларди.

Тўртинчи давр (мил. авв. II асрнинг иккинчи ярми – мил. I асрнинг бошлари). Мил. авв. II аср бошларида Юнон-Бақтрия подшолиги қулаганидан сўнг саклар ва юэчжиларнинг босими остида Ўрта Осиё Икки дарё оралиғидаги сиёсий вазият бутунлай ўзгаради. Бақтрияда конфедератив Юэчжи давлати вужудга келади, Сўғд ҳам Юэчжи сулолалари томонидан бошқариладиган бир нечта етарлича мустақил ўлкалардан ташкил топган Қанғ конфедератив давлатининг номинал ҳокимияти остида қолади. Хоразмда эса, афтидан, қадимги сулола сақланиб қолган эди.

Ушбу даврнинг энг муҳим жиҳати Фарғона ва Шошдан ташқари Ўрта Осиё икки дарё оралигининг деярли барча ҳудудларида Юнон-Бақтрия тангаларига ўхшатиб тангалар зарб қилишнинг кенг тарқалиши ҳисобланади.

Дастлабки даврларда тақлидий тангаларни зарб қилиш деярли тўлиқ ўз намунасига ўхшатиб амалга оширилади, кейин эса улардаги юнон матнлари аста-секин бузилиб боради ва янги илоҳий рамзлар пайдо бўлади, охирги босқичда юнонча, оромий ёзувлари ва маҳаллий ҳукмдорларнинг тасвирлари биргаликда туширилган, ўтиш даври туридаги тақлидий тангалар юзага келади. Бу босқични Е. Зеймаль Ўрта Осиё икки дарё оралиғида тангаларни мустақил зарб этишнинг шаклланишидаги дастлабки босқич деб тўғри тахмин қилади[2]. Бун-

[1] *Ртвеладзе Э.В.* Модели денежного ... С. 182.

[2] *Зеймаль Е.В.* «Варварские подражания» как исторический источник // СГЭ. 1975. Вып. XL. С. 56 – 61.

дан ташқари, минтақанинг ҳар бир ҳудудида ўзига хос, ўхшатиб зарб қилинган тангалар чиқарила бошлайди. Шундай қилиб, Шимолий Бақтрияда 3 та Юнон-Бақтрия подшоҳлари – Деметрий, Евтидем ва Гелиоклнинг тангаларига ўхшатиб Юэчжи тангалари зарб қилинган.

Энг кенг фойдаланиш ҳудудига, турларининг хилма-хиллигига ва зарб қилинишида интенсивлик (тезкорлик)ка эга бўлган тангалар Гелиокл тангаларига тақлид қилиб зарб қилинган, бир нечта оғирлик стандартларига (23 – 26 г, 10 – 16 г, 3 – 5 г) ва иккита гуруҳга бўлинган бронза тангалари бўлган. Биринчи гуруҳи Гелиокл тангасининг арзимаган ўзгаришлар билан олинган нусхаси бўлган, иккинчи гурух маҳаллий ҳукмдор ва от тасвири туширилган тангалар эди[1].

Шимолий Бақтриянинг жануби-шарқида, оғирлиги 0,3 – 0,6 г бўлган Евкратид оболларига (аслида, хемиобол) ўхшатиб зарб қилинган кумуш тангалар муомалада бўлган, ривожланишнинг муайян даври оралиғида тангалар устида маҳаллий ҳукмдорнинг «портрети» пайдо бўлади[2]. Бу соҳада пул хўжалигида маълум бир ўринни Деметрийнинг тангаларига ўхшатиб зарб қилинган майда бронза ва кумуш тангалар эгаллаган эди[3].

Шимолий Бақтриянинг юэчжи ҳукмдорлари йирик қийматдаги кумуш тангаларни зарб қилмаганлар, аммо, Э. Зеймалнинг таъкидлашича, унинг камчилиги, эҳтимол, мил. I асрга қадар аввалгидек муомалада бўлган Юнон-Бақтрия кумуш тангалари билан тўлдирилгандир.

Сўғднинг турли туманларида муомалада бўлган танга пулларнинг таркиби хилма-хил эди. Шундай қилиб, Самарқанд вилоятида мил. III аср охиригача зарб қилинган, оғирлиги 0, 3 дан 3, 2 г гача бўлган Антиох I тангаларига ўхшаб ишланган кичик кумуш тангалар (оболлар, хемидрахмлар ва драхмлар) кенг тарқалди[4]. Бу ўхшатиб ишлан-

[1] *Массон В.М.* Древнебактрийские монеты ... С. 63 – 75; *Ртвеладзе Э.В., Пидаев Ш.Р.* Каталог древних монет ... С. 110 – 129.

[2] *Зеймаль Е.В.* Подражания оболам ... С. 177 – 192.

[3] *Rtveladze E.V.* Decouvertes en Numismatique et Epigraphic Greco-Bactriennes a Kampyrtepe // RN. Vol. 150. Paris, 1996.

[4] *Зеймаль Е.В.* Начальный этап ... С. 68 – 75.

ган тангаларни Ж. Лернер Евтидем Юнон-Бақтрия тахтини эгаллаб олишидан олдин сўғдлар зарб қилган деб ҳисоблайди[1]. Ерқўргон шаҳридан топилганига қараганда, улар Деметрий тангаларига ўхшатиб ишланган тангалар билан бир қаторда Жанубий Сўғднинг ғарбий қисмида ҳам муомалада бўлган дейиш мумкин.

Бухоро ҳудудида Евтидемнинг тетрадрахмларига ўхшатиб зарб қилинган, оғирлиги 13 – 16 граммни ташкил қилган йирик кумуш тангалар чиқарилган эди[2].

Бухоро ва Самарқанд Сўғдида, афтидан, мил. авв. II асрнинг иккинчи ярмида оғирлиги 2 – 3 г, юэчжи Гиркод ёки Уркоднинг сулоласига тегишли бўлган, олд томонида ҳукмдорнинг боши, орқа томонида тангрининг тик турган тасвири туширилган ва юнонча матн ёзилган майда кумуш тангалар зарб этила бошлайди[3].

Биринчи бўлиб ўз тангасини зарб қилиш Хоразмда бошланган, улар Евкратид тетрадрахмларига ўхшатиб зарб қилинган, оғирлиги 13 – 16 грамм бўлган йирик кумуш тангалар эди[4].

Таърифланган ҳар бир тангалар гуруҳлари тор маҳаллий муомала доирасига эга бўлган, топилма топографияси бўйича, қайси ҳудудда чиқарилган бўлса, ўша ерда муомалада бўлган эди.

Шундай қилиб, тангага бўлган талаб ўз тангасини зарб қилиш ҳисобига таъминланган маҳаллий пул бозорларининг шаклланиши кузатилади. Ҳатто йирик ҳудуд доирасида, масалан, Сўғдда камида тўртта мана шундай маҳаллий бозор мавжуд эди.

Ўрта Осиё Икки дарё оралиғининг турли ҳудуларидаги пул тизимлари ҳам турлича эди. Шимолий Бақтрияда бронза ва кумушдан ясалган турли хил қийматдаги тангалар муомалага киради. Сўғд ва Хоразмда фақатгина кумуш тангалар, Хоразмда йирик қийматга эга тангалар, Сўғдда эсаҳам йирик, ҳам кичик тангалар муомалада бўлган эди. Сўғдда «тетрадрахмлар»нинг ролини бутун вилоят бўйлаб

[1] *Lerner J.P.* A Graeco-Sogdian ... P. 77.
[2] *Зеймаль Е.В.* Политическая история ... С. 201, 208 – 210.
[3] Ўша манба. 209-бет.
[4] *Вайнберг Б.И.* Монеты Древнего ... С. 106.

кенг муомалада бўлган, Евтидем тангаларига ўхшатиб зарб қилинган тангалар бажарарди.

Қўриниб турибдики, Сўғд ва Хоразмдаги пул тизими, Бақтрияда бошқарув шакли алмашишига қарамай, сақланиб қолган драхмга асосланган аттик стандартдан узоқлашиб борди. Сўғдда оболлар ва тетрадрахмлар асосий пул бирликлари эди. Сўғддаги майда тангаларнинг етишмаслиги, шубҳасиз, майда кумуш танга – оболларнинг кўп миқдорда зарб қилиниши билан тўлдирилар эди. Ўша вақтда Хоразмда савдонинг бу шаклида натурал айирбошлаш биринчи ўринда турарди.

Аттик меъёрлардан узоқлашган тангаларнинг оғирлик стандартлари ҳам ўзгаради. Евтидем ва Евкратиднинг тетрадрахмларига ўхшатиб ишланган тангаларнинг оғирлиги 13 – 16 грамм атрофида бўлган, бу вақтда аттик тетрадрахмларнинг оғирлиги 17, 36 грамм эди.

Бешинчи давр (мил. I аср – III асрнинг биринчи ярми). Ўрта Осиё Икки дарё оралиғининг турли қисмларида бу даврдаги пул хўжалиги сиёсий вазиятга боғлиқ ҳолда тубдан ўзгаради. Хусусан, оғирлик стандартларида ва танга металларида, шунингдек, иконография ва рамзларни туширишда эллин анъаналаридан узоқлашилиб, уларнинг ўрнига маҳаллий Осиё меъёрлари ва анъаналари кириб келади.

Ўрта Осиё Икки дарё оралиғининг жанубий қисми Кудзула Кадфизнинг ўғли Вима Так [то] ҳукмронлик қилган давр – тахминан мил. I асрнинг иккинчи ярмидан кудратли Кушон подшоҳлиги таркибига киради. Вима Так [то] ҳукмронлигидан Канишка II ҳукмронлигининг охиригача шу минтақанинг пул хўжалиги билан бирга танга таркиби борасида ҳам Кушон подшоҳларининг маҳаллий давлат танга сиёсатига амал қилинарди.

Шаҳар ва қишлоқларнинг жадал ўсиши, ҳунармандчилик, қишлоқ хўжалиги, савдонинг ривожланишига ҳисса қўшган сиёсий барқарорлик товар-пул муносабатларининг тез суръатда ривожланишини белгилаб берди. Шимолий Бақтрия ҳудудида бир неча минг кушон тангаларининг алоҳида топилмалари ва хазиналари қайд қилинган-

лиги бежиз эмас. Баъзи хазиналардаги тангалар бир неча юзлаб нусхаларда бўлиб, бу алоҳида шахсларда катта миқдорда пул воситалари жамгарилганлигидан далолат беради. Товар-пул муносабатлари қишлоқ манзилгоҳларида ҳам тез ривожланиб, тоғли ҳудудлардаги манзилгоҳларга ҳам кириб боради. Натурал айирбошлаш сақланиб қолган бўлса ҳам, ўз аҳамиятини сезиларли даражада йўқотиб борди.

Шимолий Бақтрияда бу даврдаги пул муомаласини уч босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқичда Вим Так [то] (Сотер Мегас) бошчилигида икки хил қийматдаги: катта – оғирлиги 8 – 9 г, кичкина – 2 – 3 г бронза тангалар муомалада бўлган эди. Улар Шимолий Бақтриянинг деярли барча Кушон шаҳарларида жуда кўп миқдорда топилди[1].

Вима Так [то] тангаларининг вазн стандарти ундан олдинги ҳукмдор Кудзула Кадфиз тангаларининг вазн стандартларидан, шунингдек, иконография ва рамзлари билан фарқ қилади. Бу Вима томонидан унинг ҳукмронлиги даврида олиб борилган кичик пул ислоҳотларидан дарак беради. Қандайдир олтин, кумуш тангалар зарб қилингани маълум эмас; йирик савдо операцияларида савдо муомалаларида қайси тангалар ишлатилганлиги ҳам номаълумлигича қолмоқда. Эҳтимол, бундай битимларда Юнон-Бақтрия кумушлари, шунингдек, тетрадрахмлари ва оболлари аллақачон катта миқдорга етган Кушон тангалари ишлатилган бўлиши ҳам мумкин.

Иккинчи босқич Юнонистон давридан буён мавжуд бўлган, кумуш ва мисдан фойдаланишга асосланган Бақтриянинг пул тизимини тубдан ўзгартирган мутлоқ пул ислоҳоти билан боғлиқ эди. Бу Вима Так [то]дан кейин ҳукмронликни ўз қўлига олган Кадфиз II томонидан амалга оширилади.

Рим таъсири остида Кадфиз II томонидан киритилган янги пул тизими олтин ва бронзага асосланган эди.

Асосий пул бирлиги анъанавий равишда «статер» деб аталадиган олтин танга бўлиб, унинг оғирлиги 8,3 г бўлган, у деярли Рим ауреу-

[1] *Ртвеладзе Э.В., Пидаев Ш.Р.* Каталог древних монет ... С. 37 – 39, 56 – 63; *Зеймаль Е.В.* Древние монеты ... С. 160 – 178.

сининг оғирлиги – 7,6 – 8,1 г га тўғри келган, аммо вазни тахминан 8, 6 грамм бўлган аттик статердан енгил эди[1].

Пул муомаласига, шунингдек, 16,07 грамм оғирликдаги қўшалоқ статер ва 2,01 г оғирликдаги статернинг тўртдан бир қисми ҳам киритилган эди.

Ушбу тангалар учун «статер» номи фанга фақат шартли равишда киритилган, аммо Далварзин хазинаси материаллари у ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлганини кўрсатади. Хазинада кхароштҳи ёзуви билан статер, драхм, дхан (вазн стандарти Кўрсатилган) ёзувлари бўлган ўнта олтин ёмби ҳам топилди. Ёзувдаги миқдор кўрсаткичи билан бруск оғирлигини таққослаш ўртача 17,08 г ҳисобланган статернинг вазни 17,08 г дан 18,04 г гача ораликда бўлганини[2] кўрсатди.

Г.А. Пугаченкованинг фикрига кўра, ёзувларда «статер» сўзи ишлатилганига қарамай, аслида, ган оғирлиги 8,03 г ни ташкил қилган иккиталик статер ҳақида боради[3]. Бироқ ган иккиталик статер ҳақида борганлиги ҳам эҳтимолдан йироқ эмас, чунки акс ҳолда ёзувларда драхм ва дхан каби айнан иккита статер кўрсатилган бўлар эди. Ёзувларнинг мазмунига кўра, битта статер ўртача оғирлиги 4,4 г бўлган тўртта драхм, битта драхм эса ўртача оғирлиги 0,77 грамга тенг бўлган 5 ёки 6 дханага тенг бўлганини билиш мумкин.

Ёзувларда «статер» ва «драхм» номларидан фойдаланилиши Кушон даврида аввалгидек бу ерда эллин даврида қабул қилинган асосий оғирлик бирликларининг юнон белгилари мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Улар, чамаси, бу ердан топилган Пракрит хўжалик хужжатларига қараганда, Ния ва Крорайнадаги каби қиймат бирликларини белгилаш учун ҳам ишлатилган эди[4].

Бронза тангаларнинг иконографияси ва вазн стандартлари ўзгарган эди. Муомалага оғирлиги 16 – 17 г бўлган йирик халклар киритилган, уларнинг кўпи Шимолий Бактрия шаҳарларида топилди.

---

[1] *Массон В.М., Ромодин В.А.* История Афганистан ... С. 182 – 183.

[2] *Воробьева-Десятовская М.И.* Надписи письмом кхароштхи на золотых предметах из Дальварзин-тепе // ВДИ. 1976. №1. С. 72 – 79.

[3] *Пугаченкова Г.А.* К открытию надписей ... С. 64 – 71.

[4] *Воробьева-Десятовская М.И.* Надписи письмом кхароштхи ...

Учинчи босқич — Васудева I ва Канишка III — Шимолий Бактрияни бошқарган сўнгги Кушон шоҳлари даврига тўғри келади.

Тангаларнинг метрологик маълумотларини таққослаш шуни кўрсатадики, улар сўнгги Кушон даврига келиб сезиларли даражада ўзгаради, диаметри ва вазни камаяди. Хувишка даврида бронза тангалар аста-секин енгилланиб борди. Васудева I ва Канишка III даврида бронзанинг асосий номинал қиймати янада пасайди.

Васудева I ҳукмронлиги даврида, афтидан, бронза тангаларнинг иккита номинали: 6 — 8 г ва 9 — 11 г лик тангалар чиқарилган бўлиб, Канишка III даврида битта номинал қийматдаги: 6 — 8 г лик танга зарб қилинади[1]. Шунга кўра, бронза ва олтин тангаларнинг нисбати ҳам, бронза тангаларининг таркиби ҳам ўзгаради, Кушон ҳукмдорлари тангаларидан фарқли ўлароқ, икки ёки уч таркибий қисмли бронза тангалар зарб қилинади[2].

Тақдим этилган маълумотлар сўнгги Кушон даврида пул ислоҳоти амалга оширилганлигини тахмин қилиш имконини беради, бу эса, биринчи навбатда, бронза қийматлари соҳасига таъсир кўрсатди: унинг асосий хусусияти катта, оғир вазнли тангаларнинг ички бозорда муомалада қулай бўлган нисбатан кам вазн ва кичик диаметрдаги тангаларга алмаштирилиши эди. Мавжуд маълумотлар (танга топилмаларининг нисбий миқдори) шундан далолат берадики, сўнгги Кушон даврида товар-пул муносабатлари ҳажми Шимолий Бактриянинг шаҳарларида ҳам, қишлоқларида ҳам юқори даражада сақланиб қолган эди.

Тангалар хазиналарини таҳлил қилиш ҳам худди шунга ўхшаш манзарани беради.

Биринчи босқич хазиналарида фақат Сотер Мегаснинг тангалари мавжуд бўлган, илгариги даврларда, хусусан, «Жоҳил Гелиокл» тангалари ҳам бўлмаган. Афтидан, улар илк Кушон даврининг дастлабки даврида кўмиб қўйилган эди.

---

[1] *Ртвеладзе Э.В., Пидаев Ш.Р.* Каталог древних монет ... С. 40 — 41; *Зеймаль Е.М.* Древние монеты ... С. 205 — 229.

[2] *Левушкина С.В.* Химический состав металла монет из Северной Бактрии // *Ртвеладзе Э.В., Пидаев Ш.Р.* Каталог древних монет ... С. 94 — 95, 114 — 115.

Иккинчи босқич еттита хазинани ўз ичига олади, шулардан олтитасида Кадфиз II ва Канишка тангалари бор, фақат биттасида (Окс маъбадидаги хазина) Сотер Мегас тангалари учрайди. Аслида, бу Кадфиз II ва Канишка ҳукмронлиги даврида улардан олдинги давр тангалари ҳеч бир рол ўйнамагани, ҳатто пул муомаласидан чиқариб юборилганини англатади.

Қадимги тангаларни янги тангалар билан тўлиқ алмаштириш тенденцияси сўнгги Кушон босқичидаги хазиналарда ўз ифодасини топади. Бу даврга бешта хазина тегишли бўлиб, улардан тўрттаси фақат Васудева ва Канишка III тангаларидан ташкил топган, биттасида Хувишка тангалари мавжуд (Қизилкетмондан топилган хазина). Хазиналар таркиби таҳлилидан кўриниб турибдики, Хувишка даврини пул муомаласининг ривожланиш босқичидан сўнгги Кушон даврига ўтиш босқичи сифатида тавсифлаш мумкин, чунки бу тангаларнинг арзимас улуши олдинги босқичдаги каби кейинги босқичдаги хазиналарда ҳам мавжуд, чунки бу тангаларнинг арзимаган қисми аввалги ва кейинги босқичларнинг хазиналаридан ўрин олган (Окс ибодатхонасидаги Хувишка ва Канишка хазинаси ва Қизилкетмондаги хазина). Илк Кушон ҳукмдорлари Сотер Мегас, Кадфиз II, Канишка I дан ҳеч бирининг тангалари сўнгги Кушон подшоҳларининг хазиналарида мавжуд эмас. Уларнинг таркибидан кўриниб турибдики, бу хазиналар қисқа муддатли тўпланиш натижасидир, чунки улар муайян босқичдаги пул муомаласининг бевосита манзарасини ўзида акс эттиради. У ердан шундай хулоса келиб чиқадики, эски тангаларни янгисига алмаштириш Кушон Бактриясида олдингидан кўра тезроқ амалга ошган ва эски тангаларнинг муомала муддати вақт билан чегаралаб қўйилган эди. Бошқача айтганда, эски тангаларни муомаладан чиқариш ва уларни янгисига аста-секин алмаштириш рўй берган бўлиши мумкин.

Сўгдда бу даврда тангаларнинг номинал қиймати ва металнинг таркиби сақланиб қолади (тетрадрахмлар ва оболлар), аммо янги танга ва танга зарб қилиш марказлари пайдо бўлади. Шундай қилиб, Жанубий Сўгдда хемиоболлар (оғирлиги 0,4 — 0,9 г бўлган кичик ку-

муш тангалар) Геракл ва Зевс тасвири билан зарб қилинади[1], аммо унда ҳалигача яхши тушуниб етилмаган иккита сўздан иборат, фақат MR'Y сўзи яхши ўқилган сўғдча ёзув зарб қилинганлиги кузатилади. Бу тангалар, афтидан, мил. авв. I аср ўрталаридан мил. авв. IV асргача, якка кураш тасвири туширилган бронза тангаларига алмаштирилгунча бутун минтақа ҳудудида муомалада бўлган эди. Агар илгари танганинг фақат битта нусхаси маълум бўлган бўлса (уларнинг жами 20 дан ортиғи рўйхатга олинган), ҳозирги кунга келиб орасида бу тангалар борхазина Талимаронда топилди.

Марказий Сўғдда, хусусан, Самарқандда, Панжикентда ва унинг атрофидаги туманларда камончи ва турли ҳукмдорларнинг исмларини ўзида акс эттирган сўғд матнлари тасвирланган кумуш тангалар муомалада бўлган эди[2].

Зарафшоннинг қуйи оқимида, Бухорода ва қисман Самарқанд Сўғдида аввалгидек юз томонида ҳукмдорнинг тасвири ва от протомлари, орқа томонида юнон ва сўғд ёзувлари туширилган Гиркоднинг майда кумуш тангалари гуруҳи муомалада эди. Ушбу тангаларнинг оғирлиги 0,6 – 3 г оралиғида бўлиб, бу, шубҳасиз, уларнинг қийматидаги фарқни (хемиоболлар ва оболлар) англатади[3].

Бухоронинг ўзида ва унга туташ ҳудудларда катта кумуш тангалар – оғирлиги 9 – 11 г бўлган тетрадрахмлар зарб қилинган. Улар вазн стандартларида ҳам, иконографияда ҳам шунга ўхшаш прототиплардан анча фарқ қилган, унда Евтидемнинг «портрети» маҳаллий ҳукмдор тасвирига, юнон ёзуви эса сўғд ёзувига алмаштирилган эди[4].

Шундай қилиб, кўриб чиқилаётган давр мобайнида Сўғд бозорлари турли қийматдаги кичик кумуш тангалар билан бир қаторда йирик тангалар билан ҳам тўлиқ таъминланди. Бундан ташқари, вазни 0,3 – 0,6 г бўлган энг кичик кумуш тангалар бу ерда мавжуд бўлмаган

[1] *Зеймаль Е.В.* Раннесогдийские монеты с изображением Геракла и Зевса // СГЭ. Вып. XXVII. Л., 1973. С. 68 – 73.

[2] *Зеймаль Е.В.* Древние монеты ... С. 269 – 277.

[3] *Зеймаль Е.В.* Политическая история ... С. 207.

[4] *Ртвеладзе Э.В., Мусакаева А.А.* К истории денежного обращения в Западном Согде (Клад подражаний тетрадрахмам Евтидема из Бухары) // ОНУ. 1986. № 6. С. 35 – 38.

бронза тангаларнинг ўрнини босган, Сўгдда катта ҳажмдаги савдо битимларида тетрадрахмлар – Евтидем тангаларига ўхшатиб зарб қилинган тангалар қўлланилган эди. Сўгдда бу даврда ҳам, олдинги даврда ҳам бронза тангалар зарб қилинмаганининг сабаби номаълумлигича қолмоқда.

Ушбу босқичда Сўғд ва Бақтрияда танга таркиби ҳар жиҳатдан турли-туман бўлган, бундан эса, уларда ҳукмронлик қилган туб сулолалар ва давлатларнинг бир-биридан фарқ қилганини кўриш мумкин. Бақтрия Кушон подшолигининг таркибига кирган, Сўғдда бу даврда тўрт мустақил сулола ҳукмронлик қилган, бу тангалар (тетрадрахмларга ўхшатиб зарб қилиш, Гиркод тангалари, камончи тасвирланган танга, Геракл ва Зевс тасвирланган тангалар) зарб қилинишидаги фарқларда ўз аксини топди.

Хоразмда пул ишларида ҳам муҳим ўзгаришлар рўй беради. Тақлидий тангалар чиқаришдан мутлақо мустақил тангалар зарб қилишга тўлиқ ўтиш рўй беради, унинг дастлабки босқичи А гуруҳи билан белгиланади. Бу гуруҳ тангаларида янги белгиларнинг киритилганлиги аниқ кўриниб турибди – орқа томонига Хоразм шоҳлиги тамғаси ва Диоскурлар ўрнига чавандоз, олд томонига шоҳ тасвири туширилган эди. Умуман олганда, унда учта кетма-кет босқичлар ажратилган бўлиб, улар Хоразм тангаларининг шаклланишини ўзида акс эттиради. Энг биринчи қабул қилинган танга биринчи марта В.М. Массон томонидан қайд этилган бўлиб, у Евкратид тетрадрахмларидан олд томонида юз тасвири ва орқа томонида Хоразм шоҳининг тамғаси А I[1] борлиги билан фарқ қилади. Кейинги босқичга Самарқанд музейининг А II тангалари оид бўлиб, Б.И. Вайнбергнинг таъкидлашича, А I типидаги тангалар уларнинг зарб қилиниши учун намуна бўлиб хизмат қилган эди[2]. Ниҳоят, А III типидаги тангалар олдинги турдаги тангаларнинг баъзи белгиларини ўзида сақлаб колган ҳолда туб ўзгаришларни ўзида акс эттиради: юз томонида соколсиз шоҳ бюс-

[1] *Массон М.Е.* Редкая среднеазиатская монета из собрания Государственного Эрмитажа // ВДИ. 1953. №3. С. 164.

[2] *Вайнберг Б.И.* Монеты древнего Хорезма ... С. 50.

ти ва унинг орқасида Ника маъбудасининг шоҳга тож кийдираётгани схематик тасвирланган, танганинг орқа томонида эса ўнгга кетаётган чавандоз тасвирланади. А гуруҳидаги кумуш тангалар вазни бўйича тетрадрахмларга яқин эди. Улар мил. авв. I асрнинг иккинчи ярмидан мил. I асргача бўлган даврга оид деб ҳисобланади[1].

Бироқ тангалар зарб қилинишидаги А I босқичнинг жойи ҳақидаги масала ўз ечимини топгани йўқ. В.М. Массоннинг фикрига кўра, бу Сирдарё ҳудудидир. С.П. Толстов эса уларни Хоразмдан келиб чиққан дейди. Б.И. Вайнберг уларнинг келиб чиқиш жойини аниқлашда иккиланмоқда: Ўрта Осиё Икки дарё оралиғининг жануби ва Юнон-Бақтриянинг қулашида иштирок этган кўчманчи қабилалар томонидан босиб олингандан кейинги Хоразм ҳам истисно эмас. Шу билан бирга, А II ва А III тангаларининг зарб қилиниш жойини у ишонч билан Хоразм деб айтади[2].

«Б» гуруҳидаги тангалар турли хил кўринишларда тасвирланган бўлиб, олд томонида шоҳ бюсти, орқа тарафида от минган чавандоз, шоҳнинг исми ва унвонини кўрсатадиган юнон ёзувининг бузилган шакллари, Хоразм алифбосидаги ёзув тасвирланади. Худди шу даврда, шоҳ Вазамар ҳукмронлигидан бироз олдин (Б V тури), Хоразм мис тангаларининг зарб қилиниши бошланади, унинг ҳукмронлиги мис тангаларнинг барқарор муомаласини ўрнатади.

Б.И. Вайнберг Б I тангаларини тахминан мил. авв. I аср ўрталарига ёки учинчи чорагига оид деб таъкидлайди. Улар Хоразмда пул ишидаги янги ва принципиал муҳим босқичидан гувоҳлик беради — уларда Хоразм тангаларининг зарб қилинишидан мил. VIII аср охирига қадар анъанавий бўлиб келган тамга, шоҳнинг номи ва унвонини акс эттирган маҳаллий ёзув пайдо бўлади[3]. Б I тангалари эллин анъаналарининг тўлиқ якунланганлигини кўрсатади, уларда олдинги гуруҳларнинг тангаларига хос бўлган бузилган юнон ёзувлари мутлақо мавжуд эмас.

[1] *Вайнберг Б.И.* Монеты древнего Хорезма ... С. 49 – 51.
[2] Ўша манба. 50-бет.
[3] Ўша манба. 52-бет.

Сўз юритилаётган мазкур даврда Хоразмда кумуш ва бронзага асосланган, йирик ва кичик бозор савдосини таъминлайдиган пул муносабатлари тараққиёти юз беради. Сўгддан фарқли ўлароқ, бу ерда майда кумуш тангалар чиқарилган эмас.

Шундай қилиб, мил. I аср – III асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё Икки дарё оралиғида учта йирик нумизматик ҳудуд – пул муносабатларининг бир-биридан тангаларининг вазн стандартлари ва металлари бўйича фарқ қиладиган учта маҳаллий ҳудудлари бўлган эди:

биринчиси – Хоразм, у ерда фақат турли қийматдаги йирик кумуш ва бронза тангалар зарб қилинган;

иккинчиси – Сўғд, у ерда битта қийматдаги йирик кумуш тангалар ва ҳар хил қийматдаги майда тангалар зарб қилинган;

учинчиси – Шимолий Бақтрия, у ерда фақат олтин ва бронза тангалар чиқариш асосида Қушон пул тизимининг бир қисми амал қиларди.

Олдиндан тўртинчи минтақани ажратиб кўрсатиш ҳақида ҳам сўз юритса бўлади – бу Фарғона бўлиб, у ерда, чамаси, Хитойнинг бронза тангалари –у-шу тангалари пул ролини ўйнаган эди.

Бу даврда пул муносабатлари ва ўз тангаларини зарб қилиш соҳасига эҳтимол Шош ҳам кирган бўлиши мумкин, аммо бундай хулосага келиш учун маълумот ҳали ҳам етарли эмас[1].

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, Ўрта Осиё Икки дарё оралиғининг тангаларни зарб қилиш тизими тор доирадаги маҳаллий муомалага эга бўлган, улар фақат зарб қилинган ҳудудларда айирбошланган эди. Улар қўшни ҳудудларга ва ўлкаларга кириб бормаган, шунингдек, Ўрта Осиё Икки дарё оралигидан ташқарига чиқмаган, фақат маҳаллий бозор муносабатлари муҳити учун хизмат қиларди. Буюк ипак йўлининг ушбу минтақадан ўтадиган йўлларида Қушон, Парфия ва Рим тангалари халқаро валюта ролини ўйнаган бўлиши мумкин, уларнинг топилмалари зарб қилинган мамлакатлардан ташқарида – Ҳиндистон, Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон ва Хитойда қайд этилганини айтиш лозим.

[1] *Rtveladze E.V.* Pre-Muslim Coins of Chach // Silk Road Art and Archaeology. 1997/98. Vol. V. P. 307 – 388.

Мил. авв. III асрнинг иккинчи ярмидаги пул муносабатларининг табиати худди қадимги даврдан илк ўрта асрлар даврига ўтиш даври каби аввалгисидан анча фарқ қилади ва мустақил равишда кўриб чиқишни талаб этади.

Қадимги даврнинг буюк шоҳликлари — Кушон ва Парфиянинг парчаланиши умумий сиёсий вазиятга таъсир кўрсатди ва янги ижтимоий тизимга ўтиш учун замин яратди. Кидарийлар, хионийлар ва эфталитларнинг (кўчманчи халқлар) оммавий ҳаракати, янги кичик ўлкаларнинг пайдо бўлиши, аввалги ўлкаларда сулолаларнинг ўзгариши ва Эрон сосонийларининг Ўрта Осиё Икки дарё оралиғидаги сиёсий ҳукмронлиги бу даврнинг энг муҳим омиллари бўлди. Буларнинг бари пул массасининг таркиби ва пул муносабатларининг хусусияти ўзгаришига, пул зарб қилишнинг янги марказлари пайдо бўлишига, иконографияда ҳам, метрологияда ҳам, эпиграфияда ҳам эллин анъаналарининг бутунлай йўқолиб кетишига олиб келди.

СОЛИҚ ХИЗМАТИ

Давлатчиликнинг мавжудлиги турли хил институтлар, шу жумладан, солиқ йиғиш институтларининг мавжудлиги билан ҳам белгиланади. Ўрта Осиёда, хусусан, қадимги Ўзбекистонда фискал хизматлари унинг Аҳамонийлар подшолиги таркибига кирганидан кейинги даврда мавжуд бўлганлиги ҳақидагина маълумотлар бор. Мил. авв. 518 йилларга келиб шоҳ Доро I (522 — 486) давлатнинг маъмурий тизими ва молиявий хизматларини қайта ташкил этиш бўйича ислоҳотларни бошлади. Геродотнинг таъкидлашича, Аҳамонийлар салтанатининг бутун ҳудуди 20 та сатрапликка бўлинган бўлиб, улардан учтаси (Бақтрия, Саклар, Хоразм, Парфия, Сўғд ва Харайва — охирги тўртта ҳудуд битта сатрапликни ташкил қилган) Ўрта Осиёда жойлашган эди.

Уларнинг ҳар бири шоҳ хазинасига талантда (оғирлик бирлиги — 25,92 кг) ифодаланган маълум миқдордаги солиқларни тўлашлари керак эди.

Шундай қилиб, Бақтриядан 360 талант кумуш йиғилган, яъни 8972 кг ёки 9 тонна; саклардан 250 талант ёки 6230 кг; Хоразм, Парфия, Сўғд ва Харайвадан жами 360 талант ёки 7476 кг (Нег., III).

Шундай қилиб, ахамонийларга бўйсунган бутун Ўрта Осиёнинг хар бир ҳудудидан йилига 970 талант ёки 23000 кг кумуш солиги ундирилар эди. Кўриниб турибдики, йиғилган солиқларнинг умумий хажми бўйича Ўрта Осиё ҳудудлари Ахамонийлар салтанатида етакчи ўринлардан бирини эгаллаган, улар жами Месопотамия сатрапликларидан 1000 талант, Кичик Осиё сатрапликларидан 100 талант кўпроқ солиқ тўлаган эдилар.

Тажан дарёси билан бир деб хисобланган Окс дарёси хақида Геродотнинг машҳур ҳикояси шуни кўрсатадики[1], ахамоний подшоҳларнинг сувдан фойдаланганлик учун олинадиган солиги хам пул шаклида ундирилар эди. «Мен биламан, — деб ёзади Геродот, — шоҳ одатдаги солиқдан ташқари сув йўлларидаги тўсиқларни очиш учун кўпроқ пул талаб қилади» (Нег., III, 117).

Ахамонийлар подшолиги, шу жумладан Ўрта Осиё подшолиги сатрапликлари пул солиқларидан ташқари натура шаклида ўлпонлар хам тўлаши керак эди.

Шундай қилиб, Сузага Доро I саройини қуриш учун Бақтриядан олтин, Сўгдиёнадан ложувард ва сердолик, Хоразмдан кўк марварид (фируза) келтириларди[2].

Персеполдаги саройнинг машҳур рельефларида ахамонийлар шоҳига ўлпон келтираётган турли хил сатраплиқлар вакиллари тасвирланади. Хусусан, бақтрияликлар идишлар ва икки шохли туялар билан тасвирланган; саклар отларни етаклаб қандайдир нарсаларни олиб келишаётгани акс этган; сўғдлар қўлларида кубиклар билан, иккита икки ўркачли туяни етаклаган ҳолда, хоразмликлар эса қилич, билагузуклар ва отлар билан тасвирланади[3].

---

[1] *Массон В.М.* Еще раз о геродотовой реке Акес // Эллинистический Ближний Восток, Византия и Иран. М., 1967. С. 172 – 176.

[2] *Абаев В.И.* Надпись Дария I о сооружении дворца в Сузе // Иранские языки. М.-Л., 1945.

[3] *Дандамаев М.А., Луконин В.Г.* Культура и экономика древнего Ирана ... С. 144 – 145.

Персеполдаги сарой деворларида тасвирланган бу буюмлар ва ҳайвонлар Ахамонийлар шоҳлиги хазинасига солиқ тўлайдиган ҳар бир минтақага хос солиқни акс эттиради.

Солиқлар йиғиш учун масъулият сатраплар, номархлар, шаҳар ҳокимлари, қишлоқ оқсоқоллари ва қабила бошлиқларига юклатилган эди. Махсус шоҳ солиқ йиғувчилари ва солиқ хизматчилари мавжуд эди. Бундан ташқари, баъзи олимларнинг фикрига кўра, Ахамонийлар салтанатининг маълум бир сатрапликларида аҳолидан солиқ йиғиш тўғридан-тўғри фуқаролардан эмас, балки ижарадорлар ёрдамида амалга оширилган, яъни қандайдир бир киши олдиндан шоҳ хазинасига солиқ тўлаган ва давлатдан солиқ йиғиш бўйича монополияни сотиб олган, кейин аҳолидан солиқ миқдорини ошириб йиғиб оларди. Ўрта Осиё ҳудудида солиқ тўловчилардан солиқ йиғиш услуби ҳақида тўғридан-тўғри маълумотлар йўқ, эҳтимол, бу ерда ҳам Ахамонийлар салтанатининг бошқа қисмларида амал қилган солиқ тизимларидан бири мавжуд бўлгандир[1].

Ўрта Осиё жанубий минтақаларининг Македониялик Александр томонидан забт этилиши, кейинчалик унинг Салавкийлар ва Юнон-Бақтрия подшоҳликлари таркибига кириши (мил. авв. III аср бошлари — II аср ўрталари) туфайли бу ерда эллин дунёсига хос бўлган, аммо маҳаллий хусусиятларни ҳам ҳисобга олган солиқ тизими ўрнатилди.

Бироқ яқин вақтгача мазкур ҳудуд борасида солиқ хизмати ва аҳолидан ундириладиган солиқ тизими тўғрисида бирор маълумот йўқ эди. Сўнгги ўн йилликларда Ойхонимда ва Қампиртепада юнон ёзувида битилган битикларнинг топилиши ушбу масалани бироз ёритишга имкон берди.

Шундай қилиб, Қампиртепада юнон тилида граффити билан ёзилган (ўйиб ёзилган) иккита битик топилди. Улардан бирида пул бирлиги ёки вазн ўлчови — 15 драхм, иккинчисида суюқлик ўлчови — 7 хой (3,28 литрга тенг қадимги юнонча суюқлик ўлчови) кўрсатилган[2].

[1] *Дандамаев М.А., Луконин В.Г.* Культура и экономика древнего Ирана ... С. 196 — 202.
[2] *Rtveladze E.V.* Decouvertes en Numismatique ... P. 21 — 23.

Таркибий мазмуни бўйича кичик бўлган бу икки юнонча граффити Шимолий Бақтрияда эллин давридаги солиқ муносабатларининг муайян жиҳатларини тавсифлаш учун муҳим аҳамият касб этади, чунки ҳозирги кунга қадар бу ерда бутун Ўрта Осиёдаги каби пул бирликлари ва оғирлик ўлчовини билдирувчи бирор ёзув топилмаган эди.

Ойхоним саройи хазинасида бир нечта идишлар топилган, уларнинг устида ёзувлар — ёрлиқлар туширилган, ундаги ёзувларда каршпан (қадимий ҳинд тамгаланган тангаси) номи билан бир қаторда драхм номи ҳам тилга олинади.

К. Рапэннинг фикрига кўра, ушбу идишлар шоҳ хазинасига топшириладиган ўлпонларни йиғиш учун махсус солиқ амалдорлари томонидан солиқ тўловчилардан олинадиган тушумларни сақлашга мўлжалланган эди. Ёзувларда бу хазинани сақловчи амалдорларнинг исмлари ҳам тилга олинади: Зенон, Тимодем, Стратон, Филис ва Никерат[1].

Эллин дунёсида қабул қилинган солиқ бўйича молиявий ҳужжатларининг яна бир тури Мисрдан келиб чиққан Птолемей даври битикларидир. Улар банкирлар ва ситологлар томонидан солиқ йиғимини қабул қилиб олган пайтда берилган квитанцияга ўхшаш ҳужжат бўлганлиги кузатилади[2].

Таркибининг қисқалиги ва ўзига хослиги сабабли Кампиртепадан топилган драхм белгиси қўйилган юнон граффити қандай молиявий ҳужжат эканлигини аниқлаш жуда қийин. Кўриниб турибдики, у Ойхоним ёзувларидан фарқли ҳужжат бўлган, чунки Ойхонимдаги ёзувларда бир нечта мансабдор шахснинг исми тилга олинган, Кампиртепа граффитида эса ёзувлар анонимдир. Бундан ташқари, у бутун идишга эмас, балки идиш парчасига ёзилган, бундан мазкур идишдан пул тушумини сақлаш учун фойдаланилмаган деган хулоса чиқариш ҳам мумкин.

Эҳтимол, бу граффити юқорида айтиб ўтилган Птолемейнинг Миср битигига ўхшаш патта сифатидаги битик бўлгандир.

---

[1] *Рапэн Кл.* Эллинистические сокровища ... С. 108 — 120; *Rapin Cl.* Les inscriptions économiques de la trésorerie hellenistique d'Aï-Khanoum // BCH. C VII. Paris, 1983. P. 315 — 372.

[2] *Рапэн Кл.* Эллинистические сокровища ... С. 115; *Rapin Cl.* Les inscriptions ... P. 352 — 353.

Иккинчи, 7 хой ёзилган граффити ҳам ўзига хос ноёб ҳужжатлар қаторига киради. 7 хой 22,96 литрга тенг бўлган, у ҳолда мазкур ёзув, ҳатто бутун бўлганда ҳам, аранг бир литр суюқлик сиғадиган идишга ёзилган. Бироқ ёзув битикда бўлиб, бирон бир суюқликнинг, эҳтимол, шаробнинг келишини ҳисобга олишда бериладиган патта бўлиши мумкин. Бундай ҳисоб ҳужжатлари Парфия Нисоси учун ҳам хосдир[1]. Бу ҳақда қуйида батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Ойхоним ва маълум даражада Қампиртепадаги топилмалар Юнон-Бақтрия даврида Ўрта Осиёнинг жанубида солиқларни йиғиш ва ҳисобга олиш, шунга мос равишда молия институти ривожланганлигини айтишга имкон беради.

Буни Афғонистоннинг шимоли-ғарбий қисмида топилган, кейинчалик Оксфорддаги Эмол Музеумга олиб борилган мил. авв. II аср бошига доир пергаментдаги ажойиб солиқ ҳужжати ҳам тасдиқлайди. Бу ҳужжат инглиз ва француз тилларида нашр қилинди[2]. Бақтрияда шоҳ Антимах Теос даврида тузилган ушбу ҳужжатда қандайдир Менодот (солиқ йиғувчи), шунингдек, Диодор (давлат даромадларини назорат қилувчи), яъни солиқ йиғимлари устидан назоратни амалга оширувчи шахс тилга олинади[3].

К. Рапэннинг фикрига кўра, ҳужжатда тилга олинган Асангорн топоними ўрта асрлардаги Сангарон, кейинчалик Сангарка — Ғарбий Бақтриядаги Балхобнинг юқори қисмида жойлашган кичик шаҳар ёки туманга тўғри келади[4].

Солиқ тизимининг Ўрта Осиёнинг бошқа бир давлати — Парфия шоҳлигида мавжуд бўлганлиги ҳақида Янги Нисо шаҳрида топилган Парфия ёзувлари битилган битиклар гувоҳлик беради.

Нисо битикларидаги ёзувлар, тадқиқотлардан кўриниб турибдики, мил. авв. II — I асрларда аршакийларнинг биринчи пойтахти ҳудуди-

[1] *Дьяконов И.М., Дьяконов М.М., Лившиц В.А., Массон М.Е.* Налоговые парфянские ...

[2] *Rea J.R., Senior R.C., Hollis J.S.* A tax receipt from Hellenistic Bactria // Zeitschrift fur Papyrologie und Epigraphik. Band 104. Bonn, 1994. S. 261 — 280; *Bernard P., Rapin Cl.* Un parchemin Greco-Bactrien d'une collection privet. Paris, 1994. P. 262 — 292.

[3] Ўша манба.

[4] *Bernard P., Rapin Cl.* Un parchemin Greco-Bactrien ... P. 289 — 290.

да жойлашган узумзорлардан ундирилган солиқ тизимини акс эттиради[1]. Уларда Накбакан, Натпак, Кашаши каби ўлпон солинадиган узумзорларнинг номлари, хум (шароб сақлаш учун катта идиш) каби номлар, ўлпон миқдори, тўланган йили ва, энг муҳими, бу ҳужжатни тузган «марубар» (ҳисоб юритувчи) унвонли мансабдор шахс номи келтирилади.

Мисол учун: 1. «Рўйхат бўйича узумзордан бу (?) солиқ ... 10 хум (?) келтирилди. Ҳисобчи Вахуман. 141 (ёки 140) йил учун тўлов».

2. «Рўйхат бўйича (?) солиқ солинадиган узумзордан бу Htpk (?) деб номланувчи (жой)дан 8 (ёки 7) идиш, 133 йил учун бадал ҳисоб юритувчи Михредатга топширишди (?)»[2].

М.Е. Массон, И.М. Дьяконов, М.М. Дьяконов, В.А. Лившиц томонидан ўтказилган Нисо битиклари ёзувларининг мазмуни устидаги батафсил талқиқот уларга қуйидагича хулосаларни чиқаришга имкон берди:

1. Солиқларни қабул қилиш ўзига хос солиқ паттаси бўлган махсус ҳужжатлар билан белгиланган.

2. Ерларнинг икки тоифаси бўлган: солиққа тортиладиган ва солиқ солинмайдиган. Бундан ташқари, ёзувда фойдаланилган (а) /ßaz (ср. /ßaz) атамаси ер солиғини англатиш учун қўлланилган.

3. Тўланган солиқ миқдори сиғим ўлчови ролини бажарган хумларда (стандарт ўлчамдаги йирик идишлар) ўлчанган.

4. Солиқ маълум бир шахсга эмас, балки, «етказиб берилган. етказиб беришди» ифодасининг мазмуни кўрсатиб турганидек, жамиятдан ундирилган.

5. Солиқларни йиғишда давлатнинг қатъий ҳисоби юритилган ва солиқлар ҳар йили тўланган.

6. Тўғридан-тўғри солиқ йиғувчи ёки уни қабул қилиб олувчи марубар ёки мадубар (амалдор-ҳисобчи)(?) бўлган.

7. Солиқлар ҳудудлардан Михрдаткертга (маъмурий марказ) етказиб берилган.

---

[1] *Дьяконов И.М., Дьяконов М.М., Лившиц В.А., Массон М.Е.* Налоговые ... С. 16 – 17.

[2] Ўша манба. 42-бет.

8. Бу битиклар ҳисоб-китоб идорасида сақланган ёзувларнинг нусхалари бўлган, уларнинг асл нусхалари солиқларни қайта йиғишнинг олдини олиш учун тўловчининг ўзига берилган[1].

Солиқ ҳужжатларини тахминан ўша даврдаги турли давлатлар — таркибига Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудлари кирган Юнон-Бақтрия ва Парфия ўртасида таққослаш у ерда камида иккита солиқ тури — пул ва натурал шаклдаги солиқлар мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Уларнинг тўпланиши учун мураккаб ва ривожланган маъмурий тизим мавжуд бўлган, унда солиқ йиғиш, даромадларни ҳисобга олиш ва назорат қилишни амалга оширган турли даражадаги мансабдор шахслар хизмат қиларди.

Эҳтимол, худди шу бошқарув тизими, молия хизматларининг характери ва солиқларни тўплаш манбалари Ўрта Осиёнинг қадимги давлатларида мил. биринчи асрларда мавжуд бўлгандир, аммо бу ҳақда аниқ маълумотлар деярли йўқ.

Мил. III асрга оид Тупроққалъадаги Хоразмшоҳлар саройидан топилган уй ҳужжатлари, афтидан, алоҳида шахслардан муайян ўлчамдаги ун, шароб ва қорамол билан шоҳлик «газнаси»га келиб тушадиган солиқларнинг рўйхатини кўрсатади[2].

Худди шундай ҳужжатлар Қампиртепа шаҳридан, мил. авв. II асрнинг биринчи ярмига оид катта оилага тегишли бинолардан биридан топилган бўлиши мумкин, лекин улар жуда ёмон сақланган.

Далварзинтепадан топилган, чамаси, мил. авв. III аср бошларида бу шаҳарнинг сосонийлар томонидан босиб олиниши муносабати билан кўмилган олтин буюмлар хазинаси ҳам биз ўрганаётган масала борасида яна бир муҳим материални бериши мумкин. Хазина таркибида бошқа буюмлардан ташқари иккита гуруҳдаги 21 та олтин қуйма ёмбилар бор: 1) ўлчами 85×24 — 25×20 мм, оғирлиги 876,2 дан 877,8 г гача; 2) ўлчами 68×16 — 17 мм, оғирлиги 358,1 дан 449,7 г гача[3].

---

[1] *Дьяконов И.М., Дьяконов М.М., Лившиц В.А., Массон М.Е.* Налоговые ... С. 62 — 63.

[2] Топрак-кала. Дворец ...

[3] *Воробьева-Десятовская М.И.* Надписи письмом ... С. 72 — 80; *Пугаченкова Г.А.* К открытию надписей ... С. 64 — 72.

Улардан ўнтасида кҳароштҳи ёзувлари мавжуд, улар, М.И. Воробьева-Десятовскаянинг ўқишига кўра, ҳар бирининг статердаги, драхмдаги ва дҳанадаги оғирлигини англатади, шунингдек, унда шраман (буддавий роҳиб)нинг лавозими ва сўзлари кўрсатилган. Биз улардан энг кўзга ташланадиган учтасини таржима қиламиз:

1. 51 статер, 1 драхм, 2 дҳан. Митра томонидан берилган.

2. 25 статер, ярим драхм. Бошлиқ. Митра берган.

3. 50 статер. Қалян. Шраманлар (беришган).

Ёзувлар мазмуни ва ёмбиларнинг нимага мўлжалланганлиги тўғрисида бир нечта фикрлар билдирилди. М.И. Воробьева-Десятовскаянинг фикрига кўра, Митра номи Далварзинтепа ёзувларининг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олган ҳолда Кушон хазинаси амалдорларидан бирининг исми бўлган. Е.В. Зеймаль эса ёзувда ишлатилган «Mitrena dite» ифодаси муқаддас маънога эга деган фикрда тўхтаган, яъни бу худонинг асосий вазифаси — шартнома ва мажбуриятнинг кафолати билан боғлиқ бўлгани учун ёзувнинг тўғрилиги Митра номи билан тасдиқланганини билдиради. Бироқ М.И. Воробьева-Десятовская бу тахминни рад этади[1]. Тўртта ёмби устидаги ёзувларда «шраман» сўзи ишлатишига эътибор қаратиб, у Далварзин ёмбилари шаҳарнинг будда жамияти шахсий мулки бўлганлиги, бу, «Виная» қоидаларида назарда тутилганидек, будда ҳайкалчаларини қуриш билан боғлиқ харажатларни қоплаш, шунингдек, будданинг олтин ҳайкаллари ва маъбуд ҳайкалларини безаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун мўлжалланган бўлиши мумкин дейди[2].

Г.А. Пугаченкова Далварзинтепа хазинасини Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий қисмида Кушон-Бактрия ҳарбий зодагонларига тегишли бўлган кенг уй — ДТ-5 эгаси томонидан қўлга олинган ҳарбий ўлжа деб ҳисоблайди[3].

Эҳтимол, шундайдир, лекин бошқа бир тахмин менга ҳақиқатга яқиндек туюлади. Бу ёмбилар ёзув билан ҳам, ёзувсиз ҳам маълум

[1] *Воробьева-Десятовская М.И.* Надписи письмом ... С. 76.

[2] Ўша манба. 78-бет.

[3] *Пугаченкова Г.А.* К открытию надписей ... С. 66.

бир оғирликдаги тиллалар ёрдамида тўланган солиқ тушумлари бўлган, бунда улар оғирлиги бўйича икки гуруҳга бўлинган: 1) 358,1 – 497 г; 2) 876,2 – 877,8 г. Бундай турдаги маълум бир оғирликдаги қимматбаҳо металларни солиқ сингари қабул қилиш, юқорида кўриб ўтганимиздек, Ўрта Осиёда мил. авв. I мингйиллик ўрталаридаёқ мавжуд бўлган ва улар аҳамонийлар подшоҳининг хазинасига тушар эди.

У ҳолда қайроқтошлардаги «Митра томонидан берилган», «Митра берган», «Шраманлар» (беришган) ёзувларининг ифодасини, биринчи ҳолатда бой ер эгаси ёки савдогар Митра томонидан, иккинчи ҳолатда у ерда (Далварзинтепа) иккита ибодатхонага эга бўлган бой будда жамияти шаҳри вакиллари томонидан тўланган солиқ тўлови ифодаси сифатида тушуниш мумкин.

Бу ёзувлар Парфия Михрдаткертидаги мадубар (ҳисоб юритувчи) ёки Юнон-Бақтрия даврида Ойхонимдаги солиқ ҳисобчиси каби олинган солиқларнинг ҳисобини юритадиган махсус солиқ хизмати ходимининг пунсон (штамп)и билан муҳрланган.

Ойхонимда пул тушумлари шаҳар ҳукмдори саройи хазинасида сақланиб, у ердан шоҳ хазинасига топширилган эди. Эҳтимол, Далварзинтепадаги ДТ-5 биноси ҳам кейинчалик шоҳнинг хазинасига ўтказиш учун бутун минтақадан солиқ йиғимларини йиғадиган сатрап Чағониённинг саройи бўлгандир. Ушбу бинони В.М. Массон аллақачон сарой сифатида талқин қилган эди[1].

Далварзинтепада мил. III аср ўрталари – IV аср ўрталарига оид паҳлавий ёзувидаги яна бир битик топилди. В.А. Лившиц ва А.Б. Никитиннинг фикрларига кўра, ёзув «12 йил. Навбун (?) 100 динор (?) тўлашига рухсат...» деб таржима қилинади. Улар бу ерда ган Эрондан Далварзинтепага келган форс савдогарлари томонидан олиб борилган савдо билан боғлиқ жуда катта миқдордаги – 100, ҳатто 1000 олтин тангани тўлаш ҳақида борган деб ҳисобланмоқда[2]. Қолаверса, бу

[1] *Массон В.М.* Проблема древного ... С. 10.

[2] *Лившиц В.А., Никитин А.Б.* Ранний пехлевийский остракон из буддийского храма в Дальверзин-тепе // ВДИ. 1990. № 4. С. 66 – 72.

фақат ҳужжатнинг қораламасидир, чунки молиявий ҳужжатлар охирги вариантда терига ёзилар эди.

У ҳолда мазкур битик солиқ ҳужжати, яъни маълум бир одам (Новбун?)га қарзни тўлаш кераклиги тўғрисида эслатма ёки махсус мансабдор шахс олиб борган солиқ ҳисобининг эслатма ёзуви бўлиши мумкин.

Далварзинтепа бутун Шимолий Бақтрия сингари III аср ўрталарида сосонийлар томонидан забт этилган экан, унда бу ерда сосонийлар маъмурияти бўлганлигида ҳам, эронлик савдогарларнинг ташрифида ҳам ҳеч қандай ажабланарли жиҳат йўқ.

Юқоридаги келтирилган фактлар кўп бўлмаса-да, улар қадимги Ўрта Осиё давлатларида илк ва ривожланган ўрта асрларда янада ривожланган солиқ тизимининг мавжудлигини ўзида акс эттиради.

ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР

Марказий Осиё дипломатияси тарихи жаҳон дипломатияси ва халқаро ҳуқуқ тарихининг ажралмас қисмидир, бу умумжаҳон тарихий жараёнининг бирлигини, халқлар ва маданиятларнинг ўтмишдаги ўзаро таъсирини, шу билан бирга, Ўрта Осиё минтақаси тараққиётида ўзига хослик мавжудлигини ва унинг жаҳон дипломатиясига қўшган алоҳида ҳиссасини тасдиқлайди. У халқаро характерга эга бўлган, унда Ўрта Осиё минтақасидаги кўплаб халқларнинг улкан халқаро ҳуқуқий ва дипломатик тажрибаси жамлангандир. Бу тажриба нафақат ўтмишга тегишли, балки турли ўзанлар орқали ҳозирги кунга кириб келиб, халқаро жараёнларга сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Мил. авв. I мингйилликнинг биринчи ярмида яратилган Авестода аллақачон дипломатик муносабатларнинг дастлабки шакллари пайдо бўлганлиги тўғрисида далиллар мавжуд. Бундан ташқари, унга кўра битим ва келишувларнинг худоси Митра қабилавий битимлар тузиш

[1] *Дьяконов И.М.* История Мидии от древнейших времен до конца IV в. до н.э. М.-Л., 1956. *Грантовский Э.Л.* Ранняя история иранских племен Передней Азии. М., 1970.

ва ундаги низолар ҳамда ҳарбий низоларни ҳал қилишнинг асосий кафолати ҳисобланади. Шундай қилиб, Авестонинг энг қадимги мадҳияларидан бири Михр Яшт (Митра мадҳияси)да олий худо Ахура Мазда пайғамбар Спитама-Зардуштга мурожаат қилиб шундай дейди:

Мамлакатни сўзида турмайдиган
Номард вайрон қилади.
У юзта аблаҳдан ёмонроқдир,
Художўйларни хароб қилади.
Сен, Спитама,
Ғайридин ёлғончиларга ҳам,
Художўй диндорларга ҳам
Берган аҳдингга содиқ бўл.
Ахир, шартнома сўзи
Иккаласига ҳам –
Ёлғончига ҳам, ҳақгўйга ҳам тегишлидир.

(*И. Стеблин-Каменскийнинг рус тилига таржимасидан ўгирилди*).

Авестода худо Митранинг паноҳида қабилавий битимлар тузилиши ҳақида бошқа маълумотлар ҳам мавжуд.

Ўрта Осиё халқларининг Мидия ва Оссурия билан халқаро алоқалари. Мил. авв. IX асрдан бошлаб Кавказ ва Ўрта Осиё орқали эроний қабилаларнинг ҳозирги Эрон ҳудудига кўчиб келиши кузатилади. Бу ерда улар бир нечта қабила бирлашмаларини ташкил қилганлар, уларнинг энг йириклари Эроннинг шимоли-ғарбидаги Мидия ва жануби-ғарбий қисмидаги Парсуа бўлган, улар давлат тузилмаларининг яралиши остонасида эди.

Асосчиси қандайдир Дейок бўлган Мидия шоҳлиги тарихий майдонга биринчи бўлиб чиқади, лекин у ўзининг ҳақиқий қудрати чўққисига шоҳ Киаксар (мил. авв. 625 – 585) даврида эришади[1]. Бу шоҳ томонидан, хусусан, Оссурия, Шимолий Месопотамия, Гиркания, Парфия, Арея ва, эҳтимол, Сўғднинг бир қисми, яъни Ўрта Осиёнинг

[1] *Дьяконов И.М.* Очерки по истории древнего Ирана. М., 1961. С. 53 – 56.

жанубий қисми ҳам босиб олинади[1]. Қиндлик Ктесийнинг сўзларига кўра, Киаксар ҳам Бақтрияни босиб олган, лекин бу бироз шубҳали. Эҳтимол, Мидия подшолигининг чегаралари шимоли-шарқдан Амударё билан чегараланган, у ерда мидияликлар сак қабилалари билан қўшни бўлгандир.

Ктесийнинг маълумотларига кўра, Киаксар деб танилган Мидия шоҳи Астиабар ҳукмронлиги даврида парфияликлар қўзғолон кўтариб, Мидиядан ажралиб чиқишган ва Зарина бошчилигидаги саклардан ёрдам сўрашган, шу билан бир неча йил давом этган саклар ва мидияликлар ўртасидаги уруш тинчлик шартномаси билан якунланади. Бунда парфияликлар қисман Мидияга бўйсуниш билан аввалги ер-мулкларини сақлаб қолишади (Диодор, II, 34, 1–4). Бу Ўрта Осиё дипломатияси тарихида маълум бўлган биринчи халқаро шартнома эди, у мил. авв. VII аср охири – VI аср бошларига оиддир.

Ктесий парфияликлар ва сакларнинг Мидия билан бўлган жанги ҳақида яна бир ҳикояни келтириб ўтади[2]. Унга кўра, эри Кидрейнинг вафотидан сўнг худди шу Зарина Парфия вилояти ҳокими Мермерга турмушга чиқади, шундан кейин Стриангей бошчилигидаги Мидия билан уруш бошланади. Жангда сак армияси мағлубиятга учрайди, Заринанинг ўзи яраланади ва асирга олинади, лекин Стриангей Заринанинг гўзаллигига маҳлиё бўлиб уни омон қолдиради. Кейинчалик Мермер мидияликларни мағлубиятга учратиб, Стриангейни асирга олади ва уни ўлдиришга қарор қилади, лекин Зарина нафақат асирни озод қилади, балки Мермерни ҳам ўлдиради. Натижада Зарина Мидия шоҳи билан дўстлик шартномасини тузади ва унга Парфия вилояти бошқарувини топширади. Бундан келиб чиқадики, тинчлик шартномалари кўринишидаги дипломатик муносабатларнинг қандайдир шакллари Ўрта Осиёда ахамонийлар давридан олдин ҳам мавжуд эди.

Ахамонийлар даври дипломатияси (мил. авв. VI аср ўрталари – IV аср охири). Сак-ахамоний муносабатлари. Мил. авв. VI аср-

[1] *Литвинский Б.А.* Древнейшая Бактрия // ИТН. Т. 1. 1963. С. 158 – 159.

[2] Қаранг: *Пьянков И.В.* Средняя Азия ... С. 71; *Григорьев В.В.* О скифском народе – сака СПб., 1871. С. 20 – 23.

нинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёнинг ғарбий ҳудудлари Ахамонийлар империяси таркибига кирди. Бактрия, Парфия, Сўғдиёна, Марғиёна, Хоразм бу империя асосчиси Қир (мил. авв. 559 – 530)нинг дастлабки юришларида босиб олинади[1]. Ахамонийларнинг шимоли-шарққа томон юришлари уларнинг қудратли сак-массагетлар қабилалари бирлашмаси билан тўқнашишига олиб келади. Шунинг учун Ахамонийлар давлати чегараларининг хавфсизлигини таъминлаш учун Қир ҳаётининг сўнгги йилларида Сирдарё ва Амударёнинг қуйи оқими орасидаги ҳудудни эгаллаган сак-массагетларга қарши ҳарбий юриш қилади.

Бу юришдан олдин, Геродотнинг маълумотларида сақланиб қолганидек, Қир ва массагетлар маликаси Тўмарис ўртасида оғзаки дипломатик хабарлар алмашинуви бўлиб ўтади. Хусусан, Қир элчиси орқали дипломатик ҳийла ишлатиб Тўмарисга ўзига хотин бўлишни таклиф қилади. Бироқ Тўмарис бу ҳийла-найрангни сезиб, «Қир уни эмас, балки массагетлар маликасининг қўлини сўраётганини» англаб таклифни рад этади (Геродот, I, 205). Бу ҳийла иш бермаганини тушунган Қир Арака (Амударё) дарёсидан кечиб ўтиб, массагетларга қарши ҳарбий ҳаракат бошлайди.

Бунга жавобан Тўмарис махсус элчи орқали Қирга оғзаки хабар юбориб, ахамонийлар подшоҳидан урушни тўхтатиб, массагетларни тинч қўйишини сўрайди. Шунингдек, агар Қир бу маслаҳатга амал қилишни истамаса, унда «подшоҳ ўз қўшинини дарёдан уч кунлик йўл нарига олиб кетишини ва ўша ерда сакларнинг кучини синаб кўришини» таклиф қилади (Геродот, I, 206).

Тўмариснинг хабари форс қўшинининг ҳарбий йиғилишида муҳокама қилингач, Қир дарёни кечиб ўтишни, душман қанча чекинса, шунча олдинга юришни, қароргоҳда қўшиннинг энг ёмон қисмини, турли хил ноз-неъматлар ва тоза шаробни қолдириб, қўшиннинг қолган қисмини дарёга қайтаришни таклиф қилган Лидия шоҳи Крезнинг маслаҳатини қабул қилади.

[1] Қаранг: Средняя Азия под властью Ахеменидов (VI – IV вв. до н.э.) // ИТН. Т. 1. С. 190 – 191.

Крезнинг ҳисоб-китоби тўлиқ муваффақиятли чиқади: массагетлар қўшинининг Тўмариснинг ўғли Спарангиз (Спаргапис) бошчилигидаги олдинги қисми қароргоҳда қолган аҳамонийлар қўшинини мағлубиятга учратишади, шундан кейин зиёфат қилишади: массагетлар кайф-сафога берилишади ва ухлаб қолишади. Фурсатдан фойдаланган Кир қароргоҳдаги массагетларга ҳужум килади, кўпчилигини ўлдиради ва асир олади, шу жумладан, Спарангиз (Спаргапис)ни ҳам асир туширади (Геродот, I, 210 – 211).

Кирнинг хийла-найранглари унга Тўмариснинг иккинчи маротаба хабар йўллашига сабаб бўлади, у ҳам махсус хабарчи орқали оғзаки равишда етказилади. Бу хабарда Тўмарис Кирга ўғлини қайтариб беришни ва қўшини билан массагетлар еридан чиқиб кетишни таклиф қилади: «Агар бундай қилмасанг, массагетлар тангриси – қуёш билан қасам ичаманки, гарчи сен тўймасанг ҳам, қонга бўлган чанқоғингни қондираман».

Кейинги воқеалар шуни кўрсатдики, Кир Тўмариснинг маслаҳатларига қулоқ солмаган ва Спаргапис шармандаликка чидай олмай ўз жонига қасд қилади.

Шундан кейинги шафқатсиз жангда массагетлар тўлиқ ғалабани қўлга киритишади, форс қўшинининг катта қисми йўқ қилинади, Кирнинг ўзи ўлдирилади, унинг кесилган бошини Тўмарис одам қони билан тўлдирилган мешга солади (Геродот, I, 213).

Хулоса қилиш мумкинки, аҳамонийлар даврида дипломатия Ўрта Осиёдаги турли давлатлар ва қабила бирлашмалари ўртасидаги муносабатларни аниқлаштиришнинг махсус шакли сифатида анчагина барқарор тус олади: ҳали оғзаки шаклда бўлса ҳам дипломатик хабарлар алмашуви амалга оширилади. Мазкур ҳолатда сак-массагетларда ёзувнинг йўқлиги сабабли, афтидан, хабарларни эслаб қолиб етказиб бериш билан шуғулланувчи махсус шахслар пайдо бўлган бўлса керак.

Эллин даврида дипломатик муносабатлар (мил. авв. IV аср охири – II асрнинг иккинчи ярми). Катта қисмини Македониялик Александр эгаллаб олиши билан бошланган Ўрта Осиёдаги эллинларнинг

сиёсий ҳукмронлиги Юнон-Бақтрия подшолиги қулашигача деярли икки юз йил давом этди.

Бу вақтдаги дипломатик алоқаларни икки даврга бўлиш мумкин: биринчиси – Македониялик Александрнинг Ўрта Осиё халқлари билан муносабатлари, иккинчиси – унинг жанубий минтақалари эллин давлатлари – Салавкийлар ва Юнон-Бақтрия давлатлари таркибига кирган давр.

Биринчи давр. Аррианнинг сўзларига кўра, мил. авв. 329 йилда Александр Мароқандда бўлганида унинг ҳузурига абийлар (скифлар) ва Европа скифларидан элчилар келишади. Дўстлик шартномаси баҳонасида Александр жавоб тариқасида уларга ўз элчиларини юборган, аммо мақсади скиф ерининг табиатини ўрганиш, аҳолиси ва қуроллари таркибини аниқлаш эди (Арриан, IV, 1, 1–2; Квинт Курций Руф, VII, 6, 12).

Кейинги йили Александр Уструшонага юриш қилган ва у ерда Танаис (Сирдарё) қирғоғида, афтидан, ҳозирги Хўжанднинг ўрнида Александрия Эсхата шаҳрини барпо этади. Кейин ушбу дарёнинг ўнг қирғоғида скифлар билан жанг бўлиб, бу уларнинг маглубияти билан якунланади. Натижада Александр ҳузурига скиф подшосининг элчилари тинчлик шартномаси таклифи билан келишган ва Александрга бўйсунишга тайёр бўлган шоҳнинг ўзи эмас, балки баъзи скиф гуруҳлари амалга оширган ҳаракатлар учун узр сўрашади. Александр мулойимлик билан бунга жавобан подшога ишонишини, аммо тўлиқ ғалабага қадар урушни тўхтатиш ниятида эмаслигини айтади. Мил. авв. 328 йилда Европа скифларидан янги элчилар Мароқандга келган ва у ердан Александрнинг илгари юборилган элчилари билан қайтиб кетишади. Скиф элчилари унга ўз шоҳининг тинчлик шартномасини тузиш ҳақидаги таклифини етказишган ва совғалар олиб келишган эди. Скифлар подшоҳи ўз қизини Александрга, скиф зодагонларининг қизларини эса, ўз навбатида, унинг «содиқ дўстлари»га турмушга беришни таклиф қилади. Аммо дўстона жавобда Александр скифларнинг таклифларини рад этади (Арриан, IV, 15, 1–4).

Худди ўша йили Ўрта Осиёда, афтидан, мил. авв. 330 йилда аҳамонийлар ҳукмронлигидан озод бўлганидан кейин яратилган биринчи суверен давлат бўлган Хоразмдан шоҳ Фарасманнинг элчилари бир ярим минг отлиқ билан Мароқандга Александр ҳузурига келишади.

Фарасман Александрга колхлар ва амориклар билан чегарадош бўлган подшолиги ҳақида гапириб берган, унга ҳарбий иттифоқ тузишни, бу халқлар ва Эвксин (Қора) денгизи яқинида яшовчи бошқа қабилаларга қарши юришда ўз ёрдамини таклиф қилади. Бу ҳикоядаги баъзи маълумотлар шубҳа уйғотади, хусусан, хоразмликлар колхлар (Ғарбий Грузия аҳолиси) билан қўшни бўлиб яшашгани Хоразм подшолигининг чегаралари Кавказ тизмасига қадар чўзилганини англатади. Александр Фарасманга миннатдорлик билдирган, аммо жавоб хабарида бундай юришнинг вақти эмаслигини, уни Ҳиндистонни забт этгунга қадар ортга суриб туриш ва Элладага қайтгач ўша ердан Қора денгизга юриш қилишни мўлжаллаганини айтади. Мароқандда бўлганидан кейин Фарасман Бақтрия ҳукмдори Артабаз билан бирга ватанига қайтади (Арриан, IV, 15, 1–4; Квинт Курций Руф, VIII, 1, 8–9).

Шундай қилиб, биринчи давр Македониялик Александр билан турли хил тинчлик шартномалари ва ҳарбий иттифоқларни тузишда ўз ифодасини топган Ўрта Осиё давлатлари ва қабилавий бирлашмаларининг дипломатик фаоллиги ошиши билан тавсифланади. Балки шу пайтда, эҳтимол, ундан олдинроқ дипломатик фаолиятда, агар шундай дейиш мумкин бўлса, ихтисослашган одамларнинг маълум тоифаси шаклланганлиги ҳам истисно эмас.

Иккинчи давр Ўрта Осиё жанубининг бир қисми эллин давлатлари – Салавкийлар (мил. авв. IV аср охири – III аср ўрталари) ва Юнон-Бақтрия (мил. авв. III аср ўрталари – II асрнинг иккинчи ярми бошлари) даврида эллин маданиятининг кенг тарқалиши билан тавсифланади. Шу билан бирга, Ўрта Осиёнинг кўчманчи қабилалари томонидан мил. авв. III аср ўрталарида Ўрта Осиёнинг жануби-ғарбий қисмида, мил. авв. II асрда Ўрта Осиё Икки дарё оралиғида бир қатор мустақил давлатлар – Қанг, Довон юзага келади. Зарб қилинган тангаларга қараганда, баъзи маҳаллий ўлкалар Бухоро ва Самар-

қанд Сўғдида пайдо бўлган. Бу даврда Хоразм подшолиги кучли ва мустақил давлат бўлиб қолди.

Шундай қилиб, бу даврда эллин давлати – Юнон-Бақтрия подшолиги сақланиб қолиши билан бир қаторда маҳаллий давлат ташкилотлари ва бирлашмаларининг фаол шаклланиш жараёни кузатилади. Хеч шубха йўқки, уларнинг барчаси дипломатик муносабатлар ва алоқаларнинг маълум шаклларидан фойдаланган, аммо, афсуски, ёзма манбаларда бу ҳақда маълумотлар ҳали топилган эмас.

Масалан, Диодот II томонидан Парфия – Юнон-Бақтрия ҳарбий шартномалари ва иттифоқлари тузилганлиги бизга маълум. Афтидан, улардан бири мил. авв. 237 йилдан кейин Тиридат (Юстин, XI, 1, 4, 9) билан уларнинг умумий душмани, Ўрта Осиёни яна забт этишга ҳаракат қилган Салавк II билан курашиш учун тузилади[1].

Юнон-Бақтрия подшоҳлари томонидан тузилган бошқа шартномалар ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. Шундай қилиб, салавкийлар шоҳи Антиох III (мил. авв. 223 – 187) мил. авв. 208 йилда Юнон-Бақтрия шоҳи Евтидемга (мил. авв. 230 – 200) қарши юриш бошлайди ва Ҳарируд (Тажан) дарёси соҳилидаги жангда уни мағлубиятга учратади. Мил. авв. 206 йилда улар ўртасида музокаралар бошланган, бунинг натижасида тинчлик шартномаси тузилади. Келишувга биноан Евтидем шоҳлик ҳокимиятини сақлаб қолган ҳолда Антиох III га ўзининг жанговар филларини берган ва маълум даражада унинг обрў-эътиборини тан олган эди (бундан ташқари, тез орада ундан озод бўлади)[2].

Мил. авв. 141 ва 129 йиллар орасида Юнон-Бақтрия подшолиги саклар ва юэчжи қабилалари босими остига тушиб қолади, Ўрта Осиёнинг жанубида эллинлар ҳукмронлиги ҳам қулайди, бинобарин, уларнинг кичик ўлкалари бу воқеалардан кўп йиллар кейин ҳам Шимолий Бақтрия ва Жанубий Сўғдда сақланиб қолди.

---

[1] *Литвинский Б.А.* Греко-Бактрия, Парфия (III - II вв. до н.э.) // ИТН. Т. 1. М., 1963. С. 299; Парфия-Бақтрия муносабатлари ҳақида батафсилроқ қаранг: *Rtveladze E.* Parthia and Bactria... P. 182 – 190.

[2] *Литвинский Б.А.* Греко-Бактрия, Парфия (III - II вв. до н.э.) ... С. 301.

Шимолий, бироз кейинроқ Жанубий Бактрия бу ерга хунлар босими остида кўчиб келган юэчжилар томонидан босиб олинади. Кейинчалик юэчжи уруғларидан бири — Кушон томонидан Буюк Кушон империяси ташкил этилади, айнан юэчжилар хитойлар томонидан ўша пайтда улар Ўрта Осиё деб атаган Ғарбий ҳудудни кашф этилишининг биринчи сабабчиси бўлиб хизмат қилган эди.

Хан сулоласи ҳукмронлиги даврида Ўрта Осиё мамлакатларининг Хитой билан дипломатик алоқалари (мил. авв. 206 — мил. авв. 222 йй.). Хан империяси ташкил топганидан бошлаб Хуанхэ ва Яньцзи ўртасидаги кичик ҳудуддан ташқарига чиқишга интилиб агрессив экспансион сиёсат олиб боради. Бу тенденция, айниқса, ғарбий ҳудудларга катта эътибор берган император У-ди даврида (мил. авв. 140 — 87) кучайиб кетади[1].

Чжан Цзян миссияси. Ғарбий минтақа — Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон Хитой учун Чжан Цзян саёҳатига қадар номаълум бўлиб келган деб ҳисобланади. Бироқ бу уларнинг ғарбда кўплаб халқлар истиқомат қиладиган улкан ҳудуд мавжудлигидан бехабар бўлишганини англатмайди. Ушбу саёҳатдан олдин ҳам Қанғдан Хитойга элчилар юборилганлиги ҳақида далиллар мавжуд[2].

Шубҳасиз, фақат Хан императори У-ди даврида ушбу минтақада истиқомат қилувчи халқлар билан дипломатик алоқалар ўрнатиш, уни мустамлака қилиш ва ғарбга қараб ҳаракатни давом эттириш мақсадида карвон йўлларини ўрганиш бўйича фаол ҳаракатлар амалга оширилади.

Мил. авв. II асрнинг биринчи ярмида Марказий Осиёнинг энг кучли қабилалари — хунлар ва юэчжилар (юнон манбаларида улар тохарлар деб аталган) ўртасида юз берган уруш Хитойнинг ғарбий ҳудуд билан дипломатик алоқалар олиб боришига энг биринчи сабаб бўлди.

Бу урушда юэчжилар мағлубиятга учрайди ва уларнинг кўпчилиги ўзлари дастлаб истиқомат қилган ҳозирги Гансу провинциясининг ўрнидаги ҳудудлан Еттисувга кўчиб келишга мажбур бўлишади. Би-

[1] *Толстов С.П.* По следам древнехорезмийской цивилизации ... С. 143.

[2] *Бичурин Н.Я.* Собрание сведений ... С. 151.

роқ хунлар юэчжиларни таъқиб қилиб ҳатто шу ерга ҳам келишади, уларнинг етакчисини ўлдириб, унинг бош суягидан ичиш учун лаклан-ган идиш ясашади. Юэчжилар Ўрта Осиёнинг жанубига, Бактрияга қараб ҳаракатланадилар ва у ерда бошқа қабилалар қатори Юнон-Бақтрия подшолигини йўқ қилишда қатнашадилар.

Хунлардан қўрққанидан юэчжилар уларга қарши курашда ўзла-рига иттифоқчилар излайдилар. Ўз навбатида, жанговар хунлар-нинг ҳужумларидан тез-тез азият чекадиган ханлар давридаги Хи-той давлати юэчжиларнинг истаги ҳақида эшитганидан кейин улар билан иттифоқчилик муносабатларини ўрнатиш йўлларини излай бошлайди.

Хан Чжун вилоятилик, дарвоза қўриқчилари бошлиги бўлган, ўз жасорати учун бошқа даъвогарлар орасидан танланган Чжан Цзян исмли одам бу вазифани бажариш учун тайинланади. Чжан Цзян-нинг бу миссияси ҳақида «Шицзи»да айтиб ўтилган. Ўзининг ғарбга бўлган сафарига Чжан Цзян хунлардан бўлган ҳамроҳи Тани Хуну-ганфу билан бирга кетади. Бироқ йўлда уларни хунлар қўлга олиб, ўз ҳукмдорининг олдига олиб келишади, у эса асосли равишда Чжан Цзяндан Хитой императори қайси ҳуқуқига кўра юэчжилар олдига ўз элчиларини хунлар ери орқали юборганини сўрайди. Чжан Цзян ўн йил давомида хунлар қўлида асирликда қолади ва хунлардан бўлган аёлга уйланиб, ўғил фарзандли бўлади.

Бироқ у қулай фурсатдан фойдаланиб ўз ҳамроҳлари билан ғарб томонга қочиб кетади ва бир неча ўн кундан кейин Довон давлатига – ҳозирги Фарғонанинг ўрнида бўлган қадимий тарихий ва маданий минтақага етиб келади.

Довон ҳукмдори Чжан Цзян билан суҳбатда Хан уйи билан дип-ломатик алоқалар ўрнатиш истагини билдиради. Бунга жавобан Чжан Цзян, агар уни юэчжилар ёнига олиб боришса, Хитойга қай-тиб бориши билан император номидан Довон ҳукмдорига қиммат-баҳо совғалар бериб юборишини айтади. Шундан кейин Чжан Цзян императорга юборган мактубида довонликлар деҳқончилик билан шуғулланишини, гуруч ва буғдой экишини, кўплаб узумзорлари ва

шароблари борлигини ёзади. Довон шаҳрида 20тача катта-кичик шаҳарлар мавжудлигини айтади.

Довондан чиққач Чжан Цзяннинг биринчи миссияси ўзи учун махсус ажратилган ҳамроҳлари билан бирга Қанғга – Ўрта Осиёнинг шимолий ва марказий қисмидаги улкан ҳудудни ва Сирдарёнинг ўнг томонидаги ерларни эгаллаган кўп қабилали ўлкага йўналтирилади.

Мил. авв. 128 ёки 126 йилларда Чжан Цзян Қанғдан чиқиб, ўз шериклари билан Буюк Юэчжи томон йўл олади. Бу вақтга келиб юэчжилар хунлар билан жангларда янги мағлубиятларга учраган ва ҳукмдори хунлар томонидан ўлдирилган эди, тахтга унинг тўнғич ўғли кўтарилганди. У хунлар билан янги урушлардан қўрқиб олдинги манзилини ўзгартиришга қарор қилади ва ўз қабиласи билан жанубга йўл олади. У ерда Гуйшуй (Амударё) дарёсининг шимолидаги – тахминан ҳозирги Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилояти ва Тожикистоннинг жанубида жойлашган ҳудудни эгаллайди, кейин шу дарёнинг жанубидаги ҳудуд – хитой манбалари Дахя, маҳаллий аҳоли Бақтрия, юнонлар эса Бақтриана деб номлаган ҳудудни қўлга киритади.

Мил. авв. II аср ўрталарида ёки иккинчи ярми бошларида Бақтрия кўчманчи сакаравллар, асийлар, пасианлар ва тохарлар томонидан босиб олинади. Афтидан, «Дахя» сўзи хитой тилидаги «тохарлар» халқининг номини бузиб талаффуз қилишдан келиб чиққан эди. Кейинги манбаларда ушбу вилоят номи Тохаристон деб номланади.

«Шицзи» маълумотларига кўра, «Дахя Гуйшуй дарёсининг жануб томонида, Довондан 2000 лидан ортиқ жануби-ғарб томонда жойлашган эди. У ерда ўтроқ ҳаёт тарзи юритилади, шаҳарлари ва уйлари бор».

Бу вақтга келиб Юэчжи ҳукмдори ўз қабиласи кўчиб келган янги ҳудудларда тинч ҳаёт кечиришни афзал кўриб хунлардан қасос олишдан бош тортади.

Чжан Цзян бир йилдан кўпроқ Бақтрияда яшайди ва ҳеч нарсага эриша олмай, жанубий йўл орқали Хитойга қайтишга ҳаракат қилади. аммо яна хунлар томонидан қўлга олинади. Чжан Цзян хун қўшинидаги ўзаро адоватдан фойдаланиб хотини ва ҳамроҳи Танганфу билан

биргаликда асирликдан қочиб, бир йил ўтгач Хитойга стиб олишга муваффақ бўлади.

Унинг ғарбий минтақага биринчи сафари 13 йил давом этади, у билан бирга йўлга чиққан юзта ҳамроҳидан фақат биттаси қайтиб келади.

Хитойга қайтиб келган Чжан Цзян императорга ўзи ташриф буюрган ва маҳаллий аҳолидан эшитган мамлакатлар тўғрисида батафсил ҳисобот ёзиб беради. Хусусан, у Ғарбий Ўрта ер денгизи, Тяочжи мамлакатлари – Кичик Осиё ёки Шарқий Ўрта ер денгизи ва Личан, яна хитойлар Фолин ёки Дацин деб атайдиган Миср ёки Қадимги Рим ҳақида илк маълумотларни тақдим этади.

Чжан Цзян ўз хабарида Ўрта Осиё ўлкалари: Довон, Усун, Канг, Даха, Янцай, Катта Юэчжи, уларнинг жойлашган ўрни, пойтахтлари, йўллари ва масофалари, шуғулланадиган ишлари, урф-одатлари, аҳолиси ва қўшинлари тўғрисида маълумот беради. Хусусан, Канг ва Катта Юэчжи ўлкалари қудратли ёлланма армияга эгалиги, уларни бўйсундириш мумкин бўлса, хитойликларнинг ўлкаларини деярли 10000 лига кенгайтириш мумкинлигини ёзади.

Хитойга келгач Чжан Цзян ўз ҳамроҳи сингари юқори унвонга сазовор бўлади, кейин эса хунларга қарши урушдаги ютуқлари учун Бован-хэу князлик унвони ва Сяоюй ва Вэй-юй (ҳарбий қўшинларнинг маълум бир қўмондони) ҳарбий лавозимини олади.

Бироқ бу мартаба ва унвонларини Чжан Цзян мил. авв. 122 йилда бой беради, чунки унга ишониб топширилган қўшин хунлар билан бўлган жангга кечикади, натижада хитойларнинг аксарияти қурбон олинади ва йўқ қилинади, бунинг учун Чжан Цзян ўлим жазосига маҳкум этилади, аммо афв қилинади.

Чжан Цзян бир неча йил давомида подшоҳнинг ғазабидан қутула олмайди. Бу вақт ичида хитойлар хунларни бир неча жангларда мағлуб этиб, шўр Лобнор кўлигача стиб келишади, бу ерда уларнинг олдида Ўрта Осиёга тўғридан-тўғри йўл очилади.

Шу муносабат билан хан сулоласидан бўлган император яна Ўрта Осиёдаги ўлкалар, хусусан, Дахя ва Усундаги ишларнинг ҳолати ва уларнинг Хитойга қўшиб олинишининг имкониятлари билан қизиқади.

Император билан суҳбатлашиш учун Чжан Цзян чақирилади, у усунлардаги ишлар ҳолати ҳақида батафсил ҳисобот тайёрлайди. Хусусан, Усун ҳукмдори Гунмо хунларнинг васийлигидан озод бўлишга муваффақ бўлган, агар тўғри сиёсат олиб борилса, Усунни, кейин Дахя ва бошқа Ўрта Осиё ўлкаларини Хитойга қўшиб олиш мумкинлиги ҳақида ёзган эди.

Ушбу ҳисобот Чжан Цзянни хун нозири этиб тайинлашда ҳал қилувчи рол ўйнади, унга ёрдам бериш учун ҳар бирида иккита от бўлган 300 та жангчи, 10 000 бош буқа ва қўчқор, кўплаб совғалар берилади. Ўрта Осиёнинг турли ўлкаларига элчилар этиб тайинланган, қўлларида ҳокимият рамзини билдирган тугни тутган кўп сонли ёрдамчилар Чжан Цзян билан бирга Усунга йўл олишади.

Аммо усунларнинг олий ҳукмдори Гунмо билан олиб борилган музокаралар Хитой учун кутилган натижаларни олиб келмайди, чунки Усунлар ўлкаси ҳукмдорлари мустақил сиёсат олиб борадиган учта қисмга бўлинган эди. Шунга қарамай, усунларда бўлган Чжан Цзян Довон (Фарғона), Қанг (Сўғд, Хоразм), Дахя (Бақтрия), Катта Юэчжи (Шимолий Бақтрия), Анси (Бухоро ёки Бақтрия)га хитойлик элчиларини юборишни ташкиллаштиришга муваффақ бўлади. Шундан сўнг у кичик усун элчилари билан Хитойга қайтиб келади, унинг раҳбари Гунмо Хитой саройи тўғрисида иложи борича кўпроқ маълумот тўплашни буюради[1].

Бир йил ўтгач, мил. авв. 104 ёки 103 йилларда Хитойга қайтиб келганидан кейин ўша пайтгача ҳам энг муҳим давлат лавозимини эгаллаб турган Чжан Цзян вафот этади.

Бир йилдан сўнг Чжан Цзян томонидан юқорида айтиб ўтилган ўлкаларга турли хил вазифалар билан юборилган элчилар Хитойга қайтиб келадилар, улар билан Хитойга ўша ўлкаларнинг элчилари ҳам ташриф буюради. Улар, аслида, Ўрта Осиёдан келган биринчи дипломатик элчилар эди. Айнан шу даврдан Ўрта Осиё давлатлари ва Хитой ўртасида кўп асрлар давомида давом этган ўзаро муноса-

[1] *Hirth F.* The story of Chang K'ien. // JAOC. No. 37. Pt. 2. 1917. P. 97 – 98; ИТН. Т.1. ... С. 342.

батлар даври бошланади, бу Чжан Цзян миссиясининг яна бир муҳим натижасидир.

У умрининг ўн тўрт йилини Марказий Осиё халқлари орасида ўтказиб, шубҳасиз, катта обрўга эга бўлади.

«Шицзи»га кўра, «Бо-ван-хэу Чжан Цзян хориждаги саройларнинг жойлашувини яхши билган, шунга кўра, чет элликлар ҳам унга ишонишарди».

Фарғона-Хитой муносабатлари. Минтақанинг Хитой билан аввалига анча салбий муносабатлар ўрнатган биринчи мамлакати Довон — Фарғона эди. Икки мамлакат ўртасидаги ҳарбий тўқнашувларнинг асосий сабабларидан бири Фарғонанинг император У-ди Чжан Цзян хикояси орқали хабар топган машҳур «самовий отлари» эди.

«Шицзи»да ёзилишича, У-ди Довон ҳукмдори ҳузурига махсус элчисини 100 лан олтин ва олтин отлар билан юбориб, ундан ушбу совғалар эвазига Довон арғумоқларини юборишини сўрайди.

Бироқ Довон ҳукмдори масофа узоқлиги туфайли Хитой Довонга қўшин юбора олмайди деб ўйлаб элчининг илтимосини рад қилади. Бу элчининг ғазабини қўзгатади ва у Довон ҳукмдорига қўпол жавоб қайтаради. Замонавий тил билан айтганда, жанжал келиб чиқади ва элчи ўлдирилади (афтидан, ўша пайтда дипломатик дахлсизлик тушунчаси бўлмаган), унинг мол-мулки Довон ҳукмдори фойдасига мусодара қилинади[1]. Бунга жавобан Хитой императори Фарғонага қўмондон Ли Гуан-ли бошчилигидаги деярли юз минг кишилик қўшинини юборади. Тўрт йил давом этган ва Довоннинг мағлубияти билан якунланган Хитой-Довон уруши бошланади.

Ли Гуан-лининг буйруғи билан қатл этилган собиқ ҳукмдор Мугуанинг ўрнига оқсоқоллардан бири Моцай тахтга ўтқазилади ва хитойликлар 3000 дона от олиб ортига қайтишади.

Бир йил ўтгач Довон оқсоқоллари Хитойни қўллаб-қувватлаганлиги сабабли Моцайни ўлдиришади ва унинг кенжа ўғли Чжан-финни тахтга кўтаришади.

[1] *Бичурин Н.Я.* Сведения о народах ... С. 147 – 168.

У Хитой билан тинчлик шартномасини тузади (бу мамлакат ва Марказий Осиё давлатларидан бири ўртасидаги биринчи шартнома), ўғлини гаров учун юбориб, ҳар йили Хитойга бир жуфт «самовий от» юбориш мажбуриятини зиммасига олади. Бунга жавобан император саройи типч муносабатларни мустаҳкамлаш учун элчисини Довонга совғалар билан юборади. Қайтиб кетаётиб Хитой элчиси ўзи билан бирга узум ва му-су (беда) ўсимлигининг уруғларини олиб кетади, улар Хитой императори саройида катта ҳудудларда етиштирилади[1]. Шундай қилиб, Хитой биринчи марта энг муҳим қишлоқ хўжалиги экинлари — узум ва беда билан танишади.

Хитой-Довон уруши тугагач, Хитойнинг ғарбий ҳудуддаги дипломатик фаолияти жадал ривожлана бошлайди. «Катта Хан сулоласи тарихи»га кўра, император У-ди даврида ҳар йили Ўрта Осиёнинг турли давлатларига камида 10 та элчи юборилган эди[2].

Хитой-Парфия дипломатик алоқалари. Г. Дабс маълумотларида келтирилишича, мил. авв. II аср охирида — мил. авв. 111 ва 105 йиллар орасида Хитой император У-ди ташаббусига кўра, биринчи марта хитой манбаларида Анси деб аталган Парфия подшолиги билан дипломатик алоқаларни ўрнатади. Хитой элчиси шарқий чегарада тантанали равишда 20 минг отлиқ қўшин билан кутиб олинади ва Парфия давлатининг пойтахтига кузатиб олиб борилади[3].

Ортга қайтишда Хитой элчилари билан Парфия элчиси бирга бориб, туяқуш тухумлари ва кўзбойлағичларни Личандан (Мисрдаги Александрия шаҳри) Хитой императорига совғалар сифатида олиб боради, Хитой билан танишади[4].

Ушбу элчиликларнинг мислсиз натижалари ва ғарбий ҳудуднинг очилиши Буюк ипак йўлининг пайдо бўлишида ўз аксини топди. Унинг яралишида Ўрта Осиё халқлари, айниқса, сўғдлар катта рол ўйнаган эди. Сўғдларнинг савдо марказлари Буюк ипак йўлининг Самарқанд-

[1] *Бичурин Н.Я.* Сведения о народах ... С. 187.
[2] Ўша манба. 173-бет.
[3] Ўша манба. 173-бет.
[4] *Вельгус В.А.* Известие о странах и народах Африки. М., 1973. С. 104, 110.

дан Чанангача бўлган бутун шарқий йўналиши бўйлаб пайдо бўлади, сўғд тили бу йўл бўйлаб яшовчи барча халқлар учун *lingva trancа*га айланади.

Хитой-Қанғ дипломатик алоқалари. Хитойнинг Ўрта Осиёдаги бошқа бир давлат — Қанғ билан дипломатик алоқалари бироз бошқача ривожланди. Қатта ҳарбий кучга эга бўлган Қанғ хитойликларнинг дипломатик алоқалардаги уступлигини тан олмай, Хитойдан мустақил равишда сиёсат олиб боради[1]. Шунинг учун, «Қатта Хан сулоласи тарихи» маълумотларига кўра, Қанғ ҳукмдори қабулида Хитой элчилари усунлардан пастроқ жой эгаллашган, кечки овқат ҳам уларга Усун ҳокимлари ва оқсоқолларидан кўра кечроқ берилган эди[2].

Бироқ ғарбий минтақада ўз шон-шуҳратини жуда қадрлаган Хитой ҳар қандай ҳолатда ҳам бу ерда ўз ўрнини сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Масалан, Хитойни усунлар каби ўз ҳукмдори деб тан олмаган бўлишига қарамай, Қанғ ҳукмдори ўз ўғилларини император саройида хизмат қилишга юборади.

Хитойликлар буни Хитой билан Қанғ савдосининг ривожланишига ёрдам берадиган айёрона сабаб деб ҳисоблашади.

Юэчжиларнинг Хитой билан дипломатик алоқалари. Гарчи Юэчжи Чжан Цзян Бақтрияга ташриф буюрганида хунларга қарши ҳарбий иттифоқ тузиш таклифини рад этган бўлса-да, улар ўртасидаги дипломатик муносабатлар ривожланишда давом этади.

Бу муносабатларнинг энг муҳим ютуқларидан бири буддавийликнинг Хитойга кириб бориши бўлди, бунда Хитойга борган Юэчжи элчилари ва Бақтрияга келган Хитой элчиларининг таъсири катта бўлди.

Хитой ёзма манбаларида хитойликларнинг буддавийлик билан танишишига оид иккита асосий вариант кузатилади.

Улардан биринчисига кўра, «Қирқ икки бўлимли сутра»нинг кириш қисмида Хан сулоласидан император Минди (мил. 58 — 75) му-

---

[1] *Зуев Ю.А.* К вопросу о взаимоотношениях усуней и канцзюй с Китаем во второй половине I в. до н.э. // Изв. АН КазССР. Сер. Истории, философии и права. Вып. 2. 1954. С. 62 — 72.

[2] *Бичурин Н.Я.* Сведения о народах ... С. 185.

қаддас матнларни олиш учун Юэчжи мамлакатига бир гуруҳ элчиларни юборади. Ушбу топшириқ турли хил саналар билан белгиланган: мил. авв. 60, 61, 64, 68 йил. Уч, яна бир муқобилига кўра ўн бир йилдан кейин элчилар «Қирқ икки бўлимли сутра» матни ёки таржимаси билан қайтади. Элчилар билан биргаликда Хитойга биринчи хорижий буддавий миссионерлар – Кашяп Матанг ва Дхармаратна келади, шундан кейин император Пай-Масс ёки Баймас монастирини барпо этади.

Ушбу фикрлар борасида олимларнинг фикрлари турлича, чунки хитойлик олим Танян-тун ушбу фикрни тарихий ҳақиқат сифатида ишлатиш эҳтимолини истисно қилмайди[1]. Аксинча, Н. Масперо ушбу фикрни анахронизмга тўла бўлган уйдирма, динни тарғиб қилиш учун тўқилган ҳикоянинг бир қисми деб билади. Унинг фикрича, у мил. III асрда пайдо бўлган ва мил. IV – V асрларда янада ривожланди[2].

Иккинчи қарашга кўра, мил. III аср бошларида шаклланган анъанага кўра, Юэчжи саройидаги Хитой элчиси, император академияси талабаси Чин Лю (унинг исми турли хил шаклда ёзилади) мил. авв. 2 йилда Юэчжи валиаҳди ёрдами билан буддавийлик сутраларини ўрганади. Бу тарих илк бор мил. авв. III асрда Ҳиндистон ҳақида Вей-Лео томонидан яратилган «Ши-жун-ган»даги нотўғри талқин қилинган бир пассажда баён қилинади. Бу пассаж тўлиқ ҳолда мана бундай кўринишга эга: «Қадимги даврларда Янг-шоу даврининг биринчи йилида Хан сулоласидан император Ой ҳукмронлиги даврида (мил. авв. 2 йил) император академияси талабаси Чин Лю Буюк Юэчжи шоҳининг элчиси И-изундан будда сутралари ҳақида оғзаки кўрсатмалар олади»[3].

Е. Цюрхер, Чин Лю ушбу кўрсатмани Юэчжи элчисидан, чамаси, Хитой пойтахтида олган деб ҳисоблайди. Э. Шаван ушбу ҳикоянинг иккита қарашга асосланиб бу пассаждаги матнга тузатишлар кири-

[1] *Zürcher E.* The Budhist conquest of China. Leiden, 1959. P. 24; Яна қаранг: *Штейн В.М.* Экономические и культурные связи между Китаем и Индией в древности. М., 1960. С. 163.

[2] *Maspero H.* Les song etat ambassade dé l'empereur Ming. étude critique des sourses. // BEFEO X.1910. P. 95 – 130.

[3] *Zürcher E.* The Budhist conquest of China ... P. 24.

тишни таклиф қилган, мана бундай қилиб: «Император академиясининг 62-чи талабаси Чин Лю Буюк Юэчжига хизмат сафари билан борган. (Юэчжия шохи) валиаҳдга унга Будда сутраларини оғзаки айтиб ўргатишни буюрган»[1]. Е. Цюрхер таъкидлаганидек, Э. Шаван Вей-Лео матнидаги бу пассажни тўлиқ тузатади. Бундан келиб чиқадики, Чин Лю Будда сутраларини Хитойда император саройида юэчжилик элчи И-изундан ўрганмаган, балки унинг ўзи Хитой императори элчиси бўлиб, Буюк Юэчжига борганда юэчжи ерларида валиаҳддан ўрганади.

Сўнгги фикрни тарихий жиҳатдан баҳолашда ҳам қарама-қаршиликлар мавжуд. Баъзи тадқиқотчилар буни ишончсиз, бошқалари тарихий ҳақиқат деб билишади. Е. Цюрхер хулоса қилиб айтадики, бу қараш Хитойнинг Хан-шу расмий тарихида тасдиқланмаган, унда мил. авв. 2 йилда Юэчжига Хитой элчилари борганлиги ёки худди шу йили Хитойга Юэчжининг элчилари келганлиги тўғрисида маълумот йўқ, бу ҳақидаги хабарлар фақат мил. III асрда пайдо бўлган эди. Унинг фикрича, бу материаллан тарихий хулоса чиқариш учун фойдаланиб бўлмайди[2].

Шуларга асосан Е. Цюрхер буддавийликнинг биринчи марта Хитойда пайдо бўлганини кўрсатувчи анъаналарга эътибор қаратади, бу муҳим ҳодисани юэчжилар билан ва шунга кўра Бақтрия-Тохаристон билан қатъий боғлайди. Р.Ч. Багчининг маълумотларига кўра, Бақтрия-Тохаристонда буддавийлик мил. авв. III аср охирларида шоҳ Ашока ҳукмронлиги даврида пайдо бўлган бўлиши мумкин[3]. Шундай қилиб, биз Хан-шуда бу воқеанинг тасдиғини топмаган эканмиз, унда Юэчжи буддавийликнинг Хитойга кириб боришига ҳисса қўшганлиги эҳтимолдан холи эмас, чунки анъана қандай бўлмасин, аввало, қачонлардир мавжуд бўлган ҳақиқий далилларга асосланади. Буддавийликнинг Бақтрияда, айниқса, унинг шимолий қисмида кенг тарқалиши тасдиғи бу ерда топилган илк буддавийлик ёдгорликлари: Айритом,

[1] *Chavannes E.* Les Paes d'Occident d'aprfes le Wei-iie. // TPV. 1905. P. 514 – 576.
[2] Ўша манба. 514 – 576-бетлар.
[3] *Baggchi Ph.Ch.* India and Central Asia. Calcutta, 1955. P. 89.

Далварзинтепа, Қоратепа, Фаёзтепа бўлиб, уларнинг бунёд этилиши мил. I – II асрларга тўғри келади.

Бинобарин, Хитойнинг Ўрта Осиё мамлакатлари ва ўлкалари билан дипломатик алоқалари ўрнатилиши ва уларнинг мунтазамлиги, турли шаклларда шартномалар тузилиши шу даврга хосдир. Хитойнинг Ўрта Осиёдаги дипломатик фаолияти, шунингдек, Довон билан бўлган уруш баъзи ўлкаларнинг Хитой ҳукмронлигини тан олишига олиб келди. Хитой ёзма манбаларига кўра, ғарбий ҳудудда дастлаб 30 та ўлка бўлган, мил. I аср бошларига келиб уларнинг сони 55 тагача ошади. Уларнинг тобелиги номигагина эди, Қанггa ўхшаган бошқа ўлкалар эса Хитой ҳукмронлигини умуман тан олмаган эмас.

Хитойнинг ёзма манбаларида ғарбий ҳудудни бошқариш учун ноиб ва ҳарбий нозир тайинланганлиги ҳам айтилади, бу шубҳали маълумотдир.

«Биринчи Хан сулоласи тарихи» маълумотлари орасида битта хабар айни шу вазиятга хос бўлиб, унда Хитой элчилари «нақд пулсиз ўзлари учун на овқат, на миниш учун от олишолган, бунга сабаб Хитойнинг узоқлиги бўлган» дейилади[1]. Агар бу ўлкаларнинг қарамлиги жиддий бўлганида, Хан империяси давлати хизматида бўлган шахслар бундай ҳолатга тушмаган бўларди.

Ноиб ва ҳарбий нозир деб аталганлар дипломатик алоқалар учун масъул эдилар, аммо Ўрта Осиёда ўлкаларни бошқариш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилмадилар. Хитой ва Ўрта Осиё ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилишининг муҳим натижаси савдо ва маданий алоқаларни ривожлантириш бўлди, буни ёзма манбалар ва археологик маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

Хусусан, довонликлар Хитойдан кумуш ва олтин олганлиги, уларни турли хил буюмлар (аммо тангалар эмас) ясаш учун ишлатганликлари ҳақида хабар берилган. Бу ердан Ўрта Осиёга лакдан ясалган буюмлар ва ипак матолар кела бошлайди.

[1] *Бичурин Н.Я.* Сведения о народах ... С. 188.

Хитойликлар Ўрта Осиёда темир қуйишни йўлга қўйишди, бунда Хитой элчихоналаридан қочган хизматкорлар кўмаклашдилар[1].

Археологик маълумотларга кўра, Хитойдан Ўрта Осиёга, хусусан, Фарғонага, қисман Сўғдга Хитойнинг бронзадан ясалган у-шу тангалари кириб боради[2]. Бу Фарғонада пул муносабатлари ривожланишининг бошланишига асос бўлади. Ўрта Осиёда бир неча турдаги машҳур хитой бронза кўзгулари[3], бир нечта нефритдан ясалган буюмлар топилганини қайд этиш мумкин[4].

Мил. 7 йилда Хитойда ҳокимият Хитой тарихий анъаналарида узурпатор деб ҳисобланган Ванг-ман (мил. 7 – 23) томонидан босиб олинади. Шундан сўнг Ўрта Осиё мамлакатлари ва Хитой ўртасидаги дипломатик алоқалар узилади. 25 йилда Қичик Хан сулоласининг ҳокимият тепасига келиши бу алоқаларнинг ривожланишига ёрдам бермайди, бинобарин, Тян-ву ҳукмронлиги даврида Хитойга Ўрта Осиё ўлкаларининг биридан уни фуқароликка қабул қилиш ва Хитой ноиби этиб тайинлаш борасида илтимос билан элчилар юборилган эди. «Кейинги Хан сулоласи тарихи»га кўра, ғарбий ўлкалар 65 йил давомида Хитойдан алоҳида бўлиб ажралиб қолади, фақат мил. 74 йилда ўзаро муносабатларнинг турли шакллари тикланади[5].

Қичик Хан сулоласи, аввалгиларидан фарқли ўлароқ, дастлаб ғарбий ўлкалар билан муносабатларда бироз бошқача сиёсат олиб боради. Алоқа олиб бориш учун керак бўладиган молиявий харажатлар юки Хитой учун жуда оғирлик қилади. Шу боис алоқалар мунтазамлик касб этмасди.

Хитой қўмондони Бан Чаонинг ғарбий ўлкаларга қилган юриши Ўрта Осиё ва Хитой ўртасида янада мустаҳкам дипломатик алоқалар ўрнатилишига ёрдам берди. «Кейинги Хан сулоласи тарихи»га кўра,

---

[1] *Бичурин Н.Я.* Сведения о народах ... С. 188.

[2] *Горбунова Н., Ивочкина Н.* Монеты у-шу из могильников Ферганы // Сообщения Гос. Эрмитажа, III. Л., 1988. С. 45 – 50.

[3] *Литвинский Б.А.* Орудия труда и утварь из могильников Западной Ферганы. М., 1978.

[4] *Ртвеладзе Э.В.* Китайский импорт в Центральную Азию по археологическим данным. // Традиции и новаторство в искусстве Центральной Азии (история и современность). Ташкент, 1995. С. 37 – 38.

[5] *Бичурин Н.Я.* Сведения о народах ... С. 216 – 240.

Бан Чао ўз қўшини билан бутун Ўрта Осиёни босиб ўтади, ҳатто ғарбий денгизга[1], эҳтимол, Каспий ёки Орол денгизига етиб боради.

Бу юришдан кейин император саройига Ўрта Осиёдан совғалар билан элчилар келишади. Бироқ бу алоҳида ҳолат бўлган, чунки худди шу манбага кўра, ғарбий ўлкалар Хитой билан алоқаларни гоҳ тўхтатадилар, гоҳ тиклайдилар[2]. Бу ерда, чамаси, Канг билан муносабатлар назарда тутилади.

Анси, яъни Парфия ва мил. I асрда пайдо бўлган, Шимолий Бактрияни Ҳисор тизмасига қадар ўз ичига олган кучли Кушон давлати билан дипломатик муносабатлар ўзига хос йўналиш олган эди.

Ҳар ҳолда, Парфия ўз хабарчисини ва ноёб ҳайвонлар кўришишидаги совғаларни юбориш билан чекланган ҳолда Хитой билан дипломатик алоқаларни давом эттирди. Шундай қилиб, мил. 87 йилда император Чжан-ди ҳукмронлиги даврида Хитойга ўзи билан шер ва ҳайвонларни совға сифатида олиб борган элчи юборилган, мил. 101 йилда эса, Парфия ҳукмдори Манкюй (чамаси, Митридат) ҳам саройга шер ва туяқушни совға қилиб юборади[3]. Таъкидлаш жонзки, Бан Чаонинг буйруги билан айнан Парфия ҳудуди орқали мил. авв. 97 йилда қандайдир Ган-Ин хитойлар орасида биринчи бўлиб Ўрта ер денгизига етиб борган ва у ерда жойлашган мамлакатларни батафсил тавсифлаб берган эди[4].

Мил. III – V асрларда Ўрта Осиё ўлкаларининг Хитой билан дипломатик алоқалари. Цао Вэй (220 – 265), Цзин (265 – 480) ва Ғарбий Вей (386 – 556/557) сулолалари даврида Ўрта Осиёнинг турли ўлкалари ва Хитой ўртасидаги дипломатик алоқалар мутлақо йўқолиб кетади, бунга кўпроқ ҳарбий-сиёсий вазият сабаб бўлади.

Қадимги даврнинг буюк империялари – Кушон ва Парфия қулайди. Кушон давлати таркибига кирган Шимолий Бактрия ҳудудида бир қатор мустақил ўлкалар шаклланади. Ўрта Осиёнинг жанубий-ғарбий

[1] *Бичурин Н.Я.* Сведения о народах ... С. 217.
[2] Ўша манба. 218 – 219-бетлар.
[3] Ўша манба. 225-бет.
[4] Ўша манба. 217 – 225-бетлар.

қисмида эса Парфия давлати қулаганидан кейин Сосонийлар ҳукумати ўрнатилади. Қанғ ҳам, чамаси, шу пайтда кўплаб кичик мустақил ўлкаларга бўлинади. Шимоли-ғарбдан ва шимоли-шарқдан хионий ва кидарий қабилалари Икки дарё оралиғига бостириб киришади.

Хунлар ва жужанларнинг босқини туфайли қучайган сиёсий вазиятнинг беқарорлиги, сулолавий қураши чуқурлашади, бу Хитойда ҳам кузатилади.

Шунга эътибор қаратиш керакки, мил. III асрнинг иккинчи ярми – V аср бошларида Ўрта Осиё ўлкалари ва Хитой ўртасидаги дипломатик муносабатларнинг бирор-бир шакли тўғрисида деярли маълумот йўқ. Бундан ташқари, масалан, император Мин-юан (409 – 423) ҳукмронлиги даврида «улар ғарбий ҳудуддан элчиларни умуман қабул қилишган эмас»[1].

Бу алоқаларнинг тикланиши Вэй Тай-У (424 – 452) сулоласи императори номи билан боғлиқ бўлиб, у Ўрта Осиёга император маслаҳатчилари бўлимининг мансабдорлари Дун Ван ва Гао Мин бошчилигида катта элчилар гуруҳини юборади, улар билан кўплаб совғалар, жумладан, кимхоб ва ипак матолар жўнатилган эди[2].

Дун Ван гуруҳи шимолий йўл орқали Ўрта Осиёга кириб борган, дастлаб Еттисувда яшовчи усунлар ҳузурига боришади, уларнинг ҳукмдори элчиларни катта ҳурмат билан қабул қилади. Шу билан бирга, Усун ҳукмдори Дун Ванга Полона (Фарғона) ва Чжеше (Шош) давлатлари узоқ вақтдан бери Хитой билан алоқа ўрнатишни орзу қилиб келаётганлари, «аммо йўлларнинг етишмаслигидан афсусда» эканликлари ҳақида айтади. Йўлнинг йўқлигини бу ерда умуман йўқ деб эмас, балки хуан ва хунлар Хитойнинг Ўрта Осиё билан алоқаларини тўлиқ бўлмаса-да, кескин қискартириб, бу йўлларни тўсиб қўйганликларини тушуниш керак.

Усунлар ҳудудидан чиқиб Дун Ван Фарғонага, Гао Мин эса Шошга боради, у ерларда бу ўлкаларни Хитойга вассал (қарам)лиги ҳақидаги шартномаларни тузади ва совғаларни топширади.

---

[1] *Бичурин Н.Я.* Сведения о народах ... С. 241.

[2] Ўша манба. 241 – 243-бетлар.

Узоқ йиллар давомида узилиб келган Ўрта Осиё мамлакатларининг Хитой билан дипломатик алоқаларини тиклаган Дун Ван сафарининг аҳамиятини Хитой учун ғарбий ўлкаларни очган Чжан Цзян сафарининг аҳамияти билан тенглаштириш мумкин.

Ўрта Осиёдаги 16 та давлат элчилари Дун Ван билан бирга ортга қараб йўлга чиқишади, «Бей шу»да айтилишича, «шундан бери элчилар бир-бирининг ортидан келади ва бир йил ҳам ўтмай у ерда бир неча давлатларнинг элчилари сафарда бўлишади»[1].

Ўрта Осиё ўлкалари ва Хитой ўртасидаги дипломатик ва бошқа турдаги муносабатларнинг сезиларли даражада жадаллаши, аввалгиларидан кўра анча ривожланиши Хитойда Тан сулоласи ҳукмронлиги даврида (628 – 907 йй.), VIII асрнинг иккинчи ярмига қадар, яъни Хитойнинг Ўрта Осиё томонга ҳаракати араблар томонидан тўхтатилган вақтга қадар кузатилади.

Юқоридаги маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, дипломатия халқаро муносабатларнинг алоҳида шакли сифатида Ўрта Осиёда мил. авв. I мингйилликнинг биринчи ярмида пайдо бўлади, аммо унинг шаклланиши ва ривожланиши мил. авв. биринчи – мил. биринчи асрларда кузатилади.

Айрим сиёсий сабаблар туфайли ривожланишнинг дастлабки босқичида Эрон ва Ғарбнинг эллин давлатлари билан дипломатик алоқалар алоҳида аҳамиятга эга бўлган, мил. авв. I мингйиллик охиридан уларда Хитой асосий ўринни эгаллай бошлайди.

Бу мамлакатда ҳукмронлик қилган турли сулолалар билан дипломатик алоқалар аниқ бир мазмунда эмас эди. Агар Катта Хан сулоласи ҳукмронлиги даврида жуда фаол бўлган бўлса, унда Кичик Хан сулоласининг ҳукмронлиги бошида сусайиб кетган, кейин эса, гарчи бир тартибда бўлмаса-да, қайта тикланади.

Ўрта Осиёдаги ҳарбий-сиёсий вазият, жужанлар, хунлар, хионийлар, кидарийлар, кўчманчи қабилалар босқини, Хитойдаги сулолавий кураш бу муносабатларнинг деярли бутунлай тўхташига олиб кела-

[1] *Малявкин А.Г.* Танские хроники ... С. 64.

ди. Уларнинг қайта тикланиши фақат V асрнинг иккинчи чорагида кузатилади, аммо бу Хитойнинг Ўрта Осиёда кўчманчи қабилаларга қарши курашда иттифоқчилар излаши, шунингдек, ушбу минтақада анъанавий экспансион сиёсатни қайта бошлаши билан боғлиқ эди.

Эҳтимол, бу даврда Ўрта Осиё давлатларида халқаро алоқаларни амалга оширувчи махсус идоралар, ушбу соҳага ихтисослашган одамларнинг маълум бир тоифаси мавжуд бўлган бўлиши мумкин. Нима бўлганда ҳам, вакиллар, уларнинг ёрдамчилари, тилмоч-таржимонлар бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор.

САНЪАТ ВА ДАВЛАТЧИЛИК

Сиёсий, ижтимоий, маданий ҳаётнинг бошқа кўплаб турлари сингари санъат ҳам давлатчилик тараққиётининг қонуниятлари ва хусусиятларини ўзида акс эттиради. Бу, айниқса, давлатчилик ва маданият, хусусан, бадиий маданиятнинг ривожланиши шаҳар-давлатлар каби дастлабки оддий давлат шаклларидан тортиб то қудратли мустабид монархияларгача, шунга мос равишда суст ривожланган маданият шаклларидан тортиб оддий одамлар олдида фиръавнлар ва шаҳаншоҳларнинг улуғворлигини ва илоҳий моҳиятини бўрттириш учун улар томонидан қурилган маҳобатли санъат ёдгорликларигача бўлган ривожланиши билан баробар кечган қадимги Миср, Месопотамия ва Олд Осиё мисолида яққол кўринади.

Бошқача қилиб айтганда, бадиий маданиятнинг маълум бир ривожланиш даражаси давлатчилик тараққиётининг маълум бир босқичига тўғри келади. Давлатчиликнинг дастлабки шакли тасвирий санъатдан кўра кўпроқ амалий санъатнинг ибтидоий шаклига мувофиқ келади. Ривожланган давлат баъзан жуда юқори даражада ривожланган санъат шаклларига мос келади. Асосан буюк империялар қулаганидан кейин пайдо бўладиган, баъзан ижтимоий-иқтисодий, жамоавий ва бошқа турдаги туб ўзгаришлар билан бирга келган «ўтиш даври» деб номланган даврда санъат яна дастлабки ҳолатига қайтади.

Расмий санъатнинг ривожланиши кўп жиҳатдан давлат сиёсати билан белгиланади. Қадимги даврларда ҳам аксарият ҳолларда ҳозирги пайтдаги каби рассомнинг ўзини ўзи англаши расмий сиёсатдан мустақил бўлган санъатнинг янги йўналишларини излаш ва аниқлашга олиб келган эди. Қадимги Ўрта Осиёда, Яқин ва Ўрта Шарқдан фарқли ўлароқ, давлат сиёсатининг санъатда етакчи рол ўйнагани ҳақида яқин вақтларгача ёзма далиллар йўқ эди.

Кушон подшоҳи Канишка ноиб Шарафга ибодатхона қуришни ва унда олдинги Кушон подшоҳлари – катта бобоси Кудзула Кадфизнинг, бобоси Вима Так [то]нинг, отаси Вима Кадфизнинг ҳайкалларини ўрнатишни буюрганлиги ёзилган. Работак ёзувининг топилиши Ўрта Осиёда, ҳеч қурса, Кушон подшолигида ҳайкалтарошлик санъатининг ривожланиши кўп жиҳатдан шоҳларнинг хоҳиш-иродаси билан белгиланганини тасдиқлашимизга имкон беради.

Бактрия, Сўғд, Хоразм, Маргиёнанинг археологик тадқиқотлари ғарбда Каспий денгизи, шарқда Помир, шимолда Қозоғистон даштлари, жанубда Ҳиндукуш тоғлари орасида чўзилган ушбу улкан минтақанинг моддий ва бадиий маданиятини қайта тасвирлашга имкон берди. Янги маълумотлар Ўрта Осиёда сўнгги бронза давридан (мил. авв. II мингйилликнинг иккинчи ярми) антик давр охиригача (мил. III – IV асрлар) давлатчиликнинг эволюциясига мувофиқ қадимги санъат ривожининг асосий йўллари ҳақида анча ишонарли гувоҳлик беради.

Қуйида ушбу тезисга кўра қадимги даврда Ўзбекистон санъатининг ривожланиш эволюциясини кўриб чиқамиз. Бу ерда унинг шаклланиш маркази Сурхондарё вилояти бўлиб, у ерда мил. авв. II мингйиллик ўрталарида қадимги Шарқ туридаги Сополли ўтроқ-деҳқончилик маданияти шаклланган эди[1].

Шу билан бирга, амалий санъатнинг маълум шакллари пайдо бўлади ва ривожланади, хусусан, лойдан ясалган буюмлар шаклларини майда ликопча шаклидаги идишлардан тортиб то юқори қия оёқлари бор яхши ишланган вазаларгача мукаммаллаштириш, идиш турла-

[1] *Аскаров А.А.* Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Ташкент. 1977.

рини кўпайтириш, турли хил яримқимматбаҳо тошлардан ва безак беришнинг маълум шаклларидан фойдаланиб заргарлик буюмларини ишлашни ривожлантиришда намоён бўлади. Металга ишлов бериш ва тошга нақш ўйиш санъатида, ҳайвонлар шакли миниатюраси билан бронзадан ясалган соч тақинчоқлари безаклари, тош ва сопол юзаларига чизиб қолдирилган изларни, хаёлий (фантастик) ҳайвонларнинг схематик расмларини ва инсон тасвирларини чизишда акс этган тасвирий санъат ҳам бу давр учун бегона эмас эди.

Шунингдек, ҳайкалтарошлик санъатининг илк куртаклари ҳам пайдо бўлди, балки Жарқўтонда дафн жойларидаги майда шаклдаги одамларнинг сопол ҳайкалчалари буни умумий тарзда ўзида акс эттириши мумкин[1].

Шундай қилиб, бу давр санъати давлатчиликнинг ғарбча шакли шаклланиш босқичи билан мувофиқ равишда ривожланди.

Аҳамонийлар даври санъати

Қадимги юнон ёзма манбалари мил. авв. IV асрнинг охирида Бақтрия, Сўғд, Марғиёнада ҳатто аҳамонийлар даврида ҳам ривожланган ва мураккаб тузилишга эга шаҳарлар мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Археологик тадқиқотлар нафақат уларнинг мавжудлигини тасдиқлади, балки шаҳар ва манзилгоҳларнинг хусусиятлари, тузилиши ва химояланиши, шунингдек, моддий маданияти борасида муҳим маълумотларни тақдим этди. Улар орасида Марғиёнадаги Эски Марв манзилгоҳининг қадимги маркази бўлган Эркқалъа, Сўғддаги Афросиёб (қадимги Мароқанд) кўҳна шаҳри, Узунқир кўҳна шаҳри, Жанубий Сўғддаги Сангиртепа ва Шимолий Бақтриядаги Қизилтепа, шунингдек, бу даврдаги бошқа кўплаб кичик манзилгоҳлар бўйича ўтказилган тадқиқотлар яна кўп қизиқарли материалларни берди.

[1] Культура и искусство древнего Узбекистана. М., 1991. С. 62.

Ушбу ҳудудда монументал тасвирий санъатнинг ривожланиши ҳақида билвосита ва тўғридан-тўғри маълумотлар мавжуд. Масалан, мил. авв. IV аср муаллифи Харес Митиленский ёзган Зариадранинг Одатида – «Осиёдаги энг гўзал аёл»га бўлган муҳаббати ҳақидаги ҳикоясида келтирилишича, улар севгисининг романтик тарихи Ўрта Осиё халқлари орасида жуда машҳур бўлган: «у ҳақдаги ҳикоялар маъбадлар ва саройлардаги, шунингдек, хусусий уйлардаги расмларда акс эттирилади»[1].

Бу ерда аҳамонийлардан олдин ва аҳамонийлар даврида деворий ҳайкалтарошлик санъати бўлганлигини тахмин қилишимиз мумкин. Ҳайкалтарошликнинг мавжуд бўлганлиги Тожикистоннинг Конибодом туманидаги Исфарадан топилган топилмалар билан тасдиқланади. Мил. авв. V – III асрларга оид бу топилмалар бронзадан ясалган, иккита катта ҳажмли, ичи бўш қўчқор бошлари бўлиб, уларнинг оғирлиги 8,1 ва 14,8 кг дан иборатдир[2]. Улар битта умумий ҳайкални ташкил этган бўлиши ёки бинонинг ички қисмини безаб турган ҳайкалтарошлик композицияси таркибига кирган бўлиши ёки исломдан аввалги даврларда Ўрта Осиё ва Эронда кенг тарқалган зооморф (ҳайвон қиёфаси шаклларини бериб ясалган) тахтнинг қисмлари бўлган бўлиши мумкин[3]. Монументал ҳайкалтарошлик шаклларининг ривожланишини, шунингдек, Султон Увайс (Хоразм) тоғларида топилган, ёни билан турли томонларга қараган оёқларини букиб ётган соқолли эркак бошли ҳайвонлар кўринишидаги полиморф фигуралар билан безатилган тош капител (устуннинг тепа қисми) топилмалари ҳам кўрсатади. Унда Эрон аҳамонийлари даври санъатига яқин ўхшашликлар мавжуд[4].

Бу даврнинг кулолчилик санъати идишларнинг хилма-хиллиги ва шаклларининг стандартлаштирилиши, юқори сифатли ишлаб чиқа-

[1] Харес Митиленский // ВДИ. 1947. № 3. С. 252.

[2] Живопись и скульптура Таджикистана. Л., 1984. С. 8; Aus den Schatzkammern Eurasiens Meester werke antiker Kunst. Kunst-haus Zurich. 29 Januar bis 2 Mai 1993. S. 138 – 139.

[3] *Беленицкий А.М.* Зооморфные троны в изобразительном искусстве Средней Азии // Известия Отделения общественных наук АН Тадж. ССР. 1–28. Душанбе, 1962. С. 14 – 17; *Пугаченкова Г.А.* Интерпретация одного из персонажей на Биянайманском оссуарии //ИМКУ. Вып. 27. Самарканд, 1996. С. 44 – 50.

[4] *Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И.* Очерки искусства Средней Азии. М., 1982. С. 39.

риш техникасига эгалиги, камроқ безак берилгани ва нақшларининг йўқлиги билан ажралиб туради. Мил. авв. I мингйиллик бошларида кулолчиликда кенг тарқалган идишлар юзасига қизил ва жигарранг бўёқ билан нақш бериш анъанаси бу даврга келиб барҳам топади.

Кулолчилик санъатининг ўзига хос хусусияти асосан мил. авв. VII — VI асрларнинг дастлабки даврларига оид кулолчилик санъатига мансуб цилиндрсимон шаклларга эга идишлар шаклини мукаммаллаштиришда кўринади. Цилиндрсимон кулолчилик Хоразмдан Бақтрияга қадар деярли барча ҳудудларда кенг тарқалади. Амалий санъатнинг бошқа турдаги буюмлари тошга нақш ўйиш санъати маҳсулотлари — Тошкентдаги Ўзбекистон тарихи музейи коллекциясидаги аҳамонийлар услубида ясалган бир нечта қимматбаҳо буюмлар кўҳна Афросиёб шаҳрида топилди[1].

Аҳамонийлар давридаги Ўрта Осиёнинг ўтроқ деҳқончилик ҳудудларига оид кам сонли санъат ёдгорликлари қаторидан Амударё хазинасидан[2] ёки Окс хазинасидан топилган, шунингдек, Тахти Сангиндаги Окс ибодатхонаси хазинахонасининг кўплаб санъат буюмлари (майда санъат шакллари — юмалоқ металл пластинка, торевтика (металга бўртма ишлов берилган бадиий буюм), заргарлик буюмлари) жой олиб турибди[3]. Уларга қатъий илмий ёндашув шуни кўрсатадики, камдан-кам ҳолатлардан ташқари, улар Ўрта Осиёда аҳамонийлар даври санъатини тасвирлаш учун ҳақиқий тарихий манба бўлиб хизмат қила олмайди, бир неча асрлар давомида Бақтрия ибодатхоналарида қайси хазиналар ва қайси давлатлардан тўпланган тўғрисида тасаввур беради, холос.

Ушбу «хазиналар» яширилган санаси бўйича аҳамонийлар даврининг тугашидан кечроқ даврга оид бўлиб, чамаси, мил. авв. 327 йил-

[1] *Пугаченкова Г.Л.* Три ахеменидские геммы из собрания Музея истории Узбекской ССР // Труды Музея истории Узбекской ССР. Вып. 3. Ташкент, 1956. С. 81 — 87.

[2] Ушбу хазина ҳақидаги илмий адабиётлар жуда кўп. Биз фақат асосийларини келтирамиз: *Cunningham A.* Relics from Ancient Persia in Gold, Silver and Copper // The Journal of the Asiatic Society of Bengal, 1881. P. 151 — 186; *Dalton O.M.* The Treasure of the Oxus. London, 1905; *Ghirshman R.G.* Perse. Proto-Iranies. Mèdes. Achéménides. Paris, 1963; *Barnet R.* The Art of Bactria and the Treasure of the Oxus // Iranica Antigua. Leiden, 1968. Vol. 8. P. 34 — 53; *Зеймаль Е.В.* Амударьинский клад...; *Пичикян И.Р.* Культура Бактрии ...

[3] *Пичикян И.Р.* Культура Бактрии ... С. 119 — 196. Бу ерда Окс маъбади хазинаси ҳақида барча адабиётлар келтирилган.

да Бақтрия Александр томонидан босиб олиниши билан боғлиқдир (бу сана деярли 200 йиллар оралиғида бўлиб, ҳар икки ҳолатда ҳам Амударё хазинаси мил. авв. II асрда кўмилган, Окс маъбади хазинаси эса юэчжилар босқини арафасида, яъни мил. авв. II асрнинг иккинчи ярми бошида яширилади)[1]. Ушбу буюмлар маъбадга (ёки маъбадларга) ҳадя сифатида исталган вақтда, исталган жойдан олиб келинган бўлиши мумкин эди.

Илмий археологик усулларга мувофиқ қайд этилган Тахти Сангиндаги Окс ибодатхонаси хазинаси таркибининг ҳақиқийлиги шубҳа туғдирмайди, аммо, қатъий қилиб айтганда, Равалпинди (Покистон) да турли хил шароитларда тўпланган нарсалар тўплами бўлган Амударё хазинаси таркибининг ҳақиқийлиги шубҳалидир. Уларнинг Тахти Кубод кўҳна шаҳридан топилган баъзилари ҳақиқатан ҳам Амударё хазинасига тегишли бўлиши мумкин, бошқалари эса Равалпиндидаги жойида қўшилган ва улар Гандхарада ёки Қобулистонда ишланган топилмалардан иборат.

Топилмаларнинг аниқланиш шароитлари ойдинлаштирилмаганлиги учун[2] хазинанинг Е.В. Зеймаль томонидан қўшилган, турли хил музей коллекцияларидан бўлган танга қисми ҳам шубҳа уйғотади, шунингдек, мил. авв. V – IV асрлар Юнонистон шаҳарларига оид, Ўрта Осиё ҳудудида Кичик Осиёнинг аҳамонийлар сатрапликларига оид ҳеч қандай танга ҳанузгача топилмади. Фақатгина сўнгги йилларда Жанубий Туркманистонда бир қисми тошкентлик коллекционерлар қўлига тушиб қолган аҳамонийлар сиккалари хазинаси топилди[3].

Амударё хазинасининг дастлабки қисмини ўрганиш олтин ва кумушдан ясалган буюмларни уларнинг келиб чиқиш жойи бўйича беш гуруҳга ажратиш имконини берди[4]. Улар:

1. Аҳамонийлар давригача бўлган Мидия ва Луристон буюмлари.

---

[1] *Пичикян И.Р.* Культура Бактрии ...

[2] *Зеймаль Е.В.* Амударьинский клад ... С. 22 – 23, 72 – 84; *Bellinger A.R.* The Coins from the Treasure of the Oxus. // The American Numismatic Society. Museum Notes. New York, 1962. Vol. 10. P. 51 – 67.

[3] *Бирюков Д.В.* У истоков денежного обращения Средней Азии ... С. 5 – 18.

[4] *Пичикян И.Р.* Культура Баутрии ... С. 71 – 72.

2. Ғарбий Эроннинг аҳамонийлар даврига оид шоҳлик ёки сатраплик унвонига оид буюмлар.

3. Қичик Осиё анъаналари асосида мил. авв. IV аср охиригача ясалган буюмлар.

4. Худди шу даврда ясалган маҳаллий Бақтрияга оид буюмлар.

5. Скиф-Сибир анъаналарига оид буюмлар.

Фақатгина охирги икки гуруҳ аҳамонийлар давридаги Ўрта Осиё санъатининг хусусиятларини, торевтика ва заргарлик буюмларининг ривожланишини тавсифлай олади. Биринчи учта гуруҳга келсак, улар фаразлардан бирига кўра, Македониялик Александрнинг қўшинлари бу ерда бўлган пайтда Бақтрия ибодатхонасига олиб келинган ёки Македония қўшини томонидан Эрон пойтахтларида ҳарбий ўлжалар сифатида қўлга киритилган ва ибодатхонага хайр-эҳсон қилинган эди[1]. Аммо бу Македониялик Александр даврида Окс ибодатхонаси (И. Пичикян Амударё хазинасини шу билан боғлайди) мавжудлигини исботлаш мумкин бўлган фаразларнинг биттаси холос. Тахти Сангин кўҳна шаҳрида мил. авв. V – IV асрларга оид цилиндрсимон кулолчилик[2] учун хос бўлган маданий қатламларнинг йўқлиги унинг кейинчалик – Салавкийлар ёки Юнон-Бақтрия даврларида пайдо бўлган деб тахмин қилишга олиб келади.

Амударё хазинаси Окс ибодатхонаси хазинасидан танланган қимматбаҳо металл буюмларнинг бир қисми бўлиши эҳтимоли жуда кам. Шубҳасиз, бу икки хил вақтга оид мажмуа: бири Амударё хазинаси бўлиб, у анча қадимги даврга (мил. авв. VI – IV асрлар) оид, унда эллин даври буюмлари (мил. авв. III – II асрлар) деярли йўқ, уни Р. Гиршман ҳақли равишда мил. авв. IV аср охири – III аср бошларида кўмилган деб ҳисоблайди[3]; иккинчиси – Окс ибодатхонасининг хазинаси нисбатан кейинги даврга (мил. авв. III аср – II асрнинг иккинчи ярми бошлари) оид бўлиб, унда кам миқдорда аҳамонийлар даври буюмлари ва кўп миқдорда эллин даврига оид нарсалар бор.

[1] *Пичикян И.Р.* Культура Бактрии ... С. 72 – 74.

[2] Ўша манба. 138 – 196-бетлар.

[3] *Ghirsman R.* Persia from the Origins to Alexander the Great. L., 1964. P. 265.

Бир-бирига яқин жойлашган иккита ибодатхонанинг мавжудлиги (мазкур ҳолатда бир-биридан 5 км масофада), ҳатто улар бир вақтнинг ўзида ишлаган деб тахмин қилиш ҳам диний амалиётда кенг тарқалган ҳодиса. Амударё хазинаси маъбад хазиналарига тегишли эканлиги шубҳали, гарчи унинг катта қисми худоларга бағишланган буюмлар бўлса ҳам, хазинада кўплаб уй-рўзғор буюмлари мавжуд. Шунингдек, унинг Бақтрия зодагонлари уруғи хазинаси эканлиги ҳам шубҳали[1]. Е.В. Зеймаль у маъбад хазинаси ва бутун бир уругнинг хазинаси бўладиган даражада катта эмас, битта бой ва амалдор одамга тегишли бўлиши мумкин деб ҳисоблайди[2]. Масалан, Далварзин хазинаси таркибидаги олтин миқдори жиҳатидан анча аҳамиятли (бу хазинадаги битта олтин ёмби Амударё хазинасининг барча олтинларидан ҳам оғирроқ), у Кушон шаҳри амалдорининг уйидан топилди[3].

Шубҳасиз, аҳамонийлар хазинасининг бир қисми ва аҳамонийлар даврига оид Окс ибодатхонаси хазиналарининг бир қисми Ўрта Осиёдан узоқда жойлашган мамлакатлар санъати, биринчи навбатда, Эрон аҳамонийлари санъатининг мафкуравий хусусиятларини унинг меъёрий қоидалари, мураккаб диний рамзлари, ўзаро ўхшаш, шу билан бирга, хилма-хил бадиий услублари: хусусан, Эрон, Эрон-Месопотамия, Кичик Осиё ва Скиф-Эрон услублари билан ўзида акс эттиради.

Бақтриядан келиб чиққан буюмлар қаторига асосан отнинг бошига ўхшатиб ишланган тугалланмаган бадиий буюмлар ва бир нечта новдалар боғламини ушлаб тик турган киёфанинг профил (ён томондан тасвирланган) тасвири туширилган ўттиздан ошиқ юпқа олтин плиталар тегишли деб қаралади. Улар қаторига, шунингдек, кўплаб заргарлик буюмлари: турли хил қалқонлардаги тасвирлар туширилган узуклар; учи ҳайвонларнинг боши билан тугайдиган билагузуклар; қушлар шаклидаги маржонлар; ҳайвонлар — отлар, туялар, шер-грифонлар тасвирланган олтин плиталар ва дисклар ҳам ки-

[1] *Ставиский Б.Я.* Заметки об Амударьинском кладе // Искусство Востока и античности. М., 1977. С. 204.

[2] *Зеймаль Е.В.* Амударьинский клад ... С. 32.

[3] *Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В.* и др. Дальверзинтепе — кушанский ... С. 47 — 62.

риши мумкин[1]. Маҳаллий ашёларнинг яна бир тоифасига скифларнинг ҳайвонлар тасвирлари аралаш нақшкорлик услубида ишланган буюмлар ҳам киради[2]. Аммо уларга фақат Амударё хазинасидаги[3] оддий ишланган санъат буюмлари мансуб, бошқалари — юқори даражада ишланган бадиий буюмлар эса, ахамонийлар даврида бадиий санъатнинг юқори даражада ривожланганлигини ҳисобга олган ҳолда, бевосита Бақтрияда ясалган деб тахмин қилиш мумкин. Бу ҳолда бронза даврига оид Бақтрия тасвирий ва амалий санъатининг чуқур анъаналарини ҳисобга олиш керак.

Ўзбекистон ҳудудида эллин даврига оид санъат ёдгорликлари ҳозирча етарли даражада намойиш этилмаган, чунки ушбу даврнинг бир қатор қадимги манзилгоҳлари, масалан, Афросиёб, Ерқўрғон, Эски Термиз, Далварзинтепа қатламлари қадимги даврларнинг қудратли маданий қатламлари билан ёпилиб кетган ва уларни ўрганиш деярли имконсиздир. Бироқ, Яқин ва Ўрта Шарқнинг кўплаб ҳудудларида бўлгани каби, бу ерда ҳам санъат эллин анъаналарга мувофиқ ривожланади. Буни ҳатто Тожикистоннинг жанубидан топилган Амударё хазинаси ва Тахти Сангин буюмлари таркибига қараб ҳам айтиш мумкин, уларнинг аксарияти эллин ҳукмронлиги даврида Ўрта Шарқдан олиб келинган ёки эллин меъёрларига мувофиқ ишланган эди. Бу буюмлар бўйича Шимолий Бақтрияда йирик лой ва гипс ҳайкалтарошлиги, тошга ўйиб нақш бериш, торевтика, заргарлик буюмлари, суяк ўймакорлиги, тасвирий ва амалий санъатнинг бошқа турлари ривожланганлигини тасдиқлаш мумкин. Эллин анъаналари билан бир қаторда ушбу топилмаларнинг баъзиларида скифларнинг ҳайвонлар тасвирлари аралаш нақшкорлик услубининг бадиий йўналишлари излари ҳам мавжуд.

Бу вақтда Бақтрияда медалга ишлов бериш, хусусан, танга иконографияси юқори даражада ривожланган эди. Юнон-Бақтрия подшоҳларининг тангалари ўзининг бадиий безаклари бўйича эллин дунёси-

[1] *Зеймаль Е.В.* Амударьинский клад ... С. 64 — 72.
[2] *Пичикян И.Р.* Культура Бактрии ... С. 71.
[3] Ўша манба. 68 — 70-бет.

даги энг яхшиларидан бири ҳисобланади. Тангаларнинг олд томонида босилган портрет қиёфалари монархларнинг асл қиёфаларини ўзида акс эттиради, орқа тарафдаги худоларнинг тасвирлари эса машҳур юнон ҳайкаллари нусхалари ҳисобланади.

Юэчжи даври санъати

Шимолий Бақтрия мил. авв. II асрнинг учинчи чорагида бу ерга хунлар босими остида Хитойнинг ҳозирги Гансу провинцияси ўрнида бўлган ҳудуддан кўчиб келган юэчжилар (юнон-рим тарихчилари тохарлар деб атайди) томонидан босиб олинади. Бироз кейинроқ юэчжи-тохарлар Жанубий Бақтрияни забт этадилар ва маркази Бақтрада бўлган Юэчжи конфедератив давлатини тузадилар, бу давлат мил. I асрнинг биринчи ярмида Кудзула Кадфиз Кушон шоҳлигини ташкил этгунига қадар ҳукм суради.

1959 – 1963 йилларда Ўзбекистон санъати тарихи экспедицияси томонидан ўрганилган Холчаёндаги биноларнинг, ундаги ноёб ҳайкалтарошлик композициялари ва монументал расм қолдиқларига кўра, Юэчжи давридаги санъат ёдгорликлари қаторига киради[1].

Ушбу бино тегишли бўлган давр ва уни изоҳлаш борасида турли хил фикрлар мавжуд. Г.А. Пугаченкованинг сўзларига кўра, бу бино милодимиз чегарасидан икки ёки уч ўн йилликлар олдин ёки кейин қурилган[2], қарийб икки аср давомида мавжуд бўлган кичик бир сарой бўлиб, вақт ўтиши билан саройнинг асосий зали табаррук аждодлар зали вазифасини бажарган эди. Б. Роуланд, Б.Я. Ставиский, А.В. Седов эса бошқача фикрда, улар бинонинг қурилишини Кушон даврига, мил. I аср – II аср бошларига оид деб ҳисоблашади[3].

---

[1] *Пугаченкова Г.А.* Халчаян. Ташкент, 1965.

[2] *Пугаченкова Г.А.* Еще раз о халчаянской скульптуре // Центральная Азия. Новые памятники письменности и искусства. М., 1987. С. 258 – 259.

[3] *Rowland B.* Zentralasien. Baden-Baden, 1970. S. 41 – 42; *Ставиский Б.Я.* Кушанская Бактрия ... С. 206, 227; *Литвинский Б.А., Седов А.В.* Тепан-шах: Культура ... С. 32 – 33.

Б.Я. Ставиский ва А.Б. Седов дастлаб бу бино сулолалар ибодатхонаси сифатида қурилган деб ҳисоблайдилар[1]. Бироқ бинонинг қурилиш даври борасидаги фикрлари бирор далил билан тасдиқланмаган, бунга аллақачон эътибор қаратилган бўлиб[2], бу борада Г.А. Пугаченкованинг далиллари энг асосли саналади[3].

Яна бир иш ҳайкалтарошлик саҳналари ва ўзига хос тасвирларнинг мазмунини талқин қилишдир. Холчаёндаги сарой лой ғиштдан қурилган кичкина (35×20 м) бино бўлиб, унинг асосий олди томонида чуқур олти устунли портал-айвон, унинг ортида қабул зали, икки устунли тахт хонаси, марказий залнинг ўнг ва чап томонида қўшимча хоналар, қурол-аслаҳа омбори жойлашган.

Айвон ва сарой зали турли ҳайкалтарошлик композициялари билан безатилган, улар катта залда жуда аниқ, айвонда эса ноаниқ ифодаланади. Девордаги ҳайкаллар лойдан ясалиб, кейин асосан қизил, камроқ оқ ва қора ранглар билан бўялганлиги кузатилади. Шунингдек, ҳайкалтарошлик композициялари жойлаштирилган фон ҳам рангга бўялган. Ҳайкалларнинг бошлари тўлиқ ҳажмда ясалган ва бутун тана пастгача – белгача тананинг тўртдан уч қисмида ёки ярмида – оёққача тасвирланиб, текис юзада бўрттириб ишланган. Ҳайкал икки метр баландликда, доимий тарзда бир девордан иккинчисига силжиб турадиган кенг фриз шаклида жойлашган.

Г.А. Пугаченкова томонидан таклиф этилган қайта гавдалантиришга кўра, бу ерда учта мустақил саҳна мавжуд бўлган, уларда ўнлаб одамларнинг қиёфалари, отдаги чавандозлар, шунингдек, худолар ҳайкаллари тасвирланган эди.

Асосий композицияни марказий қисмини тахтда ўтирган ҳукмдор ва унинг рафиқаси эгаллаган, иккала томонида оила аъзолари, маҳаллий зодагонларнинг ҳайкаллари ва уларнинг тепасида Афина, Геркулес, Никанинг «эскича» ҳайкаллари ўрнатилган тахт саҳнаси ифодалайди.

---

[1] *Ставиский Б.Я.* Кушанская Бактрия ...; *Литвинский Б.А., Седов А.В.* Тепан-шах: ...

[2] *Ртвеладзе Э.В.* Рецензия на книгу Б.Я. Ставиского. Кушанская Бактрия // ВДИ. 1981. №2. С. 199 – 200.

[3] *Пугаченкова Г.А.* Еще раз о халчаянской скульптуре ... С. 258 – 265.

Шимолий девордаги композицияда паст ўриндиқда ўтирган ҳукмдор ифодаланган бўлиб, унинг чап ва ўнг томонида «Герай» уруғидан бўлган қариндошлари ва яқинларининг ҳайкаллари жойлаштирилган.

Жанубий девордаги ҳайкал композицияси эса енгил қуролланган камончилар ва *катафрактариялар* (оғир қуролланган жангчилар) нинг бир-бирларига қарши от чоптириб елдек учиб келаётган манзарасини ўз ичига олади.

Ушбу композициялар устидаги деворда яна бир фриз жойлашган, унда раққослар, томоша кўрсатувчи қизиқчилар ва оғир маржонлар тақиб юрган яланғоч болалар, гумбазларида мусиқачилар, масхарабозлар ва қизиқчиларнинг кўкрагигача бўлган тасвирлари ишланганини кўрамиз. Умуман олганда, бу ерда тасвирланган белгилар эллин дунёсида кенг тарқалган Дионис циклини акс эттиради.

Ҳайкалтарошлик композицияларида персонажларнинг образлари чуқур индивидуал ифодаланган ва мил. авв. II аср — мил. I аср бошлари учун хос бўлган Бақтрия тасвирий санъатида таъсирчан воқелик услубидаги бадиий меъёрларни ўзида акс эттирган, шубҳасиз, портретга хос жиҳатларга эгадир[1].

Холчаён ҳайкалтарошлиги таҳлили шуни кўрсатдики, юнон ҳудоларининг тасвирларида ва бадиий услубда эллин дунёсига хос жиҳатлар сақланиб қолган, бошқа этник-маданий муҳит вакиллари унинг асосий мавзусига айланган, бу эса бадиий асарнинг шакли ва мазмунига таъсир қилган.

Г.А. Пугаченкованинг талқинига кўра, асосий ҳайкалтарошлик асари элчилар учун зиёфатлар саҳналарида, ҳарбий галабаларда, Афина, Геркулес, шунингдек, Кибел каби ҳудоларнинг изни билан ўтадиган мусиқачилар, қизиқчилар ва масхарабозлар иштирокидаги зиёфат саҳналарида «Герай» уруғини улуғлашга бағишланган эди. Холчаён ҳайкалтарошлик асари ва «Герай» уруғининг галабаси ўртасидаги боғлиқлик умумий типологик ва этник хусусиятларга эга маълум бир ҳайкалтарош гуруҳнинг устунлигига асосланган бўлиб.

[1] *Пугаченкова Г.А.* Скульптура Халчаяна ...; Ўша муаллиф. Еще раз о халчаянской скульптуре ... С. 261.

бу хусусиятлар, жумладан, қуйидагиларда намоён бўлган: соч турмаги асосида соч тасмаси билан кўтарилган ва тугилган қалин қора сочлар; қалин бакенбард; кичкина мўйлов, катта, бироз қисилган кўзлар билан квадратсимон юмалоқ юз. Ушбу белгиларга кўра бу ҳайкалтарошлик гуруҳи ўша даврда зарб этилган Қушон тангаларидаги ҳукмдор «Герай» тасвири билан ўхшашликка эга[1].

Бироқ ушбу ҳайкалтарошлик гуруҳи учун бунга ўхшаш ном мазкур тангалардаги матн нотўғри тушунилганлиги туфайли номувофиқ фикр уйғотади.

Тетрадрахмлардаги ёзувлар тўрт сўздан иборат: ΤΥΡΑΝΟΙΝ-ΤΟΣΗΡΑΟΥ ΣΑΝΑΒΟΥ ΚΟΡΡΑΝΟΥ, бу таржимада Ҳукмрон «Герай» Санаб Қушон деган маънони англатади, бу ерда одатий талқинда ёзувнинг биринчи сўзи — унвон, иккинчиси — шахсий исм, учинчиси — вилоят номи ёки шахсий исм, тўртинчиси — қабила ёки сулоланинг қаратқич келишигида ёзилган номидир[2].

Янги нумизматик маълумотларни ҳисобга олган ҳолда бу матнни мана бундай тарзда ўқиш ва тушуниш керак: унинг биринчи сўзи — юнонча унвон; иккинчиси ҳам унвон, аммо маҳаллий эмас, балки юэчжича; учинчи сўзи — тахаллус (баъзи тангаларда юнонча ΑΝΤΕΙΧ[3], бошқаларида эронча ΣΑΝΑΒ айни бир маънони англатади — «душманни даф қилувчи») ва тўртинчи сўз — Қушоннинг шахсий исми[4].

Эҳтимол, бу сирли тетрадрахм ва оболларни чиқарган, янги Юэчжи сулоласининг асосчиси бўлган ҳукмдорни айнан шундай — Қушон деб чиқаришгандир, ўйлаб топилганидек, «Герай» деб эмас. Кейинчалик, худди Парфия давлати ҳукмдорлари парнлар (худди шу кўчманчи муҳитнинг туб аҳолиси) асрлар давомида Парфия сулоласи асосчиси Аршак исмини тангалар матнларида сақлаб келганидек, Қушон давлатининг барча ҳукмдорлари асосчи номига ҳурмат билан муносабатда бўлиб, унинг исмини ўз тангаларига жойлаштиради.

---

[1] *Пугаченкова Г.А.* Халчаян ... С. 188 – 191.

[2] *Зограф А.Н.* Монеты «Герая» ...; *Давидович Е.А.* Первый клад ... С. 56 – 78.

[3] Биринчи марта ΣΑΝΑΒ ўрнига ΑΝΤΕΙΧ сўзи бўлган танга Ж. Крибб томонидан нашр қилинган: *Cribb J.* The «Heraus» coins ... P. 107 – 134.

[4] *Ртвеладзе Э.В.* К интерпретации слов ... С. 17.

Иккита унвоннинг MR'Y MLK' тарзида биргаликда ёзилиши мил. биринчи асрлардаги Хоразм тангаларида учрайди. Кейинчалик Бухорхудот тангаларида XWß K'W пайдо бўлган, бу «подшоҳ-шоҳ» деган маънони англатади[1]. Кушоннинг тетрадрахмлари матнидаги дастлабки иккита сўзни худди шу тарзда тушуниш керак.

Иккинчи ҳолат — Ўрта Осиёнинг қадимги давлатларида мил. III — IV асрларгача зарб қилинган тангалардаги матнларда этник ва сулолавий номлар эмас, фақат унвони + номи, камдан-кам ҳолларда — Юнон-Бақтрия ва Парфия тангаларида шарафли лақаб + сулолалар асосчисининг исми (Парфия тангаларида ва, ҳозирда аниқланишича, Кушон тангаларида ҳам) қўйилган эди.

Шундай қилиб, Холчаён биноси ҳақиқатан ҳам сарой бўлиб, кейинчалик у аждодларга сиғиниш ибодатхонасига айлантирилади. Унинг асосий ҳайкалтарошлик композициялари янги юэчжи сулоласи — кушонлар шон-шарафига ва ҳокимиятни эгаллашига бағишланади. Қабул саҳнасидаги ҳукмдорнинг ҳайкалида янги сулола асосчиси Кушон тасвирлангани эҳтимолга жуда яқин. Холчаён ҳайкалининг асосий қаҳрамонлари муайян уруғ вакилини эмас, балки умумий этник юэчжи авомини акс эттиради. Холчаён саройидаги ҳайкалтарошлик композициялари Шимолий Бақтриянинг бу қисми Кушон давлатига қўшилганидан кейингина пайдо бўлиши мумкин эди, бу эса, нумизматик маълумотларга кўра, Кудзула Кадфизнинг ўғли Вима Так [то] даврида рўй беради.

Кўриниб турибдики, қадимги Хитой ёзма манбаларида аниқ айтилганидек, Кушонийлар давлати ёки Буюк Юэчжи давлати сулоласи санъати генезисининг таркибий қисмларидан бири Холчаён ҳайкалтарошлигидир.

Юэчжи давридаги санъатнинг бошқа шаклларига келсак, улар ҳали ҳам старлича аниқланган эмас. Бироқ бу даврда терракота ҳайкалларнинг баъзи турларида ўз ифодасини топган коропластика (лойдан кичик ҳайкалчалар ясаш) ривожланганлиги ҳақида аниқ айтиш мумкин.

[1] *Смирнова О.И.* Каталог монет ... С. 31; *Вайнберг Б.И.* Монеты Древнего ... С. 83.

Қадимги даврдаги Ўзбекистон ҳудудидаги санъат антик даврда ёки биз аниқлаган бешинчи даврда, қудратли Кушон империяси ва катта таъсирга эга бўлган Қанғ ҳукм сурган даврда энг юқори даражага кўтарилди.

Ушбу даврда, хусусан, шаҳарлар гуллаб-яшнади. Икки дарё оралиғидаги ҳудудни зич тармоққа эга бўлган катта-кичик шаҳарлар қамраб олди. Шарқ ва Ғарб ўртасидаги бадиий ва маънавий қадриятлар алмашинувига ёрдам берадиган Буюк ипак йўли жадал фаолият кўрсатди. Марказий Осиё бу ерда нафақат воситачи сифатида, балки ўз маданиятининг кўплаб ютуқларини етказиб берувчиси сифатида ҳам майдонга чиқади, Сўғд манзилгоҳлари бу йўлнинг шарқий қисмида, Хитой пойтахти — Чанангача бўлган бутун йўл бўйлаб пайдо бўлади. Иқтисодиёт — қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик жадал ривожланади, товар-пул муносабатлари юқори даражада ўсади.

Буларнинг барчаси санъатнинг ривожланишига таъсир қилмай қолмайди. Айнан шу пайтда тасвирий санъатнинг шаклланиши ва жадал ривожланиши, шунингдек, унинг илгари хеч кузатилмаган турлари пайдо бўлиши кўзга ташланади. Хусусан, Холчаён, Далварзинтепа, Фаёзтепа, Қоратепа ва Тупроққалъада турли хил сюжет композициялари билан жиҳозланган девор ҳамда лой ва гипсдан ишланиб бўялган, катта ҳажмли монументал ҳайкаллар ясаш ривожланади. Кўплаб сарой ва маъбад биноларининг ички ранглар хилма-хиллиги ёрдамида турли хил диний ва дунёвий мазмундаги монументал деворий расмлар билан безатилади. Штампланган шакллардаги коропластика (лойдан кичик ҳайкалчалар ясаш), шунингдек, тошга нақш ўйиш ва заргарлик санъати кенг тарқалган эди. Айритом фризининг ҳайкалли бўртмаларида акс эттирилган металл ва тошга ишлов бериш бадиий санъати маҳаллий ҳунармандлар учун ёт эмас эди.

Санъатнинг барча турларидаги бадиий услубларда эллинлар ва Гандҳар услубининг таъсири билан бир қаторда қадимги даврларга оид маҳаллий анъаналар ҳам акс этган эди.

Кушон санъати

Ўрта Осиёнинг жануби буюк шох Вима Так [то] ҳукмронлиги даврида, мил. I аср ўрталари ёки иккинчи ярми бошида Кушон давлати таркибига киритилди, сосонийлар ҳукмдори Шопур I (241 – 262) томонидан забт этилгунга қадар шу ҳолатда қолди. Ушбу минтақанинг шимолида Кушон подшолигининг чегаралари Ҳисор тизмаси бўйлаб ўтган, у ерда Бақтрияни Сўғддан, Қанғ давлатини Кушондан ажратиб турадиган кучли истеҳком тизими бор эди[1]. Шунинг учун мазкур минтақанинг Кушон санъати бу даврнинг Бақтрия санъатидир.

Ўзбекистоннинг Сурхондарё вилоятида, Афғонистоннинг шимолида жойлашган Кушон даври санъат ёдгорликлари ранг-баранг ва ифодали: монументал ҳайкалтарошлик, деворий расмлар, меъморий безак, кичик ҳайкалтарошлик, кулолчилик, суяк ўймакорлиги, тошга нақш ўйиш санъати, заргарлик буюмлари, бадиий металл. Кушон санъати икки асосий йўналишда ривожланган, булар ҳинд-буддавий ва маҳаллий Бақтрия санъати бўлиб, иккинчисида амалий санъатда кўчманчи халқлар санъатига маълум ҳисса қўшган эллинларнинг муайян даражадаги таъсири сезилади.

Ушбу минтақанинг монументал санъатида ҳайкалтарошлик алоҳида ажралиб туради, уни тайёрлаш анъаналари, Окс ибодатхонаси қазилмаларидан кўриниб турганидек, Салавкийлар ва Юнон-Бақтрия даврларига бориб тақалади. Асосий материаллари – лой, гипс ва тошдан иборат. Аммо металл ва комбинациялашган ҳайкалтарошлик ҳам мавжуд бўлган бўлиши мумкин, буни Кампиртепадан топилган, ёғочдан ясалган ва нозик кумуш қоплама билан қопланган одам ҳайкалчаси тасдиқлайди[2]. Лой ҳайкалча қўлда ясалган, гилнинг бир неча қатлами ички рамкага тўлдирилган ва ҳайкалнинг умумий шаклига ишлов берилган, сўнгра танаси ва юзига худди шу лойдан ёки гипсдан тайёрланган, мос ранг берилган аралашма силлиқ қатлам қилиб сурилган. Юзнинг алоҳида қисмларини ва зеб-зийнатларни ишлаш учун

[1] *Ртвеладзе Э.В.* Новые данные ... С. 67-70.

[2] Antiquities of Southern Uzbekistan. Soka University Press. Japan, 1991. P. 287.

кўпинча қолип ишлатилган. Одатдагидек, девор ёнидаги ёки девор устидаги лойдан ясалган ҳайкалтарошлик намуналари баланд рельефда, яъни жуда бўрттириб ишланади. Тошлар асосидаги ҳайкалтарошлик фриз шаклида ёки *Айритом* (ўтирган) ёки *Сурхкўтал* (тик турган) алоҳида ҳайкалтарошлик гуруҳлари шаклида намоён бўлади.

Бақтрия ҳайкалтарошлиги катта ҳажмдалиги ва қатъий йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга, шоҳлар ва худоларнинг монументал ҳайкаллардаги қиёфалар билан бир хил бўлган тангалардаги тасвирларига қараганда, тасвирни ён томондан тасвирлаш ҳам, тўртдан уч қисмда тасвирлаш ҳам Бақтрия ҳайкалтарошлигига бегона эмас эди.

Бақтриядаги монументал ҳайкаллар асосан маъбадларга ўрнатишга мўлжалланган бўлиб, мавзу ва мафкура жиҳатдан асосий иккита — диний ва дунёвий мазмунни ўзида мужассам этади. Улар бўйича ҳозиргача ҳеч қандай мифологик образлар қайд этилган эмас.

Диний ҳайкалтарошликда буддавийлик ҳайкалтарошлиги намуналари энг кўп учрайди. У Айритом, Далварзинтепа, Қоратепа, Фаёзтепа ва бошқа кичик ёдгорлик намуналарида намойиш этилган. Бақтрия ибодатхонаси ҳайкалтарошлиги кам даражада Далварзинтепа ва Сурхкўталда ўз ифодасини топган. Аммо унинг Бақтрияда кенг тарқалганлиги Сурхкўтал, айниқса, Работак ёзувларида аниқ кўрсатилган бўлиб, у ерда Канишка даврида қурилган ибодатхонада қайси зардуштий худоларга атаб ҳайкаллар ясалгани қайд этилади. Булар Умма, Нана, Ахура Мазда, Маздован, Срошард, Нараса, Михрдир[1]. Ҳеч шубҳа йўққи, маҳаллий худоларнинг ҳайкаллари Бақтриянинг бошқа ибодатхоналарида ҳам бўлган, аммо ҳозиргача улар мавжудлигининг ягона ҳақиқий далили бошида боғичи бор ўрта ёшли аёл тимсолида тасвирланган маъбуда — эҳтимол, маъбуда Нанадир — ҳайкалининг боши бўлиб, у Далварзинтепадаги ибодатхонага тегишлидир[2].

Кушон даврида дунёвий йўналиш ҳам кенг тарқалиб, етакчи ўринни «сулола санъати» эгаллайди. Худди шу Работак ёзувидан аниқ кўри-

[1] *Sims-Williams N., Cribb J.* A New Bactrian ... P. 73 — 145.

[2] *Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В.* и др. Дальверзин-тепе — кушанский ... С. 79 — 90.

ниб турибдики, Бақтрия ибодатхоналарида ҳимоячи маъбудлар ҳайкаллари билан бир қаторда нафақат ҳукмронлик қилаётган Канишка, балки ундан олдин ҳукмронлик қилган подшоҳлар — катта бобоси Кудзула Кадфиз, бобоси Вима Так [то] ва отаси Вима Кадфизнинг ҳам ҳайкаллари қўйилган эди. Матадан топилган тошдан ясалган тахтдаги шоҳнинг ҳайкали бунинг исботи бўлиб, Ж. Крибб уни Вима Так [то]нинг ҳайкали деб таъкидлайди[1].

Сурхкўталдан топилган серҳашам либосдаги тик турган тош ҳайкал шоҳнинг ҳайкали (Канишка?) бўлиб, у монументаллиги ва жиддий кўриниши билан ажралиб туради[2]. Шоҳ (Хувишка?) образи Айритомдан топилган Бақтрия ёзувили ҳайкалтарошлик мажмуасида ҳам ифодаланган бўлиб, унда ўтирган эркак ва унинг ёнида турган аёл тасвирланади[3].

Дунёвий йўналиш Далварзинтепа шаҳри атрофидаги буддавийлик ибодатхонасининг барпо этилишига ёрдам берган эҳсон эгаларининг лой ва гипс тасвирларида акс этади. Бу ерда ажойиб ишланган ҳайкал «Кушон шаҳзодаси» боши бўлиб, юзининг хушбичим шакли ва олтин нишонлар билан безатилган баланд бош кийими ажойиб ифодаланади. Г.А. Пугаченкова ушбу ҳайкал бошини Коммаген шаҳридаги маъбаддан топилган Антиохнинг боши билан таққослаб, уларда услубий яқинликни топди[4]. Шу билан бирга, Далварзинтепадан топилган «Кушон шоҳи» боши билан олтин тангалардаги Кушон шоҳи Васудева I нинг тасвирини синчковлик билан таққослаш бу иккала персонажда юз тузилишида, бош кийим ва зеб-зийнатлар кўришида ўхшашлик борлигини кўрсатади. Шу сабабли исмсиз «Кушон шаҳзодаси» бошининг ҳайкали Кушон шоҳи Васудева I нинг суратини акс эттирган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Шубҳасиз, Бақтриянинг монументал ҳайкалтарошлиги эллинизм, ҳинд-буддавийлик ва Бақтрия хусусиятларини ўзида мужассам этган ажойиб бадиий ҳодисадир.

---

[1] *Sims-Williams N., Cribb J.* A New Bactrian ... P. 73 – 145.

[2] *Schlumberger D., Le Berre M., Fussman J.* Surkh-Kotal en Bactriane ... P. 117 – 122.

[3] *Тургунов Б.А., Ртвеладзе Э.В., Лившиц В.А.* Открытие бактрийской ... С. 38 – 48.

[4] *Pugachenkova G.A.* Antiochus Commagennes et le prince Kushan // Annales archeologiques arabes syriennes. Vol. 21. Damas, 1917. P. 113.

Бир неча мингйиллик танаффусдан сўнг Ўрта Осиёда деворда-ги монументал рассомликнинг пайдо бўлиши (бу расомликнинг энг қадимги намуналари мил. авв. VI мингйиллик неолит даври билан — Песежиктепадаги деворий расмлар билан боғлиқ) бутунлай қадимги давр билан боғлиқ ҳисобланади.

Энг қадимги деворий рассомлик намуналари Холчаёндан топил-ган мил. I аср бошлари — II асрларга оид деворий расм парчалари ҳисобланади; шу билан бирга, Бақтрия ҳудолари ибодатхоналари ва Далварзинтепадаги сарой бинолари, Қоратепа шаҳридаги буддавий-лар ғор мажмуаси ва Эски Термиздаги буддавийлар ибодатхонаси де-ворий расмлари худди шу даврга тўғри келади. Бу даврга оид расмлар Зартепада ҳам топилди. Бақтриядан ташқаридаги Кушон даврига оид деворий монументал рассомлик намуналари Тупроққалъада (мил. II — III асрлари) топилди.

Деворга монументал расм чизиш, уларнинг топилган жойига кўра айтиш мумкинки, диний ва дунёвий бинолар ички безагининг бир қисми бўлиб хизмат қилган эди. Айвонлар, заллар ва алоҳида хона-ларнинг деворлари деворий расмлар билан қопланган. У ёпишқоқ аралашмадаги минерал бўёқ билан қуруқ сомонли лойдан ясалган гипс юза устига ёки алебастрнинг юпқа қатламига чизилган.

Бундай расмлар характерига кўра сюжетли ва манзарали, ғоявий мазмуни эса дунёвий, диний ёки мифологикдир.

Дунёвий йўналиш намуналарини Холчаёндаги саройдан топилган, бири эллин, иккинчиси, чамаси, ўрта осиёлик бўлган ўғил болалар-нинг бошлари тасвирланган кичик бўлакларда кўриш мумкин[1]. Дунё-вий характерга эга яна бир расм Далварзинтепадаги саройда учрайди, у ердан дубулға кийган бақтриялик жангчи ва зирҳли отнинг тумшуғи тасвирланган парча топилди[2].

Буддавийлик ва бақтрияликларнинг маҳаллий эътиқоди — иккита диний оқим диний характердаги рассомлик учун хос хусусият эди.

[1] *Пугаченкова Г.А.* Халчаян ... С. 144 — 153.

[2] *Pugachenkova G.A.* Les Tresors de Dalverzine tepe. L., 1978. P. 63.

Фаёзтепада ўндан ортиқ қаҳрамонлар иштирокидаги кўп образли саҳнанинг бир қисми сақланиб қолган бўлиб, унинг марказида Будда тасвирланган, маҳаллий худолар бошларида чамбарак билан унинг ёнига келишмоқда, улардан бири фаровонлик худоси Фарро номи билан сақланиб қолган ва унда шу ёзув мавжуд[1].

Қоратепадан топилган расм ҳам бизгача бўлакланган ҳолатда етиб келган. Парчалардан бирида Будда бошида чамбарак билан мандалда ўтиргани ва Бодха дарахти остида ўтирган роҳиблар тасвирланган сюжетли саҳна сақланиб қолган; бошқасида – «дхяна-мудра» ҳолатида ўтирган Будда; учинчисида – чамаси, зардуштийликдаги дафн этишдан олдин суякларни тозалаш маросими тасвирланган, бу эса буддавийлар ибодатхонаси учун ажабланарли тасвирдир.

Бактриянинг асли маҳаллий динини Далварзинтепада Нана маъбуди маъбадидаги деворий расм акс эттиради, у ҳам полда парчаланиб ётган ҳолда топилди. Қайта қурилган саҳнада зооморфик тахтда ўтирган маъбуда, бошида чақалоқ кўтарган, оқ либос кийган руҳоний ва қўлида иккита чақалоқни тутган роҳиба у томонга келаётгани тасвирланади. Сюжетнинг мазмуни ноаниқлигича қолмоқда, аммо у диний ишлар – чақалоқларни маъбудага шукроналик учун ёки маъбудага қурбонлик маросими учун олиб келиш билан боғлиқдир.

Ибодатхонадаги деворий расмда бўш жой йўқ, барча шакллар олти баргли гуллар ва ўсимлик новдалари билан тўлдирилган қизил фонда тасвирланади. Расмда жуда кўп ранглардан – қора, ҳаворанг, жигарранг ва сариқдан фойдаланилган, аёл ва болалар қиёфаларида тери оч пушти рангда, эркак образида эса қизил рангда тасвирланади. Шаклларнинг контурлари ингичка қора чизиқ билан чизилган. Шаклларга ҳажм беришга ёруғ ва соя томонларни муносиб бўёқларда кўрсатиш, контурнинг чеккалари бўйлаб қизил чизиқлар билан қисман штрихлар бериш орқали эришилганлиги кузатилади. Тасвирларни ифодалашнинг ўзига хос усули: барча қиёфаларнинг нозик чизилган юз ифодалари чақалоқдаги қўллар ва бармоқлар

[1] Культура и искусство ... С. 111.

анатомиясининг тўлиқ бузиб тасвирланиши билан уйғунлашган. Аммо бу орқали уларнинг ички эрксиз ва тўлиқ тобе ҳолати ҳам ифодаланган бўлиши мумкин. Маъбаддаги диний мавзуларга хос хусусиятларга эга бўлмаган таъсирчан ишланган расм жўшқинликка ва ифодалиликка тўла.

Бутун расм композицияси чети ўсимлик новдаларининг (уч баргли ёки икки баргли) геометрик шакллар (қора фонда оқ доиралар) билан бирикмасини ёки қизил, қора, жигарранг чизиқларни оддий акс эттирувчи манзарали чегаралар билан безатилган. Хона деворининг юқори қисми алебастрдаги расмлар билан безатилган бўлиб, улар эллин санъатида кенг тарқалган югураётган тўлқин ифодасини акс эттиради[1].

Далварзинтепадаги ҳунармандлар уйининг ибодат учун мўлжалланган хонасида кўплаб деворий расмлардан парчалар топилган, улардан бири кўп образли саҳна кўринишига эгадир. Унда от, унинг ёнида турган эркак ва уларга икки қаватли болохонадан қараб турган аёл тасвирланади. Эҳтимол, бу бутун саҳна қандайдир мифологик таркибга эга сюжетни ифодалаган бўлиши мумкин[2].

Зартепадаги бинолардан бирида топилган улкан қуш тасвирланган монументал расм ҳам балки мифологик мазмунга эгадир.

Шундай қилиб, ранглар палитраси, ижро услуби ва тартибида эллин дунёсига хос жиҳатларни сақлаб қолган ҳолда Кушон давридаги монументал деворий расмларнинг орнаментал мавзулари янги сюжет мазмуни ва бадиий услуб билан тўлдирилади.

Қам бўлишига қарамай, топилган намуналар Бактрияда йирик ва ўзига хос деворий монументал рассомлик мактаби мавжудлигини кўрсатади, кейинчалик бу Хоразм ва Сирндия (Миран)да рассомликнинг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатади.

---

[1] *Пугаченкова Г.А., Ртвеладзе Э.В.* и др. Дальверзин-тепе – кушанский ... С 75 – 90.

[2] Ўша манба. 218-бет.

ЁЗУВ ТИЗИМЛАРИ

У ёки бу халқ давлатчилигининг аҳамияти кўп жиҳатдан цивилизациянинг энг муҳим ютуқларидан бири – ёзувнинг борлиги билан белгиланади. Ёзув давлатлар пайдо бўлиши билан пайдо бўлган, чунки уларсиз давлат мавжуд бўлолмайди, у турли давлат ҳуқуқий институтларининг ишлашини таъминлайди.

Масалан, қадимги Мисрда ёзув – Миср иероглификаси мил. авв. III мингйилликнинг бошида, бу ерда бирлашган шоҳлик пайдо бўлган даврда вужудга келади. Ундан олдинроқ, мил. авв. IV – III мингйиллик бошларида ёзув аввалига расмли бўлган, кейин эса Месопотамияда, қадимги Шумер ва Аккад давлатларида миххат кўринишига келтирилади.

Бу иккала илк ёзув тизими сўзли белгилар, кейин эса бўғинли белгилар ва детерминативларни акс эттирар эди.

Кейинчалик, мил. авв. II мингйиллик охирида Финикияда маъновий ифодадаги эмас, балки ишлатилган сўзларнинг товушини акс эттирадиган семитча ҳарф пайдо бўлади. Ҳарфли ёзувнинг яратилиши инсоният тарихидаги ҳақиқий инқилоб эди, чунки у тахминан йигирмадан ортиқ белгилар тўпламига эга тизимдаги юзлаб графикли мураккаб белгилардан иборат катта иероглифли ёзувва миххат ёзувининг ўрнини эгаллади. Семит тилларининг ўзига хос хусусияти туфайли дастлабки ҳарфли ёзув фақат ундош товушларни (тўғри, кейинчалик баъзи унлиларни ҳам) берарди.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ҳарфлар билан ёзилган энг қадимги ёзувлардан бири Финикия ёзуви бўлиб, бу ёзув мил. авв. 1000 йилларда Библ шоҳи Ахирамнинг қадимги тош тобутида ёзилган, бу унинг ўғлининг буйруғига биноан қилинган, унда тобутни очишга ҳаракат қилган ҳар бир кишига лаънатлар ёзиб қўйилган эди[1].

Кейинчалик, эҳтимол, мил. авв. I мингйилликнинг бошларида семитлар ҳарфли ёзуви юнонлар томонидан қабул қилинган ва унли то-

[1] *Фридрих И.* История письма. М., 1979. С. 97, 282.

вушлар қўшиб мукаммаллаштирилган, бу эса сўзнинг ҳам, ёзувнинг ҳам тўғри етказилишини таъминларди.

Айнан шу икки ёзув тизими — оромийлар орқали семитлар ёзуви ва юнонча ёзув Ўрта Осиёда маҳаллий қадимий ёзув тизимларининг асосини ташкил этади. Шу билан бирга, маълум вақт, афтидан, мил. авв. I аср бошларидан VIII асргача Ўрта Осиёда Узоқ Шарқнинг буюк цивилизацияси тараққиёти давомида мустақил равишда пайдо бўлган Хитой иероглиф ёзуви қисман тарқалади. Мил. авв. VIII асрнинг биринчи ярмида Сўғдда икки ёзувли — Сўғд ва Хитой матнлари бўлган тангалар зарб қилинади[1].

Ўрта Осиё дастлабки ёзув пайдо бўлган ҳудудлар қаторига киритилган эмас. Унинг ҳудудида ҳалигача ёзув босиб ўтган дастлабки босқичларни, унинг *пиктография* ва *идеографиянинг* ўша машҳур буюмли ва расмли бошлангич шаклидан сўзли-бўғинли, бўғинли, ниҳоят, ҳарфли ёзувларгача бўлган даврини ўрганишга эришилмади.

Бироқ Туркманистон жануби ва Ўзбекистон жанубидан топилган мил. авв. II мингйиллик кулолчилигига оид буюмларда ўзаро бирикишида маълум тартибда фарқ қилувчи алоҳида белгилар гуруҳлари мавжуд[2].

Ўрта Осиёда ҳозирги кунга қадар Аҳамонийлар давлатида, Яқин ва Ўрта Шарқнинг кўплаб қадимий мамлакатларида асосий ёзув бўлган *миххат* ёзувларига оид топилмалар топилган эмас.

Аммо минтақа аҳолисининг ушбу ёзув билан танишлигини тўлиқ рад этиб бўлмайди, чунки Ўрта Осиё деярли 200 йил давомида Аҳамонийлар давлати таркибида бўлган (мил. авв. VI аср ўрталаридан мил. авв. 330 йилгача). Тўғри, ўша даврда миххат ёзуви аҳамоний шоҳлар томонидан, айниқса, тантанали маросимларда, хусусан, қояларда ғалабага оид маълумотларни ёзиб қолдиришда ишлатилган эди. Шоҳ Доро I нинг аккадча миххат ёзувида ўйиб битилган ва шоҳнинг хатти-ҳаракатлари ҳақида ҳикоя қилувчи, шунингдек, ўлпон тўловчилар — саклар, бақтрияликлар, марғиёналиклар ва бошқа халқлар тасвирланган Беҳистун ёзуви ҳам шундай ёзув эди.

---

[1] *Смирнова О.И.* Каталог монет ... С. 61.

[2] *Ртвеладзе Э.В., Лившиц В.А.* Памятники древней письменности. Ташкент, 1985. С. 7.

Ахамонийлар давлатида кенг тарқалган ёзувнинг яна бир тури оромий ёзуви эди.

Оромийлар (шимолий семит гуруҳига мансуб халқ) дастлаб Сурияда яшаганлар, мил. авв. II мингйиллик охири – I мингйиллик бошидан Ўрта Месопотамия ҳудудига кўчиб ўтишади. Оромийлар Финикия ёзувини қабул қилишади ва уни мукаммаллаштириб – ёзувнинг шаклини бироз ўзгартириб, бўшлиқлар ва унлиларнинг белгиларини киритадилар.

Мил. авв. IX – VIII асрларга оид унинг энг қадимий ёдгорликлари Сурия ҳудуди (Бар-Хадад) ва Туркиянинг жанубий-шарқий қисмида (Зинджерли) топилди[1].

Мил. авв VII – VI асрларда оромий тили ва оромий ёзуви илгари Олд Осиёда ҳукмронлик қилган ноқулай миххат ёзув тизимлари: аккад, элам ва урарту тилларини сиқиб чиқаради. Улкан Ахамонийлар империясидаги деярли барча сатрапликларда, Кичик Осиёдан тортиб Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий қисмигача, шу жумладан, Ўрта Осиёда оромий тили асосий алоқа воситаси, маъмурий бошқарув тили ва иш юритиш тилига айланади.

Геродотнинг сўзларига кўра, Ахамонийлар империясининг ҳар бир сатрапида шоҳнинг хатларини ўқиб берадиган шоҳ котиблари бор эди. Бундан ташқари, унинг яқинлари ҳам саводли эдилар. Доро I аслзода форс Багейни Лидия сатрапи Оретнинг олдига юборишга қарор қилганда Багей подшоҳ топшириғи билан бир нечта хатлар ёзади, Лидия пойтахти Сардга келганида уларни ўқиш учун подшоҳнинг котибига беради (Геродот, III, 128).

Афтидан, ўша пайтда Ўрта Осиё аҳолиси оромий ёзувини ҳам яхши ўзлаштирган эди. Буни Нил этакларидаги Элефантина оролида топилган оромий папируси тасдиқлайди. Мил. авв. 464 йилга тегишли ушбу ҳужжатда Артабан бўлинмасидан бўлган Элефантина оролидаги ҳарбий гарнизонда хизмат қилган хоразмлик Даргаман ва ўша гарнизоннинг бошқа бўлинмасидан бўлган яҳудий Маисей ўртасидаги ер

[1] *Фридрих И.* История письма. ... С. 106.

майдонига эгалик хусусидаги мулкий низо ҳақида сўз боради. «Артабан бўлинмасидан хоразмлик Харшиннинг ўғли Даргаман Элефантина қалъасида Маисейга айтдики...» сўзлари билан бошланган бу ҳужжат хоразмлик Даргаман оромий тилини ва ёзувини билишини кўрсатади[1].

Ўрта Осиёдаги оромий ёзувининг энг қадимий ёдгорликлари яқинда Шимолий Афғонистонда (Жанубий Бақтрия) топилган, оромий ёзувида оромий тилида ёзилган ҳужжат ҳисобланади. Улар орасида 30 та ҳужжат ёғочга, 18 таси терига сиёҳ билан ёзилган. Битта ҳужжат мил. авв. V асрга тўғри келади, қолганлари мил. авв. IV асрнинг бошларига тегишли. Улар мил. авв. 353 – 324 йилларга, яъни аҳамоний подшоҳлар Артаксеркс III, Доро III, Бесс (Артаксеркс IV) ва Македониялик Александр ҳукмронлиги даврига тўғри келади[2].

Ҳужжатларда иқтисодиёт, маъмурий тузилма, баъзи воқеалар, Бақтриянинг тарихий жуғрофияси ҳақидаги энг муҳим маълумотлар, баъзи муҳим шахсларнинг исмлари (Аҳвамазда ва Бҳагавант), шунингдек, қарз тилхатлари ва иш бўйича хатлар мавжуд. Хусусан, уларда Нахшабя (Нахшаб-Қарши), Кеш, ҳозирги Шимолий Афғонистондаги Амударёга қадар чўзилган чўлга тўғри келадиган Артадант чўллари ва бошқа кўплаб маълумотлар тилга олинади.

Археолог М. Мамбетуллаев томонидан Қатта Ойбуйирқалъа кўҳна шаҳри (Шимолий Хоразм) қазишмаларида топилган хумдаги қисқача ёзув мил. авв. V – IV асрларга тегишлидир[3]. Унинг тили қадимги хоразмча эмас, балки оромийчадир. Хоразм кўҳна шаҳрида кулолчилик буюмларида яна бир нечта ёзувлар топилган, аммо уларнинг қисқалиги (одатда, улар фақат хоразмча номларни ўз ичига олади) оромий ёзуви ёки у билан деярли бир хил бўлган хоразмча ёзув экашини аниқлашга имкон бермайди. Қўйқирилган қалъадан топилган баъзи ёзувлар, археологларнинг фикрига кўра, мил. авв. IV – III – мил. I асрларга тегишли ёдгорлик ҳам мана шундай.

---

[1] *Дандамаев М.А., Луконин В.Г.* Культура и экономика ... С. 300 – 301.

[2] *Shaked Sh.* Le satrape de Bactriane et son gouverneur Documents arameens du IV^e^s, avant notre ere provenant de Bactriane. Conferences donnees au College de France Met mai 2003. P. 5 – 48.

[3] *Мамбетуллаев М.* Хум с городища ... С. 46 – 48.

Мил. авв. III – IV асрларга оид оромий ёзувларига яна иккита ёзув тегишли. Бу Амударё хазинасидаги мухрли узукдаги ёзув бўлиб, тўртта белгидан иборат, шунингдек, ёзувнинг юқорисида буқа-одам – Гопатшоҳнинг тасвири туширилган. У Амударёнинг худоси WHSW – Вахшу номини англатади[1].

Бошқа бир ёдгорлик олтин тангалардаги Вахшувор исмини англатувчи юнонча транскрипцияда Оксиарт деб ёзилган оромий ёзувидир. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бу тангалар Македониялик Александрнинг қайнотаси, кейинчалик мил. авв. 327 ва 320 йиллар оралиғида Паропамисадда сатрап бўлган Бақтрия зодагони Оксиарт томонидан чиқарилган эди[2]. Аммо у Шимолий Бақтриянинг ҳам сатрапи бўлган бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас, унинг уруғи ибодатхонаси Бойсунтоғнинг этагида жойлашган, у ерда ҳали ҳам шундай номли қишлоқ – Вахшувор бор[3].

Македониялик Александрнинг юнон-македон қўшини ҳужумлари остида Ахамонийлар давлати қулаганидан кейин, Ўрта Осиёда юнон тили ва ёзуви ҳам иш юритишда қўлланилганига қарамай, оромийлар идораси сақланиб қолди. Мил. авв. 250 йилларда ташкил топган Парфия подшолигида бирмунча вақт идоралар юнон тили билан бирга оромий тилидан фойдаланишади. Мил. авв. III аср ўрталарида пайдо бўлган Юнон-Бақтрия подшолигида давлатнинг асосий тили юнон тили эди.

Ойхоним кўҳна шаҳрида топилган оромий тилида ёзилган битик мил. авв. II асрнинг биринчи ярмига тааллуқлидир.

Хўжалик юритиш борасидаги бу қисқа матн – учта нотугал сатр ва бошқа бир қўл билан ёзилган қўшимча (ёки нисбатан олдинги, аммо бузилиб кетмаган матн) ёзув бўлиб, П. Бернард ва В.А. Лившиц фикрига кўра, бу оромий эмас, балки бақтрия тилида ёзилганлиги ҳақиқатга яқиндир[4].

---

[1] *Зеймаль Е.В.* Амударьинский клад ...

[2] Бу ҳақдаги турли фикрларни мана бу ерда кўринг: *Дьяконов И.М., Зеймаль Е.В.* Правитель Бактрии Андрагор и его монеты // ВДИ. 1988. № 4. С. 4 – 19.

[3] *Ртвеладзе Э.В.* О монетах Вахшувара, месте его владений и принадлежности Амударьинского клада // Изучение культурного наследия Востока. СПб., 1999. С. 93 – 95.

[4] *Ртвеладзе Э.В., Лившиц В.А.* Памятники древней письменности ... С. 9.

Ойхонимдан топилган топилма шуни кўрсатадики, Юнон-Бақтрия подшолигида юнон идораси билан бир қаторда оромий-бақтрия идораси ҳам фаолият кўрсатган ва у асосан маҳаллий аҳолига хизмат қиларди.

Афтидан, Бухоро Сўғдида муомалада бўлган, Евтидемнинг тетрадрахмларига ўхшатиб ишланган, энг қадимги нусхалари мил. авв. II асрга тегишли бўлган тангалар матни сўғдча эмас, оромийча ёзувда ёзилган[1]. Антиохнинг тангаларига ўхшатиб ишланган, зарб қилиниши Самарқанд Сўғдида мил. авв. III аср охири – II аср бошларига тўғри келадиган тангалардаги ёзувлар юнон ёзуви билан бир қаторда оромий тилида ҳам ёзилган эди[2].

Бу ёзувларда, одатда, подшонинг исми + унвони ёзилган бўлиб, у ҳам тангалардаги матнларда учрайдиган иккинчи унвон – MLK' каби оромийча MR'Y сўзи билан ёзиларди. Мил. авв. III – II асрлар арафасида ягона оромий ёзуви бир неча турларга бўлинади, булар: квадрат шаклдаги яҳудий ёзуви, палмира ёзуви, наботий ёзуви ҳисобланади[3]. Ўрта Осиёда оромий ёзуви асосида маҳаллий ёзувларнинг пайдо бўлиши ва оромий ёзувининг ўзи сиқиб чиқарилиши кейинроқ юз беради.

Ушбу жараённи Ўрта Осиё Икки дарё оралигининг қадимги минтақаларида чиқарилган тангалардаги матнларнинг ёзилиш эволюциясини ўрганиш орқали кузатиш мумкин.

Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, мил. авв. III – I асрларда юнон тили Бақтрия, қисман Сўғд тангаларида расмий ёзув тили эди. Чунки мил. авв. IV аср охиридан мил. авв. II аср бошларигача ёки мил. авв. II асрнинг иккинчи ярми бошларигача Бақтрия ва Сўғд юнон-македон ҳукмдорларнинг сиёсий ва ҳарбий бошқаруви остида бўлди.

Шу билан бирга, Ўрта Осиё Икки дарё оралиғи ҳудудида мил. авв. III – II асрларга тегишли юнон ёзувларига оид топилмалар ҳозирча жуда кам эканини қайд этиш жоиз.

---

[1] *Лившиц В.А., Луконин В.Г.* Среднеперсидские и согдийские надписи ... С. 167.

[2] *Зеймаль Е.В.* Начальный этап ... С. 68 – 76.

[3] *Фридрих И.* История письма ... С. 106.

Шимолий Бақтриядан топилган бешта ёзув ҳам шундай топилмалар сирасига киради. Булар: қадимги Тахти Сангин кўҳна шаҳридан топилган «Атросок томонидан Оксга бағишланган эҳсон»[1] – қурбонгоҳдаги мил. авв. III – II асрларга оид ёзув, Кампиртепадан топилган идишлар парчаларидаги оғирлик ва суюқлик ўлчовлари –15 драхм ва 7 хойни, шунингдек, юнонча ҚЛІЕΘ[2] номни англатувчи мил. авв. II асрга оид ёзувлардир.

Мил. авв. III – II асрларга оид кўп сонли турли хил материаллар (сополлар, папирус матолар, тошлар)га ёзилган юнон тилидаги ёзувлар Окс (Амударё)нинг чап қирғоғида, яъни Ўрта Осиё Икки дарё оралиғида жойлашган Ойхоним кўҳна шаҳридан топилди.

Улар орасида шаҳар ҳукмдори ёки катта обрўга эга бўлган кишининг мақбарасидан топилган иккита ёзув бор. Улардан бирида, мазмунидан, қандайдир Клеарх – Арастунинг энг ёш талабаси бу ерда Дельфадаги Аполлон ибодатхонасида кўчирган сўзларини ёзган, бошқасида эса ҳикматли гаплардан парчалар келтирилади.

Кейинчалик бу сарой истеҳкомидаги бошқа бир объектни қазиш пайтида мил. авв. III – II асрларда юнон тилида папирусга ёзилган қўлёзмалар (дарвоқе, Марказий Осиёдаги энг қадимги) топилган бўлиб, у, Клод Рапэннинг фикрига кўра, Арасту таълимотига тегишли фалсафий мазмундаги матнлардир[3].

Кўҳна Афросиёб шаҳрида ҳам иккита қисқа юнон ёзуви топилган. Улардан бири мил. авв. IV аср охири – III аср бошларида қўй суяги ошигига ўйилган ва тўртта ҳарф – КТНΣ ҳарфларидан иборат. Х. Охунбобоевнинг сўзларига кўра, бу ёзув, яъни КТНΣ [ІОΣ] (уй ўчоғини қўриқлаб турадиган) – ўйин суяги эгаси юнонча номининг қисқартмасидир[4].

Ўрта Осиё Икки дарё оралиғида бу ҳудуд кўчманчилар томонидан забт этилганидан кейин ташкил топган кичик ўлкаларда юнон ёзуви

[1] *Литвинский Б.А., Виноградов Ю.Р., Пичикян И.Р.* Вотив Атросока из храма Окса в Северной Бактрии // ВДИ. 1985. № 4.

[2] *Rtveladze E.V.* Decovertes en numismatique... P. 22 – 25.

[3] *Rapin Cl.* Les inscriptions economiques ... P. 315 – 372.

[4] *Ахунбабаев Х.Г.* Астрагал с греческой надписью из раскопок на Афрасиабе // ИМКУ. 1991. №25. С. 72 – 77.

ва тили аввалгидек сақланиб қолди, нима бўлганда ҳам, ҳукмрон табақа учун расмий тил бўлиб қолди. Буни ушбу ўлкаларда зарб қилинган тангаларга қараб англаш мумкин.

Бақтрияда Гелиокс тангаларига ўхшатиб ишланган энг қадимги тангалардаги ёзувлар юнонча ёзувда, исм, унвон (басилевс) ва васф (Дикай) кўчирилишида юнон тилининг барча грамматик нормаларига риоя қилинарди.

Афтидан, мил. авв. II – I асрларда зарб қилинган Кушон ҳукмдори («Герай») тетрадрахмларининг дастлабки турларида ёзувлар юнонча ёзув ёрдамида битилган бўлиб, унда юнонча унвон (ҳукмдор)дан ва келиб чиқиши юэчжилик бўлган ҳукмдорнинг исмини ёзишда юнонча якун (оу)дан фойдаланилади[1].

Шунга ўхшаш ҳодиса Сўғдда чиқарилган тангаларда ҳам кузатилади. Гиркод ёки Уркод гуруҳидан бўлган дастлабки (эҳтимол, мил. авв. II аср охири – I асрлар) тангаларда олд тарафида тик турган кишининг тасвири, кейинчалик эса олди тарафи билан тасвирланган сакраётган от тасвири туширилган ва орқа тарафдаги ёзувларда ҳукмдорларнинг исмлари тўлиқ юнонча ёзилган, уларнинг охири юнонча: УРКОΔОУ ва ОРΔІТРОУ МАҚАРОУ[2] деб якунланади.

Тангалардаги ёзувлар улар зарб қилинган давлатнинг тили ва ёзувини акс эттирганлиги сабабли кўчманчилар томонидан яратилган дастлабки ўлкаларда юнон тили ва ёзуви сарой девонхоналарида ва танга зарбхоналарида давлат тили бўлганлигини таъкидлаш мумкин. Юнон худолари ва рамзларининг тангаларга жойлаштирилиши ҳам бу ўлкаларда эллин урф-одатларининг ўрни ҳақида гувоҳлик беради (Евкратиднинг оболларига ўхшатиб ишланган тангалардаги Диоскурларнинг бош кийимлари, Кушон «Герай» тангаларидаги Ника, Гелиокл тангаларига ўхшатиб ишланган тангалардаги Зевс, Деметрий тангаларига ўхшатиб ишланган тангалардаги Аполлон).

Кейинчалик юнон рамзларининг ҳам, ёзувининг ҳам ўрнини маҳаллий – Сўғд, Хоразм, Бақтрия рамзлари ва ёзуви олади. Худди шун-

[1] *Зограф А.Н.* Монеты «Герая» ...; *Давидович Е.А.* Первый клад ... С. 57 – 78.
[2] *Зеймаль Е.В.* Политическая история ... С. 192 – 214.

дай, Гиркод ёки Уркод гуруҳидаги тангаларнинг кейинги зарб этилган мил. I – III асрларга оид серияларидаги ёзувлар фақат сўғд ёзуви билан битилади. Шунингдек, Жанубий Сўғднинг Геракл ва Зевс тасвирланган, Самарқанд Сўғдининг камончи тасвирланган тангаларидаги ёзувлар ҳам маҳаллий тилга ўтказилади[1].

Вақти билан таркиби бўйича шунга ўхшаш юнон матнларини алмаштириш жараёни Хоразмда ҳам содир бўлди. Ушбу ҳудуддаги энг қадимги тангалар «А» гуруҳига оид Евкратид тетрадрахмларига ўхшатиб ишланган, қисман бузилган юнонча ёзув туширилган тангалар бўлиб, уларнинг чиқарилиши мил. авв. II асрнинг иккинчи ярми – мил. авв. I асрга тўғри келади. Хоразмча ёки оромийча қисқа ёзувлар фақат «Б» гуруҳи тангаларида учрайди, уларнинг зарб қилиниши мил. биринчи асрнинг ўрталари – иккинчи ярмида бошланади[2]. Тангалардаги матнлар ҳарфлари чинакам оромий ҳарфларидан кам фарқ қилади. Шунингдек, ушбу тангалар устидаги ёзувларда унвонлар фақат оромий тилида ёзилган: «Мрай» – ҳукмдор ва «Млка»– шоҳ[3].

Тангалардаги ёзувлар мил. I асрда Сўғд ва Хоразмда юнон ва оромий ёзувлари маҳаллий ёзув тизимлари (оромийча асосда) билан алмаштирилганлигини кўрсатади. Худди шунингдек, Парфияда ҳам мил. I аср ўрталарида ёш аршакийларнинг келиши билан тангалардаги юнон ёзувлари Парфия ёзувига алмаштирилади. Бироз вақт ўтгач бу жараён Бақтрияга ҳам таъсир кўрсатади, бу ерда мил. авв. II асрнинг биринчи ярмида, шоҳ Канишка I даврида, тангалардаги юнон ёзувлари Бақтрия ёзувлари билан алмаштирилади.

Оромий ёзуви ва тилининг маҳаллий тизимларга алмашиш жараёни узоқ давом этган деб тахмин қилиш мумкин. Ушбу ҳодисанинг аниқ белгиланишини илм-фанда ҳалигача Сўғд ёки Хоразм ёзувлари билан шу тилларда ёзилган узунроқ матнларга оид топилмаларнинг йўқлиги мураккаблаштиради. Аслида, уларнинг энг қадимийлари мил. II – III

[1] *Зеймаль Е.В.* Раннесогдийские монеты ... С. 68 – 73; *Ртвеладзе Э.В.* Монеты Кеша ... С. 43 – 49.

[2] *Вайнберг Б.И.* Монеты древнего Хорезма. М., 1977.

[3] Ўша манба.

асрларга (Тупроққалъадан топилган хоразмча матнлар) ёки мил. авв. IV аср бошларига (сўғд тилидаги эски хатлар) тўғри келади.

Мил. биринчи асрлардаги сўғд ёзуви, илк ўрта асрлардан фарқли ўлароқ, анча чекланган ҳудудда – Сўғд, Шош ва Шарқий Туркистоннинг ўзида тарқалади.

Сўғд ёзувининг энг қадимги намуналари Евтидем тетрадрахмларига ўхшатиб зарб қилинган, мил. авв. II аср бошларидан милоддан IV асргача Бухоро вилоятида чиқарилган кумуш тангалардаги қисқа ёзувлар ҳисобланади[1]. Аммо бу ёзувларнинг оромий ёки сўғд ёзувига тегишли эканлигини аниқлашнинг иложи йўқ, айниқса, унда оромийчага хос – MR'Y[2] унвони ишлатилган. Афтидан, устида Геракл ва Зевс тасвирланган, худди ўша оромийча MR'Y унвони ёзилган Жанубий Сўғд тангаларининг қадимги гуруҳидаги қисқа ёзувлар сўғд ёзувида эмас, оромий ёзувида битилган[3]. Бу унвоннинг сўғдча «хваб» унвони билан, шунда ҳам қисман алмаштирилиши анча кейинроқ содир бўлади. Биринчи марта у мил. III аср ўрталарига ёки иккинчи ярмига оид Шошнинг мис тангаларида қайд этилади[4].

Мил. I – II асрларда Сўғднинг турли минтақаларида зарб қилинган бошқа тангалардаги (Антиохнинг тангаларига ўхшатиб ишланган тангалар, Гиркод гуруҳидаги тангалар ва бошқалар) юнон ёзувлари сўғд ёзувларига алмаштирилади. Геммаларда (расмли қимматбаҳо ва яримқимматбаҳо тошларда) ҳам қадимги сўғд ёзувлари учрайди. Ўзбекистон ҳудудида топилган, мил. биринчи асрларга оид, дастлабки сўғд ёзувидаги ёдгорликларнинг ҳаммаси, афсуски, ҳали шулардир.

Шундай бўлса ҳам, Дунхуан ҳудудида топилган, илм-фанда «Қадимги сўғдча мактублар» деган ном билан машҳур, мундарижасига кўра сўғд тилидаги ҳужжатларнинг бебаҳо бир гуруҳи мавжуд. Бир

[1] *Лившиц В.А., Луконин В.Г.* Среднеперсидские и согдийские ... С. 167; *Зеймаль Е.В.* Политическая история ... С. 175; *Ртвеладзе Э.В., Мусакаева А.* Истории денежного ... С. 35 – 38.

[2] Бу ёзувларда алифнинг оромийчага ўхшаш жула арханк кўринишда ёзилиши яққол намоён бўлади.

[3] *Зеймаль Е.В.* Раннесогдийские монеты ... С. 68 – 73; *Ртвеладзе Э.В.* Монеты Кеша ... С.43 – 49.

[4] *Ртвеладзе Э.В.* История и нумизматика ... С. 35 – 37; *Лившиц В.А.* Предводитель Чачского ... С. 308.

қатор олимлар уларни мил. IV асрнинг бошларига оид, бошқалари ҳатто мил. II асрга оид деб ҳисоблайди[1].

Ҳиндистоннинг юқори қисмида К. Йеттмар томонидан ажойиб топилма топилди. Бу ерда Шатиал кўприги яқинида, Қоракум магистрали бўйида тик қоялар юксалиб турибди, уларда «ташриф буюрувчиларга онд» деб номланган сўғд ёзувлари ҳисобланган жуда кўплаб қисқа ёзувлар мавжуд. Х. Хумбах ва Н. Симс-Уилямс томонидан олиб борилган тадқиқотлар уларни Ҳиндистоннинг будда зиёратгоҳларига борган сўғд зиёратчилари ёки Ўрта Осиёнинг турли ҳудудларидан келган сўғд савдогарлари ёзиб қолдирганини кўрсатди. Ҳарфларнинг услуби ва шаклларига оид хусусиятлар бўйича баъзи ёзувлар олимлар томонидан мил. III, ҳатто II асрларга оид деб белгиланган бўлиб, улар, аслида, нафақат қадимги сўғд ёзувларидан бири, балки, умуман, тошга ёзилган энг қадимги сўғд ёзувидир. Олимлар Шатиал кўприги яқинидаги қояларга ўз ёзувларини қолдирган сўғдликлар орасида нисба (келиб чиқиши жойи)га кўра асли Маймурғ (Самарқанд яқинидаги) вилоятилик ва Шошлик кишилар ҳам бўлганини аниқлашди[2].

Сўнгги пайтларда дастлабки сўғд ёзувлари майдони бироз кенгайди. Шош ҳукмдори тангаларидаги сўғд ёзуви мил. авв. III аср ўрталарига тегишли бўлиб, унда «Шош халқининг ҳукмдори wnwn» деб ёзилган[3].

Қозоғистон жанубидаги Чимкент вилоятидаги Култоб кўҳна шаҳридан топилган қалъа дарвозаси аркидаги гиштлар ва устунлардаги сўғд ёзувлари ҳам мил. биринчи асрларга оиддир. Ушбу ёзувларни инглиз олими Н. Симс-Вилямс таржима қилди. Уларда Самарқанд, Кеш, Нахшаб, Навакмитан (Бухоро) — Сўғд ўлкалари ҳукмдорлари иттифоқи томонидан Чачаннап (Шош) қўшини қўмондони бошчилигида кўчманчиларга қарши шаҳар (форпост) барпо этилиши борасидаги энг муҳим маълумотлар мавжуд, мазкур шаҳар (форпост) ҳам

[1] *Лившиц В.А., Хромов А.Л.* Согдийский язык ... С. 351; *Henning W.R.* The date of the Sogdian Ancient Letters // BSOAS. 1948. Vol. 12. P. 3 – 4.

[2] *Литвинский Б. А.* Гильгитский эпиграфическо-петроглифический комплекс и его значение //МАИКЦА. Вып. 15. М., 1988.

[3] *Ртвеладзе Э.В.* История и нумизматика ... С. 5 – 37.

Чачаннапга қарашли эди[1]. Қизиғи шундаки, ушбу ёзувда худди тангалардаги ёзувлар, Керч ва Хитойнинг жануби-шарқидан топилган кумуш идишлардаги ёзувлар сингари Шош *c'c'nn'p*— Чачаннап (Шош халқи, жамияти, мамлакат) номи билан келтирилади. Фикримизча, Чачаннап шунчаки одамларнинг Шошга тегишлилиги белгиси эмас, балки давлатнинг расмий номи эди[2].

Мил. биринчи асрларда бақтрия ёзуви сўғд ёзувига қараганда муҳимроқ эди. Унинг аҳамиятлилиги у буюк Кушон давлатининг расмий ёзма тили бўлганлигидан далолат беради.

Тил ва ёзувнинг номи — «бақтрияча» В. Хеннинг томонидан таклиф қилинган эди. Келгусида бу ном умумий қабул қилиниб, илгари ишлатилган «этео» — «Тохар», «Кушон», «Кушон-Бақтрия», «Юнон-Бақтрия» сўзларининг ўрнини эгаллади[3]. Бироқ Кушон шоҳларининг ўзлари бу тилни орийча деб аташни афзал кўришган, бу Работакдан топилган тош плитага ёзилган шоҳ Қанишканинг фармонидан кўриниб турибди. Унда айтилишича: «У (шоҳ Қанишка — *Э.Р.*) юнон тилида фармон чиқарди, кейин уни орийчага ўгирди»[4]. Бақтрия ёзуви Бақтрияда пайдо бўлганлиги бежиз эмас, бу ҳудудда кучли эллин анъаналари, юнон алифбоси ва тилининг барқарор бўлганлиги билан изоҳланади. Кушон империясининг дастлабки даврларида расмий давлат ёзуви юнонча бўлган, бу илк Кушон шоҳлари Сотер Мегас ва Кадфиз II тангаларидаги унвонлар юнончада ёзилганидан кўриниб турибди. Кушонлар шоҳи Қанишка даврида (чамаси, мил. II асрнинг биринчи ярми) тангалар устида юнон тилидаги унвон ўрнига бақтрия ёзувидаги бақтрияча унвон — «Шоанано Шао Қанишка Кушон» — «Кушоннинг (наслидан) шоҳлар шоҳи Қанишка» пайдо бўлади.

Шу асосда бақтрия ёзуви ҳам шу подшо даврида ихтиро қилинган деб ҳисобланади. Аммо ҳозирда Қанишка I давридан олдин ҳам бақт-

---

[1] *Sims-Williams N., Grenet F.* The Sogdian inscriptions ... C. 95 – 11.

[2] *Ртвеладзе Э.В.* История и нумизматика ... С. 35 – 36.

[3] *Стеблин-Каменский И.М.* Бактрийский язык. Основы иранского языкознания. Среднеиранские языки. М., 1981. С. 314 – 347.

[4] *Sims-Williams N., Cribb J.A.* New Bactrian Inscription ...; *Ртвеладзе Э.В.* Новые данные... С. 67 – 70.

рия ёзувидан фойдаланилганлигини кўрсатувчи бир қатор топилмалар, ёзувлар мавжуд.

Хусусан, Дашти Навурдан топилган коятошлардаги ёзувларда, Ж. Фюсманнинг фикрича, кҳароштхи ёзувлари ва номаълум ҳарфлар билан бирга бақтрия ёзуви ҳам мавжуд бўлиб, унда Қанишкадан олдинги шоҳ Вима Кадфиз II номи сақланиб қолган[1].

Ушбу фикрга нисбатан ҳозирда Ж. Крибб эътироз билдириб, бу ёзувда Кушон давлатининг нисбатан олдинги шоҳи Вима Так [то] исми ёзилган деб ҳисоблайди[2].

Бақтрия ёзуви ва бақтрия тили, афтидан, мил. авв. I аср охири – мил. I асрга оид Танлисмайдат тангаларида ҳам ишлатилган эди. Бу тангаларнинг устидаги ёзувда келтирилган аёл номи – Раггодем сўзининг биринчи таркибий қисми эронча *ранг* (ранг) сўзидан келиб чиққан бўлиб, ундаги «нг» бирикмаси Бақтрияга хос «г» ундошининг икки марта ёзилиши билан берилади[3]. Шунингдек, Кушон ҳукмдори («Герай») тангаларида юнон алифбосида мавжуд бўлмаган «ш» товушини турли ҳарфларнинг бирикмалари орқали беришга уринишлар ҳақида ҳам айтиб ўтиш керак. Қанишка ҳукмронлигидан анча олдинги давр – мил. авв. II асрнинг биринчи ярмига оид бўлган бақтрия ёзувида ёзилган битиклар ҳам мавжуд.

Эҳтимол, бу Бақтрия ёзувининг мил. I асрда, яъни Ўрта Осиё Икки дарё оралиғининг бошқа ёзувлари – хоразм ва сўғд ёзуви пайдо бўлган пайтда фойдаланила бошланганлигидан дарак бериши мумкин.

Канишка даврида бу тил ва ёзув давлат тили ва ёзувига айланган, бу шоҳнинг фармонида эълон қилинган ва танга ёзувларида ўз тасдигини топади.

Бақтрия алифбоси, чамаси, 25 та ҳарфдан иборат. Бақтрия ёзувининг иккита тури ажратиб кўрсатилади – монументал ёки лапидар

[1] *Fussman G.* Documents epigraphiques Kouchans // Bulletin de l'Ecole francaise de l'extreme. Orient T. LXI. Paris, 1974. P. 1 – 66.

[2] *Sims-Williams, Cribb J.* New Bactrian Inscription ...

[3] *Ртвеладзе Э.В.* Монеты Танлисмайдата ... С. 51 – 60.

ва курсив. Улардан биринчисига ҳарфларнинг алоҳида ёзилиши, ўткир бурчакли ва юмалоқ шаклдаги белгилар бирикмаси, бош ҳарфларнинг йўқлиги, сўзларнинг қўшиб ёзилиши хос эди. Курсив ёзув дастхатларнинг сезиларли даражада хилма-хиллиги ва белгиларнинг шаклан мураккаб хусусияти, сўзларида ҳарфлар ҳар доим алоҳида ёзиладиган монументал ёзувдан фарқли ўлароқ, кўпинча сўзларда ҳарфларнинг қўшиб ёзилиши билан ажралиб туради.

Ҳозиргача маълум бўлган бақтрия ёзувларини уч гуруҳга бўлиш мумкин, булар: эпиграфик ёзувлар — қоялар ва тош плиталар, лойдан ясалган идишлар ва сопол бўлаклари, геммалар ва бошқа нарсалардаги ёзувлар; нумизматик — тангалардаги ёзувлар; қўлда ёзилган ҳужжатлар — папирус, пальма барглари, қоғоздаги ёзувлардир. Ёзиш услубига кўра улар орасида «граффито» ёзувларини ажратиб кўрсатиш мумкин, улар коятошларга, тош плиталарга ўйиб ёзилган ёки пиширилишидан олдин сопол ва лой идишларга қириб ёзилган, шунингдек, қора «сиёҳ» ва ингичка чўтка билан сополларга, папирусларга ёки бошқа материалларга битиларди[1].

Шимолий Бақтрияда ғарбдан шарққа қадар бақтрия ёзувлари топилган қуйидаги жойлар қайд этилган: Қоракамар ғор мажмуаси — коятош юзасидаги «граффито» ёзувлари; Кампиртепа манзилгоҳи — лойдан ясалган идишга қора «сиёҳ» билан битилган ёзув, сополга худди шу услубда ёзилган ёзувлар, папирусга ёзилган хат; Эски Термиз, Қоратепадаги будда ибодатхонаси — ғорлар деворларидаги, сополлар ва идишлардаги «граффито» ёзуви; Фаёзтепадаги будда ибодатхонаси — сополлар ва идишлардаги «граффито» қора «сиёҳ» билан битилган ёзувлар, ташландиқ ҳудудда қора «сиёҳ» билан сополга ёзилган ёзувлар; Мирзақўлтепа — сополга тирнаб ёзилган ёзув; Ялангтўштепа — хумдаги тирнаб ёзилган ёзувлар, сопол идишларга қора «сиёҳ» билан ёзилган ёзувлар; Айритом — тош ҳайкал пойдеворида олти қатор бақтрия ёзувидабитилган ёзув;

[1] *Лившиц В.А.* Кушаны: письменность и язык. Центральная Азия в кушанскую эпоху. Т. I. М., 1974; Ўша муаллиф. Новые находки на Кара-тепе в Старом Термезе // Кара-тепе. IV. М., 1975; *Стеблин-Каменский И.М.* Бактрийский язык ... С. 317 — 352.

Шоҳтепа – идишнинг тепа қисми парчасига тирнаб ёзилган ёзув; Душанбе – хумнинг тепа қисмидаги ёзув[1].

Бақтрия ёзувида топилган ёдгорликларнинг аксарияти мазмунан жуда қисқа. Тангаларда улар шоҳларнинг номлари ва унвонларини, худоларнинг исмларини, геммаларда уларнинг эгалари исмларини, ижтимоий мавқеини, масалан, «Варахран сатрап», баъзан диний ифодани кўрсатади. Ашмолеан музейидаги ёрлиқ ёзуви анча қизиқарли ва ўқилиши жуда қийин, уни В.А. Лившиц қуйидаги мазмунда таржима қилади: «Ой-Канишка, ябғу, Ҳиндистон подшоҳининг ўғли». В. Хеннинг Ой-Канишка буюк Кушон шоҳининг у тахтга ўтиришдан олдин Тохаристон шаҳзодаси бўлган вақтда номланган тўлиқ исми бўлган деб ҳисоблайди[2]. Идишлар ва сопол идишлардаги ёзувларни бўлакларга бўлиниб кетганлиги сабабли ўқиш қийин, уларда идишлар ичидаги таркибнинг номи, одамларнинг исмлари, баъзан диний ифодалар ёзилган. Бу борада қадимги Термиздаги Будда ибодатхонасида олиб борилган қазишмалар пайтида топилган идишлардаги икки тилдаги – бақтрия ва кҳароштхи ёзувларини кўриш мумкин. Унда: «Дхарма тарғиботчиси Буддаширнинг совғаси» (Т.В. Грек ва В.А. Лившиц таржимаси), – дейилади.

Бу бағишлов тарзидаги ёзув дхарма тарғиботчиси бўлган, яъни хайрли ишлар қилган Буддашир мазкур идишни Будда ибодатхонасига совға сифатида тақдим этганлигини англатади. Зартепанинг кўҳна шаҳрида топилган хумнинг тепа қисмига тирнаб ёзилган, «Шива-Виша худоси...» деб таржима қилинган бақтрия ёзуви ҳам жуда қизиқарлидир[3]. Далварзинтепадаги Будда маъбадини қазиш пайтида топилган катта хум идишдаги ёзув бошқача характерга эга. Унда «... Буни мен ёздим...» жумласининг бошланиши сақланиб қолган. Б.Я. Ставискийнинг экспедицияси томонидан кашф этилган, В.А Лившиц, Х. Хумбах ва Ж. Харматта томонидан ўрганилган Эски Термиз-

[1] *Ртвеладзе Э.В.* К географии бактрийских надписей // Археология Средней Азии. Ташкент, 1990. С. 85 – 87.

[2] *Лившиц В.А.* К открытию бактрийских ... С. 63.

[3] Культура и искусство ...

даги Қоратепа буддавий монастири ғори деворларидаги «граффити» ёзувлари кўпчиликка маълум. Булар асосан буддавийлик зиёратгоҳига сиғиниш учун келган зиёратчиларнинг исмларини билдирувчи ташриф ёзувлари: Борзомиро, Оромазда, баъзи ҳолатларда ёзувлар «Мен бу ерга келганимда...» деган жумла билан бошланади[1].

Кўҳна Айритом шаҳри қазилмаларида тарихий муносабатларда жуда муҳим бўлган бақтрия ёзувидаги битик топилган, у ердаги бинолардан бирида тик турган аёл ва ўтирган эркак ҳайкалининг бўртма шакллар билан ишланган ҳайкалтарошлик мажмуаси топилган эди. Унинг устунида бақтрияча олти қаторли битик монументал ёзув билан ўйиб ёзилганлиги аниқланди[2].

Афсуски, ёзув фақатгина қисман сақланиб қолган, матнга устун юзасининг бузилиши таъсирида жиддий тарзда шикаст етган. Унда Кушон шоҳи Хувишка ҳукмронлигининг тўртинчи йилида қандайдир Шодия исмли шахс яроқсиз ҳолга келиб қолган буддавийлик монастирини қайта тиклаш учун Айритомга юборилганлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Ёзув таржимасининг сўнгги муқобили В.А. Лившиц ва Э.В. Ртвеладзе томонидан амалга оширилган бўлиб, у қуйидагича:

1. Шоҳ Хувишка /ҳокимиятнинг тўртинчи йилида «... шаҳарга/ёки мамлакатга /... Подшо инъом қилди /?/ёки совға қилди/?/ҳадя қилди /?/бу сангҳани ва/??/шаҳарни...

2. .... бу/яъни сангҳага/асос солди/ташкил этди/Шодия ва...

маъбадни тартибга келтирди/ёки безатди/.

3. ... / маъбад ??? / шоҳ атади /қилди/ Кушон номи билан/?/ ва бундан ташқари / Шодия? / акрополда худолар учун катта дарвоза қурди /? /.

4. .... оқаётган сув / эди? / сувсиз, шунинг учун / ??? // Шодия / қазиди / да? /.

---

[1] *Лившиц В.А.* К открытию бактрийских ...; Ўша муаллиф. К интерпретации бактрийских надписей из Кара-тепе // Новые находки из Кара-тепе в Старом Термезе. М., 1975; *Грек Т.В., Лившиц В.А.* Двуязычная надпись из Кара-тепе // Буддийский культовый центр Кара-тепе в Старом Термезе. М., 1972. С. 118 – 122; *Harmatta J.* The Bactrian Wall-Inscriptions from Kara-tepe // Буддийские пещеры ... С. 82 – 126.

[2] *Тургунов Б.А., Лившиц В.А., Ртвеладзе Э.В.* Открытие бактрийской ... С. 38 – 48.

5. ... Шодия қазиди ва иккала/? / илоҳиёт унга / ҳа /? Келтирилди / ёки «келишди».

6. ... ва буни Мирозадо Шодиянинг буйруғи билан ёзди».

Ушбу ёзув Ўрта Осиё ҳудудидаги биринчи ва энг узун монументал Бақтрия ёзуви, умуман, ҳайкалларга битилган илк бақтрия ёзувидир. Ушбу ёзув Айритом ибодатхона мажмуасининг яралиш санасини тушунишда биринчи даражали аҳамиятга эга, шунингдек, у бизнинг Бақтрия тилининг луғати ва унинг диалектологияси ҳақидаги маълумотларимизни бойитади.

Бақтрия ёзуви тарихида Қампиртепада олиб борилган қазилма ишларида унинг шарқий қисмида жойлашган бинодан топилган қўлёзма парчалари катта қизиқиш уйғотади. Ёзувлар қия босма Бақтрия ёзувида, Бақтрия тилида ёзилган. Икки бўлакда «АВО» сўзи бор. Булар «га», «да» қўшимчалари ёки «сув» сўзини англатади. Битта бўлакда «ВІДО» — бошлиқ сўзи, бошқасида иккита сўз қолдиги ва қўшимчалар сақланиб қолган, аммо умумий равишда парчаларнинг ҳеч бири изчил ўқишга имкон бермайди.

Қўлёзмаларнинг топилган қисмлари мил. авв. II асрнинг биринчи ярмига оид бўлиб[1], улар нафақат Бақтрия тилидаги энг дастлабки қўлёзмалар, балки Ўрта Осиёнинг энг қадимий қўлёзмаларидир[2].

Сўнгги йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида «номаълум хат» деб номланган янги ёзув топилди. У Ж. Фюсман Дашти Навурда топилган учта тилда ёзилган хатда кхарошти ва бақтрия ёзуви билан бирга номаълум ёзувда ёзилган ёзувлар ҳам борлигини аниқлаганидан кейин фанда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, у Сурх-Кўталдан топилган оҳактош плитасида ва Холчаёндан топилган сопол идишда шунга ўхшаш ёзув борлигини аниқлади[3].

Кейинчалик В.А. Лившиц Фаёзтепадан ва Эски Марвдан топилган сопол буюмлари бўлакларида шунга ўхшаш ёзувлар борлигини аниклади. Худди шу ёзувнинг нисбатан қадимийроқ яна бир муқобили.

[1] *Тургунов Б.Л., Лившиц В.А., Ртвеладзе Э.В.* Открытие бактрийской ... С. 38 – 48.

[2] *Ртвеладзе Э.В.* Кушанская крепость Кампыр-тепа // ВДИ. 1984. № 2.

[3] *Fussman G.* Documents epigraphiques Kouchans ... P. 1 – 66.

унинг фикрига кўра, Иссиққўл қўрғонидан топилган мил. авв. V асрга оид кумуш қадаҳда қайд этилади[1]. 1980 йилда П. Бернард Ойхонимдан топилган кумуш ёмбидаги ёзувни аниқлаган бўлиб, у белгиларининг характери бўйича Иссиққўлдаги ёзувлар билан ва «номаълум хат» ёзуви билан жуда ўхшашдир[2].

В.В. Вертоградова Қоратепадан ва Хотин-Рабоддан топилган бир неча ёзувларни ўрганиб чиқди[3]. Қўштепадан, Кампиртепадан ва Эски Термиздан топилган «номаълум хат» билан ёзилган янги ёзувлар 1998 йилда Э.В. Ртвеладзе томонидан нашр этилди[4].

Бу хатдаги тилга келсак, у ҳақда ҳозирги пайтда бир нечта фаразлар келтирилади. Шунингдек, Ж. Фюсман Дашти Навур ёзувининг топилишига таяниб қадимги Жагада аҳолиси – праормурининг ва Камбоджанинг тилини ўзида акс эттиради. П. Бернарднинг сўзларига кўра, Ойхоним ёзувидаги тил бақтрияча ҳислбданади.

В.А. Лившиц бу ёзувнинг сакларга тегишли эканлиги, Иссиққўл ёзувида унинг энг қадимги муқобили тақдим этилгани ҳақидаги фикрни айтади. В.В. Вертоградова ушбу маълумотларнинг барчасини умумлаштириб, ҳозирда «номаълум хат»нинг икки тури ҳақида гапириш мумкин деб ҳисоблайди: илк, Иссиққўл ва Ойхоним ёзувларида тақдим этилган ва нисбатан кейинги – бир нечта вариантлардан иборат бўлган, бу хатнинг кейинги муқобиллари эрамизнинг энг бошида пайдо бўлган. Унинг фикрича, номаълум хатнинг умумий тузилиши оромий ёзуви ва кҳароштхи ёзувига яқин бўлган[5].

Унинг қайси тилга оидлиги ҳақидаги вариантларга тўхталиб аниқ бир фактни таъкидлашимиз керакки, айнан Бақтрия номаълум хатнинг асосий маркази бўлган, шунингдек, Кушон давлатида расман тан олинган уч тилдан бири эди.

---

[1] *Лившиц В.А.* Надписи из Дильберджина // Древняя Бактрия. М., 1976.

[2] *Bernard P.* Campagne de fouille 1978 a. Ai Khanoum Afganistan // AIBL. Paris, 1980. P. 437 – 444.

[3] *Вертоградова В.В.* Находка надписи неизвестным письмом на Кара-тепе // Буддийские памятники Кара-тепе в Старом Термезе. М., 1982. С. 160 – 167.

[4] *Ртвеладзе Э.В.* Новые надписи неизвестным письмом из Северной Бактрии // Адабий мерос. 1998. 1 (67) – 2 (68). С. 20 – 25.

[5] *Вертоградова В.В.* Находка надписи ... С. 160 – 167.

Шундай қилиб, номаълум ёзув Бақтрияда ва Қушон давлатида аҳолининг муҳим қисмини ташкил этган, диний ва маъмурий ҳаётда муҳим рол ўйнаган халқнинг тилини акс эттириши ёки ҳукмрон сулола тили ва аҳолининг устун қатлами тили бўлган бўлиши керак.

Бақтриядаги маҳаллий халқнинг асосий қисмини бақтрияликлар ташкил қилган, уларнинг ёзуви ва тили кўплаб ёзувларда акс этади. Бошқа яна бир муҳим, лекин четдан келган, яқин ўтмишда бу ҳудуддаги катта қатламни ташкил этган ва шубҳасиз, Қушон даврида сақланиб қолган Бақтриянинг юнон эпоси ҳам ўзининг тили ва ёзувига эга эди.

Пракрит ва санскрит тилларини акс эттирувчи шунга мос кхароштҳи ва брахма ҳинд ёзувлари Бақтрия этносферасига ҳинд этник гуруҳларининг чуқур кириб борганидан далолат беради. Шундай қилиб, Бақтриянинг учта муҳим этник гуруҳлари ўзларининг ёзувига эга эди. Улардан иккитаси Дашти Навурдан топилган ёзувларда қўлланилган бақтрия ва кхароштҳи ёзувларидир, бу мутлақо табиий, чунки улардан биринчиси Бақтрия туб аҳолисининг асосий тилини акс эттиради, иккинчиси ҳинд мустамлакаси аҳолиси ва Қушон давлатининг диний ҳаётида жуда муҳим рол ўйнаган буддавийлик динининг тили ҳисобланади. Бундай ҳолда учинчи ёзув Бақтрияда яшаган асосий халқлардан бирининг тилини акс эттирган бўлиши керак. Юқорида тилга олинган этник гуруҳлар билан бирга Бақтрияга келган кўчманчи халқларнинг учта тўлқини — саклар, юэчжилар, асийлар, пасианлар, тохарлар ва сакаравлларни ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

Улардан Бақтрия тарихида асосий рол ўйнаганлари юэчжилар ва тохарлар эди. Тохарларнинг етакчи роли «Тохаристон» — тохарлар мамлакати номи билан мустаҳкамланган бўлиб, бу ном чамаси, мил. авв. I асрдан бошлаб аввалги «Бақтрия» номи билан баробар равишда қўлланилган эди. Юэчжи ва тохарлар, баъзи тадқиқотчилар тахмин қилганидек, бир миллат ва элат бўлган бўлиши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас.

Марказий Осиёдан келиб чиққан юэчжилар келгинди халқ бўлган, шунга кўра, ўзининг тили бўйича бақтрия тилига — Бақтриянинг ав-

тохтон тилига алоқадор бўлган эмас. Бироқ ҳозирги кунга қадар фанда юэчжи тилининг келиб чиқиши тўғрисида маълумотлар йўқ, чунки юечжи тилидаги ҳеч бир сўз ёзма манбаларда сақланиб қолган эмас. Бундан шундай мантиқий хулоса келиб чиқадики, агар юэчжиларнинг, биринчи навбатда, Кушоннинг роли Кушон давлати тарихида шундай катта аҳамиятга эга бўлган, Дашти Навурдан топилган учта тилда ёзилган номаълум хат кхароштҳи ва бақтрия ёзувлари билан бир қаторда расмий тил сифатида аҳамиятга эга бўлган экан, унда номаълум хат юэчжи тили бўлганлигини тахмин қилиш мумкин.

Бу ёзув нафақат расмий, балки Бақтриянинг бир қатор қишлоқ манзилгоҳларида топилган сопол идишлардаги ёзувларга қараганда, халқ орасида ишлатилган ёзув ҳам эди.

Хоразм ёзуви, Сўғд ва Бақтрияникидан фарқли равишда, камроқ ҳудудда, асосан қадимги Хоразм ҳудудида тарқалган эди.

